


Иброҳим Каримов

МАЪНАВИЯТ,  
ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ



"Фан"

**ИБРОХИМ КАРИМОВ**

**МАЪНАВИЯТ,  
ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ**

**(иккинчи, тўлдирилган нашри)**

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

“Фан” нашриёти

2007 йил

Мазкур тўпламга муаллифнинг Ўзбекистон Миллий Мустақиллиги арафасида, хусусан мустакиллик йилларида ёзган, республика газеталари, журналлари ҳамда ўкув қўлланмаларида нашр этилган мақолалари, шунингдек мухим мавзууларда кам ададда чиқсан 2 та рисодаси ҳам киритилган.

Ушбу тўплам (иккинчий тўлдирилган нашр) маънавият, фалсафа, диншунослик, миллий ғоя фанларининг баъзибир мухим муаммолари ечимини топиш ҳамда глобаллашув жараёнида республикамизда маънавиятни илмий ва миллий негизда ривожлантириш заруратини англаб олишгэ ёрдам беради.

Тўплам таълим тизимида ишиётган ўқитувчилар, профессор-муаллимлар, докторантлар, аспирантлар, мустақил изланувчилар, талабалар, шунингдек, миллий ғоя тарғиботи билан шуғулланувчи кадрларга мўлжалланган.

### **МАСЪУЛ МУҲАРРИР:**

**Фалсафа фанлари доктори, профессор А.Э.Абдусамедов.**

### **ТАҚРИЗЧИЛАР:**

**Фалсафа фанлари доктори, профессор Э.Умаров.**

**Фалсафа фанлари номзоди, профессор С.И.Валиева.**

**ISBN 978-9943-09-418-5**

©Ўзбекистон Республикаси  
ФА “Фан” нашриёти,  
Иброҳим Каримов, 2007 й.

# Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағышлайман

## МУКАДИМА

Уйбу 2001 йилда шу номда чиқарылган түпнамга олимнинг Ўзбекистон мустақилиги арафасида, хусусан унинг мустақил тараккюёт йўлига қадам кўйгандан кейин ёзган ҳамда республика тарбият министри тарафдан тақдимотидан көрсетилган бўлмаган аprobацияядан ўтган яна бир қатор шимий ва шмий-оммабон мақолалари, асафрлари жамланди. Мақолалар тадрижий (хронологик) тарзда жойланди. Бунда китобхонлар кундалик хаётдаги долзарб масалаларга муаллифнинг муносабатини англаб олиш имкониятига эга бўладилар. Айни чорда амалий ҳаёт тақозаси билан тадқиқотчининг фикрлари ҳам ривожланниб, сайдар топиб борганини англаидилар.

2001 йилда 2000 нусхада чиқарылган түптам тезда тарқаб, у нафақат таълим тизимида ўқиётган ва ишилаётган, балки маънавий маданият масалалари билан қизиқсан барча китобхонларнинг шахсий кутубхоналарида ҳам ўз ўрнига эга бўлди.

Ўзбекистон мустақиллигини маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш ишларида фаол қатнашаётган муаллифинг бир қатор илмий-фалсафий мақолалари ўрин олган уйибу нашири янада фикр-мулоҳазаларга бой, назарий жиҳатдан тагинда мукаммат, методологик ёндашув жиҳатидан тақомилашгани билан дикқатга сазовордир.

Мустақиллик шылдарыда фалсафа фаны ва диншүнослик масалаларыга яңгыра методологияк ёндашув туфайлы, ижтимоий ва индивидуал онғда барқарор бўлиб қолган турғун фикрларга барҳам берини зарурати пайдо бўлди. Ушбу зарурат натижасида фалсафа фаны ва диншүнослик курси бўйича чоп этилган қўйланмаларга киритилган мақолаларнинг айримларини ушбу тўпламда берини лозим топилди. Диншүносликка оид «Марказий Осиё халқлари тарихида

дин» доцентлар Н.Колемасова ва А.Зайнитдинова, «Маънавий маданият ривожисида ҳурфикрлиликнинг тутган ўрни» доцент Ш. Шоабдурахимова, «Имонли одамлар иттифоқи муаммоси ва Ўзбекистонда ижтимоий адолатли жасамият қуриш масаласи» профессор А.Абдусамедов ва “Динлар тарихини билиш – тарихий зарурат” республикадаги таниқли файласуфлар билан ҳамкорликда ёзилган.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаши манфаатлари жасамиятимизда маънавий ҳаётнинг соглом изга тушиб олишини тақоза этмоқда. Бунинг учун эса тарихий хотирага эга, миллий, диний ва умумбашарий қадрияларни илмий идрок эта оладиган ҳамда кенг қароровли (фалсафий) тафаккур тарзи шаклланган баркемол, соглом шахс – комил инсонларга ижтимоий эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Зоро, Президент И.А.Каримов мустақиллик ийларида маънавият соҳасида бошлаган «Улуғ ишларимизни изчилик билан давом этитиши, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиши» вазифасини кўймоқда.

Шу мақсадда ҳар бир йил маънавиятимизнинг маълум бир соҳасини ривожлантиришига багишланганни маънавий бой, ахлоқий пок, тарихий хотирага эга имонли комил инсонлар шахсини шакллантириш даври бошланши деб тушунмоқ, буни умумхатқ ээгу ҳаракатига айлантириб юбориш йўлидаги дастлабки дадил қадамлар деб англамоқ даркор. Бинобарин, ушибу тарихий вазифани бајаршида файласуфларнинг фикрлари, хуносалари, назарий қоидалари ва концепцияларининг ҳам ўзига хос ўрни ва роли борлиги шубҳасизdir.

Мазкур китобга жаъмланган битиклар талабалар, аспирантлар, докторантлар ва умуман маънавий маданиятни миллий заминда ривожлантириши, миллий гоя ва мағқурани шакллантириши ва тақомиллаштириши йўлида фидойилик қилаётган мутахассислар учун фойдали бир қўлланма, диний қадрияларни илмий-фалсафий идрок этиши учун эса йўлланима бўлиши мумкин.

## АЖДОДЛАРИМИЗ МАЙМУНДАН ТАРҚАМАГАН

“Одам маймунми ёки фариштга? Милорд, мен бүткүл фаришталар томонидамаң”. – Инглиз табиинётшүнөс олими Ч.Дарвиннинг эволюцион назарияси вужудга келгач, Англия давлат арбоби ва ёзувчи Б.Дизраэли юкоридаги фикрларни айтib, ўзини ва маслақдошларини овутганига бир асрдан ошди.

Ч.Дарвин таълимоти биологияда инқилобий ўзгариш ясабгина қолмай, айни чоғда асрлар мобайнида жумбок бўлиб келган муаммо – одамнинг пайдо бўлиши ва шаклланишини илмий асосга йўналтириди. Бироқ, бир аср муқаддам бўлганидек, ҳозирда бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам одамзоднинг аждоди маймун дейишни ўзига раво кўрмай келаётган одамлар кўп.

Уларни тичлантириш учун давтаувал шуни айтмокчиман: Ч.Дарвин 1871 йилда нашр этилган машхур “Одамнинг келиб чиқиши ва жинсий танданиш” асарининг бирор жойила одам тўридан тўғри маймундан келиб чиқсан, деган фикрни асло айтган эмас; у одам қандайдир мўъжиза бўлмай, балки Ерда қонуний ривожланишининг маҳсули эканини, сут эмизувчилар оиласига мансублигини исботлашга уринган. Одам “скелетидаги барча сўяклари маймун, кўрсичон ёки тюлень суюкларига жуда ўхшаб кетади”, – деган эди у.

Ч.Дарвин яна ушбу масалага ҳам эътиборни жалб этган: “Танаси ёки кучи катта-кичкликигига нисбат бериладиган бўлса, одам маймуннинг камчил тури, чунончи, шимпанзе ёки шунга ўхшаш горилладанми келиб чиқсанлигини биз билмаймиз”. “Шунинг учун ҳам, – деб тахмин қиласди у, – одам учун нисбатан кучсизроқ шакллардан вужудга келиш ниҳоятда афзал эди”. Ч.Дарвиннинг фикрича, жисмоний жихатдан кучли эмаслик, зарур даражада югурга олмаслик, табиии химоя қуролларининг йўқлиги ва бошқалар, биринчидан, одамнинг ақлий қобилийтини, иккинчидан, яқинларига ёрдам беришга қаратилган муносабатларни тақоза этарди: Одамнинг пайдо бўлишида мия эволюциясининг ҳал килувчи роли ҳакида Ч.Дарвин бундай дейди: “Одамнинг қадимий аждоди ақли жихатидан ва, шунингдек, эҳтимолки, ижтимоий хислатлар жихатидан, ҳеч шубҳасиз, ҳозир мавжуд бўлиб турган энг дағал ёввойи одамлардан ҳам куйи турган; аммо унда вахшиёна хислатлар, чунончи, дараҳтларга чиқиш ва ҳоказолар астасекин йўқолиб, ақлий жихатдан ривожланиш асосида яшаш ва ҳатто фарновонликка эриша олганликларини англаб етиш қийин эмас”.

Дарвин одам “қандайдир куйи шаклдан”, “одамсимон маймундан”, “одамнинг маймунсифат аждодларидан” каби ибораларни қўллашиб тасодифий ҳол эмас. Чунки унинг иктиёрида ҳозиргидек

замонавий табииётшунослик фанлари эга бўлган илмий далиллар йўқ эди. Бинобарин, олим бу масалаларда тахмин қилишдан бошқа воситага эга эмас эди. Аммо Дарвиннинг қараашларида зинҳор-базинҳор одам маймундан тарқалган, деган маъно йўқ.

Дарвиннинг кузатиши ва интуицияга асосланган, даврнинг жуда кучли синовларидан ўта олган эволюцион таълимоти бир жойда котиб қолмади, албатта. Унинг назарияси ҳозиргача фан оламида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, олимларни изланишга, одамнинг пайдо бўлиши ҳакида илмий ҳақиқатни топишга даъват этади.

Турғун фикрлар асосида фаолият йўналишини белгилаш ижтиёйи тараққиётга қанчалик зарар етказганини қайта қуриш ва онкоралик даври бошлангач, равшанроқ тасаввур эта бошладик. Илмий фикрлар, ҳатто илмий фаразларни ўзгармас ҳақиқатлар сифатида кабул қилиш, айниқса фанди номи чиққан арбоблардан ўрганиш ўрнига уларга сигиниш илмий тафаккур ривожи йўлида жуда катта гов эканини англан вакти келди.

Ф.Энгельс “Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли” очеркининг дастлабки қисмини 1876 йилда ёзган ва чапалигича қолдирган; 19 йил бадалида уни яна кўлга олиб, охирiga етказиб қўйишни лозим тоцмаган. Афтидан, бунга етарли илмий далиллар йўқлиги сабаб бўлгандир. Факат вафотидан бир йил ўтга, унинг дўстлари журналда ана шу тутгалланмаган, чала асарни чоп эттирганлар. Ф.Энгельс ўз асарида “...биз маълум маънода одамнинг ўзини ҳам меҳнат вужудга келтириди, деб айтмоғимиз керак”, – дейди. Илмий адабиётларда, хусусан тарғиботчилар томонидан Ф.Энгельснинг “маълум маънода” деган писандаси бир четга суриб қўйилиб, гўё одамни тўғридан-тўғри меҳнат яратган, дейиш даражасигача бориб етилди. Шунга кўра, гўё маймун тик турган, сўнгра олд ёғи – кўлларини ишга солиб, тош ёки ёғоч курол ёрдамида ҳаёт кечиришига ўтга, унда онг пайдо бўлган ва шу тариқа у меҳнатга киришиб кетган ва жамият бўлиб яшаш натижасида ҳозирги замон одамига айлангану қолган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида одамзод қаерда ва қандай вужудга келгани фан учун аниқ бўлмаган. Бинобарин, Дарвин ҳам, Энгельс ҳам тахмин қилишга мажбур бўлишади. Сўнгра, Энгельс одам тўғридан-тўғри маймундан келиб чиққан, деган қатъий фикр билдирамайди, балки “одамсимон маймунларнинг жуда тараққий қилган насли” ҳакида мулоҳаза юритади. Яна, Энгельс “Дарвин бизнинг ота-боболаримизни тахминан тасвирлаб берди” дейди, аммо илмий асослади, демайди. Ф.Энгельс одамнинг маймундан сифат жиҳатидан фарқ қилишига эътиборни жалб этади: “Суяқ ва мускулларининг сони ва умумий

жойлашуви ҳар иккаласида бирлек бўлса-да, ҳатто энг дастлабки ёввойи одамнинг кўли ҳеч бир маймун қила олмайдиган юзларча ишларни бажаришга қобил бўлган. Бирорта маймун ўз кўли билан ҳатто энг кўпол тоғцичоқ ҳам ҳен қатон ясаган эмас”. Демак, дастлабки кўпол тош қурол ясанга ва ундан фойдаланишга ақли етган аждодларимизни маймун деб бўладими?

Ф.Энгельс “Биринчи чакмоқтош одам кўли билан пичокка айлангунгача, эхтимол, шундай узок давр ўтиши лозим бўлгандирки, унга нисбатан бизга маълум бўлган тарихий давр жуда қисқадир”, – дейди. Бу фикрлар ҳам таҳминга асосланган. Чунки у даврда табииётшунослик фанлари мазкур масалаларга ойдинлик киритиш учун энди илк қадамлар кўяётган эди. Шундай бўлса-да, Ф.Энгельс биринчи тош қурол вужудга келгунга қадар жуда узок давр ўтганини таҳмин қиласи.

Ф.Энгельс ҳам, Ч.Дарвин ҳам бевосита бўлмаса-да, билвосита бўлган онгнинг роли борлигини эътироф этишган. Лекин уларнинг ихтиёрида ҳозир маълум бўлган одамсимонлар ва маймунлар, улар эволюциясини аниқлаш имконини берадиган археологик топилдиклар – бош ва тана суяклари йўқ эди. Шунинг учун ҳам улар хайвонот оламидан ажраб чиқа бошлаган мавжудот, айниқса унинг бош суяги қандай бўлганлиги тўғрисида тасаввурга эга эмас эдилар.

“Охирги хайвон” билан “биринчи одам” ўртасидаги чегарани аниқлашга уриниш бехуда машғулот бўлур эди. Қазилма бош ва тана суяклари, аждодларимиз ишлатган меҳнат қуроллари ёрдамида ҳозирги замон одами эволюцияси ҳақида илмий хулосалар чиқариш мумкин. Булар асосан XX асрда топилиб, илмий таҳлил қилина бошланди.

Дастлаб оддий таёқ, хайвон суяги ва тош ёрдамида озиқ-овқат топиш, ўзини ҳимоя қилишга ўргана бошлаган одамсимонларни австралопитек (жанубий одам) дейдилар. Улар 4-5 миллион йил муқаддам яшаган. Энг қадимги австралопитекларнинг бош мия ҳажми 350 куб сантиметр бўлиб, кейинчалик 450-750 куб см.га етган, яъни ҳозирги одамсимон маймун – горилланинг миясидан анча кенг бўлган. Явадан топилган калла суяги ҳажми 800 куб см., питекантропларда 750-900 куб. см., синантроп (хитой одами)да 915-1225 куб. см., Африка неандерталида 1610 куб. см. гача бўлган. Ҳозирги одамнинг бош мия ҳажми ўртacha 1446 куб. см. Шуни айтиш керакки, иш элементлари учун бош мия ҳажмидан кўра унинг тузилиши муҳимдир. Одам мияси ниҳоятда мураккаб тузилишга эга бўлиб, шунга мувофик ундаги ассоциациялар хайвонларнидан тубдан фарқ қиласи. Ассоциациялар мия фаолиятининг асосий, марказий механизми ҳисобланади.

Ер юзида 2 миллион хилдан зиёд организм мавжуд. Уларни бир-биридан бевосита келиб чиқсан дейинш нотүгри. Табиат ўзи янги турларни вужудга көлтириш қобилиятiga эга. Агар шундай бўлмаганда, организмлар турлари бармоқ билан санаарли бўларди. Турлар ва улар ичидаги организмларни бир-биридан бевосита ўсиб чиқсан, деб қараш эволюцион назарияни соддалаштириш бўлур эди. Ўхшашлик айнанлик эмас, зеро айнанликнинг ўзида ҳам тафовут мавжуд. Ўхшашликка айнанлик деб ёндошилса, назарияда кулгили хуласалар чиқиши мумкин. Чунончи, эчқидан мол, эшшақдан от, сичқондан каламуш, мушукдан йўлбарс эволюцион тараққиёт туфайли келиб чиқсан, деган тасаввур юзага келиши мумкинки, бу илмга хилофдир.

Сут эмизувчилар орасида маймун организмнинг тузилиши, муйян маънода хатти-харакати (табиий қуроллардан ҳам баъзан фойдаланиши, товуш, юз ифодаси ёрдамида алоқа қилиши, мантикий фикрлаш унсурига эгалиги ва ҳоказолар) жиҳатидан одамга ўхшаш жиҳатлари бор. Шу ўхшашлика таяниб, одам бевосита маймундан, унинг олд оёғини ишлатиб тик туриши ва қурол ишлатиши самараси ўлароқ келиб чиқсан, дейиш илмий ҳақиқатга тўғри келмайди. Барча ҳайвонлар “мехнат қилиб” озик-овқат топади, баъзилари бошпана куради, айримлари химоя учун тош ва таёқдан фойдаланади. Содда тарзда бўлса-да, айримлари овоз чиқариб ўзаро алоқа қиласди. Масалан, отда 100 га яқин товуш, тўтиқушда 500 – 600 тача “сўз” ифодаси борлиги аникланган. Бироқ, уларнинг меҳнати, инш қуролларидан фойдаланиши, “тиллари” ҳам борлиги, баъзилари икки оёқлаб бемалол юра олиши организмларида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлмаган. Чунки уларнинг бундай хатти-харакатларида инсонга хос онглилик йўқ.

Хуласа шуки, одам сут эмизувчи ҳайвонлар оиласининг маҳсус шаклидир; экологик ўзгаришлар туфайли мия яримшарларида содир бўлган жиддий тафовутлар аста-секин бутун организмнинг ўзгаришига, ўз навбатида организмнинг яшаш учун курашга мослашуви миянинг тобора ҳажм жиҳатидан кенгайиб, структура жиҳатидан мураккаблашишига сабаб бўлган. Сўнгги ўн минг йилликлар ичida одам мияси ҳажми ўзгармаса ҳам, аммо унинг тузилиши мураккаблашиб борган, чунки аклий меҳнат салмогининг ошиб бориши мия машкининг тобора ортишига олиб келган.

“Фан ва турмуш” журнали.  
1990 йил. 6-сони. -14-15-6.

## МАДАНИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида қарор топтириш учун дастлабки қийин, аммо жасоратли қадамлар кўйилаётган хозирги даврда битта масалага ойдинлик киритиб олишимиз керак: ўзбеклар халқми ёки уруғ-қабила шаклидаги қурамаларми? Борди-ю, у халқ бўлса, яна унинг устига давлатли миллат бўлиш даъвоси билан чиқаёттан бўлса, унда бу халқ (миллат)нинг ўзига хос, бетакрор маданияти, анъанага айланган урф-одатлари ва маросимлари бўлиши шарт. Ана шуларни эъзозлаш, ардоқлаш орқали у халқ ягона бирлик сифатида барҳарор бўлади. Агар у уруғ-қабила тарзидаги қурама бўлса, унда ўзбеклар турли босқинчи-келгинилар маданиятига кўр-кўронা эргашадиган, ўша маданиятлар асири бўлиб яшашга кўнкадиган ва бундан ор-номус килмайлигани галалардан иборат бўлиб колали. Хожиакбар Расуловнинг “Ўзбекистон овози” рўзномасида чоп этилган «Тириклар бурчи» муаммоли мақоласига мен шу нұктай назардан ёндошгим келади.

Шуни аниқ биламанки, ўзбекларнинг аждодлари жаҳондаги энг қадимий халқлар қаторига киради. Унинг ўзига хос давлатчилиги ҳам бўлган. Мана шу ҳақиқатни ҳар бир киши билиши, қалдан ҳис этиши ниҳоятда долзарб масала бўлиб турибди. Зоро, ўзлигини билган, англаган одамларгина мустақил жумхуриятнинг мустақил давлатига эга бўлишга қобилиятлидирлар. Ҳожиакбар aka «ҳар даҳанинг, маҳалланинг ўз қабристони бўлган» деб хўб ва ҳақ гапни айтган. Бу, Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг маданият белгиларидан бири. Нега? Ўтмиш аждодларимизнинг пок рухлари ёшлар қалбидан муносиб ўрин олсагина авлодлар тизимида узилиш бўлмаслигини, ёш авлод руҳи пок бўлишини халқими азалдан билган. Ўзбеклар, бошқа маданиятли халқлар каби, ёшларни тарбиялашга ниҳоятда катта зътибор берганлар; ҳар бир имкониятдан шу улуғ мақсад йўлида фойдаланишга ҳаракат килгандар. Мозорларнинг истиқомат жойларига яқин бўлганлиги ана шу мулоҳазалар билан белгиланади. Эртами-кечми одамлар пировардида борадиган масканларини ҳар куни кўриб турганлар, ёшларга кўрсатганлар.

Умуман Ўзбекистондаги дағн ва хотира билан боғлиқ анъанавий урф-одатлар исломгача бўлган диний тасавурлар билан боғланниб кетади. Хозирги ўзбекларнинг кўпчилиги ўз ота-боболари дунё халқлари орасида биринчи бўлиб китобий динга эга бўлганликларини билишмайди. Ватани асосан Маворауннаҳр бўлган зардуштийлик кейинчалик будда, христиан, ислом каби динларнинг

шаклланишида, расм-русумларининг барпо бўлишида тарихан катта роль ўйнагани билан фаҳрланса арзиди. Мен ўша қадимий динни тиклаш керак, демоқчи эмасман. Бу ерда гап шундай динни яратган халқнинг тарихан маданияти ҳам ардоқли бўлғанлигига эътиборни қаратмоқчиман, хөјөс. Зардуштийлик дини хукмрон бўлган даврларда аждодларимиз марҳумларни маҳсус даҳмаларда қуритиб, кейин суюкларинигина кичик бир сопол идиш (остадон)га жойлаб, дағи этганлар. Шунинг учун бўлса керак, бундай мозорлар катта ерини эгалламаган.

Истикомат жойига яқин бўлган мозорларни тоза тутиш қулай бўлган. Йилнинг муайян кунларида бориб, чирок ёкиб, ёғлиқ чалпак билан бўғирсоқ пишириб, ис чикариб марҳумларни хотирлаш жуда қадимий одатлар категорига киради. Ўша нихоятда қийинчилик пайтларида ёғлиқ чалпак билан бўғирсоқ пиширилишини кутиб турган болалар унинг нима учун тайёрланганини сўрашган, отаоналари билан мозорларга бориб, ўз аждодларини мунтазам равища зиёрат этишган, уларнинг рухига содик бўлиб қолиш учун бир умрга қасамёд этишган. Марҳумларга, улар сукут сақлаб ётган мозорларга иззат-икром шу тариқа сингдириб борилган.

Ўтганларнинг яхши феъл-атвортари оила даврасида гапирилиб, кариндош-уругларнинг яхши, ибратли ишлари кексалар томонидан рағбатлантирилиб, «сени тарбиялаган ота-онангта раҳмат!» дейилган. Ҳалол-пок, меҳнаткаш одамнинг фарзанди эканини англаған одам очялангоч қолганида ҳам бироннинг мулкига, ҳақига кўз олайтиргмаган, ўғирлик, қаллоблик ўз авлодини, ўз халқини ҳақорат қилиш маъносида тушунилган. Охирги борадиган манзили ернинг қаъри эканини кўзи билан кўриб, қалби билан сезиб турган одам шу яккаю ягона оламда ўзидан авлодларга, халқига факат яхши ном қолдириш хис-туйғуси билан яшаган, шунга интилган ва албатта эришган.

Бирок, ўтмишни жуда илоҳийлаштириб юбориш ҳам керак эмас. Ўша кезларда ҳам битта-яримта ўғри, қаллоб ва каззоб одамлар учраган. Лекин истикомат жойларида жамоатчилик шундай маънавий-ахлоқий мухит юзага келтирганки, ундан одамларнинг яшави қийин бўлган. Ўғри, қаллоб одамларнинг фарзандларига қиз бериш ёки улардан қиз олиш ҳақорат ҳисобланган. Ундан одамларнинг таъзияларига ҳам одамлар минг хил андиша билан боришган. Бу ҳолатларни кўрган ёшлар ўз ҳаёт йўналишларини тўғри, инсоний тарзда белгилашга интилганлар. Шунинг учун бўлса керак, чоризм бу ерларни босиб олгунига қадар, ўзбек хонадонларида, бозорларида қулғга эҳтиёж кам бўлган. Дўкондорлар каттагина мулк бўлган ўз дўкони олдига биронта таёқчани кўндаланг қўйиб, бемалол

кетавергандар. Бу аломат эса, дўконнинг эгаси ҳозир йўқ, деган маънони англатган ва ҳеч ким унга яқинлашмаган.

Мухтарам X. Расуловнинг куйиниб гапиришига караганда, ижрочи ташкилотларимиз шахардан 30 – 40 километр узоқлиқдаги 100 гектар ерда қабристон очишга ирова этишибди. Албаттә, бу таклиф аввало биронта одамнинг калласида шаклланган, кейин қарор тусини олган. Ўша одамнинг тафаккур қилиш усули ўзбекона бўлганда, унинг устига ўз ҳалқи тарихи ва маданиятидан озма-оз хабардор бўлганида, бундай таклиф киритишдан номус қилган бўларди.

Мустақиллик масъулияти ҳалқимиздан фидойи бўлишни талаб этмоқда. Фидойилик муайян бир ижтимоий вазифага ўзни бағишлиш, демакки, муайян маҳрумликларга онгли равишда рози бўлиш, бундан завқланишдир. Анъанавий маданиятишимиз, ҳайрли урф-одатларимизни таъсирида бутун ҳалик бир скадан бош чиқариб, белни маҳкам боргласса, унинг уддасидан албатта чиқади ва дунё ҳалқлари ўргасида ўз муносиб ўрнига эга бўлиб қолади. Агар ҳалқимиз онги, қалбидан бу ҳақиқат ўрин олса, ўйлайманки, ўшанда фидойилик ва жавонмардлик харакати бошланиб кетади.

Яна шунни айтиш жоизки, ҳалқимизда маълум муддат ўтгач, қабрдаги суюкларни бир четта суриб кўйиб, унинг ўрнига қариндошларининг жасадини кўйиш русуми бўлган. Ҳозир қабрлар устига кўйилаётган мармар ёдгорликлар (албатта Оврупо маданияти таъсирида) бунга монеълик қилмокда. Лекин қадимий одатлар тикланса, бундай одат ориятли ҳисобланмайди. Ахир нега тириклика бирга яшаган, алоҳида туришин тасаввур ҳам қилмаган одамлар ўлганларидан кейин ёнима-ён ётиши мумкин эмас? Битта қабр устидаги ёдгорлик тошида бир неча қариндош-уругларнинг номи бўлса, уларни бир йўла зиёрат қилиш, улар ҳақида ёшларга гапириб бериш осонлашади-ку...

«Ўзбекистон овози» газетаси,  
1992 йил, 14 январь сони.

### ЗАРДУШТИЙЛИК ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

\* Зардушт (ёки Зардўст) қачон яшаган?

\* Якка худоликса асосланган биринчи дин.

\* Зардушт мурдани куйдиришни қатъий қоралаб, унинг суюгини остатонга солиб дафи этишини жорий қилган.

\* Остатонлар асосан Ўрта Осиёда кўп топилган.

- \* Баъзи олимлар Зардустийликни кўпхудолик (ёки икки худолик — дуализм) дини, дейди
- \* Зардустдан қолган диннй китоб бизгача етиб келмаган.
- \* Ясналарнинг «Гоҳ»ида Зардуст орқали хабар берилган башоратлар ўз ифодасини топган.
- \* Марказий Осиё ҳалқлари ҳам китобий ҳалқлар сирасига киради.

МУСТАҚИЛЛИК аввало мустақил фикрловчи, муайян вазиятда масъулиятни бўйнига олиб, мустақил қарорлар қабул қила оладиган шахсларга хар доим мухтоҷдир. Бунинг учун ҳозирги ва келажак авлод мустақил фикрлай оладиган одамлар шу диёлларда ҳам бўлганини, уларнинг саъй-ҳаракати билан жаҳон маданий тараққиёти ривожланганини аниқ ва равшан билишлари лозим. Бу ўринда гапнинг нишабини жаҳон ҳалқлари орасида яккахудоликка асосланган биринчي китобий дин берган улуғ ватандошимиз Зардуст Спитома фаолиятига, у аоос соглан зардустийлик динига ва унинг тарихий тақдирiga бурмоқчиман.

Зардуст (баъзи луғатларда Зардўст деб ҳам юритилади) милоддан анча аввал яшаб ўтган, ҳозирги Марказий Осиё худудида фаолият кўрсатган илоҳиётчи, файласуф, шоир ва табииётшунос олим бўлган. Унинг уч ўғил ва бир қизи бўлганлиги маълум. Зардустт 40 ёшлиларга етганда илгариги кўпхудочилик диний тасаввурларига ҳамда табиат ҳөдисаларига, жумладан, оловга сигиниш зътиқодларига қарши чиқиб, яккахудочиликка асосланган биринчи китобий дин – «Авесто»ни яратган ва Зардустийлик динининг пайғамбари сифатида эътироф этилган тарихий шахсадир.<sup>1</sup>

Зардустийлик ҳақидаги нисбатан қашшоқ илмий адабиётларда бир-бирини инкор этувчи фикрлар хукм суреб келмоқда. Улардан энг муҳимлари зардустийлик дини вужудга келган маскан қаерда, деган фикр бўлса, иикинчиси, у яккахудолик дини бўлганми ёки кўпхудоликми, деган масаладир.

Баъзи олимлар зардустийликнинг ватани қадимги Мидия давлати деса, бошқалари у Эронда шаклланган, деган фикрни билдиришади. Тарих фанлари доктори Э.Берзин зардустийлик ҳақида ибратли фикрларни илгари сурған ҳолда Зардустни Эрон донишманди ва зардустийлик эса «Олд шарқнинг Шимолий-шарқий чеккасайдо пайдо бўлди», дейди (Э.Берзин. Зардустийлик таълимоти нима? Тошкент, 1990, 114-бет.). «Зардустийлик дини, — дейди у

<sup>1</sup> Қаранг: Авеста Душанбе-«Адиб», 1990 й., 6—7-бет; Ҳомиджон Ҳомидий. Зардуст – Заратустра// «Шоҳнома»нинг шуҳрати. «Ўзбекистон» н., 1991. 88-бет.

бошқа ўринда, — Ҳинд-Эрон қабиласи динидан ўсиб чиккан». Муаллиф зардустийликни форсийлик билан, Зардуст асос соглан яккахудоликни оташпаратстлик билан аралаштириб юборади. Ҳатто оташпаратстлик дини ибодатхоналарий расмларини бериб, уни зардустийлик намозгоҳлари сифатида тақдим этади. Бошқа муаллифлар каби Берзин ҳам оврупопаратстлик майлларига берилиб, жилла бўймаса, бу ерда яшаган орйиларни Европадан келиб қолган ва гўё шуларнинг таъсирида бу дин вужудга келган, демоқчи ҳам бўлади. У бундай ёзади: «Шаркий Европадан келганлар ўзларини орӣ, ўз мамлакатларини эса Орион деб атарднлар. («Эрон номи ҳам шундан келиб чиккан»). (Уша китоб, 115-бет.). Уларнинг цивилизацияси (маданий ҳаёти)га хужум қилган кўчманчиларни греклар скифлар, ахмоний форслари саклар деб, шаркий Эрон ва Ўрта Осиёнинг жанубидаги ўтрок аҳолини эса турлар деб аташарди, деган гализ гапларни айтади. Гўё тур, яъни турклар шаркий европаликлар келтирган цивилизацияга хужум қилинг кўшилар, маданийдан беҳабар кишилар сифатида намоён бўлади.

Кўпгина олимлар, жумладан В.В.Струве, В.В.Тревер, С.Т.Толстов, Н.Прохоров ва бошқалар Ўрта ва Марказий Осиё зардустийлик ватани, деб исботлаганлар. Л.О.Маковельский ҳам асосан, шу фикрларга, кўшилади. Тарихий ҳақиқатларни сийқалаштириш ёки уни тескари қилиб кўрсатиш нуқтаи назарларидан узоқ турган бу олимларнинг холис фикрлари илмий далилларга асослангандир. Чунончи, зардустийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да яккаю ягона худо – Охурамазда яратган 16 мамлакатнинг номи келтирилади. Уларнинг иккитаси афсонавий бўлса, қолган тўққизтаси Марказий Осиёдаги вилоят ва шаҳарлардир. Қодган 5 таси Хиндистон, Озарбойжон, Арманистон худудларига тўғри келади. Масалан, Сўғдиёна (Гава), Маргиёна (Марв), Балх (Бактрия), Нисоя (Марв ва Бақтрия оралиғи), Хирот, Кобул, Тус (Хуросон), Гургон (Урганч), Варана (Туркманистон ва Эрон чегаралари ўрталиғи) тилга олинади. Китобда ер думалоқ шакъда яратилған бўлиб, унинг атрофи океанлар билан ўралгани, юқоридаги мамлакатларда, Охурамазда эзгулик қонунларини Зардуст орқали вахий қилганлиги ҳакида фикр билдирилади. Имонсиз одамлар яшайдиган мамлакатлар сифатида Парфиёна подшолигининг маркази Нисоя ва Мидиянинг энг катта шаҳри Рага тилга олинади. Форс тадқикотчиси Кападианинг фикрича, Зардустнинг илохий фаолияти Виштаспа подшоҳлигининг пойтахти Балх шаҳри билан боғлиқ бўлиб, у подшоҳлар паноҳида Зардуст Бақтрия пайгамбарига айланганлигига эътиборни каратади. Зардустийлик илгариги

кўпхудолик динида расм бўлиб қолган мурдаларни оловда куйдириб, кулини дафн этишни қатъий қоралагандан сўнг, марҳум суюкларини маҳсус остадон (оссуар)ларга солиб кўмиш одатлари жорий этилган. Тадкиқотчи Ю.А.Рапопорт бундай остадонлар асосан Ўрта Осиё ерлари остидан топилаётгани, Эрон худудида эса битта-яримта учраётганини айтади. Демак, зардустийлик ватани Марказий Осиё бўлган, дейиш тарихий ҳақиқатга тўғри кслади.

**ЗАРДУШТИЙЛИК** номи билан аталағиган дин уч асосий оқим (йўналиш)дан иборат эканлигини таъкидлаш жоиз. Шунинг учун бу динни кўпхудолик (ёки икки худолик—дуализм), ёхуд яккахудолик билан кўпхудолик қориши масидан иборат, деб хисоблайдилар.<sup>1</sup> Гап шундаки, Зардуст яратган илоҳий китоб биззагача етиб келмаган. У ҳақда тарихий манбалар қолган, холос. Зардуст яшаган даврда Марказий Осиёда кўчманчиликка асосланган турмуш тарзи инқирозга учраши, ўтроқлик турмуши қарор топиши, сугориладиган дехқончилик ҳамда чорвачилик, хунармандчилик кенг тарақкий қилиши, янги шаҳарлар, обод қишлоқлар бунёд бўлиши, ўтроқлик турмуши ҳар жиҳатдан афзал кўриниши билан характерланади. Шундай турмуш тарзини баркарор қилиш ва одамлар, халқларга бениҳоя кулфатлар келтираётган ҳамда кўпинчча босқинчилик тусини олган кўчманчиликка карши курашни кучайтириш ҳаёт эҳтиёжи бўлиб бораётган эди. Бошқа донишмандлар ҳам бу эҳтиёжни сезгандир, аммо Зардустгина инқироздан кутилиш, халқлар, қабилаларни бирлаштириб, фаровонликка эришишнинг бирдан-бир йўли — яккахудолик — ваҳдониятга ўтиш, деб билди ва бутун онгли ҳаётини шу муқаддас ишга бағишилаб, яккахудолик учун олиб борилган уруш (жиход)да ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Зардустнинг диний ислоҳоти бўш жойда юзага келган эмас. Фарбий Оврупо ва рус тадкиқотчиларининг фикрича, милодгача бўлган 2—3 мингинчи йилларда Марказий Осиёда орий деб аталаған қабилалар яшаган. А.П.Примакнинг айтишича, орийлар кўчманчи чорвадорлар бўлишган. Уларда ёзма адабиёт бўлмаган, аммо ҳайратомуз оғзаки ижод ўзига хос ашула, гимнлар, ўғит-насиҳат шаклидаги қўшиқлар авлоддан-авлодга ўтиб борган. Умуман, Шаркда қадимдан инсон ички оламини мунаvvар этиш, ният билан амал муштараклигига жиддий ҳамамият бериш диний ва фалсафий фикрларнинг марказида турган (А. П. Примак. «Резервы человеческой психики». (Инсон руҳий оламининг имкониятлари). М., 1987, 24-бетга қаранг).

Т. А. Попович эса мана бунга эътиборни қаратади: «Европада

<sup>1</sup> Каранг: А. О. Маковельский. Авеста. Баку, изд. АН АзССР, 1960, 95-бет.

хозирги даврда истиқометі килаётган барча халқлар Ҳиндікүш тоғлари атрофида яшага ва орий деб аталған тармоқдан ажрабиб, бизга ноаның күринган жуда қадим замонларда Осиёдан көлиб қолишгандыр» (Т. А. Попович. «О язнической вере наших предков»; «Как задумал князь Владимир креститься». Санкт-Петербург, 1872, 3-бетта қарант). Англиядаги Оксфорд дорилғунуннинг профессори Макс Мюллер атрофида яшаган орий қабилаларининг бир қисми бундан 3-5 минг йыл мұқаддам Ҳиндистонга, бир қисми Европа ва Эронга күчіб кетишган, улар албатта үзләри билан бирга шу ердаги қадимий осори-атиқалар (мифология)ни ҳам олиб келишган, дейди. Демак, Европа ва Ҳиндистонга ҳамда Яқин ва Үрта Шарққа тарқалған күпхудолик асослари аввало. Марказий Осиёда вужудға келган, шу билан бирга Зардышт асос солған яккахудолик дини учун ҳам манбаъ бўлиб хизмат килган, дейиш мумкин.

Зардыштиликнинг мұқаддас китоблар түплами «Авесто» Искандар асос солған ҳокимият тугагач, эрамиздан авалги 250-шарларда аршохийлар салтанаты даврида яна тикланған бошлиған ва у янги матнлар билан түлдирилған. Сомонийлар ҳокимиияти даврида (милоднинг III—VII асрлари) бу иш ниҳоясига етказилған. «Авесто»нинг учта китоби қадимги тилда ва бигтаси пахлавий тилида тикланған. Унинг биринчи китоби «Вадовдот», яны девларга қарши қонун, деб аталади. «Ясна» за «Виспарад»ни күшган ҳолда у «Вадовдот — Садэ» номи билан ҳам юритилған. «Вадовдот»ни покланиш қонун-қоидалари мажмуаси дейиш мумкин. «Авесто»нинг иккинчи китоби «Ясна» бўлиб, Зардышт Гоҳ (овоз)лари унинг асосий мазмунини ташкил этади. У 72 «Хот» — башоратдан иборат бўлиб, биринчи башоратда табиат ва ҳалолликлар хукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодир Охурамазданинг вахийларий ҳақлигига имон келтириштга доир дуолар бор. 19-башоратда олам юзага келмасдан олдин мавжуд бўлған худо шаънига шукроналар айтилади.

Имон калимаси, покланиш (ювиниш гигиенаси), ёзузликни қарғаётган пайтда танани қандай маромда тутишлик, шайтон-иблисларни ҳайдашга қаратилған ҳаракатлар, гуноҳдан ҳориж бўлиш, кечирим сўрашга доир дуолар мавжуд. Гуноҳдан хориж бўлиш, имонни сақлаб қолиш учун мана бундай duo үқиш тавсия этилади: «Эй, оламнинг хукмдори Охурамазда! Мен барча гуноҳларимга икрорман, уларни тақрорламаслик учун сенга сўз бераман; ҳар қандай ёмон ният (фикр)лардан, ҳар қандай ёмон сўзлардан, ҳар қандай ёмон амаллардан воз кечаман; мен фикрлаган ва гапирган ёки қилмокчи бўлган ва қила бошлиған ва килған ҳамма ножӯя ишларимдан воз кечаман; ниятларим, сўзларим ва амалий ишларим оркали бундан

буён ишончингни окдайман; килган гунохларимни кенг караминг-ила кечиргил, танам ва жонимни у дунёю бу дунёда мунаввар этгил, эй парвардигорим». Ясналарнинг 7 та бобида Зардуст орқали хабар берилган башоратлар ўз ифодасини топган. Зардуст Охурамаздан ўз ахлоқий қонун-коидаларини маълум этишини сўрайди. Охурамазда бутун мавжудликнинг икки ибтидоси – эзгулик ва ёвузлик ҳақида вахий қиласди. Бир-бирига қарама-қарши бу бошланғич кучлар ҳар доим биргалиқда мавжуд бўлиб, улар ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам маъноларини англатади. Жаҳаннам Охурамазда вахийсида «хаётнинг энг ёмон онлари», «осмон эса руҳнинг энг юксак ҳолати» сифатида гавдаланади. Оламдаги ёвузлик ва нотакомиллик нарса, ходисалар ва уларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Уларни бартараф этиш эса истикболдаги иш бўлиб, имонли кишилар бу жараёнда энг катта фаоллик кўрсатишга даъват этиладилар. Улар Охурамазда юборган қонуллар, тартиботлар, ўғит-насиҳатларга амал қилсалар, эзгулик ёвузлик устидан тантана килиб бораёради.

Оlam қарама-қаршиликлар кураши асосига қурилган; жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўргасидаги курашларда ўз ифодасини топади. Диний соҳа эса эзгуликни карор топтириш руҳи билан ёвузлик руҳи ўргасидаги курашга асосланади. Охурамазда эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Ахриман унга қарши курашиб, одамларни ёмон ишларга бошлайверади. 30-башоратда айтилишича, эзгулик ва ёвузлик ўргасидаги абадий курашда оралиқ йўл йўқ, бинобарин, ҳар бир одам бу жараённинг у ёки бу томонида иштирок этишга мажбур. Шунииг учун диндорликда имон-эътиқод баркамоллик нишонаси сифатида муҳим ўрин тутади, у одамларга эзгуликни ёвузликдан фарқлаш имконини беради. Имон-эътиқодли одам албатта эзгулик тарафида туради. Ёвуз руҳлар — дев, пари, иблис ва бошқалар гунохлар, адашишлар, ёлғонлар, касалликлар тимсоли сифатида тасвирланиб, Охурамазда одамларни улардан сакланишга даъват этади. Яснанинг 14-башоратида жудо «Мен эзгу фикр (нийат)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтирамаи. Мен маздаёсин қонунларига асосланган тартиботларни улуғлайман», дейди. Демак, зардустийлик имони уч таянчга асосланади: фикрлар соғлиги, сўзнинг событилиги, амалларнинг инсонийлитигидан иборат. Охурамазда одамларни «ўз истакларида ҳолис бўлиб, бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, гаразгўйлик, ҳасадгўйлик, колондимоғлик, шуҳратпастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юриш учун нинтилишга чақиради. «Берган сўзнинг

устидан чиқыш, унга содик қолиш, савдо-сотиқда шартномаларга қатый амал қилиш, қарзны вактида тұлаш, алдамчилік ва хиёнатдан ҳоли бўлиш» — имонлилик аломатларидир. Имонли одам ўғирлик ва талончиликдан, бегоналарнинг молу дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилиц, яъни имонга хилоф ишлардан ўзини саклай биладиган комил инсондир. «Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳакида кўпроқ қайгуринг», яъни аввал маънавий дунёйнинг мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукаммал бўлиб бораверади, дейди Охурамазда.

«Авесто»нинг муқаддас китобларида қадимий фалсафадаги борликнинг асослари—тупрок, сув, ҳаво, олов, муқаддаслаштирилади. Тупрок, сув, ҳавони бўлгаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳлар қаторига қўшилади. Ҳатто марҳумлар ерни, сувни, ҳавони захарлаб қўймасликлари учун уларнинг мурдаларини махсус сопол идишларда қўмиш расм бўлган. Охурамазда «ерга яхши, соглом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ», дейди. Худои таолонинг бу айтганига амал келади, 10 мине марта иборат этиш ёки юзлаб жониворни курбонликка сўйишдан афзал ҳисобланган. Экин экиш ердаги ёвузылкларга барҳам бериш, демакдир. «Оlam гўзаллиги дехкондан, дехқончиликдан,—дейилади башоратларда, — кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўлгина ҳакиқат бўлиб, колгани саробдир». Яна бир башоратда бундай дейилади: «Буғдой ўстирила бошласа, девларни тер босади, совирлган буғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади. Ун тайёр бўлгач, девлар нолаю фифон чекишади... Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни одам егандан сўнг, девлар жуда кизишиб кетишади ва қоча бошлашади».

Охурамазда қонунларида қўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш ва ерни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савоб иш ҳисобланган. Ундан кейинги савоб озиқ-овқат тайёрлаш, уй ҳайвонлари ва чорвани кўпайтиришдир. Зардӯшт худо номидан ҳукмдорларга қаратса бундай дейди: «Ёмон овқатланган ҳалқ на яхши, кучли ициловчиларга ва на соғлом, бакувват болаларга эга бўлади..., Ёмон овқатланишдан одобахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлеа, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул килинади» Юзаки қараганды жуда содда кўринган бу ўғитларда нечоғлик катта фалсафий фикр борлиги, у тўё абадий ҳакиқатдек янграб турадиган бир ақида эканлиги маълум бўлади.

Зардӯштнийликнинг босик, мусиқа билан уйғунлашиб кетган доно ўғитлари — Она-заминга, дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва Ватангга, хайлқа улуғ муҳаббат руҳи билан шу тарика коришиб кетади. Зардӯштийликнинг барча маросимлари,

жумладан, Наврӯз, Меҳржон байрамлари тантаналарида бу рух айниқса улкан қудрат билан намоён бўлади. Бойчечакнинг чиқиши, лолақизғалдоқнинг очилиши, бодомнинг гуллаши, умуман баҳор билан бирга табиатнинг гўзаллашиб бориши-эзгулик руҳининг тантанаси бўлиб, уларнинг ҳар бири катта шодиёналарга сабаб бўлган. Одамлар табиатнинг бу гўзалликларини мукаддас билиб, халқ байрамлари ва сайллари тимсолида буни чинакам эзгулик тантанасига айлантиришга интилгандар.

Яснанинг 29-башорат 5-хикмати ва 50-башорат 8-хикматида ибодатдан сўнг, икки кафтни олдинга ёзигб кўтарган ҳолда худои таолодан ўз талабларини илтижо қилиш расм-русуми ҳакида гап боради. Башоратларда ер, осмон, уммон, бошланиши йўқ ёргулик соҳаси ва жаннат ҳакида фикрлар мавжуд. Унда космография, материалогия, хронометрия, назарий фалсафа нишоналари учрайди.

Башоратлардаги Одам Ато ҳақидаги фикрлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ийим номи билан биринчи одам ва унинг фаолияти ҳақида гап боради. Чунончи, у Охурамазда иродасига мувофиқ, одамларни, ҳайвон ва кушларни парваришлайди, ер юзида қизил шуълали оловни кўпайтиради ва шу тариқа 900 йил яшайди. Охурамазда унга олтин наиза билан олтин камчи хадя этади. Ер одамлар яшаши учун торлик қилиб қолганда, Ийим наизани ерга суқиб, худодан уни кенгайтиришни илтижо қиласди ва бунга эришади. Охурамазда Одам Атога музлик даври келаётганидан дарак бериб, бу оғатнинг олдини олиш кераклигини айтади. Ийим маҳсус уй куриб, ҳамма ҳайвон ва ўсимликларнинг энг яхши зоти ва навидан бир жуфтдан саклайди, натижада дунёда тирик табиатни оғатлардан саклаб қолади.

Бироқ Ийим ўз ишларига ортиқча баҳо бериб, мағурланиб кетади ва худо томонидан тақиқланган неъмат — корамол гўшидан тановул қилиб кўяди. Оқибатда худонинг қаҳрига учрайди, натижада одамзот абадийликдан маҳрум бўлиб қолади. Одамзот ҳаётининг бу биринчи босқичидан сўнг, иккинчи давр бошланади. Бу давр Зардушт фаолияти ва унинг диний ислоҳоти билан боғлиқ бўлиб, дин ва имон учун беомон курашлар билан характерланади. 3000 йиллик курашлардан сўнг Зардушт фарзанди бошчилигига дунёда осойишталик ва фаровонлик даври юзага кедади, ёвузлик кучлари тимсоли бўлган дев — Аҳриман енгилади. Учинчи даврда қиёмат-қойим бошланади ва ўликлар тирилиб, худо ҳузурига ўз килмишлари ҳакида хисоб бергани боришади. Ҳамма ишлардан вокиф бўлган ва хисоб-китоб қилиб борган худои таолони алдашнинг иложи қолмайди. Зардуштийлик эътиқодича, одам ўлгандан сўнг унинг жони уч кун

давомида танада турати, тўртинги кунда ўз маҳрами — гўзал қиз қиёфасидаги фаришта йўлбошчилигига нариги дунёдаги «Чинвот» деган кўпrikдан ўтиши керак. Эзгу ишлар килган одамлар учун бу кўпrik кенгайган ҳолда турати, улар ундан бемалол ўтиб, жонлари абадий роҳат-фароғатга кетади ва охиратда, ўликлар тириладиган кунда ўз таналарига киришни кутиб ётадилар. Ёвўз ишлар билан шуғулланганлар учун «Чинвот» қилдай тораяди ва улар жаҳаннам азобларига маҳкум бўладилар.

«АВЕСТО»нинг учинчи китоби «Виспарат» деб номланган. Унда оламни ёки ҳамма нарсани билиш, эгаллашга доир панд-насиҳатлар ўрин олган. У ибодат номозлари йифиндиси бўлиб, 25 қисмдан иборат. Охирги китоб «Бундаҳа» қадимий Эрон тили—паҳлавий тилида ёзилган.

Ёштлар ва Ясналар 3 катламдан иборат; биринчиси, ҳалқ эпосларининг Зардуштгача бўлган қўшиқлари (шеърлари), иккинчиси Зардушт Гоҳ (овоз)лари ва, учинчиси, Зардушт урушда ҳалок бўлганидан деярли бир аср кейин китоб холига келтирилган ва «Кичик «Авесто» номи билан юритиладиган қисмидир. Демак, «Авесто»нинг илк ва кичик (кейинги) қисмларидан унинг асосий қисми — Зардушт Гоҳларини фарқлаш лозим. Зардушт Гоҳлари қўпхудоликни, ўтга ва табиат стихияли кучларига сигинишни коралаб, яккахудоликка эътиқод қилишни талаб этади. Ҳозиргача бўлган илмий адабиётлардаги фикрлар кўпроқ «Кичик Авесто»га асосланиб билдирилган. Бунда яккахудолик ғоялари қўпхудолик эътиқодлари билан қоришиб кетгани учун тадқиқотчилар зардуштийликни қўпхудолик ёки иккижудолик дини сифатида талқин этадилар. Бундай кишилар яккахудоликка асосланган зардуштийликнинг йўналишларидан бири — қўпхудолик бўлган маздакийлик билан аралаштириш оқибатидир.

Зардуштгача ҳам Охура, Митра, Мазда ва бошқа худолар ҳақида фикрлар бўлган. Аммо у худолар одамлардек ҳаёт кечирган бўлсалар, Зардушт талқинида Охурамазда Олий ибтидо бўлиб, унинг на хотини ва на болалари бор. У ҳамма мавжудотларни яратувчи ва бошқарувчи сифатида эзгуликни барқарор қилувчи, одамлар қалбини мунаввар этувчи Олий рух сифатида намоён бўлади.

Зардушт асос солган яккахудолик дини Эронда ахамонийлар ҳокимият тепасига келиб, улар Ўрта Осиё ерларини босиб олгач, заволга учрайди. Тўғри, Эрон шоҳлари — ўз империяларини барқарор қилишда зардуштийлик динининг ўрни ва ролига тўғри баҳо берадилар. Бироқ бу диндаги ўртаҳол дехкончилик, мўътадил, камтарона ҳаётдан иборат турмуш тарзини илохийлаштириб, қулдорчилик муносабатларини қоралаш уларга ёқмайди. Шунинг учун Эрон

шохлари зардуштийликни. Зардуштгача бўлган ва Якин Шарқда ҳам кенг тарқалган кўпхудолик ғоялари билан аралаштирадилар. Зардушт ўрнига ўзларини худонавхайларини одамларга етказиб турувчи пайғамбар сифатида гавдаланадилар.

«Кичик Аввесто»да Охурамазда олами яратувчи ва тартиб ўрнатувчиликдан кўра кўпроқ кабилавий худоларни бошқарувчи бош худога айланиб қолади. Аҳамонийлар Грецияни босиб олиш учун олиб борган урушлари (бунда Марказий Осиёдаги турк жангчилари катта роль ўйнагани учун Александр Македонский кейинроқ улардан ўз қасосини олади) ҳамда грекларнинг Эрон ва Туронни ишғол этиши оқибатида Охурамазда қадимги Грециядаги Бош худо — Зевс, Зардушт эса, Афлотун (Плотон) сифатида талқин этила бошлаганига тадқиқотчилар эътиборни қаратадилар. Аҳамонийлар зардуштийликни ўз эътиқодларига бўйсундирган бўлсалар, Александр Македонский бу динни бутунлай йўқ қилиш учун унга оид китобларни ёндириб юборади.

Зардуштийликнинг Марказий Осиёда вужудга келгани, унинг жаҳон маданий ҳаёти (цивилизацияси)га кўрсатган таъсирини инкор этиш қийин. Бу дин ҳакидаги маълумотларга эга бўлишимизда аввало инглиз Дж. Бургер, сўнгра француз тадқиқотчиси А. Дюпперондан миннатдор бўлишимиз лозим. 1755 йилда Дюпперон Хиндистонга иммий сафар қилиб, у ердаги зардуштий (маздай)лар орасида уч йил яшади, уларнинг ибодатлари, урф-одатлари билан яқиндан танишди ва «Аввесто»ни француз тилига таржима килди.

«Аввесто» Гарбий Европа, Эрон ва Хинд тиллари орқали бизга етиб келгани учун ундаги номлар ва терминлар, афтидан, аслига тўғри қелмайди. Кўпгина осори-атиқалар, исмлар, жойларнинг номлари хиндча тусда эски хинди-европа тилларига хос шакл олган. Ундаги туркона жиҳатлар кам қолган. Шуни назарда тутиб бъази сўзларни туркча талафузга солиш, айрим ибораларни ҳозирги замон одамлари тушунса олиши учун диний терминларда ифодалашни жоиз деб хисобладик. Масалан, Зардушт Гат (Овоз)лари «Гоҳ» деб берилди, «Спитамс» ибораси «Сепитома» сифатида берилди ва ҳоказо.

Ўзбекистондаги фан, жумладан, фалсафа муайян эътиқодларнинг асири ҳолида шаклланди, мафкура ва сиёсатнинг ортидан борадиган ва хукмдорларнинг югурдаги хизматини ўтайдиган бўлиб қолди. Мабодо фанимиз бу кусурдан ҳоли бўлса ва Ўзбекистон Фанлар академиясидаги мутасадди ўртоқлар миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий ғоя ва миллний мафкурани шакллантиришда катта аҳамият касб этиши мумкин бўлган

зардуштийликни ўрганиш бўйича маҳсус илмий-тадқиқот институти барпо қилишни ўйлаб кўрсалар, айни муддао бўлур эди.

Ҳар бир соҳада биринчи иш, биринчи қадам, биринчи қашфиёт багоят қадрланиб, инсоният бу қадамни бошлаб берган қишиларни миннатдорчилик туйгулари билан доимо эслаб туришини ўз бурчи хисоблаган. Щу маънода жаҳон динлари кейинги 2,5—3 минг йил давомида қанчалик тақоимлалашган, уларниң маросимлари, урғодатлари, расм-русумлари нечоғлиқ ҳилма-хил тус олган бўлмасин, улар барибир Зардушт асос солган яккахудолик эътиқодларининг вориси хисобланishi керак. Улугъ ватандошимиз Зардушт Сепитоманинг тарихда, маънавий маданият тараккиётида ўйнаган буюк ролини тиклаш орқали ўз миллий қадриятларимизни ҳам тиклаган бўламиз. Марказий осиёликлар, жумладан ўзбеклар ҳам абадият ҳаритасида Хитой, Хиндистон, Греция, Эрон, Арабистон, Европа ҳалқлари орқасидан кўр-кўрона эргашиб юрадиган ҳалқ бўлмагани, улар мустақил фикрлари қобилиятига эга эканлиги жаҳон афкор оммасига аен бўлиб қолади.

Бизнинг кунларимизда энг кичик ҳалқлар, элатлар ҳам жаҳон ҳамжамиятлари орасида, ўз ўринларини топиш учун ўтмишларини тиклашга интилмоқдалар. Баъзи кўп сонли ва қудратли миллатлар эса бошка ҳалқлар маданияти ва қадриятларини ҳатто ўзлариник қилиб кўрсатишгача бориб етмоқдалар ва қўпинча бунга муваффак бўлмоқдалар. Аммо туркий ҳалқларнинг бундай қалбаки ишлар билан шуғулланишлари учун хожат йўқ. Улар тариххининг иҷкарисига кириб боришдан ҳайқмасалар, босқинчи — келгингидиларнинг қадриятлари доирасидан чиқиб олишга ақллари етиб қолса — бас, бой ва ибраторумуз тарихимиз тикланадики, шунда ўзбекнинг ҳам кўзи очилиб, истиқъол сари интидишда қудратли кучга эга бўлиб қолади, бу эса унинг миллат сифатида ўз миллий манфаатларини тўла-тўқис англаш, натижада вилоятпарастлик, уругпарастлик ишларидан ҳоли бўлиши учун ғоявий кафолат бўлади.

«Мулоқот» журнали, 1992 йил,  
11/12-сон, 24—29-бетлар.

## ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ ҲАҚИДА

1. «Диншунослик асослари» курси Олий ва Ўрта маҳсус ўқув юргларида ўқитилиши заруратдир. Ўзбекистонда демократик давлат қуриш, ижтимоий адолатга асосланган фукаролик жамиятини қарор

топтириш 1992 йил 8 декабрда қабул қилииган Конституцияда амалий вазифа этиб қўйилди. Бу холат янги давлат, янги жамиятнинг маънавий асослари дин ёки фан, илоҳиёт ёки фалсафа бўлиши керакми, деган саволга аник-равшан жавоб беришни талаб этади. Конституциянинг умумий руҳидан келиб чиқадиган бўлсак, мустакия Узбек давлати диний эмас, балки дунёвий бўлади, жамият эса инсон ҳукуклари тўғрисидаги БМТ Декларацияси асосида ривожланади. Инсон эрки ва ҳукуқининг ажралмас қисми эса виждан эркинлиги масаласидир. Агар бу эркинлик карор топмас экан, инсон ҳукуклари поймол бўлиши турган гап. Бинобарин, «Динишунослик асослари» виждан эркинлиги тўғрисидаги конституцион Конун навбатдаги баёнот бўлиб колмаслиги учун кафолат бўлини мумкин.

2. Одамзот пайдо бўлгандан бошлаб 5,5 миллион йил давомида дин нима эканини билмаган, нутққа эга бўлгач ҳам, ўн минг йиллар давомида диний тасаввурларсиз яшаган. Ана шу узок тарихий давр ва унинг хусусиятлари ҳакида илмий ҳакиқатни ёшларга албатта айтиш зарур. Бунда дин фақат ижтимоий, тарихий ва этник ҳодиса сифатидагина эмас, аввало маънавий эҳтиёж сифатида вужудга келганини таъкидлаш мақбул.

3. Курс дастури ва дарсликда «диндорлик», «динпарастлик», «диний мутаассиблик» атамаларига илмий муносабат ўз ифодасини тошиши лозим. Фикримизча, диндорлик, ўз ҳолица инсон камолоти, жамият тараққиёти, унинг покланиши учун хизмат қиласи. Аммо баъзи диний кимсалар ва уламолар изчиллик билан олиб бораётган динпарастлик ташвиқот-тарғиботи фан-техника тараққиётини диний эътиқод андозасига солиц, умуминсоний қадриятларга эмас, балки ислом қадриятларига асосланган жамиятни шакллантиришни назарда туради.

У фикрлар хилма-хиллаги (плюрализм)га йўл қўймай, ўз-ўзидан диний мутаассибларга айланадики, унинг даشتлабки «мевалари»ни Тожикистон халки татиб кўрди.

4. Зардуштийлик дини Моварооннаҳрда шаклланган, Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шаркка тарқалган яккакудочилик — Охурамазда — Якка худога сифинишга асосланган бирячи жаҳон дини бўлиб, у буддизмнинг махаяна оқими, иудаизм, христианлик, ислом учун гоявий асос бўлиб хизмат қилган. Бинобарин, зардуштийлик дини тарихи, унинг политеизм, монотеизм, дуализм (маздаийлик) оқимлари ҳакида тўла маълумот бериб, тарихий адолатни тиклаш лозим.

5. Муайян дунёкараш атрофида шаклланадиган ва инсоннинг муайян маънавий-рухий ҳолати ва бундан келиб чиқадиган муносабатидан иборат имон масалаеига илмий ёндошув зарур.

Файласуфлар дин билан имонни аралаштириш ғайриилмий эканини исботлаганлар. Имоннинг икки йўналиши борлиги далилланган: аниқ нарсалар, улар орасидаги алқадорликлар тўгрисидаги бошқаларнинг ва ўз фикри ҳақиқагйигига ишонч хис- туйгусидан иборат имон. Бу руҳий ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар мавжуд нарсалар, реал-воқееликларга қаратилган бўлиб, мазкур реалистик имон воситаси - ила ҳар бир одам оламдаги нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар ўргасидаги сабабли bogланишларни англаб олади. Ушбу реалистик имон истак-ишонч, тахмин-ишонч ва ихлос (эътиқод)-ишонч шаклларида намоён бўлади.

Одамнинг инсонга айланиши учун имоннинг бу тури етарли эмас. У ўз ижтимоий моҳиятини намоён эта олиши, ўз генидаги зоологик инстинктларни енгил, маънавий-ахлоқий жиҳатдан жамиятлашган одам — инсонга айланиши учун яна таянч-ишончга тавакқал қилишдан иборат имоннинг олий боскичига руҳан мухтождир. Имоннинг бу тури динни ақдадлар (наджасатлар) атрофида ҳам, илмий-фалсафий ҳақиқатлар, ҳайрли анъанаалар, маънавий маданиятнинг бошқа йўналишлари таъсирида ҳам шаклланиши мумкин. Имоннинг мазкур тури 4 психолигик даражада намоён бўлади: мунофиқлик имони, оддий имон, эътиқодга айланган имон ва «олий ҳақиқат» билан ўйгунашиб кетган имон.

6. Жамиятни мусулмонлар, христианлар, ҳурфиксриллар ва бошқаларга бўлиб юбориш хавфли бўлиб, у пировардида ўзаро душманлик ҳолатини қарор топтириб кўяди. Шунинг учун бугунги тарихий шароит диний ва илмий имон эгалариннинг ўзаро иттифок тузиб, маънавий-ахлоқий бўхронни издан чиқаришга интилаётган кучлар— имон-эътиқодсиз одамларга қарши кураш асосида имонли инсонлар жамиятини барқарор этиш заруратлигини ёш авлодга тушунтириш керак.

7. Дастурда дин, фалсафа, жумладан тасаввuf (суфийлик)га илмий муносабат белгиланиши лозим. Накшбандийлик тарикатининг Марказий Осиё ҳалқлари маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий хаётида ўйнаган ролини ёшлар тушунишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ўкув юртларида социал-гуманитар фанларни ўқитиш муаммолари. 1-китоб. Тошкент, 1993, 264—266-бетлар.

## **ДИНЛАР ТАРИХИНИ БИЛИШ – ТАРИХИЙ ЗАРУРАТ\***

Ўзбекистонда хуқукий демократик давлат куриш, ижтимоий адолатта асосланган фуқаролик жамиятини қарор топтириш Конституциямизда амалий вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу Асосий Конунда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг инсон хукуклари тўғрисидаги Декларацияси руҳи етакчи эканлиги дикқатга сазовордир.

Инсон хукуки ва эркининг ажralмас қисмларидан бири виждон эркинлигидир. Конституциямизнинг З-моддасида шундай қоида бор: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Хар бир инсон ҳоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки хеч қайси динга эътиқод қилемаслик хукуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди». Конституциянинг бошқа моддаларида диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги 1991 йил 14 июндан Қонунида бир дин ёки диний эътиқод учун иккинчи бир дин ёки эътиқодга нисбатан бирон-бир даражада имтиёз ёки чеклаш белгилашга йўл қўйилмайди, дейилган. Мазкур Қонунга мувофиқ, давлат ўкув юртларида диний таълим берилмайди.

Собиқ СССРда инсон хукуки ва эрки ҳар қадамда топталган эди. Чунончи, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар қадам-бакадам бузиб келинди. Устига-устак, бу қонунга хилоф равишда атеистик эътиқод давлат муҳофазасига олиниб, мутлаклаштирилди. Атеизм фан сифатида динлар ва ҳурфиксалик тарихини ўрганиши, шу асосда динларнинг жамият тараққиёти ва инсон камолотида тутган ўрни, мавқеига холисона баҳо бериши, унинг инсон маънавиятида эзгулик руҳини барқарор қилиш, одоб-ахлоқлиликни қадрлаш, маърифатни улуғлашга доир дастурларига инкорни инкорнига амал килган ҳолда муносабатда бўлиши лозим эди.

Собиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросиининг талаби ва тазиики билан атеизм илмдан кўра кўпроқ сиссий тус олди, унинг халқقا қарши ўтказиб келган сиёсатининг юргурдагига айланди. Шунга кўра, Совет даврида қарор топган атеизмни илмий эмас, балки сиёсий атеизм дейиш, унга шу нуқтаи назардан баҳо бериш, муносабат билдириш жоиз.

\* Мати кўлёзмаси ўша пайтда фалсафа фанлари номзоди бўлган И.Каримов томонидан тайёрланган ва бошқа муаллифлар — ЎзФА мухбир азоси Ҳ.Пўлатов, ф.ф.д. А.Абдусамедов ва И.Жабборов хамда ф.ф.и. С.Курбоновлар имзолари билан бирга чоп этилган.

Совет даврида нодон сиёсатчилар динни ёмонотлиққа чиқарып, ундағы умуминсоний қадриятларни ва шунга асосланадиган муносабатларни хам улоқтириб ташлашды. Бу тарихий хатолик эндиликда ҳурфиксалик ійнапишиларидан бири бұлған атеизмдә нисбатан құлланилмоқда. Уни бутунлай рад этиштөркәли үша сиёсий атеизм доирасыда олиб бориілган ва илмий ахамияттің ійқотмаган тадқиқотлар хам бугунгі кунға келиб улоқтирилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон – дастлабки одимларни ташлаёттан ёш давлат. У қайси йүлдан бориши мүмкін, деган саволга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқтол вә тараққиёт йўли» рисоласида равшан жавоб берип, жумладан, шундай фикрларни илгари сурган: «Халқнинг маънавий рухини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамияттинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай кимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон ҳалқимиз қалбидә бутун инсонияттинг улкан оиласида ўз мустақиммәттүзүб этиш вә ғозишик севищ туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўтити билан бирга сингади. «Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур». «Маънавият — тақдирнинг эҳсони эмас». «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар хақ бўлмаса керак». «Маънавият инсоннинг, ҳалқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир». «У йўқ жойда ҳеч қандай баҳт-саодат бўлмайди».

Ўзбекистонда маънавий ҳаёттинг асосини фан ёки дин, фалсафа ёки илохиёт ташкил этадими, деган муаммо бугунги кунда хам назарий, хам амалий ахамиятта молик. Бу муаммони тўғри ҳал этиш Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти учун фавқулодда мухимdir. Ўзбекистон Конституциясининг умумий рухига қараганда дунёвий давлат ва гражданлик жамияти маънавияттинг асоси илмий фалсафа бўлиб қолиши керак. Динга эса жамиятнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан покланишининг бир воситаси сифатида қараш тўғри бўллади. Ана шу мулоҳазаларга биноан, «Диншунослик асослари» фан сифатида шаклланиб, барча турдаги мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитилиши тарихий зарурат бўлиб турибди. Шундай қилинганда, биринчидан, виждан эркинлиги тўғрисидаги Конституцион Қонун амалга ошиши учун кафолат қозага келади, иккинчидан, бир диннинг бошқа дин, бир эътиқод эгаларининг бошқа эътиқод эгаларига нисбатан имтиёзли бўлишининг олди олинади, учинчидан, дин маънавий маданиятда ўзига муносиб ўрин эгаллайди, тўртингидан, бирон-бир диннинг сиёсийлашмай, соғлиги сакланади, бешинчидан, ёшларнинг диндорликни диний мутаассибликтан фарқлашпа ақпапари

етадики, бунда ўз-ўзидан диний партиялар тузиш бехуда, заарли иш эканлиги аён бўлади.

«Диншунослик асослари», айрим кишилар айтганларидек, «Илмий атеизм»нинг (у илмий эмас, сиёсий атеизм бўлганини яна бир бор эслатиб ўтамиз) давоми, вориси бўлмайди. Уни сифат жиҳатидан фарқ қиласидиган, яъни чиннакам илмий асосга эга бўлган фанга айлантириш назарда тутилади. Динга факат тарихий, ижтимоий ва этник ҳодиса сифатидагина эмас, балки аввало маънавий ҳодиса сифатида қаралиб, у одамнинг жамиятлашган индивидга айланиши эхтиёжидан келиб чиққанлигига эътибор берилади, бу янги концепцияда ўзига хос муносабат шаклланади: илм-фан, фалсафа одамнинг инсонга айланишининг маънавий руҳий омили бўлган имон (муайян олий ибтидо ёки олий ижтимоий мақсадга ишонч ва унга садоқатли бўлишга қаратилган ақлий ва ҳиссий қасам) масаласини ҳал этмас экан, динга ишонч асосида одамзод ўз ички оламини унинг воситаси - ила поклашга, ҳавои нафсини жиловлаб боришга интилаверади.

«Диншунослик асослари» курси бўйича тайёрланган ва ҳозир бир қатор олий билимгоҳларда амал қилаётган дастурдаги айрим мухим жиҳатлар сақлаб қолинади. Айни чоғда янги дастур асосида тайёрланадиган дарсликда ўша мавзулар мазмунида Шарқ фалсафасига хос жиҳатлар устуворлик қилиши назарда тутилади. Бу фан дастури илмий-тарихий жиҳатдан тўғри йўналиш олишига, унга кўпгииа янги мавзулар кўшишга эътибор берилади. Жумладан, амалдаги дастурларда Марказий Осиёда вужудга келган ҳамда Будда, Христиан ва Ислом динларининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатган зардуштийлик дини, унинг кўпхудочилик, яккахудочилик, маздаийлик оқимлари ҳакида талабалар янги маълумотлар оладилар. Ислом ва унинг тарихий-тадрижий ривожи ўрганилаётганда, ундаги мухим оқимлар, уларнинг муайян тарихий шароитдаги мавқеига етарли аҳамият берилади. Янги дастурда тасаввуфнинг нақшбандийлик тариқатининг Марказий Осиё ҳалқлари ҳаёти, ижтимоий-сиёсий қарашларидаги аҳамиятини кўрсатиш назарда тутилади. Айниқса, 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан 1991 йилгача бўлган тарихни ҳар томонлама илмий таҳлил этиш алоҳида аҳамиятга эга. У кимгадир ёқиши-ёқмаслигидан қатый назар, барибир, ҳалқнинг машаққатли ҳаёти, азиятли меҳнати тарихидир. Президент И. Каримов айтганидек, уни идеаллаштириш ҳам, бутунлай инкор этиш ҳам мумкин эмас. Бу гаплар «Илмий атеизм» номи билан аталган ва яқин бир аср давомида жаҳон ҳалқлари эътиборини ўзига тортган қарашларга ҳам тааллуқлидир.

Айрим сиёsatчилар яқин-яқингача атеизм шиорлари остида ўз

жаҳолатпастликларини зўравонлик билан таркиб топтиришга интилдилар. Ўрни келгада шуни ҳам эътироф этиш жойзки, биз — ушбу макола муаллифлари ҳам, Ўзбекистондаги бошқа зиёлилар катори, сиёсат тепасида турган корчалонлар тазикини остида муайян даврда сиёсий атеизмни қарор топтириши орқали гўё социализм ғояларини баркарор қилишга интилганимиз. Бу аччиқ ҳақиқатдан тегишли хулоса чиқариш фурсати қелгани учун тақдирга шукроналар айтишни бурчимиз, деб хисоблаймиз.

Бугунги ёшлар атеизм билан худосизликнинг фарқига боришлари лозим. Бу тарихни билиш янги хатоликларнинг олдини олишга имкон беради, деб ўйлаймиз. Демак, бу курсга «Собиқ ССРДа таркиб топган сиёсий атсизмнинг салбий оқибатлари» деган алоҳида мавзу киритилиши керак. «Диншунослик асослари» дастури камида 24 соатли ваъз, 8 соатлик семинар машғулотларини ўз ичига олса токорила айттилган фикрлар бўлаҳас мутахассислар назарий онгни шаклланishiга, бинобарин, дин масаласида хозир кенг тарқалётган ва кўпинча одамлар эътиборини ҳақиқий муаммолардан чалғитишига қаратилган олди-қочди гаплардан ҳоли бўлишига имкон яратилади.

Диндорлик ўз ҳолида одам қалбини мунаvvар этишига, унда меҳр-оқибат, саховат, саҳийлик, эзгулик хисларини ривожлантиришга хизмат киласди. Аммо мадраса кўрмагай айрим чаламуллалар исломнинг обрўсини тўкишдан ташқари, дин ва унинг тарихи тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаган одамларда динпастлик хис-туйғуларини ривожлантиришга, аста-секин диний мутаассибликни қарор топтиришга сабабчи бўладилар. Диний мутаассиблик эса одамларнинг қайси динга мансублигига қараб муносабат билдиришга, демакки, Конститўциямизнинг мухим қоидаларини барбод этишига олиб қелади. Диний мутаассиблик аслида динни муайян сиёсат ва сиёсатчилар қулида югурдак килиб кўяди, уни ҳалққа зуғум ўтказиш воситасига айлантиради. Етук Шарқ мутафакирлари бўнга қарши курашгандар. Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Форобий, Умар Ҳайём, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, Баҳоуддин Накшбанд, Навоий, Машраб каби алломалар фаолиятида динни сиёсийлаштиришга, мағкуралаштиришга қарши майларни, диндан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланувчиларга қарши ғояларни учратиши мумкин.

Ўкув дастурини обдон ўйлаб тузиш мухим. Бу курсдан сабок берувчилар ҳар томонлама маълумотли, факат дин тарихини эмас, балки диний адабиётларни ҳам таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлишлари, араб алифбосини ва араб тилини билишлари лозим.

Афсуски, бундай кишилар республикамизда жуда кам. Шунинг учун кадрлар тайёрлаш мухим масъульиятли вазифалардандир. ТошДДда диншунослик бўйича алоҳида факультет очиш, заруратга қараб бошқа йирик олий билимгоҳларида ҳам диншунос мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга имкон яратиш лозим.

Кўриниб турибиди, «Диншунослик асослари»нинг янги дастури аввалгисидан анча фарқ қиласди. Унинг асосида динга, унинг келиб чиқишига, жамият тараққиёти ва инсон камолотидаги тарихий мавқеига, жамият маънавий-ахлоқий мухитини поклашдаги ўзига хос ўрнига илмий баҳо берилади.

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»  
хафтаномаси, 1993 йил 14 май сони.**

## ХАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

Аслини олганда мафкуранинг илмий-фалсафий жиҳатдан асосланган атамасини тошиш, унинг гоявий-назарий асосларини аниқравшан тасаввур этиши Ўзбекистонимиз истикబоли ва истиклоли учун ҳаёт-мамот масалисидир, десак асло муболага бўлмас. Шунинг учун Президент И.А.Каримов мафкура муаммосини ҳал этишини йўзбекистон илмий, сиёсий ва жамоат арбоблари олдига кескин қилиб кўймокда.

Совет империяси қулагач, унинг энг негизли аркони бўлган мафкурага (аслида уни большевистик мафкура дейиш тўғри бўлади) шундай таъна тощлари отилиб, ижтимоий онгда унга нисбатан шаклланган нафрат ҳислари таъсирида умуман давлат мафкураси керак эмас, деган нуктаи назарлар «илмий асосланмоқда». Ҳис-туйгу устивор бўлган жойда ақл-идроқка ўрин қолмаслиги маълум. Шунинг учун С. Жўраев ва А. Таксоновларнинг мафкурасиз мафкура яратиш тўғрисидаги «концепциялари» ҳам кенг мухокамага мухтоҷ, деб хисоблаймиз.

Мафкурасиз (дeидеологизация) мафкурани вужудга келтириш тарафдорлари ўз концепцияларига терс равишда давлат мафкурасиз яшай олмаслигини тан оладилар. Демак, давлатимизда мафкурасиз мафкура тарафдорлари бор экан, унинг сиёсати бўлади ва бу сиёсатни ҳалиқ оммаси онги ва қалбидан жой олдириш воситаси сифатида унинг мафкураси ҳам бўлади, деяётган олимлар ўртасида эркин ва кизғин баҳс учун вазият вужудга келтирилса, анжуман ўз олдида турган мухим масалалардан бирини ҳал этган бўлади.

Ижтимоий онгда Совет даври воқелиигига ялпи салбий

муносабатни шакллантириш оқибатларини жиддий ўйлаб кўриш керак. 1917 йилгача Бўлган тарихимизга даънат тошлари отиш маънавиятимизга жиддий путур етказгани аён. Бу тарихий хотира барча учун дарс бўлиши лозим. Зеро, ўша ўтган 70 йилни фақат ҳатолардан иборат этиб кўрсатиш ота-боболаримиз, онахону мөмохонларимизнинг азиятли меҳнатлари эвазига яратилган моддий ва маънавий бойликларни ёш авлод хотирасидан ўчириш, ўтганларнинг пок руҳларини қақшатиш бўлмасмикан...

Совет даври фақат Россия тарихи бўлибгина қолмай, Ўзбекистон тарихи ҳамдир. Шунинг учун ўша даврга илмий муносабат белгилаш шаклланадиган мафкурамиз таъсирчанлигини оширади, албатта. Бизнинг назаримизда собиқ СССРда шаклланган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни асло социализм деб бўлмайди, уни давлат монополистик капитализми деб аташ, шунга мувофиқ муносабат белгилани илмийроқ бўлур эди. Сўнгра марксизмни ленинизм (большевизм) билан аинанлаштириш ҳам тутри эмас. Ана шунга ўхшаш назарий масалаларни ҳар тарафлама ҳал этмасдан мафкурани белгилап амалда унинг умрини қисқа, ижтимоий-сийесий оқибатларини эса олдиндан айтишни қийинлаштириб кўйиши мумкин.

Иқтисодий таназзулдан чиқишининг беш тамойилини асослаган Президент И. Каримов Ўзбекистон истиқлоли ҳакида гап боргандা, маънавиятга асосий урғуни бериб, маънавият йўқ жойда баҳт-саодат йўқ деб, масалани дангал кўндаланг кўймоқда. Давлат монополиясига асосланган мулк ўрнига мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини қарор топтириш, шу асосда соғлом рақобатни вужудга келтириш нечоғлик тарихий зарурат бўлмасин, барибир, уни Ўзбекистон истиқлоли учун асосий йўналиш, деб қабул килмаслик керак. Асосий йўналиш маънавиятни қарор топтириш бўлиб, иқтисодий ислохотлар ана шу ижтимоий мақсадга эришиш воситаси бўлмоғи даркор. Аммо «маънавият» тушунчасига ҳар бир одам, ижтимоий гурух ўз эътиқоди, жамиятдаги ўрни ва ролига қараб мазмун беради ва муносабат белгилайди. Бинобарин, маънавий маданиятнинг қайси йўналиши Ўзбекистон миллый мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ривожланган мамлакатлар қаторидан тезрок ўрин олишига хизмат килиши мумкин, деган савол анжуманда ўз жавобини кутиши табиий.

«Янги инсон шахсини шакллантириш» тўғрисидаги эски мавхум гаплар яна бошқа оҳангларда такрорланяпти. Айни чоғда «Комил инсон шахсини шакллантириш» масаласи, унинг сифатлари ўртага ташланмокда. Мафкура аввало ҳар бир одам, щахсга гоявий таъсир кўрсатиш воситаси эканини назарда тутсак, кўзда тутилаётган инсон

шахсининг имон-эътиқоди кайси дунёкараш (хозирги жамиятларда диний ва илмий-фалсафий дунёкараш мавжуд) атрофида шаклланиши керак, деган муаммони ҳал этиш тарихий заруратдир. Илмий анжуман бу муаммони четлаб ўта олмайди, дейишга асос бор. Чунки мафкуранинг йўналишлари кўп, аммо ғоявий-назарий негизи битта бўлиши кераклиги тарихдан маълум.

Шу муносабат билан Туронзаминда тарихан яшаган халқларнинг тафаккур тарзи Гарбий Европа халқлариникидан фаркли равишда оламни, ўз-ўзини англаш кўпроқ диний ва бадиий-эстетик заминда бўлиб келганини эътибордан сокит килиб бўлмайди. Образ (тимсол)лар орқали, улар воситаси – ила оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларни баҳолаш, муносабат белгилаш бизнинг замииларда етакчи бўлган. Бошқача айтганда, халқимизда мантикий тафаккургага нисбатан образли тафаккур юргизиш қобилияти устувор бўлиб келган. Бадиий образлар, киёслашлар орқали диний ва илмий-фалсафий дунёкараш халқ онгига сингдирилиб, имон-эътиқодли шахсларни тарбиялаш, шу асосда маънавиятни қарор толтириш етакчи бўлган. Ана шу ҳусусиятни ҳисобга олмай турии йўналишдаги дастурлар тузиш, илмий таҳминлар қилишнинг самараси камроқ бўлади.

Шу муносабат билан илмий анжуман имон муаммосига алоҳида эътибор берса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Албаттга илмий анжуман мухокама киладиган масалалар кўп. Аммо юқоридаги муаммолар, бизнинг назаримизда, жуда баҳсли ва мухим бўлгани сабабли ҳамма секцияларда у ёки бу тарзда кенг мухокама предмети бўлишга арзиди, деб ўйлаймиз.

«Истиқлол» ижтимоий-таҳлилий журнали,  
Т., 1994 й., 52—55-бетлар.

## ИҚТИСОД, МАЪНАВИЯТ ВА ИМОН МУАММОСИ

Бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий қийинчиликлардан чиқиб олиш, мулкчиликнинг давлат монополиясига барҳам бериб, соғлом ракобатни юзага келтириш лозим. Иқтисодий ислоҳотлар, мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтиришини пираворд мақсад эмас, балки чинакам фаровонликка эришиш учун бир восита сифатида қаралмоғи лозим. Акс ҳолда тарихий хотира унтутилиб, яна хатолар такорланишига йўл кўйиш эҳтимолдан ҳоли эмас.

Хўш, пираворд мақсад нима бўлиши керак? Бизнинг фикримизча, яқин келажақдаги ва истиқболдаги олий ижтимоий

мақсадларни аниқ-равшан белгилаб олиш зарур. Ижтимоий адолат тамоилиларига асосланадиган ҳукукий давлат қуриш, табаалик (гражданлик) жамиятини шакллантириш яқин келажақдаги мақсад, акп-идрек соҳаси – Ноосфера тантанаси даври келишига ишонч истиқболдаги олий ижтимоий мақсад бўлмоги лозим. Булар эса бевосита маънавият билан мустаҳкам боғланиб кетади. “Маънавият, – дейди Ўзбекистон Президенти И.Каримов, – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди”. Иктиносий ислоҳотлар жамиятнинг барча соғлом кучлари учун баҳт-саодат көлтира олсагина, у қадр-кимматли бўлади.

Олий пировард мақсадни белгилаш одамларда дунёвий имонни шакллантиришнинг зарур ғоявий асосидир. Сўз билан иш бирлиги, халол-поклик, виждонлилик, инсоф-диёнат, меҳр-шафқат, саховат, муруват, фидоийлик, ночор одамларга ёрдам, ўз ҳавоий нафсини тия бишин жамият. Ватан ҳашк узун махрумларга ошириш равиш бориш ва бошқалар инсон имонининг асосий шартларидир. Бундан бўёнги жамият, Ватан тақдирни имонли одамлар кўлида бўлгандагина чинакам баҳтлй замонлар кёлиши мумкин. Бўнинг учун олийгоҳларда имон-эътиқод масаласига ўтган даврдагидек бефарқ, локайд қараш майлларига қанча тезрок барҳам берилса, шунча яхши бўлар эди. Имонли мухандислар тайёрлашни кун тартибига қатъий қилиб кўйиш давр, замон талаби эканини назарда тутиб, ўқув-тарбия ишларини шу асосда такомиллаштириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Бир муҳим масалада ягона умумий бир фикрга келиб олишимиз ниҳоятда зарур деб ўйлайман. Ўзбекистон мустакиллигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қандай мутахассис зарур? Албатта имон-эътиқодли, ўз қасбини яхши биладиган мутахассислар керак.

Маълумки, дунёқарашнинг ҳозирги ижтимоий ҳаётимизда икки типи, яъни диний ва илмий-фалсафий дунёқарашлар мавжуд. Шу дунёқарашлар асосида қарор топадиган ва инсоннинг алоҳида маънавий руҳий ҳолатидан иборат имон-эътиқоднинг икки тури вўқеликда мавжуддир. Буни албатта зътиборга олиш, имон-эътиқодли одамлар шахсини камол топтириш учун бутун воситалардан фойдаланган маъқулдир. Чунки имон шахсларнинг ўз инсоний фазилатларини намоён эта олишлари учун ички хис-туйғу, муайян олий ижтимоий мақсадни рўёбга чиқариш учун махрумларларга онгли равишда рози бўлиш ва фикран, ақлан қасамёд қилишдир. Имон-эътиқодсиз одам аввало ўзи учун, қолаверса, жамият ва бутун инсон зоти учун ҳавфли мавжудоддир. Зоро, у маънавий тубан киши

бўлгани учун жамиятда ёвузликларни қарор топтирувчи шахс сифатида майдонга чиқадики, буни эътибордан сокит килиш оғир ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси ва бозор иқтисодиёти муаммолари” мавзусида 1994 йилда ўтган илмий-амалий анжуманда қилинган маъruzанинг қисқача баёни (тезиси). Т., 1994. -115-117-6.

## МАФКУРА ВА ТАРБИЯНИНГ ГОЯВИЙ АСОСИ

Миллат ва давлат бор экан, албатта улар ўз олдига қўйган мақсадларни кенг халқ оммаси тушуниши, ўша мақсадлар атрофида жипсланиши учун мафкура керак бўлган, бундан кейин ҳам, бизнинг фикримизча, шундай бўлиб колади.

Тарбия эса тарихан муайян мафкура билан узвий боғланиб келганини ҳеч ким инкор эта олмаса керак. Масалан, 1917 йил Октябр тўнтирилишигача. Марказий Осиёда маҳаллий аҳоли тарбия тизимининг гоявий асоси ислом дини ва унинг акидалари бўлган. В.И.Ленин бошлиқ большевиклар Россияда қилган давлат тўнтиришидан сўнг, марксча-ленинча фалсафага таянган коммунизм гояси партия-давлат мафкураси асосига қўйилди. Бунда диний имон-эътиқод ўрнига одамларда коммунистик эътиқодни шакллантириш мафкуравий вазифа этиб белгиланиб, шу мақсадни рўёбга чиқаришга хизмат қиласиган ижтимоий институтлар ва социал механизмлар вужудга келтирилди.

Ўзбекистон давлати бўлажак мафкурасининг аввало номланиши, сўнгра унинг гоявий асоси ҳақида ягона фикрга хали келингани йўқ. Демак, мафкура ва тарбияга бағищланган барча илмий-амалий конференциялар, бу масала атрофидаги баҳс-мунозараларнинг тарихий аҳамияти ўз-ўзидан маълум.

Маълумки, Марказий Осиё мутафаккирлари инсон ақл-идроқи кудратига юксак баҳо берганлар. Олим В.И.Вернадский асримиз бошида Ақл соҳаси – Ноосфера бундан бўён тириклиқ соҳаси – биосфера тақдирини белгилази мумкин, деган эди. Рус физик олими Н.Моисеев, ўз тадқиқотларига таяниб туриб, Ноосфера тантанаси даврини яқинлаштириш учун бутун жаҳонда кураш бошанмаса, Ер юзида тирикликнинг ўзи қолмаслиги мумкинлигини исботламоқда. Фикримизча, ўзбек олимлари, ўз тарихий анъаналарига таянган ҳолда, Ақл-идрок тантанаси даври келици тўғрисидаги гояни қўллаб-куваттаб, уни мафкура ва тарбиянинг гоявий асоси этиб

белгилашлари маъқул бўларди. Унда Ақл-идрок тантанаси даври келишига ишонувчи ижон келтирувчи ва ихлос қўювчи ёшларни тарбиялаш амалий вазифа бўлиб қолар эди.

«Мафкура ва тарбия муаммолари: назария ва амалиёт» мавзусида ўтган илмий-амалий конференция маъruzалари тезислари. Т.: 1994. -17-6.

## МАЪНАВИЯТ ИМОНДАН БОШЛАНАДИ

Тошкент Давлат техника университети «Маданиятшунослик» кафедрасининг мудири, профессор Э. Умаров ва «Фалсафа» кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори И. Каримовнинг ҳозирги илмий-тадқиқот ишларининг умумий йўналиши Ўзбекистон Республикаси ва давлатининг мустақиллигини мустахкамлашга ҳамда бозор муносабатлари шароитида маънавий-ахлоқий мухитни соғюмомонтириш йўнидори, усбу жараёни таъсирларни оидаги қаратилиганди.

Уларнинг инсон маънавияти сарзамини — имон масаласидаги ўзаро мулоқотларини журналхонларимиз эътиборига ҳавола этамиз. Ушбу мулоқот «ГУЛИСТОН» саҳифаларида инсон зотининг нелигини англатадиган имон муаммосига доир қизғин баҳсларга бир дебоча бўлар, деб умид қиласиз.

Э. У.: Иброҳим Каримович, кўп йиллардан буён имон муаммоси устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бордингиз. Шунинг натижаси сифатида сизга фан доктори илмий даражаси берилди. Бу муаммонинг долзарблигини, сизнингча, нима билан изоҳлаш мумкин?

И. Қ.: Ҳамма даврларда турли йўналишлардаги фалсафий оқимлар, мактаблар сўз, тушунча, уларнинг асл маъноси учун курашиб келгандар. Бинобарин, бу кураш сиёсий курашнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлган. Сўз, тушунча, атама, уларда ўз ифодасини топган мазмун талқинига муносабат айникса жамият бир ҳоладан бошқа ҳолатга ўтаётган пайтда ниҳоятда жиддий тус олган. Жумладаи, «имон» тушунчасининг илмий-фалсафий мазмунини тўғри англаш республикамизда маънавий-ахлоқий мухитни соғюмомонтириш, шу асосда фуқаролар тотувлигини таъминлаш имкониятини туғдиради, деб хисоблайман. Янгиланаётган жамият маънавияти имоний рукнларга чукур таянса, унинг истиқболи порлок бўлади.

Э. У.: «Имон» сўзи оммавий онгда кенг кўлланилади. Бу сўз, айникса, диний онгда юксак қадрият даражасига кўтарилиганди.

«имонли одам» деганда сўзи билан иши бир, халол-пок, инсофидёнатли, меҳр-оқибатли, муруват ва саховатли одамлар кўз олдимизга келади. Аммо аввало Аллоҳга ишонган, унга калима келтирган одамгина имонли бўла олади, бинобарин, юқоридаги фазилатлар соҳибларигина имонли бўлиши мумкин, деган фикр кенг тарқалган. Бундай фикрлар руҳонийлар онгидагина эмас, айни чоғда, кўпгина ўзбек зиёлилари онгидага ҳам муқим фикрга айланган. Бунда қандайдир ҳақиқат йўқми?

**И. К.:** Ҳақиқат бор. Аммо у тўла ҳақиқат эмас. Тўла ҳақиқат шуки. «имон» (ўзбекча «ишонч») факат диний онгта хос эмас, умуман, Ақлли одам онгининг атрибутидир, унинг воситасида одам оламни ва ўз-ўзини англаш имкониятига эга бўлади. Матъумки, одам оламдаги нарса, ҳодисаларнинг ҳаммасини билишга қодир эмас, бинобарин, оламга муносабатда бошқаларнинг фикрига ишониши ёкн шубҳаланиши, ёхуд ишонмаслиги мумкин. Яна шу руҳий ҳолатдан келиб чиқиб, бошқа нарса-ҳодисаларга баҳо беради ва муносабат белгилайди. Унинг хатти-харакати, фаолият йўналиши ана шу муносабатларга асосланади. Бу, масаланинг бир томони, холос.

Масаланинг иккинчи томони, янада аниқроғи, мухим томони шуки, ҳозирги Ақлли одам зоти ибтидоий аждодлардан фарқли равишда нутқ, у орқали мураккаб тафаккур қилиш қобилияти ва ку-чли хотираға эгадир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, одамнинг бу зоти таянч-ишончдан иборат имоннинг олий тиپига ниҳоятда мухтождир. Имоннинг бу тури эса ё Олий ибтидо ёки Олий ижтимоий мақсад ўз ифодасини тонган эзгу ғоя негизида шаклланиши мумкин. Шундай ғоягина одам зотининг ички маънавий олами («Мени»)ни ташки олам билан боғлаш имконини түғдириб, у ийсон зотига мансуб эканини англаб олиши учун зарур манъавий таянч бўлиб қолади. Ана шу эзгу ғоянинг ҳақлигига ишонч, унга фикрий ва хиссий садоқат туғайли у оламга, одамларга муносабат белгилаш мезонига эга бўлади. Бу ҳол эса одамнинг инсонга айланишида зарур шарт бўлиб колади.

**Э. У.:** Одам инсон эмасми? Сиз бу тушунчаларни алоҳида ажратиб тилга олишингизнинг маъноси нимада?

**И. К.:** Бу тушунчаларда яқинлик билан бирга жиддий фарқ ҳам бор. Аммо индивидуал, одатий ва оммавий онгда уни худди дин ва имон тушунчалари каби айнийлаштириллади, натижада улар ўргасидаги тафовут зътибордан сокит килинади.

Бир ашула бор: «Яхшидир аччик ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон». Бир қарашда содда фикрдек туюлган ана шу хулосаларда чукур фалсафий мазмун бор. Зоро, ундей фикр даетлаб пайдо бўлган

вактда ҳақиқат бўлгани учун қарор топиб қолган турғун тафаккур услубини рад этади. Одам тирик мавжудотнинг бир тури. Муқаддас диний китобларда ҳам одам маҳлукотлар ичида энг азизи ҳисобланади. Демак, мантиқан ҳайвонот оламидан, табиатдан одам зоти ажратиб олинмайди, унинг таркибий қисмига киритилади. Бироқ одам маймундан тарқалган, деган фикр Ч. Дарвин фикри эмас. У асло одам тўғридан-тўғри маймундан келиб чиқкан, деган фикрни айтмаган. Одамсимои, «ўхшаш» деган сўзларни ишлаттан. Табиат ўзи янги турларни яратиш қобилиятига эга эканини табиётшунослик фанлари исботламоқда...

Инсон тушунчасида муайян жамият ва маданият томонидан қабул этилган, ақолининг асосий кўпчилиги эътироф этган одобахлоқ меъёр (норма)лари, қонун-қоидаларига ихтиёрий равишда риоя этиб, ўз фаолият йўналишини белгилайдиган одам назарда тутилади. Барча яшаётган Ақли одамлар одам, аммо уларнинг ҳаммасини ҳам инсон деб бўлмайди. Инсон ўзини англаган жамиятда яшаш қобилиятига эга бўлган улуғ зотиди.

Албатта, одамнинг инсонга айланиб боришида жамиятдаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар, маънавий-аҳлоқий мухитнинг мавқеи катта. Бироқ одамнинг инсонга айланишида ташқи таъсирнинг ўзи кифоя қиласлиги аён бўлмокда. Имон-эътиқод масаласининг долзарблиги ҳам шундаки, у одам онгини қарахтиқдан ҳоли этиб, уйғотади. Унинг жамият, ҳалқ, Ватан ишқи билан яшаш хистайгуларини ривожлантиришда ички рағбат ролини ўйнайди. Имонли инсон атроф-теварағидаги ҳодисаларга муносабат белгилаш мезонига эга бўлади. Яъни у нарса-ҳодисаларни ўзи қабул этган имон нуқтаи назаридан баҳолайди, муносабат белгилайди. Муайян фикр, ғояга бўлган ишонч, шўбҳа ёки ишончсизлик туфайли шаклланадиган руҳий ҳолат имон орқали ирода билан боғланиб, одамни ҳаракатга келтиради. Бинобарин, имонли инсон инсоният, жамият, муайян маданият қадриятларига хилоф фикр, ғояларни қабул этмайди, уларнинг ривожланиш йўлларини тўсади. Одам имон учун кураш жараёнида ўзи ҳам комил инсон бўлиб шаклланади. Шунинг учун ҳам имонли инсондан таъмагир, юлғич, ўғри, пораҳўр, тошбагир, қизғанчиқ индивид чиқмайди. Бу кусурлар олғирлик психологиясидан ҳоли бўлмаган одамлар — имонсизларга хос иллатдир.

Э. У.: Имонли одамда ички гўзаллик эзгу хатти-харакатлар билан боғланиб кетади. Гўзалликни ҳис этиш, уни хунуклиқдан ажрата билиш қобилияти одам зотида бирданига юзага келмаган. «Гўзаллик нима?» деган саволга ҳар бир ҳалқ, миллат донишманлари минг йиллар давомида ўзларича жавоб қидириб,

ажойиб фикрлар қолдиригандар, панд-насиҳатлар яратганлар. Агар адабиёт ва санъатни олсақ, гўзаликни қарор топтириш учун одам хулқ-авторидаги хунукликка нафрат билан қарашиб руҳини қарор топтириш унинг бош мақсадларидан ҳисобланади. Сизнинг гапларингиздан маълум бўляптики, имон-эътиқодли одам — гўзалик ижодкори, маънавиятни қарор топтирувчи оташин курашчи, жамият мағфаатлари йўлида ўзини қурбон қила оладиган инсон экан. Ундаги бундай фазилатлар хунуклик тимсоли бўлган имонсизликка қарши курашиб жаёнида қарор топиши мўмкин экан.

**И. К:** Жуда тўғри фикр билдиридингиз. Гўзалик тушунчаси «имон» тушунчасида ўз ифодасини топган чукур фалсафий мазмун билан туташкан. Имонли одам фидойи бўлгани учун ҳам ҳамина гўзалик ошуфтасидир, гўзаликни хис қилиш қобилнитига эга бўлган одам, албатта, имонли бўлмасдан иложи йўқ. Шунинг учун ҳам демократик ҳуқуқий давлат кўриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш мустакил Ўзбекистон тарракиётининг бош йўли бўлиб қолган ҳозирги пайтда имон ва гўзалик тушунчаларига илмий-фалсафий ёндашиш, уларни ёш авлод онги ва қалбига чукур синг-дириш механизмларини яратиш жуда долзарб масала бўлиб турибди, деб ўйлайман.

**Э. У.:** Жамият тараккиётини илмий тахлил этишда пировард ижтимоий мақсадни тўғри белгилаш, одамларнинг куч-ғайратини ўша мақсад сари йўналтириш ҳар доим катта аҳамият касб этиб келган. Бабзи илмий мақолалар, оммавий ахборот воситалари материалларида бозор муносабатларига ўтиш гўё пировард мақсаддек бўлиб қолаяпти.

**И. К.:** Сёбиқ ССР даврида социализм қуриш пировард мақсад деб белгиланди. Илмий асарлар ҳам, матбуот, ахборот йўналиши ҳам ана шундан иборат бўлди. Ҳолбуки пировард мақсад — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унга эрк ва озодлик бериб, кишиларнинг қобилияти, истеъодди юзага чиқиши учун шароит яратиш, шу жараёнда чинакам инсоний муносабатлар қарор топадиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий мухитни вужудга келтиришдан иборат бўлиши керак, деб ўйлайман. Ўша даврда маънавиятнинг юз-тубан кетиши, хусусан, бошқарув аппаратида имон-эътиқодининг тайини йўқ одамлар кўпайиши иктиносидий ҳаётни издан чиқарганини унутмаслик лозим. Бозор муносабатларига ўтишини пировард мақсад эмас, балки маънавий етук жамиятта эришишнинг бир курдатли воситаси деб билиш тўғрироқ бўларди.

**Э. У.:** Ҳамма динлар, жумладан, ислом ҳам имон масаласига биринчи даражали аҳамият беради, имонли одамларни комил инсонлар, деб таърифлайди. Диний имон билан илмий-фалсафий

талкиндағи имон ўртасида қандай әкімдік ва тафовут бор? Ахир барча дінлар худога ишонч орқали одамларни чинакам гүзәлликни ҳис этишга, имонли одамларни тарбиялашга дағырат этибина қолмай, балки бунга эрнешшинг үзиге ҳос механизмдерини құттан экан, ундан ижодий фойдаланиш мүмкін эмасми?

И. К.: Дінларда ҳаюл-пок, тили билан дили бир, инсөфдиенатлы, саҳоватлы ва мурұватты, ҳавойи нағсаниң тия оладылған, үмуман, чинакам инсоний фазилаттарға ега бұлған кишилар имонли ҳисобланади. Аммо ҳар бир дін ва уннің намоңадарлары үзләри әзтиқод қылған діндеги одамларнің именнилар қаторига құша-дилар. Имонға бернілгандың күйидеги діниң таърифінде әзтибор берінг: «Имон деган түшүнчә араб тилемдегі ишонч маъносидеги сүз. Имонли киши эса мүмнін» дейилади. Мүмнін демек, имон келтирған, ишонған одам. Демек, Аллохнинг борлығында уннің сифатларында, пайғамбарларында, илохий китобларында, киёмат күнінде, яхшилик ва ёмонлик Аллох субхана ва тахсан бүлініс ва діннің күрсатылған, ишониш лозим бўлған нарасаларнинг мажмұасига ишониш Имон дейилади».

Орамизда дінга эмас, инсон акт-идроқтің, уннің яратувчанлық күч-кудратында, илмий қарашшарында ишонувчи кишилар ҳам бор-ку?! Хүш, уларнинг инсоний ҳуқуклари ва кадр-құмматини ҳам назарда тутиш керак эмасми? Ривожланған барча мамлекеттер Конституцияларында виждөн әрқинлігі тұғрысында қонун бор. Бу қонун инсонияттың тарихий тәжірибелілік шартында ахамияттаға ега.

Илмий-фалсафий нұктай назардан «ишонч» атамаси билан «имон» түшүнчесіндең үртасидағи айниийлік ва тафовуттың анықтамасынан шығады. Имон дегендегі әзтибор ишонч эмас, балки шу билан бирга ихлос, садоқат каби түшүнчелар ҳам ифодаланади. Ҳозирги тарихий даврда ислом орқали кириб келған ҳамда одаттың оммавий онгда кең күлланилаётгай алғын атамаларнинг мазмунини фалсафий таҳлил этиш ғоят мұхимдір.

Одам дінний йүл билан ҳам, илмий-маърифий, маданий-анъанавий турмуш тарзи билан ҳам ҳар қандай әкімдікке үз сүзини қадрлайдын, тилию дили бир инсон сифатында ҳаюл-пок, инсөфдиенатлы, адолат, маърифат ва ҳакикат тимсолига айланиши мүмкін. Ахир бизнинг оламимизни, жамиятни меъёрида ушлаб туришда бутун дүнёдеги ана шундай имонли одамларнинг хизмати озми?

Дінний ибодат, урғ-одат, маросимларни адо этиб, имонли бўлишга интилиш рағбатлантирали ҳол. Аммо динни никоб килиб

олиб дуони пулга сотиш, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормаслик, тошбагирлик ва ёвузликка ружу кўйишлардан асло кўз юмиб бўлмайди.

Одам фикри ва қалби барқарорлик билан бекарорлик вазиятида мавжуд бўлади. Бу икки ҳолат муайян вазият ва мунсафатга қараб бир-бирига ўтиб туради. Инсондаги рухий ҳолат ўзи ва ўзгалар фикрига, муносабатига қараб тез ўзгариб туради. Шунга мувофиқ, хатти-харакат ҳам ўзгаради. Фақат ғоявий таянч — ишончга эга, Олий ҳакиқат билан ўз ички оламини теран боғлаган фикран ва хиссан бир бутун, қалби имон шуури-ила ёруғ инсонларгина барқарорликка эга бўлади. Унинг фикрлари шахсий ва ижтимоий ҳаётда рўй берадиган ўзгаришларга мутаносиб тарзда ўзгараవермайди.

**Э. У.:** Динлар-ку худо орқали одамнинг ички оламини ташки олам билан боғлаш ўмконнитини туғдирап экан, илм-фан, фалсафа нимани таклиф этади?

**И. К.:** Барча динлар, диний ташкилотлар, фидоий рухоний ва илоҳиётчиларнинг тарихий фаолияти туфайли диний дунёкараш ғояларини инсон имонига айлантиришининг ижтимоий механизмдари вужудга келтирилган. Гарчи қадим даврлардан бошлиб имон-эътиқод масаласи қўп файласуфлар зъгиборида турган бўлса-да, аммо у фикрлар кенг ҳалқ оммаси у ёқда турсин, ҳатто илмий доираларга ҳам энди-энди ёйилиб бормокда. У ҳали ғоя, нуқтаи назар сифатида турибди. Имон ҳодисаси факат диний онгга эмас, балки, умуман, инсон онгига ҳос хусусият экани ҳозирча файласуфлар доирасида инсон онгига ҳос хусусият экани ҳозирча файласуфлар доирасида

Маълумки, муайян жамият, бир маънавий-рухий ҳолатдан иккинчисига ўтища ижтимоий-иктисодий ҳаётда рўй берадиган турли ўзгаришлар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳозир дунёдаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар, коммуникация ва алоқа воситалари тараққиёти ер юзи аҳолисининг миллати, ирқи, ижтимоий макоми, шунингдек, дини ва эътиқодидан қатъий назар, яхлит бир вужуд сифатида намоён бўлишини тақоза этмоқда. Шунга мувофиқ маънавий-рухий мухитни согломлаштириш учун юксак ижтимоий фазилатларга эга инсонларни тарбиялаш мухим бўлиб турибди. Кўзга кўринган олимларнинг фикрича, бутун дунёда акл-идрок тантанаси даври келиши керак. Яъни шу ғоя Олий ижтимоий мақсад сифатида қабул қилинса, янги маънавий-рухий ҳолатни ташувчи, янгича тафаккур усули ва янгича ахлокка эга бўлган имонлн одамлар шахси шаклланиши керак. Бундан чиқадиган хулоса шу бўладики, «дин» билан «имон» тушунчаларини айнанлаштиришдек тарихан чекланган фикрларга барҳам бериш,

ижтимоий ва миллий онг йўналишини имонли одамларни тарбиялашга буриб юбориш жоиздир. Бунда диний ташкилотлар билан сиёсий ташкилотлар, руҳонийлар билан фан ахллари, диндорлар билай инсон акл - идроки кудратига ишонувчилар ўртасида тарихий ҳамкорликни юзага келтириш фавқулодда катта аҳамият касб эгади.

«Гулистан» журнали, 1995 йил,  
1-сони, 12—15-бетлар.

### НАЖОТ—ИМОНДА

XXI аср бўсағасида инсоният истиқболи олдида икки йўл кўндаланг бўлиб колди: одам тирик мавжудотларнинг бир тури сифатида ҳайвонот оламига хос қусурлар қабоҳатининг қулига айлананинида давом этиб, ўз ҳалоқатини тезлаштирадими ёки у инсоний фазилатларини амалда намоён этиб, бутун тирик табиатни муқаррар ҳалоқатдан саклаб қола оладими?

Баъзи олимлар одам чинакам инсон билан ҳайвон ўртасидаги қандайдир маҳлук десалар, бошқалари одамзотнинг вужудга келиши табиатнинг энг калтис хатоси, деб ҳисобдамоқдалар. Барча динларнинг муқаддас қитобларида эса одам Худойи таоло яратган ҳамма мавжудотларнинг энг айлоси, оламдаги барча нарсалар унинг учун ато этилган, дейилади.

Хозирги замон илмий-фалсафий фикрларнинг бу масаладаги нуқтаи назари қандай? Нажот йўли борми? Ана шу баҳсли саволлар бугун ўз жавобини кутмокда.

Асримизнинг бошида энциклопедист-олим В. И. Вернадский Ер юзида Ақл соҳаси — Ноосфера борлигига жаҳон олимлари эътибории қаратган эди. Аммо олимнинг ҳавфнинг олдини олиш тўғрисидаги огоҳлантириши большевистик сиёсатдонларнигина эмас, балки бошка мамлакатлардаги сиёсий ташкилотлар, уларнинг арабблари томонидан амалда кўллаб-куvvatlanмагани инсониятга қимматга тушгани эндиликда кўпчиликка аён. Жаҳондаги баъзи олимлар Вернадский гояларини ривожлантириш, уни амалиёт дастурига айлантириш фикрлари билан чикмокдалар. Жумладан, рус физиги ва математиги академик Н. Моисеев табииётшунослик фанларининг фалсафа билан алоқасини мустаҳкамлаш асосида инсониятни муқаррар ҳалоқатдан саклаб колиш учун янги назария яратиш гояси билан чикаётгани диккатга сазовор.

Ер қобиги устки қисмининг эҳтимол тутилган ҳолатидан бири

бўлган Ноосфера тўғрисидаги таълимотнинг тарихий илдизлари чукур. Ҳамма мамлакатлар ва халқларнинг донишмандлари, фозилу фузаполари одамзотни ақл-идрок билан иш кўришга даъват этиб келгандар. Муқаддас диний китобларда ҳам фаолият йўналишини ақл-идрок билан белгилашга даъват кучли. Эндиликда эса Ақл соҳаеини илмий, фалсафий тадқиқотларнинг марказига кўйиш зарурат бўлиб қолмоқда, десак хато бўлмас. Зеро, ҳозирги одам зоти факат жисм (тана) дангина иборат бўлиб қолмай, айни чоғда у муайян маънавий-рухий ҳолат сохиби ҳам эканини тушуниш пайти келди. Бироқ одам ва жамиятдаги маънавий-рухий ҳолат қандайдир сирли, мўъжиза (иррационал) эмас, балки уни ўрганса, илмий-тадқиқот соҳасига кўнсане бўладиган реалликдир. Бунинг учун табииётшунослик, техникашунослик, ижтимоий ва гуманитар фанлар орасида найдо бўлган чукур жарликка барҳам бериб, инсоният Ақл-заковатини ва унинг маҳсулни бўлган техника ва технология тараққиётини бунёдкорлик, эзгулик томонга буриб юбориш учун ягона инсоншунослик фанини вужудга келтиришни ҳаёт тобора кўпроқ тақоза этаётгандек.

Одамзоднинг Ақл ёрдамида яшashi учун курашга ўтганига 5,5 миллион йил вақт бўлди. Бирок ўтган ўша миллион йиллар давомида у Она-табиятга бизнинг асрдагидек даҳшатли таъсир кўрсатган эмас. Оврупача рационализм, И. Одоевский таъкидлаганидек, ҳақиқат остонаси олдига олиб келди-ю, аммо унинг ичига кириш имкониятини бермади. Бир бутун олам шахсий, гурухий, синфий, миллый ва худудий манфаатлар исканжасида қолиб, техника қурдати билан жунбушга келмоқда. Юқоридаги манфаатлар борлиги табиийгина бўлиб қолмай, балки зарурий ҳамдир. Ана шу манфаатлар одам ва унинг уюцмалари (давлати, партиялари, жамоат ташкилотлари, жамоалар)ни харакатта келтирувчи қурдат, ташаббус ва изланишлар манбаъидир ва шу маънода улар асло хавфли эмас. Бу манфаатларни тўғри тушуниш, уларни химоя килиш учун курацида инсон шахси шаклланади. Барча хавф шундаки, ўша табийӣ ва зарурий манфаатларни гор одамлари тафқурига хос шаклда эмас, балки Ақлли одам (*Homo sapiens*)ларга муносаб тарзда, яъни умуминсоний, умумпланетар манфаатларга қарама-қарши қўймаган ҳолда химоя қила билиш лозим. Зеро, муайян қисм муайян бутун бағридагина ўз вазифасини бажариш имкониятига эга бўлади. Бутун ўз доирасига кирган барча қисм ва унсурларнинг яшashi учун бир шароит экани эътиборга олинса, у тўласича хис этилса, янгича тафаккур тарзининг қарор топиши йўли сўзсиз танлаб олинади. Жаҳон файласуфларининг кейинги Конгрессида ҳозирги замон тараққиёти шу мутахассислар

олдига одамларда янгича тафаккур тарзини қарор топтиришини асосий вазифа қилиб кўймоқда, деган хулосага келинди. Оламни, планетамизни бир бутун бўлинмас ҳолатда тасаввур этиш барча манбаатларга умуминсоний манбаатлар кўзгуси орқасидан карашга одатланишни тақоза этмоқда.

Биосферанинг таркибий қисми, бўлган Ноосфера (Ақл соҳаси) техника тараққиёти туфайли ўз яратувчисига зўр таъсир ўтказувчи қудратли омилга айланди. Бундай шароитда Ноосфера биосферанинг алоҳида ҳолати сифатида намоён бўлади. Мана шу янги тарихий ҳакиқатни англаш, табиатнинг улуг неъмати бўлган Ақл соҳасини тўлалигича оқилона ишлар йўлига буриб юбориш масъулиятини Одамзот ўз зиммасига оладиган пайт келди. Табиат ва жамият, тирик ва нотирик материя кўринишлари, шахс ва жамиятнинг маромли, уйғун тараққий этиш даври келишига комил ишончни тарбиялаш мухимдир. Ноосфера биосферанинг шундай ҳолати бўлиши лозимки, бунда Ақл биосфера тараққиётини одамзот ва унинг келажаги манбаатларига буриб юбориш имконияти вуужудга келсин.

Хозирги тарихий шароит ҳамманинг, биринчи навбатда зиёлилар ва сиёсий арбобларнинг тушунчаларидаги илмий-фалсафий мазмунни англаб олишларини тақоза этмоқда Масалан, «одам» ва «инсон» тушунчалара хатто баъзи илмий адабиётларда, оммавий ахборот воситаларида деярли бир мазмунда кўлланиб келинмоқда. Бу ҳолнинг давом этиши мафкуравий ва тарбиявий ишларимиз таъсирчанлигига путур етказйиши мумкин.

Физиологик жиҳатдан ўхшаш ва онгли мавжудотнинг ҳаммаси «одам» дейилади. Бошқача айтганда, биологик моҳияти ижтимоий моҳиятдан устувор турадиган, мукаддас қадриятларни ўзлаштиришга ҳам улгирмаган, торроқ манбаатлар қобиғида чекланиб қолган кишиларнинг ҳаммаси одам ҳисобланади. Шу маънода ўғри, босмачи (рэкэтчи), таъмагир, пораҳур, фоҳиша ва бошқалар ҳам албатта одам. Бироқ уларни инсон категорига кўшиб бўлмайди.

«Инсон» тушунчасининг фалсафий мазмуни бор. Муайян жамият ва маданият томонидан эътироф этилган одоб-ахлоқ маромлари, тартиб-қоида (қонун)ларга ихтиёрий равища риоя этувчи, мабодо ташки таъсир остида ёки беихтиёр уларга хилоф хатти-харакат қилиб кўйса, виждан азобида қолиб, чукур изтиробга тушувчи, ўзини-ўзи кечирмовчи олий бир зот инсондир. У маънавий маданият, одоб-ахлоқ ташувчиси, жамият таянчидир. Чунки инсоннинг феъл-атвори, хатти-харакатини, бутун фаолиятини ижтимоий моҳият белгилайди, биологик моҳият иккинчи даражали бўлиб қолади. Бинобарин, одам биосоциал, инсон соцбиологик

мавжудодdir, десак балки тўгри бўлар. Инсоннинг ажралмас атрибути муайян дунёкараш негизида шаклланган имонdir.

Бизнинг фикримизча, имон дунёвий ва диний ташкилотлар кучгайратини бирлаштириш имконини берадиган тушунча бўлиб, у умумбашарий қадриятта айланиш хукукига эгадир. Фақат бу тушунчада ифодаланган илмий-фаолефий мазмунни англаб олиш, унга асосланиб имонли шахсларни камолга етказиш ижтимоий институтлари ва механизмларини вужудга келтириш жоиз.

Тарихан «имон» ва «дин» тушунчалари айнилаштирилади. Бунинг сабаби шуки, барча динлар ва диний ташкилотлар Худойи таоло йўли ҳақ эканига ишонувчи, мукаддас китоблардаги барча даъватларга садокат кўрсатувчи, ўзи қабул килган дин йўлида фидойи бўлувчи шахсларни вояга етказишни пировард максад қилиб кўяди. Сўзи билан иши (амали) бир, инсоф-диёнатли, саҳоват-муруватли, вижданли, ҳалол пок, ҳавои нағсини жиловлай биладиган, ҳалқ, Ватан ишкни билан яшайдиган, адолат тимсоли бўлган ва шу каби олижаноб фазилатлар эгалари имонли шахслар ҳисобланниб келинган. Ана шундай шахслар диний жамоатчилик фикри билан рағбатлантирилган. Энг обрўли руҳойилар ўз хатти-ҳаракатлари, бутун фаолиятлари билан юкоридаги инсоний сифатлар мужассами бўлганлар Масалан, ҳаж қилиб келганлиги учун эмас, балки покланиш йулига киргани, бу жихатдан одамларга идеал бўлишга жазм этгани учун ҳожилар доимо эъзозда бўлганлар Шунинг учун ҳам Машраб қалби Аллоҳ нури билан равшан бўлмаган одам ҳаж килиши Иброҳим алайхиссаломдан қолган эски дўконни кўриб келишдан иборат, деган.

Нопок, инсоф-диёнатсиз қишилар имонсизлар қаторига киритилиб, уларга нисбатан жамоатчилик нафрати қўзгатиб келинган Жумладан, имонсиз одамларнинг қизларини келин, ўғилларини куёв қилишдан ҳазар қилганлар. Уят-номусга асосланган турмуш тарзи ҳар қандай шароитда ҳам «имонсиз» деган номни олишдан ўзини эҳтиёт қилиш хис-туйгуларини шакллантирган.

Динлар, жумладан, исломнинг имонли одам шахсини камол топтириш юзасидан тўплаган бой тарихий тажрибаси Ўзбекистонда маънавий-ахлоқий мухитни соғломлаштириш омилларидан биридир.

Аслида имон диндан келиб чиқади, диндор одамгина имонли бўлади, деб ўйлаш тўғри эмас. Ташки кўринишдан диндор бўлган одамнинг маънавий олами қашшоқ ёки тубан бўлиши, аксинча, ташки жихатдан муайян динга эътиқод қилмаган ҳолда маданий-маърифий, анъанавий турмуш тарзи таъсирида маънавий бой, ахлоқий пок шахс бўлиши мумкин

Бу шуни кўрсатадики, мусулмон, христиан, буддист бўлишга нисбатан имонли бўлиш кийинроқдир. Чунки бирон-бир динга эътиқод қилиш фақат шу жамоа олдидағина маъннит хиссини тарбияласа, акл-идрок тантанаси даври келишига ишонч, эътиқод бутун жаҳон афкор оммаси, ийсон зоти олдида маъннитли қилиб кўяди. Шунинг учун имонли одам оч, яланғоч қолган чорда ҳам жамият, Ватанга хиёнат қилмайди, бошқалар ҳакини сийшдан узлади.

Мусулмон, христиан, буддист, иудаист ва ҳоказо динларга эътиқод қўйиб, имон келтиргац одамлар кўп. Ҳозирги пайтда диний йўлга кириб, ичкиликдан, ўғриликдан, гиёхвандликдан, фохишиликдан, порахўрликликдан ўз ихтиёрлари билан кайтаётган одамлар бор. Ҳамма динларнинг асосий вазифаси инсон қалбини имон нури - ила баҳраманд этиб, покланиш учун одамда инсоний туйғуни ҳосил этишдир. Дин, диний ташкилотлар, чин руҳонийларнинг бу борадаги саъй-харакатлари жамиятимизни номидиша бебаҳо ахамиятга молик. Айни чорда имон — Ақли одам онгининг нодир ҳодисаси бўлиб, у муайян олий ях, идеал шаклланадиган маънавий-рухий ҳолат эканини назарда тутиш лозим. Ақл соҳаси тантанаси даври келишига ишонч руҳининг инсоғ онги ва қалбидан жой олиши умумбаҳшарий имон учун ғоявий асос бўлиб қолиши мумкин, деб хисоблаймиз. Ҳозир баъзи чет зл олимлари, инсоният техника тараққиётни туфайли боши берк кўчага кириб қолди, энди нажот йўли, йўқ, демоқдалар. Бизнинг фикримизча, келажакка ишонч билан қарашга ҳали катта умид бор. Экология соғлиги учун умумжаҳон харакатини вужудга келтириш оркали Ақл тантанаси даврига кириш мумкин, деяётган олимлар фикрларида ҳам ҳақиқат мавжуд. Бирок, жамият маънавий-ахлоқий мухитини соғломлаштириш мақсади устувор бўлган чорда, айнан шу доирада экологик ҳалокатнинг олдини олиб қолиш, бошқа улкан муаммоларни ҳам ҳал этиш мумкин.

Бутунги кунда имонли одамлар учун курашда давлат ва сиёсий ташкилотлар, маданият ва маорифнинг барча шаҳобчалари билан диний ташкилот ва жамоа қуч-гайратини умумбаҳшарий муаммолар атрофида бирлаштириш имкони туғилди. Тарихнинг бу муборак тортиғидан баҳраманд бўлиб ҳар бир жамият, мамлакатда имонли шахсларни камол төптириш учун кучларни бирлаштириш пайти келди. Зоро, имон туфайли индивид ўз ички олами — «Мени»ни ташки олам (бутунлик) билан боғлашнинг тарих синовидан ўтган воситасига эга бўлади ҳамда оламни билиш, ўз-ўзини англаб олиш усулига, муайян дунёқараш ва ғояни амалда намоён қилиш имкони туғилади. Шу маънода имон мағкура предмети, тарбиянинг ғоявий

негизи бўлиши мумкин. Ҳадисларда ҳам фақат диний ибодат эмас, балки яхши фсьл-авторлар, амалларга эга бўлган кишиларгина имонли хисобланишлари айтилади:

Соғлом оила, боғча ва мактаб тарбияси, жамоатчилик таъсири, давлатнинг маданий-мътирифий тадбирлари ва ижтимоий адолатни хукуқий жиҳатдан муҳофаза килини, ижтимоий-иктисодий, миллий муносабатларни инсонийлаштириш йўлидаги ҳаракатлари ва шу кабилар одамнинг инсонга айланни боришидаги зарурий омиллардир. Вижданлилик, ватанпарварлик, ҳалқпарварлик, инсонпарварлик каби ғоялар одамда эзгу туйгуларни уйготиб, имонлилик фазилатларини юзага келтиради. Айниқса, адабиёт ва санъат асарларидаги ижобий қаҳрамонлар аслида имонли инсонлар тимсоли эканини унтиб бўладими! Имоннинг олий тури муайян дунёқараш билан боғлиқ экан, бунда фалсафа ҳамда бошқа ижтимоий ва гуманинтар фанлар йўнайдиган ролни икора этиш мумкин эмас.

Демак, нажот йўли бор: у қайси йўналишда бўлмасин, одам зоти имон эгаси бўлиб қолса, мушкуллар осонлашажак, муаммолар камроқ бўлажак. Чунки Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, имонсиз одамнинг ҳайвоидан фарки кам бўлади. Фақат муайян дунёқараш негизида шакланган имон эгаларигина чин инсон сифатларини ўзида мужассамлаштира олар экан, дунёқараш ва мафкура масаласини биринчи даражали вазифалар каторига кўшиш лозим. Шу аснода ҳар бир инсон ўзи яшаётган жамиятдаги барча муносабатларни инсонийлаштирадиган, Ақл тантанасини намойиш эта оладиган кудратли яратувчи кучга айланади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,  
1995 йил, 17 март сони.

### **МАРКСЧА ФАЛСАФА: УНИНГ ҚАДР ТОПИШИ ВА ҚАДРСИЗЛАНИШ САБАЛЛАРИ**

Собиқ СССР ҳаробалари устида мустакил республикалар вужудга келгач, 1,5 аср мобайнида жаҳон ижтимоий-фалсафий фикрини ўзига жалб этиб, кудратли ижтимоий ҳаракатлар, инқилобий ўзгаришлар вужудга келиши учун асос бўлган марксча фалсафага муносабат жиддий равишда салбий томонга ўзгарди. Марксизмнинг ижтимоий онгда топған қадри ва собиқ СССР, «социалистик лагер» деб аталган мамлакатлар худудларида яшаётган кўп ҳалқлар назарида бирданига қадрсизланиш сабабларини илмий-фалсафий таҳлил этиш нихоятда зарур. Зоро, ўтмишни яхши билмай, келажак дастурларини

тузиш амалда истиқболни заволга учратиши бўлур эди. Совет даврида дунёвий дин ва тотализм мафкурасига айлантирилган марксизм ҳар қандай танқидга эмас, балки илмий-фалсафий тахлилга ва холосона танқидга муҳтож бўлиб турибди.

Эркинлик, озодлик, тенглик туйгуларини ҳар бир одам қадриятига ва турмуши тарзига айлантириш муаммоси қадим-қадимдан инсониятнинг буюк акл эгаларини жиддий ўйлашга мажбур этиб келади. Одамларнинг жамият бўлиб яшашлари, бутун дунё ҳалқларида ҳамкорлик, ҳамдўстлик руҳи қарор топишни учун улар турлича ижтимоий андоза (модел)ни таклиф этдилар. Бой ва камбағалга бўлинмайдиган осойишта ҳаёт, демократик тузум ғоясини Шаркда биринчи бўлиб эрадан олдинги VI асрдаёқ ватандошимиз Зардушт илгари сурган эди. Эрамизнинг VI асрига келиб, Маздак ижтимоий тенглик ҳакида, бой-бадавлат одамларнинг ихтиёрий равища камбағалларга, етим-ецирларга ёрдам бериши кераклиги тўғрисидаги таълимотни ўзича асослаган бўлди. Шу заминда Марказий Осиёда хазонмаддлик ҳаракати юзати келиб. Иисоғга келмаган бойларнинг бир қисми мулкини зўрлик билан тортиб олиш холлари ҳам юз берди. Форобий жаҳон ҳамжамияти ва давлати барпо қилиш тўғрисидаги ғояларни илгари сурди. Навоий эса адолатли жамият қуриш учун адолатли подшоҳлар, адолатпарвар одамлар кераклиги тўғрисидаги фикрларини исботлашга интилди.

Шарқ фалсафаси ва илғор ижтимоий фикридан озиқ олган Овруп фалсафаси янги даврда бу ғояларни рўёбга чиқариш учун аниқ дастурлар яратишга интилди. Оврупода бозор иктиёси муносабатларининг дастлабки шакли аёллар, болалар меҳнатини, умуман ишчиларни ҳаддан ташқари эксплуатация қилди. Қашшоқлик, ишсизлик авж олди. Илгариги қарам муносабатлардан сўнг чинакам Тенглик, Эркинлик ва Озодликка асосланган тузум барпо бўлиши тўғрисидаги умумий ишончлар пучга ҷиҳа борди.

Ҳаёлий социалистлар илгари сурган дастурлар бир жиҳатдан Маздак таълимотини эслага тушшарарди, яъни капиталистлар ихтиёрий равища коммуналар ташкил этиб, Озодлик, Эркинлик, Тенгликка асосланган жамиятга замин яратишлари лозим эди. Уларнинг бу қарашлари рўёбга чиқиши қийинлиги маълум бўлгач, XIX асрнинг 30-40-йилларидан коммунистик жамият қуриш тўғрисидаги ғоялар Германия, Франция, Англия каби мамлакатларда кенг ёйила бошлади. Ўша даврнинг илғор хисобланган зиёлилари коммунистик партия атрофига уюшдилар, бу партияларнинг курултойи Маркс билан Энгельсга партия дастури лойиҳасини тўзишни топшириди. Улар дастлабки асарларидаёқ коммунистик жамият ғояси ҳаётий зарурат

еканини «асослаш»га ҳаракат килган эдилар. Шунинг учун улар ўз қарашларини 1848 йилда ихчам тарзда «Коммунистик партия манифести»да ифодаладилар. Ана шу пайтдан бошлаб коммунистик жамият ғояси Ғарбий Оврупода амалий ижтимоий ҳаракатга айланади. Коммунистик, социал-демократик партиялар ташкил топиб, улар I Интернационал атрофида уюцдишадар. Бу ижтимоий ҳаракаттарнинг натижаси сифатида Париж Коммунаси — биринчи «ишчилар давлати» барпо бўлди. Киска яшаган бу давлат катта умидлар дебочаси бўлиб қолди.

Мулкдор синф вакили бўлган К. Маркс (1818—1883) ўтган асрнинг 40-йилларида шаклланган «ёш гегелчилар» клубига аъзо бўлди. Парижга келгач, Маркс «Адолатпарварлар иттифоқи» деб аталган яширин ташкилотта жириб, көммунистик ҳаракатга қўшилди. Ижтимоий тенглик, Адолат, Биродарлик, Озодлик ғоялари мужассами сифатида «Коммунизм» тушунчаси Франция, Англия, Германия инқиlobчиларини бирлаштирувчи омилга айланди. Сармоядор оиласининг фарзанди Ф. Энгельс (1820—1895) ҳам бу ижтимоий ҳаракатга қўшилди ва Маркс билан алоқалар ўрнатди. Гўё бу ғоялар ўша давр Ғарбий Овруподаги бирқатор ёшлар учун нажот йўли бўлиб кўринди. Чунки сармоя (капитал)нинг дастлабки жамғариш ниҳоятда ваҳшиёна усуслар ва воситалар билан бораётгани сабабли, оддий меҳнат ахлининг иқтисодий аҳволи тобора ёмонлашетган эди. Маънавий ҳаётда асрий диний қадриятлар қадрсизланиб, одамлар ўртасида маънавий-ахлоқий бўхрон авжига чиқмоқда эди. Ўша давр маънавий-ахлоқий муҳити манзарасини кўз олдимишга келтириш учун француздар ҳаёлий социалисти Ш. Фуръенинг куйидаги фикрлари магзини чақиб кўриш фойдалидир.

«Ҳар бир киши бошқа кишига ёмонлик тилашдан манфаатдор, ҳамма жойда шахсий манфаат ижтимоий манфаатдан устун кўйилади. Ҳукукшунос ҳамма бадавлат оиласаларда ўзаро жанжал ва унда судланиши учун эзгу даъволашиб ҳукмрон бўлишини истайди. Врач ўз ватандошларига яхши иситмалаш ва шабадаланишини раво кўради, зеро, одамлар касал бўлмасдан ўлиб кетсалар, у хонавайрон бўлиши мумкин; агар ҳамма жанжаллар ўзаро самимият билан ҳал этилиб қолса, адвокат бошига ҳам худди шу кулфат тушиши мумкин. Ҳарбий одам ўз унвони ошиши учун ўртоқларининг ярми қирилиб кетадиган бир яхши уруш бўлишини хоҳлайди. Руҳоний яхши ўлимлар бўлиб туриши ва бу унга минглаб франк келтиришидан манфаатдордир. Ноиб муҳолифларнинг ярмини йўқ қилиб, унинг сайданишини осонлаштирадиган яхши қатагон (репрессия)лар бўлиб туришини истайди. Судья Франция ҳар йили 47500 жиноятчини бериб туришда

давом этиш тарафдори, чунки шундай бўлмаса, судъяларга ҳожат қолмайди. Ноn савдо-три ноининг нархини 2 ва 3 баравар оширадиган яхши очарчилик бўлиши иштиёки билан нафас олади; узумфуруш эса бутун узум хосилини йўқ қилиб юборадиган яхшигина дўл ёғиши ва жигарни ишдан чиқарадиган яхши совук бўлишини истайди, холос. Архитектор, гишт терувчи ва дурадгор юзлаб уйларни йўқ қилиб юборадиган ва уларнинг касбига харидорларни кўпайтирадиган яхши ўт чиқишини истайди.

Шундай қилиб, цивилизация (маданий ҳаёт) ҳар қисмнинг харакати бутунга қарши чиқишдан иборат кулидди механизмнинг гавдаланишидан иборат»<sup>1</sup>.

Ишчиларни эксплуатация қилиш (ҳакини кам берib ишлатиш) илгари кул ва крепостниклар (карол, чорикор) ларни эксплуатация қилишдан фақат шакл жиҳатидангина фарқ қилишини кўрсатиб, Сен-Симон ворислари бундай дейишган эди:

---

— Ишчи кул сингари ўз жўжайнининг тўғридан-тўғри мулки эмас, ҳаммаси вактли бўлган унинг ҳоли икки томонлама тузиладиган мекнат шартномасига боғлик. Ахир бу битим ишчи томонидан тузиладиган эркин битимми? Йўқ, зероки бугун яшаб туриши учун ишчи кечаги иш ҳақига умид боғлашга мажбурки, очлик ва ўлим ваҳимаси остида у ўзига тавсия этиладиган битимни қабул қилишдан бошка ишжи йўқ.

Хукукий жиҳатдан эркин бўлган одамлар моддий ва маънавий жиҳатдан кўз илғамас ишлар орқали сармоя эгалари ва давлат чиновниклари қўлига қарам бўлиб қолдилар. Бу ҳол катта-катта кўзғолонларни келтириб чиқарди. Пул, бойлиска сифиниш шу даражада кенг тус олдики, унинг олдида инсон ва унинг қадрикиммати бир чака бўлиб қолди. Ўша давр ва ундан кейинги пулга сифинишга асосланган Farb ва Шарқ разолатли ҳаёти Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» драмасида сармоядор Рустам тили билан айтилган мана бу монологда ўз ифодасини топган, деб ўйлаймиз:

Базм пул, виждон пул, хотинлар ҳам пул,

Шариат, қошу кўз, ширин сўз ҳам пул!

Жонлар пул, танлар пул, кўкраклар ҳам пул,

Ҳаттоки муҳаббат, юраклар ҳам пул!

Билмадим, худонинг ўзи дунёни

Яратса, пулни ҳам ўйлаганмиди,

Ўзидан шу пулнинг кучли эканин?

Худонинг ўзи ҳам билганми эди.

Пул бўйса, пул унун тизни чўксалар,

<sup>1</sup> Федосеев П. Н. Марксизм в XX веке. М., «Мыслъ» 1972 стр. 8—9.

Пул бўлса, пул учун ерни ўпсалар.  
Пул бўлса, пул учун одамни сўйиб,  
Конидан кўчага сувлар сепсалар...  
Айтинг-чи, ким кучли? Худоми ё пул?"!

Одам ўз табиий кудрати, ижтимоий моҳиятини намоён эта олмайдиган жамиятга нисбатан бекиёс нафрат ошиб бораётган бир шароитда марксизм ижтимоий-иктисодий таълимот ва сиёсий доқтрина сифатида майдонга келиши табиий бир ҳол эди. Марксизм Фарбий Оврупода ижтимоий-иктисодий ҳаёт, сиёсий тузум ва маънавий турмушда содир бўлган чукур бўхрон муҳитида шаклланди. У бу разолатта қарши вужудга келаётган кучли ижтимоий-инқилобий ҳаракатни илмий заминга қўйиш эҳтиёжларини ифодаларди. Бинобарин, у ўша давр муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бир фалсафий оқим эди, холос.

Ночорлик, ноаниқлик вазияти, оғир турмуш шароити илфор фикрли, тараққийпарвар кишиларни ўйлантирмай иложи йўқ. Шунинг учун ҳам ҳаётни инсонийлаштиришга қаратилган турли дастурлар юзага кела бошлади. Маркс ҳамма ёвузликлар асосида бегоналашган меҳнат ётади, бунинг сабаби эса, мулкнинг хусусийлиги деб билди. Ўз асрларида, айниқса, «Капитал»да ана шу нуқтаи назарни исботлашга уринди. Маънавий ҳаёт иктисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ижтимоий бойликни адолатли тақсимоти асосида ўзгаришига умид боғлади. Дин ўрнига атеистик дунёқараш ва эътиқод қарор топиши керак, деб ҳисоблади. Жамияг тараққиётини сунъий равишида формацияларга бўлиб, инсонлар фаолияти, ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятлари асосида тарихан ўзи-ўзидан шаклланадиган ижтимоий-иктисодий тузумларни англашда бир томонлама тасаввурлар вужудга келтиришга асос солди. Унинг фикрича, кейинги формация илгаригисидан тараққий этган бўлиши керак эди. Хусусий мулкчилик ва талончиликка асосланган XIX аср Фарбий Оврупо воқелиги Маркс назарида охирги нафасинн олаётгандек туюлди, «капиталистик жамият» ўрнига ижтимоий мулкка асосланган ва байрогига Тенглик, Адолат, Эрк, Биродарлик ёзib қўйилган қандайдир умумий (коммунал) жамияти бутун дунёда муқаррар барпо бўлишини «башорат» килди.

Бундай жамият сармоя эгалари қаршилик кўрсатиши нисбатан суст бўлган жойдарда тинч йўл билан, қаршилик кучли бўлган мамлакатларда куролли кўзғолон ёрдамида давлатни ағдариб барпо этилади, деган нуқтаи назарни илгари сурди. Унинг ҳаробалари устида йўқсиллар давлати курилиши, тараққиёт натижасида у ўлиб, ўз-ўзини бошқарадиган қандайдир носиёсийн структура вужудга

келиши ва ижтимоий адолат ғалаба қозониши керак эди. Ф. Энгельс ва бошқа Ғарб инқолобчилари қизғин күллаб-куватлаган К. Маркснинг бу социал лойиҳаси юзаки қараганда илмий бўлиб кўринса-да, аммо у моҳият эътибори – ила ҳәлий социалистлар лойиҳасидан кам фарқ қиласади. Маркс назариясидаги энг эътиборсиз қолган соҳа—инсон табиатидаги мулкка эгалик ҳиссининг яратувчаник омилини назар-писанд қиласлик эди.

Агар Шарқ файласуфларида тараққиёт мезони маънавий-ахлоқий муҳитнинг поклик даражаси бўлса, Гегелда бу ахлоқий ва эстетик мазмунга эга бўлган шахс эркинлиги эди. Марксда эса тараққиёт мезони ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи даражасидир, деб ҳисобланди. Яъни жамият тараққиёти киши бошига қанча тонна пўлат, чўян, нефть ва бошқалар ишлаб чиқарилгани, неча киловатт электр энергияси яратилгани билан белгиланади. Ишлаб чиқарувчи кучлар таркибига одам ҳам қўшиб юборилиб, инсон шахси камолоти ~~тарихий тараққиёт омас, балки унга эришиш воситасига айланниб~~ қолади. Агар тарихий мақсад тараққиёт деб олинса ва одам шахси уни таъминлаш воситаси бўлса, тарихий мақсадга эришиш йўлидаги барча қатағонликлар назарий жиҳатдан окланади. Одамга нафақат винтча сифатида (Ленин), балки тақрор ишчи кучи ишлаб чиқарувчи, ўз-ӯзидан қўпайовчи нархи йўқ табиий хомаше деб муносабат белгилаш лозим бўлади.

Маркснинг фикрича, одамлар ижтимоий тараққиёт қонунларини у айтганидек билиб олишса, гўё тарихни онгли равишда яратишга киришадилар. Демак, тарих Маркс назариясини билиб олишдан бошланиши керак. Унгача бўлган тарих адашувлардан бошқа нарса эмас: умуман Марксгacha бўлган тарихни тарих категорига қўшмаса ҳам бўлаверади, деган нўқтаи назарлар Совет даврида bogча боласидан тортиб, сиёсатни белгилайдиган одамлар онгига чўяндек куйиб қўйилган эди. «Чин тарих»ни яратишдан иборат социал эксперимент инсоният бошига қанчадан-қанча кулфатлар согани эндиликда маълум. Бу ҳол катта бир сабоқ бўлиши лозим.

Маркс маънавий ҳаёт, унда ғояларнинг ролига юксак баҳо берган ҳолда уларни моддий ишлаб чиқаришнинг соясида қолдирган эди. Натижада ИТТ ва ИТИ шароитида бошланган маънавий инқизорз Маркс таълимоти негизида тобора чукурлашиб борди.

Шундай савол туғилиши табиий: нега Маркс фалсафий таълимоти XIX асрнинг иккинчи ярмидан токи XX аср охиригача бир қатор мамлакатларда кадр топиб, унинг таъсирида тарихда мисли кўрилмаган ищчилар ҳаракатлари юзага келди. Ахир Ғарбий Оврупо «капитализми» Маркснинг қўшимча қиймат, меҳнат унумдорлиги за-

социал муҳофаза тұғрисидеги назарияларидан фойдаланиб, ўз умрини узайтирди-ку! Сармоқ әгалари үошған коммунистик ҳаракатта қарама-карши ҳарбий-сіёсий ҳаракатни вужудға келтириб, тоталитаризм оғаттанинг олдини олиб қолишиб, үша Маркс орзу қылған демократик давлат учун асос яратдилар-ку! Бу масалаларга ҳозир турли мамлакаттарда түрлічә жағоблар берілмекәдә. Бизнинг фикримизча, марксизм — коммунизмнинг ниҳоятда жүшкінлиги (динамизми) ва таъсирчанлиги сабаби, унда диннинг барча белгилари борлығидадир.

Дархакиқат ҳамма динлар охир замон келиши, унда адолат қарор топиб, гунохкорлар жазоланишидан дарак беради. Христианликда (исломнинг шиалик оқимида ҳам) ҳалоскорининг келишига ишонч, унға ихлеө-эътиқодни тарбиялаш мавжуд. Ғарбда ҳам, Шаркда ҳам тарихан ижтимоий ва миллий онг ана шундай келажакка катта умид билан қараң руҳида шаклланған. (Тұғри, динларда умидсизлик, пессимистик кайфиятни тарбиялайдиган ғоялар ҳам йүқ эмас). Ҳалқ оммаси онгидә қарор топған ана шу диний қарашларға ҳамоханғ тарзда марксизм қадр тоға бошлади. Гүё Бола-худо — Исоҳ Масих (халоскор) қайта туғилиб, Ота-худо амрини адо этиш учун рахнамоликни бошлаб юборди. Ота-худо — Маркс ўз ўрнида қолған холда, Бола-худолар үзгариб борди: Россияда аввал Ленин, Сталин, кейин Хрущев, Брежнев, Андропов, Горбачев фаровон турмушдан дарак бериб, гүё одамларни Ота-худо — Маркс йўлидан бошлаб бораётганликларини ҳар лаҳзада эсга солиб турдилар. Хитойда Мао Цзэ-Дун, КХДРда Ким Ир Сен, Кубада Ф. Кастро, Болгарияда Димитров, Чехословакияда К.Готвальд, Вьетнамда Хо Ши Мин ва хоказолар асрлар давомида диний қадриятлар руҳида тарбияланған ҳалқ онгидә янги замон Исоҳ-Масихлари ролини бажарғандек бўлдилар. Уларнинг ҳар бир гаплари мутлоқ ҳакиқат сифатида қабул қилиниши лозим эди, зеро улар гүё Ота-худо — Маркс ваҳийларини амалга оширишга юборилган ҳалоскорлар эдилар. Буларнинг гапини икки қилиш ёки салча унга шубха билан қараң улуғ гуноҳ бўлиб, ғайридинларни жазолаш қанчалик савоб бўлса, янги Исоҳ-Масихлар иродасига бўйсунмаганларни қатли-ом қилиш ҳам шунчалик «инсонпарварарлик» хисобланарди. Шуни айтиш зарурки, «ҳалоскор»лик даъвоси билан чиқкан кишиларнинг кўплари лоақал олий маълумотта ҳам эга эмас эдилар.

Шахсга сигинишнинг тарихий илдизларидан бири — ҳозирги замон одами табиатидир. Бу одам онги шундай хусусиятта әгаки, у-кандайдир бир таняч-ишончдан иборат маънавий-рухий асосга

мұхтождир: у ё худоларга ишониши ёки бир олий ижтимоий максадға ихлос қўйинчи керак. Акс ҳолда қандайдир ҳалоскорнинг келишига ишониш жараёнида ўз ижтимоий мөхиятини намоён була олишига тарихан олдатланган. «Агар» аña шу холаттар бўлмаса, у қандайдир мўъжизаларга, «учар тарелкалар», космо келгиндиларига ишониш орқали ўз-ўзини овутади. Марксизмнинг қадр топиб кенг ёилишида, ижтимоий адолатсизлик, тенгсизлик, зулмга асосланган давлат тузумлари ва ижтимоий-иктисодий муносабатларга қарши Farb мухитида тобора авж олиб борган норозилик ҳамда инсон онги ва руҳий оламида асрлар давомида қарөр топган ҳалоскорга ишонч руҳи катта роль ўйнади.

Farbий Оврупо индустрисал жамияти эхтиёжлари ва христиан ҳалоскорлиги мухитида шаклланган марксизм XIX аср ижтимоий-иктисодий муаммолари заминида вужудга келиб, коммунистик ва ишчи партиялар, уларнинг раҳбарлари фаолияти натижасида XX аср дуневий мұдассислар дар бирейнчуб, қалди ошиб кетли.

«Ленинизм — хозирги даврнинг марксизми» — Сталиннинг бүшиори Совет даврида муқаддас ақидага айланибина қолмай, айни соғда социалистик жамият тўғрисидаги Маркс концепциясини ҳам амалда инкор этишга олиб келди. Аввало социалистик инклиб, унинг амалга ошиш жойи ва вақти тўғрисидаги Маркс таълимотини Ленин инкор этди. Яъни Маркс социалистик инклиб энг аввало ривожланган капиталистик мамлакатларда бир вақтда ёки биринкетин амалга ошиши мумкин, деб ҳисоблаган эди. Марксизмга «ижодий ёндашиш» шиори остида Ленин ёлғиз олинган бир мамлакатда, ҳатто капиталистик ижтимоий-иктисодий муносабатлар расо қарор топмаган Россияда социалистик инклиб<sup>\*</sup> амалга ошиши мумкинligини гўё «асос»лади. Шундай килиб назарияда у волюнтаризмга йўл очди.

Ленин Маркс ижтимоий назарияси ва социал доктринасининг асл мөхиятини англаб етмади ва айнан ўзи каби назарий онги сиёсийлашган кишилар унинг теварагига жипслалиб, большевиклар партиясини тузицди. Г. Плеханов, Ю. Мартов, каби марксистлар шунинг учун ҳам Оклябр давлат тўнтирилишига қарши чикдилар. Кўзга кўринган назариётчи Каутский эса Совет давлатининг дастлабки Декретлари оммавий кирғинликлардан дарак берадиганига эътиборни қаратди.

Маълумки, Маркс ўзининг таълимоти Россия воқелигига мутлақо тўғри келмаслигини огохлантирган эди. 1881 йилда рус

\* «Социализм» термини оммавий онга ижтимоий адолатли жамият маъноесини англакиши учун барча мафкуравий хийла-найранглар ишга солинарди.

инкилобчысы Ш. Засуличга ёзган мактубида Маркс социалистик инкилоб Farbii Ортуро мамлакатлари билан чекланиши ва у Россия вокелингига мутлако мувофиқ келмаслигини ва бунинг асл сабабларини күрсаттаган эди.<sup>1</sup>

Агар билишнинг диалектик услугида ўтмишни инкор килиш ворисликни сақлашни назарда тутса, Ленин онгли равища фалсафий билини услугубинини бу қойдасига амал қўлмади. Керакли микдор ўзгаришларисиз сифат ўзгариши бўлмаслиги тўғрисидаги қонунга ҳам мунтазам равища амал қилинмай келинди. Ленин бошлиқ большевиклар диалектика ва диалектик тафаккур хақида айюханнос солган ҳолда, ушбу услуг билан оламни фалсафий билишнинг асосий мазмунини сайқалаштириб юбордилар.

Маркс умуман хусусий мулкни эмас, балки аввало буржуа хусусий мулкчилигини тугатишни назарда тутган эди. Демак, «социализм»да дехқон хўжаликлари, ҳунармандчилик ва майдатижорат сақланишини назарда тутган эди. Шунинг учун ҳам узок тарихий даврни ўз ичига олиши мумкин бўлган бу жараёнда буржуа хукуки сақланиб қолиши керак, деб хисоблаган эди.

Маркс мулкни ижтимоийлаштириш деганда ижара мулки, хиссадорлик (акционерлик) мулки, кооператив мулки, қисман хусусий мулк сақланишини ҳам эътибордан сокит қўлмаган. Ленин эса ҳар қандай хусусий мулкни яшин тезлигига (бир авлод умрига ҳам етмайдиган даврда) тугатиш, ягона давлат монополистик мулкини жорий этиш талаби билан чиқди. Сталин бу «таълимот»га таяниб, зўравонликни «коммунистик ахлоқ»нинг асосий принципи даражасига кўтарди. Агар Маркс буржуа мулкчилигини ўсиб борадиган (прогрессив) соликлар воситаси билан чеклаб бориб, астасекин тугатиш услугубини кўллашни таклиф этган бўлса, Ленин буржуа ва помешчиклар, сўнгра ўртача ёр эгаларидан (уларни муштумзўрлар деб аталди) мулкини зўрлик билан тортиб олиш сиёсатини юргизди, бу сиёсатни янада дағал ва тоғ ҳалқига хос қўпол тарзда Сталин давом эттириб, нихоясига етказди.

Давлат қурилиши масаласида ҳам Ленин Маркс таълимотини менсимади. Маркс Париж Коммунаси давлат тузумини маъқуллаб, истиқболда шундай демократик давлат тузилиши мумкин, деб хисоблаган эди. Яъни ҳалқ устидан ҳукмронлик қилишга асосланган давлат ҳалққа хизмат қиласидиган маҳкамага, унинг чиновниклари ҳалининг қаттиқ назорати остида ишлайдиган ходимга айланиши лозим эди. Бунинг учун ялпи умумий сайлов хукукини жорий этиш ва сайланниб қўйилган шахсларни сайловчилар ўзлари истаган пайтда

<sup>1</sup> Карап: Марксизм: про и контра. Москва «Республика», 1992. Стр. 142—143.

чакириб олиш хукуқига эга бўлиш; давлат муассасаларида ишлаётган кишиларнинг ойлик маоши ишчиларнинг ўртача ойлик маошидан ортиб кетмаслиги керак эди. Уларга халқ олдидаги юксак маъсуллият, фидойи хизматдан бошқа имтиёз берилishi тақиқланиши назарда тутилган эди. Шундай килиб, бошқариш бўйича ҳам, суд, прокуратура, маориф ва бешка идораларга раҳбар этиб юқоридан тайинланган шахслар эмас, балки халқ ~~этиборини~~, хурматини қозона олган инсоф-диёнатни кишилар сайлаб кўйилиши лозим эди.

Ленин бошлиқ большевиклар ҳокимиятга ноконуний, нодемократик йўл билан келгандилари етмаганидек, бу қонунсизликни «социалистик хукуқ» даражасига кўтардилар: «пролетарнат давлати» ўрнига партия элитаси чексиз ҳукмронлигини жорий этдилар. Бир тўда баднафс одамлар тўдаси ҳокимият тепасига келиб, халқ мулки ва меҳнати маҳсулоти устидан ўзбошимчалик билан ҳокимлик қилишининг карор топган, темир-бетонга айланган ~~сталинини вужудга келтирдилар~~. Бу ижтимоий системани «социализм» деб, маъмурий-бўйруқбозликка асосланган ~~сталинини~~ элитаси диктатурасини халқ давлати деб эълон қилдилар: инсоният тарихида мисли кўрилмаган разолат, макр-хийлага асосланган совет сайлов системасини энг демократик сайлов системаси, деб жар солдилар.

Милий сиёsat соҳасида Марксда аниқ-равшан концепция йўқ эди. Ленин буюкруслик шовинизмини карор топтириш, янги мустамлакачиликни жорий этишининг ниҳоятда макрли системаси бўлган ва СССР деб аталған “кизил империя”ни вужудга келтирди. Тили, маданияти, дини бир, анъанавий турмуш тарзи бир-бирига яқин бўлган ягона халқларни ҳам парчалаб юбордилар. «Орани бузиб, давр сур» тамойилига асосланиб ташкил этилган СССРда тарихан қўпинча ягона бўлган Марказий Осиё (Турон) халқлари 5 та «суверен» (ёки кўтиричок) давлатларга сунъий равишда бўлиб юборилди.

Сталинни Ленинга, Ленинни Марксга қарама-қарши кўйиш ҳам, уларни айнилаштириш ҳам тўғри бўлмайди. Stalin Ленин «таълимоти»ни дагал равишда амалга ошириб, сабик СССРда марказлашган ва партия бюрократиясига таянган давлатни карор топтириш жарёнига бошчилик қилди. Ленин эса Маркс таълимотига таяниб ва уни «ижодий ривожлантириб», Россия империясини барқарор этиш асосида бутун дунёда буюкруслик шовинизми қарор топшишига йўл очмоқчи бўлди.

Шу жараёнда Ленин ва у тузган большевиклар партияси, Маркснинг муайян гојси омма онгига синггач, кудратли моддий кучга айланади, деган бащоратини амалда исботладилар. Чунки

большевиклар төяси қанчалык дағал, гайрийлмий бүлмасин, ана шу сифати билан chalasavod Россия ахолиси зътиборига сазовор бўлди. Ўша Октябрь тўвтараш ва ундан кейинги «инклибий» ишларни амалга ошириши шунинг утун мумкин булдик, оч, ярим оч, ҳасадгўй одамлар «дохийлар» раҳнамолигига ҳэр қандай ёвузликни амалга оширишга шай бўлиб турадилар. Ана шунда бундан 2,5 минг йил мукаддам ўтган ватандошимиз Зардуцтнинг “Ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади” деган башорати беихтиёр ёдга тушади. Дарвоқе, очлар ва ярим очларни бошқариш, уларга таяниб ёвуз сиёсий мақсадларни рўёбга чиқарти оссан бўлиши собиқ СССР мисолида якқол намоён бўлди.

Одамга, шунингдек, тарихий шахслар фаолиятига баҳо берганда, улар билимларнинг фикр, изкор этган наятларига қараб эмас, балки бу фикр, наиятларни амалий оқибатларига қараб муносабат белгиланади. Зоро, синфий, партийний мағфаатлар баъзан реал воқееликни бузуб кўрсатишни талаб келади. Бу эса илмий дунёкараш мезонларига зиддир. Шу боисдан ҳам Ленин фалсафий қарашлари илмийликдан узоклашди, у марказда фалсафа доирасидаги бир мазҳабий оқим бўлиб қолди. Ленин бошлик большевиклар амалга оширимоқчи бўлган катта худудлардаги ижтимоий синон (социал эксперимент) ИТИ туфайли инсоният осмонидаги пайдо бўлган «қора булутлар» тобора куюқлашиши, демак, маънавий инқироз янада чуқурлашиб, одамзодда ваҳшиёна хирс-туйгулар ривожланниб боришига йўл очди. Аммо битта тарихий ҳақиқат инсоният учун буюқ даре бўлмоғи лўзим: оддий меҳнат ахли—тарих ижодкори бўлган ҳалқни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, хукукий жиҳатдан бир қолипга солиб бошқариш мумкин эмас экан. Умуман Ақл соҳиби бўлган ҳазрати инсон «дохийлар» бошқарувига эмас, балки муайян ва аник олий ижтимоий мақсадлар сари бирлашишга муҳтож эканлиги аён бўлди.

Шуни албатта эътироф этиш керакки, 74 йиллик Совет даври нуқул хатоликлардан иборат бўлмади. Назарияда йўл кўйилган жиддий хатоликлар ва унга асосланган сиёсат заминида шаклланган ва умуман олганда пировардида инсон қобилияти ва истеъодини чеклашга олиб келган большевистик сиёсатни танқид килиш ҳаётий мухим. Аммо ўша даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаёгда, айниқса илмий-техника тараққиётида кўлга киритилган, инкор этиш қийин бўлган муваффакиятлар заҳматкаш, фидойи аждодларимизнинг пешона тери маҳсулидир. Янги катта шаҳарлар курилди, каналлар казилди, фан-техника салоҳиёти бўйича, масалан, кисқа тарихий муддатда Ўзбекистон ривожланған мамлакатлар даражасига етиб

олди. Ленинизм (большевизм) туфайли яна шу нарса маълум бўлдики, муайян шароитда юксак ижтимоий максаддан иборат мукаддас рух инсон қалбидан жой олгач, одамзод мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатиш, фидойилик намуналарини намоён эта олиш қобилиятига эга экан. Шу мукаддас рух туфайли тарихда биринчи марта турли миллатлар ҳамкор, ҳамнафас, дўст бўлиб яшашлари мумкинлиги ҳам исбот бўлди.

Собиқ СССРдаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жарабйларга баҳо бериб, муносабат белгилаётганда жуда катта маҳрумликлар эвазига тўплланган бу тарихий тажрибани назар-писанд қиласлик янги большевизмга йўл очган бўлур эди. Ленинизм албатта марксизм заминида пайдо бўлди, Аммо ижтимоий ходисаларга муносабат белгилаїца у илмийликдан узоклашиб, марксизмни дунёвий динга айлантирди. Шу асосда аввало собиқ Россия империяси худудида «социализм» шиорлари остида давлат монополиясига асосланган муддасидик шакли бошқарини усуни сифатида маъмурий-бўйруқбоздикка асосланган тоталитар давлат тузуми қарор топди. Ленинизм байроби остида сунъий равищда вужудга келган жаҳондаги «социалистик лагер» мамлакатлари ҳалқлари назарида социализм (коммунизм) ғоялари тобора қадрсизланиб борди.

“Социализм”нинг Совет модели инкизотга учрагани аниқравшан бўлгач, мафкурани янгилаш тўғрисида фикрлар пайдо бўлди. Бундай фикрлар билан чиқкан назариётчилар ҳам, бу ғояга мафтун бўлган сиёсатчилир ҳам янгиланадиган мафкура қайси назарий таълимотга асосланиши керак, деган саволгә жавоб беришга ожизлик қилдилар. Бундай вазиятда «партизанча қилич билан бош олиш» тамойилига амал қилиб, марксизмга аввал керадиган зиёд таъна тошларини отдилар, сўнгра бу таълимот умуман йўқ, деган нуқтаи назарни қарор тонтиришга ўринмоқдалар. Манқурт дарражасига тушиб қолган одамлар ана шундай фикрларга ишониб, марксизмни чала ўлик ҳолида ҳеч бир дағн маросимисиз кўмишга шай бўлиб турибдилар.

Бирок, марксизмнинг ашаддий муҳолифлари ҳам, унинг янги душманлари ҳам ижтимоий тараққиёт мезонига муносабатда Маркс нуқтаи назарларида мустаҳкам турибдилар. Улар амалда моддий ишлаб чиқариш бирламчи бўлиб, бошқа усткурмавий муносабатлар шу негизда вужудга келишига каттиқ ишонган ҳолда сиёсат белгиламоқдалар. Кўшимча қиймат тўғрисидаги иктисодий қонунга таяниб иш кўриш кўпгина мамлакtlар иктисодий ривожланиши учун асос бўлиб қолмоқда. Мехнат ахлини, ҳалқ оммасини ижтимоий муҳофаза қилини асосида жамиятда барқарорлик бўлиши тўғрисидаги

Маркс назариялари «постиндустриад» жамиятлар учун дастуруламал бўлиб қолганига анча ийллар бўлди. Маркс ижтимоий ишлаб чиқариш тақдирни ундан ташқарида, яъни бўш вақтдан қай даражада фойдаланишга боғлик, деган таълимотига амал қилинаётган мамлакатларда иктиносидий тараққиёт ҳам, маънавий ҳаёт ҳам тез ривожланмоқда. Масалан, меҳнат ресурслари ниҳоятда кам бўлган Японияда бўш вақтдан фойдаланиш давлат сиёсати ва жамият қадрияти даражасига кўтарилигани учун ривожланиш даражаси Гарб давлатларидан ҳам тез суръатлар билан бормоқда.

Давлат тузилишининг демократик асослари тўғрисидаги Маркс концепциясига Гарб сиёсий арбоблари асосан амал қилиб келмоқдалар. Яъни очик, ошкора, ҳар қандай хийла-найранг, фирромлик, макрдан холи бўлгай чинакам демократик сайловлар жорий этиш ва халққа ўзи танлаган кишиларни истаган пайтда чақириб олиш ҳукуқини бериш тўғрисидаги Маркс ғоялари тараққиётнинг бир омили, инсон ҳукуқларини химоя қилиш, бюрократияга барҳам бериш воситаси бўлишини ақли расо кишилар инкор эта олмасалар керак. Сўнгра, Маркснинг давлат маҳкамаларида ишлайдиган кишиларга ўз халқига фидойиларча хизмат қилишдан бошқа имтиёз берилмаслиги тўғрисидаги назарий қоидаси ҳам эътоборга сазовордир. Маркснинг муайян иктиносидий алоқаларни инсонийлаштириш ва умумбашарий қадриятлар заминида пировардида жаҳонда ягона иктиносидий алоқалар барпо бўлиши конуниятли жараён эканлиги тўғрисидаги ғояларини ҳам инкор этиш мумкин. Аммо ИТИ шароитида шундай ягона иктиносидий ва маънавий-маърифий ҳамжамият аста-секин қарор топаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Ўз миллий заминларига эга бўлган шундай ҳамжамиятни вужудга қелтирмай туриб, ҳозирги умумбашарий (глобал) муаммоларни ҳал этиш мумкин эмаслигига жаҳон афкор оммаси тобора ишонч ҳосил қилмоқда.

Собиқ СССР мавжудлигига қайси бир соҳага назар ташламайлик (мехнатми, мулкми, мафкурами, демокртиями, давлат тузилишими, бўш вақтми, колективчиликми, индивидуаликми, миллийлик ва байналмилалликми) — барчасида Маркс назарияси рус радикализми анъналарига мос равишда ҳаётта жорий этилганини кўриш мумкин. Марксизм ва марксча фалсафа аслида сиёсат тепасида турган бир гурух chalasavod ва халқдан ажralган кишиларнинг ўз нодонликларини оқлаш воситасига айланиб қолган эди.

Совет даврида марксизмни бир жинсли металлдан ҳосил бўлган пўлатдек яхлит таълимот, деб келинди. Аслида эса марксча фалсафага илмий нуқтаи назардан муносабат белгиласак, у бир жинсли эмас,

балки турли жинсли гетероген (сатанг, бева хотинлардек) таълимот экани маълум бўлади. Унда қадимги грек-юнон фалсафасидан тортиб, христиан башоратчилигию Зардущтнинг оламдаги қарама-қаршиликлар курашининг пировард оқибати ҳакидаги таълимоти (яъни эзгулик ёзулиқ устидан албатта ғалаба қозониши), сўфийдарнинг Аллоҳга муҳаббат хисларини ривожлантириш йўли билан ҳакикатга етиш тўғрисидаги жазавали амалиёти қоришиб кетгани маълум бўлади. Демак, марксизм хам, марксча фалсафа хам инсоният тарихи жараённида вужудга келган тубли таълимотларнинг вориси ва омухтаси сифатида шаклланган. Улардан озиқ олиб, одамзодни чинакам инсонлардек яшаш йўлларидан бирини кўрсатмоқчи бўлган таълимотлардан ҳисобланади.

Марксча фалсафага илмий муносабат белгилаш учун у қайси тарихий шароитда ва қандай ижтимоий-миллий заминда шаклланганига хам жiddий зътибор берган маъкул. Маълумки, ~~Гарбий Оврупода юз берган саноат икилиби анъанавий турмуш тарзи ва маданиятига аста-секин путур етказиб, у мамлакатларда техникага ихлос ва~~ ситинишдан иборат цивилизация шаклланишига олиб келди. Большевиклар илмий-техника тараққиёти даври талаблари асосида материяни, моддий ҳётни санам даражасига кўтариб, анъанавий турмуш тарзига карши салб юриши бошлаб юбордилар. Аммо шундай таъкидларни ўринники, большевиклар ва уларнинг гумашталари қанчалик ҳаракат килмасинлар, Ўзбекистонда анъанавий турмуш тарзини техникага сигиниш даражасига етказа олмадилар. Чунки ислом ва нақшбандийлик таъсирида шаклланган миллий қадриятлар техника худоси, пул пайгамбари бўлган цивилизациянинг батамом карор топнишига имкон бермади. Жисмоний меҳнатга муҳаббат, ихлос, шарм-хаё, иззат-икром, кариларга хурмат, ёшларга иззат, меҳру оқибат хислари бу жойда бутунлай тугаб кастмади.

Агар техноген маданияти иктисадий тараққиётга яшин тезлигига эрицини даъвоси билан чикса, анъанавий маданият бунга аста-секинлик билан, маънавий-ахлоқий муҳитга путур етказмайдиган холда мушарраф бўлишни такоза этади. Гарбий Оврупога тарихан кўр-кўрона эргачиб келишга одатланган рус корчалонлари Октябрь тўнтириши орқали марксизмни байроқ килиб, техноген жамиятини тезда шакллантиришга уриндилар. Бунинг иложи бўлмагач, «хушдан кетказиб даволаш» шиори билан чиқдилар ва бозор муносабатларига дарҳол ўтиб олмоқчи бўлдилар. Уларнинг назарида гўё марксизм-ленинизм асосида шаклланган тоталитар сиёсий тузум бунга тўсик бўлиб қолган эди. Аммо маркезизм-инкор этилгандан сўнг Россияда

ҳам, бошқа бир қатор республикаларда ҳам тоталитаризм сакланиб қолаверди. Демак, тоталитаризм факат марксизм заминида эмас, бошқа заминда ҳам яшаш имкониятига эга эканлиги аён бўлиб қолди.

Инсоният учун ижтимоий адолат, тенглик, фаровонлик, дўстлик абадий ва умумий қадриятлардир. У шунга интилаверади. Шу жараёнда бошқа фалсафий қарашлар, талимотлар қатори марксча фалсафа ҳам фалсафа тарихидаги бир оқим бўлиб қолади. Зоро, XIX аср Фарбий Оврупо техноген жамиияти ва християн башоратчилиги мухитида шаклланган марксизм ва марксча фалсафанинг туб қойдаларини амалиёт рад этган бўлса-да, аммо ундаги умумбашарий жихатлари бўлган ва тараққиётта хизмат қиласидиган гоялар қадрини тушириш мумкин эмас. Демак, у бошқа фалсафий оқимлар сингари яшаш ҳуқуқига эга, деб ўйлаймиз.

«Фалсафадан вазъ матнлари».  
Т., 1995, 83—95-бетлар.

## **ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ- ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ**

Маълумки, жамият тараққиёти ва инсон камолотида фалсафанинг ўрни ва роли бенихоядир. Бинобарин, Ўзбекистон мустақиллигини мустахкамлаш манбаатлари кишиларда илмий-фалсафий тафаккур тарзини қарор тоғтиришни такоза этмоқда.

Бу вазифанинг муракаблиги шундаки, 70 йилдан ортиқ давр фалсафада марксизм танҳо ҳукмронлигини таъминлашга қаратилди. Натижада бошқа фалсафий қарашлар ўрганилмасдан, уларга таъна тошлари отиб келинди. Бунинг устига маркенестик фалсафанинг асосий назарий қойдалари юқори партия арбобларининг сиёсий мақсадларига бўйсундирилди. Шарқ фалсафасига беписанд қараш майллари вужудга келтирилди.

Ўзбек халқи, Ўзбекистонда яшаетган ва унга ихлос кўйган барча халқ вакиллари учун 1991 йил 31 август алоҳида қадриятли кун бўлиб қолади: бу кун Ўзбекистон давлати ўз мустақиллигини эълон килиб, собиқ СССР — «Қизил империя» таркибидан чиқди. Албатта кон тўкилмасдан қўлга киритилган мустақилликнинг ахамиятини ҳамма ҳам етарли даражада тушуниб қарши олди, дея олмаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, 135 йил бадалида «оқ» ва «қизил империя» мустамлакаси бўлиб яшаган ўзбек халқининг ватанпарвар, фидойи фарзандлари бу асоратга барҳам бериш ниятида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона қаршилик кўрсатиб келганлар. 1887—1898

йилларда Фарғона, Самарқанд, Сирдарёда мустамлакачилар маҳкаммаларига қарши 658 марта хужум бўлган. 1890—1917 йилларда Чор хукумати идораларига қарши Фарғона, Самарқанд, Ҳазарбўйи, Сирдарё, Еттисув вилоятларида 4922 марта Хужумлар бўлиб ўтган. 1898 йилда Дункин эшон бошингизига Андижонда чор хукуматига қарши катта кўзғодон таисил этилган. 1916 йилда Чор хукуматининг маҳаллий аҳолидан муродикор олиш сиёсатига қарши Марғилон, Жиззах ва бошша жойдорга кўзғолонлар бўлиб, чор амалдорлари ва уларнинг маҳаллий туманилари тошбурон килиб ўлдирилган.

1917 йилда рус большевиклари Туркестонда ҳокимиятни гайриконуний равишда босиб олиштаги, маҳаллий аҳоли вакиллари маркази Кўкон шаҳри бўлган Туркестон Муҳтор шуролар хукуматини тузди. Бироқ боскинчидар 1918 йил 11—19 февралда бу ёш республикна тарафдорларига қарши уруш очди. Чала куролланган халқ 8 кун бадалида ~~халқи тарафдорларига олишиб ва~~ арман даиниқдари хужумини қайтириб турди. Кучлар нотенг бўлгани, муҳторият тарафдорлари бошқа вилоятларда фаол кўллаб-куватланмагани сабабли мағлубиятга учрадилар. Кўкон шаҳрида бўлиб ўтган бу беомон жангда ўн мингдан зиёд ватандошимиз ҳалок бўлди. 1918—1923 йилларда ўзбек халқининг ватанпарвар фарзандлари кўлларига курол олиб, мулкни батамом давлат иктиёрига олишга, маданиятни ялписига руслаштиришга интилаётган Совет тузумига қарши жанг қилдилар. Ленин бошлиқ рус большевиклари олиб борган «орани бузиб — хукм сур» сиёсати туфайли ватанпарвар кучлар бирлаша олмади. Натижада ўзбек халқи ~~бўйнига~~ мустамлакачилик сиртмоғи яна тушди.

“Кызил империя” шароитида халқимизнинг илғор вакиллари мустакиллик учун курашини давом эттирдилар. 30, 40 ва 50-йиллар курбонлари, сургуnlарда сарсон-сарғонов бўлган юртдошларимиз мустакиллигимиз учун маънавий иғтиз пратиги кетдилар. 80-йилларда бошланган катагонлар калқиниш сунната хушнижб юбора олмади.

Демак, Ўзбекистонда гўё ким ~~мустакилларни~~ мустакиллик кўнга киргандек туюлса-да, халқимиз бир яспар зиёд бу ниятлар иулида мардона курашиб, мустамлакачилар билан олишиб келгани юкоридаги далиллардан маълум бўлади. Шу ёргу кунларга етиб келгунга кадар ажоддариштанинг муборак конлари дарё бўлиб оқканини, кўп ватандошларимиз сургуnlарда курбон бўлганларини, кувгин ва камситишларни бошдан кечиргандарини эсдан чиқармаслик керак.

Ўзбекистонда мустакилликни мустаҳкамланни бир мулк шаклини

бошқа бир мулк шакли билан алмаштириш жараёни бошланиб кетган вақтга тұғри келди. Собік СССР доирасидаги иқтисодий алоқаларнинг ўзилиши, янгы ижтимои-иқтисодий муносабаттар ҳали шаклланмагани, сиёсий, хукукий, маънавий соҳаларда маъмурий-буйруқбозлик жиҳатларининг мавжуддиги, айникса, Совет даврида ва унинг мағқураси тайизики остида хусусий мулкчиликка нисбатан кишиларда қарор топған салбий рухий-психологик муносабат, бөкимандалик кайфияти, демократия шароитида яшаш малакасига эга бўлмаган, аслида манқуртга айлантирилган ҳалқ оммасининг сиёсий лоқайдиги, бошқарув идоралари кадрлари юқоридан бўладиган амр-фармонга ўрганиб қолганлиги Ўзбекистон мустақиллигини мустахкамлаш ниҳоятда оғир, мураккаб вазиятда беринига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг бир қанча асарлари, маъруза ва нутқларida бозор муносабатларига ўтишнинг илмий ва амалий жиҳатларини баён килиб берди. Уларда Президент иқтисодий бўхрондан тезроқ чиқиб кетишининг беш тамойилини асослади. Бунга кўра, иқтисод сиёсатдан устувор туради. Ўзбекистон «хушдан кеткизиз даволаш» деб аталмиш Россия танлаган йўлдан бормай, бозор муносабатларига аста-секин, босқичма-босқич ўтади. Давлат бош ислоҳотчи ролини ўйнайди. Кам таъминланган аҳоли кучли ижтимоий муҳофазага олинади. Инкорни инкор қонунига амал килиб, янгини барпо килмагунча хўжалик юритишда эски услубларга ҳам таянилади. Бу, мулкчиликнинг барча шаклари — давлат, давлат-аралаш, акционерлик (хиссадорлик), ижара, кооператив, коммунал, хусусий мулклар ўргасидаги рақобат махсулот миқдорини ошириш, сифатини тубдан яхшилашга олиб келиши керак. Республика иқтисодий мустақиллигини мустахкамлашда замонавий фан ва техника, технология керак. Бунинг учун бозор муносабатлари шароитида ишлай оладиган малакали қадрлар тайёрлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий мустақилликка эга бўлиш республика мусгақиллигини мустахкамлашнинг бош мезонидир. Шунинг учун ҳам ўтган йилларда бу соҳада жиддий қадамлар кўйилди. Молиявий тизимимиз мустақил йўлга ўтгани, ўз банкимиз ва миллий пулимизга эга бўлиб қолганимиз шу кўйилган қадамлар ичida пурвиқоридир, десак хато бўлмас.

Мустақилликнинг иқтисодий асосларини вужудга келтириш мураккаблиги, аввало планли хўжалик юритишдан эркин бозор муносабатларига ижтимоий ларзаларсиз ўтиб олиш мушкулликлари билан изоҳланади. Хусусий мулкчиликни вужудга келтириш

иктисодий плюрализмни тақоза этмоқда. Бу эса иктиносид ривожланиши нинг ички разбатларини вужудга келтиради: мулччиликнинг давлат монополиясига барҳам берисо, ҳимма-хил шаклдаги мулччилик жараённида соғлом рақобат шаклланади. Бунинг учун аниш шундай мулкни самарали бошқара оладиган мустакил фикр эгаси бўлған тадбиркорларга катта эхтиёж пайдо бўлмоқда. Шундагина демократик давлатнинг иктиносидий негизлари вужудга келади.

Иктиносидий мустакилликни таъминлаш йўлларидан яна бири чет эл сармояси (капитали)ни жалб этишга кулай шаройт яратишdir. Чет эл корхоналари билан аралаш корхоналар очиш илғор техника ва технологияни амалда жорий этиши имконини беради. Ишлаб чиқариш структурасини тубдан ўзgartирисиц учун аграр структурадан саноат структурасига ўтиш мухимдир. Бунинг учун, биринчидан, яратилиши мумкин бўла туриб четдан келтирилаётган мол (товар)ларни шу орнида ишлаб чиқариш; иккинчидан, экспортга, халқаро бозорга, бинобарин, валюта топишга мулжалланган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш; учинчидан, фан-техника ютукларини ўзида мужассамдигитирган, фанталаб маҳсулотларни хорижликлар ёрдамида ишлаб чиқаришни кенг йўлга кўйиш маъкулдир.

Давлат тузилиши, янги иктиносидий муносабатларни хуқукий жиҳатда таъминлаш соҳасида ҳам талай ишлар килинди. Мулк, ер, хусусийлаштириш, банк тизими, тадбиркорлик, фермерлик, чет эл инвестицияси, миллий валюта — акча тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Соғлом бозор муносабатларини вужудга келтириш учун рақобат бўлиши керак. Республика раҳбарияти шунга асосий эътиборни қаратмокда: ўзининг миллий-давлат манфаатлари устувор бўлган ҳолда барча хорижий давлатлар билан ўзара манфаатли битимлар тузмокда. Ўзбекистонни мустакил давлат сифатида дўнёдаги 125 дан ортиқ давлат тан олди, уларнинг 84 таси дипломатик муносабатлар ўрнатди. Ўзбекистон Оврупо тараққиёти ва кайта тиклаш банкига, Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзо бўлди. Хельсинки шартномасига имзо чекди. Инсон хукуклари тўғрисидаги БМТ Декларациясини қабул килди. Умуман республикамизнииг халқаро обрў-эътибори ошиб, мустакилликни мустаҳкамлаш имкониятлари кенгайиб бормокда. Ўзбекистон ҳозир Туркия, Эрон, Покистондан иборат иктиносидий ҳамкорликка аъзодир. Туркия, Хитой, Корея Республикаси, Россия, Овруподаги Англия, Олмония, Франция, Голландия, Польша ва бошқа давлатлар билаи ўзаро иктиносидий ва маданий ҳамкорлик ҳакида битимлар тузган.

Фуқаро (граждан)лар ва миллатлар ўргасидаги тинчлик, тутувлик сиёсий баркарорлик учун кафолатдир. Шунинг учун чет

Элликлар Ўзбекистон билан хайикмасдан ўзаро битимлар тузмоқда, унинг келажаги буюклигига ишонч билан карашмоқда. Айни чогда жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаштиrmай туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигига эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон шароитида маънавият сув билан ҳаводек кераклигини айтиб, ҳалоллик ва фидойиликни қарор топтирмай, имон бутунлигини таъминламай туриб ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди, деб уқтирумокда юрганлигимиз.

Тарихий-миллий заминда қарор топиши назарда тутилган маънавиятнинг асосий йўналиши имон-эътиқодли комил инсон шахсини шаклантиришга қаратилмоғи лозим. Бу соҳадаги янги авлод учун устувор жиҳатлар илмий-фалсафий дунёқарааш соҳиби бўлиш, умуминсоний қадриятлар билан уйғуллашиб кетадиган миллий қадриятларни англаб олиш, ўз миллатининг тарихи ва маънавий меросини эъзозлаб ўрганиш ва ривожлантириш, жавонимардлик ва фидойилик хислатларини ўзида мужассамлаштириш, ҳалқ, жамият ва Ватан манфаатлари йўлида жонини ҳам аямаслик фазилатларига эга бўлишдан иборатdir.

Ўзбекистон мустакил ривожланиш йўлига кириши бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Маънавий маданиятда Шарқона жиҳатларни қарор топтириш ижтимоий фанлар, жумладаи, фалсафа зими масига алоҳида масъулият юкламоқда.

Совет тузуми кулагач, баъзи нодон сиёсатчилар ва тарихчилар ижтимоий фанларга нисбатан салбий муносабатларни вужудга келтиришга уриндилар ва кисман бунга эришдилар. Бунга сабаб Совет даврида ижтимоий фанлар сиёсатчилар маддохига анлангирилган эди. Партияйлиқ, синфийлик деб аталган мезонлар тарих ва реал ҳақиқатга холисона баҳо бериш имконини чеклаб кўйган эди. Даҳшатли қўрқитиш сиёсати олимлар орасида кулсифатлилик ва итоаткорлик кайфиятини кучайтируди.

Ижтимоий фанларга нисбатан салбий, адолатсиз муносабатларни қарор топтиришга интигурувчиларга зарба бериш миллий мустакилликни мустаҳкамлашнинг омили бўлган маънавиятни қарор топтиришга имкон беради. Маънавиятсиз жамиятда имонсиз одамлар кўпайиб, у ваҳший одамлар галаси — оломонга айланиб колиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустакиллигининг назарий-фалсафий муаммоларини аввало равшан тасаввур этиш, сўнгра зудлик билан уларни қадам-бақадам ҳал этишга киришиш маъкул. Булардан бири Ўзбекистонда фалсафа фани олдида турган муаммолардир.

Маълумки, ҳозиргача фалсафани ўқитиши Москвада чол этилган, асосан марксча-ленинча материаллистик фалсафа методологияси

доирасида ёзилган дарслклар негизида бўлмоқда. Оврупопарастлик руҳида ёзилган ўша дарслкларда Шарқ, жумладан Осиё мутафаккирларининг фалсафий қарашлари атайин четлаб ўтилган. Ҳатто хозир олийгоҳларда фойдаланилаётган қўлланмаларда ҳам бу масалага етарлича аҳамият берилмагаи. Ҳолбуки, фалсафа умуминсоний қадрият сифатида Форобий, Беруний, Умар Хайём, Фирдавсий, Бедил, Ат-Тусий, Навоий, Ибн Сино, Ахмад Яссавий, Ал-Фаззолий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Киндий, Ибн Бажжа, Ал-Розий, Ахмад Дониш каби алломалар фалсафий қарашларисиз кемтиқ бўлиб қолиши турган гап. Зоро, уларнинг асарларида фалсафанинг деярли барча мавзулари бўйича фикрларни учратиш мумкин. Дунёкараш эса тўлалик ва мукаммалликни тақоза этади. Буюк алломаларимиз фалсафий фикрларини ўрганиш ёш авлод дунёкараши тўла шаклланишига хисса кўшиш билан бирга уларда миллий ифтихор ва ватанпарварлик, ўз халқи гарихига хурмат ва ихлос ҳис-туйғуларини ҳам ривожлантиради. Бундан ташқари, Совет даврида ўтмиш билан келажак орасида узиниб қолишине симонами

Фалсафада фаннинг методологиясига ҳам янгича мазмун бериши хаёт талаби бўлиб турибди. Муросасиз синфий кураш тўғрисидаги марксча назария негизида шакллангаи партиявилик тамойили фалсафани асоссиз равишда икки қарама-қарши томонга ажратиб юборди. Материализм йўли тўғри, ҳақоний; идеализм йўли нотўғри, чалкаш, зарарли деб зўр бериб ишонтирилди. Дунёни изоҳлашда ҳар икки оқим тарафдорларининг ўз йўллари, тафаккур тарзлари бўлишига қарамай, уларни бутунлай бир-бирига қарама-қарши кўйиш тўғри эмас. Гўё ҳамма тараккӣпарвар, инсонпарвар гоялир, хатти-харакатлар материалистлар фаолияти натижаси, нотўғри фикрлар, нұктай-назарлар идеалистлар кирдикори деган фикрлар ижтимоий фанлар учун методологик асос бўлиб қолди Сўнгра, оламни фалсафий идрок этишининг диалектика метафизик услугуб (метод)ларини бир-бирига қарама-қарши кўйин ҳам инсоннинг билиш салоҳиятига путур етказди. Диалектика ва инсоний материализмни ягона фалсафий таълимот, илмий тарафдорларининг энг олий чўққиси сифатида талқин килиш, материалистик ва идеалистик қарашларни, метафизик ва диалектик метод тарафдорларини бир-биридан бутунлай ажратиб ташлаш, улар ургасида баланд девор барпо этиш Совет даврида йул кўйилган ишоятда катта ҳатто бўлди.

Демак, Узбекистон тараккietининг маънавий-ахлоқий негизларини яратиш, фикрлар хилма-хиллигига йўл кўйиш (плюрализм) сиёсатини изчил амадга ошириш ижтимоий фанлар, аввало фалсафа фанлари назарий асослари ва методологияси қайта

кўриб чикилишини тақоза этмоқда. Фалсафа фанлари ижтимоий функцияларини ўзгартириб, моҳият жиҳатидан уни инсонга, инсоннинг имон-эътиқодини шакллантириш, уни юксак ахлоқли шахс сифатида камол топтиришга қаратиш лозим. Инсонни жамият тараққиётининг олий қадрияти сифатида эъзозлаш ва шунга яраша муносабатда бўлиш, мустақил фикрлай оладиган ижодкор кишига эҳтиром, хурмат кўрсата билиш малакасини ҳосил этиш фалсафанинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолиши керак.

Тарих ўзбек халқига биринчи марта миллат бўлиб уюшиш, бирлашиб ва ўз мустақил давлатини барпо этиш имкопиятини берди. Бироқ бу ўзбек халқи ўз давлатчилигини энди бошлиялти, деган маънони англатмайди. Бу ёш давлат эрадан олдинги ва кейинги даврларда Турон заминида шаклланган барча давлатлар, жумладан Амир Темур асос сөнгаган ва бутун дунёга машхур бўлган турк салтанатининг ҳам қонуний вориси эканини назарда тутиш лозим. Ўз тарихий-миллий заминларига эга бўлган бу ёш давлат мустақиллигини тўласича қарор топтиришга ёрдам берадиган омилларни англаши, уларнинг ҳаракат йўлини очиши зарур. Мустақилликни мустаҳкамлаш омиллари орасида аввало ёш давлатнинг ўзига хос ва тарихий-миллий заминга таянган мафкурасини яратишдек мураккаб вазифа турибди. Мафкуранинг дунёкараш асослари (фалсафаси), ғоявий асоси, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, хукукий, маънавий, ахлоқий негизлари, якин ва узокқа мўлжалланган вазифалари, ижтимоий таянчи, шиорга айланиши мумкин бўлган мухим ғояларини аниклаб олиш даркор. Мафкурада назарда тутилган ижтимоий мақсадлар ўринлилигига кенг халқ оммасида ишоич руҳини барқарор килиб боришга имкон тутдирадиган ижтимоий муассасалар ва воситаларни яратиш керак бўлади. Чунки олий ижтимоий мақсад ғоялари жамият аъзоларининг таянч-ишенчи (имони)га айлансангина, у моддий куч сифатида майдонга чикади.

Хозир республика газета-журналлари, радио ва телевидениеси орқали ҳамда турли йигилишларда мафкура ҳақида жиддий фикрлар баён этиляпти. Мана 2 йил бўлятики, бу баҳс-мунозаралар натижаси сифатида бўлажак мафкуранинг кўпчилик эътироф этган номи аникланмаётир. «Ўзбекистоннинг мустақил миллий мафкураси», «Миллий мафкура», «Истиқлол мафкураси», «Миллий истиқлол маънавият мафкураси», «Ўзбекистон бозор иқтисодиётининг мафкураси», «Инсонпарварлик мафкураси», «Байналмилаллик мафкураси», «Ривожланиши ва тараққиёт мафкураси» ва бошқа яна ўнлаб номлар билан мафкурани аташга даъватлар бор. Муаллифлар мафкуранинг

гоявий негизига нисбатан унинг ижтимоий-сиёсий йўналишига асосий эътиборни қаратаётганликлари учун шундай хилмадар юзага келмоқда.

СССР тарихи фақат Россия тарихи бўлибгина қолмай, айни чоғда унга «ихтиёрий» (мажбурий) равишда уюшган собиқ Иттифоқчи республикалар тарихи ҳамdir. Ақидапараст руҳонийлар таъсирида ўша тарихни атайлаб ялпи қоралаш ҳозир расм (мода) бўлиб қолди. Бу ўзига хос сиёсий дастур бўлиб, шу орқали мафкурада ворисликни узиб, ўзига ўрин ажратиб олишга қаратилган ижтимоий ҳаракат эди. Ақидапарастлар Тожикистонда ўз ниятларига эришиш учун уриниб кўрдилар. Бундай кучлар Ўзбекистонда аввало мафкурасизлик гояларини кенг тарғиб этган эдилар. Аммо И.А.Каримов бошлиқ Ўзбекистон раҳбарияти бу ёвуз ниятларни пайқаб қолиб, зудлик билан унинг олдини олиб қолдилар. Президентимизнинг ташаббуси билан миллий мустақилликни мустажкамлаш, истиқололга олиб борадиган миллий ва умуминсоний қадриятлар мужассами бўладиган мафкура яратиш аниқ қилиб кун тартибига қўйилди.

Агар собиқ СССР тарихига назар солсак, у Совет давлати иктиносидий ва маънавий салоҳиятини оширган, зўравонликка асосланган сиёсий тузумни мустаҳкамлашга имкон берган унинг мафкураси эди. Коммунистик келажакка имон келтириб, жонини фидо қилиб ишлагай ота-боболаримиз, момоларимиз пешона тेरлари билан бунёд бўлган завод, фабрикалар, яиги шаҳар, посёлкалар, фан ва тёхника, маънавият ва маърифатдаги ютуқлар ўша мафкура меваси ва айни чоғда уни ҳалқ оммаси орасида таъсирини оширишнинг воситаси ҳам бўлганини эътироф этиш гуноҳ эмас. Қачонки, собиқ СССР мафкураси ҳақлигига ҳалқ оммасида аввало шубҳа пайдо бўлиб, сўнгра тўла ишонч йўқолгач (бунда Болтиқбўйи республикалари ҳалқ депутатлари ва демократик қадриятлар учун курашган рус зиёлиларининг таъсири катта бўлди), у тузумни на 5 миллионли қуролланган ҳарбий куч ва на макр-хийлалар билан ҳалокатдан саклашнинг иложи бўлди. Демак, мафкура масаласи муайян давлатнинг ҳаёт-мамот масаласи экан, бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди.

Давлат бор экан, унинг муайян миллий, иктиносидий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, маърифий манфаатлар ифодаси бўлган ички ва ташки сиёсати ҳам бўлади. Бу сиёсат тўғри, инсоний, ҳалқчил эканини исботлаш орқали ҳалқ оммасини олдиндан мўлжалланган мақсадларини рўёбга чиқариш учун сафарбар этадиган гоя керак. Давлат мафкураси партиялар, ижтимоий ҳаракатлар мафкурасидан шу-

билан фарқ қилиши лозимки, унда умуммиллий манфаат устувор бўлиши зарур. Партиялар мафкураси давлат мафкурасига яқин ёки унга терс бўлиши мумкин. Мабодо давлат сиёсатида умуммиллий қадриятлар устувор бўлиб, у умумбашарий манфаатлар руҳи билан ҳам сугорилган бўлса, муҳолифат (оппозиция) кучларидан асло ~~кўрқмаенлик~~, улар билан дадил, кенг баҳс-мунозаралар олиб бориш механизмини ишга солиш орқали омманинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини кескин ошириш мумкин.

Мафкура ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, у муайян ижтимоий гурух, синф, миллат манфаатлари асосида шаклланиб, маълум давлат, ижтимоий-иктисодий тузум базасини гоявий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилингана қаратилган сиёсий, хукукий, фалсафий, эстетик, диний гоялар, тасаввур ва қарашлар тизимиdir. Яна булар оммада ишонч руҳини қарор топтириш воситасидан иборат. У тарихий ўтмиш, мавжуд ҳаёт шароити ва истиқболда назарда тутилаётган ижтимоий мақсадларга муносабатни белгилаш, шу мақсадлар сари ҳар бир одам, ижтимоий кучлар, умуман ҳалқ оммаси ишончи, ихлосини ошириб бориш орқали уларнинг иродасини бирлаштириш, курашга сафарбар этишнинг кудратли воситасидир. Бинобарин, муайян мафкура барқарорлигига имкон берадиган ижтимоий-сиёсий муассаса ва воситалар мажмуасини вужудга келтириш ва уларин ишга солиш муҳимдир.

Янги мафкуранинг бир қатор назарий негизлари Президент И. А. Каримовнинг рисолалари, нутқлари ва маърузаларида, шунингдек мустақил Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган. Унга таяниб туриб, олимлар, мутахассислар даставвал янги мафкуранинг кўпчилик эътироф этган, чинакам тараққиётга хизмат қила оладиган ва ҳалқ оммаси эътиборини ўзига жалб этишда жозибали кучга эга бўладиган номини топишлари, сўнгра шунга таяниб туриб, унинг тамоийларини ишлаб чиқишилари долзарб муаммо бўлиб туриди.

Албатта демократик хукукий давлат куриш, фуқаролик (гражданлик) жамиятини шаклантириш, ижтимоий адолатни қарор тошириш асосида миллий истиклолни мустаҳкамлаш эзгу мақсадидир. Буни мафкуранинг негизига қўйиб, ҳалқ оммаси куч-ғайратини бирлаштириш мумкин. Мафкурада миллий манфаатлар умумбашарий манфаатлар билан уйғунлашиб кетадиган гоя бўлса, унинг умри боқий, таъсир доираси ва аҳамияти кучли бўлали. Тарихий-миллий заминларимизга асосланиб, мафкурамиз номини акл-идрокка таянган эзгулик мафкураси деб атасак маъкул бўларди. Эзгуликни қарор топтириш тўғрисидаги диний-фалсафий таълимот ватандошимиз Зардушт Сепитома ижоди ва фаолияти билан боғланиб кетган. Бу гоя

ҳамма ҳалқларнинг илмий, фалсафий, диний, сиёсий, ахлоқий қарашларида ўзига хос ўри: олиб келади. Сиёсий, ҳукукий, иқтисодий, ижтимоий, миллий, ахлоқий, диний, фалсафий қарашларда Ақл-идрок тантанаси даврини яқинлаштириш устувор бўлиши кераклигини олимлар асослаётган ҳозирги пайтда эзгуликни қарор топтириш янги маъно қасб этмоқда. У олий ижтимоий эзгу мақсад сифатида инсонларда янгича имон-эътиқоднинг гоявий асоси бўлиб қолиши мумкин. Миллий ва умумбashiрий қадриятларни ўзида мужассам эта оладиган ана шундай имонли одамлар бор ҳудудда ва бутун дунёда эзгуликни қарор топтириб, ҳар қандай иқтисодий бўхрон, адолатсизлик, ҳукуқсизлик, маънавий қашшоқликка барҳам берувчи кудратли кучга айланишларни мумкин. Имон муаммосига илмий-фалсафий ёндашиб ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий, сиёсий ва диний кучлар иродасини бир-бирига туташтириб, ақл-идрок тантанаси даврини яқинлаштиришга уларни сафарбар этиши мукарраборлар. Шундай қилиб Ақл-идрок тантанаси даврини яқинлаштиришга ўз хаётини бағишилаб, ҳамма соҳада эзгуликни қарор топтирадиган комил ипсон шахсини шакллаштириш янги мағкуранинг олий ижтимоий мақсади бўлиб қолмоғи даркор. Ҳар қандай иқтисодий, сиёсий бўхронлар, экологик фалокатлардан чикиб кетишининг калити жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш экан, бу маънавиятни ташувчи, қарор топтирувчи куч комил инсон шахсидир. Имон-эътиқодли одамгина комил инсон бўла олади. Ундан шахс ҳалоллик ва фидойилик рамзига айланиси, чинакам ватанпарвар, ҳалқпарвар, миллатпарвар ва айни чогда байналмилаччи шахсга айланади.

1992 йил 8 декабрда XII ҷақириқ Ўзбекистон Ресспубликаси Олий Кенгашининг XI сессиясида мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилингани жуда катта аҳамиятта эга бўлди. Бу тарихий ҳужжат Ўзбекистон мустақил ривожланиши, истикол сари дадил одим ташлашининг ҳукукий-назарий асосини вужудга келтириб, амалий фаолият йўлини ёритди. 6 та бўлим ва XXIV бобдан иборат бу Асосий Конунда инсон ҳукуқларини химоя қилиш, давлат суверенитети гояларига содиклик, ҳозирги ва келажак авлод олдидаги юксак масбулият ҳисси, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаси, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, ҳалқаро ҳукуқнинг умум эътироф этилган коидалари устунлигини тан олиш, республика ахолисига муносиб ҳаёт кечиришни тъзминлаш, инсонпарвар ҳукукий давлат барпо этиш, гражданлар тинчлиги, осойишталиги ва миллий тутувлигини қарор топтириш назарда тутилган.

Шу қоидаларга таяниб туриб, Давлат қонунларига гражданларнинг хурмати ва ихлосини ошириш, хукуқ ва бурч муштараклигини англашларига эришиш мафкуранинг асосий йўналиши бўлиб қолиши мумкин. Демократия муайян давлат гражданлари ўз хукуклари, давлат, жамият, жамоа олдидаги бурчларини тўла-англаган жойдагина қадр-кимматли бўлади. Тартиб, интизом мустаҳкам бўлган, бунинг учун курашувчи фидойилари ҳам мавжуд бўлган жамиятдагина чинакам хукукий давлат барпо бўлиши мумкин. Ёш авлод, жумладан, талабалар шу ҳақиқатларни англаб олиб, ўз фаолияти йўналишида шуларга асослансангина Ақл-идрок тантанаси даврини яқинлаштиришга ҳисса қўшган бўладилар. Шу жараёнида ўзларидаги имён ружини сингдириб бориб, комил инсонга айланиш имкониятига эга бўладилар. Конституцияда белгиланган хукуқ ва бурчларини англаш орқали ҳар бир киши ўз қалбини зэгулик, поклик руҳи билан мунаvvар этади. Руҳи пок одам нопок ишлар (пораҳурлик, таъмагирлик, ўғирлик, тошбағирлик, босқичилик, котиллик, фохишалик каби ишлатлар)дан ҳазар қиласи. Унда имон-эътиқод барқарор бўлиб, ҳатти-харакати, фаолияти инсоф, диёнат, саховат, муруват, сахийлик, инсонпарварлик каби фазилатлар билан уйғунлашиб кетади.

«Фалсафадан ваъз матнлари»,  
Т., 1995, 119—129 бет.

## ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ДИАЛЕКТИКАСИ

Онг фаоллиги кўпкіррали тушунча. Одамнинг эҳтиёжи, манфаати ва мақсадлари билан унинг фаоллиги намоён бўлади. Одам онги моҳият эътибори-ила ўз ҳолиҷа фаол, аммо унинг хусусияти, даражалари ва йўналишида фарқ бўлади. Бу одам фаол ёки фаол эмас (пассив) деганда, ана шу фикрлар кайси нуқтаи назардан билдирилаётганига эътибор берилishi зарур. Масалан, жамият тараққиётига хизмат қилаётган одамлар, ижтимоий кучлар онгидаги фаолликнинг фарқига бориш лозим.

Одам онгининг ижодий фаоллиги даражаси муайян ижтимоий мухитдаги унинг амалий ҳаракатлари, бу ҳаракатларнинг ижтимоий аҳамияти, яъни ижтимоий омиллар билан белгиланади. Аввало одамнинг оламни билиш фаолиятининг жадаллигига караб, унинг онги, ижодий характеристига караб баҳо берамиз. Билиш жараёнида амалга ошираётган хилма-хил шакллар ҳамда одамзод ҳал қилаётган

ва шакллантираётган билиш муаммоларининг микдорига қараб хукм чиқарамиз.

Инсон онги ижодий хусусиятини аниқлаш мезоии қуидагилар: а) онгнинг муайян ижтимоий йўналиши; б) воқеликни англаб олиш даражаси; в) мустақил фикрлаш қобилиятининг ҳолати.

Одам онг воситаси - ила тугилицдан бошлаб ўзини қуршаб турган мухит доирасида оламни билишга интилади. Унинг онги воқеликни қандай йуналиш олишида мухим роль йўнайди. Муайян жамият аъзоларининг индивидуал, кундаклик, назарий онги ривожи даражаси ўша жамиятдаги ижтимоий мухит, сиёсий вазиятга ўз таъсирини кўрсатади. Одамзод табиий ва ижтимоий мухит доирасида фикр юритади, мақсад белгилайди, фаолиятини маълум йўналишга сафарбар этади. Бироқ ташки мухит уни қаноатлантирмайди. Шунинг учун мухитни ўзгартириш учун ~~муайян қонуннинг тарз~~ судниб, ~~харакат~~ килади. Онгнинг фаоллиги шундаки, у объектив қонуннинг билиб олади ва ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланади. Воқеликдаги қайси нарса, ҳодиса, жараён ҳамда одамзод тўшлаган билимларнинг қайси соҳаси билиш фаолиятининг обьекти (соҳаси) бўлишига қараб, онг муайян ижтимоий йўналиш олади. Мана шу ҳолат одам яшаган давр ва ижтимоий мухитдаги тасаввурлар, гоявий қарашлар, баҳолашлар, муносабат белгилашлар мажмуаси сифатида дунёкарашнинг муайян типи онгнинг ижтимоий йўналиш олиши учун асос бўлади. Шу дунёкараш, дунёни англаш, хис этишга таяниб туриб, индивид воқеликни англаб олишга, ўз муносабатини билдиришига интилади. Умуман ҳамма одамда бундай интилиш бўлсада, аммо ҳар бир киши генетик дастури асосида қобилияти, истеъоди, заковати (таланти)га қараб унинг даражаси, хусусияти ҳар хил бў-лпши мумкин. Муайян даврдаги ижтимоий мухит доирасида ўзича фикр юритиш барчага хос. Бироқ онгдаги фаоллик даражасига қараб, ҳар бир одамда мустақил фикрлаш, ўзи ва ўзгалар фаолияти ҳакида муайян қарорларга келиш турлича бўлади.

Мустақил фикрлаш, муайян масъулиятни ўз зиммасига олиб, бетакрор қарорларга келиб ва уни амалга ошириш учун мустаҳкам иродага эга бўлиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Чукур билим, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига қизиқиб қараш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш одам онгининг ижодий хусусиятини ривожлантиради. Заруратни англаш, уни ҳал этиш учун ўзича муҳокама юритиш индивид қобилиятларини ана шу мақсад сари сафарбар этишга хизмат килади. Бу, онгли фаолият бўлади. Заруратни тўғри идрок қилиш инсон шахси шаклланиши учун фавқулодда аҳамиятлидир. Агар у фақат тор шахсий манфаатлар доирасида тушуниладиган бўлса, шахс

ўз кобилиятларини нотўгри, ноинсоний фаолиятларга сарфлаб, ижтимоий тараққиётта, умуман инсоният жамияти манфаагларига хилоф ишлар килиши мумкин. Зарурат, эхтиёж, манфаат ҳар доим ижтимоий мөхияттага эга. Бинобарин, онгда у тўғри иқрор этилиши учун одам ўтмиш аждодлар тўплаган бой мерос— илм-фан, маданият, анъаналар, кадриятлардан баҳраманд бўлмоғи даркор.

Индивид эхтиёжларини қондириш имконини берадиган «қаршида» турган соҳа фаолият учун баҳона бўлади. Фаолият баҳонаси (мотиви) онгли ҳам, стихияли ҳам бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам у ҳис-ҳаяжонли шаклда намоён бўлиб, инсон учун муайян фаолият маъносига айланади. У ёки бу баҳона (мотив) ни амалга ошириш учун одам оралиқ мақсадлар ҳам кўяди. Уларнинг ҳар бирiga эришиш жараённида баҳона туфайли юзага келган мақсадни амалга оширишга бўлган ишонч руҳий ҳолатига қараб, фаолият фаоллашиши ёки сустлашиши мумкин. Агар оралиқ мақсадлар асосий мақсад рўёбга чикиши учун ишонч туғдирса, у бир катор жараёнларни юзага келтиради. Уни куйидаги схемада кўрсатиш мумкин:

Кизиқиши — хатти-ҳаракат

Мақсад — фаолият

Шароит — оқибат

Агар буни жонли мисолда изохласак, шундай ҳолат намоён бўлади. Талаба оиласда ёки ўртоқлари даврасида ижтимоий ҳаётнинг айрим масалаларига жавоб бера олмади ёки берган жавобидан қониқмади. Бунинг учун уни изза қилишди, дейлик. Ана шу изза (агар унда орият ҳис-туйгуси бўлса) унинг ижтиимоий фанларга муносабатини тубдан ўзгартириши учун бир баҳона бўлади. Натижада хатти-ҳаракат ўзгача тус олади, яъни талабада ижтимоий фанларга қизиқиш юзага келади. Ижтимоий фанларни яхши ўзлаштириш мақсадини рўёбга чикариш учун уининг фаолияти аниқ йўналиш олади. Аммо муайян шароит ҳам керак. Қизиқиши асосида вужудга келган фаолият қандай оқибатга олиб келиши кўп жиҳатдан ана шу шароит билан ҳам изоҳланади. Бироқ ҳамма нарсани шароитга боғлаб кўйиш ҳам ярамайди. Одамдаги иродга, мақсад йўлидаги со-биққадамлик ҳам бунда катта роль ўйнайди.

Қизиқишининг юзага келицига қараб, одам ижодиётининг муайян тури — илмий ижодиёт, бадий ижодиёт, техник ижодиёт танлаб олади. Агар одам ўз ижодий фаолиятининг ўз кобилияти, истеъододига мувофиқ келадиган турини танлаб олса, фаолият изчил тус олиб, ўз кучи, ақлига ишонч кучайиб боради. Акс ҳолда бу ишонч сусайиб, фаолиятсизлик, зерикиш, хафсаласизлик кайфиятлари юзага

келади. Бу эса муайян мақсадни рүёбга чиқишини кийинлаштиради.

Хар бир одамда ижодий қобилият яширингән ҳолда мавжуд бўлади. Уни рүёбга чикара олиш кўп жиҳатдан одамнинг ўзига боғлик, албатта. Аммо у яшаётган жамиятдаги иқтисодий салоҳият ҳамда сиёсий, хукуқий, ахлоқий, эстетик, илмий-фалсафий, диний онг даражаси ҳам инсон қобилиятларининг рүёбга чикара олиши ёки олмаслиги учун шарт-шароит бўлади. Онг фаол бўлса, ижтимоий ҳодисалар ва жамиятнинг муайян таракқиётидаги зарурат тўғри идрок этилади ва олий ижтимоий мақсадлар учун инсон ўз ҳаётини бағишлайди. Олий ижтимоий мақсад инсон онги ва фаолиятини фаллаштириш учун зарур маънавий рағбатдир. Ҳозирги даврда Ақлийдрок тантанаси даври албатта келишига комил ишонч ва уни рүёбга чикариш учун курашиш—Олий ижтимоий мақсад инсонда шаклланиши ва онг фаоллигини оширишнинг гоявий негизи бўлиб қолмоги мумкин. ~~Бунинг учун гоявий назарий билимлапни эга-~~ лашга ёшлиарда зўр ҳавас ва қизикиш тутилиши, республикамизда маънавий-ахлоқий мухитни соғломлаштириш билан бозор муносабатларига ўтиш заруратини чукур тушуниб, фаолият йўналиши белгилаш керак бўлади.

Умуман, одам онги ўз ички имкониятига кўра, фаол бўлгани учун одамзод ақлий жиҳатдан такомиллашиб бормоқда: бу ҳол ҳозирги замон фан-техникасига асосланган саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар салоҳиятини тобора ошириб бориши, одамнинг инсонга айланиси имконини беради.

Муайян жамият, маданият томонидан тарихан эътироф этилган одоб-ахлоқ маром (норма)лари, конун-қоидаларига ихтиёрий равища о়гли риоя қилиб, фаолият белгилайдиган, шу нуктаи назардан ўз-ўзини назорат этиш қобилиятига эга бўлган одамларнинг жамиси инсонлардир. Бундай жамиятлашган одамлар ўз шахсий манфаатларини бошқа ижтимоий манфаатларга бўйсундириб, инсофидиёнат, виждон, адолат тарозуси асосида хатти-харакат белгилайдилар. Инсон миллий на умумбасирий кадриятлар доирасида фаолият белгилай оладиган олий зотдир. Бунинг акси бўлганлар «Одам» тушунчаси билан ифодаланади. Кундалик онгда ҳар икки тушунча айнанлаштирилади, аммо фалсафада улар ўргасида жиддий тафовутлар борлиги таъкидланади.

Одамзод ҳайвонларга хос барча биологик хусусиятларга эга. Шунинг учун у табииётшунослиқда сут эмизувчи ҳайвонлар оиласига киритилади. Одам онг туғайли ва унинг воситасида ҳар қандай табиий шароитларга мувофиқлаша оладиган дунёвий барча мавжудотлар орасида энг яшовчан, чидамлигидир. Одам табиатдаги ноёб

бир тур сифатида миллион йиллар давомида биологик эволюцияни бошидан кечириб, нихоят, у жамиятда яшашга одатланиб, унга күникиб бормоқда. Шу аснода у ўз ижтимоий мөхиятини намоён қилиш имкониятига эга бўлиб колди. Аммо одамзод тўла равишда инсонга айланиси учун ўз табиатидаги жуда кўп ҳайвоний кусурлардан кутилиши тарихий заруратдир. Шунинг учун муайян жамият, маданият тақиқ ва рухсатларини англаши, улар инсон кобилияглари ва истеъоддларини эркин рўёбга чиқара олиши йўлида тўсиқ бўлиб колмаслиги учун курашишнинг инсоний воситаларини кидириб топиши зарур бўлади.

Одамда биологик мөхият биринчи ўринда бўлиб, ижтимоий мөхият унинг соясида қолади. Барча ҳайвонларга хос олғирлик ва босқинчи (агрессив)лик психологияси асосида яшаш учун кураш одам зотида ҳам намоён бўлиб туради. Бошқалардан яхшироқ овқатланиш, кийиниш, яшаш учун курашиш ижтимоий тараққиёт омилларидан бири ва, айтиш мумкинки, энг муҳимиmdir. Одам буларга муайян жамият, давлат қонун-қоидаларини бузиб, унга хилоф равишда эришишга интилади, шу жараёнда ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормайдиган ҳолга келиб, ўғри, юлғич, порахўр, тамагир, бир сўз билан айтганда, ижтимоий фохишага айланади. Ўз танини сотиг кун кўришга ўтған фохишадан ҳар доим нафратланиб келинади. Аммо юқоридаги каби ижтимоий фохишалардан янада кўпроқ нафратланиш шунинг учун керакки, улар ҳавойи-нағф йўлида виждонини сотадилар, инсон деган мўътабар номга иснод келтирадилар; ана шу йўлга кирган одамлар ўз ҳалкига, давлатига, Ватанига хиёнат килишга ҳам шай бўлиб турадилар. Маянавиятдан маҳрум бўлган бундай мавжудотларнинг ҳаёти аслида маъносиз бўлиб қолади.

Бу фикрлар айрим кишиларга даставвал эриш туюлиши мумкин. Ахир одамни ҳайвонга тенглаштириш инсофданми, дегувчилар ҳам чиқиб қолар... Уларга жавоб шуки, одам на осмондан осилиб, на ердан отилиб чиқкан қандайдир алоҳида мўъжиза. У табиат тараққиётининг маҳсули ва пировард натижаси эканини фан аллақачон исботлаган. Фан ҳақиқати қанчалик аччик бўлмасин, унга терс караш одамзодни тўғри йўлдан оздиради. Ҳақиқат шуки, жамиятдаги порахўр, таъмагир, юлғич, ўғри, рэкетчи, қотил, фирибгар ва бошқалар албатта одам, аммо уларни асло инсонлар қаторига қўшиб бўлмайди. Масалан, давлат маҳкамасида ишлаётган шахсга кўп одамнинг иши тушади, албатта. Агар у шахсда биологик мөхият биринчи ўринда турган бўлса, қонуний талаб билан келган одамнинг ҳам ишини битказиб бермайди, пайсалга солади, қўйнайди. Алалхусус ҳалиги одам кайси йўл билан бўлса-да унинг кўнглини олиш

йўлларини қидириб топгач, ишини битиради. Бугина эмас, таъмагирлик, пораҳурлик «дардига» мубтало бўлгач, ҳалиги арбоб қонунга хилоф ишларни ҳам пул, совға-садом эвазига битириб бераверади. Бундан виждан заррача ҳам азобланмайди. Шу лавозимга жамиятлашган одам — инсон тайинланса; у оч-ялангоч қолган тақдирда ҳам бундай пасткашликка бориб етмайди. Ҳалқ, давлат, Ватан тақдирни билан ўз тақдирини узвий боғлагани учун бундай нонкўрликни хиёнат деб билади ва албатта қонун доирасида, миллий манфаатларга зарар етказмаган ҳолда иш килади. Зоро, одамлар муайян маҳкамада ўтирган шахснинг инсоний қиёфасига қараб, давлат ва унинг сиёсатига баҳо берадилар. Буни инсонга айланган одам ҳар доим ёдида сақлаб, ўз фаолиятини шунга мувофиқлаштиради.

Инсон учун ҳаёт маъноси муайян ижтимоий мақсадлар учун курациш ва шу жараёнда ўз ижтимоий можиятини намоён этиш ва бундан маънавий озуқа ола билишдир. Алоатта, бундай кишилар учун ҳам моддий неъматлар мўл-кўллиги зарур. Аммо улар бунга қонуний воситалар ва инсоний услублар орқали эришишга интиладилар. Маромли моддий ҳаёт шароити улар учун пировард мақсад эмас, балки у пировард мақсад—маънавий баркамолликка эришиш учун шароит, холос.

Одамнинг инсонга айланишининг муҳим омилларидан бири, унинг маънавий оламининг инсонийлашиб бориши учун ўзига хос ички рағбат ролини ўйнайдиган имон муаммоси кейинги пайтларда илмий фалсафанинг ҳам жиддий тадқиқот обьекти бўлиб қолмоқда. Ҳозирги замон одамлари ўз ижтимоий можиятларини намоён эта олишлари учун таянч-ишонч (имон) кераклигини эндилиқда инкор этиш қийин. Одамзод ё худо, ёки олий бир ижтимоий мақсадга чин дилдан ишонса ва руҳан ўзини у билан боғлай олиб, унга содик бўлиш учун ҳис-ҳаяжонли қасамёд билан яшаса, ўша олий мақсадга эришиш жараёнида инсоний фазилатларга эга бўлиб боради. Бинобарин, имон на факат диний онгга, балки умуман инсон онги ва психикасининг нодир ҳодисасидир. Муайян олий ибтидо ёки олий ижтимоий мақсад таянч-ишончи (имони)га айланганда одам ўзида инсоий фазилитларни тарбиялаб боришга интилиши тарихдан маълум. Масалан, Нажмиддин Кубро «Ватанни севиш — имон иши» шиори остида Турон ҳалкларини мўғул босқинчиларига қарши жангга отлантирди, ўзи Ватан химоясида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. 1941—1945 йиллардаги урущда фашист босқинчиларидан Ватанни омон сақлаб қолиши, ҳалкларнинг умумий фаровонлиги учун курашдан иборат олий мақсад оммавий қаҳрамонликни вужудга келтирди.

**Ҳалол-поклик, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, дўстлик ҳис-туйғулари ўша аждодларимиз имонининг умумий мазмуни эди.**

Одам учун энг қийин, мураккаб муаммо ўз-ўзини англаш ва қадрлашдир. Ўзи инсон эканлигини англаган одам албатта ўз қадрини билади, бундай кишилардагина бошқаларни қадрлаш ҳис-туйғуси кучли бўлади. Ақлли одам зотига мансуб эканлигини тўла ҳис этган киши шунга мувоғиқ хаёт йўналишини белгилайди, беъмани ишлардан ўзини тия билади.

Одам инсонга айланишининг зарур шарти жамият ва ундаги муносабатлардир. Жамият ва ундаги кишилар одам ўзини англай билиши учун бир кўзгу ролини ўйнайди. Чунки у ўзининг хулк-авори, талаб-эҳтиёжини ўзини курсаган одамлар, уларнинг жамоалари одоб-ахлоқ маромлари билан таққослайди, баҳолайди ва муносабат белгилайди. Бинобарин, одамнинг чин инсонга айланиши учун муайян жамиятдаги муносабатларнинг ўзи инсонийлашган, таққослаш обьекти бўлган одамларда инсоний сифатлар ҳам бўлмоғи керак. «Дўстингни айтиб бер, сенинг кимлигингни айтиб бераман», «Яхшига яқин юрсанг етарсан муродга, ёмонга яқин юрсанг қоларсан уятга» каби ўзбек мақолларида чуқур фалсафий мазмун бор. Шунинг учун ёшлиар ҳар кимга эмас, балки инсоний сифатларга эга бўлган кишиларга эргашсалар, айни мудда бўлур эди. Зоро, шу мунис ва жонажон диёримиз азиз аждодларимизнинг руҳи-поклари ва муборак қонлари билан йўғрилган Ўзбекистонимиз чин маънода мустақил бўлиб олиши, жаҳондаги ривож топган мамлакатлар қаторидан ўрин ола билиши учун имон-эътиқодли, маънавий дунёси бой кишилар мумкин қадар кўпроқ бўлишларини тақоза этади.

Одам ўз-ўзини англаб, инсонга айланишининг қуидаги шакллари бор:

- a) ўз-ўзини ҳис этиш (сезиш);
- б) идрок этиш (фаҳмлаш);
- в) одам муайян маданият ва ижтимоий гурӯхга ўзи мансублигини англаши;
- г) одам ўз «Мени»га эга бўлиши.

Одам ўзининг кўзидан, юзидан бошқа танасидаги деярли ҳамма жойни кўриши мумкин. Ўзининг кўзини, юзини кўриш, бошқалардан фарқлаш учун ойна керак бўлади, ўз аксини ойнада кўргандан сўнгина, ўз руҳсори ҳақида фикр юрита олади. Худди шу каби одам ўз-ўзини, ўзлигини аиглаш учун бошқа одамларга нисбат беради, бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари билан ўз хатти-ҳаракатларини таққослайди, баҳолайди. Шунигдек, муайян маданиятда таркиб топган одоб-ахлоқ маромлари, қонун-қоидаларини қадрлаш ҳис-

туйгусини таркиб топиши одам ўзлигини англаши учун ижтимоий кўзгу ролини ўйнаши мумкин. Аммо, бу масалага чукурроқ ёндашсак, одам ўз-ўзини хис этиши, ўзи кимлигини ажратиб олиши учун ўзига четдан караши лозим бўлади. Бунинг учун эса ўз-ўзини хис этишининг муайян шаклйни ўзлаштириб олган бўлиши зарур. Одам фақат жамоа ва жамиятдагина бундай имкониятга эга бўлади. У ўзини қандай бўлса, шундайлигича хис этиши учун реал ойнада эмас, балки бошқаларга ўз хатти-ҳаракатини таққослаш, солиштириш, баҳолаш «ойнаси»да карашга ўрганишга тўғри келади. Худди шу «ойна»гина қайси ижтимоий гурух, синф, халқ, миллат ва маданиятта мансуб эканлигини кўришга имконият туғдиради. Чунончи, Аҳмад ўзини одам сифатида кўриши учун ўзига ўхшаш бошқа одам — Тошматга ўзини қиёслай билиши лозим. Бинобарин, одамнинг ўзига муносабати бошқа одамга бўлган муносабати билан белгиланади. Шундай одам ўз-ўзини хис этиши ва фаҳмлаши онгнинг ички эҳтиёжлари туфайли эмас, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ва одамлараро мулокотларда вужудга келади. Одам бўнқаларга ўзини қиёслани натижасида узини англагани (идрок эттани) каби бошқаларни ҳам ўзига қиёслаган ҳолда англашга интилади. Ўз-ўзини идрок этиши жараён тараққиётида ўзини ва бошқаларни ўзига ўхшашлиги ва айни чоғда фарқланишини англаш бир вактда, бир-бирини тақоза этган ҳолда содир бўлади.

Одам ўз-ўзини англаб боришида на фақат ўзи яшаб турган жамият, балки ўтган авлодлар, уларнинг тарихий тажрибалари, анъаналарининг ҳам аҳамияти бўлади. Бунга ўкиш, ўрганиш орқали, ўтган воеа ва ҳодисаларни бугунги кун воказелигига солиштириш, таққослаш орқали хис этади, фаҳмлаб олади. Ўтган аждодларнинг тарихий тажрибалари Ақл соҳаси — оламий рух шаклида доимо мавжуд бўлиб, у одамларнинг инсонга айланиб боришининг зарур шарти бўлиб қолгандир.

Мутлақо алоҳида ҳолат сифатида онгда одамнинг «Мени» шаклланади. У ўз жамоатдошларига ўхшаш ва айни чоғда бетакрорлиги билан ажralиб туради. Шу «Мен» туфайли ҳар кимнинг ўзига хос феъл-атвори, ҳаётий нуқтаи назари бўлади. Муайян вазиятда, фақат ўзига хос эркин хатти-ҳаракат қилиш, мустақил қарорларга келиш, унинг учун масъулиятни ўз зиммасига олиш даражаси ва йўналиши кўп жиҳатдан ана шу «Мен»га боғликдир.

Ақлли одам зоти «Мени» учун албатта идеал, яъни намуна керак. Бу намуна одамни Куршаган миқро ва макро мухитда ҳам, тарихий, фалсафий, бадиий адабиётлар ва санъат воситаси билан ўтмишдаги қаҳрамонлар, атоқли кишилар ҳам бўлиши мумкин.

Намуна (идеал) орқали одамнинг ички олами бўлган «Мени» ташки олами қандайдир умумий бутунлик билан боғланади. Одам ўз «Мени» учун қабул қилган идеал билан ўз хатти-харакатларини таққослаб боради, қайта баҳолаш натижаси сифатида ўз фаолиятидан ё қониқади, ёки қониқмайди. Айтайлик, одамнинг «Мени» эзгуликни карор топтиришга интилаётган замондошлари ёки ўтмишда ибратли ишлари билан машхур бўлган кишилар тимсолида шаклланган бўлсин. Бундай одам юқорида айтган ижтимоий фоҳишлар доирасига кириб қолганда ҳам ўз идеалига хилоф иш қилмайди. Ибн Сино таърифлаган «Эшаклар доираси» дан чиқиб кетишига интилади. Турк қавмига мансуб аёл Зарринтоғи ижтимоий адолат учун курашни ўз эътиқоди деб билиб, одамлар орасида «топган нарсаларингизни ўз ўргаларингизда қардошларча баҳам кўринглар» деган ғояни ташвиқ қилди. Ўша давр ҳоконлари бунинг учун уни З йил зинданда сакладилар. Ўз эътиқоди «Мени»дан қайтмагач, оловда куйдириб ўлдиришга хукм қилдилар. «Мен демайманки, самандар ё парвона бўл, ёйиш мақсадига тушгач, сен эса мардана бўл», дея у оловга табассум билан кириб кетган. Одам инсонга айлангач, марданалик руҳи уни шундай жасоратларга давват этади. Бироқ унинг акси ҳам бўлиши мумкин. Одам учун жамиятдаги баззи исқирт кишилар ҳам «намуна» бўлиб, унинг «Мени» шу аснода шаклланиши мумкин. Ана шу руҳий ҳолатда унинг «Мени» ўғирлик, порахўрлик ва бошқаларни салбий баҳоламайди, бундай ишлардан халиги одам ўзи исқиртга айланиб, бундан у зўр қоникиш ҳосил қилиши мумкин.

Одам «Мени» чинакам инсоний шаклланишидан жамият ва бутун башарият манфаатдордир. Тарихий тажриба шуни кўрсатяптики, бир томондан жамиятдаги барча муносабатларни инсонийлаштириш керак бўлса, иккинчи томондан одам «Мени»ни покизалашнинг ҳамма ўйлари, услублари ва воситаларидан фойдаланиш бундан буёнги тараққиётнинг бош мезони бўлгани маъқул.

Маънавий қадриятлар туфайли одам ўз-ўзини англаб ва қадрлаб, чинакам инсоний фазилатлар мужассами сифатида ўз «Мени»га эга бўлса, ижтимоий моҳияти биринчи ўринга чикади ва авлодлари учун ўзидан албатта яхши ном қолдиради.

Ўз-ўзини англаб, инсонга айланган одам албатта қайси миллат ва маданиятга мансуб зканлигини бошқалардан кўра яхшироқ ҳис киласди. Миллий маданият ва миллий ўзлигини англаш — ягона миллат ва элат маънавий дунёсининг кўш қанотидир.

Миллий ўзлигини англаш реал иқтисодий, ҳуқукий, давлат, тил ва маданият асосида инсон онгига шаклланади ва у ирода билан

боғланиб, амалий харакат тусига киради. Албатта булар объектив шароит ва субъектив омилләрга кўра турли даражаларда, холатларда ва муносабатларда намоён бўлади.

Ўзбекистон мустакия тараққиёт йўлига ўтгач, миллый ўзлигини англаш даражаси бекиёс юксалди. Аммо бу дегани ўзбек халқи фарзандларида илгари миллый ўзлигини англаш бўлмаган, дёған маънони англатмайди. Совет тоталитар давлати миллый ўзлигини англаши кучли бўлган зиёлиларни қатафон остига олиб, интернационализм шиорлари остида миллый онг ривожи йўлига жиддий тўсиқлар қўйиб келдики, унинг асоратларини тутатиш учун мардонавор кураш олиб бориш зарур бўлади.

Миллый ўзлигини англаш: а) ўзбек халқи ва бошқа халқларнинг ўз тарихий, маданий меросига қизиқиш ошишида;

б) ўз халқининг тили, ижтимоий вазифаларини кенгайтиришдан манфаатдорлик ҳисларининг кучайишида;

в) Ўзбекистоннинг реал мустакиллигини тъминлаш билан боғлиқ сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал этиш учун жонкуярликда;

г) миллый жипслик ва тотувлик заруратини тушуниб, фаолият йўналиши белгилашда;

д) ўзининг нисбатан оғир иқтисодий аҳволда эканлиги, миллый маданиятга лоқайдлик сабабларини англаш етётганида;

ж) республикада яшаётган бошқа милллатлар вакиллари хукукларини хурматлаш, улар билан чинакам қардошлиқ, биродарлик алоқаларини вужудга келтиришга интилишда (зеро тарих тақозаси билан Ўзбекистон уларнинг Ватани ёки иккинчи Ватани бўлиб колган) намоён бўлади.

Миллый ўзлигини англаш ўз ички зиддиятига эга. Ҳар қандай ўз-ўзини англаш реал ҳаёт вазифаларига мувофиқ тарзда муайян харакат ва фаолият йўналишини танлаш асосида боради. Бу танлов одамнинг ўзи учун етакчи бўлиб қолган қадриятлар мажмусаси билан белгиланади. Ўз-ўзини ва миллый ўзлигини англаш учун танлаб олган йўналиш таъсиррида идеаллик парчаланади. Бир томондан, миллый ўзлигини англаш даражасидаги шаклланган тасаввuri бўйича ўз милллати ва унинг маънавий қадриятларини бошқа милллатларнидан афзал деб билади. Сўнгра, ўзи мансуб бўлган милллат қолган милллатлар билан иқтисодий, сиёсий ва бошқа алоқаларда бўлмай ривожлана олмаслигини, демак, улар қадриятларини ҳам хурматламай яшай олмаслигини англайди. Бу миллый ўзлигини англаш ривожидаги биринчى зиддиятдир. Иккинчидан, бир республика ичida бошқа милллатларга мансуб одамлар, уларнинг уюшмалари мавжуд

бўлиб, муайян мамлакат номи билан аталган ва туб аҳолини ташкил этган миллат ўртасидаги муносабатларда пайдо бўладиган зиддиятдир.

Маълумки, ҳар бир миллат тарихан динларнинг биронтаси таъсирида бўлади, унга имон келтиради, эътиқод (ихлос) қиласи. Динлар, айниқса, жаҳон динлари ўз моҳияти жиҳатидан байналмилал хусусиятга эга бўлса-да, аммо у миллий қадриятларни сақловчи, эъзозловчи ва ривожлантирувчи маънавий восита сифатида ҳам майдонга чиқади. Шунинг учун кўпинча миллат диний шиорлар остида ўз мустакиллиги учун курашади. Бу ҳол диннинг сиёсийлашуви учун негиз бўлиб, реал миллий қадриятлар диний қадриятлар билан алмасинади. Натижада диний заминда миллий можаролар, катта-катта урунлар ҳам келиб чиқини мумкинлигига тарих шохид. Демак, диний заминда юзага келадиган миллатлараро зиддиятларни ҳам албатта назарда тутиш керак.

Инсон хукукини миллат хукуқига қарама-қарши қўйиш оқилона иш эмас. Муайян республикада яшаётган барча одамлар миллати, ирки, жинси, ўтроклиги, диний ва илмий эътиқодидан катъий назар, баббаравар хукукка эга бўлишлари хукукий давлат барпо этиш учун кафолатдир. Зоро, миллат мавхум тушунча эмас. У факат ўз хукуклари учун курашувчи кишилар билан бирга умуман муайян давлат, мамлакат ҳудудида яшаётган бутун аҳолининг яхшироқ, инсонийроқ ҳаёт кечириши учун кураш негизида бирлашган конкрет (аниқ-равшан) одамлар бирлигидан ҳам иборатдир. Бинобарин, агар Ўзбекистон мустакиллигини мустаҳкамлаш ўзбек ҳалқи учун нечоғлики мухим бўлса, бу ерда яшаётган б 6 миллионга яқин бошқа юздан ортиқ миллат вакиллари учун ҳам шунчалик мухимдир. Ўз тақдирини шу мамлакат тақдири билан боғлаш тарихан унга зарур бўлган экан, уни тўғри англаш ва шунга мувофиқ фаолият йўналиши белгилаш улар учун фуқаролик бурчидир.

Миллий ўзлигини англаздаги тафовутлар, миллий муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни миллий давлат, ундаги партиялар, жамоат ташкилотлари, маданий-оқартув муассасалари, бутун жамоатчилик кучи билан қадам-бакадам ҳал этиб бориш ўз-ўзини ва миллий ўзлигини англаётган, уни чукурлаштираётган онгнинг тўғри ижтимоий йўналиш олиши учун кафолат бўлади. Миллий ўзлигини англаш, миллий маҳдудлик, миллий чекланишга олиб келмаслиги учун Ўзбекистонда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, курилиш, транспорт, илмий ва маданий муассасаларда ишлаётган турли миллат вакиллари кўлни-кўлга берib, кардошларча меҳнат

қилишлари учун маънавий-аҳлоқий мұхитни вужудга келтиришга асосий эътибор қаратылмоқда. Чунонча, миллий маданий марказлар ташкил этилиб, хар бир миллат вакиллари ўзлари мансуб бўлган миллат маданиятини, тарихини ўрганмоқдалар. Бу миллатлараро муносабатларнинг инсоний ривожланишига хизмат қиласди. Турли миллий тилларда ўқув ва бадиий адабиётлар, журнал, газеталар чиқарилмоқда, радио эшиттиришлари, телекўрсатувлар ташкил этилмоқда. Миллий ҳунармандчиликка, миллий либосларга эътибор қаратылмоқда. Кўшини мамлакатлар халқлари билан иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш тадбирлари белгиланиб, амалга оширилмоқда. Президентлик девони, Қорақалпоғистон ресиубликаси, вилоятлар ҳокимиятларида, Тошкент шахри ҳокимиятида миллатлараро муносабатлар бўлими тузилди. Айнисса, Марказий Осиё халқлари ўзаро алоқаларининг мустаҳкамланиши алоҳида тарихий аҳамиятта эгадир. Бинобарин, ўзбек, қозоқ, тоҷик, туркман, қоракалпок, қарашма, ~~миллатлари~~ ва бошқа миллат номояндларининг онгиди уни қадрията айлантириш ғоят мұхимдир. Миллатлараро муносабат ва муомала маданиятига эга бўлиш миллий ўзлигини англапнинг таркибий қисмидир

Ўзбекистонда исломдан ташқари яна 17 та рўйхатдан ўтган диний эътиқод эгаларнинг ташкилотлари бор. Улар диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш жараённида юртимизда можаролар чиқишига йўл кўймаслик учун курашмоқдалар. Демак, улар миллий ўзлигини англашнинг инсоний йўналишда ривожланишига муносаб хисса қўшмоқдалар. Миллий ўзлигини англаш деганда байналмилалчилик хисларини ҳам тушуниш лозим. Бинобарин, буюкмилатчилик, буюкдавлатчилик шовинизми, миллий калондимоғлик ва диний мутаассибликка қарши кураш жараённида миллий ўзлигини англаш соғлом тус олади.

Ўзбеклар табиатан бошқа халқлар, уларнинг миллий ҳистойгуларига катта ҳурмат билан қарайдиган жаҳсидаги заковатли миллатлар қаторига киради. Саҳоватчешалик, очиккүнгиллилик, раҳм-шафқатлилик, инсонпарварлик, меҳмондустлик, андишлилик, иззат ва ҳурматпешалик — булар ўзбек миллатига хос ҳусусиятлардир. Бу фазилатларни эъзозлаш ва янада ривожлантириш ёшларимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш манфаатлари миллий ўзлигини англаш даражаси юқори босқичга кўтарилишини тақоза этмоқда. Собиқ СССР давлати, унинг партия элитаси мустамлакачиликнинг ниҳоятда пардаланган, макрли шаклини қарор топтириш учун бутун чораларни кўрди. Миллатларни ўз тарихий

хотириасидан маҳрум этиб, унинг вакилларини манқурт холатга тушириш сиёсатини амалга ошириди ва кисман бунга муваффақ бўлди. Шунинг учун ўзбеклар орасида миллий ўзликни англаш ҳис-тўйғуси, масалаи, Болтиқбўйи республикалари, Кавказ, Россия, Украина га нисбатан пастрок бўлганини инқор этиб бўлмайди. Шунинг учун тил ҳақидаги Конун қабул қилинганига 5 йилдан ошган бўлишига қарамасдан, баъзи жойларда ҳамон идора хужжатлари рус тилида олиб борилемоқда. Кўпчилик алоқа бўлимлари, уй-жой хўжалиги маҳкамалари, хисоб-китоб идоралари ва бошқармаларида давлат тилини билмайдиган кишилар ишламоқда. Тил ўрганиш учун олинган ўкув қуроли камайиб кетиши ҳам бежиз эмас. Чунки давлат ва бошқа маҳкамаларда раҳбарлик қилаётган зиёлилар орасида миллий онг-даражаси ниҳоятда паст кишилар ҳам бор. Тилимизнинг тозалиги ва таъсирчанлиги учун курашишга бурчли бўлган баъзибир олимлар, журналистлар, муаллимлар ҳам ўзбек тилига ўринсиз равишда бошқа тиллар сўзларини киритишдан уялмайдилар. Чунки миллий ғурур ва фахр оз уларда.

Ватанпарварлик ҳисси даражаси ҳам айрим ўзбекларда миллий мустакиллик талаблари даражасида деб бўлмайди. Ўзбек маданияти, унинг маънавиятини сақлаш, асрар, ривожлантириш масъулияти шу республикада миллат бўлиб яшаётган одамлар зиммасида эканини ҳамма ҳам англаб етган эмас. Янги техника ва технологияни эгаллаш, илм-фан фидойиси бўлиш, тадбиркорлик сифатларини ўзида тарбиялаш, миллий тил ва маданиятни қадрлаш, ҳарбий санъатни эгаллаш учук кураш — мана шулар ҳаммаси ватанпарварликнинг амалда намоён бўлишидир. Ёшларда миллий ўзликни англаш даражасини ошириш воситаларидан бири — ватанпарварлик руҳини барқарор қилишидир.

«Фалсафадан ваъз матнлари».  
Т., 1995, 210—221-бетлар.

### ҲОЗИРГИ ЗАМОН УМУМБАШАРИЙ (ГЛОБАЛ) МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙУЛЛАРИ

Афтидан, XX аср тарихга «огохлантириш асри» бўлиб кирса керак. XVI асрдаёқ Фарбий Овруподага пайдо бўла бошлаган саноат инқилоби минг йиллар давомида тўплланган билимлар, ижтимоий тузилиш шакллари, турмуш тарзини бутунлай ўзгаришиб юбориш бошланишига сабаб бўлган эди. Аста-секин юз берётган ўзгаришлар XIX асрга келиб жиддий тус ола бошлади. Айниқса, атом

парчаланишининг кашф этилиши, рентген нурларининг топилиши асрлар давомида ўзгармас бўлиб келган тафаккур ва идеаллар стандартларига путур етказганидан дарак берди. Ўша пайтлардаёк кўпгина мутафаккирлар кириб келаётган XX асрга зўр хадисеираш билан қараган эдидар. Чуноичи, рус мутафаккирлари Гарбий Оврупонинг бостириб келаётган эркин ва аммо эътиқодсиз маданияти Россияя тарқалмаслик чораларини кўришга хукмдорларни даъват этгандилар. Аммо у жараённи тўхтатиш мумкин эмас эди. Аслини олганда техника тараққиёти туфайли башарият осмонида пайдо бўлаётгани «қора булутлар» учун фан-техника айборд эмаслиги у пайта ҳам, ҳозир ҳам кўтгчиликка аён эмас.

Техниканинг мисли кўрилмагай парвози, ишлаб чиқариш ресурсларининг тараққиёти инсониятнинг олам, одам хақидаги оддий тасаввурларини чилпарчин қилиб ташлади. Радио, телевидение, хисоблаш техникаси, космосга чиқиш, ядро энергиясини жиловлаш, ~~тепиниклерни, пластик материаллар~~ — буига ўхшаш техникавий янгиликлар аждодларимизнинг тушига ҳам кирмаган қулийликларни яратиб, турмуш кечириш тарзини тубдан ўзgartириб юборди. 1917 йил Россияядаги Октябрь тўнтириши, тоталитаризмнинг қарор топиши, 2 та жаҳон уручи ва унинг оқибатлари, «совук муносабатлар» урушининг Farb давлатлари фойдасига ҳал бўлгани, сабиқ СССР деб аталган империянинг қулаши ва мустамлакачилик системасининг асосан барҳам топиши — ана шуларнинг ҳаммаси ижтимоий ҳаёт, унда одамнинг ўрни ва роли тўғрисидаги эски тасаввурларга барҳам бериб юборди.

«Социализм»ининг СССР ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги модели фан ва техника түғдирган янги имкониятлар, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларининг янги ҳолатларий даражасига жавоб бера олмади. Бу ҳол у давлатларнинг барҳам топишига олиб келибгина қолмай, ижтимоий адолат, тенглик, фаровонылик, дўстлик, ҳамкорлик ғояларини гўё ўзида-мужассамлаштирган этиб кўрсатилган социализм (коммунизм) тушунчасининг кенг жаҳон афкор оммаси кўз ўнгидаги қадр-кимматини кескин тушириб юборди. Давлат монополистик мулкчилигига асосланган ижтимоий тузум иносон ҳукукларини барбод этиш, шахсий ғайрат ва ташаббусни бўғиш воситасига айланди. Агар Ўзбекистонни олсак, бу кўхна мамлакат аҳолиси рус большевикларининг кирдикори билан 1918—1923 йилларда қонли уруш гирдобига тортилди, миллий-озодлик учун курашган ҳалқимизнинг мард ўғлонлари ўлдириб юборилди, қамаб ташланди, кувфинга килинди. Совет ҳокимиятининг ҳар 10-15 йил ичida биттадан қатагон қилиниши расмга айланди. 30-йиллар

кулоклаштириш, 1937—1940 йилларда илғор фикрли кишиларга «халқ душмани» деган тамға босилиб, қатагон килинғани, 50-йилларда күзга күринган зиёлilarнинг ялпи қамалиши, 60-йилларда тадбиркорларнинг қатли-ом қилиш, 70-йилларда совет давлатининг халққа, демократияга қарши мөхиятини фош қилғанларга «дисидент» деган тавқи лаънатни босиб, уларни жазолаш, отиб ташлаш ва турмаларда чиритиш, 80-йилларда «ўзбек иши» шиори остидаги мисли қўрил-маган ёвузиликлар халқимиз хотирасида лаънати йиллар сифатида колади.

Собиқ СССР харобалари устида янги мустакил республикаларнинг вужудга келиши, жаҳоннинг сунъий равища иккита ҳарбий-сиёсий лағерга бўлинишининг барҳам топғандиги XX аср-эхирида янги тарихий вазиятни юзага келтирди. Мустакил республикалар мулкчиликнинг давлат монополиясига барҳам бериб, бозор муносабатларига ўтиш йўлини танлаб олдилар. Баъзи водон сиёсатчиларнинг айби билан илмий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган концепция ишлаб чиқилмасдан туриб, Россияда бозор муносабатларига ўтиш бошлаб юборилди. Умумий иқтисодий боғлиқликлар, ягона коммуникация ва алоқа тизими билан бирга боғланиб кетган республикалар оғир ахволга тушиб қолди. Уларнинг баъзилари кечикиброқ бўлса-да, бозор муносабатларига ўтиши учун ўз концепцияларини ишлаб чиқдилар. Жумладан, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов раҳбарлигига бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Ҳар бир республика ўз манфаатларини назарда тутиб, ижтимоий-сиёсий фаолият йўналишини белгилаган ҳолда жаҳон умумбашарий муаммоларини ҳам ҳал этишда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик кильмоқда. Бу ҳамкорликда бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистон ҳам ўз ўрни ва ролига эга бўлиб бормоқда.

«Глобал» сўзи «глобус» сўзидан олинган бўлиб, «Ер шари» маъносини англатади. Бутун инсониятга даҳлдор масалаларни «глобал муаммо» дейиш фанда қабул этилган (уни ўзбек тилида умумбашарий муаммо дейиш мумкин).

Одамзод онги воқеалар ривожига қараб, илмий тажрибага таяниб, келажакни бир неча йиллар олдиндан тахминий равища башорат қилиш қобилиятига эга. Тараққиётнинг ҳозиргача бўлган йўналиши келтириб чиқарган муаммоларни, улар туфайли вужудга келган зиддиятларни илмий таҳлил этиш асосида келажак ҳақида фикр билдириш мумкин.

Ижтимоий тараққиётнинг бундан бўёнги истиқболи, кўп

жихатдан умумбашарий муаммоларни ҳал этишга боғлиқ. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши ўз навбатида илмий-техника тараққиёти билан боғланниб кетар экан, бўлажак мутахассислар умумбашарий муаммолар нималардан иборат эканини равшан тасаввур этишлари, ўз фаолиятларида уни назарда тўтиб ҳаракат қилишлари ниҳоятда зарур. «Глобал муаммолар» атамаси шу асрнинг 60-йилларидаги Фарб мамлакатларида пайдо бўлиб, «Рим клуби» фаолияти билан жаҳонга ёйилди. Бу муаммоларнинг келиб чиқишида жамият, жумладан, одамнинг табиатга техник воситалар билан кўрсагаётган улкан таъсири, унинг бекиёс хўжалик фаолиятининг роли бор. Айни пайтда бу муаммоларнинг ижтимоий-иктисодий моҳиятини ҳам эътибордан сокит қилиб бўлмайди. Гурухий, синфий, миллий, худудий манфаатлар кўпинча бутун жаҳон хамжамияти ва умумбашарий манфаатлардан устун кўйилмоқда. Ана шу холат умумбашарий муаммолар ва уларнинг хусусиятларини англаб олишни тақоза этмоқда.

Умумбашарий муаммоларга, бизнессга, тарбияга, инженерни киритиш мумкин:

1) термоядро уруши ва атом электростанциялари аварияси хавфларининг олдини олиш, барча ҳалқлар учун тинч ва барқарор ҳаёт шароити берадиган ҳамда ҳар қандай зўравонликдан ҳоли бўлган янги дунёни вужудга келтириш фойт зарур бўлиб қолганлиги;

2) илмий-техника инқилоби туфайли анъанавий турмуш тарзининг издан чиқиши бутун дунёда маънавий-ахлоқий кризис (бўхрон)ларни вужудга келтирганлиги; илмий-техника инқилоби ва унга асосланган ижтимоий-иктисодий муносабатларга мувофиқ келадиган турмуш тарзини излаб топиш ва қарор топтириш фойт муҳим бўлиб турганлиги; ҳалқаро террорчилик, гиёхвандлик ва ичкиликбозлик, вабо, СПИД тарқалишининг кенгайиб кетиши ҳам шуни тақоза этаётганлиги; шунингдек, ана шу доирада таълимтарбия, ижтимоий таъминот, маданий мерос ва ахлоқий қадриятлар муаммоларини ҳам ҳал этиш зарур бўлиб қолганлиги;

3) саноат жиҳатидан ривожланган Фарб мамлакатлари билан тараққиётдан орқада колган мамлакатлар иқтисодиёти ўртасида тафовут тобора ортиб бораётганлиги; ана шу мамлакатларда иқтисодий қолоқликни бартараф этиш, очарчилик ва қашшоқликни тугатиш дунё ҳалқлари олдида турган муаммога айланганлиги;

4) ҳалқларнинг миллий ўзлигини англаш жараёни бошланганлиги; миллий давлатчиликнинг шаклланиши; миллатлараро муносабатларни йўлга кўйишида зўравонлик нуқтаи назарларига асосланадиган хатти-харакатларни тугатиб, тенглик ва

ўзаро манфаатли ҳамкорликни қарор топтириш учун янгича тафаккур тарзини шаклантириш гоят мұхим бўлиб турганлиги;

5) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тобора байналмилал хусусият караб этиб бораётганлиги; шу жараёнда генафондга, яъни одамзод наслига жиддий путур етганлиги, генафондни бўндан буён саклаб қолиш учун мияйлий мустақил республикалар қарор топиб, мустаҳкамланишини ҳар томонлама рагбатлантириш, шу заминда интернационал алоқаларни ривожлантириш йўллари ва воситаларини излаб топиш гоят зарур бўлиб қолганлиги;

6) инсониятнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётига бундан буён эришиш учун зарур табиий ресурслар (озик-овқат, хом ашё, энергия)нинг янги турларини излаб топиш мұхим вазифа бўлиб турганлиги;

7) ҳаво, тупроқ, сув ҳавзаларининг саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши натижасида заҳарланиши туфайли юзага келган экологик инқизорзининг олдини олиш лозимлиги;

8) аҳолининг гоят тез суръатлар билан усиши («демографик портлов»)ни тартибга солиш, депопуляция ҳавфининг олдини олиш зарурат бўлиб турганлиги;

9) ИТИнинг турии салбий оқибатларини дарҳол пайқаш ва унинг олдини олиш орқали бу тараққиётни шахс камоли ва инсониятта муносиб жамият манфаатлари томон буриб юбориш кераклиги ва бошқалардир.

Тарих сиёсий даҳанаки жангдан мулоқотни, мағкуравий ва диний мутаассиблиқдан давлатлараро муносабатларни холи этиши, сабр-қаноат ва хилма-хил фикрларга йўл қўйиш (плюрализм)ни тақоза этмоқда. Ҳамма ҳалқлар ҳарбий, экологик ва иқтисодий ҳавфхатарсиз яшашга ўтишлари учун ғор одамларига ҳос тафаккур тарзи келтирган оғатларни обдон таҳлил килиш вақти келди. Зоро, ижтимоий-сиёсий тафаккур услуби мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий воқелиқдан, техника ва технология тараққиётидан орқада колмоқда. Аксарият омманинг ҳозирги замон цивилизациясига мувофиқ келадиган ахлоқий қадриятларни англази ижтимоий-иктисодий, экологик ва демографик даврнинг қатъий талабларидан анча йироқдир.

Ҳозирги замон умумбашарий муаммолар янги сиёсий тафаккур, юқсак ахлоқий масъулият ва мисли кўрилмаган бирлашган амалий ҳаракатни тақоза этмоқда. Гарчи бу муаммоларнинг барчаси бир-бири билан сабабли боғланган бўлса-да, аммо улар доирасидан устуворларини танлаб олиб, асосий эътибор ва куч-ғайратни шунга қаратган маъкул. Иқтисодий тараққиёт билан экологик ҳалокатга ягона

экологик муаммо сифатида қараш маъкулдир. Чунки экологик муаммоларни иктисодий тараккиётнинг юксак боскичисиз, шунингдек маънавий-ахлоқий мухитни согломлаштиришсиз ҳал этиб бўлмайди. Бўлардан қай бири устувор бўлишини аниқлаб олиш мухимдир. Ҳозир миллӣ, худудий ва ҳалқаро кучларни ягона мақсад йўлига буриб, жаҳон оммавий ижтимоий ҳаракатини юзага келтириш тарихий зарурат деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳаракат бутун дунёда маънавий-ахлоқий мухитни соғломлаштириш мақсадида мавжуд ресурсларни ишга солиш, одамлар қалби ва руҳиятини поклаш учун маданий-маърифий тадбирлар мажмусини тадқиқ этиб, уни изчилиллик билан амалга ошириш чораларини кўришга даъват этилгандир.

Шу маънода баъзи олимлар, чунончи, америкалик социолог Р.Л.Хейлбронернинг «нажот йўли йўқ» деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Масалага бундай ёндошиш тарихий жараёнларга инсоният таъсир этиши мумкин бўлган кудратни инкор этишга, лоқайдликка олиб келади. Академик А. Сахаров набираларимиз яшайдиган 50 йилдан кейинги дунё ҳакида ўйлаб кўрган кишининг кўнглини кучли бениҳоя мураккаб келажагидаги фожиавий ҳавф-хатарлар, машаққатлар олдидаги кўркув ва даҳшат, айни вактда одамларнинг ақл-идроқи, кудрати ва дйлидаги инсонийлкка умид туйғулариридир. Факат мана шу умид ва унга қатъий ишончгина босиб келаётган таҳлика, фалокатларга қарши туриши мумкин. Инсоният, унинг барча давлат ва жамиятлари ҳалокатнинг олдини олиб қолиш учун етарли ақлий, моддий ва техникавий салоҳиятга эгадир. Инсон тафаккур услугубини ўзгартириш, унинг ахлоқий қиёфасини янгилаш, маънавий-руҳий оламини поклаш орқали жаҳон осмонида пайдо бўлган «кора булулар»дан холи бўлиш имкони мавжуд.

Ҳозирги шароитда Табиат, жамият ва инсон кооэволюциясини таъминлай оладиган жамиятгина оқилона бўлиши мумкин. Бунинг учун марксизм назариясига асосланиб, инсониятнинг келажаги социализм (коммунизм)дадир, деган хом ҳаёллардан холи бўлиш лозим. Аввало социализм қуришни Ленин томонидан пировард мақсад деб белгиланиши ва унга эришишнинг барча воситалари (асосан зўравонлик)ни ахлоқий деб ҳисоблаш инсоният бошига жуда катта кулфатлар келтирганини тан олишга тўғри келади.

Ҳар бир жамият ижтимоий гурухлар, синфлар, давлатлардан ташкил топади, демак, уларнинг ўз олдиларига кўйган аниқ мақсадлари ва ўз ижтимоий мавқеларига мувофиқ манфаатлари борки, ана шулар туфайли ишлаб чиқариш механизми ҳаракатга келиб, одамларнинг умумий фаолияти юзага чиқади. Бу ҳолатни

хисобга олмай тузилган ҳар қандай илмий башпоратнинг истиқболи йўқдир. Зоро, пировард оқибатда одамлар иқтисод, ишлаб чиқариш учун яшамайдилар, аксинча, иқтисод инсонлар эҳтиёжини қондириш учун зарурдир, Ҳозирги иқтисодий, техникавий прогресс учун кураш пировард мақсад эмас, балки фаровонликка, ижтимоий адолат ва тенглишка эришиш воситаси бўлиши лозим. Акс ҳолда инсоният ва унинг жамиятлари бирёклама ривожланиб, янги ижтимоий оғатлар юзага келиши ҳам мумкинки, бундан бўён яна бир жиддий назарий хатога йўл қўйилиши оқибатларига инсоният бардош бера олмаса керак.

Манфаатлар ва мақсадлар турли-туманлиги вазиятида уларни дунё бўйича мувофиқлаштириш учун инсоният ақлий тараққиётининг ҳозирги даражаси кифоя килармикан? Ҳархолда умумбашарий муаммолар ҳар қандай манфаатлар ва мақсадларнинг бундан бўёнги тақдирига дахлдорлигини хисобга олишни тақоза этаётганини кўпчилик англаб бораётгани қандайдир умид түғдиради. Бинобарин, ҳар бир жамиятни рационал (ақлига мувофиқ) ташкил этиш учун зарур бўлган йўллар, уларга эришиш воситаларини излаб топиб, Табият, жамият ва инсон қоэвонлициясига эришиш тарихий зарурат сифатида майдонга чиқмоқда.

Инсоният цивилизациясининг шу кунгача бўлган тараққиётига назар ташласак, одамлар, мамлакатларни бир-биридан ўзаро жанжаллар ажратиб келган. Улар манфаатлари ва мақсадлари негизида юзага келган зиддиятлар асосан куч ишлатиш йўли билан ҳал этилган эди. Эндиликда бутунлай янги тарихий давр бошланяпти: мамлакат, ҳалқ, синф, ижтимоий гурӯх ва милятлар ўргасидаги табийи равишда пайдо бўладиган зиддиятларни зўравонлик нуқтаи назарида туриб ҳал этишга интилишнинг истиқболи тобора йўқолиб бормоқда. Зиддиятларни қадам-бакадам ҳал этишнинг бирдан-бир йўли ён бериш ва келишувдир. Демак, Акл тараққиёти ҳозирги воқеликнинг бу талабларига мувофиқ ҳолга келгандагина бунга мушарраф бўлиш мумкин. Инсоният эса ғор одамларига хос тафаккур тарзидан воз кечиб, чинакам инсоний тафаккур тарзига ўтмаса, у ўз-ўзини ҳароб киласи ва табиятни ҳам булгаб, уни ҳаёт кечириши мумкин бўлмаган ҳолга олиб келиб қўйиши мумкин.

Ана шу муаммолар умумдавлат мақомларига эга бўлган жаҳон ҳамжамиятидан иборат ягона структура тузилишини тақоза этмоқда. Бундай ташкилот умумбашарий муаммолар, уларни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиб, жаҳондаги барча давлат ва ҳалқларнинг фаолиятини муайян мақсадлар сари йўналтиради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг турли йўналишдаги бўлимлари мана

шундай ролни бажаришни ўз зиммасига олиши мумкин. Аммо бунинг учун унинг ваколатлари кеёгайтирилиб, умумбашарий муаммоларни ҳал эткшга қаратилган қарорлари маъбурий хусусиятга ҳам эга бўлиши масадага мувофиқидир.

Бутун дунё миқёсида иш олиб борастан Оврупо ҳавфсизлиги, Жаҳон ва Оврупо тараккиёт банки, Муғакил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ), турли маданий-маърифий, спорт, диний жаҳон ўюшмаларининг ҳам роли ортиб боради. Уларнинг фаолиятини муайян ялпи умумий маъсад сари ~~иҷтимоий~~ таҳжизириб юбориш долзарб масаладир.

Муаммоларни ҳал этишининг устувор йўналиши экологик ҳолатни яхшилаш бўлиши маъкул, чунки бука бошқа муаммоларни ҳам ҳал этиш ёки уларга йўл очиши имконияти туғилади, деган фикрларга қўшилиб бўлмайди. Фикримизча, бутун дунёда маънавий-ахлоқий мухитни соғломлаштириш давлат, ҳалқ, сиёсий ва диний арбоблар фаолияти учун устувор йўналиш деб қабул қилингандা, ~~умумбашарий ҳизништариш~~ ҳал ~~кичувчи~~ ҳалқа экани лен бўлиб колади. Факат шу йўлдан бориб инсон тафаккур гарзини ўзгартириши, унинг руҳини поклаш орқали бошқа муаммоларни ҳал этиш мумкин. Бунда сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан нуфузли диний муассасалар фаолиятини ягона маъсад сари уйғунлаштириш имконияти туғилади. Нажот йўли бор, у ҳам бўлса ҳар бир одам қалбини инсонийлаштириб, барча жамиятлардаги муносабатларни ўзаро ҳамкорлик, ҳамдўстлик томонга буриб юборишдан иборатдир, шунда акл-идрок тантанаси томон равон йўл очилган бўлади ва инсоният тарихида янги босқич бошланади.

Демак, умумбашарий муаммолар, уларнинг туб сабаблари, ҳал этиш йўлларини излаш ва топиш албатта зарур. Айни чоғда жамият тараккиёти, унинг истиқболдаги ҳолатларини таҳминан бўлса ҳам тасаввур этиш фойдалидир. Бунда илмий башоратнинг роли бекиёсdir.

Мальумки, марксистик фалсафа нуқтаи назаридан бу масала назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилингандек туюлади; яъни бу нуқтаи назардан караганда, синфий кураш пировардида социалистик революцияга олиб келади; оқибатда пролетариат диктатураси ўрнатилиб, унинг воситасида ижтимоий мулкка асосланган янги жамият — социализм (коммунизм) қурилади. Шу функцияни бажариб бўлгач, давлат ўла бошлайди ва жамиядга ўз-ўзини бошқариш механизми щаклланади. Кўп жиҳатдан хаёлий бўлган Маркснинг келажак тўғрисидаги қарашлари амалиётда тасдиқланганда жаҳон умумбашарий муаммолари ўз-ўзидан ҳал бўларди. Чунки Маркс

хўжалик юритишнинг ягона системаси – умумжаҳон ҳамжамияти шаклланса, бир фикрга ва қарорга келиш осон бўлса керак, деб йўлагандир. Афсуски, Маркснинг синфий кураш ва унинг ижтимоий оқибатлари тўғрисидаги назарияси фараз хусусиятига эга бўлгани, хусусан капиталистик ишлаб чиқариш усули тараққиётга тўсик бўлиб қолганлиги тўғрисидаги қоидаси асоссиз эканлигини хаёт ўзи кўрсатиб қўйди. Маркс капиталистик ишлаб чиқариш усулини Гарбий Оврупо воқелиги таъсирида таҳлил этиб ҳамда немисча радикал тафаккур усулида муҳокама юргизиб, келажак жамият ҳақида ўз фикрини айтган, унга олиб бориш йўллари, услублари, воситалари, тамойилларини гўё асослаганди. Тафаккурнинг марксча усули нуқтаи назаридаги туриб бугунги воқеликка ва унга асосланниб келажакка муносабат белгилаш, илмий башпорат қилиши мақсадга мувофиқ эмас. Марксизмнинг бу соҳадаги қоидалари, хулосалари ўзини оқламаган экан, демак, истикболда социалистик (коммүнистик) жамият вужудга келади, деган фикрга асосланниб фаолият йўналишини белгилаб бўлмайди.

Хўш, келажак ҳақида қандай башпоратлар, прогнозлар бор?

Ижтимоий башпорат, табиат, жамият қонунларини ҳали номаълум бўлган ва содир бўлиши кутилаётган нарса, ҳодисаларга жорий этишга асосланади. Бундай башпоратда келажакдаги ҳодисалар ва уларнинг юз бериш муддатлари хусусида тахмин ва фаразлар бўлади. Ижтимоий ҳаётда юз берадиган ҳодисаларни илмий башпорат қилиш, биринчидан, режалаштириш; иккинчидан, программалаштириш; учинчидан, лойиҳалаштириш; тўртинчидан, бошқариш назарияларини ишлаб чиқиш; бешинчидан, фалсафий тафаккур қилиш билан узвий боғлиқдир.

Ижтимоий тараккиёт қонунларини илмий башпорат қилишининг куйидаги усуллари бор:

1. Экстрополяция, яъни муайян бир шароитда содир бўладиган, амал қиласиган қонуниятларни ҳозирги замон ва келажакка боғлаш.

2. Тарихий аналогия (киёсий услуг), яъни ҳозирги замон ва келажак ҳақида ўтмишдаги ҳодисаларга таққослаб, муҳокама қилиб хулоса чиқариш.

3. Ижтимоий ҳодисаларни компьютер воситасида монделлаштириш.

4. Сценарий тузиш, яъни келажакда бўладиган ҳодисаларни хомаки тарзда тасвирлаш.

5. Тарихий воқеаларга тажрибавий усулга таяниб баҳо бериш.

Жамият ҳодисалари объектив бўлиб, уларни олдиндан башпорат қилиш учун ўтмишни, ҳозирги воқеликни чукур таҳлил этиш ва

фалсафий умумлаштиришга асосланиш, воқеалар ривожига қарабашорат қилиш маъқулдир.

Хозирги замон жаҳон ижтимоий тараккиётининг асосий йўналишлари шуни кўрсатмоқдаки, истиқболда на Маркс тасаввуридаги социализм (коммунизм) ва на соғ капитализм бўлади. Фарб мамлакатларидағи хозирги давлатларни соғ буржуа диктатураси ҳам, у жамиятда катта фойда олишга асосланган капиталистик тузум деб ҳам бўлмайди. Уларда инсон хукуқларини ҳимоя қилиш, хукукий давлат элементлари, ижтимоий муҳофазага йўл берган ва ўз моҳияти билан адолатли жамият принципларн ҳам мавжуд бўлган структурани кўриш мумкин.

«Социалистик мамлакатлар» деб аталган жамиятларда мулкчиликнинг давлат монополияси, яккабошлиқ ва зўравонликка асосланган коммунистик зодагонлар диктатураси, пастдан юкоригача бошқаришнинг мисли кўрилмаган тўрачилик усули ўша жамиятларни бонни берк-кўнага олиб кириб қўйди, натижада улар барҳам тоғди. Шунинг учун Хитой, КХДР, Вьетнам, Куба каои мамлакатлар ҳам аста-секин бозор муносабатларига ўтишга мажбур бўлмоқдалар.

Жамият хақида фикр юритганда, келажакда бозор мунисабатларига аосланган оқилона ижтимоий структуralар вужудга келиши куттилмоқда. Ҳамма гап ў структура халқ оммасини асоратта солишининг янги, макрли шаклига айланиб қолмаслигига. Бунинг учун собиқ «социалистик » мамлакатларда давлат мулкини хусусийлаштириш ва ижтимоийлаштиришда ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиш тақоза этилади. Акс холда янги ижтимоий ларзалар учун асос юзага келиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ижтимоий тараккиётнинг ҳамма мамлакатлар ва барча тарихий давлар учун ягона йўлини излаб, бирдан-бир мақбул шаклини вужудга келтириш учун ҳаракат қилиш тўғри бўлмайди. Умумий йўналишда ўхшашлик, муштарак жиҳатлар бўлиши мумкин. Аммо ижтимоий ҳаётнинг айрим битта моделини мутлоқлаштириш тўғри бўлмайди. Масалан, техника ва техника прогресси бўйича Фарб давлатлари тажрибасига суюниб фаолият йўналиши белгилаган холда, Марказий Осиё республикалари маънавий-аҳлоқий мўхити даражаси жиҳатидан улардан анча устун туришини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Чунки бу худуд халқлари кўхна ва намунали маънавий маданиятга, юқсан ахлоқка эга бўлганларни туфайли Фарб давлатларига ибрат бўла оладилар. Зоро, бу халқларда шарму ҳаё, орият, иффат, ахлоқ-одоб, одамийлик, ширинсуханлик устувордир.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, собиқ ССРДа рус

большевиклари оқсусылары жиддий назарий хатоларга йўл кўйгани халқни оғир аҳволга солиб кўйди. Ўша даврни чукур илмий таҳлил қилиб, унданги ижобий ва салбий жиҳатларни равишан тасаввур этиш келажакни тўғри белгилаш шартлариданadir. Масалан, муайян шарт-шароитда халқтар, муносабатлар ўзаро дўстона иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар ўрнатишлари мумкинлиги тарихда биринчи марта исботланди. Бироқ пировард мақсад билан унга эришиш воситасини бир-бирига аралаштириш натижасида катта ижтимоий ларзаларга аста-секин замин ҳозирланади.

XXI аср бўсагасида техника прогрессининг бир ёқлама тараққиysi туфайли инсоният ҳалокат ёқасига келиб қолди. Бу жарликса қулаб кетмаслик учун инсоният ақлини, заковатини бунёдкорлик томон буриб юбориш услуб, воситаларини излаб топиш талаб этилмоқда. Бунда инсон маънавий оламини мунаввар этмасдан, унданги ҳайвоний қусурларга барҳам бермасдан туриб бирон-бир инсоний жамият, демократик давлат тузиш, бутун дунёдаги умумбашарий муаммоларни ҳал этиш учун ақлий, иқтисодий, техникавий ва бошқа ресурсларни бирлаштириш амримаҳолдир.

Маркснинг жамиятда мулкчилик муносабатларининг ўзгариши билан ишлаб чиқариш усули ўзгариши тўғрисидаги назарий қоидасини яратганда бу жаёнда инсон омилийнинг ролига етарли баҳо бермади. Умуман марксизмда энг ишланмаган, чукур тадқиқ этилмаган соҳа — инсон қалби, унинг онгининг материя, борликка кўреатадиган таъсири етарли ҳисобга олинмагани, ижтимоий қонунлар соясида инсон шахси қолиб кетишидир. Ана шу хатоликлар яна такрорланмаслиги учун зарур назарий қоидалар ишлаб чиқиши келажакни, тараққиётни тўғри белгизашининг мухим шартидир.

Табиат ва жамият, табиат ва инсон, инсон ва жамият муносабатларида ўзаро үйғунлик, яқинлик бўлишига эришиш ҳозирги замон умумбашарий муаммоларини ҳал этишининг зарур шарти. Демак, жаҳон миқёсида шу соҳада чукур тадқиқотлар ўтказиши, илмий-назарий ва амалий конференциялар, симпозиумлар, илмий ва диний арбобларнинг шу масала атрофида баҳсларини ташкил этиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Дунёдаги давлатлар, уларнинг сиёсий арбоблари ана шу нуфузли йигинлар тавсияларига амал қўйсалар, инсоният олдида турган муаммолар ҳал этилар, келажакда чинакам ҳукукий демократик давлатлар, чин фуқаролик жамиятлари қарор топиб, ўзаро манбаатли ҳамкорликка асосланган байнамилал алоқалар юзага келини мумкин бўларди.

## МАДАНИЯТ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ\*

Маданият ғоят мураккаб, кўп киррали ижтимоий, маънавий, моддий қадриятдир. У тор ва кенг маъноларга эга: тор маънода маънавий маданият тарзида талқин этилади. Бунда кишилар, ҳалқларнинг маданият даражаси, ижтимоий онг шаклларининг қанчалик ривожланганлиги, уларга боғлиқ бўлган маданий-маърифий муассасалар фаолияти, одамлар ва улар уюшмалари ўргасидаги муносабатларнинг инсонийлик хусусиятлари назарда тутилади. Масалан, фалсафий маданият, муомала маданияти, ахлокий маданият, савдо-сотиқ маданияти, овқатланиш маданияти, уй-рўзгор тутиш маданияти, хулқ-одоб маданияти ва ҳоказо.

Кенг маънода эса маданият ҳалқ оммаси яратган, тарихан таркиб тошган моллий ва мажоний бойнишларни ифодасини фалсафий категориядир. Бунда одамзод ижтимоий-иктисодий, маънавий-жисмоний камолоти, табиат ва жамият стихияли кучларига таъсири даражалари ўз ифодасини топади.

Бундай маданият инсоният яратган қадриятларнинг энг қимматлисидир.

Демак, маданият категорияси одамзод тажрибаси, билимлари, техника воситаси билан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни мужассамлаштиради. Бундан моддий ва маънавий маданият мавжуд, деган хулоса чиқади.

Маънавий маданият каби моддий маданият категорияси ҳам жуда мураккаб ва кўп кирралидир. Масалан, ишлаб чиқариш ва техника маданияти, дехкончилик маданияти, меҳнатни ташкил қилиш маданияти, қурилиш маданияти, турмуш маданияти, инженерлик маданияти, пазандалик маданияти, меҳмоннавозлик маданияти ва ҳоказолар моддий маданиятга киради. Ўз навбатида моддий маданиятнинг конкрет шакллари ҳам жуда мураккаб. Мисол учун турмуш маданиятини олиб кўрайлик. У ҳам моддий, ҳам маънавий ҳодисаларни қамраб олади. У уй-жой қурилишидаги кўркамликдан, кийим-кечак, пойафзал, уй жиҳозлари, озодалик, пазандалик, меҳмоннавозлик, оила ва жамият, маиший хизмат, дам олиш ва бошқа шу каби жиҳатларни қамраб олади.

Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, хукуқ, сиёsat, маориф, маърифат ва ҳоказолар йигиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ички маънавий руҳий олами, инсоният жамиятининг муайян ҳолатидир.

\* Бу мавзу матни профессор А.Ортиков билан ҳамкоғликтада ёзилган.

Республикамизда халқаро миқёсда эътироф қилинган чинакам халқчил, умумбашарий аҳамиятга молик маданият қарор топғанлигини айтиш ўринлидир. Маданиятимиз курдатли таъсиригининг манбаълари, биринчидан, хайрли анъаналарнинг тарихий илдизлари чуқурлигига, иккинчидан, ҳаёт ҳақиқатига содиклигига, учинчидан, инсонпарварлиги ва оптимизмидаги, тўртинчидан, халқимизнинг маънавий-ахлоқий камолоти юксаклигидадир. Давлатимиз меҳнат ахлининг маънавий ва моддий маданият бойликларини тўлароқ, чуқурроқ ўзлаштиришга, уларни бадиий ижодкорликка фаол жалб этишга катта аҳамият берәтири. Яна у халқимизни, ёшларни жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари асосида эстетик тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Собиқ СССРда «Маданий инқилоб» тушунчаси орқали ва унинг воситаси-ила жамиятни тақомиллаштириш, яңгинаш вазифаларига боғлиқ ҳолда маданий ҳаёт соҳасида халқ амалга оширадиган туб ижтимоий ўзгаришлар назарда тутилган эди. Бу инқилобнинг асосий мақсади инсонпарварлик маданиятига ўтиш учун қулай шароит яратишдан, жумхуриятлардаги маданий қолоқликска барҳам беришдан, халқ оммасини ёппасига саводхон қилиш, халқ маорифининг янги тизимини яратиш, қисқаси, инсоният жамияти эришган бутун маданиятининг ижтимоий моҳиятини намоён этишдан иборат бўлиши керак эди. Холис айтганда, кўйилган мақсад ўз олижабоблиги, инсонийлиги билан тавсифланарди.

«Маданий инқилоб»ни амалга ошириш жараёнида қисқа муддатда Ўзбекистон аҳолиси ялпі саводхон бўлиб қолди: жаҳон маданияти дурдоналаридан фойдаланиб, илм-фан салоҳияти ривожленган мамлакатлар даражасига етди. Ишлаб чиқариш ҳозирги замон техникаси ва технологияси билан қуролланди. Қишлоқ хўжалигига илм-фан ютуқлари жадал кўлланилди. Техника ва технология, ҳозирги замон информатикаси билан ишлай оладиган кадрлар етишиб чиқди. Ижтимоий, иктиносидий ҳаётда, умуман маданий турмушда илгари мавжуд бўлмаган қулийликлар вужудга келди.

Бироқ, «Маданий инқилоб»да ҳам партиявийлик, синфиийлик тамойилларига амал қилиш миллий маданиятининг ўзига хослигини амалда инкор этишга, унинг овруполаштиришга, дағаллаштиришга, ноинсоний маънавий қиёфанинг шакланишига, олғирлик, юлғичлик психологиясига йўл очиб кўйди. Тошбагирлик, одамлар, бутун-бутун халқлар тақдирига бефарқ қараш, лоқайдлик, андишасизлик, сурбетлик, бокимандалик, ташки безакларга маҳлиё бўлиб ички инсоний хулқ-одоб ҳис-туйғуларидан маҳрум бўлиш, шарм-

ҳаёсизлик, меҳр-оқибатсизлик каби холатлар «маданий инқилоб» туфайли анъанавий (инсоний) турмуш тарзини муайян даражада издан чикаришга олиб келди. Машнавиятдан маҳрум бўлиш ўғирлик, юлгичилик, пораҳурлик, қотиллик, фоҳишалик, имон-эътиқодсизлик авж олиш, учун бир шаройт яратди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Ресpublikasi Президенти И.А.Каримов машнавият биз учун сув билан ҳаводек керак, деб яна куйидагиларга эътнборни қаратмоқда: «Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас».<sup>1</sup>

Машнавий маданият ўз шакли жиҳатидан иккى хил — миллий ва байналминал (интернационал) бўлади. Унинг миллий шакли муайян миллат, элатнинг тарихан таркиб топган маданиятидир. У буларга хос турмуш тарзи руҳий холат, муносабатларни, хуеусиятларини ишникос эттиради.

Ўзбек миллий маданиятида умумбашарий жиҳатлар кўп. Унинг мазмуни инсон ҳаёти, унинг муносабатларининг барча йўналишларида ижодийлик, фаоллик, яратувчи меҳнат килишни ифодалайди. У нигилистик, гайриилемий, зарарли окимларга, маданиятсизлик, шарм-ҳаёсизлик, тошбагирлик, жаҳолат ва хурофотта тубдан ётдир.

Маданият ижтимоий амалиёт жараёнда бутун инсоният яратган ҳамда муайян жамият тараққиётида тарихан эришилган босқични англатадиган моддий ва машнавий қадриятлар йигиндиси сифатида ҳам намоён бўлади.

Маданият тараққиёти муайян объектив қонунларга бўйсунади. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Маданиятнинг вужудга келиши, бир типдан иккинчисига ўтиши, ишлаб чиқариш муносабатлари таснифи (характери), ижтимоий-иктисодий шароитларга ҳам боғлик. 2. Маданият тараққиётида ворислик мухим ўрин эгаллайди. Жамиятда илгари хосил этилган, тўплланган моддий, машнавий бойликларни ўзлаштириш, ижодий ривожлантириш орқали маданият такомиллашиб боради; инкорни инкор қонуни туфайли тараққиётнинг олдинги босқичидаги тажрибаларни танқидий ўзлаштириш оқибатида юксалади. 3. Маданият тараққиյпарвар ёки унга зид, эскирган ёки янги ғоя, мафкура, оким, майллар курашида ҳам намоён бўлади. Унда ҳар доим зиддиятлар пайдо бўлиб, ҳал этиб борилади.

Айрим жамиятшунослар маданиятни моддий негизидан,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992, 73-бет.

ижтимоий-иктисодий ҳаётдан ажратадилар; бу хато. Чунки жамият тараққиётининг муайян боскичидаги моддий негиз ва ижтимоий-иктисодий муносабатлардан ажралган ва улардан юқори турадиган қандайдир алоҳида маданият йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Маданият жамият тараққиёти билан биргаликда муттасил ривожлиб туради. Унинг тип(тур)лари ижтимоий тараққиётнинг муайян боскичларида эришилган моддий бойликлар ҳажми, ижтимоий-иктисодий муносабатлар такомили даражасига асосан мувофик келади.

Ўзбек маданияти ўтмишда яратилган барча моддий, илмий салоҳиятга таяниб, тараққийпарвар, инсоний маданият дурдоналарининг вориси сифатида ривожланиш йўлига ўтди. Зоро, ўзбек ҳалқининг тарихан таркиб топган маданияти жаҳон маданиятининг ўзига хос, юксак боскичларда тараққий қилган шаклларидан биридир.

Бирок, шундай бўлишига қарамай, давлат монополистик мулкчилигига тезрок барҳам бериб, эркин бозор муносабатларига ўтиш вазифалари янги-янги муаммоларни юзага чиқармоқда. Чунончи, иктисодий ривожланиш Farb мамлакатларига кўр-кўёна эргашиб йўлидан, технологик сиғиниш ҳисларини ривожлантириш асосида анъанавий миллый маданиятдан эндиликда бошқа шаклда жудо бўлишга олиб келиб кўйиш хавфи пайдо бўлмоқда. Ўзбекистонда иктисодий ислоҳотлар, техника тараққиёти тарихан эзгу миллый маданиятининг қарор топиши, шу аснода тобора юз-тубан кетаётган ҳозирги замон цивилизациясини ҳалокатдан сақлаб қолишга таъсир ўтказиш йўлидан борса, мақсадга мувофик бўлур эди. Бундай миллый ва инсонпарварликка хизмат қилиш имконини берадиган диний қадриятлардан оқилона фойдаланиш малакасига эга бўлиш ўзбек зиёллари зиммасига алоҳида юксак мастьулият юкламоқда.

Республика ҳукумати кишиларимиз маънавий қобилиятини янада кенгроқ юзага чиқариш ниятида улар ҳаётини маънавий жиҳатдан бой, кўп киррали қилиш учун бирмунча тадбирларни белгиламоқда: маънавий меросимизни, тарихий обидаларни авайлаб, ардоклаб, эъзозлаб ривожлантиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини, бу тадбирлар учун берилаётган маблагларни мамнуният билан қабул қилиб олиб, уларнинг эгаларини рағбатлантирмоқда; чет эллар билан маънавий қадриятлар, жумладан, маданий қадриятларни кенг кўламда, эркин равища алмашиб туришга катта эътибор берилмоқда. Бизнинг ҳалқимизнинг доимий фазилати бўлган, хақиқатни билиш йўлидаги саботни фан, техника,

технология, бошқарув ва информатикада эришилган жаҳон ютуқларини ўзлаштиришга йўналтириш керик бўлади. Факат ана ўшандагина Ўзбекистон ўзининг барча бойликларининг чинакам эгаси ва ҳақиқий маданий давлат бўлиши мумкин.

Халқимизнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, замонавий маданий бойликларни кўпайтириш, халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданиятини ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлиги назарий ва амалий дастурлар таалабларига бутунлай тегишилдир.

Ўзбек миллий маданияти ўзига хос хусусиятларга эга. Булар асосан кўйидагилардан иборат:

1. Тинч-тотув, дўстона, аҳил ижтимоий гурухлардан иборат бўлган жамиятимизнинг маданияти умумхалқ хусусиятига эга. Маданият жамиятимизнинг ижтимоий маданиятга мониторингини ҳарори поклиқ инсоф-диёнатга йўналтиради. У халқчиллик ва байналмилалчилик рухи билан сугорилган. Илгарилари бутун инсониятнинг ақл-идроқи, унинг бутун даҳоси фақат бир нарса: техника ва маданият бойликларини баъзи кишиларгагина бериш, бошқаларни эса энг зарур бўлган маориф ва тараққиётдан маҳрум этиш учун ижод қилинардн. Эндиликда эса техниканинг барча мўъжизалари, маданият соҳасида эришилган ҳамма ютуқлари билимдон инсонлар қўлида бўлади ва инсоният ақл-идроқи ва даҳоси бундан буён хеч қачон зўрлик воситасига айланмайди.

2. Маданиятимиз энг илғор, фоят илмий, изчил дунёкараш — илмий фалсафа билан чамбарчас боғлангани маъкул. Бу дунёкараш ўзбек халқининг ижтимоий тараққиёт қонунларини билиш билан куроллантиради, фан ва маданиятнинг равиқига ижобий таъсир кўрсатади, методологик асос ролини ўйнайди.

3. Бу маданият ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғланган. Ҳаётнинг ўзгариши билан маданият ҳам унга мутаносиб равища ўзгаради; турғунлик ва чекинишдан ўзини сақлайди.

4. Ушбу маданият турли миллат, элат маданиятларининг ўзаро яқинлашувидан, шаклан ҳам, мазмунан ҳам ягона байналмилал, умуминсоний маданиятга айланишидан хосил бўлади.

Цивилизация тушунчasi узок вакт Совет файласуфлари эътиборидан четда турди. Чунки ижтимоий тараққиёт босқичларини, жумладан цивилизация типларини тавсифлаш учун кифоя, деб хисобланди. Натижада цивилизация тушунчasi билан боғлиқ

муаммолар амалда илмий-тадқиқотлардан четда қолиб келди.

Цивилизация тушунчаси ўзининг кўп мазмунлилiği туфайли унга эҳтиёткорона муносабатни юзага чиқарди. Чиндан ҳам бу тушунча маданият тушунчасининг синоними тарзида ҳам, унга қарши турдиган бир йўналиш сифатида ҳам талкин этилади. Масалан, О.Шпенглер дивилизация маданиятнинг кексайиси, юз-тубан кетиши, деб ҳисоблайди. А.Тойнби эса фазо ва вақт билан боғланмайдиган ижтимоий маданий тузилма сифатида конкрет жамиятни тавсифлаш учун цивилизация тушунчасидан фойдаланади.

Марксистлар буржуа ва пролетар маданияти атамалари орқали бир бутун цивилизацияни сунъий равишда икки қарама-қарши лагерга бўлиб юборадилар.

Хозирги пайтда Ер ва космик цивилизациялари, уларнинг бир-бирига яқинлашуви туфайли содир бўлиши назарда тутилган ҳолатлар, ҳалокатлар ҳақида ҳам гап боряпти.

Бундай талқинларда муайян ҳақиқат бор, аммо улар цивилизация тушунчасига бирёқдама ёндашиш натижасидир.

Цивилизация типларини белгилашда ҳам хилма-хилликлар мавжуд. Масалан, Шарқ ва Ғарб маданияти, мусулмон за христиан маданияти, техноген маданият, алоҳида бир ҳалқнинг маданиятини идеаллаштириш туфайли ўша ҳалқ миллий номи билан аталадиган маданият ва бошқа тушунчалар орқали цивилизация яхлит фалсафий категориялик хусусиятидан маҳрум бўлиб қолади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотиинг пайдо бўлиши, шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасида тафовутларнинг пайдо бўлиши, пул-товар муносабатлари такомиллашиши натижасида яхлит жаҳон бозориниинг вужудга келиши ва бошқалар ҳалқлар турмуш тарзини жиддий равища ўзгартиришга олиб келади. Бу ҳолат оила, никоҳ муносабатлари ўртасида шаклланиб келган анъанавий турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатди. Давлат қурилиши тизими, ҳуқукий, сиёсий институтлар, мулкий муносабатлар, миллатлараро алоказаларда янги бир босқични юзага келтирди. Натижада цивилизация тушунчасининг ўзига ҳам, уининг мазмуни ва моҳиятига ҳам турлича ёндашувлар содир бўлмоқда.

Маданият билан цивилизация ўртасида умумийлик, яъни бирлик, муштараклик бор. Улар орасида яна тафовутлар (фарқ)лар ҳам мавжуд. Умумийлик шундаки, иккиси ҳам тарихий тараққиёт жараённида ҳалқ оммаси яраттган, тарихан таркиб топган, моддий ва маънавий бойликлар, қадриятлар йиғиндиси негизида ривожланади.

Маданият билан цивилизация орасидаги тафовут шундаки,

цивилизация инсон билан инсоният жамиятининг маданий ўзгартирувчилик, моддий ва маънавий маданиятни яратувчилик фаолиятининг бир босқичи, даражасидир.

«Цивилизация» лотинча «Цивис» сўзидан олинган бўлиб, гражданлик маъносини англатади. Ёки аҳолининг тарбияланганлилар, сайкал топганлик маънолари хам бор.

Одамзод томонидан тарихан табиат ва жамиятни ўзига монанд тарзда қайта куриш, такомиллаштириш, унга сайкал бериш, парваришилаш хамда шунга имкон берадиган меҳнат куроллари яратиш; шу жараёнда одамзод ўз табиати ва моҳиятини хам ўзгартириб бориши, билими, малакасини ошириш; ўзи яшаётган масканд қарор топган маданият бойликларидан баҳраманд бўлиб, унга асосланиб яшашга ўрганиш; мавжуд ижтимоий борлик, ундаги муносабатларнинг (инсонийлик даражаси ва бошқалар) цивилизация тушунчаси билан ифодаланади. Цивилизация ижтимоий-маданий биримма сифатида тарбияланади. Ижтимоий борлигини хам англатади. Шу ижтимоий борлик ва ижтимоий онг доирасида одам ўз танаси ва руҳий оламини парваришилаш, инсонийлаштириш учун курашиш жараёнида цивилизацияни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Агар кеңг маънода олсак, цивилизация халқ ва халқлар ижодий фаолияти, муайян соҳалардаги муваффакияти, ўзига хос турмуш тарзининг намоён бўлиши хамdir. Цивилизация тушунчаси тарихан турли маъноларни англатиб келган. Ҳозирги замонда кўпинча техника, технология муваффакиятлари мажмуаси ва у билан боғлиқ ҳолда юзага келган кулайлик (комфорт) цивилизация деб тушунилади. Шу тариқа цивилизация тушунчаси ўзининг ички, инсоний мазмунидан маҳрум бўлиб қолади.

Цивилизацияни туркумлашда хилма-хилликлар кўп. Чунончи, ижтимоий, синфий, этник, диний, даврий тамойиллар асосида туркумлашлар мавжуд. Одамзод фаолиятининг аниқ бир (конкрет) жараёнига нисбатан хам цивилизацияга ёндашувлар бор, Масалан, ҳозирги замон цивилизацияси ёзув пайдо бўлган давридан бошлаб белгиланади. Ёки техникани қўллаш билан боғлиқ фаолият асосида цивилизацияга ёндашилади.

Цивилизация тушунчасини ижтимоий-иктисодий формация ёки тарихий давр тушунчалари билан айнанлаштириш ёки уларга қарама-қарши кўйиш ярамайди. Формациялар тўғрисидаги марксча таълимот тарихий жараёnlарни бир қолига солиб, жамият тараққиётига, маданиятга илмий ёндашувни чеклаб кўйди. Тарихий давр эса инсоният жамияти тараққиётининг муайян босқичини, ишлаб чиқариш усулини, ижтимоий прогресс даражасини англатади.

Цивилизация эса ҳар қандай формацияга, тарихий даврга қараганда кенгроқ түшүнчә бўлиб, унда умуминсоний, умумбашарий жиҳатлар етакчидир.

Хозирги замон цивилизацияси қудратли ижтимоий ишлаб чиқариш, тарақкӣ этган ижтимоий муносабатлар, замонавий транспорт ва коммуникация воситаларига таянган кенг халқаро салмоқли алоқалар, моддий ва маънавий бойликлар, хукукий давлат, хўжалик ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг такомиллашган услублари асосида шиклланди. Илмий-техника инклиби билан боғланиб кетган ҳозирги замон цивилизацияси ҳаёт кечириш кулайликларини яратиш маъносида улкан муваффақиятларга эришиди. Аммо шу билан бирга у ҳаддан зиёд фалокатларни ҳам келтириб чиқарди. Бу цивилизация олдида, биринчидан, энергетик, иккинчидан, хомаше, уччинчидан, озиқ-овқат ва чучук сув, тўртингидан, экология, бешинчидан, демографик, олтинчидан, термоядро уруши ҳавфи, етгингидан, иссиқлик ҳалокати, саккизинчидан, рак ва СПИД муаммолари турибди. Булар жуда оғир, ғоят мураккаб, ўта ҳавфли муаммолар бўлиб, уларни ҳал этишини ҳар қандай пайсалга солиш инсоният бошига янги катта кулфатлар келтириши мумкин.

Маданият одам ва одамзод фаолияти билан узвий равишда боғлиқ эканлиги юкорида айтилган фикрлардан маълум бўлди. Одамзод жамият бўлиб яшашга ўтгач, у инсон (жамиятлашган индивид) фаолиятининг субъектив — хусусий томонларини тартибга солишининг зарур омили бўлиб қолди. Маданият инсон фаолиятининг моддийлашган ва маънавий тус олган билимлари, тажрибаларини тўплаш, уларни авлоддан-авлодга узатиш каби ниҳоятда муҳим ижтимоий вазифани бажаради. Шу маънода маданиятсиз жамият йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Масалан, ижтимоий-сиёсий гоялар, нутқтай назар (концепция)лар, таълимотларсиз ҳозирги жамиятларни маромли бошқариш, ривожлантириш, такомиллаштириш мумкин эмас. Кашифиёт, ихтирочиликсиз, ижодкорликсиз ҳозирги илмий-техника ва технологик тараққиётга эришишнинг иложи йўқ.

Ақл-идрөк қудрати туфайли юзага келадиган ҳамма соҳалардаги билим, тажриба, кашифиёт инсон камолотига ва жамият тараққиёти, ундаги барча муносабатлар инсоний тус олишига хизмат қилиши керак эди. Аммо баъзан инсон фаолиятининг натижалари унинг ўзига карши турибди. Чуноичи, пичоқ ошпаз кўлида таом тайёрлаш воситаси, маънавий тубан одам ихтиёрида у қотиллик воситасига

айланади. Захар беморни даволаши ёки одамни ўлдиришга хизмат қилиши мүмкін. Атом парчаланишининг ихтиро қилиниши натижасида техника ва технологияда, ишлаб чиқариш ва жамиятни бошқаришда мисли кўрилмаган янги имкониятлар вужудга келди. Айни чоғда олимлар ихтироси бўлган атом энергияси сиёсатчилар ва ҳарбийлар ихтиёрига ўтиб кетгач, одамзоднинг ўзини тур сифатида сакланиб қолиш хавфи тұғдирди. Ёки кўмир, нефть ресурслари тугаб бораётгандык натижасида пайдо бўлаётган тақчилликни атом электростанциялари маълум дараҷада бартараф этилти. Аммо масъулиятсиз конструкторлар, инженерларнинг фаолияти оқибатида бу станциялар, атом кўрилмалари катта хавфни келтириб чиқармоқда.

Хозирги замон ИТИга таянган цивилизацияни маданий ҳаётга қарама-қарши қўйишнинг заминида юқоридаги каби амалиётлар ётибдики, уни эътибордан соқит қилиш асло мүмкін эмас. Цивилизация сўзининг лугавий маъносига нисбат бериб, унга муносабат бешидаган маъкул бўлса керак. Яъни грахданлик ёки тарбия кўрганлик, маданиятилилк маъносига цивилизация маданиятта, инсониятнинг маданий тараққиётига асло қарама-қарши турмайди, аксинча, унинг тарқибий қисми сифатида катта ижтимоий аҳамиятга молик бўлади. ИТИ ёрдамида ва у туфайли инсоният маданий тараққиётнинг янги энг юқори босқичига кўтарилиш имконияти бор. Агар маданият умуман нарсани парваришиш, унга сайқал бериш маъносига одамнинг ўзини-ўзи ва жамият орқали тарбиялаб боришини ҳам назарда тутса, цивилизация инсон руҳий оламини, маънавий-ахлоқий киёфасини тарбиялашдаи иборат функцияни бажаргани маъкул, деб ўйлаймиз. Агар ИТИ хозиргидек маънавиятдан ажралган ҳолдә давом этса, чиндан ҳам цивилизация барҳам топиб кетади. Агар ИТИни инсон қалбини мунаvvар этиш, барча одамда (ўгри, пораҳур, котил, фоҳишада ҳам) потенциал равищда мавжуд бўлган эзгуликка интилиш руҳидан фойдаланиб, бу руҳни инсонийлаштириш учун зарур бўлган барча моддий ва маънавий салоҳиётдан фойдаланилса, шу асосда жамиятдаги ҳамма муносабатлар оқилона изга солиб юборилса, унда одамзод ўз тарихининг янги, улуғ босқичига қадам қўйиши шубҳасиз. Демак, инсон қалби, руҳини поклаш орқали ҳар бир жамиятда маънавий-ахлоқий мухитни согломлаштириш инсоният бошида пайдо бўлган ва тобора қуюқлашиб бораётган «қора булутлар»ни ҳайдаб юборишига имкон беради. ИТИ туфайли пайдо бўлган катта имконият инсоният ақл-заковати, бутун фаолияти цивилизацияни қарор топтиришга хизмат қилиши учун маънавий-ахлоқий тарбияга биринчи дараҷали аҳамият берилиши даркор. Бу мақсаддага эришиш учун илм, маданият,

маърифат ахли билан дин ахли кучларини бирлаштириш фавкулодда аҳамиятга эга бўлади. Ўз тақдирини ўзи белгилаш, ижтимоий танловда адашмаслиги унинг ҳар томонлама комил инсон сифатларини намоён эта олишида цивилизациянинг роли бенихоядир. Инсон ўз-ўзини англашида, миллий мақсадларини тўғри белгилаб олишида цивилизация ёрдамга қелади.

Билим ва тадбиркорлик ҳар бир одамга нечоғлик зарур бўлса, цивилизация туғдирган имкониятлардан фойдаланиб, инсоний фазилатларга эга бўлиш ҳам шу даражада зарур. Ана шу иккиси бирлашса, одамзод маънавий бой, ахлоқий пок бўлишнинг равон йўлига кириб олади. Мъянавият йўлига кириб, ҳаётини унга бағишилаган одам албатта имонли бўлади. Имонли одам эса сўзи билам иши бир, ҳалқ, Ватан ишқида фидойи, мард, олижаноб, инсоғдиёнатли бўлади. Маънавий бойлик ташки гўзаллик билаи уйғунлашиб, одам ўзи улуғ ва мўътабар зот эканини ҳамма ҳатти-ҳаракатлари, фаолиятида намоён этиб туради. Бундай кишилардан эл-юргози бўлган, ҳалқ ота-онангта, тарбия берган мураббийларингга раҳмат, дейди. Ёшлиар ана шундай комил инсонлар бўлиш имкониятига эга. Фақат бу имкониятни воқеликка айлантириш учун ички бир қудратга эга бўлиш лозим. Бу қудрат ўзбек миллий маданиятида ҳам жуда яхши намоён бўлади.

Агар Farb маданияти одамга керагидан ортиқ эрк бериб, жамият, оила олдидаги бурчини унинг соясида қолдирса, щарқ, жумладан ўзбек маданияти инсонларнинг жамият, оила, фарзандлар олдидаги катта бурчини англиши доирасида эрк беради. Мана шу маданият сарчашмаларидан баҳраманд бўлган инсонларда ҳалоллик, камтаринлик, ростгўйлик, саховатпешалик, инсонларварлик, самимият, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик кўпроқ, ёрқинрок гавдапанади. Бундай одамлар ўз она тили бойликларини мукаммал эгалаган, айни чоғда яна 3—4 хорижий тилларни ҳам билган, ўзга миллат, элатлар маданияти, урф-одатини хурмат қила оладиган улуғ шахслардир сифатида намоён бўладилар.

Маданияти инсон, айниқса бўлғуси мутахассис бошқалар билан мулоқотда ғоят хушмумала, ширинсухан, гапга чечан, ташки қиёфасидан нур-зиё ёғилиб турадиган дилкаш бўлиши керак. Бу, ҳозирги цивилизация талабидир. Дилозор, кўпол сўзли, дағал, тўнг, қалондимоғ, мақтанчок одамлардан ҳамма қочади, улардан нафратланади. Чунки бундай одамлар маданиятсиз, ахлоқсизdir.

Жамиятимизда демократияга, фикрлар хилма-хиллигига йўл кўйилаётгани учун маданий савиёси паст баъзи одамлар ҳам мунозара, баҳсларда иштирок этмоқдалар. Натижада улар жамиятдаги

нукул нуқсон, иллатларга жиддий эътиборни қаратиб, миллий мустакиллик туфайли қарор топиб бораётган маънавият қадр-кимматини туширмоқчи бўладилар. Улар камчиликларни очаётганда, танқид килаётгандага одамларнинг иззат-нафсларига тегадилар, муайян дунёкараш асосида шаклланган имон-эътиқодларини таҳқирлайдилар. Конституция белгилаган хукук ва бурчларни назар-писанд қўлмайдилар.

Хар бир зиёли хукукий демократик давлат, гражданлик жамиятини барпо этйшининг олдинги сафида борадиган маънавий олами бой бўлиши учун хозирги замон маданиятининг барча сарчашмаларидан баҳраманд бўлмоғи, чин цивилизациялашган инсон тимсолига айланмоғи даркор.

Фалсафадан ваъз матнлари.  
Т., 1995.— 321—330 б.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИДА ДИН

Марказий Осиё<sup>\*</sup> халқларининг шаклланиши тарихининг мураккаб ва ўзига хос томонлари мавжудdir. Бу ҳолат уларнинг диний тасаввурларига асосланган турмуш тарзларида ҳам ўз аксини топади. Мазкур тарихий жараённинг мазмунини диннинг қадимги шакллари ва унсурлари, шунингдек, зардуштийлик, монихейлик, буддизм, христианлик, яхудийлик ва исломдан ташкил топган динларнинг тарихи ташкил қиласди. Қайд килинган бу динлар Марказий Осиё халқлари тарихида олдинма-кейин ўрин олган.

Бу ҳудуд халқларининг дастлабки манзилгоҳлари тош даврида — эрамизгача 1 млн. — 500 мингинчи йилларда вужудга кела бошлаган. Куйи палеолит давридаёк (эрмизгача бўлган 10 минг йиллар) ўйиб тасвириланган расмлардан, ҳайкалтарошлик намуналаридан бу ерларда (Тешиктош, Шеробод ва бошқа ерлар) маънавий маданият шаклланганигини билиш мумкин. Бу бадиий асарлар воқеликнинг инсон томонидан ҳакикий ва ҳаёлий ўзлаштирилишини ўзида ифода этиши билан бирга диний қарашлар ҳам вужудга кела бошлаганигидан дарак беради. Кейинчалик, неолит даврида «муқаддас» ҳайвонларга, она-худога бағишиланган ҳайкаллар, тоат-ибодатлар, диний маросимлар билан боғлиқ буюмлар пайдо бўла бошлайди.

\*Хозирги даврда «Марказий Осиё» тушунчасида 5 та мустакил республика — Қозогистон, Ўзбекистон, Туркменистан, Кирғизистон ва Тоҷикистон жумҳуриятларин назарда тутилади.

Синкетизм<sup>\*</sup> фақатгина инсон томонидан воқеликнинг ҳақиқий ва хаёлий тарзда ўзлаштирилганлигини мураккаб кўринишда ўзаро уйғунлашганлигини, бирикканлигини ифода этади. Шуингдек, синкетизм қадимги одамларнинг тафаккурини ҳам узлуклилик ва узлуксизлик табиатини, уни аниқ буюм ва нарсалар орқали ифода этишинини ҳам билдиради. Ушбу нуқтаи назардан ёндашилганда фетицизм — айрим нарса ва буюмларда гайритабиий хислатлар, сифатлар бор деб билиш, диний тасаввурларнинг энг қадимги шакли бўлиши мумкин деган фикрга борамиз. Ҳар қандай нарса ва буюмлар—тошлар, ёғочлар, дараҳтлар хоҳ табиий бўлсин, хоҳ инсон меҳнати орқали яратилган бўлсин, фетиши сифатида кўриниши мумкин. Кўзмунчоклар, туморлар ва бошқа шу кабиларни тақиб юриш одатлари деярли Марказий Осиё ҳалқларининг ҳаммасида ҳозиргача ҳам учраб туради. Бироқ, шуни ҳам назарда тутиш керакки, айрим ҳолларда туморлар, кўзмунчоклар, муқаддас ёзувлар диний мазмун билан бир қаторда эстетик жиҳатдан ҳам муайян вазифаларни бажарган. Улар маҳаллий ҳалқларнинг айрим тарихий-маданий анъаналарини ҳам ифода этади. Аниматизм диний тасаввурларнинг ўзгариб бориши ва ривожланиши нуқтаи назаридан фетицизмга нисбатан юқори босқичдир. Ҳозирга қадар бизнинг сўз бойликларимизда аниматизмга хос бўлган қараашлар билан боғлиқ бўлган сўз бирималари учрайди. Бунга «ёғигир келяпти», «куёш чиқяпти» кабилар мисол бўлади.

Шундан сўнг нарса ва бутун мавжудотларни «иккилантириш», яъни уларнинг инсон кўзига кўринмайдиган «жони», «рухи» мавжудлиги ҳакида дуалистик тасаввурлар шаклана борди. Бундай қараашларни инглиз тарихчиси — эшуноси Э. Тайлор анимизм табиатдаги нарса ва ҳодисаларни бошқариб борадиган жон ва рухларнинг ҳақиқий мавжудлигига ишонч деб атайди. Инсон вафотидан сўнг унинг руҳи яшаши ҳақидаги қарааш ҳам анимистик қараашдир. Шарқ ҳалқларининг қадимги диний қараашларида самовий жисмларга, ҳодисаларга итоат қилишлар ҳам кенг ўрин олган. Бу борада юздузлар ҳаракатига кенг ўрин берилган. Марказий Осиё ҳалқларининг осмон худоси бўлган «Тангри»га ишониши, самовий жисм ва ҳодисаларнинг муқаддаслаштиришлар билан боғлиқ қадимги бирқанча диний тасаввурларнинг ўзаро уйғунлашувининг натижасидир. Кўпгина туркий ҳалқларда Тангри жудо сифатида осмонга, ерга, ойга нисбатан ҳам қўлланилган. Бу эса осмон, ер, сув, тоғ худоларини ҳали бир-биридан ажратилмаганлигидан далолат

\* Синкетизм — юнон тилидан олинган сўз бўлиб, бирор нарса, ҳодисанинг даслабки, бир-биридан акралмаган, қориши ҳолатини англатади.

беради. Шарқ халқлари орасида аждодларга, уларнинг руҳларига сининишлар, улардан мададигър кутишлар, ер, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган чашма ва булокларни муқаддаслаштиришлар, улар билан боғлиқ қурбонликлар килиш учраб туради. Тоғ баландликлари, довоңдари, сўқмоқлари билан боғлиқ руҳлар энг кучли ва қудратли руҳлар ҳисобланган. Улар шарафига тош уюмлари, муқаддас тепаликлар, сунъий тўсиқлар, айрим ҳолларда эса ҳом гиштлардан курилган гумбаз, том билан ёпилган маҳсус иншоотлар барпо қилинган. Улар атрофига тоғ эчкиси ва қўйларнинг ўшлари териб қўйилган, узун таёкларга бир тутам жунлар, латталар, пахталар ва ёввойи қўтосларнинг думлари осиб қўйилган. Ҳозирда ҳам, бундай муқаддас жойлар, гарчи ҳеч ким дафи қилинмаган бўлса ҳам, мозорлар деб аталади. Булар ислом билан боғлиқ маросимлар, тоатибодатларнинг таркибий қисмига айланниб қолди. Диннинг қадимий шаклларига Она худо (Овахит) билан боғлиқ тасавурлар ҳам киради. ~~Она~~ ~~мухитининг~~ мўй-кўлчиликнинг рамзий ифодаси, оида мухитининг, ёш авлоднинг ҳомийси ҳам ҳисобланган. Узбеклардаги Анбарона, кирғизлардаги Умой энелар шулар жумласига мансубdir.

Марказий Осиё халқларининг ilk қарашлари тарихи тотемистик қарашлар билан ҳам боғлиқдир. Бу қарашлар асосан йиртқичларни муқаддаслаштириш орқали намоён бўлган. Муайян инсонлар гуруҳларий хайвон туридан келиб чиқсан, деб фарз қилиш тотемистик қарашларнинг асосий мазмунидир. Масалан, ит, бўри, кийик ёки буғу, бургутлар туркий халқларнинг бош тотемлари ҳисобланган. Улар муайян уруғларнинг асосчиси ва ҳомийси деб тушунилган. Энеолит даврига келганда эса (эрэмиздан 3—5 минг йил илгари) сопол идишлардаги ўсимликлар, бошқа буюмлар, геометрик шаклларнинг тасвиригина эмас, тоғ эчкиси, қўйлар, аждахоларнинг тасвиirlари ҳам учрайди. Шунга кўра, қадимги одамлар ёввойи ҳайвонларни бу дунёда эмас, балки ўзга дунёда — гайритабиий мавжудотлар, руҳлар дунёсида яшайдилар ва одамлар билан худолар орасидаги боғланишларда воситашилик вазифасини бажарадилар, деб тушунгандар. Чунончи, туркман халқларининг афсоналарига кўра, бургут одамлар учун эмас, балки эчкilar ва уларнинг болалари учун ёмғирни ёгдиради. Қозоқларда кўзёриши яқинлашган ва янги бўшалган аёлни ёвуз руҳ ҳисобланган «алвасти»дан асрарда бургутдан фойдаланиш ҳақидаги тасавурлар сақланиб колган. Ўзбек ва тожик халқларининг миллий бош кийими — дўпиларда күшларнинг, жумладан, мусичанинг тасвири учрайди. Деярли ҳамма ерда болаларга кўз тегишидан, бало-қазолардан саклаш мақсадида уккининг пати ва панжаларидан фойдаланилган. Бу холат

чөрвадорларда ҳам учрайди. Дунё халқларыда күшларни, айниңса сувда сузадиганларини эъзозлаш, инсон вафотидан сўнг унинг жони, руҳи күш шаклида инсон танасини тарк этади, деган тушунчалар ҳоразмилкларда ва тогли туманларда яшовчи тохикларда ҳам учрайди. Тохикистоннинг узоқ тогли вилоятларидан бирида яшовчи халқлар кабутарларни инсон руҳи деб билиб, уларга озор бермайдилар, истеъмол қилмайдилар, эъзозлайдилар. Марказий Осиё халқлари илк диний қараашларидан тую ва отларни муқаддаслаштирганлар. Бу жараён эрамиздан олдинги даврларда кўчманчалик турмуш тарзи ва у билан боғлиқ хўжалик ишларининг шаклланиши туфайли янада ривожланган. Эрамизнинг III—IV асрларидан бошлаб 300 йилдан кўпроқ давр мобайнида қадимги Бухорда зарб этилган тангаларда, турли-туман кўринишларда бўлса ҳам, түяning тасвиirlари чоп этилган.

Фетишизм, анимизм ва бошқа дастлабки диний қараашлар қадимги халқларнинг уруғчилик тузуми емирилиши жараённида ўзгариб боради. Овчилик билан боғлиқ сехгарлик, афсунгарлик ва тотемистик хислатларга эга бўлган қараашлар ва ҳаракатлар, кейинчалик руҳлар ёки шайтонлар ҳақидаги тасаввурларга, ҳамма нарса ва ходисаларни, шунингдек одамларни иккилантиришга, яъни бир-бирига нисбатан мустакил моддий ва руҳий томонлари бор деган қараашларни вўжудга келтирди. Шайтонлар ҳақидаги қараашларнинг вўжудга келиши, дин тарихидаги мұхим ҳисобланган босқич, кўпхудоликнинг (политеизм) мавжудлиги билан ўзаро туташиб кетади. Марказий Осиё халқларининг парилар, жин ва шайтонлар, девлар, алвастилар ҳақидаги тасаввурлари озми-кўпми бир-бирларига анча ўхшашиб. Бу гайритабиий мавжудотлар ўзларининг хислатлари, одамларга бўлган муносабатларига кўра, шартли тарзда уч гурухга бўлинадилар: биринчى гурухга одамларга ҳомийлик қилувчи, айни вактда уларга заарар ва хасталик ҳам келтирувчилар кирадилар. Уларга заарар-захматдан кутулиш ва раҳм-шафқатга эга бўлиш учун, курбонлик орқали холос бўлиши мумкин бўлган руҳлар мансубдирлар. Буларга мозорларда яшайдиган арвоҳлар, руҳлар, ўт-ўчоклар билан боғлиқ диний тасаввурлар ва маросимлар мисол бўла олади. Иккинчи гурухга, инсонларга зиён келтирувчи алвасти, ажина, дев, аламон, сарқиз, олмоз кабилардан иборат бўлган руҳий мавжудотлар киради. Учинчи гурухга эса ийсон билан ўзига хос тарзда муносабатда бўла олади, деб тушуниладиган парилар киради. Ҳозирда ҳам баъзи туманларда буларга бағишиланган маҳсус маросимлар ўтказилади. Чунончи, жониворлар сўйилади, ҳолвайтар, қатлама ва ҳоказолар тайёрланади. Ана шу даврлардан бошлаб

сехргарлик вужудга кела бошлади. Бунинг асосий белгиси айрим сехргарлар инсонлар билан рухлар ўртасидаги муносабатларда воситачилик вазифасини бажара оладиган хислатларга эга, деб ишонишdir. Махсус кийим кийган, чилдирма ушлаган ва бошка турли нарсалар тақкан сехргарларнинг халқ ўртасида рақс тушиб, жазавага кириши, рухлар билаи «алоқа боғлаши» ва улардан маълум йўл-йўриқ олиши сехргарликнинг асосий маросими хисобланган. Сехргарлар асосан руҳий ва асаб касалликлари билан оғриган кишиларни даволашган, каромат килиш билан шугулланишган. Каромат килишни ва сехргарларнинг айрим вазифаларини яна бир алоҳида тоифадаги кишилар — «дуохонлар» ҳам бажара олишган. Сехргарлик бир қанча диний тартиб ва усусларни ўзига хос равища «пайвандлаган».

Касалликларни сехргарлик усули билан даволашга уринишлар ханузгача Марказий Осиё халқлари орасида учрайдиган ибтидоий турмуш тарзининг энг турғун бўлгадидир.

---

Диний тасаввурларнинг дастлақи шакллари диний ишончлар, тоат-ибодатлар, афсунгарлик, сехргарлик, жодугарлик, ўзларининг мақсадларига, йўналишларига кўра, яхши ва ёмон кабиларга ажратилган ва кишиларни ё овчилик, ё алоҳида маълака, билимни талаб қиласиган бошқа хунар билан, ё даволашлар, ёки ихлос (иссиксовук қилишлар) билан боғлиқ бўлган турларга бўлинган. Сехргарликнинг асосини хавф-хатардан саклашга қаратилган махсус ҳаракатлар (дуо ўқишлиар, ҳар хил ирим-сирим билан боғлиқ ишлар) ташкил қиласи.

Кишилик жамиятининг ўлк босқичларида тоат-ибодатлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётда уруғнинг ҳамма аъзолари бир хил катнашганлар, чунки бу даврлarda уруғдошлар, қабиладошлар орасида ижтимоий тенглик ҳукм сурган. Кейинчалик уруғчилик-қабилачилик тўзумининг ёмирилиш даврида, масъул кишилар учун махсус жойлар, руҳонийликни касб-хунар қилиб олган кишилар тоифаси (коҳинлар, сехргарлар ва бошқалар) вужудга келади.

Диний тасаввурларнинг ilk шакллари Марказий Осиё халқларининг кейинги диний қарашларининг таркибий қисмларида тарихий шароитлар таъсирида ўзгарган ҳолда сакланган: уларнинг санъати, маданияти ва турмушига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

Зардустийлик — Мовароуннахрда илгариги диний қарашлар ва кўп худочиликка асосланган эътиқодларни пайғамбар Зардуст (баъзи манбаларда Зардўст) томонидан ислоҳ қилиниши оқибатида юзага

келгандир.\*

Яхудийлик (Иудаизм) Милодий йил хисобининг биринчи асрларидан бошлаб, Марказий Осиё шаҳарлари Самарқанд, Бухорода ўзларининг миллий динлари бўлган иудаизмга эътиқод килувчи яхудийлар пайдо бўла бошладилар. Иудаизм миллий дин сифатида милоддан олдинги исккинчи минг йилларнинг охирларида вужудга келган. Қадимги яхудийлар ва Арабистон ярим оролида яшаган қадимги арабларнинг диний қарашлари, шунингдек, шумерликлар, бобилликлар, финикияликлар, мисрликлар ва олдосиёлик бошка ҳалқларнинг асотирлари, ривоятлари иудаизмнинг диний пойдеворлари бўлиб хизмат қилган.

Иудаизмнинг асосий акидалари орасидаги энг муҳимлари: монотеизм—ягона худо бўлмиш Яхвега эътиқод; ҳалоскорлик — худо томонидан юбориладиган ҳалоскорга ишонч, бу ҳалоскор дунёни кайта қуради ва бутун яхудийларни Фаластиндан Синион (Куддус яқинидаги тепалик) атрофига тўплаши ва уларнинг душманларини жазоласи, шунингдек нариги дунёга ишонч, охиратда ҳар кимнинг ўз қилмишига яраша ажрини топиши, жаниат ва дўзахларнинг мавжудлигига, дунёнинг охири борлигига, мұқаддас китобларнинг бенуқсонлиги кабиларга ишончdir.

Илоҳиётчilar фикрига биноан, Библия нинг биринчи беш китobi бўлмиш Таврот (айнан таржимаси Қонун, Мусонинг беш китobi) яхудийларга етказиш учун Мусо пайғамбарга худо Яхвенинг шахсан ўзи Синион тепалигига берган эмиш. Библияning бошка қисмлари эса (Қадимги аҳдга таалкуқлиси) худонинг бевосита панд-насиҳатлари таъсири натижасида яхудийларнинг бошка турли пайғамбарлари томонидан ёзилган эмиш. Бирок, ҳамма динларнинг мұқаддас китоблари каби Библия хам инсоният томонидан яратилгандир. Одатда иудаизм шартли равища икки даврга: қадимий давр — милоднинг II асригача бўлган бу даврда Библияning қадимий аҳд қисми юзага келган ва XIX асрнинг давом этган. Ўрта аср (Раввин — талмуд, аньянавий) даврларига бўлинади. Ана шу даврларда диаспорларда (юн. тарқоқ, фаластиндан ташқаридаги яхудий колонияларининг номи) Тавротни талқин ва қайта талқин этиш натижасида иудаизмнинг янги бир мұқаддас китоби Талмуд (қадимги яхудий тилида ўрганиш) шаклланган, унда иудаизмнинг акида ва маросимлари батафсил ёритилган. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида иудаизмда янги босқич — ислоҳ қилинган

\* «Зардуштийлак ҳакида ҳакикат» маколоси (Ушбу тўпламнинг 17-30-бетларига) каранг.

Библия (юн. – китоблар) Иудаизм ва христианликнинг мұқаддас ёзувлар тўплами бўлмиш бу китоб ўн беш аср мобайнида (милоддан аввалигى XIII аср ва милоднинг II асрлари) вужудга келган.

иудаизм вужудга келади. Бу даврларда янги шароитга мослашиш мақсадида ақыдаларни жишаш ва Талмудда бөлгиланган бирқатор маълум йўл-йўриклиардан, ибодатлардан воз кечишилар рўй берди.

Хозирги замон иудаизмидан ислоҳ қилинган иудаизм билан бир қаторда ортодоксал иудаизм ҳам мавжуддир. Ортодоксал иудаизм Исломда алоҳида мавқега эга бўлиб, расмий давлат дўни хисобланади. Бунга XX асрда вужудга келган консерватив йўналишдаги иудаизм унинг мафкурачилари иудаизм ва сионизм иттифоқининг тарафдорлариридир, шунингдек, бизнинг асримизнинг 20—30-йилларида Фарбда реконструкционалм деб ном олган, гўёки шахсий миллий мансублигини бслгилайдиган иудаизм «яхудийлар революциясидир» деб эълон қилган янги йўналишлар ҳам киради.

Марказий Осиёда яшаётган яхудий диндорлари орасида асосан ортодоксал шаклдаги иудаизм мавжуд ва улар шартли равища этник кўринишлар таркибига мувофиқ тўрт хил: европалик, бухоро, грузин, тоғли синагогалари бўлинани.

Бу жойлардаги яхудийларнинг асосий кисми, (кейинчалик улар Бухоро яхудийлари номини олган), чамаси, сосонийлар даврида Марв ва Эрон орқали қириб келган бўлсалар керак. Бунга уларнинг қадимги Форс лаҳжаларйнинг тоҷик шевасидан бири, шунингдек айrim эроний одатлари ва хозирги кунгача сақланиб қолган ҳалклар маданиятининг биргина обидаси—яхудийларнинг лугати 1327 йил Урганчда ёзил тутатилгани бундан далолат беради. Бухоро яхудийлари ўзларининг этник одатларини ҳаммадан кўпроқ аниқ сақлаб қолган яхудийлардир. Буларга Библия иудаизмнинг асослари оиласвий-маиший тартибдаги патриархал одатлари бўлмиш «халиço»—«тўрт тирсак», «Кетуба», «қадиши»—үн кишидан кам бўлмаган диндошлар иштирокида вафот этган ота-онага бағищланган хотира ибодатларий киради. Эҳтимол, кўп асрлар мобайнида улар йўқотган асосий нарса, фақатгина диний ибодатларда сақланиб қолган ва жуда оз, тор доирадаги кишилар биладиган, қадимги яхудий тили бўлса керак. Доғистон, Шимолий Қавказда яшовчи «тоғлик яхудийлар» Эрон лаҳжалари шевасидан бири бўлган тат тилида сўзлашганликлари учун ҳам эроний тилида сўзлашувчи ҳалк хисобланадилар. Чамаси, улар V—VI асрларда Дербентга Эрондан кўчиб кетган бўлиб, аввал зардуштийликни, кейин эса (VIII асрлардан бошлаб) икки асрлик, Ҳазар көгонларининг ҳукмронлик даврида иудаизм таъсирига ўтганлар. Иудаизмда марказий диний ташкилот йўқ. Москвадаги хорал синагоги ва ешибатда (ўкув юрги) руҳоний ходимлар: раввинлар, канторлар ва бошкалар тайёрлананди.

Марказий Осиё ҳалқларининг қадимги тарихи ва маданиятида

буддизм муайян ўрин эгаллайди. Зардустгийлик дини таъсирида ва у билан ёнма-ён шаклланган динлардан бири бўлган буддизм милоддан аввалги VI—V асрларда Хиндистоннинг шимолида вужудга келган бўлиб, кейинчалик Жануби-Шарқий ва Марказий Осиё ҳамда Узок Шарқ мамлакатларида кенг тарқалди. Унинг вужудга келиши хинд жамоаларида рўй берган мухим ўзгаришлар — ургу-қабилачилик алоқалари ва тартибларининг емирилиши, йирик давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. III асрга келиб дунёвий жамият (император Ашона)нинг фаол қўллаб-куватлаши натижасида мулк даражасида ягона бўлган будда тацкилоти (монахлик жамоаси—сингха) ва диний ақидачилик шаклланган. Буддизмнинг таълим берилича, ҳар қандай борлик, материя (модиунлик) барча кўриниш ва шакллардаги ҳар қандай хаёт барча мавжудотларга азоб берувчи ёмонлиқдир. Ёмонлик ва азоб-укубатларнинг сабаби — инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга қайта туғилиши дунёси (сансара)га боғланганлиги, кўнгил кўйганлигидир. Ҳар қандай инсоний туйфу, хиссият, эҳтирос ва истак азоб-укубатни чуқурлаштиради. «Борлик гирдоби»дан чиқиб олиш учун гафлатдан уйгониш, дунё мохиятини англаш, ҳаётга чанқоқлиқдан, кўнгилхушликларга, лаззатларга, ҳокимиятга, бойликка интилишлардан воз кечиш лозим. Фақат шундагина «нажот топиш йўли»га кириш мумкин. Илк буддизмда бундай нажотга фақат зоҳид ёки монахгица умид қилиши мумкин эди. Бошқалар эса яхшироқ қайта туғилишини умид қилиши, бунинг учун эса у монахларга мўл-кўл хайр-садақа бериши ҳамда 5 ахлоқий талаб (ланчашила)га амал қилиши керак. Бу ахлоқий талабга кўра, ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёғон гапиришдан, ўғирлик қилишдан, ҳисстийгуларга ортиқча берилишдан, ичкилиқдан ўзини тийиши лозим эди. Буддизм ичидаги кўплаб секта ва йўналишларнинг қураши доимо бўлиб келган. Хинаяна буддизмнинг энг қадимги шаклларидан бири хисобланади. Ундан кейинроқ, асосан Хиндистонда ташқарида тарқалган шакли маҳаянадир.

Буддизмнинг Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда тарқалиши милоддан аввалги II асрларда бу ерлардаги қабилаларнинг авлодлари томонидан тутагитилган грек-бактрия подшоҳлигининг ўрнида қарор топган Кушон империясининг ривожланган даврига тўғри келади.

Кушон империяси ўзининг энг гуллаган даврида (милоднинг I—III асрода) ҳозирги Марказий Осиёнинг бир қисмини, Афғонистон, Покистон, Шимолий Хиндистон, эҳтимол Уйғуристонни ҳам ўз ичига олган. Кушон подшоҳлиги даврида буддизм Хиндистондан Марказий Осиёга, ундан эса Буюк Ипак йўли орқали Хитой ва Узок Шарқка

тарқалган. Кейинги ўн йилликлар мобайнида олиб борилган археологик изланишларнинг натижалари ва тарихий маълумотларни умумлаштирган ҳолда таҳмин килиш мумкинки, исломгача бўлган даврда буддизм Марказий Осиёда ғоявий турмушнинг муҳим таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Буддизм фақаттинг маҳсус ибодатхоналаргагина эмас, шунингдек подшо саройларидан бошлаб, оддий камбағал дёхкон ва хунармандларнинг кулбасигача кириб борган динидир. Буддизмни қабул қилган Марказий Осиё халклари диний ибодатлар учун ҳар хил маҳсус иншоотлар курдирганлар.

Буддизм билан боғлиқ обидалар, ибодатхоналар, ҳайкаллар, деворларга солингган расмлар Марказий Осиёда топилган қадимги тарихий обидалар орасида муҳим ўрин эгаллади. Бүддизм билан боғлиқ иморатлар, куришилар ҳозирда ҳам Шимолий Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг жанубий туманларида, Тоҷикистонда ва Қозоғистон жанубида маълумдир. Булар орасида энг йирик иншоот эски Термиздаги Қоратепа ~~номли~~ төр ибодатхонасиdir. Бу очиқ сарик рангли катта тепалик бўлиб, унга кумтошли фор бинолар ўйиб солингган ва ер устида бинолар барпо этилган, буларнинг ҳаммаси бир бутун уйғун бўлган будданинг 20—25 ибодатхоналарини ташкил қилиб, Кушон подшоҳлигида буддизм муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Деворларга солингган расмларни, ҳайкалларни, тоат-ибодат буюмларини, тангаларга, совга қилинган сопол идишларга босилган ҳар хил ёзувларни ўрганишлар Қоратепанинг милоднинг I аср охири ва II аср бошларида бунёд қилинганилигидан далолат беради; араблар босқинидаи кейин улар тугатилган ва кейинчалиқ вайронага айланган.

Марказий Осиёда бир неча юз мингдан кўпроқ корейс миллитига мансуб кишилар яшайди. Уларнинг оиласиий-маиший анъаналари, миллий удумларининг айрим таркибий қисмлари маҳаяна (шимолий) кўринишдаги буддизм таъсирида шакллангандир.

**Христианлик.** XI асрнинг охирида христианликнинг Шарқка томон ҳаракати ва тарқалиши оммавий тус олди. Бу динни маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Шарқнинг айрим вилоятларига илгариrok кириб борганлар. 280-йилдаёт Талас (Мерке)да черковлар қурилган бўлиб, Самарқандда (301 йилдан), Марвда (334 йилдан), Ҳиротда (430 йилдан), Хоразмда, Марвда ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик, кафедра, миссиялар, кейинчалик Самарқандда, Марвда (430 йиллар), Ҳиротда (558 йиллар), 6—12 епископлиқдаи иборат диний ҳудудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. Хурросонликлар ва суғдиёналиклар орасида буддистлар,

зардүштийлар, монийлар билан бир қаторда христианлар ҳам бўлишган. Улар қорахитойлар ва сосонийларга қарам ерларда таъкиб қилингандар.

Марказий Осиё худудида исломнинг тарқалиш даврларида ислом билан христианлик ўргасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар кескинлашди. X асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Ҳатто Беруний яшаган даврда ҳам (973—1050) Марвда православ митрополияси бўлган.

Ана шу даврларда христианлик Кавказда ҳам тарқала бошлиди. Арманистон (301 йил) ва Грузияда (318 йили) давлат динига айланди. IV—VIII асрларда Кавказ Албакияси худудида — ҳозирги Озарбойжон ва Жанубий Догистонда ҳукмрон дин ҳисобланган.

Ўша даврдаги кўпдан-кўп ва бир-бирига қарши кураштаётган динлар орасида Шаркнинг ҳукмронлари томанидан энг кўп ҳомийлик кўрсатилган дин христианликнинг шарқий йўналиши бўлмиш несторианлик бўлган. Халиф саройларида несторианлик патриархларига бутун Шарқ христианлигининг ҳомийси сифатида қаралган. Патриархнинг қароргоҳи эса Константинополдан Бағдодга кўчирилган. Несторианлар христианликни Туркистонда, Амургача бўлган Шимолий ва Ғарбий Хитойда тарғибот қилганлар. Несторианликнинг Марказий Осиёдаги таянчи ва исломга қарши курашдаги маркази Самарқанд митрополияси бўлган; 1257 йилдан сўнггина бу митрополия ўз фаолиятини тўхтатган. Христианлик муҳлислири сони жиҳатдан энг кўп тарқалган (1 миллиард 400 миллион) дин бўлиб, у бир канча мустақил черковларга, секталарга, йўналиш ва оқимларга бўлинади: уларнинг ичидаги католицизм, проваславие ва протестантизм каби йирик йўналишлар бор.

Христианлик Фаластин ва Ўрга Ер денгизи яхудийлари ичидаги вужудга келди. Ўнлаб йиллардан кейин эса бошқа, асосан географик жиҳатдан қаралганда, Рим империяси билан боғлиқ ёки унинг сиёсий ва маданий таъсирида бўлган халқлар орасида тарқалди. Янги ва энг янги даврларда у мустамлакачилик сиёсати ва миссионерлик натижасида Европадан ташқарида ҳам тарқалди.

Христианлик вужудга келишининг сабаблари таназзулга учраган Рим қулдорлик жамиятининг ижтимоий ва иктиносий ҳаёт шароитлари, қулдорлик ишлаб чиқариш усулиниң инқизози, қулдорлик тартиботларининг парчаланиш ва ғоявий муносабатларда республикачилиқ, демократик қоидаларнинг йўқ бўла бориши, якка ҳокимлик ва мутлоқ ҳокимиятчиликларнинг мустаҳкамланиши каби вазиятлар билан боғлиқдир. Француз тарихчиси Н.Эишленинг: «Христианлик ғалаба қилди, чунки Спартак мағлубиятга учради»

деган машхур ибораси бор. Эксплуатация ва хуқуқсизлик, умумий тартибсизлик ва харобаликлар, очлик, касаллик, урушлар натижасида умидсизликка тушган ва қийин ахволдан кутулиш учун ўзларининг нигоҳларини мистикага, сехграрлик, дуохонлик, азайимхонлик, шунингдек маънавий хузур-ҳаловат, маънавий таскинга жуда муҳтоҷ бўлган кишиларнинг ҳолатларини ниҳоятда аниқлик билан ўзида ифода этган христианлик иудаизм бағрида етилган. Мутлақ, абадий, ўзгармас марҳаматни, билимни, бениҳоя курдатнинг эгаси бўлган Якка худо ҳақидаги ғояни ўзлаштирган, лекин улардан (ислом ва иудаизмдан) фарқи шундаки, уч кўринишдаги якка худони ўзида мужассамлаштирганлик ақидасини яратди. Уч кўринишдаги худо ҳақидаги таълимотга биноан, худонинг ички ҳәти сабаби ўз-ӯзида мавжуд бўлган учликдаги уч асос ёки «муқаддас учлик» бўлган — Ота-худо, Ўғил-худо ва мукаддас рухнинг ўзаро муносабатидир. Ўғил, Исо, баён қилинган, таржимаи ҳолига кўра, Ота-худодан, мукаддас рухдан яратилади (провослав ўйналиши таълимоти; католицизмда эса Ота-худо). Учни худо ҳам ҳулодан тушибади

Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки моҳияти — одам моҳияти, худо моҳияти ҳақида, «гуноҳни ювиши», яъни «Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши» ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланди. Христианлик мукаддас рух—Ота-худо, Бола-худо ва мукаддас рух—уч юзли худо тўғрисидаги таълимоти, тарғибот-ташқилотчилик, жаннат ва дўзах, оҳиратда, гўё дунёнинг оҳири борлиги, Исонинг қайта тирилиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Энг биринчи ажралиш христианликда IV-V асрларда рўй берди, яъни Исоҳ Масих моҳиятини талқин қилишда фарқланадиган иккита диний-акидавий ўйналишлар:monoфизитлар ва несторианлар бир-бирларидан ажралиши.

Кўпчилик христианлар Исоҳ Масихни ҳам худо, ҳам одам табиатига эга деб билса, Константинополь архимандрати Евтахия таълимотининг тарафдорлари бўлган monoфизитлар у факатгина худо моҳиятининг бирлигида иборат, дедилар. Константинополь патриархи Нестор қарашлари тарафдори бўлган несторианлар эса у худо инсонлар ҳаётӣ каби яшаши учун вужудга келган одамdir, деб тарғиб қилдилар.

Эфес соборида (431 йил) несторианчиликка бидъат деб қаралиб, унинг тарафдорларини таъқиб қилиш бошланди. Натижада несторианларнинг Шарққа кириб, оммавий ҳаракатлар бошлашларига сабаб бўлди.

Хозирги кунда monoфизитчиликка Яқин Шарқдаги

Якобинчилар, Жанубий Хиндиистон ва Эфиопия христиан аҳолисининг 96 фоизи амал қиласи.

471 йилда юкорида қайд этилган черковлар Қадимги Шарқ черковлари деб атала бошланди. Несторианлик, энг аввал, Оссурийлар орасида тарқалди, уларнинг диний жамоаси ҳозир ҳам Суриядা, Ирекда, Эронда, Хиндиистонда бор

1054 йилга келганда христианликнинг православ ва католик черковига бўлиниши расман тан олинган. Бу бўлиниш Рим империясининг Шаркий ва Фарбий қисмлари орасидаги тафовутларни ўзида ифода этди ва Рим папаси билан Константинополь патриархи ўртасидаги жаъми христиан черковлари устидан якка ҳокимлик учун шиддатли курашлар билан боғлиқ бўлди. Христианликнинг алоҳида мустақил Фарбий тармоғи Рим католик черкови, яъни умумий, жаҳон Рим черкови деб атала бошланди. Дунёвий ҳокимиятга тобе бўлган Шаркий христианлик грек-кефилик (грекча — бутун дунё) ёки изчил, сабитқадам (ортодоксал) христианлик деб атала бошланди. Православие ва католицизм ораларида умумийлик ва бир-биридан фарқланадиган томонлари ҳам бор.

XVI асрдаги реформация жараёнида кенг кулоч ёйган ҳаракатлар Европадаги революцияларнинг энг биринчи ифодалари эди. Католицизмдан бир неча Европа черковлари ажralиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракатлари вужудга келди. Бунинг доирасида лютеранлик, анабаптизм, англиканлик ва кальвинизм черковлари шаклланди. Ҳар бир черков асосий маросимлари жиҳатидан ўзларига хос томонларига эга бўлиши билан бирга, бир неча йўналишлар, мазҳабларга ҳам бўлинади.

Хозирги христианлика турли йўналиш ва оқимлар орасидаги келишмовчиликларнинг камайиши бутунги кун учун хосдир. Бунга 1948 йилда ташкил топган Жаҳон Черковлари Кенгашининг фаолиятлари ва экуменик христианлар кўмаклашмокда.

**Католицизм.** Христианликда энг кўп тарқалган йўналиш — католицизмдир. У Европа, Осиё, Африка ва Лотии Америкиаси мамлакатларида тарқалган. Мухлислари таҳминан 800 млн. кишини ташкил қиласи.

Католицизм таълимотида жаннат ва дўзахлар оралғидаги дунё, гуноҳкорларнинг руҳи, жони ҳакида Исоҳ Масихнинг бениҳоя ҳурматлаш, унинг танаси ва жонини кўкларга кўтариш каби диний ақидалар мавжуд.

Католицизмда Библияни шархлаш ҳукуқи факатнина руҳоийларга берилади; чунки улар уйланмаслик ҳакидаги диний талабга амал қиласидилар. Диний ибодатлар дабдабали ва

сахналаштирилган күринишигээ эгэ, диний ёкиш, дуо, илтижолар лотин тилидээ олиб борилади. Православиедаги каби католицизмда хам фаришта, икона, илохий куч, чиримайдиган мархум жасадларига сүгнинц одатлары сакланыб қолган.

Католицизм, бошқа йұналишлардан фарқындықтың үларок, марказлашып тизимга әгадир. Ватикан ана шундай марказ сифатыда (майдони 44 гектар) 1924 йилдан бошлаб Папа Пий XI пинг Муссолини хукуматы билан түзгөн битимиға мувофиқ мустакил теократик давлат хисобланади. Рим Папаси черковнинг якка раҳбари бўлиб, у Исҳоҳ Масихнинг ердаги ноиби хисобланади. 1870 йили эътиқод ва ахлоқ масалаларида уйинг бенуксонлиги хақидаги акида қабул қилинди. 1978 йилда собиқ Польша кардинали Король Войтила 264-Рим папаси этиб тайинланган.

Сон жиҳатидан унчалик катта бўлмаган католик жамоалари Марказий Осиёнинг айрим туманларида хам мавжуд. 1990 йили Тошкентда католик маркази тузилди, унинг кошида ~~жумхурияттада~~ бошке туманларида рўйхатдан ўтган католик диний жамоалари хам ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Христианликнинг Шарқий тармоғи бўлмиши православиенинг ривожланиши жараёнида 14 мустакил (автокефал): Константинополь, Александрия, Антиахия, Куддус, Рус, Грузия, Серб, Румии, Болгар, Кипр, Эллада, Албания, Польша, Чехословакия, Америка черковлари шаклланди.

Ўзининг аҳамиятига кўра, православ дунёсида бешинчи, лекин ўзининг муҳлислари сони жиҳатидан биринчи бўлган рус православ черкови X—XI асрларда вужудга келди. Унинг вужудга келиши янги ғояга муҳтоҷ бўлган Киев давлатининг ижтимоий-сийесий эҳтиёжлари билан боғлиқ эди. Руснинг христианлашуви дарров амалга ошган ижтимоий жараён бўлмай, балки бир неча аср давом этган зиддиятли тарихий ҳодисадир.

Православиенинг Марказий Осиё аҳолиси орасига кириб келиши XVI—XIX асрларга тўғри келади. Аввал савдо-сотик, кейин бу миңтақа халқларини мустамлакага айлантиришдан иборат ҳарбий ҳаракатлар жараёни натижасидир. 1870 йили Покровск монастыри кошида миссионерлик жамияти ташкил қилинди, улар маҳаллий миллатларга мансуб аҳоли орасида, гарчи жiddий натижаларга эга бўлмаган бўлса ҳам, христианлик билан боғлиқ, катта ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бордилар. Шу мақсадда 1844 йили «Қаромат кўрсатувчи Николайнинг ҳаёт йўли» номли рисолани қўргиз тилига таржима килиб чоп этгандилар, маҳсус диний мактаблар очилди. 1872 йили Рус православ черковига карашли Туркистон

(кейинчалик Тошкент, Урта Осиё) епархиал бошқармалари вужудга келди.

Православ черкови ҳозирги кунда жамият юксалиши билан боғлиқ тадбирларни қўллаб-қувватламоқла, айниқса диндорларни ахлоқий ва ватанпурварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ўзининг режаларини ишлаб чикмоқда. Бунда инсон шахсининг қадр-қимматини улуғлайдиган, оила асосини мустаҳкамлайдиган ва меҳнатга, бутун жамиятта нисбатан соғдил ва вижданон муносабатларни қарор топтириш назарда тутилган. Чёрковнинг ички тартибини қайта қуришни амалга оширишга, черков ҳаётини янгилашга, руҳонийлар орасида учрайдиган консерваторлик ва сусткашликларни бартараф килишларга ҳам катта эътибор берилмоқда. 1988 йилда бўлиб ўтган рус православ черковининг минг йиллигини тантанали, улутвор нишонланиши, рус православ черковининг ҳалқаро обрўси кўтарилишига таъсир кўрсатди. Бу санани нишонлаш билан боғлиқ бўлган тантаналар, байрамлар ва бошка турли-туман тадбирлар фақаттина илохиётчилик ёки черковларнинг ички ҳаёти ва тартиби билан боғлиқ бўлмасдан, балки жаҳонда, хусусан Осиё мингтакаларида тинчлик учун кураш, ирқий камситишларга барҳам бериш, табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни саклаш, демократик жараёнларни ривожлантириш, жамиятда адолатли ҳаётни қарор топтириш масалаларига ҳам эътиборни қаратди.

Бундан ташқари рус православ черкови хайрия фаолиятини кенгайтириб, ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорликлар ўрнатиш, урушда жабр кўрган байналмилалчи жангчилар соғликларини тиклаш, тинчлик ва болалар учун мўлжалланган жамғармаларни кўпайтириш каби ишларни амалга оширмоқда.

Христианчиликдаги яна бир йўналиш — протестантлик бўлиб, католицизм ва православиядан фарқли ўларок, диний қараашлар жиҳатидан ҳам, черковлар орасидаги муносабатлар жиҳатидан ҳам бир хил бўлмаган йўналишларни, XVI асрдаги янгиланиш ҳаракати билан боғлиқ бўлган кўпгина диний жамоалар, черковлар, мазҳабларни юзага келтирди.

Протестантизм умумхристианлик асослари ва қараашларини эътироф этиш билан бир қаторда. у гуноҳдан ҳолос бўлишнинг янги асосларини илгари сурди. Исоҳ Масихнинг кишилар гуноҳини ювишга қаратилган ўзини-ўзи қурбон қилишига ишонч, динга иционувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкилигига ишонч, Библияning олий нуфузига ишонч ана шулар жумласидандир. Протестантчилик Библияга сифинишнинг ўзига хос шаклини қарор

топтириди, бу билан протестант ислоҳотчилари дастлабки христиаиликнинг олий мақсадларини, юксак орзуларини қайта тиклаш, уни кейинги давр черковлари томонидан «бузилишлардан» халос килишга интилдилар.

Протестантлик диний маросимларнинг кўпчилигини бекор килди (фақатгина лютеранликда нон ва вино билан чўқинтиришилар сақланиб қолди). Ўлганларга бағишлаб дуо ўқиши, азиз-авлиёларга сигиниш, улар шарафига турли-туман байрамлар ўтказиш, муқаддас мурдаларга, санамларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча ҳашамлардан, меҳроблар, санамлар, ҳайкаллардан ҳоли қилинди, монастирлар ва монахликдан ҳам воз кечилди, руҳонийларнинг уйланмаслик шарти бекор қилинди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни шархлаш ҳар бир художўйнинг энг муҳим бурчи бўлиб қолди. Лютеранлик, анабаптизм, англиканлик, кальванизм, цвингчиллик протестантликнинг илк шакллари бўлган. Кейинчалик «сўнги протестантчиллик» умумий номи билан маълум бўлган бир қанча диний оқимлар, ташкилотлар пайдо бўлди.

Марказий Осиёда ҳам протестантлик мухлислари учрайди. Лютеран жамоалари Кирғизистонда, Қозогистонда ва Тожикистоннинг Жанубий томонларида, Туркманистонда, Ўзбекистонда, чунончи Сирдарё, Фарғона вилоятларида бор. Булар асосан немис миллатига мансуб бўлган диндорлардир. Тошкентдаги лютеранларга, диний тоат-ибодатларини бажаришлари учун, умумий диний эҳтиёжларини қондириш учун 30-йилларда курилган кирха берилган. Душанбада ана шундай диний мақсад учун диндорларнинг ва кенг жамоатчиликнинг маблағлари хисобига, жумладан хорижий мамлакатдагиларнинг иштирокида янги кирха қурилди. Бу жамоада диний хаёт билан бўғлиқ чўқинтириш, мархумга жаноза ўқиши, балоғат ёшига етганларни диндорлар сафига кўшиш ва никоҳ ўқитиш маросимлари ўтказилади. Диний байрамлар мунтазам нишонланади, диний тарғиботлар, ваъз ва хутбалар ўқилади, диний мулокотлар ташкил қилинади.

Марказий Осиёда бошқа протестант йўналишлари ҳам мавжуд бўлиб, улар баптистлар, адвентистлар, иеговистлар, пятидесятниклар, менонитлар деб аталади. Бу сектантчиликлар ҳозирги шароитдаги тарихий ўзгаришлар таъсирини ўзида ифода этувчи диний ҳаракатлар асосида XVII аср охири ва XVIII аср бошларида вужудга келган

Эски анъанавий рус сектантчилигига Россиядаги ҳукмрон православ черковига, чоризмга нисбатан кенг дехконлар оммасининг ижтимоий норозиликларини ўзида ифода этувчи диний ҳаракатлар асосида XVII аср охири ва XVIII аср бошларида вужудга келган

духобарлар, молоконлар, христоверлар, субботниклар, екопчилар, иеговист — ильинчилар ва бошқалар киради. Улар сектантликнинг биринчи тоифасини ташкил қилади.

Анъанавий рус сектантчилигининг муҳлислари чор ҳукумати ва православ черкови томонидан таъкиб этилиши натижасида Ставрополь ўлкасиға (кейинчалик у ёрдан Канадага), Сибирга, Кавказ ортига, Марказий Осиёга кўчганлар. Марказий Осиёда Христиан сектантчилигининг пайдо бўлиши ва тарқалиши бу ерларнинг Россия чоризми томонидан босиб олинниши ва пул-товар муносабатларининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Ҳозирги кунларда Козогистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ҳудудларида сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган малоканлар, духобарлар, христоверлар мавжуд. Тошкентдаги малокан биродарлари жамоаси ва Жиззахдаги жимтурмас (пригун) малоканлар жамоалари жумхуриятдаги энг катта бўлган жамоалар ҳисобланадилар. Молоканларнинг катта бўлмаган гурухлари Самарқанд, Хоразм, Фарғона вилоятларида ҳам бор.

Сектантчиликнинг иккинчи тоифасига Farb мамлакатларида вужудга келган ва Россия империяси ҳудудида, жумладан, Туркистанда ҳам фаол миссионерлик ҳаракатлари натижасида қарор топган сектантчилик киради. Ўз муҳлисларининг сони жиҳатидан энг каттаси—баптистлар (юнон. сув билан чўқинтириш) бирлашмасидир. Ўзбекистондаги христиан секталарининг 65 фойздан кўпроғини баптистлар ташкил қилади. Диний таълимот ва маросимчилик бўрасидаги баптизм анъанавий протестантчилик асосларига таянади ва ўзининг янги асосларини ҳам яратади, чунончи, улар фақатгина балоғат ёшига етганларни янгитдан чўқинтиришида ва ўз сафларига кўшадилар. Бу маросимни табиий сув ҳавзаларида бажарадилар. Чўқинтириш, нон ва винони татиб кўриш сирли маросим сифатида эмас, балки рамзий маросимлар, ҳаракатлар сифатида қабул килинади. Ибодат уйларини жиҳозлашда христианликнинг рамзий белгилари ишлатилмайди, ибодатларининг ўзи Библияни ўқиш ва шарҳлашдан иборат бўлиб, тарғиботлар ва ашула айтишлар билан кўшиб олиб борилади. Фақатгина Исоҳ Масих билан боғлик байрамлар тан олинади, шунингдек, бирлик куни, ўрим-йигим куни ва бошқалар бор. Баптистлардан балоғатга етган ҳолдаги чўқинтиришларни тан олиш билан бирга, Исоҳ Масихнинг халоскорлик йўлидаги ўз-ўзини курбон қилишига самимий, «аниқ ишонч» ҳам талаб килинади.

1944 йили собиқ СССРдаги баптистлар жамоаларн инжилчи христианлар билан бирлашдилар. 1945—47 йилларда бу бирлашма

иттифокига пятидесятниклар жамоаси, 1963 йили эса менонитлар жамоалари ҳам күшилдилар. Инжилчи-христиан баптист жамоалари собык СССРда инжилчи-христиан баптистылар кенгаши томонидан бошқариларди (бу 1990 йилда нижилчи-христиан баптистларнинг иттифоки деган ном олди). 60-йилларда инжилчи-христиан баптистыларга қарши бўлган марказ ташқил топди ва инжилчи-христиан баптистылар чсрковининг кенгаши деган ном олди. Узоқ йиллардан буён бу марказ норасмий равишда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда баптизм ўтган асрларнинг охирларидан бери мавжуд. Уларнинг Тошкентда «Еттиичи кун» адвентистлари, Ислоҳчи-адвентист, пятидесятниклар, менончилик, инжилчи-христиан баптистылар кенгаши, иегова шоҳидлари каби протестантизм жамоалари бор.

Хозирги кунда Марказий Осиёдаги динлар ва диндорлар орасидаги ўзаро ҳамфиқрлилик ва мулоқотлар жамият тараққий этган сари ривожланиб бормокда. Диндорлар орасидаги мулоқотлар, ~~хозирги давранинг асосий масалаларидан бирин онфанинг~~ аҳамиятга эга бўлиб бормокда.

Диншунослик асослари.  
Т., «Ўзбекистон» нашр., 1995. -33-62-б.

## **МАЊНАВИЙ МАДАНИЯТ РИВОЖИДА ҲУРФИҚРЛИЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

Хозирги тоифадаги одам — Homo Sapiens бундан тахминан 40-50 миң йил муқаддам вужудга келгач, ижтимоий ҳаёт аста-секин шакллана бошлади. Ҳар бир минтақада ижтимоий ҳаётни қарор топтириш, одам руҳий оламидаги ҳайвоний ҳирсларни чегаралаб, инсоний хис-туйгуларни барқарор қилиш эҳтиёжлари заминида ўзига хос мањнавий маданият вужудга келади. Мањнавиятни қарор топтиришнинг дастлабки ижтимоий шакли – табу, яъни ибтидоий жамиятларда муайян хатти-ҳаракатлар қилиш, нарсаларга тегиш, истъемол қилишини тақиқлашдир. Табу жамиятни ижтимоий бошқариш, инсон руҳини поклашда ижтимоий назоратни йўлга кўйишининг тарихий шакли бўлган. Масалан, унинг ёрдамида қарилар, аёллар ва гўдакларни сўйиб ейиш (каннибализм) тақиқланган, тошбағирлик қилганларга нисбатан жамоатчилик нафрати кўзратилиб, жазоланганди. Кексалар аждодларнинг овчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда тўплаган тажрибаларини авлоддан-авлодга ўтказиб, ижтимоий тараққиётга хисса кўшиш, жамиятда мањнавий-ахлоқий

мухитни соғломлаштириш имкониятига эга бўлдилар. Ёки бўлмаса, бир уруғ ичидағи қизларга уйланишини тақиқлаш натижасида гўзал қизлар ва пурвиқор йигитларни талашиш оқибатида уруғ-қабила муносабатларида юзага келган жиддий зиддиятни бартараф этиш мумкин бўлди. Энг муҳими, ўша тақиқларни жорий этиб, уни амалга оширган кишилар, ўзлари буни сезмаган ҳолда, уруғ-қабила қони айнаб кетишининг олдини олиб қолдилар. Айни чоғда бошқа уруғ ва қабилалар билан келишишга имкон яратдилар.

Яшаш учун биргалашиш курашиш жараёнида моддий неъматлар топиш ва истеъмол қилиш, ибтидоий жаамиятни барқарор этиш учун изланишишлар олиб борицгага тўғри келади. Бу ҳол инсон тафаккурининг ривожланишиши ва ижтимоий онгнинг такомиллациб боришини таъминлади. Оқибатда одамзод ўзини курсаб турган табиий ҳодисалар тўғрисида ўйлаш, уларга ўз муносабатини билдириш, бу ҳодисаларга таъсир кўрсатишдаги ўз ўрнини аниқлашга ҳаракат киласди.

Натижада, биринчидан, одамзод, иккинчидан, у ёки бу хайвон ёхуд ўсимлик, шунингдек нотирик нарсалар билан уруғнинг алоқалари мавжудлиги тўғрисидаги тасаввурлар — тотем юзага келди. Ўз тақиқлари билан уруғ-қабилалардаги муносабатларни яхшилашга муваффак бўлган ва оламдан кўз юмган кекса уруғдошлар қабрларига сигиниши дастлабки тотем объектлари эди.

Уруғ-қабилачилик муносабатларидаёқ коҳинлар, сехргарлар табақаси вужудга келди, улар ақлий меҳнат намояндлари эдилар. Жамиятда маънавий маданиятнинг қарор топиши, унинг таъсирида мифологик дунёқарашнинг шакланишида ана шу одамларнинг хиссалари катта бўлди. Шу заминда аввал кўпхудочиликка, кейинчароқ яккахудочиликка асосланган динлар пайдо бўлиб, муайян тизим тусини олиши инсоний маънавий тараққиётida жуда катта қадам бўлди. Ўша табу ва тотемлар сехргарлик эътиқодлари асосида гуноҳ ва савоб категорияларида ўз ифодасини топиб, муайян жамиятда маънавий-ахлоқий мухитни соғломлаштириш, инсон онги ва қалби (руҳи)нинг покланиб боришига хизмат қиласди.

Муқаддас диний китобларда худо номидан баён этилган тақиқ ва рұксатларга шубха билан караш, уларни ислоҳ қилиш майллари, табиат ва жамият ҳодисаларига тажриба ва кузатишдан келиб чиқиб ёндашишнинг кучайиб бориши натижасида ҳар бир жамиятда хурфиксирлөвчи кишилар пайдо бўлди.

Албатта, хурфиксирликининг пайдо бўлиши, ривожланишининг умумий қонунияти бор. Аммо у қонуният ҳар бир минтақада тарихан ўзига хос шаклларда, мазмунда содир бўлган. Бинобарин, ҳар бир

минтакадаги ҳурфикарлилик ўша жойдаги маънавий маданиятдан озиқ олиб намоён бўлган. Айни ҷоғда маънавий маданият ривожи учун зарур воситага ҳам айланган.

Агар Марказий Осиёга нисбатан ҳурфикарлилик ривожи, унинг маънавий маданиятдаги ўрни хусусида фикр юритадиган бўлсақ, бу ижтимоий ҳодисага илмий ёндашиб учун ҳурфикарлиликни тарихий даврларга бўлиб тадқиқ этган маъқул, деб ўйлаймиз. Бизнинг фикримизча, Марказий Осиёдаги ҳурфикарлиликни б даврга бўлиш мумкин.

1. Мифологик дунёқараш ва тасаввурлар ҳукмрон бўлган даврдаги ҳурфикарлилик.

2. Кўпхудочилик ва оташпарастлик диний эътиқодлари ҳукмрон бўлган даврдаги ҳурфикарлилик.

3. Зардуштийлик ва унинг турли мазҳаблари ҳукмрон бўлган даврдаги ҳурфикарлилик.

4. Ислом ва унинг турли оқим ва мазҳаблари ҳукмрон бўлган даврдаги ҳурфикарлилик.

5. Марксча-ленинча материалистик дунёқараш ҳукмрон бўлган даврдаги ҳурфикарлилик.

6. Ўзбекистон мустақил тараққиёт даврига киргандан кейин шаклландаётган ҳурфикарлилик.

Маълум тарихий даврда олам, табиат ва жамият ҳодисалари, унда одамнинг ўрни ва роли ҳакидаги муайян жамиятда етакчи ёки ҳукмрон бўлган дунёқараш, у асосда шаклланган тасаввурлар, барқарор бўлиб қолган (стереотип) қарашлар ҳақлигига шубҳа билан қараш, ишончсизлик, тафаккур усулининг анъанавий тарзлари доирасидан чиқиб эркин фикр билдириш, ҳакиқатни излаш ва топишда аклга, илм-фан далиллари, ижтимоий тажрибага таяниб янги фикрлар, гоялар билдириш, назарий қоидалар яратиш ҳурфикарлиликдир. Ҳурфикарлилик айни ҷоғда маънавий маданиятни такомиллаштириш, ижтимоий мұносабатларни инсоний изга солиши ҳаракати ҳамдир.

Ана шу таърифдан келиб чиқиб ҳурфикарлиликка мұносабат билдирусақ, муайян жамиятда мифологик дунёқараш ва тасаввурлар ҳукмрон бўлган даврларда кузатиш ва амалиёт натижасида чиқарилган, барқарор бўлиб қолган қарашлардан фарқ қиласидиган, уларга терс келадиган айрим кишиларнинг фикрлари аста-секин ижтимоий онгда мұқим ўрин олиб борган Коҳинлар, сеҳграрлар таъсирида қарор топган, жоннинг ўлмаслиги, арвоҳларнинг хонадонларга келиб туриши, танага боғлиқ бўлмаган алоҳида моҳият рухнинг борлигига ишонч, шу заминда уларга сифиниш, мадад

тилаш каби одатлар пайдо бўлган. Жамиятда, ижтимоий онгда барқарор бўлиб қолган бундай ғояларга қарши фикрлар халк достонлари, эртаклари, ашуналари ва қўшиклиарида ўз ифодасини топган. Масалан, халқ оғзаки ижодидаги «Хасан чопсон» достонида Ваянган мамлакати сарой аҳмадининг киши ўлимидан сўнг унинг «жони абадий яшаш» тўғрисидаги тасаввурлари устидан кинояли кулинади. «Кундуз билан Юлдуз» достонида Аваҳон кийимида кимматбаҳо инжу, тош, дур, маржон ва бошқалар ёмон кўздан асраш учун эмас, балки чироили кўриниш учун тақилгани баён этилади. Халқ оғзаки ижодида сеҳргарликка эмас, Ибн Сино каби табиб ва олимларнинг даволаш усулларига ихлос оширилади.

Ибтидой жамоа тизимидағи муносабатларда содда (стихияни) фалсафий қарашлар шаклланган. Бунга кўра, оламнинг асосида сув, ҳаво, тупроқ, олов ётади, дунёдаги барча моддий нарсалар ана шуларнинг турлича бирикувидан иборатdir. Ана шундай фикрларнинг индивидуал ва ижтимоий онгда ўрин олиши ишлаб чиқариш ва меҳнат малакасида тўплланган тажрибалар, қўникмалар натижасида мифологик дунёқарашнинг асосий ғояларига ишончсизликни пайдо қилди. Унинг оқибати ўлароқ кўпхудочилик ва оташпарастлик эътиқодлари шаклдана бошлади. Турли уруғ ва қабилаларнинг бирлашиши, элатларнинг вужудга келиши натижасида уруғ-қабила худолари турли соҳалар худоларига айланди. Баобрў ва курратли қабилаларнинг худолари бош худо, қолганлари эса соҳа худолари бўлиб қолицди. Жамиятни бошқариш, уни барқарор ҳолда ишлаб туриш учун муайян ғоя асосида таркиб топадиган маънавий хаёт керак. Ўша худолар курратига ишонч ва улардан мадад кутиши муайян давр маънавий хаётининг умумий йўналишини ташкил этади.

Бироқ, турли элатларнинг ихтиёрий ёки зўрлик билан кўшилиши, катта давлатларнинг юзага келиши билан Бош худо ва соҳа худолари курратига ишонч сусайди. Индивидуал ва ижтимоий онгда ундей ғояларга терс фикрлар карор топа бошлади. Бунинг натижаси сифатида Марказий Осиёда жаҳонда бириичи бор яккахудочиликка асослаиган зардуштийлик дини шаклланди ва унинг муқаддас китоби «Авесто» юзага келди. Александр Македонскийнинг босқинчилиги туфайли Бактрия давлатининг дини бўлиб қолган зардуштийликнинг дастлабки яккахудочилик ғояларига птур етди, Эрон шоҳларининг хатти-ҳаракатлари билан у оташпарастлик ва дуализм динига айланниб қолди.

Шунингдек, «Авесто»да меҳнат ахли улуғланади, қулдорлик кораланади, мўътадил жамият илохийлаштирилади. Бу холат исломгача Марказий Осиёда хурфиксаликка қарши кучли ғоявий

асос бўлмаганидан, бу жойда ҳаётбахш ҳурфикрлилик учун муайян шарт-шароит бўлганлигидан дарак беради.

Умуман ҳурфикрлилик диний қарашлардан ажралган ҳолда, алохида ва унга зид тасавурлар ва бундан келиб чиқадиган ҳаракат бўлмаган. Тарихан у муайян диний қарашлар доирасида вужудга келиб, муайян даврда ўёки бу даражада ривожланган.

Кичик-кичик подшолиқлар парчаланиб, тожу таҳт учун ўзаро урушлар туфайли ҳолдан тойған ягона Турон ҳалқларини босиб олиш араблар учун унча қийин бўлмади. Бироқ эркесвар ҳалқни бўйсундира олиш, исломни қабул қилиши учун куч билан бирга макр ҳам керак бўлди. Шундай бўлса-да араб босқинчилари ва ислом ғояларига қарши кучли ҳалқ ҳаракатлари — маздакийлик-хуррамийликнинг демократик талаблари ва тамойиллари асосида вужудга келгани тасодифий эмас.

Араб империяси юзага келгач, катта худуддаги турли диний Эътиборд ва маданийларга мансуб ҳалқларни нуқул ақидапарастлика асосланган ислом маънавияти билан бошқариш қийинлиги тобора сезилилри бўла бошлади. Империяни сақлаб колиш, унда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларни барқарорлаштириш, ийрик давлатни бошқариш усусларини такомиллаштириш эҳтиёжлари илм-фани ривожлантиришни тақоза этди. Ислом ақидапарастлиги асосида бунга эришиб бўлмас эди. Шуининг учун VIII аср охири IX аср бошларидан Эътиборан араб ҳалифотида мутакаллимлар билан мұтазилийлар ўргасида ғоявий кураш кучайди. Мутакаллимлар Куръон оятларини эркин таҳлил этишга мутлако қарши бўлсалар, мұтазилийлар у ақидалардаги мазмунни ақл ёрдамида, мантиқ кучи билан англаш тарафдори эдишлар. Улар фатализмни инкор этиб, инсон ирода эркига эга эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Мұтазилийларнинг фикрича, пешонага ёзилған тақдир борлигига ишонч Аллоҳнинг обрўйига путур етказади, чунки ёмон ҳатти-ҳаракатлар ҳам унинг иродаси маҳсулни бўлиб қолади. Хорижийлар эса ҳалифаликнинг мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтишига қарши фикр билан майдонга чиқдилар.

Ислом ғояларига нисбатан ҳурфикрлилик нуқтаи назарларида туриш, унинг ақидапараст оқими ва ижтимоий вазифаларга шубҳа билан қараш, мавжуд ижтимоий-сиёсий тартибларга адолат тамойиллари асосида муносабат белгилаш Марказий ҳалифалик ҳукмдорлари ғазабини кўзғатди. Ҳалифа Мутаваккил (847—861) Куръон яратилган дейдиган ҳар қандай киши коғир ва, бинобарин, ўлимга маҳкум, деган фармон чиқарди. 897 йилда кўллэзма кўчирувчилар ва китобхурумларни илохиёт, диалектика (илму

жадал), фалсафа ва мантиққа оид китобларни күчирмаслик ва сотмаслик ҳақида қасам ичириш бўйича фармони олий чиқарилди. Арасту издошларининг фалсафа, мантиққа доир китоблари, илмий асарлари омма оддига гулхан қилиб ёндирилди. Ислом ақидапараст мафкурачиларидан бири бўлган Аш-Шахрузурӣ «агар кимда-ким файласуфлар ақидаларига очикдан-очиқ эътиқод килса, уларни ўлдириш ёки бўйсунишга мажбур қилиш керак», деб чиқди.

Араб хукмдорлари иродасининг ифодаси сифатида шариатда Ҳанбалия мактаби ва исломда Ал-Ашъорий қаломи шаклланди. Ҳанбалия шариатдаги энг консерватив мактаб бўлгани сабабли Ашъорий қарашларига мувоғик келарди. Шу тарика 940-йилларда Бағдодда Ашъорий қалом тизими узил-кесил галаба қозонди. Унинг имон талаблари 1041 йилда расмий исломнинг зътиқод рамзи сифатида кабул қилинди.

Араб Марказий ҳалифалигида диний доирадаги хурфиксаликка қарши қўрилган бундай жиҳдий чоралар, қатли-омлар натижасида у ерлардаги фан, маданият арбоблари, меъморлар, ҳаттотлар, мұтазилийликка мойил хунармандлар ва бошқа касб әгалари тоҳирийлар ва сомонийлар салтанати ҳукмронлик килаётган Марказий Осиёга қочиб, оиласлари билан кўчуб кела бошладилар. Файласуф, табиб, кимёгар Абу Бакр ар-Розийнинг Бухорога келиши катта воеа бўлди. Чунки у диний жамоалар ва ташкилотларнинг нуфузи (авторитети)га қарши бўлиб, хурфиксалик мавқеида мустаҳкам турган ўша даврнинг бообрў кишиси эди. Абу Наср Форобийнинг Дамашқдан бу ерларга келишининг аҳамияти бекиёс эди. У «Таълим ас-соний» («Иккиичи таълим») асарида қадимги юонон фалсафасининг энг муҳтасар шархини бериб, хурфиксалик ривожига бебаҳо ҳисса қўшиди. Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва бошқалар сомонийлар, хоразмшоҳлар, ғазнавийлар ўргасида «талаш» бўлгани ҳам бежиз эмас эди.

Мұтазилийлик ғоялари Марказий Осиёда кенг ёйилиб, илм-фан, фалсафий фикр марказлари вужудга келди. Марказий Осиё ҳалқларининг исломгача бўлган зътиқодлари, маданияти, анъаналари, адабиёт ва санъати ҳам жонлана бошлади. Турк тилида китоблар чиқди. Турк тилига давлат мақоми бериш, маънавиятда миллийликни қарор топтириш майллари кучайди. Холис гапирганда, исломнинг тез орада ҳалқ зътиқодига айланишида унинг ғоялари, зътиқодларида зардуштийлик билан яқинлигининг ҳам таъсири катта бўлди; чунки асрлар давомида ҳалқ зътиқод қилиб келган зардуштийликнинг оламнинг яратилиши, гуноҳларнинг ёзib борилиши, ўлимдан кейин нариги дунёдаги ажр, жаннат ва дўзах, қил кўприк ва ҳалоскорнинг

келиши каби ғоялари исломда ҳам ўз ифодасини топган эди. Аммо зардустийликнинг асосий ғояси — табиат ва жамиятда, инсон қалбидаги эзгулик билан ёвузлик руҳи ўртасидаги абадий муросасиз кураш, бунда Охурамазда тартибларига риоя қилувчилар эзгуликни қарор топтириш учун ёвузликка қарши курашиб, охир-оқибатда ғалаба қозонишлари тўғрисидаги таълимот инсон ақл-идроқи ривожига йўл очарди. Илм-фанни ривожлантириш эса эзгулик ифодаси хисобланарди. Шунинг учун ҳам исломгача зардустийлик ибодатхоналарининг барчасида дунёвий илмлар ўргатилар, унга ихлос кучли эди.

Мұтазилийлар таъсирида исломда вужуди мумкин ва вужуди вожиб (ваҳдат-ул мавжуд ва ваҳдат-ул вужуд) диний-фалсафий оқимлар шаклланди. Вужуди мумкин (ёки вужудиён — пантезизм) оқими вакыллари — Ал-Киндий, Ибн Рушд, Ал-Мааррий, Форобий, Ибн Сино, Үмар Хайём ва бошқалар мавжудотни иккига —вужуди мумкин ва вужуди вожибга бүлгалилар. Вужуди мумкин сабаб-сабаб алқаларига эга бўлиб, унинг мавжудлиги бошқа нарсадан эмас, балки ўз моҳиятидан келиб чиқади. Шу назарий қоидадан келиб чиқиб, Форобий бутун мавжудотни б даражага бўлади. Шулардан биринчиса вужуди вожиб—Аллоҳ; қолган бештаси ақл, жон, шакл, материя, осмон— вужуди мумкин. Бу даражалар бир-бири билан сабаб-оқибат шаклида боғланган бўлиб, биринчи сабаб ўз сабабига эга эмас. Ибн Сино ҳам «Рисола фи-тақсим ал-мавжудот» асарида ваҳдат-ул мавжуд ва ваҳдат-ул вужудни шу тарзда таърифлайди. Ваҳдат-ул вожиб — Аллоҳни билдиради, лекин у Куръондагидек ҳамма нарсанинг ижодкори эмас, балки сабаб, яъни умумий мавжудотнинг биринчи сабаби ва унинг бир қисми сифатида таяқин этилади. Бундай қарааш эса табиат ҳодисаларини (инсон табиатини ҳам) мустақил ички сабаблари асосида тушунтиришга имкон бераб, илм-фан равнақига кенг йўл очади.

Мұтазилийларнинг қараашлари ва ваҳдат-ул мавжуд диний-фалсафий оқим ғоялари кўшҳақиқат тўғрисидаги катта назарий қоида шаклланишига сабаб бўлди, Бунга кўра, илохий ва дунёвий (илмий) ҳақиқатлар бор бўлиб, илохий ҳақиқатга факат алоҳида одамлар — пайғамбарлар, азиз-авлиёлар етишиши мумкин. Дунёвий ҳақиқат эса ақл ёрдамида, илм-фан йўли билан англаб олинади. Мутакаллимлар билан мұтазилийлар ўртасидаги ғоявий курашда ваҳдат-ул мавжуд ва ваҳдат-ул вужуд ҳамда кўшҳақиқат тарафдорлари билан унга карши кишилар ўртасидаги диний-фалсафий курашдан ҳукмдорлар ҳам четда қолишимади. Зоро, улар мадрасаларда, хусусий муаллим (мулла)лар кўлида таҳсил кўрганлар ва қандай муллада дарс

олганликларига қараб дунёқараашлари шаклланган. Марказий Осиё ҳукмдорлары орасида вахдат-ул мавжуд тарафдорлари бўлиб, уларнинг бу қараашлари илм-фан, маданият, иктиносид ривожига кенгроқ йўл очарди. Шулардан бири халифа Маъмун (823—830 йиллар) мұтазилийларни қўллаб-кувватлаб, уларнинг ғояларини ўз давлатининг мағқураси асосига кўйди. Сомонийлар топширигига биноан Имом Хўжа Абул Қосим Ҳаким Самарқандий Сунна ва жамоа имони рамзини ёзди. У ислом ақидавий таълимотини тадқиқ қилишда раъй ва киёсни, яъни ақл ва мантнқ услубларини қўллаган Абу Ханифа ал-Нуъмон Ибн Собит Куфий—(Ханафия шариат мазхаби асосчиси) имон-эътиқоди негизида ёзилган эди. Бунда мұтазилийлар таъсирида бўлган Абу Манеур ал-Матурудий таълимотининг ҳам таъсири катта бўлди. У табииётшунослик, қадимги юон фалсафасини ўрганиш, хунармандчилик, санъат ва адабиётни ривожлантириш тарафдори эди. Матурудийлар инсон ақлу қудрати ва ироди эркини ҳам тан олардилар.

Мұтазилийлар билан мутакаллимлар ўртасидаги ғоявий кураашларда Абу Ҳамид Ал-Ғаззолий қаломи шаклланиб, ислом фалсафаси юзага келди. Баъзи араб тадқиқотчилари уни табиат фалсафаси (натурфилософия) ҳам деб аташади. Ал-Ғаззолий аввал сўфийлик қараашларига мойил бўлса-да, кейинроқ улар таълимотини танқид қилиш асосида ўз қаломини яратади. Бироқ у ўзи истамаган ҳолда тасаввуфни назарий жиҳатдан асослаб кўйди. Ғаззолий таълимотича, инсон Аллоҳ қаломи — Куръон оятларини ўзлаштиргунга қадар ирова эркига эга, уни ўзлаштириб олгач, бутун иродаси Аллоҳ иродаси билан уйғунлашиб (эмансипациялашиб) кетади. Бинобарин, унинг хатти-харакатлари, бутун фаолияти Аллоҳ иродасининг ифодаси бўлиб қолади.

Маълумки, Шарқ фалсафасининг етакчи йўналиши инсон қалбини, руҳини поклашга, унда комил инсонийлик сифатларини вужудга келтиришга, шу негизида ижтимоий муносабатларни инсонийлаштиришга қаратилган. Ўткинчи мол-дунё, мансаб-мартабалар эмас, балки маънавий бойлик, ахлоқий поклик, ҳалоллик, инсоф-диёнатлилик одамнинг инсонга айланишининг муҳим шарти, деган фикрлар Шарқда тасаввуф (сўфийлик)нинг шаклланишига, кенг ёйилишига сабаб бўлди.

Тасаввуф вахдат-ул мавжуд ва вахдат-ул вужуд диний-фалсафий ғоялари ҳамда Арасту қараашларидан озиқ олиб ривожланган Шарқ фалсафаси таъсирида исломнинг алоҳида оқими сифатида вужудга келди. У мураккаб диний-фалсафий оқим бўлиб, хилма-хил шаклларга, мазмун ва йўналишга эга. Тадқиқотчиларнинг фикрича,

унинг 17 та асосий сулукки (йўналиши) мавжуд. Шарқшунос олим Б.Э.Бертельс «Сўфийлик шунча кенг ва ҳар томонламаки, унга истаган коишепция, дунёқараши киритиш мумкин», деган эди.

Тасаввуфда иккита асосий ғоявий йўналиш кўзга яқол ташланади: бу ўтқинчи дунё, мол-мулк, мансабга ихлос кўйиш Аллоҳни унтишига, имонсизликка олиб келади, деган ғояга таянгандар таркидунёчилликни тарғиб этганлар; азрўзи азалда пешонага ёзилган тақдир борлигига, одам ундан кочиб кутула олмаслигига ишонтиришга интилганлар. Иккинчи йўналиш — бу дунё Аллоҳ-таоло томонидан одамлар, уларнинг инсонлардек ящаши учун яратилгани, одам шу дунёдаги эзгу ишлари билан у дунёда худо висолига мушарраф бўла олишига, бинобарин, ундан кўркиш асосида эмас, Аллоҳни севиш, унинг висолига етиш учун оғир, машакқатли покланиш йўлидан боришини ташвиқ этганлар.

Юсуф Ҳамадоний, Абдулхолик Фиждувоний, Нажмиддин Қубро, Ҳожа Аҳмад Яссавий сулукларининг бевосита таъсирида Марказий Осиёда нақшбандийлик сулукки вужудга келиб, у Яхон ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг ёйилди. Ҳожагон сулукини бошлаб берган А.Фиждувоний бундай деган: «Эй фарзанд, барча ҳолатда илм, амал ва такво билан бўл, салафлар изидан юриб, суннат ва жамоатни маҳкам тут, фикҳ ва ҳадисни ўрган». Яна бундай фикрлар бор: «оз сўзла, оз е, оз ухла», «ҳалол е, шубҳадан холи бўл...», А. Фиждувонийнинг 8 та табаррук сўзи (рашҳа)сига Б.Нақшланд З та манзил (даражага) кўшиб, ўз сулукини асослади.

Ҳожа Аҳрор Валий (Убайдуллоҳ) нақшбандийликнинг тарғиботчиси сифатида таъмадан жирқаниш, тухфа олмаслик, бир касбни мукаммал эгаллашга чақирди. Тасаввуф тариқатига кирганлар учун касб-корнинг ёмони йўқ, ёмони бирон касб билан шуғулланмаслик, текинхўрлик, таъмагирликка одатланиш хисобланади. Шунинг учун машхур шоир Саккокий — пичоқчилик, Шайх Абу Ҳафиз Ҳаддод — темирчилик, Шайх Абул Аббос Омилий — қассоблик, Шайх Баннон — ҳаммодлик, Шайх Абул Ҳасан — дурадгорлик билан шугулланишган. Ҳожа Аҳрор Валий ходимгар (массажчи) бўлган. Нақшбандийлик имони унинг «Дил ба ёру даст ба кор», яъни «Дилинг Аллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин» деган талабида яқол гавдаланади. Улар амал деганда биринчи иавбатда Аллоҳ номини дилга жо килиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш, таъма ва текинхўрликдан ҳазар қилишни тушунгандар. Нақшбандийлик сулукини қабул қилган Амир Темур, Улуғбек ва бир қатор Туркистон ҳоқонлари дарвешликни қораладилар, улардан шу дунё ишлари билан шуғулланыб, ҳалол яшашни талаб этдилар.

Дарвешлар фойдали мөхнат билан банд бўлишлари учун давлат шароит яратиб бериши тўгрисида фармони олий чиқарғанлар. Буни бажармаганларн жазолаганлар.

Тасаввуфнинг сўл қаноти диний-фалсафий таълимот сифатида ислом ақидапарастлигига нисбатан мухолифият бўлиб, Яқин ва Ўрга Шаркда, айниқса Марказий Осиёда табиий ва фалсафий фанлар ривожида ўз ўрни ва мавқеига эгадир. Марказий Осиё мутафаккирларининг баъзиларини Совет даврида ислом ақидаларига карши, ҳатто сал бўлмаса атеистга чиқариб кўйилди. Ижтимоий ҳодиса, маънавиятта синфий (партиявий) муносабат тарихий жараёнларга шундай ғайриилмий ёндашувни, уларни мафкура ва сиёсат талабларига бўйсундиришни тақоза этарди.

Қадимда, Ўрга асрларда руҳонийлар ва илоҳиётчилар жамиятда бирдан-бир ўқимишли кишилар эдилар. Айни чоғда улар одоб-ахлоқ таянчи ва тимсоли ҳам ҳисобланардилар. Бинобарин, муайян дин ақидалари ҳар қандай тафаккур учун бошлангич ибтидо ва асос эди. Муайян минтақа халқлари имон-эътиқодига айланган дин (ислом, христианлик, будда ва ҳоказо) ижтимоий онгнинг барча шакллари мазмунида, биринчи навбатда фалсафа, адабиёт, санъатда, ахлоқ ва эстетикада ўз ифодасини топган эди. Динга, ундаги худо ғоясига қарши қаратилган ҳар қандай фикр мавжуд тузумга ва салтанатга норозилик ва қаршилик сифатида тушуниларди. Айни чоғда диний жамоа ва ташкилотларнинг мафкуравий таъсири натижасида жамоатчилик фикри ҳукмрон ғояларга шубҳа билан қарорчиларга қарши қаратиларди. Шунинг учун араблар империяси худудида ва Турк давлатларида яшаган мутафаккирлар ўз ҳурфикрлиларини диний пардалар остида берганлар, аммо улар Аллоҳга, унинг асосий ақидалари ҳақлигига имон келтирган шахслар эдилар. Шундай бўлишига қарамай, ақидапараст уламолар, истеъодосиз ҳукмдорлар ақл ва адл йўлини туттган, хақиқатни излаб топишга даъват этган мұтазилийларни, қадарийларни, вахдат-ул мавжуд нуқтаи назарида туриб илм-фанин ривожлантириш, адабиёт ва санъат асарлари орқали одамлар эстетик дидини оширишга интилган мутафаккирларни, эркин фикрли дин аҳллари ва илоҳиётчиларни қувғин остига олдилар, қатли-ом этдилар, зинданда чиритдилар. Чунончи, Беруний ҳукмдорлар тазиқига қарамай, ҳурфикрлилек ғояларига содик қолди, Махмуд Фазнавий уни бир неча марта ўлим жазосига ҳукм қилди. Абу Али ибн Сино ҳурфикрлилиги учун бир неча марта қувғин остига олинди, «кофириллик»да айбланиб, жамоатчилик нафратини унга қарши кўзғатмокчи бўлдилар. У сарсон-саргардонликда ўзга юргарда ўлиб кетди, тўғрироги, ўлдирилди. Иби Сино ўз давридаги такводорларга киноя килиб, бундай ёзган эди:

Үзни доно билган ул уч-түрт нодон,

Эщак табиатин қылур намоён.

Булар сұхбатида сен ҳам эшак бўй,

Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон.

“Туркистонни мўғул босқинчилари босиб олгач, Уйғониши давридаги ҳурфиксалик анъаналари ривожига давлат йўли билан ғов кўйилди. Мўғил босқинчилари тор-мор этилгач, XIV—XV асрларда ўша анъаналар тикланди, айниқса нақшбандийлик гоялари маънавий ҳаётнинг деярли барча йўналишлари мазмунини ташкил этди. Бу даврда золим подшолар, амалдорларга қарши, шунингдек динни қурол қилиб олиб, текинхўрлик билан ҳаёт кечираётган зоҳидларга қарши очик-ойдин айтладиган бўлди. Айниқса, ҳалқ оғзаки ижоди, унинг жанговар жанри бўлган асқия, қизиқчиликларда ҳурфиксалик ёрқин акс этди.

Темурийлар салтанати қулагач, шайбонийлар ислом ўзбек ~~хўммерионин~~ берисе этиш учун урушлар олиб боришли. Аста-секин сиёsat ва хукукда ислом ақидапарастлиги муқим ўнашиб, индивидуал ва ижтимоий онгда қарор топа бошлади. Ҳокимият тепасига аста-секин ваҳдатул вужуд тарафдорларининг келиши натижасида ҳурфиксаликнинг ҳар қандай кўрининиши «кофирлик» деб эълон қилинди. «Кофирлик»да айбланган кишиларни қатл этиш эса «савоб» ишлар қаторига қўшилди. Ягона Туркистон уч хонлик ва яна майда сultonликларга ажраб кетгач, улар ўртасидаги тинимсиз урушлар, салтанатни мустахкамлаш учун ижтимоий онгни жиловлашга қаратилган мағкуравий фаолият ҳалқ оммасининг тинка-мадорини қуритди. Ҳокимиятни бошқараётган арбобга ёқмайдиган ҳар қандай киши «кофирлик»да айбланиб, қатли-ом этишининг даҳшатли механизми шаклланди. Ҳурфиксалик байроқдори бўлган ёзувчилар, шоирлар қувғин остига олинди. Масалан, Бобораҳим Машраб тасаввуф нуқтаи назаридан камтарона ҳаётни тарғиб қилгани, золимларни фош этгани учун дорга осилди. Бухоро амири Насруллахонга Кўқон хонлигини босиб олиш учун бир баҳона керак бўлгач, Нодирабегим ва унинг ўғли «кофирлик»да айбланиб, қатл этилдилар. Шундай қилиб, ваҳдатул вужуд тарафдорларининг ҳокимият тепасига келиши Туркистоннинг парчаланиб кетиши, ислом доирасидаги ҳурфиксаликнинг чекланишига сабаб бўлган омиллардан бири хисобланади. Натижада, миллат фидойиси Маҳмудхўжа Бехбудий айтганидек, бой маънавий маданиятта эга бўлган Марказий Осиё ҳалқлари 500 йилга Оврупо ҳалқлари тараққиётидан оркада қолдилар. Аммо бу даврда ҳурфиксалик бутунлай бўлмади, деган фикрга келмаслик керак. Ҳалқ орасида

Насриддин афанди латифалари, асқия-қизиқчиликлар йўли билан, шунингдек, бадиий адабиётнинг фидойи намояндалари золим бойлар, риёкор руҳонийлар, баднафс амалдорлар кирдиорларини фош этиб, уларга нисбатан ҳалқ нафратини кўзғадилар. Гулханий, Махмур, Турди, Махтумкули ва бошқаларнинг асарларида хурфиқрлилик мотивлари кўп эди. Мукимий ўша давр солик солувчиларининг таъмагирликлари, инсофизиларини фош этди. Амалдорларга нисбатан бундай деди: «Додҳоҳим, додҳоҳлик сенга хос, порасиз ўт-мас сенга юз илтимос».

Умуман ҳар бир даврда хурфиқрлилик ўзига хос равишда намоён бўлади. Ҳамма даврлар ва барча мамлакатларда ижодий фикр юритувчи, ижтимоий ҳодисаларга теран фикр билан ёндашувчи, ўз даврининг билимдони ҳамда ҳалқи, Ватани ишқи, унинг истикмоли, истикболи орзу-армонлари билан яшовчи фидойи, кўрқмас, забардаст, иродали кишилар бўлган. Улар қарор топган ҳукмрон ғоялар, амалдаги сиёсат ва мағкурага ўз муносабатларини кўрқмасдан билдирганлар, ўз нуқтаи назар (ҳақиқат) ларини қаттиқ туриб химоя қила олганлар, бу йўлда кувғинлар, зинданлар, қатли-омлардан ҳам кўркмаганлар. Ана шундай мард одамлар саъй-ҳаракати туфайли маънавий маданият ривожланди, такомиллашиб борди. Токи 1917 йил Октябрь тўнтаришига қадар Марказий Осиёдаги хурфиқрлилик ислом доирасида у ёки бу даражада ўзини намоён этди. Аммо Шарқ Уйғониш даври (IX—XII) ҳамда XIV—XVI асрлар алломаларининг илм-фан ривожи, фалсафий фикрлар равнаки йўлидаги фидойилклари бизнинг кунларимиз учун ҳам, бундан кейинги авлодлар учун ҳам олий ибрат мактаби бўлиб қолиши шубҳасиз. Шарқ мутафаккирлари, айниқса Марказий Осиё олиму фузалоларининг ҳаётбахш, хушчакча ҳурфиқрлилик анъаналари Фарбий Оврупо Уйғониш даври учун асос бўлганини холис фикрловчи Оврупо олимлари тан оладилар.

Россияда 1917 йил Октябрь ойида давлат тунтариши бўлиб, большевиклар ҳокимият тепасига келишининг бир қанча сабаблари бор, албатта. Улардан бири, оч-яланғоч ва ночор қолган ҳалқ оммаси қандайдир ўзгариш бўлишини кутарди. Минг йиллар давомида христианлик руҳида тарбияланган славян ҳалқлари халоскор қачонлардир келади ва у албатта золимларнинг адабини бериб, чинакам тенглик, эркинлик, фаровоилик бошланади, деган ғояга эътиқод кўйган эдилар. Ана шундай шароитда, марксизм ғоялари билан қуролланган большевиклар партияси ҳалққа нон, дехдонларга ер, ишчиларга завод ва фабрикалар эгадорлигини ваъда килиб, ҳокимият тепасига келиб олдилар.

Сирасини айтганда, большевиклар илгари сурган гоялар, берган ваъдалари барча халқларнинг асрлар бўйи қилиб келган эзгу орзуларига мувофиқ келарди. Яъни ижтимоий адолатли тузум, умумий фаровонлик, тенглик, эркинлик, халқлар дўстлиги тўғрисидаги гоялар умуммиллий ва умумбашарий қадриятлар эди. Шунинг учун 1917 йилда ўша гоялар ҳақлигига чин дилдан ишониб, унга имон-эътиқод қилган фидойи одамлар етишиб чиқди. Ҳатто ёшлар орасида жаҳон инқилобигача оила куришдан воз кечган, ҳалол-поклик, ахлоқлилик намуналарини кўрсатган кишилар бор эди. Ўша гояларни рўёбга чиқариш учун юзага келган умумий ижтимоий ҳаракат туфайли янги шаҳарлар бунёд бўлди, собиқ Иттифоқ курдатли бир давлатга айланди, жумладан, Ўзбекистон фан-техникаси ҳозирги давр маданияти жиҳатидан қиска муддатда ривожланган Гарб мамлакатлари даражасига етиб олди.

**Бирор ўша умумбашарий гояларга эришиш воситалари Ўзининг ноинсоний асосларига эга бўлгани ошкоралик, демократик ҳаракатлар бошлангач маълум бўлди.** Айниқса, дин туфайли тарихан қадрията айланган маънавиятга жиддий путур етди, одоб-ахлоқ маълум даражада миллий издан чиқди.

Сиёсий арбобларга баҳо бериб, муносабат белгилашда улар илгари сурган шиорлар, ваъдаларга қараб эмас, балки улар олиб борган сиёsat оқибатларига қаралади. Эҳтимол, Лениннинг ниятлари яхши бўлгандир, аммо унга эришиш воситаларининг ғайрийлий, ғайринонсоний белгилангани ёмон оқибатларга олиб келди.

«Коммунизмга олиб борадиган барча йўл — ахлоқли», — деган Ленин концепциясини амалга ошириш натижасида тарихда мисли кўрилмаган жазо тизими қарор топтирилди. Большевиклардан бошқача фикрловчи кишиларни қатли-ом этиш «социализмни қарор топтириш омили»га айлантирилди.

Большевизмнинг асосий гояларнга бирдан-бир мухолиф — дин ва диний ташқилотлар эди. Уларни большевизмга бўйсундиришнинг турли воситалари ўйлаб топилди. Шулардан бири жанговар (сиёсий) атеизмни қарор топтириш эди.

Рус большевиклари ва уларнинг миллий республикалардаги гумашталари (тўғрироги, алданган кишилар) сиёсий атеизм шиорлари остида дин, диний жамоалар, ташқилотлар ва уларнинг арбобларига қарши уруш эълон қилдилар. В. И. Ленин гражданларга виждан эркинлиги бериш тўғрисида Декретга кўл қўйиб, амалда ҳаёсизларча динга эътиқод кўйганларни 2-навли гражданларга айлантириш сиёsatини белгилади ва уни амалга оширишни большевиклардан қаттиқ талаб қилди. Рус большевиклари диктатураси шароитида марк-

сизм дунёвий динга айлантирилиб, КПСС раҳбарлари истаги, хоҳишига қарши чиққан, ақидага айлантирилган марксча-ленинча дунёқарашга заррача шубха билан қаровчи ёки унга қарши бирон-бир фикр билдирувчиларни «халқ душмани», «миллатчи» ёки «дисидент» деган тавқилаштада билан ўлдириб юбордилар, турма ва сургунларда чиритдилар. А. Кодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, яна номи маълум ва номаълум, халқимизнинг хурфикалаш қобилиятига эга бўлган, манкуртга айланмаган юзлаб, минглаб ўғил-кизлари Ўрта аср инквизициясидан кам фарқ киладиган жазо воситалари орқали ҳаётдан жуда эрта кўз юмдилар. 74 йилни ўз ичига оладиган бу даврдаги хурфикалини ўрганиш, тадқиқ этиш ва зарур илмий хулосалар чиқариш ниҳоятда мухимдир. Чунки индивидуал ва ижтимоий онгни кишинлаб кўйишга, халқ оммасини сиёсатдан амалда четлаштиришга қаратилган ўша сиёсат, нодон сиёсатчиларнинг ўзбошимчалиги, манманлиги амалда жамиятни инкизозга олиб келиб кўйди, маънавий ва миллий маданият тараққиётига жиддий пугур етказди.

Давлат монополиясига айлантирилган мулкни тоталитаризмсиз бошқарив бўлмайди. Аммо тоталитаризм шароитида ишлаб чиқариши экстенсив йўл билан ривожлантириб, 30—40-йилларда собиқ СССРда эришилган иқтисодий юксалишлар таназзулга юз Сургани 50-йилларда ёк аён бўла бошлади. Иқтисодчи олимлар, файласуфлар, ёзувчилар, умуман эркин, теран фикрловчи зиёлилар иқтисодий ва маънавий ҳаёт турғунликка қараб кетаётганини англаб, гоҳ ошкора, гоҳ пинхона (айланма йўллар, қочириқ иборалар билан) юқори партия элитасига таъсир эта бордилар. Сталин вафотидан кейин партия элитаси якка мулкчилик, якка мафкурачилик шароитида 30 йил бадалида иқтисодий ва маданий-маърифий ислоҳотлар ўтказишга уриниб, бирон-бир жиддий натижага эриша олмади. М. С. Горбачев маъмурияти «қайта куриш» шиори остида, мулкчиликнинг эски шаклларини сақлаган ва партия элитаси диктатураси шароитида кенг ислоҳотлар ўтказмоқчи бўлди. Натижа бўлмагач, партия дастурига ўзgartаришлар киритилди, бозор муносабатларига ўтишга қарор килинди.

Хурфикали зиёлиларнинг қаттиқ талаби ва мантиқ тўла фикрлари бежиз кетмади. «Қизил империя» деб юмлланган йирик мустамлақачилик режими — СССР давлати Қўлади. Унинг ҳаробалари устида пайдо бўлган мустақил республикалар ҳеч бир иккиланмасдан мулкчиликнинг давлат монополиясига барҳам бериб, унинг хилма-хил шаклларини қарор топтириш асосида бозор муносабатларига ўтиш йўлини танладилар. Ўзбекистон раҳбарияти

Россиядан фарқли равища бозор муносабатларига аста-секин, боскичма-боскич ўтиш ва умуман Президент Ислом Каримов асослаган иқтисодий ислоҳотларнинг 5 тамойилига таянган йўлни танлади.

Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодий ислоҳотларни муваффакиятли ўтиши ва қарор топиши аввало одамларнинг эркин, соғлом фикр юритишларига, тафаккур тарзи ва руҳий оламларининг жиддий равища ўзгариш жараёнлари билан боғланмоқда. «Эндиғи вазифа, — дейди Президент И. А. Каримов Олий Мажлис 1-сессиясида қылган маърузасида, — кишиларимиз мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончнинг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазиқдан, кулликдан кутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайди». Факат маънавиятни қарор топтириш орқалигина имонли комил инсонлар шахси шаклланиши, демак, эркин, хур, теран фикр юритувчи инсонлардан иборат гражданилик жамияти вужудга келиши мумкин.

Ўтмиш тарихий тажрибаларидан жиддий ҳulosалар чиқариб, ҳурфикарлилар кенг йўл очиши тараққиётнинг чинакам инсоний изга тушиб олишига имкон туғидиради. Тараққиётимизга жиддий тўсик, айникса ёш ишбилармон, тадбиркорлар йўлида ғов бўлиб турган бюрократия, таъмагирлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймокчиликка барҳам бериш зарур, бунинг учун ўша шиҷоатли, қатъиятли, иродали аждодларимиз аиъналарини тиклаш, республикамиизда маънавий-ахлоқий мухитни соғломлаштириш мухим бўлиб турибди.

Мустақил тараққиёт йўлига дадил кириб олгаи Ўзбекистонда ҳурфикарлиларни ривожлантириш йўлларини қидириш, топиш, шу асосда тараққиётга эришиш, янгича тафаккурга асосланган, синфий тамойиллар ва конфронтацион (номуросачилик) руҳидан холи бўлган тадқиқотларга кенг ўрин бериш мухимдир. Ўтиш даврининг ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳурфикарлилар шаклшамойилларини, йўналишларини аниқлаш қийин, аммо зарур вазифа бўлиб турибди. Бунда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Конунга қатъий амал қилган ҳолда турли эътиқод эгаларининг Ватан истиқлоли йўлида бирлашиб ҳаракат қилишларининг аҳамияти нихоятда каттадир. Бирлик учун ягона ғоя керак. Ўзбекистонда рўйхатга олинган 18 та диний ташкилот бўлиб, ислом уларнинг биттасидир. Ундан ташқари акл-идрок ҳақиқатлари, фан аксиомаларига ишонган, эътиқод кўйган кишиларнинг жуда катта гурухлари турли диний эътиқод эгалари билан бирга яшайтилар, меҳнат киляптилар. Ана шу 18 та эътиқод эгаларининг тинч-тотув яшашлари, ҳурфикар юритишлари, ягона мақсад — имонли комил

инсонлар шахсини шакллантиришлари учун ўз имкониятлари доирасида саъй-харакат белгилашлари Ўзбекистонда маънавий хаётининг асосий йўналишини ташкил этади. Тараккиётнинг ҳозирги босқичи фикрлар хилма-хиллигига кенг йўл очиш, ўзгача фикрловчиларни қаноат билан тинглаб, тўғри хуносалар чиқариш маҳоратига эга бўлишни такоза этмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат килиш, уни поймол этишининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиб ҳуқуқий демократик давлат учун бораётган ижтимоий ҳаракатнинг таркибий қисмига киради. Ҳозирги замон фан-техникаси, билимлари билан ошно бўлган юксак маданиятли шахсларга эътиқодни танлаш эркани бериш, турли йўналишдаги, мазмундаги имон-эътиқод эгаларининг ўзаро ҳурмат, иззатда яншалирига эришиш учун тафаккурининг янгича тарзи зарур бўлиб турибди.

Диншунослик асослари.  
Т., «Ўзбекистон» нашр., 1995, — 171—188 б.

## ИМОНЛИ ОДАМЛАР ИТТИФОҚИ МУАММОСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ МАСАЛАСИ

Ҳозирги Ер юзида яшаётган одамлар тана тузилиши, мия ҳажми ва қурилмаси жиҳатидан қадимги замон одамларидан сифат жиҳатидан фарқ қиласди. Фарқ аввало онгда намоён бўлгани учун ҳозирги тоифани Ақлли одам (*Homo Sapiens*) деб аташ фанда расм бўлган. Чунки бу тоифа нутқ тили ва мураккаб тафаккур қилиш кобилиятига эга бўлиб, у жамиятда фаолият кўрсатади.

Бирок, умуман олганда, ақл-идрок ривожи даражасига асосланадиган муносабатларга қараб баҳо берадиган бўлсак, одамнинг ҳозирги мавжуд бўлган тоифаси ҳали тўла такомилига етмаган дейиш мумкин. Бизга маълум бўлган кейинги 4 минг йилдан ортиқроқ тарихининг 300 йилга яқини нисбатан тинч ўтгани, қолган вақтларда ер қуррасининг у ёки бу жойида урушлар боргани, бу тоифа одам том маънода Ақл-идрок эгаси эмаслигидан далолат берди.<sup>1</sup>

Иккинчи томондан, яшаш учун кураш усули жиҳатидан ҳайвондан ҳам даҳшатлироқ одамлар (қотиллар, ўтирилар, боскичилар, пораҳўлар ва бошқалар) ҳар бир мамлакатда ҳануз борлиги, ўзгаларнинг кўз ёши, азоб-укубати эвазига роҳат-фароғатда яшашдан уялмайдиган кишилар мавжудлиги бунга далиллар.

<sup>1</sup> Карап. А.С.Кант. Философия мира: источники, тенденции, перспективы. М., 1990. стр. 5.

Шу ўринда одам зоти табиатидаги ҳайвоний кусурга Форобийнинг муносабатини айтиш жоиз. Бу мутафаккир одам зотини аклли жонивор, деб атаган. Ҳайвон турлари ўртасида ва бир турнинг ўз ичида кураш қонунияти борлигини Форобий биринчи бўлиб англаланган эди. Ҳайвонот оламида амал қиласиган бўёнун одам-ларда ваҳшийлик сифатларини туғдириб туришига эътиборни қаратган. Фозил ва жоҳил шаҳар ахли ўртасида куз берадиган курашда аклидрок тантана килишига Форобий қаттиқ ишонган ва жамиятдаги муносабатлар пировардида инсонийлашишига умид боғлаган эди.

Форобийнинг таъкидлашича, «барчаси ҳақ ёки барчаси уйдирма» деган икки қарама-қарши фикр бир-бирини асло истисно этмайди, балки бири иккинчисини тақоза этади: улар алоҳида ҳолда эмас, балки факат биргаликда, уйгунилкда бўлғандагина ҳақиқат рўёбга чиқиши мумкин. Форобийнинг юқоридаги гояси бизнинг замонамизда янгича тафаккур қўлини услугининг юзага қелишин ва қарор топиши учун нечоғлик аҳамиятга молик эканлигини англаш кийин эмас. Хусусан, илоҳиёт ва фалсафа намояндадар ўз назарий қарашларида, амалий фаолиятларида бу қоидага амал қиласалар, одамзоднинг батамом инсонга айланиш жараёнини тезлаштирган бўлардилар,

Илм-фан аҳллари — донишмандлар, қанчалик аччиқ ва кўнгилсиз бўлмасин, ҳақиқатта тик қараб келганлар, илмий ҳақиқатлар тантанаси учун фидойилик кўрсатганлар. Бу ҳақиқат шундан иборатки, ҳозирги одам зоти қандайдир мўъжиза орқали ёки биологик тасодиф туфайли пайдо бўлмаган, балки шу Она-табиат узок тарихий-тадрижий (эволюцион) тараккиётининг маҳсули ва натижаси ўлароқ алоҳида тур сифатида вужудга келган. Бинобарин, биз ўзимизни қанчалик улуғламайлик, барибир, одамнинг ҳозирги зотида ижтимоий моҳият биологик моҳият билан биргаликда мавжуддир. Қаерда ва қачонки маънавий-рухий ва ахлоқий муаммолар каби ниҳоятда нозик соҳага эътиборсизлик бўлар экан, ўша ерда одам зотида биологик моҳият юзага шундекнина қалқиб чиқиб, ҳайвоний инстинктлар, ҳирслар ривожлана бошлади. Бундай жараёнга бефарқ қараб бўлмайди, чунки борди-ю, лоқайдлигимиз туфайли унга йўл очилса, одамлар жамияти ўрнига одамсимонлар галаси шаклланиб қолиши ҳам мумкин. Шу ўринда «одам» тушунчаси билан «инсон» тушунчаси ўртасидаги фарқни англаб олиш лозим. (Тушунчаларда ифодаланган ҳақиқий мазмун асосида муносабат белгилашга одамларни ўргатиш илм-фан аҳлининг бурчидир).

Албатта, одамнинг баркамол инсонга айланиши учун бир қатор

объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар керак. Моддий фаровонликни тъминлаш асосида бу муаммони ҳал қилиш мүмкін, деган майллар тобора кучайиб бораётган замонамизда умуминсоний муаммога бундай қарашлар ўзининг бирёкламалиги билан хавфидир. Чунки маънавий олами қашшоқ бўлган, яъни нмонсиз, эътиқодсиз одам эҳтиёжини ҳар қандай тўкин-сочинлик, кўркам кийимлар, безаклар, шинам бино ва ашёлар билан қаноатлантириб бўлмайди. Одам табиатидаги бу ҳолатни эътибордан сокит қилиш катта хатоликка йўл кўйиш бўлади. Факат маънавий олами бой, ахлоқи пок кишиларгина мавжуд моддий шароитларга шукроналар келтириб яшаган ҳолда, янада яхшироқ ҳаёт учун шароит яратиш йўлида астойдил мөхнат қиласидилар, ижтимоий фаоллик кўрсатадилар, бошқаларга тақлид объекти, ибрат ва намуна бўладилар.

Нутқ тили ва мураккаб тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган одамнинг бу зоти факат табиат бағрида эмас, айни чоғда жамият қўйнида ҳам яшайди; жамият унинг иккинчи ва аммо ниҳоятда зарур моҳияти намоён бўлиши учун шароит ролини ўйнаши лозим. Ана шу зарурият туфайли Ер юзининг ҳамма жойида одамлар муайян тарихий даврда гала-гала яшашдан уруғ-уруг, сўнгра қабила-қабила бўлиб яшашга ўтдилар. Ақлли одам зотининг муайян жамоа ва жамият бағрида мўътадил ҳаёт кечириши, бу жамият умумий манфаатлари доирасида фаолият йўналишини белгилashi учун муайян маънавий-ахлоқий қадриятлар зарурлигини ҳатто ибтидоий аждодларимиз хис этганлар. Коҳин, афсунгар ва кекса авлод вакиллари ҳатти-харакатлари таъсирида афсонавий дунёкараш шаклланиб, ақл-идрокли одамларнинг имон ва эътиқодлари шу дунёкараш илгари сурган гоя, қадриятларни олий ҳакиқат сифатида қабул қилиб, муносабат белгилашга асосланган. Тараққиётнинг муайян босқичида ҳар хил минтақаларда, турли тарихий даврларда жуда содда фалсафий қарашлар юзага келган. У натурфилософиянинг йўналишларидан бири сифатида аввало ибтидоий диний тасаввурлар, сўнгра уруғ-қабила, миллий, ниҳоят, ҳозирги жаҳон динлари — буддизм, христианлик ва ислом пайдо бўлган.

Ақл-идрокли одам зотининг кейинги 2,5—1,5 минг йил ичидаги имони ва эътиқоди асосан диний дунёкараш олға сурган гоялар, қадриятларни ҳакиқат сифатида қабул қилиш (улар ҳакиқатми, йўқми — бундан қатъий назар), уларга астойдил ихлос қўйишга асосланади. Барча диний ташкилотлар, дин арбоблари ва ахллари одамнинг бу зоти учун муайян маънавий-ахлоқий қадрият ниҳоятда зарурлигини хис этадилар. Шунинг учун ҳам хоҳ жаҳон динлари, хоҳ миллий ва ёки уруғ-қабила динлари будмасин, уларнинг намояндалари ўзлари

кадрлаган юяларни, ахлок нормаларини боланинг жуда ёшлигиданоқ унинг онгига сингдириб боришга асосий эътиборни қаратганлар, жамоатчиликнинг каттиқ назоратини ўрнатиш лозим деб хисоблаганлар. Афуски, инсониятнинг бу ноёб тарихий тажрибасига кейинги ўн йиллеклар давомида назар-писанд килмай қараш, ҳатто уни хурофот деб тавсифлаш учун дунёвий давлат маҳкамларидан фойдаланиш кенг тус олди. Моддий фаровонлик таъминлангач, ижтимоий муҳофазага эга бўлган одамлар гўё ўз-ўзидан инсоний сифатларга эга бўлиб қолаверади, деган ҳаёлий бир фикр қарор топиб, у давлат сиёсатининг негизи бўлиб қолган эди. Бироқ, шундай шароитда ҳам, кўпгина диний ташкилотлар, дин ахллари одамнинг маънавий оламини қашшоқлаштиришга қаратилган ҳатти-харакатларга ўз имкониятлари доирасида қаршилик кўрсатиб, динларининг ҳалқ оммаси ўртасидаги таъсирини сақлаб қолишига эришилар. Натижала одатий онгда имон факат диндан келиб чиқади, диндор одамгина имонли бўлиб, маънавий-ахлоқий жиҳатдан пок шахс сифатида камол топади, деган фикр ёйилиб кетди. Бундай фикр-мулоҳаза эндиликда дунё миқёсида ижтимоий онг соҳаларини ҳам тобора кўпроқ қамраб олиб, ҳатто зиёлиларнинг қўзга кўрииған арбобларининг дунёқарашларида ҳам мустаҳкам ўрин олиб бормоқда.

Илм-фан ахллари учун ижтимоий, хусусан оддий ва якка шахс онгига қарор топиб қолган бир ғайриилмий нуқтаи назарга эътиборни қаратиш жоиз. Тарихий заруратлар туфайли юзага келган диний дунёқараш билан бир вактда фалсафий қараашлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг ғоя, қадриятлари атрофида ҳам имон, эътиқод шаклланиб борди. Зеро, бундай имон, эътиқод эгалари ҳаётни инсонга монанд тарзда қайта куриш, мамлакатлар, ҳалқлар ўртасида тинчлик, дўстлик, ўзаро манбаатли ҳамкорликка асосланган, нисбатан ижтимоий тенглик ва адолат қарор топадиган жамият ер юзида юзага келишига астойдил ишонадилар. Бу жараён муайян қонуниятлар таъсирида ривожланиб борса-да, аммо ана шу объектив ҳодисага таъсир кўрсатадиган инсон омили салмоқли бўлиши мумкинлигини эътироф этадилар, шундай қарашга ихлос қўйиб, шу асосда ҳаёт йўналишини белгилаб оладилар.

Имон—одамнинг инсонга айланиб боришининг муҳим маънавий шартидир. Имон одамнинг муайян ғоя ва ахлоқий қадриятлар реал ҳақиқат эканига ишончидан иборат маънавий-руҳий ҳолат бўлиб, акл-идрокли одам онги ва аҳволи-руҳияси (психикаси)нинг нодир ҳодисаси ва одам ўз-ўзини англаб олишининг ноёб воситаидир. «Фикрловчи мавжуддод» бўлган одамнинг ҳозирги зоти муайян имонга эга бўлмаса, у ўз-ўзини англаб олиши

кийинлашади; имонсиз одамлар учун ўз хузур-халовати, шаҳвоний хирс-туйғусидан бошқа маънавий «қадрият» колмайди. Шунинг учун фалсафий дунёкарашлар асосида шаклланган имон-эътиқод эгаларининг дин аҳллари билан бирлашиб, ана шу ижтимоий оғатга қарши курашишлари тарихий зарурият бўлиб турибди.

Фалсафий қараашларни ҳам, диний қараашларни ҳам олим ва уламолар, бинобарин, инсонлар ижод килган. Уларнинг фалсафий ва диний қараашларини кўпинча бир-бирига мутлақ даражада қарама-карши қўйиш ақлли одамлар иши эмас. Ҳар бирида ҳам мавҳум ва реал ҳақиқатлар бор. Шу сабабли ижтимоий онгнинг бу шакллари ўртасидаги тафовутларни ҳаддан зиёда бўрттириб, қабартириб, улардаги муштаракликни йўқ қилиб кўрсатиш тарихий ҳақиқатта мос эмас. Зеро, ҳозирги жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва шакланишида қадимги содда фалсафа — натурфилософиянинг таъсири кучли бўлган. Чунончи, христианлик қадимиий араб-яхудий (семит) афсоналари заминида вужудга келган. Унда Тавротнинг таъсиридан ташқари, стоиклар<sup>\*</sup> фалсафаси ҳам катта рол ўйнаган.

Барча динлар фалсафий-ахлоқий фикрларни жуда содда тарзда назарий онгта эга бўлмаган кенг ҳалқ оммасига тушунарли этиб, унинг қалбидан ўрин олишига асосий эътиборни қараттган. Масалан, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳадисларида «Динда ҳаддан ташқари гулув (яъни чукур) кетманглар. Чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда ҳаддан ташқари гулувлари сабабли ҳалок бўлганлар»<sup>1</sup> дейлиши тасодифий эмас. Бу даъват зоҳидликка, мугаассиблика қарши қаратилган. Зоҳидликни ҳозирги мусулмон уламолари ҳам қоралайдилар, улар ҳар бир мўъмин дунёвий ва охиратий манфатларни уйғуллаштириб бориши зарурлигини ғоят ўринли тарзда уқтироқдалар.

Қадимги дунё ва Ўрта асрда яшаган кўпгина файласуфлар одам ҳамма нарсани билишга қодир эмас, бинобарин, бошқаларнинг фикрига ишониш, ихлос қўйиш, эътиқод қилиш натижасида оламни, ўз-ўзини англаб боради, деган фикрни илгари сурган эдилар. Яна улар одам зоти дунё нимага асосланади, деган саволга жавоб бериш ҳаёт-мамот масаласи эканлигини хис этганлар. Оқибатда субстанция (бош асос) масаласи ўша замонларда ёқ кенг муҳокама, мунозораларга сабаб бўлган эди. Айрим файласуфлар дунё моддий нарса (материя)га асосланади деса, бошқалари дунё мавҳум, яъни умумий ғоя (руҳ)га асосланади, дер эдилар. Улар мана шу олий руҳнинг борлигига чукур ишонч (имон) мавжуд бўлиши лозимлигини доимо уқтириб

\* Стонклар — қадимги Юнонистондаги фалсафий мактаб тарафдорлари.

<sup>1</sup> Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, 1990, 62-бет.

келгандар, диний ваъз-насиҳатлар, ахлоқ-одоб маромлари гарчи умумисоний маънавий эҳтиёжлар асосида, одамларнинг муайян жамият ва маданият эътироф этган қонун-коидаларга ихтиёрий равишда амал қилишлари зарурати негизида вужудга келган бўлса ҳам, диний ташкилотлар, дин аҳллари умумисоний қадриятларда ўзига ҳамоҳанг бўлганларини авайлаб, эъзозлаб авлоддан-авлодга ўт-казишнинг тарихий тажрибада синалғанларини муқаддаслаштирганлар. Шу механизм ёрдамида инсоний фазилатларни тарғиб этиш орқали ўзлари ҳам, биринчи навбатда рӯхоний уламо эмас, инсон бўлганлиги учун эъзоз-эҳтиромга эга бўлганлар, ҳозир ҳам бўлмоқдалар. Динларнинг дунёқарашга доир ақидаларининг гайрииљмийлигини исботлашга берилиб кетиб, улар билан биргаликда сақланиб келаётган хайрли анъана, маданий-ахлоқий қадриятларни назар-писанд қўлмайдиган қарашлар таркиб топди. Ошкоралик, фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйип сиёсати шарофати ила ана шу бирекламалик барҳам топмоқдаки, умумисоний муаммоларни ҳал этиш учун диний ва илмий имон соҳибларининг самарали ҳамкорлиги вужудга келса, ажаб эмас.

Бунинг учун, аввало «имон» тушунчаси билан «дин» тушунчасини айнишлостиришдан иборат қарашлар илмий эмас, бинобарин, заарли эканлигини омма англаб олиши лозим. Ҳамма динглар, жумладан исломни ҳам маълум маънода имоншунослик деса бўлади. Зоро, унинг барча ибодатлари, маросимлари, ҳайитлари, рамзлари ягона бир мақсадга — одамларни Аллоҳга, унинг панд-насиҳатлари мажмуаси бўлган Куръоннинг барча оятлари илоҳийлигига қаттиқ ишонган, ўз ҳаётини шу руҳий ҳолат асосида белгилайдиган шахслар — ахли исломни камол топтиришдан иборат.

Хўш, илмий ҳақиқатларга, фалсафий қарашларга ишонган одамларчи? Ана шу таянч-ишонч асосида ҳам муайян руҳий ҳолат таркиб топиб, ҳаёт йўналиши вужудга келаётган экан, уларни имонсиз-эътиқодсизлар қаторига кўшиб юбориш адолатданми? Ҳозир биз яшаётган жамият учун ҳаф солиб турган ҳолат кўпгина одамлар, айниқса ёшларда таянч-ишонч асосида вужудга келадиган руҳий ҳолатдан иборат имон, эътиқод суюқлашиб, сусайиб бораётганийdir. Муайяни имон, эътиқод руҳи ёшларнинг онгига, қалбига гўдаклигидан оила, қариндош-уруж, ўкув ва меҳнат жамоалари, жамиятдаги ижтимоий муассасалар воситаси — ила сингдириб борилади. Ақл-идрокли одам зоти нима учун туғилганини, ҳаётнинг маъноси нимадан иборатлигини англаб, ўз ҳатти-харакатларида, фаолиятида ўзи яшаётган жамиятдаги қонун-коидалар, одоб-ахлоқ нормаларига қаттиқ риоя қилишга одатланиб бориши лозим. Бунинг учун жамоат-

чиликтининг қаттиқ ва изчил назорати зарур. Сўз билан иш бирлиги, шартномаларга амал қилиш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, ойланн боқиш, тарбиялаш, инсофли, диёнатли, адолатпарвар бўлиш, сахийлик, мурувватлилик, ўз ҳалқи, унинг маданияти ҳақида қайгуриш, миллӣ ифтихорнинг сёёкости қилинишига йўл қўймаслик факат имонли одамларгагина хос фазилатлардир. Зоро, имонли одамлар ўз ҳатти-ҳаракатларини ўлчайдиган мезон — муайян гоявий-ахлоқий қадриятга эга бўладилар.

Диний имон эгаси бўлган шахс учун асосий орзу диний ибодатлар, маросимларни бажариш, диний панд-насиҳатлар асосида ҳаёт йўналишини белгилаб, реал дунёда баҳтиёр бўлиш ва охиратда жаинатдан жой олишидир. Илмий ҳақиқатлар атрофида имони шаклланган шахслар учун эса асосий идеал (юксак орзу), ҳаётининг маъноси шу яккаю ягона оламда чинакам инсоний муносабатлар, умумий фаровонлик ва адолатни қарор топтириш учун курашда баҳтиёрликка, эл-юртининг иззат-икромига сазовор бўлиб, ҳаётида ўзидан яхши ном қолдириб, авлодлар қалбида умрини давом эттириш, яъни ижтимоий агадийликка мушарраф бўлишидир. Диний маънодаги имон билан дунёвий (илмий) маънодаги имон, эътиқод орасидаги тафовут ана шундадир.

Жамиятни демократик асосда қайта қўриш, ундаги ҳамма муносабатлар чинакам инсонпарварлик асосларида шаклланиб боришининг зарур шартларидан бири диний ва дунёвий имон эғанарининг ана шу тарихий вазифани ҳал этиш учун ягона бир иттифоқ бўлиб ҳаракат йўналишини белгилашига ҳам кўп жиҳатдан боғлик. Чунки ҳамма динда, жумладан исломда ҳам. бу дунё муаммоларига назар-писандсиз қараш қаттиқ қораланади. Ҳар бир дин ахли ўз эътиқодида турган ҳолда жамиятни демократлаштириш, инсонийлаштириш учун дунёвий имон, эътиқод эгалари билай бирлашиб, ахлоқсизликка, ўғирлик, товламачилик, мансабини сунистъемол қилиш, босқинчлилк, порахўрлик, тъмагирлик, тош-бағирлик, умуман имонсизликнинг барча кўринишларига қарши курашни кучайтирасалар, яшаб турган умумий уйимиз — жамиятимиз тезрок покланиши, ҳамма соҳада ибратли ишлар қарор топиши мумкин ва лозим.

Инсоннинг икки мохиятидан келиб чиқадиган ва доимо бир-бири билан ёнма-ён мавжуд бўлиб турадиган маънавий-рухий ҳолатини асло эътибордан сокит қилиб бўлмайди. Булар сираасига поклик ёки нопоклик, сахийлик ёки очкўзлик, меҳр-шафқат ёки тошбағирлик, инсоф ёки ноинсофлик, виждон ёки виждонисзлик, эзгулик ёки ёвузлик, каби руҳий ҳолатлар киради. Муайян вазият-

тақозаси билан улар бир-бирига ўтиб туради. Гүё одамда иккى қиёфа ва иккى қалб бир вактнинг ўзида мавжуддек туюлади. Биологик моҳият туфайли қалбдаги хайвоний майларга эрк берип юборилса, одам инсонлик сифатларидан қадам-бақадам маҳрум бўлиб бораётганини ўзи ҳам англамай қолади; бу ножинс майларнинг ёвуз руҳи қарор топиб қолмаслиги учун одам онги, қалби доимо изчил равишда эзгулик руҳидан озука олиб туриши лозим. Аслини олганда, илмий қарашлар ўз олдига одам моҳиятидаги ёвузлик руҳини бартараф этиб, эзгулик руҳини қарор топтириш мақсадларини на- зарда тутади. Демак, одамни инсонга айлантириш маъносида хурфиксрилик билан теизм (художўйлик) ўз олдига кўйган мақсадлар бўйича уларда муштараклик мавжудки, биз бошдан кечираётган ҳозирги тарихий давр шу муштарак мақсадлар йўлида ижтимоий кучларнинг бирлашиши, иттифоқ бўлишини тақоза этади.

Одамзотга эзгулик руҳини қарор топтиришда маросимчиликнинг роли катта. Ҳозир Марказий Осиё ҳалқлари, жумладан ўзбек ҳалқи қадрлаб келаётган кўпгина маросимларнинг чукур тарихий илдизлари бор. Масалан, Наврӯз байрами, Гул сайллари тантаналари, ҳосил (Рўзи меҳр) байрамлари исломдан бурунги бу ердаги ҳалқлар эътиқодларини гандалантиради. Ҳозир ўзбеклар амал қилиб келаётган тўй, фасл, касб ва дафи маросимларининг асосий кўпчилиги асло исломдан келиб чиқмайди. Шундай бўлишига қарамай, СССР мавжудлигига имон, эътиқодининг тайини йўқ кишилар уларда хурофот, бидъат элементларини кўриб, ана шу маросимларни ўтказган ёки унда қатнашган кишиларга нисбатан адолатсиз муносабатларни қарор топтиришга уриндилар. Бинобарин, ижобий маросимларни анъанага айлантириш ҳам одамларга эзгулик руҳини сингдириб, уларда имон-эътиқодни қарор топтиришга хизмат қилас экан, Худога ишонувчилар билан ишонсият Ақли-заковатига ишонувчилар бу масалада ҳам ҳамкорлик, ҳамнафаслик вазиятида маросимчиликнинг тантанавор, одамларнинг оиласвий бюджетларига ортиқча завол келтирмайдиган тарафда ўтказишга бўшилари мумкин.

Имон, эътиқод, одоб-аҳлоқ масалалари бошқа диний ва илмий қарашларнинг қай бирини танлаши, мажуллани ҳар бир кишининг виждонига ҳавола бўлиб колиши ўринилидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конун ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон хукуқлари Декларацияси» ҳам шуни талаб этади. Дин аҳллари билан маданият намояндалари имон, эътиқод, одоб-аҳлоқ масалалари бўйича қенг мунозаралар олиб боришлари мумкин.

Бу тадбирнинг афзаллиги шундаки, бундай мунозараларга одамлар, хусусан ёшлар жуда қизиқиб қарайдилар. Мунозара соглом вазиятда, томонларнинг муаммони аниқ тасаввур этгандари ҳолда ўтиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мунозарада томонлар ўзининг ҳақилигини намойиш этиши ниятида ўзаро бир-бирларига тъяна тошлари отишдан тийилишлари лозим бўлади. Бундай мунозаралар аниқ далил, исботланган гоя, тасдиқланган факт, ёрқин мисол, илмий хуроса, ишончли таълимот, конкрет фикрга асосланган бўлиши керак. Мақсад одамнинг чин инсонга айланаб боришида имон-эътиқод ва одоб-ахлоқнинг изжобий мавқеи, фаол ролига қаратилса, томонларнинг ўзаро поёни йўқ, демак, самарасиз тортишувлардан холи бўлишлари учун имкон тугилади.

Насимий, Умар Ҳайём, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Навоий, Турди, Фаробий, Машраб каби ҳам илоҳиётги, ҳам файласуф шоир ва алломаларнинг ҳаёт йўллари имонли бўлиши машҳақатларини англаб олишга ёрдам беради. Улар мансуб бўлган тасаввуф тариқати одамнинг чин инсонга айланishi йўлларини қидириб, нахот йўли худога сигинишида эмас, балки уни севиш ҳис-туйғуси орқали баркамолликка эришишдадир, деб ҳар бир киши имонли инсонга айланishi мумкинлиги гоясини илгари сурғанлар. Улар ижодининг умумий йўналиши одам қалбини ҳайвоний ҳирслардан озод этиб, инсоний рух — худога ишонч, имон нури билан тўлдиришга қаратилган. Шу маънода улар золим амалдор, ҳоким ва зоҳидлардаги ҳайвоний ҳирслардан келиб чиқадиган қусурларни қаттиқ танқид килганлар. Одамни инсонликка даъват этган тасаввуфининг кўпгина намояндалари шунииг учун «коғир» деб эълон қилиниб, терисига соғон тиқилган (Насимий), дорга осилган (Мансур ибн Ҳаллоҳ, Машраб), қувғин остига олинган (Умар Ҳайём), сургун қилинган ва ҳоказо.

Тарихий ҳақиқат ҳам, бизнинг кунлардаги воқеликлар ҳам одамнинг ўз ҳайвоний мөхиятидан узилиб, чин инсонга айланishi жараёни жуда машҳақатли, азоб-уқубатли, ҳавфли йўл бўлганлигидан далолат беради. Тўла маънодаги ва имонлиликнииг юқори мақомида турган кишилар ва диндорлар мана шу қийин йўлни ўз ихтиёрлари билан танлаб олганлар. Бу йўлда учрайднган барча азоб-уқубатлар, машҳақат ва маҳрумликларга бардош бериб, уларни енгиг ўтишга астойдил интилганлар ва ҳар қандай вазиятда ҳам имон-эътиқодларига содик бўлиб қолганлар.

Сиёсий қарашларга монанд равища Марказий Осиё ҳалқлари тарихи ва маданиятида мухим роль ўйнаган, тараккийпарварлик нуктаи назарларида туриб фикр юритган барча файласуф, илоҳиётчи,

шоир, ёзувчи ва ҳатто ҳокимлар учун асосий эътиқод манбаи бўлган, хусусан одамнинг инсонга айланиши ахамиятини аиглашга ёрдам берадиган тасаввуфга муносабат қайта кўриб чиқилаётгани гоят ахамиятлидир.

Фан йўлига ўзини бағишлаган инсон ҳам токи бошқа хузур-халоватлардан воз кечиб, ўзини илм йўлида фидо қилиб, у билан қўшилиб қетмаса, жиддий бир янгилик яратса олмайди. Умуман ҳар бир қасбга мукаммал эга бўлиш учун муайян боскичлар (маънавий ва жисмоний машакқатлар)ни босиб ўтиш, аммо ҳамма макомда ўзини ўша қасбга бағишлаш, сафарбар этиш лозим бўлади. Бундай руҳий ҳолатсиз одамзот бирон-бир нарсага мушарраф бўлиб, ўз истеъоди ва қобилиятини намоён этиши амри маҳол. Демак, тасаввуфда жуда улкан дунёвий ҳақиқат борки, буни англаб этиш учун у таълимотнинг устки томони — ходисаси остидаги моҳиятини англай билиш лозим. ~~Моҳият мусиҳоҳи шарифи ҳамони ҳамони ҳамони ҳамони ҳамони ҳамони~~ маданияти ва бошқа соҳа бўлмасин, ҳақиқатта этишиш йўли ниҳоятда машакқатлидир. Шу йўлни босиб ўтишга бардош бера олган одамгина чин инсонга айланиши мумкин, яъни ҳақиқат, адолат, қасб-корга муҳаббат тимсоли бўлиб қоладики, бундан сўнг уни танлаган йўлидан қайтариш мумкии эмас. Чунки бу йўл унинг учун ҳаёт мазмуни бўлиб қолади.

Жамиятни ислохотлар оркали инсонийлаштиришдан барча имонли кишилар манфаатдордир. Имонсиз одамлар ижтимоий жараённинг бундай тус олишидан манфаатдор эмаслар. Бинобарин, улар бу жараёнга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатишлари табиий. Зеро имон, эътиқод эгалари барчаси бирлашса, текинхўрларча ҳаёт қечириш, маънавиятсизлик, эътиқодсизликнинг қарор тошицига ўрин қолмайди. Имон, эътиқодли одамлар шу муаммони ҳал этишдаги иттифоки юқоридаги тўсиқлар ва қаршиликларни бартараф этиш учун кафолат бўлур эди. Бу, ўз навбатида, илгари бўлганидек, диний ақидаларга ишонувчилар билан илмий ҳақиқатларга ишонувчиларнинг бўлиб ташланишига йўл қўймасликни тақоза этади. «Орани бузу — ҳукмрон бўл» тамойилининг қарор топишига шу жиҳатдан ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Буни диний ва илмий арбоблар ҳам, сиёсат тепасида тургани ва имон-эътиқодга эга бўлган шахслар ҳам назарда тутиб, фаолият йўналишини белгиласалар, Ўзбекистонда ижтимоий адолатга асосланган жамият қарор топиб, жаҳон маънавий-маданияти хазинаси янги қадриятилар билан бойиб бораверади.

Динишунослик асослари.  
Т., «Ўзбекистон» нашр., 1995. — 212—224 б.

## ИМОН ВА ИМОНЛИЛИК ШАРТЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ИДРОКИ

Сўз — дил гавҳари, тафаккурнинг улуг неъмати. Бинобарин, бизнинг онгимиз ва тафаккуримизда мавжуд бўлган фикрларни сўз ва еўз бирикмалари орқали ифодалар эканмиз, аввало ўша мулоқатдаги сўзлар ва сўз бирикмаларида ўз ифодасини топадиган мазмунни англашимиз ва шундан келиб чиқиб нарса, ҳодиса, жараёнларни баҳолаб, муносабат билдирийшимиз лозим бўлади. Улуг алломаларимиздан бири Сўфи Оллоёр одамлар ўргасидаги муносабатларда сўзнинг ўз ўрнида ва мазмунини англаган ҳолда ишлатишнинг аҳамияти бағоят катта эканлигига эътиборни жалб килган эди. Халқимиз орасида «Сўзга эътиборсиз — элга эътиборсиз», «Яхши сўз билан илон инидан чиқади, ёмон сўз билан мусулмон динидан чиқади» деган дурдона фикрларнинг остида олам-олам донишмандлик бор. Ҳозир Фарбий Оврупо мамлакатларида сўзни ишлатиш санъатини ўргатадиган маҳсус фан — герменевтика шакллангани ҳам тасодиф эмас. Фарбда лингвистик фалсафа борлигига ҳам ажабланмаса бўлади.

Ўзбекистон мустақил бўлгач, мактаб ўқувчиси, талаба ва оддий фуқародан тортиб кўзга кўринган ёзувчи, журналист, олим ва снёсатчигача имон сўзини жуда кўп ишлатадиган бўлиб қолди. Бирок бу улуг ва мўътабар сўзни ҳар ким ўз билганича, ўз хоҳишича ишлатиб, кўпинча бу сўзниг асл маъносини бузган ҳолда тушунади ва тушунтиради.

Ўзбекистонимиз мустақиллик шарофати – ила оламга юз тутган ва олам ўз бағрини катта очиб уни қаршилаётган экан, бу ҳол мана шу республикада яшаётган ҳар бир одамдан жуда катта масъулият талаб этаётганини ҳамма, аввало ёшларимиз билашлари керак. Зоро, бугунги мактаб ўқувчиси, Олий ўқув юрти талабаси эртага ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг зиддиятли майдонига бел боғлаб тушади. У орқали сиёсат билан тўқнаш келади ва муйаяян миллий сиёсий йўлни амалга оширишга киришади. Ёшларимизнинг элда, дунёда эътиборли бўлишлари қўп жихатдан уларнинг имон-эътиқод тушунчаларига муносабатлари билан ҳам белгиланади, десам муболага бўлмас. Агар биз чинакам имонли ёшларни, имони бутун кишиларни тарбиялай олсак, оламга танилган буюк аждодларимизнинг улуг анъаналарига содик қолган бўла оламиз. Аждодлар маънавияти янги авлод маънавияти билан пайванд бўлгандағина тараққиёт бўлади, маънавият қарор топади,

Бугунги илмий ва бадиий адабиётларда, оммавий ахборот воситаларида «одам» сўзининг фалсафий тушунчаси биосоциал мавжудотни англатса, «инсон»нинг фалсафий тушунчасида социал биологик мавжудот маъносига кўпланилиши лозим. Яъни одам хали ўз ҳайвоний-зоологик қусурларидан тўла ҳоли бўла олмаган, ўз нафсини роса чегаралаш қобилиятига эга бўлмаган мавжудот бўлса, инсон муайян жамият, ижтимоий муҳитдаги конун-қоидалар, тартиб-интизомлар, одоб-ахлоқ маромлари доирасига хатти-харакат белгилайдиган, фаолияг кўрсатдиган мунахвар зотdir. Демак, у муайян дунёқараш руҳида тарбия топган ва бу дунёқараш тимсолига айланган имонли одамdir. Шунинг учун фалсафий маънода имон — чин иисонийликнинг намоён бўлишидир.

Бироқ бугунги индивидуал, одатий ва ҳатто нжимиий-миллий онгда “дин” билан “имон” тушунчалари айнан бир маънода англаниши одат тусига кирган, ҳатто «имон» тушунчасининг мазмуни ~~шамалда тарайтиришиб у соғ исломий маънода кўпланимояд~~. Бу билан «имон» тушунчасига лоақал ислом илоҳиёти доирасига ҳам муносабатни белгилай олмаяптилар. Ислом илоҳиётчилари «дин» тушунчасига имон, эҳсон ва ислом (яъни тинчлик) маънолари борлигига эътиборни қаратишган. «Имон» тушунчаси «дин» тушунчасидан фарқли равишда ишонч, эътиқод, сўз билан икрорлик ва амал бирлигини ифодалайди, дейишган. «Хужжатул ислом» номи билан машҳур мутакаллим Абу Ҳамид ал-Ғаззолий «Имон» билан «дин» тушунчаларидаги умумийлик билан бирга фарқ ҳам борлигини таъкидлаган. Алломанинг фикрича, тавакқул (худога таяниш) имоннинг таркибий қисми бўлиб, умуман унда илм, ҳолат ва ҳаракат бирлиги ўз ифодасини топади. «Илм, — дейди ал-Ғаззолий, — моҳият эътибори-ила имон ҳамdir, зеро — имон қалбнинг эътиқоди, бу илмdir». Ҳадиси шарифларда ҳам илм олиш имонлиликнинг асосий белгиси сифатида талқин этилади, яъни бир соат илм билан шуғулланиш, машғул бўлиш бир кечадан ибодат қилишдан афзалдир, дейилади.

Ал-Ғаззолий Аллоҳга ишонч маъносидаги имон тўрт маънавий-руҳий ҳолатда бўлишини кўрсатган. Биринчисини мунофиқлик имони, иккинчисини изҳорга муҳтож (омонат) имон, учинчиси, яқинлашув имони, тўртинчиси фанога, яъни ҳақиқатга айланган имон деб тавсифлаган.<sup>1</sup>

Куръоин Каримда имонли одамларнинг белгилари қуидагича тавсифланади. Улар мўмин, ройиш, ювош, итоаткор, куруқ сўзлик (маҳмадоналиқ)дан қочувчи, покликка интилувчи, ўз ваъдалари,

<sup>1</sup> Карапг. Абу Ҳамид ал-Ғазали. Воскрешение наук о вере (Ийҳа улум ад-дин). М., 1980, стр. 204—205.

шартномаларига риоя этувчи, итоатта амал қилувчилардир. Умуман ислом сўзи «Салом» сўзининг синоними сифатида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ўзаро келишувни улуғлайди ва имонли одам албатта бу сифатларни ўзида гавдалантириши керак бўлади.

Тасаввухнинг нақшбандингийлик сулукida одамнинг ички туйуси, кечинмалари, Ҳаққа етишга бўлган машаққатли изланишлари диний маросимчиликдан, яъни мусулмончиликнинг ташки кўринишларидан устун кўйилади Шу тариқа тасаввухда имон энг олий қадриятга айланади. Имонли одам бошқаларнинг дилига озор бермайди, балки одамлар қалбига нур, зиё улашади, уларни фақат яхши, эзгу амалларга ўргатади. Машраб шу нұктай назардан туриб бундай дейди:

Тавофи оламий дил қил, жаҳонда бир башардинсен,

Агар бир дилни оғритсанг, юзар Каъба бузилмаесу.

Ёки Абдулла Авлонийнинг ушбу фикрлари ҳам диққатга сазовордир:

Хақ йўлида икки Каъба бўлмиш ҳосил,

Бир Каъбаи суврати эса, бири Каъба дил.

Сен сайла ва дилларни зиёрат айла,

Минг Каъбадан ортиқроқ эмишдир бир дил.

Шу нұктай назардан қараганимизда, ислом фундаментализми, экстремизми, ақидапарастлиги ва вахҳобийлик оқимида бўлган кишиларни исломнинг 5 амалини бажаришларига караб эҳтимол дикдорлар, руҳонийлар, мусулмонлар ҳам дейиш мумкинdir, аммо уларни Ислом каломи ва илоҳиёти бўйича ҳам асло имонли кишилар категорига кўшиб бўлмайди. Чунки мусулмои, христиан, буддавий бўлиш, динларнинг талабларини бекаму-кўст бажариш осон эмас, бироқ имонли инсои бўлишга интилиш ундан ҳам қийин, ундан ҳам машаққатлидир. Имонли одам барча маҳрумликларга онгли равишда бардош берган ҳолда ҳалол-поклик, инсоф-диёнатлилик, сахийлик, эзгуликни улуғлаш ва ёвузликка қарши кураш, ватанпарварлик, ҳалқпарварлик каби фазилатларни ўзида гавдалантиришга ҳаракат килади ва шунга эришади. У маънавий гўззаликни моддий тўкин-сочинликка асло қурбон қилмайди. Одамлар учун яшаш, улар дилини ўринисиз оғритмаслик, бироннинг ҳақига хиёнат қилмаслик имонли инсоннинг хаёт дастуридир.

Биз ёшларни аввало тарихий хотира билан қуроллантириш ва бугунги реаллик билан тўла-тўқис ошно қилишимиз лозим. Тарих шундан шоҳидлик берадики, ислом ақидаларининг аксарияти эзгу максадлар йўлида одамларни бирлаштиради. Тарихий хотира яна

шундан далолат берадики, исломнииг айрим ақидаларини унинг контекстидан юлиб олиб, сиёсий мақсадларни амалга ошириш, шу мақсадлар атрофида алданган одамларни бирлаштириш ҳам мумкин. Хатто исломни рӯкач қилиб, Туркистаннинг уч хонлиги ўртасида қирғин-барот урушлар олиб боришгани оқибатида тараққиётдан 400 йил орқага кетиб қолиниб, пировардида мустамлақа тизимида яшаганимиз ҳам фактдир. Бугунги реалликка теран қўз билан қарасак, Жазоир, Афғонистонда ислом ақидапарастлиги шиорлари остида мусулмонлар бир-бирларини қирғин килаётгандиларидан кўз юмиб бўлмайди. Ён кўшнимиз Тоҷикистанда бўлиб ўтган фожиалар ҳам ҳар биримизни жiddий ўйлантириши керак. Ана шундай ҳолатдан хабардор бўлган ҳолда баъзи ўзбек зиёлилари ислом билан ислом ақидапарастлигининг фарқига бормаёттанига ҳайрон қоласан, киши. Баъзилар исломга тил теккизманглар, «Ислом — энг инсонпарвар дин» деган нуқтаи назарда турадилар. Гап асло ислом, яъни тинчлик дини ҳакида бораёттани йўқ, балки исломни сиёсийлаштириш уни мафкура воситасига айлантириш мумкин эмаслиги хусусида бораёттанини улар, афтидан, англашмайдилар. Зоро, зиёлиларимизнинг талай қисми ислом ва унинг фалсафасидан жуда юзаки билимга эга бўлганларни сабабли, ислом фундаментализми ва ақидапарастлиги моҳиятини обдон билмайдилар. Ҳамма динларда ҳам ақидапарастлик, мутаассибликка озиқ берувчи гоялар бор. Улар тарихий, ижтимоий-психологик ва гносеологик илдизларга зга. Ақидапарастлик, мутаассиблик сиёсий мақсадлар учун ҳокимиятни кўлга киритишида авом ҳалқни лақиљлатиш воситаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам маҳаллаларда, мактаблар ва олий ўқув юртларида ислом билан ақидапарастлиги ўртасидаги жiddий фарқларни малакали равища тушунтириш ишларини кенг уюштириш мухимdir.

Бугунги кунда имон муаммосига илмий ёндашиш бағоят мухим, бўлиб турибди. Маънавият ва маърифатнинг бутун йўналиши, жумладан, диний маърифатнинг гоявий йўналиши ҳам одамларни, хоҳ ислом, хоҳ христианлиқ, хоҳ буддавий, хоҳ илмий-маърифий йўл билан бўлсин, имонлилик руҳида тарбиялашга қаратилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Бунинг учун индивидуал онгда ҳам, ижгимий онгда ҳам имонни нафақат диний-исломий, шу билан бирга фалсафий мазмуни ҳам борлиги англаб олиниши бағоят мухимdir.

Маълумки, «имон» сўзи арабча бўлиб, у ишонч, эътиқод маъноларини англатади. Фалсафий маънода бу ўзаро ишончга асосланган индивид ва ижтимоий гурух ҳамда жамоаларнинг муайян маънавий-рухий ҳолат мазмунига эгадир. Имон, бевосита маълум дунёкаран билан бөғлиқ бўлган ва индивиднинг ички олами

«Мени» – бутунлик (Аллох, уч юзли Якка Худо, Олий рух ва бошқа Олий ибтидолар, шу билан бирга Олий ижтимоий мақсад ғояси) билан боғланишга интилиши натижасида ҳосил бўладиган алоҳида руҳий ҳолат ва бунга содик қолишга бўлган ички аҳдномани англатади.

Одамнинг инсонга айланиб боришида имонлиликка интилишнинг мақоми бекиёсdir. Бу соҳада ҳамма динлар жуда кагта тарихий тажриба тўплаганилар. Динлардаги барча асосий даъватлар, ибодатлар мазмуни, анъянага айланган расм-русумлар, урф-одатлар, маросимларнинг барчаси битта Олий мақсад — Худо ва унинг муқаддас кигобларида баён этилган рухсат ва тақиқларга сўзиз ишониш, унга калима келтириш, яъни сўз билан икрор бўлишига қаратилгандир. Индивид руҳонийлар раҳбарлигида Худога ишонишни ҳар лаҳзада сўзлар (дуолар) орқали икрор этиб боради, ўз аҳдига содик қолиш учун мунтазам қасамёд қиласди. Шу жараёнда индивидда махсус руҳий ҳолат вужудга келадики, уни имон сўзи билан баён этилади.

Динларда индивиднинг Худога ишониши (имон келтириши) турли психологияк дараҷаларда бўлишини илоҳиётчилар яхши билишади. Шу мақсадда улар имон бутунлиги учун шахсий ибрат ҳам кўрсатадилар. Инсонга идеал керак. Нафақат Худо, пайғамбарлар, балки динни қарор топтириши йўлида азоб чеккан барча кишилар, азиз-авлиёлар, қадр топган руҳонийлар, уламолар ҳам диндорлар учун ибрат мактаби ролини ўйнайдилар.

Фалсафий дунёкараш ҳақиқатларига ишонган, унга ихлос кўйган одамларда ҳам махсус маннавий руҳий ҳолат вужудга келади. Агар индивид ўргангандан фалсафий оқимда чинакам инсонпарварлик ғоялари етакчи бўлса, одамда ноёб инсоний фазилатлар шаклланади. У ҳаёт маъносини тўғри англаб, фаолиятини инсоний изга солиб юборади. Бинобарин, фан ҳам, фалсафа ҳам ишончни тақоза этади, чунки фан аксиомаларига ишончсиз одам тадқиқот соҳасига қадам кўймаган бўлур эди. Умуман одам муайян ҳақиқат ва қадриятга ишончсиз яшай олмайди. Кўп олимлар кундалик ҳаётда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятда одамлар ўртасидаги ишончни имонга тенглаштирганлар, уни билиш воситаси деб ҳисоблаганлар. Масалан, Афлотун билишда биринчи ўринга ақлни, иккинчи ўринга фахм-фаросатни, учинчи ўринга ишончни, тўртинчи ўринга ўхшатишни, қиёслашни кўйган. Пармениднинг фикрича, имон ёт одамларнинг фикрини ўзлаштириш усулидир. Альберт Великий имон билимдан илгарилаб кетади, зоро, унинг ёрдамидагина ҳақиқатни топиш мумкин, деган. Угринович талқинида имон шахснинг муайян

предметта алоҳида ҳиссий-баҳовий муносабатидир.

Ўзбекистон ёзувчилари, шоирлари ижодида ҳам «имон» ва «ишонч» тушунчалари кўпинча айнийлаштирилади.

Юрак чакмоқ теккан осмон юзидаи

Лекин эътиқоди, имони бутун.

Зулфия бунда «имон» сўзини эътиқод билан айнийлаштиришига қарамай, маънавий оламининг поклиги, иродасининг мусхаҳкамлиги билан боғлади.

Тўра Сулаймон ҳам «имон» ва «эътиқод»ни маънодош тушунчалар деб билади ва, ўйлаймизки, у имонни диний мазмунда талқин эгиб, ўз пушаймонлигини яширмайди:

Дунёда энг бебаҳт, армонли зотдай,

Юрак-бағри яра, вайронли зотдай,

Эътиқод, имони гумонли зотдай,

Очиқ кетар бўлди кўзларим менинг

Иzzат Султон собиқ Шўролар даврида «Имон» деб аталган драматик асар ёзган ва у жуда муваффақиятли чиққан эди. Ўша спектаклда профессор Комилов имонга маънавиятнинг асоси сифатида қарайди ва, бинобарин, ўз ўғлининг товламачи бўлгани учун имонсиз деб, уйдан ҳайдайди. Агар бойлик хонадонимга кириб, имон чиқадиган бўлса, ўт кўяман бундай бойликка, деган мазмунда гапиради.

Уламоларимизнинг маърифий чиқишилари, панд-насиҳатларида ҳам «имон» билан «дин» тушунчалари айнийлаштирилади, яъни мусулмон одамгина имонли ҳисобланади,

Абу Али ибн Сино тушунчавий тафаккурни шакллантиришнинг мухимлигига эътиборни қаратган эди. Зоро, мақсадни белгилаш ва одамларни бу мақсад атрофида бирлаштириш учун кўпчилик эътироф этган ялпи умумий жозибали тушунча албатта керак.

Фикрлашимизча, имон жамиятда маънавиятни қарор топтирадиган, одамни инсонга айлантириш учун кудратли руҳий воситадир, демакки, Конституциямиз руҳига монанд у одамларни миллати, дини, ирқидан қатъий назар бир-бирйга яқинлаштирадиган, ҳамкор, ҳамнафас бўлиб ўзаро ишонч билан яшашга имкон берадиган жозибали тушунчадир.

Фалсафа эндилиқда нафакат дунёкарашни, у билан боғлик ҳолда имон ва эътиқодни ҳам шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб кўйиши лозим. Чунки имон туфайлигина фалсафий дунёкараш оммавий онгда қарор топиб, у одамларда маънавий гўзаллик ва ахлоқий покликка кучли эҳтирос ҳисларини тарбиялаши мумкин.

Имённи фалсафий категория сифатида тушуници, уни шундай

талкин этиб, муносабат белгилаш ўзбек зиёлиларимиз учун жуда оғир кечмоқда. Уларнинг бир қисми имон факат ислом динига хос феномен деб тушунсалар, бошқалари имон хусусида фалсафий талқинни атеизмга қайтиш деб баҳоламоқдалар. Ҳатто улар «дин» худудига «боши суккун» мумкин эмас, «Исломий эътиқод қалб мулкига айланган» кишигина бу ҳақиқатни англай олади, деб имон масаласида ҳатто баҳс юргизишга ҳам қарши чиқмоқдалар.

Имон иккита ёки бир нечта бўлади, деган фикр ҳеч қаерда баён этилмаган. Одам ўзи бир олам бўлгани сабабли, у имон йўналишларидан бирини танлаб олади ва бу унинг гражданлик ҳукукининг таркибий қисмидир.

Гап имон оддий ишончдан фарқ қиласиган муайян дунёқарааш билан узвий боғлиқ бўлганилиги сабабли имон йўналишлари ҳатто дин доирасида ҳам айнан бир эмасдиги ҳақида боради. Чунончи, тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, биз яшаб турган дунёда учта жаҳон динидан ташқари, ўнлаб миллий динлар ва юзлаб мазҳаблар бордир. Уларнинг ҳар бири руҳонийлари ўзлари мансуб бўлган дин ақидаларини ҳақиқатнинг охирги нуктаси сифатида ўз қавмларига тушунтирадилар. Агар мусулмон Аллоҳга имон келтирса, христиан уч юзли якка худога имон келтиради. Лотин Америкасидаги Индуз Биби Марямга имон келтириши мумкин. Шундай қилиб диний имон йўналишлари хилма-хил бўлган ҳолда мазмунан олий бир ибтидога ишонч руҳининг қалбда қарор топишидан келиб чиқиб дунёни англашдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, собиқ Шўролар даврида большевиклар инсон маънавий ва руҳий таянчн бўлган динлар орқали одамлар аҳволи руҳиясидан жой оладиган имонни тортиб олиш учун зўй бериб уриндишлар. Улар имон ўрнига атеистик эътиқодни одамлар маънавий-руҳий таянчига айланишига умид боғладилар. «Илмий атеизм» номи билан аталган ўша атеизм асло илмий эмаслиги, балки у сиёсий атеизм эканлиги эндиликда аён бўлди.

Одамлар, ҳалклар назарида сиёсий атеизм маънавий-руҳий таянчдан ва ахлоқ-одобдан маҳрум этадиган, умуман инсонларни маънавий-руҳий жиҳатдан қашшоқлаштирадиган алоҳида соҳага ўхшаб колди. Бинобарин, собиқ Шўролар даврида яшаган одамлар назарида атеизм хурфиксаликнинг бир йўналиши эмас, балки уларни таянч-ишонч — имондан маҳрум этадиган гоявий оқим сифатида намоён бўлади.

Хозирги дунё илгариги XX аср ўрталаригача бўлган ва, маълум маънода, алоҳида-алоҳида минтақалардан иборат дунёлардан тубдан фарқ қилиб бормоқда, ИТИ туфайли биз яшаётган дунё бир бутун

бўлиб қайта шаклланмоқда. Иқтисодий, сиёсий, маданий интеграция ҳамда коммуникация ва информатиканинг замонавий воситалари туфайли элатлар, ҳалқлар, милллатлар турмуш тарзи, у билан боғлик ҳолда тафаккур тарзи жиддий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бундай шароитда илгариги анъанавий тушунчалар янги мазмун билан тўлиб, янги тарихий шарт-шароитлар тақовозаси билан бойиб бормоқда. Гап «Имон» тушунчасининг албатта фалсафий мазмунни ва талқини устида боряпти. Файласуфларнинг илмий, ижодий фаолиятлари туфайли, «Имон» тушунчаси соғ диний мазмундан фалсафий мазмун касб этиб бормоқда. Бу муаммога бағрилантган илмий мақолалар, монографиялар ва китоблар нашр этилади. Уларда инсонда имон диний йўл билан ҳам, илмий-маърифий йўл билан ҳам шаклланиши мумкинлиги исботланмоқда. Имонни бўлишининг буддавийлик, насроний, исломий ва бошқа йўналишлари билан бирга, илмий-маърифий (фалсафий) йўналишлари ҳам бор. Имон шахс маънавий-руҳий оламида қайси иуналишда қарор топмасин, унинг шарти асосан биттадир. Яъни имонли одамнинг сўзи билан иши бир бўлади, бундай инсон ҳар қандай шароитда ўз сўзи ва аҳномасида туради. Агар шундай қилмаса, виждан азобида қолади ва ўзини-ўзи сира кечирмайди. Демак, виждан, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, инсофидиёнат, саховат, мурувват, ҳалқ, Ватан ишқи билан яшаш фақат имони бугун одамларгагина хос фазилатлардир.

Демак, бугунги дунёмиз учун қайси йўналишда бўлишидан қатъий назар, имонли комил инсонларни тарбиялаш объектив руҳда етакчи, белгиловчи майл бўлиб қолмоғи лозим.

**Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик.  
Т., 1998. — 112—120 б.**

### **ДОНИШМАНДЛИК ФАНИ**

Хозирги кунда демократик, хўкуқий давлатни барпо этишининг пойдеворини дадил одимлар билан тиклаётган ёш авлодда янгича дунёқарашиб ва янгича тафаккурнинг шаклланишида ижтимоий фанларнинг, хусусан, фалсафа фанининг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir.

Шу муносабат билан Олий ва Ўрта маҳсус ўкув юрглари муаммолари институтининг бош мутахассиси, фалфаса фанлари номзоди, доцент Эркинҳожи Юнусовнинг фалсафа фанлари доктори, профессор И. Каримов билан ана шу мавзудаги мулоқотини эътиборингизга ҳавола қиласиз.

— Маълумки, собиқ Шўролар даврида марксча-ленинча

фалсафа барча олий ўкув юртларида мажбурий фан сифатида ўқитиб келинди. Домла, айтинг-чи, олим сифатида илгари ўқитиб келинган фалсафага муносабатингиз қандай?

— Аввало «марксча-ленинча фалсафа» атамаси илмий эмас, балки сиёсий термин эканлигини айтмоқчиман. Бу атамани биринчи марта Сталин кўллаган, яъни «ленинизм давримизнинг марксизмидир», деган фикрни илгари сурган.

Маркс ҳам, Ленин ҳам ижтимоий ҳодисаларга муносабатда синфиийлик (партияйийлик) тамойилига амал қиласди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам давлат йўқсиллар қўлида бўлгандагина ижтимоий адолат қарор топади, деб хисоблапади. Ва ўша давлат синфеиз коммунистик жамият асосларини яратишга қатъий ишонишади. Бу жараёнда коммунистик партия етакчи раҳбар бўлиши кераклигини таъкидлашган.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга фақатгина илмий асосга таянилган фалсафа ва фалсафа фанигина муносиб ҳисса қўша олиши мумкин.

— Айрим манбаъларда фалсафа фан мақомига эга эмас, деган фикрлар пайдо бўлмоқда. Сиз бунга қандай баҳо берасиз?

— Фалсафага, Сиз айтгандек, салбий муносабат билдираётган кишиларнинг бир тоифаси у соҳадан жуда юзаки билимга эга бўлса, иккичилари фалсафа деганда фақат Шўролар даврида «марксча-ленинча» деб номланган фалсафани тушунадилар; учинчилари Гарбий Овруподаги неопозитивистлар, прагматиклар, эъзистенциалистлар таъсирида фалсафа маҳсус фан сифатида шаклланганини инкор этадилар.

Аслида «фалсафа», «фалсафий таълимот», «фалсафа фани» тушунчаларида умумийликдан ташкари тафовут ҳам борлигини англаши маъқул. Фалсафа донишмандлик ифодаси сифатида 3—4 минг ийллик бой тарихга эга. Нафақат дунёвий илмларда, балки динларнинг муқаддас китобларида ҳам инсоният тўплаган бой тажриба мужассами сифатида фалсафий фикрлар кўп. Агар улардаги донишмандлик ифодаси бўлган фалсафий фикрлар олиб ташланса, динларнинг қадри тушиб кетган бўлур эди.

Сир эмас, инсоният бугунги тараққиёт даражасига етиб келишида фалсафанинг бекиёс хизмати бор ва ҳозир ҳам унинг салмоғи сезиларлидир. Чунки одамнинг шахсга айланишида, у ўзлигини таниб олишида фалсафий фикрларнинг роли бекиёсдир. Ҳар қандай одамга маълум даражада файласуф (донишманд)лик хос, дейиш мумкин. Чунки ҳаётнинг ўзи донишмандларча фикр юритган ва фаолият белгилаган одамларга кулиб боқади, омад келтиради.

Аммо бу дегани ҳамма файласуф ва барча фалсафа фани сир-асрорларидан хабардор, деган маънони англатмайди. Чинакам файласуф бўлиш учун бу фан тили, тушунчалари, категориялари ва методологиясини обдон ўзлаштириб олиш керак бўлади.

—Хозир матбуотда фалсафани янгилаш керак, деган фикрлар пайдо бўлмокда.

—Тушунарли. Хозир фалсафа фанини янгилаш ҳақида ҳам фикрлар ўргага ташлангаётгани тўғри. Бундай фикрларга шунинг учун кўшилиб бўлмайдики, фалсафа фан сифатида хозиргидек шакллангунга қадар турли мамлакатлардаги фозил кишиларнинг азиятли изланишлари туфайли фалсафий тушунчалар, тамойиллар, қарашлар вужудга келган. Уларсиз фалсафа фан бўла олмайди. Фалсафа бошқа фанлар сингари у умумбашарий мақомга эгадир. Бу фанни янгилаш эмас, балки такомиллаштириш керак, деб ўйлайман.

«Маърифат» газетаси, 1996 йил 2 май соли.

## ФАЛСАФА – ЯХЛИТ ФАН

Фалсафа фанми ёки турли соҳаларга парчаланиб, ўз предметидан маҳрум бўлиб қолган қандайдир бир илмий-назарий йўналишми, деган савол ва унга жавоб кун тартибида ёнчадан бўён туриди. Гарчи у фикр Фарбий Овруло ва Америка мамлакатларида пайдо бўлиб, турли табиий, ижтимоий, гуманистар ва техникавий фанлар юзага келгач, фалсафа фан бўлмай қолди, деган нуқтаи назар маълум маънода қарор топған бўлса-да, Ўзбекистон файласуфлари орасида ҳам шу фикрларга ижобий қаровчилар, ҳатто уни маъқулловчилар йўқ эмас. Тўғри, биз Фарбий Оврупонинг ривожланган мамлакатларидан давлатни, иқтисодни бошқариш, техника ва технологияни ривожлантириш, маданий ҳаёт (турмуш қулайликлари)ни ташкил этиш, таълим тизимини ИТИ талабларига монанд тарзда шакллантириш каби соҳаларда кўп ижобий нарсаларни ўрганяпмиз ва бундан кейин ҳам ушбу жараён давом этиши тамомила табиий, албатта. Бирок, бу, ҳамма масалаларда Farbga тақлид қилиш ва унга эргашиб зарур, деган маънони асло англатмаслиги керак. Жумладан, гарбча тафаккур тарзига бўлган ихлос (эътиқод) ҳам бизнинг шароит учун, яъни маънавий маданиятда минг-минг йиллик тажрибага эга бўлган халқлар учун унча маъқул эмас. Бунинг маъноси шуки, фалсафа ва унинг фан сифатида шаклланиши масаласида ўз фикрларимиз борлигини, бу нуқтаи назаримизни химоя қилиш ҳуқуқига ҳам эга эканлигимизни таъкидлаб кўрсатишимиш майкул, деб ўйлаймиз.

## **Донишмандликнинг тугилиши ва маънавиятнинг қарор топа бориши**

Одам зоти тирик табиатдаги бир тур сифатида вужудга келиши ва тарихий-тадрижий (эволюцион) ривожланишини яққолроқ тасаввур этиш мақсадида унинг босқичларини одам умрининг турли фаслларига таққослаш маъқул, деб ўйлайман. Албатта ҳар бир ўхшатиш ва қиёслашнинг ижобий жиҳатлари билан бирга кусурлари ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, Шарқ одамларида образли (тимсолли) тафаккур тарзи устивор шаклланганини инобатга олсак, фалсафий муаммоларга бундай ёндашиб ўзини оклади, дейиш мумкин.

Космик ва планетар ҳодиса сифатида одамнинг пайдо бўлиши ва тарихий-тадрижий ривожланишини маҳсус тадқиқ этадиган табииётшуносликнинг қатор соҳалари намоёндаларининг умумий эътирофларича, дастлабки одамлар ва уларнинг турмуш тарзлари ҳайвонларнидан жуда оз фарқ қилган.<sup>1</sup> 5 – 5,5 миллион йил муқаддам яшаган австралиопитек тоифасидаги бу одамлар факат тайёр табиий куроллар (тош, таёқ, иирик ҳайвонларнинг сүяклари) ёрдамида гала-гала бўлиб, яшаш учун курашганлар. Ана шу даврни одамзотнинг она қорнидаги ривожига ўхшатиш мумкин.

2 – 1,7 миллион йил муқаддам тарих майдонига келган питекантроплар, улардан кейинги синантроп ва неандерталларни фанда Уқувли одамлар дейилади. Зоро, улар тошлардан турли меҳнат қуроллари ясаб, яшаш учун курашга ўтганлар. Буни одамзотнинг гудаклик даври, дейиш маъқул бўлар.

Учинчи фасл – Ақли одамлар – Homo sapiens вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, уни одамзотнинг балофат ёшига етган босқичига қиёслаш мумкин.

Ақли одамларнинг ўзларидан олдинги одамлардан тубли фарки шуки, улар ривожланган нутқ тилига эга бўлганликлари учун яшаш учун курашнинг ижтимоий ҳолатига ўтганлар. Баъзи тадқиқотчилар бу одамлар 100000, бошқалари 50-40 минг йил, яна бошқалари 28-25 минг йил муқаддам пайдо бўлган дейдилар.<sup>2</sup> Ҳархолда ижтимоий ҳаётнинг шаклланиши, одамзотнинг жамоа-жамоа бўлиб яшашдан жамият шаклида ҳаёт кечиришга ўтиши кейинги ўн минг йилилкларга тўғри келади.

<sup>1</sup> Бунак В.В. Род Номо, его возникновения и последующая эволюция. М., издания. "Наука", 1980 г.; Алексеев В.Т. Становление человечества. М., 1984 г. Эдмунд Уайл, Дейл М. Браун. Первые люди. М. издание "Мир", 1978 г.; Борисковский Б.И. Древнейшее прошлое человечества. Ленинград, издание второе, "Наука", 1979 г.; Алексеев В.Т. Человек: Эволюция и таксономия М., 1980 г.; Файнберг Л.А. У истоков социогенеза М., издание "Наука", 1980 г.; Становления и эволюция человека М., 1987 г.; Эшбаев А.А. Проблема развития органической материи в свете данных современной биологии. Т., 1975 г.

<sup>2</sup> Қаранг: Алексеев В.Т. От животных – к человеку (легенды, факты, наука). М., 1969. Стр. 172. Никольский В.К. Детство человека. М., 1950. Стр. 65.

Одамзотнинг жамият (уруг-уруг, қабила-қабила) бўлиб яшашга ўтиши унинг ҳайвонат оламидан батамом ажраб чишиб, яшаш учун курашнинг инсоний восьиталарини қидириш ва топишга бўлган машаққатли изланишлари билан тавсифланади.

Гап шундаки, индивидлар билан индивидлар, оиласлар билан оиласлар, уруглар билан уруглар, қабилалар билан қабилалар ўртасидаги ўзаро алокаларни йўлга кўйиш ва бунда чинакам инсоний фазилатлар устивор бўлиши учун албатта маънавият қарор топиши ижтимоий зарурат бўлиб қолди. Маънавиятсиз жамият шаклланмас ва баркарор бўла олмас эди. Маънавиятни қарор топтириши эҳтиёжлари уруг ва қабилаларда озиқ-овқатларга, жинсий ва ижтимоий муносабатларда рухсат ва тақиқлар (тару) тизимининг шаклланшини тақоза этди. Нима қилиш керагу, нималардан одам ўзини тийиши лозим, деган саволга ўша даврнинг коҳинлари, сеҳргарлари жавоб бернишга интилдилар. Жамиятла коҳинлар сеҳргарларни юзага келтирган ҳолат асору-атиқалар (мифология) асосида вужудга келган дунёқараш эди. Айнан шу дунёқарашни шакллантирган одамларни дастлабки донишмандлар, ёки хонаки файласуфлар дейиш мумкин.

Оlam ва uning tuziliishi haqidagi mifologik tasavvurlar odamlarning ular haqida yilla shiga, sirli kuchlar bilan aloqa urnatiishi maillarinini kuchaytiyrdi. Mifologiya fikrlar parvozi учун bir turtki bouldi, odamzot taфakkurininig bekiёs rivojki учун goявий асос яратди. Asotirlarни яратувчилар olam va unda odamning ўрни va роли ҳакида fikr юритиб, ўша кўзга кўринмас ruхlar bilan aloqa ўrnatmoқчи bouldilar, ruхlar shaъniga madhixiyalar bitdililar. Mifologiyada kosmos bilan odam ruhi ўrtasida uygunlikni vujudga keliteiriш асосий maқсад эди. Shu заминda odam ruхini tarbiyalashning ўзига хос тизими шакllandi.

Агар мифология шаклланиб, uning negizida muайян нарса, ходиса, инсон феъл-атворларига nisbatan takiklar tizimi vujudga kelgungiga qadar оч қолган bir odam boшقا odamni sўйib egan bўlsa, shundan sўнг u vaхshiylikka barham berildi. Urug boшлиqlari aйни пайтда коҳинлар, сеҳргарлар, tabiblar ham edilar. Shuning учун takiklariga rioya қилинишини ular қаттиқ назorat ostiga olib, жамоатчилик fikrini ana shunday vaхshiylikka nisbatan nafrat ruhi izmiga solilib yobordilar. Eki urug ichida chiroyli aёllar учун kuraш natiжasiда urugchilik munosabatlariiga жиддий putur eta boшladi. Urug boшлиqlari bir urug ichida bouldigan жинсий aloқalар ва никоҳни takiklab kўйdilar. Oқibatda odam zotining sogлом туғилиши ва rivojlaniishi учун асос яратildi. Turli oziқ-ovқat, feъl-atvor, xatti-xarakatlariga taқik va bular ustidan қаттиқ

назорат, уларга риоя қилишнинг аҳамиятини намойиш этадиган ва анъянага айланган урф-одат; расм-русумлар, маросимлар туфайли одамлар ўз нафсларини муайян одоб-ахлоқ доирасида қондиришга одатландилар. Инсон руҳий оламининг улуғ курратига ишонч ва ана шу асосда индивидуал ва объектив руҳни поклашнинг тарих тажрибасидан ўтган тизимини яратишга ўша “хонаки” донишмандлар-файласуфларнинг хизматлари бекиёс каттаки, ундан ҳозирги ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбияда ҳам фойдаланиш йўллари қидирилса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Бу дунёкараш негизида олам тўғрисида, унда одамнинг ўрни ва мавкеи ҳақида диний дунёкарашлар пайдо бўлиб, бу дунёкарашни индивиднинг имон-эътиқодига айлантиришининг бутун бир мағкуравий тизими шаклланди. Диний дунёкараш тизим сифатида ўз мукаммаллигини жаҳон динларида намоён этди. Якка худо зардуштийликда Охурамазда (Ягона донишманд), буддавийликда Будда, Иудаизмда Яхва, христианликда уч юзли Яккаю ягона, исломда Оллоҳ номи билан аталиб, у оламни яратувчи, одамлар фаолиятини ўз фаришталари, малойикалари орқали назорат этиб турувчи, уни баҳоловчи ва муносабат белгиловчи куррат сифатида диннинг муқаддас китобларида баён этилди. Диний дунёкарашни шакллантирган, уни бутун бир системага соглан кишилар ўз даврларининг чинакам донишмандлари, яъни файласуфлари эдилар. Шунинг учун “дастлабки фалсафий таълимотлар мифологияга зидмазид — қарашлар — сифатида, оламдаги ходисалар сабабли беғланишларини аниқлаш максадлари туфайли Шарқда шаклланиб, қадимги Грецияда ўз мавкеини топди”<sup>1</sup> деган фикрлар мавжуд. Зоро, мифологик дунёкараш ҳам, у билан боғлиқ диний дунёкараш ҳам жамиятларда маънавий маданиятни қарор топтириш учун ҳар бир даврнинг донишмандлари ижоди, уларнинг азиятили ижтимоий-сиёсий фаолиятлари натижаси дейиш мумкин.

Ана шу дунёкарашлар туфайли ҳар бир мамлакатда ва ҳар бир ҳалқда ўзига хос маънавий маданиятни қарор топдики, айнан шу заминда фалсафий фикрлар ривожланди. Гегель фалсафага донишмандликни севиш эмас, донишмандликнинг ўзи сифатида қараган эди. Шунинг учун донишмандлик ифодаси бўлган барча фикрларни оламга фалсафий қарашларнинг намоён бўлиши сифатида қараб, баҳоласак балки тўғри бўлар.

Кўйнадиги нуқтан назарга эътибор беринг:

Жўрахон Сайид Авлиёҳон Мұхаммад пайғамбар Ҳадисларига таяниб, бундай фикрни илгари суради: “Илм саҳрода дўст, ҳаёт

<sup>1</sup> Алексеев Т.В., Панин А.В. Философия, М, “Пропспект”, 1996 г.–Стр. 52.

йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида йўлдош, баҳтиёр дақиқаларда раҳбар, қайгули онларда мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда куролдир<sup>1</sup>. Яна бундай дейди: “Ха, пайғамбаримиз айтганларидек, илм эгалланг..., белоён олам олимларсиз бамисоли вайронадир.

Ана шу фикрларда донишмандлик ифодаси ва айни чоғда одамларни қадриятлар орқали донишмандликка даъват бор, Хўш, диний пардаларга уралган донишмандликни инкор этиш жамият тараққиёти ва инсон камолотига хизмат қиласдими? Асло! Буғунги дунёйимиз чин донишмандлар (файлласуф)ларга жуда-жуда мухтож бўлиб турган чоғда, унга олиб борадиган йўллардаги барча тўсиклар олиб ташланиши керак. Бунинг маъноси шуки, донишмандлик фани сифатида фалсафа идеалистик кўринишда ҳам, материалистик ва диний кўринишда ҳам тарихан намоён бўлиб келганини назарда туттган маъкулдир.

Шунда барча фалсафий қарашларнинг туб негизи битта, яъни маънавият ва уни барқарор қилишдан иборат ижтимоий-сийесий, мафкуравий фаолиятлар зухуридан иборат бўлар эди. Масалага бундай ёндашув мифология билан дин, дин билан фалсафа ўртасига сунъий “Хитой девори” қўйишга барҳам бериш одамзотни ўз ижтимоий мохиятини тўла равишда намоён эта олишига катта имконият вужудга қелтирган бўлур эди.

Гап шундаки, бизнинг назаримизда, одамзот ўз тараққиётининг болалик давридан балоғат босқичига ўта бошлади. У гўдаклик ва болалик даврларида яшаш учун кураш жараёнида маънавият асосларини яратди, яшаш учун курашнинг машаққатли жараёнида объектив рух (ёқи ижтимоий онг) ғор одамларига хос тафаккур тарзи таъсирида анчагина сийқаланиб, дағаллашиб, ҳатто ноинсоний тус олиб қолди. Эндилиқда индивидуал ва объектив руҳда қарор топиб қолган ушбу даҳшатли қабохатни тутгатмасдан, одам зоти чинакам инсонлигини намоён эта олмайди. Бунинг учун биринчи навбатда ҳар қандай диний эътиқодларни хурматлаш (жаҳонда 200 га яқин дин, диний оқимлар ва мазҳаблар мавжуд), виждан эртишдигини амалда қарор топтириш, тафаккурнинг ғор одамларига хос тарзи<sup>\*</sup> фалсафада бир фалсафий қарашни бошқа фалсафий (система)ларга, бир динни

<sup>1</sup> Жўрахон Сайнид Авалиёхон. Мовараунахр саййидлари. 1994 й. –7-6.

<sup>2</sup> Юкоридаги китоб –9-б.

Ўкувли олам (пинтекантроп, синантроп, иеандерталь)лар кўпинча горларда яшашган. Бир ғор одамлари гурухи яхширок яшаши учун бошқа турух, ғор одамларини бўйсундиришиб кўрак бўлган. Жамият юзага кепгач, бир ург, кабила бошқа ет ург-кабилаларни бўйсундиришиб, уларнинг кучидан текинга фойдаланиб яхширок яшашга интилганинг ғор одамларига хос ушбу тарзи хозирги замон одамлари генетик-дастурларида яшаб-кеимоқчаки, одамлар билан одамлар, ҳалқлар билан ҳалқлар ўртасидаги жанжалларду у муайян рол ўйнаб келмоқда.

бошқа динга қарама-қарши қўйишда зохир бўлмокда. Дин ва илоҳиётни фалсафага, фалсафани дин ва илоҳиётга қарама-қарши қўйишнинг жамият тараққиёти ва инсон камолотига кўрсатадиган заарларини ҳар бир одам, илмий ва диний арбоб равшан тасаввур этиб, тафаккурининг гор одамларига хос тарзидан ихтиёрий равища ~~вэоз~~ кечини даркор. Чунки одамлар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий гурухлари шахсий, синфий, миллий муносабатларни умумбашарий манфаатлардан устун қўйиб, ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш учун фалсафани ҳам, динни ҳам сиёсийлаштириш, уларни мафкура воситасига айлантиришга ҳаракат қилишлари тарихдан маълум.

Сиёсийлаштирилган фалсафа ва дин инсонларда гор одамларига хос тафаккур тарзини ривожлантириб, уларда хайвоний тажаввузкорлик, оғирлик, босқинчилик (агрессивлик) каби хирстуғуларни вужудга келтиради. Ана шу жараёнда диний, миллий, иркӣ, синфий заминда катта-катта можаролар чикиб, минг-минглаб бегуноҳ кишиларнинг кони дарё бўлиб оқади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашиб, одамзот яшаш учун курашнинг уруш шаклини танлаб олгандан бўён миллиард-миллиард одамлар, асосан ёш йигитлар ана шу жангларда ҳалок бўлдилар. Бизга маълум бўлган кейинги тўрт минг йилдан зиёдроқ вақтнинг фақат 300 йилигина тинч – урушларсиз ўтган, холос.<sup>1</sup> Иккинчи жаҳон урушининг ўзида 55 миллион киши ҳалок бўялган. Одамни одам ўлдириши, бир ҳалкни бошқа ҳалқ ўзига бўйсундириб, уни талаши учун одатда фалсафий ёки диний ғоялар рўйбач килиб олинади.

Юқорида айтилган фалсафа ва динга соҳавий тафаккур тарзи асосида ёндашишнинг оқибатларини англаш учун тарихда даҳшатли мисоллар кўп. Масалан, немис файласуфи Ф. Ницше (1844-1900) Зардуштнинг Комил Ақл эгаси гояси – Аъло одам тўғрисидаги концепциясини Фарбий Оврупа тафаккур тарзига монанд изохлаб, яъни, гайритабиий қобилиятга, кучли иродага эга бўлган одам идеалини яратмоқчи бўлди. Ницшенинг фикрича, барча мавжудлик, жумладан инсон борлиғи ҳам фақат ҳокимият учун ироданинг намоён бўлиш шаклидир; ҳеч қандай мутлок борлиқ йўқ; борлиқ шаклланиш, аммо янгининг тўхтовсиз вужудга келишидан иборат шаклланишdir. Аламон билан кўшилишни истамаган кучли иродали одам аввало ўзидаги ялқовликни улоқтириб, ўз виждонининг қўйидаги наърасига кулок солмолги лозим: “ўз ўзинг билан бўл. Эндиликда сен ўйлаётган ва қилаётганларинг барчаси, нимага интилишинг – бу ҳаммаси сен эмас!”. Акс ҳолда сийқаси чиқкан умумий қарашлар билан

<sup>1</sup> Калто А. С. Философия мира Истоки, тенденции, перспективы. М., Политиздат, 1990. –Стр. 5.

Фикрлайдиган курук гавда (маникен)га ўшшаб қоласан. Умумий шаблонлар, сийкаси чиқкан қараашлар билан фикрлайдиган маникен шахсий қиёфасиз мавжудоддир.

Хокимият учун курашадиган ва аломондан фарқли фикрлай оладиган бу Ирода одамзот табиатида ўрнашиб қолган ва ҳаёт учун душман бўлган барча сохталиклар, кусурларга бархам берадиган қудратдир. Нишенинг бундай дарвешона фалсафий қараашларига турли нұқтаи назарларда туриб, турлича муносабат белгилаш мумкин. 1920-30-йилларда Германияда фашистлар ўз “миллни социализм” ғояларини шакллантиришда Ницце фалсафий қараашларини мафкура воситасига айлантирганинг оқибатлари барчага маълум. Гитлерчилар ўзларнни Орий ирқ\* (“олий ирқ”) намоёндалари хисоблаб, бутун дунё ҳалқларини ўз иродаларига бўйсундирмоқчи бўлдилар. Натижада миллионлаб одамлар кирилиб кетди, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлди. Энг катта зарар кўрган ҳалқлардан бири немисларнинг ўзлари бўлдилар.

Яна битта мисол. Ленин бошлиқ рус большевиклари ўз сиёсий мақсадлари – буюқдавлатчилик, буюқрусларлик шовинизмини рўёбга чиқариш учун марксча фалсафий таълимотни сиёсийлаштиридилар ва мафкура воситасига айлантиридилар. (Бунда марксизмнинг ўзидағи сиёсий таълимот, синфиийлик тамойиллари ҳам кўл келди). Марксча фалсафа рус воқеалигида христиан динининг дунёвий шакли тусини олди. Бу фалсафанинг айрим қоидаларини унинг умумий контекстидан юлиб олиб, буюқрусларлик шовинизмини қарор топтириш ва макрли мустамлакачилик тизимини энг инсоний тузум сифатида талқин этишга маълум давр мобайнида эришдилар. Марксизм-ленинизм шиорлари остида на факат кўзга кўринган сиёсий ва маданий арбоблар, социал гурухлар, шу билан бирга бутун-бутун ҳалқлар қатағон қилиндилар. Коммунизм учун олиб бориладиган барча йўл ахлоқийдир, деб таълим берди Ленин. Шу “ахлок” асосида одамларни отиш, камаш, мол-мулкими талашни “чин инсонийликнинг намоён бўлиши” этиб кўрсеттиди.

Христиан динини **Худо** асрларда мафкуралаштириб, христианларнинг мусулмон (араб ва турк)ларга қарши салб юриши уюштиришга муваффак бўлдилар. Чехияда ва Германияда диний ислоҳот (реформация) жаравёнида бир ҳалқни иккига ажратиб, диний шиорлар остида гражданлар урушини вужудга келтирдилар.

<sup>1</sup> Философский словарь (немис тилидан таржима). М., изд. Иностранный литературы М., 1961. –Стр 408-409.

\* Орий кабилалари эрадан оидинги 2-1-миннинчи йилиларда Олтой, Марказий Осиё ва Волга бўйларида яшаб, кейинрўқ уларнинг бир кисми Хиндистон, Эронга, у ердан Оврунога кўчнб кетганлар ва янги маданиятга асос солганлар. Узбекларнинг бир кисми орний кабилалари авлодларидандир.

Испаниянинг ўзида 1481-1808 йилларда 345.652 киши инквизиция<sup>\*</sup> курбони бўлди.

XVII асрда православ черковида ажралиш юз берди. Расмий (давлат) черковига мухолиф турган мазҳаб тарафдорлари бидъатчи (ересь) деб эълон қилинди ва подишо фармонига асосан улар ўлдирилди, қувғин қилинди ва мол-мулжалари мусодара этилди.

Исломни сиёсийлаштириш ва мафкура воситасига айлантириш тарихан жуда кўп хунрезилклар билан узвий боғланиб кетади. Бизнинг кунларимизда ҳам исломни ўз инсоний асосларидан маҳрум этиб, уни ҳокимият учун курашда мафкура воситасига айлантириш майлари кучайиб, баъзи жойларда бундай муносабатлар ака-укалар, ота-болалар ўртасида можоралар юз бериши, оиласалар бузилишига ҳам сабаб бўямоқда. Ҳатто Ислом шиорлари остида одамларни ўлдириш “савобли ишлар” қаторига кўшилмоқда. Афғонистондаги гражданлар урушининг ҳар бир гурухи намоёндалари ўз жиноий фаолиятларини ислом ақидалари билан оқламоқдалар. Бунда улар исломдаги баъзи ақидаларни унинг умумий матнидан юлиб олиб мафкуравий қурол ва шиорга айлантироқдалар. Тожикистанда ҳам ҳокимият учун сиёсий курашда мафкуралашган исломдан фойдаланилди. Шунинг учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов “ислом қадриятини тиклаш байроби остида рўй берадиган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва қарама-қарши кутбли эканлигига” эътибор қаратмоқда.<sup>1</sup> Диний экстремизм ва фундаментализмнинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга солаётган таҳдидини таъкидлар экан, Ислом Каримов уни асло ислом дини билан айнанлаштираслик кераклигини таъкидлаб кўрсатмоқда.<sup>2</sup>

Ҳозирги замонда Оврупо мамлакатларида жамиятни христианлаштириш ёки араб ва Шарқнинг баъзи мамлакатларида жамиятни исломлаштириш, давлат конунларини шариатга мувофиқлаштириш ғоялари остида бу жаҳон динларидан сиёсий максадларда фойдаланиш учун уларни мафкура воситасига айлантириш муддаолари ётади.

Тарихан ҳар бир фалсафий тизим (мактаб) намоёндалари бошқа фалсафий тизим ва унинг намоёндаларига таъна тошларини отиб, уларни ёмон отлиққа чиқариш асосида ўз тизимини ва қарашларини барқарор этишга интилиб келган. Бироқ фалсафада динлардаги каби бундай қарашлар, ғояларни омма онгига сингдириш, қалби (дили) дан

\* Инквизиция - католик черковининг асоратига карши чиқкан кишиларни таъкиб ва суд килиш учун XIII-XIX асрларда таъсис этилган суд-попнция ташкилоти.

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида. Хафсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997. -34 - бет.

<sup>2</sup> Шу китобга каранг: 35-38-бетлар.

жой олдиришга имкон түгдирдиган аңанага айланган урф-одат, расм-русум, маросимлар тизими шаклланмаган. Шунинг учун муайян фалсафий тизимларнинг намоёндалари ўзаро гоявий бахс ва кураш олиб бориш билан чекланганлар. Фалсафий муаммоларга бундай соҳавий-табакавий ёндашув албатта маълум мънода фор одамларига хос тафаккур тарзи шакланишига йўл очади. Аммо бу жуда тор доирада зухур бўлгани сабабли конфронтациян (қарама-қарши) руҳ динлардаги каби яққол кўзга ташланмайди.

Фалсафа ва диндаги мазкур соҳавий тафаккур тарзидан сиёсатчилар жуда усталик билан фойдаланиб келадилар. Натижада улар фалсафа ва динни сиёсийлаштириш ва мафкура воситасига айлантириш учун барча имкониятлар ва воситалардан фойдаланадилар. Эндиликда ана шу тарихий чекланганликка барҳам бериш пайти етилди, деб ҳисоблаймиз.

Одамзот шундай бир янги тарихий даврга кириб бормоқдаки, донишмандликнинг ҳар икки йўналишини сиёсийлаштиришга уни сиёсатдонлар кўлидаги ўйинга айлантиришга ҳар қандай даъватлар, хатти-харакатлар йўлини тўсиб кўймасдан туриб, фалсафа ва диннинг чинакам инсоний ва инсонпарварлик моҳиятини барқарор килиш амри маҳолдир. Агар динлар олий ибтидо – худога ишонч, унга садоқат руҳини одамлар онгига, ахволи руҳиясига сингдириб, имонли одамларни тарбияласа, ҳозирги замон фалсафа фани ва ижтимоий фанлар Ақл соҳаси (Ноосфера) тантанаси даври келишига ишончдан иборат Олий ижтимоий мақсадни инсонлар онги ва қалбидан жой олдириб, имонли инсонларни тарбиялаш вазифасининг уддасидан чиқиши керак. Фалсафа ва дин имони бутун комил инсонларни тарбиялашда ўзаро иттифоққа келиши тарихий заруратдир. Ана шу ҳақиқатни англаш ва шунга мувофиқ умуммиллий ва умумбашарий ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаракатни вужудга келтириш бугунги барча фалсафий ва диний оқимлар учун дастурамал бўлиб қолса, одамзот тафаккурининг фор одамларига хос тарзидан, шунингдек соҳавий тафаккур тарзидан кутилиб, ўз инсоний “Мени”га эга бўлиб қолади. Асрлар давомида барча халқлар, миллатларнинг донишмандлари, олиму уламолари орзу қилиб келган имонли комил инсонлар етишиб чиқиб, улар ҳамма соҳада эзгуликни қарор толтириш учун ёвузликнинг барча кўринишларига қарши курашга отланадилар.

Фалсафа ҳам, дин ҳам донишмандлик меваси ва айни чоғда донишмандликнинг амалда намоён бўлишидир. Агар фалсафада донишмандлик оламга, одам ўз-ўзига мумкин қадар илмий караш, ўтмиш, ҳозир ва келажакни умуммиллий ва умумбашарий нуктai

назардан ёндашиб, тафаккур тарзини шу мезонларга асосан шакллантирса ва одамнинг чинакам инсонга айланиши учун гоявий негиз ва методологик асос бўлса, дин эса қадриятли онгни шакллантириб, муайян бир диний тизим доирасида одамнинг инсонга айланиши учун маънавий-ахлоқий таянчга айланади. Диний қарашлар туфайли одамнинг ички дунёси – “Мени” ташки (космик) бутунлик – худо билан бирлашиб, уйгунлашиб, индивид якка-ёлғизлик ва ноаниклик вазиятида вужудга келадиган руҳий қашшоқликдан ҳоли бўлгандек ўзини ҳис этади. Худо унга ишонган, ўз содиклигини намоён этишга аҳд қўлган (имон келтирган) одам учун маънавий-руҳий таянч, умид бағишловчи кудратdir.

Бирор, ҳар бир диний тизим бошқа диннинг хатолиги, “ғайринсоний” эканини “исботлаш” асосида ўзини баркарор килишга ҳаракат қиласди. Шу тариқа христиан учун факат у эътиқод қилган дийгина ҳақиқат, тўғри ва худонинг чинакам марҳаматига эришишга олиб борадиган йўл бўлиб туюлса, мусулмон учун бошқа ҳамма динлар ғайридин, яъни мукаммал бўлмаган, шу важдан ўз қавмларини чинакам маънавий-алоқий поқ эта олмайдиган дин ҳисобланади. Ҳар бир дин руҳонийси ўз даъватлари, панд-насиҳатларида ана шундан келиб чиқади, ҳар бир диннинг ибодатлари, урф-одат, расм-руsum ва маросимлари ана шу холатни карор топтиришга қаратилган бўлади. Масалага бундай ёндашув ҳар бир диний эътиқод эгаси тафаккурни ғор одамларига хос тарзда шаклланиб қолишига сабаб бўлади. Агар динлар, аввало диний жамоалар, ташкилотлар ва руҳонийлар ўз диний тизимларидаги бу нуқсонни бартараф этиб, эътиқод бўйича виждан эркинлигини, имон бўйича танлов эркини эътироф этсалар, динлардаги донишмандлик руҳи тўласича намоён бўлур эди.

### Соҳавий тафаккур тарзининг шаклланиши ва унинг оқибатлари

Маданий-тарихий тараққиёт натижасида инсоният тажрибаси кўпайиб, билими чукурлашиб, ақлий салоҳияти кучайиб борди. Ижтимоий эҳтиёжлар табиат ва жамият ҳодисаларини табақалашган холда ўрганишни тақоза этди. Натижада эрадан анча аввал қадимги Юноностонда табииётшунослик фанлари (астрономия, математика, физика, кимиё, тиббиётшунослик в.х.к.) фалсафадан мустақил равишда ривожланиш йўлига кирди. Аммо улар қанчалик “мустакил” ривожламасинлар, барибир, фалсафий система ва диний оқимлар ё уларнинг эркин ривожи учун йўл очдилар, ёки уларнинг тараққиётига

бир түсік вазифасини ўтадилар. Чunksи фалсафа ва дин бевосита бўлмаса-да, билвосита сиёsat ва мафкурага ўз таъсирини ўtkазади. Салтанат тепасида турган шахс ёки давлат муассасаларида ишлайдиган одамлар фалсафа ва диннинг қайси оқимига эътиқод кўйган бўлишларига-караб, фан ва маънавий маданиятга муносабат белгилашади ва улар оммани ўз нуктаи назарлари руҳида фаолият йўналиши белгилаш учун харакат киладилар, кўпинча бунга мушарраф бўладилар. Мисол учун VIII асрда араб-мусулмон оламида мутьязилийлик диний-фалсафий оқими баъзи давлат арбоблари томонидан ошкора ёки пинхона қўллаб-куватланиши Шарқ Уйғониш даврини бошлиб берди.

Исломда пайдо бўлган хурфикрлилик оламни назарий англаш имкониятини кенгайтирди. “Кўш ҳакиқат” тўғрисидаги таълимотнинг юзага келиши ва у илмий жамоатчилик томонидан муносиб қабул килингани фан йўлидаги түсік – мутакаллимлар (қадимчилар ёки атандапераслар) нуфузини мураббий нутубатларидан. Аёни нюгла ислом прогрессив йўналиш олиши учун бир туртки бўлди. Ваҳдат-ул мавжуд ғоявий-назарий оқими туфайли одамнинг оламни илмий ўзлаштириш имконияти кенгайди. Ваҳдат-ул вужуд тарафдорларининг ёпирилиб кўрсатган қаршиликларига қарамай, маънавий маданият “кўш ҳакиқат” ва ваҳдат-ул мавжуд нуктаи назарлари асосида ривожланиб, араб-мусулмон оламида жаҳонга танилган илмий арбобларнинг камол топтириш учун ўзига хос бир муҳит вужудга келди. Чunksи ўша давр давлат арбобларининг кўпчилиги мадрасаларда ана шу руҳда тарбияландилар; фаннинг ривожи асло диний эътиқоднинг сусайишига олиб келмаслигига ишонч ҳосил қилдилар. Шу билан бирга фан ривожига кенг йўл очмай туриб, моддий неъматлар ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариши кўтаятириш кийин эканлигини англаб етдилар. Савдо-сотикини ривожлантириш, таъсиқи алоқаларни мўътадил йўлга кўйиш, давлат нуфузини ошириш учун ҳам фанга суюниш, таълим-тарбияни янги асосларда ривожлантириш даркор эди.

Шарқ Уйғониш даври алломаларининг машаққатли изланишлари, илм-фан ва тараққиёт йўлидаги фидойиликлари туфайли қадимги Хитой, Ҳиндистон, Турон, Эрон, Бобил, Грек анъяналари тикланди ва янгни курдраг билан ривожланди. Натижада Шарқ, айниқса араб-мусулмон маънавий маданияти Фарбий Оврупо Уйғониш даврининг бошлинишига кучли таъсир кўрсатди.

Фарбий Оврупо Уйғониш даври янги бир шароитда ва христиан диний қарашлари руҳи негизида ривожланиб, илмий натижаларнинг бевосита ишлаб чиқариш билан боғланиши жиҳатидан улуғворлик

касб этди. Унинг таъсирида янги техника ва технология инсон меҳнатини беҳад енгиллаштириди ва қуладай турмуш шароити учун кенг йўл очди.

Таракқиётнинг кейинги босқичларида ижтимоий ва гуманитар фанлар ажраб чиқди. XIX-XX асрга келиб эса техникашунослик фанлари туркуми вужудга келди. Фанларнинг бундай табакаланиши ҳар бир фаннинг ўз доирасида чуқур ва кенг тадқиқотлар ўтказиш имконини тутдирди, янги-янги қашфиётлар шу заминда юзага келди. Ҳар бир фан намоёндасининг ўз тадқиқот обьектига бўлган кучли эҳтироси ва ихлоси натижасида соҳавий тафаккур шаклланиб, хозирги замонда у барқарор бўлиб қолди. Натижада фалсафага бўлган муносабат жиддий ўзгарди. Ўз соҳасининг устаси, мутахассиси бўлган одамлар учун гўё у шугулланаётган фангина ялпи умумийликка эгадек бўлиб туюлмоқда ва уларда доиравий (фалсафий) тафаккурга эхтиёж қолмагандек бўлиб кўринмоқда.

Соҳавий тафаккур тарзини қарор тоғиши нафақат аниқ фанларда, балки фалсафий фикр ривожига ҳам таъсир этмай қолмади. Фалсафанинг ўзини ҳам турли соҳаларга парчалаб талқин этиш майллари кучайди ва бунинг оқибати ўлароқ фалсафани куйидагича туркумларга бўлиб ўрганиш одат тусига кирди.

1. Фалсафа муайян мамлакат (халқ)лар номи билан аталиб ўрганилади: чунончи, грек фалсафаси, япон фалсафаси, хитой фалсафаси, хинд фалсафаси ва х.к.

2. Фан соҳалари бўйича туркумланиб фалсафа ўрганилади: ахлоқ фалсафаси, техника фалсафаси, тарих фалсафаси, сиёsat фалсафаси, иқтисод фалсафаси ва х.к.

3. Имон-эътиқод йўналишлари бўйича туркумланиб фалсафа ўрганилади: христиан фалсафаси, ислом фалсафаси, будда фалсафаси, тасаввуф фалсафаси, позитив фалсафа, экзистенциал фалсафа ва х.к.

4. Табиат, жамият ва руҳият йўналишлари бўйича фалсафа туркумланиб ўрганилади: табиат фалсафаси, ижтимоий фалсафа, ҳаёт фалсафаси, инсон (антропологик) фалсафаси, руҳий фалсафа, қадриялар фалсафаси ва х.к.

5. Тарихий даврлар бўйича фалсафа туркумланади: Энг қадимги дунё фалсафаси, Ўрта асрлар фалсафаси, Янги давр фалсафаси, XX аср фалсафаси ва х.к.

6. Фалсафий фикрнинг атоқли намоёндаларига тақлидан фалсафа туркумланади: Зардушт фалсафаси, Моний фалсафаси, Маздак фалсафаси, Форобий фалсафаси, Ибн Сино фалсафаси, Фома Аквинский фалсафаси, Беркли фалсафаси, Кант фалсафаси, Гегел фалсафаси, Маркс фалсафаси, Блаватская фалсафаси ва х.к.

7. Субстанция масаласига доир йўнилишлар бўйича фалсафа туркумланади: идеалистик фалсафа, материалистик фалсафа, дуалистик фалсафа, иррационал фалсафа ва х.к.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу фалсафий оқимлар ўз доирасида яна бир қатор йўнилишларга бўлиб юборилади. Масалан, материалистик фалсафанинг натурализм, эмпиризм, позитивизм ва неопозитивизм, метафизик материализм, вулгар материализм, физик материализм, биологик материализм, психологоик материализм, ахлоқий материализм, тарихий материализм (тарихни иқтисодий тушуниш), диалектик материализм каби соҳаларга бўлиб ўрганилади.

8. Минтақа (регион)лар бўйича фалсафа туркумланади: Оврупо фалсафаси, мусулмон Шарки фалсафаси, Марказий Осиё фалсафаси ва х.к.

Булардан ташқари фалсафа яна майдо-чўйда туркумларга бўлиб талкин этилади. Масалан, ботаника фалсафаси (К.Линней), математика фалсафаси (И.Ньютон), зоология фалсафаси (У.Ц. Ламарк) ва х.к.

Юкорида айтганимиздек, соҳавий тафаккур тарзи муайян бир соҳа бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган кишилар учун ўша обьектни кенгрок, чукурроқ англаб олишлари, кашфиётлар килишлари учун кўнг имкониятлар вужудга келтиради. Айни чогда муайян бир соҳага ихлос кўйиш бошқа соҳалар ҳам зарурлиги, мухимлиги, аҳамиятлилигини эътибордан сокит қилишга, яъни доиравий тафаккур тарзидан маҳрум этишга олиб келади. Соҳа мутахассиси учун факат у билган фангина устивор ривожланиши барча муаммони ҳал қила оладигандек бўлиб туюлади. Сиёсат ва мафкура соҳавий тафаккур тарзидан озиқ олиб шаклланса, у сиёсат ва мафкуранинг умри узун бўла олмайди. Масалан, дейлик, иқтисодчи ёки техника фани соҳасидаги мутахассис соҳавий тафаккур тарзи асосида сиёсатга, мафкурага аралашса ёки унинг шаклланишида нуфузга эга бўлса, албаттга у сиёсатнинг ҳам мафкуранинг ҳам бир ёклама йўнилиш олишига ўз таъсирини ўтказади. Яъни ҳалқ оммаси онгига гўё ҳамма нарсанинг қалити иқтисодни ёки техникани ривожлантиришда, деган ғояни сингдиришга ҳаракат қиласади. Иқтисодни ҳам, техника ва технологияни ҳам ривожлантирувчи, равнак топтирувчи фикрловчи мавжудот – Ақл соҳиби бўлган одам ва унинг уюшмалари (давлати, партияси, жамоа ва ижодий ташкилотлари) эканлиги унтутилади. Яъни маънавият иқтисод ва техника соясида қолиб, бундан аввало иқтисод ва техника соҳаси энг кўн зарар кўради.

Соҳавий тафаккур тарзининг амалий фаолиятда қарор топиши

инсон фаолиятиниң бир ёклама (кингир-қийшик) йўналиш олишига сабаб бўлиб, натижада умуммиллий ва умумбашарий манфаатларга жиддий путур этади. Соҳавий тафаккур тарзи цивилизация атамасининг хақиқий моҳиятини технологик жамиятларга хос талқин этишга олиб келади. Яъни кулагай турмуш шароитини мумкин қадар кўпроқ вужудга келтирган мамлакатларни цивилизацияланган хисобланади. Бу билан цивилизация – маданий ҳаёт ўзининг туб моҳияти – маънавиятдан узоклашиб, амалда кадрсизланади. Зоро, цивилизация асоси (ядроси)да маънавиятнинг қарор топиши тушунилса, турмуш шароитининг яхшиланиши инсон руҳининг покланиб бориши, одамзот уюшмалари фаолиятиниң инсонийлашишига қараб йўналиши олади. Цивилизацияга бундай қараш унинг мезонига бўлган ҳозирги гайрилмий муносабатни ўзgartиришни тақоза этади. Яъни муайян мамлакатда киши бошига хисоблаганде қанча озик-овқат, кийим-кечак, умуман моддий неъматлар яратилганига қараб эмас, балки назарда тутилган мамлакатда ўғирлик, порахўрлик, одам ўлдириш, одам ўз ҳаётига ўзи қаст килиши ва бошқалар 100 минг киши бошига қанчадан тўғри келиши, яъни шу ўлчовларнинг энг камлиги – умуман маънавий-ахлокий мухитнинг қай даражадалиги билан ўлчаниши керак бўлади.

Тафаккурниң соҳавий тарзи, ўз табиатига кўра, мукаррар рационални зўравонликка, эксплуатация (бировнинг кучидан текинга фойдаланиш)га, дунё миқёсида урушлар, жанжалларга олиб келади. Бинобарин, одамзот фаолиятиниң барча тўрт асосий соҳаси – моддий, сиёсий (ташқилий), маънавий ва ижтимоий соҳаларига доиравий (фалсафий) тафаккур тарзи қарор топадиган цивилизацияга тобора кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Шу масалага ойдинлик киритиш мақсадида қуидаги мисолга эътиборни жалб қилишни лозим топамиз.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари орқали водапровод сувини тежаб-терга шаҳидаги фикрлар илгари сурilmokda ва бунга эришишининг зарур шарти сифатида сув истеъмолини ўлчагичлар ўрнатиш жорий этилажаги таъкидланмоқда. Бундай қараганда ҳар қандай исрофгарчиликка қарши кураш олижаноблик, зоро у умумхалқ манфаатларига мувофиқ келади. Энди масалага соҳавий (фақат сувни тежаш афзаллиги нуқтаи назаридан) ёндашмай, доиравий, яъни бошқа соҳаларни ҳам хисобга олиб ёндашайлик. Бунда шу нарса маълум бўладики, сувни тежашга соҳавий ёндашув тантана килса, миллий манфаатларга тузатиш кийин бўлган зарар келтирилади. Чунки сувни тежашнинг бу шакли шаҳардаги боғ-роғларнинг куриши, кўкаламзорлаштиришнинг кескин

чекланиши ва шаҳар, ахоли яшайдиган жойларнинг экологик ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади.

Нима қилиш керак? Албатта водапровод сувининг ҳозиргидек истроф бўлишига бундан буён токат қилиб бўлмаслиги ўз-ўзидан тушунарли. Аммо шаҳарни чўлу биёбонга айлантириш ҳам инсофисизлик бўлур эди. Агар шу масалага доиравий (фалсафий) тафаккур тарзи асосида ёндашсак, водапровод сувини тежашни аввало ўзбек шаҳарларида асрлар давомида мавжуд бўлган ва хар бир хонадондан ўтган ариқ тармоқларини қайта тиклаш, янги тармоқларни очишдан бошлаш керак бўлади. Шунда ахоли водапровод сувига нисбатан оқин сувининг дарахтлар, резаворлар учун афзаллигини яхши англаб, водапровод сувидан ана шулар учун ўз-ўзидан фойдаланмай кўяди. Бу билан шаҳарнинг чўлу биёбонга айланишининг олди олинниб колса, иккинчи томондан иқлим яхшиланади, учинчидан, шаҳарнинг ҳуснига-ҳусн кўшилади (эрикнерда сувининг чулдираб оқинининг ёқимлилигини ким инкор эта олади). Водапровод сувини тежашдан келадиган даромаднинг бир қисми ана шу тадбир учун кифоя қиласди. Аммо буни тушуниш учун масалага фақат сув соҳасида меҳнат қилаётган қишиларнинг тор манфаатлари доирасидан чиқиб, уни халқ манфаати доирасида муҳокама юритадиган кадрлар керак бўлади.

“Торга тор дунё, кенгта кенг дунё” деб шунга айтилади. Ҳозирги замон миллий ва умумбашарий тараққиёт йўлига завол бўлаётган тўсиқ монизм, яъни ҳар бир одам ва социал гурухнинг ўз соҳаси, ўз манфаати доирасида фикр юритишидир. Бинобарин, соҳавий тафаккур тарзи кенг дунёни тор қилиб кўймоқдаки, бу оғатнинг олдини олиш учун аввало кадрлар, сўнгра бутун аҳолини кенгрок фикрлашга, ҳар бир муаммони ҳал қилишга киришганда доиравий тафаккур қилишга одатлантириш ижтимоий ва тарихий зарурат бўлиб турибди. Соҳавий тафаккур тарзи муайян соҳа, унинг олдидаги турган муаммоларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини аниқлаш учун бундан буён ҳам керак бўлади. Аммо бу ўринда соҳавий тафаккур тарзишнинг умуммиллий ва умумбашарий муаммоларни англаш, соҳа манфаатларини глобал манфаатларга бўйсундириш учун чекланганни устида кетяпти. Ҳар бир соҳанинг мутахассиси ўз соҳасини яхши билиши ва айни чоғда ўз соҳасини мутлоқлаштириб, бирёзламаликнинг қарор топиб қолишига сабабчи бўлмаслиги учун ҳозирги даврда у доиравий тафаккур қилиш қобилиятини ҳам ўзида тарбияламоги даркор. Албатта ҳаётнинг ўзи, ундаги улкан муаммолар соҳавий тафаккурни чекинишга, доиравий тафаккурга йўл очишга мажбур этади. Бирок, унга ёпишиб оладиган,

бундан манфаатдор бўлган шахслар, ижтимоий гурухлар доиравий тафаккур тарзининг қарор топиши йўлига тўғаноқ бўлмайдилар, деган маъно келиб чиқмайди.

Гап шундаки, фан ва фалсафада содир бўлган табакаланиш (дифференция) эндиликда кўп соҳаларда уйғунлик (интеграция) босқичига қадам қўймоқда. Ҳалқ ҳужалиги соҳасида ҳам, миллий ва умумбашарий соҳаларда ҳам йирик-йирик муаммолар пайдо бўлиб, улар ўз ечимларини кечиктирмасдан ҳал этилишини тақоза қилмоқда. Масалан, экологик муаммолар, техника ва технология, космосни ўзлаштириш, юкумли касалликларнинг олдини олиш ва инсон умрини узайтириш, ядро уруши ҳавфининг олдини олиб қолиш, инсон рухини поклаш каби қатор муаммолар фанларнинг интеграциясини тақоза этмоқда ва бу жараён бошланган. Чунки ана шу каби муаммоларни битта фан ёки фанлар туркуми доирасида ҳал қилиб бўлмайди, уларни ҳал этишда жуда кўп фанлар, жумладан, фалсафа ҳам иштирок этишига тўғри келмоқда. Хатто шундай муаммолар борки, масалан, ҳар бир мамлакат ва минтақада маънавий-ахлоқий мухитни соғломлаштириш учун дин ва диний ташкилотлар ва руҳонийлар ҳам фаол иштирок этишлари керак бўлмоқда. Фақат бунинг учун соҳавий тафаккур тарзи умуммиллий ва умумбашарий вазифаларни бажаришга қобил бўлмай қолганилигини энг аввало зиёлларимиз англаб этишлари зарурдир.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ҳар бир фан тизимиға доир парадигмалардан фанларнинг катта-катта гурухлари бирлашиб, муайян йирик илмий ечимни ҳал этишга ўтилаётган ҳозирги даврда сингтагмалар етакчи бўлиб қолаётгани тасодифий эмас. Бу жараённинг чукурлашуви ҳам соҳавий тафаккур тарзини чекинишга мажбур этиши аниқ.

### Оғюст Конт ва унинг тарафдорларининг иштибоҳлари

Ҳар бир фалсафиј оқим ва унинг намоёндасига баҳо бериб, муносабат белгилаганда ўша оқим ва унга асос солган киши яшаган давр, ижтимоий мухит ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиш лозим, деб хисоблаймиз. Маълумки, француз файласуфи О.Конт (1798-1857) илмий-техника тараққиёти бошланган ва унинг йўлида бирқатор ижтимоий-сиёсий, ғоявий-назарий ва диний тўсиклар кўндаланг бўлиб турган бир даврда яшаб ижод этган. Илмий-техника тараққиёти жараённида илгари маълум бўлмаган билишининг янги типи – экспериментал фанлар юзага келди. Уларда назарий билимлар табиатни “синаш” – эксперимент ўtkазиш билан узвий боғланиб

кетди. Бундай фанлар схоластик фалсафага хамда диний мутаассибликка қарғы кескин курашмасдан ривожланишинг равон йўлига чика олмас эди. Экспериментал фанлар олдиндан белгилар кўйилган фалсафий схемалар ва тақдирни олдиндан аниклаб кўйган диний ақидаларга эмас, балки маълум даражада ўз қобигидаги фалсафий (донишмандлик) жихатларига таянишга мажбур эди.

Аниқ фанларда назарий қоидаларни кўллашнинг умумътироф этилган мезонлари бўлади ва тадқиқотчилар шунга амал қиласидар. Фалсафада бундай мезонлар ўша пайтларда ҳали аниқ-равшан эмас эди. Аниқ фанларда эътиroz этиш мумкин бўлмайдиган конкрет натижалар мавжуд бўлса, фалсафада беистисно ҳамма эътироф этадиган натижаларнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Агар аниқ фанлар бир муаммони ҳал этиб, бошқасини тадқиқ этишга ўтса, фалсафа асрлар давомида бир тоифадаги муаммолар ҳақида муҳокама-мунозара юритади. Масалан, борлик, материя, онт, инсон, ҳаракат, фазе, вакъ, субстанция, ҳебз таънишлар атрофида ҳар бир файласуф муайян фалсафий оқим ўз нуктai назарида туриб, муҳокама юритади ва буни химоя қилиш учун танқиднинг даҳшатли тигини ўзи қўшилмаган фалсафий йўналишга қаратади. Бинобарин, аниқ фанлардаги равшанлик, натижадорлик, маҳсулдорлик ва жiddийлик фалсафий муҳокамалардаги ноаниклик ва муаммолиликка қарама-каршидир.

Фалсафий илмий билиш методи билан илмий билиш методи ўртасида ҳам жiddий фарқ бор. Масалан, техникани тақомиллаштиришнинг яхши ёки ёмон услуби ҳақида фикр юритиш уни экспериментал равишда исботлаш мумкин. Фалсафада муайян муаммони ҳал этишнинг яхши ёки ёмон методини синаб кўришнинг иложи йўқ. Муайян фалсафий муаммонинг кўйилиши ва уни ҳал этиш йўллари, услублари ва воситаларини таиплаш нечоғлик тўғри эканини дарҳол тажрибада синаб кўришнинг иложи йўқ. Бунинг тўғри ёки нотўғрлиги ижтимоий тараққиёт давомида аён бўлади. Аммо бунинг учун ўн ва юз йиллар кетишиб мумкин. Шунинг учун атоқли ёзувчи-файласуф Чингиз Айтматов “Ҳаёт диалектикаси – абадий фоҳеа: мутафаккир ижтимоий қонунларни кашф этади, жамият эса уни лаънатлади, пиравордида эса айнан ўша кашфиётни ўзига қурол қилиб олади”, дейди.

Жуда кўп файласуфлар ўз ҳаётлари чогида унча эътиборга сазовор бўла олмайдилар, факат улар ўлимидан ўн ва юзлаб йиллар ўтгач, муаммони тўғри анлагани ва уни тўғри фалсафий услубда ҳал этгани маълум бўлади. Унинг бу тадқиқотлари жамият тараққиёти,

<sup>1</sup> Айтматов Ч. Тавро Кассандры. М., 1995. –Стр.101.

инсон камоли ва фан равнакига нечоғлик катта хисса бўлиб кўшилганини кўриб, халқ оммаси уни улуғлашга, ҳатто мукаддаслаштиришга ўзида мойиллик сезади. Баъзи файласуфлар ўз ватанларидан кўра кўпроқ ўзга ўлкаларда қадрланадилар. Масалан, Зардушт Сепитома ёки ал-Раззолий ўз ватанлари бўлмиш Марказий Осиёда Фарбий Овруподаги каби қадр тоғланлари йўқ.

Фарбий Оврупода позитивистик фалсафанинг асосчиси О.Конт ўз даври ва ўз ижтимоий муҳитининг фарзанди эди. У ўша даврнинг илмий ечимларини ҳал этишини позитивизмда кўрди. Шу нуткан назарда туриб инсоният руҳи ривожини уч босқичга бўлди.

Биринчиси, фетишизм, политеизм ва монотеизм даври бўлиб, бу босқичда одамзот ўзини куршаб олган муҳитдаги ҳодисаларни нарсалар ёки гайритабии күчларнинг алоҳида иродасининг намоён бўлиши, деб тунунади. Ана шу давр учун рухонийлар билан ҳарбий кишилар ҳукмронлиги хосдир. Иккинчиси, файласуфлар ва ҳуқуқшунослар ҳукмронлиги даври бўлиб, бу босқичда мавхум сабаблар, “ғоялар”, “кучлар” билан ижтимоий ҳодисалар изоҳланади. Учинчиси, яъни О.Конт яшаган давр учун назария билан амалиёт бирлиги хос бўлиб, одамзот кузатиш ва тажриба йўли билан ҳодисалар алокадорлигини аниқлай олади. Уларнинг ифодаси бўлган конунларга таяниб фаолият кўрсатгани учун у ижобийлик (позитив) босқич ҳисобланади. Ҳаёлий социалистлар таъсирида тарбияланган О.Конт жамиятни ўзгартиришнинг бирдан-бир йўли уни ташкил этишини амалий вазифа ҳисоблаб, социологияга асос солади.

Позитивизм схоластикага, фалсафага, рационализмга, идеализмга, спиритуализмга карши қаратилган ўзига хос таълимот эди. Айни чогда у динга ҳам карши қаратилган эди. Шунинг учун Конт бошка барча динлар ўринига инсоният динини яратиш ғоясини илгари суради ва бу янги диннинг асосий ҳусусиятларини таърифлайди. Бунга кўра, инсоният динининг тамоили – муҳаббат, негизи – ижтимоий тартиблар, мақсади – тараққиёт бўлиши лозим эди.

Далилларга асосланмаган, далиллардан келиб чиқмаган ва амалиётта асосланмаган барча йўналишларни позитивизм тан олмайди. Жумладан, фалсафа ва метафизика даври ҳам ўтган ҳисобланади. Фақат ижобий билимлар билан куролланган кишиларгина тараққий парвар ҳисобланади. Позитивизм таъсирида F.Оврупода шаклланган прагматизм ҳам амалий тажрибани идеаллаштиради. Конт ва унинг тарафдорлари (жумладан неопозитивистлар) фикрича, барқарор, эътироҳ билдириб бўлмайдиган, ашёвий далилларга таянган “ижобийлик” кина

эътиборлидир. Оламни фалсафий (метафизик) тұшунтиришни улар назарий жиҳатдан амалға ошириб бўлмайдиган, бинобарин, самарасиз фаолият ҳисобланадилар. Позитивизм кўринишларидан бири бўлган верификация (ҳақиқат исботи билан деган таълимот) нуқтай назаридан таҳминлар, гипотезаларнинг ҳақиқатлиги тажриба йўли билан ёки мантикий усолда исботланиши лозим. Бўлмаса улар ҳеч нарсага арзимайди. Шундай қилиб, факат амалиёт ва факат далилларга асосланган назарий курилмаларгина ижтимоий тараққиётта, жамиятни такомиллаштиришга, инсон учун қулай турмуш шароитлари яратишга хизмат қила олади, бинобарин, мавхум фалсафий қарашлар даврлари ўтиб кетди, деган концепция позитивизм ва неопозитивизм асосида ётади. Ҳар бир тарихий давр ва конкрет минтақа ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти учун долзарб муаммолар ва уларни ҳал этишига қаратилган таълимотлар бўлади.

Неопозитивизм – Ғарбий Оврупо мамлакатларида бошланган амалиётчилик ҳаракатининг назарий ифодаси бўлиб, у ўша давр ва ўша ҳалклар олдида турган муаммолар ечимини топишга қаратилган бир фалсафий оқим эди. Унинг Ғарбий Оврупо мамлакатларида ҳозир ҳам мухлислари кўп. Чунки масаланинг бу тарзда қўйилиши табииётшунос, техникашунос олимлар ва мутахассисларнинг соҳавий тафаккур тарзлариниң кўллаб-куватлаш учун гоявий-назарий асос бўлади. Факат ижобий билимлар билан куролланган кишиларгина тараққийпарвар ҳисобланади. Позитивизм таъсирида Ғарбий Овруподаги шаклланган pragmatism ҳам амалий тажрибани идеаллаштиради<sup>1</sup>.

Марказий Осиёдаги ҳозирга файласуфларнинг аксарияти собиқ Совет даврида мафкурага айлантирилган ва “Марксча-ленинча фалсафа” деб аталган фалсафа ружида тарбияланганмиз. Бу фалсафий оқим большевиклар таъсирида сиёсий доктрина ва дунёвий динга айланиб, ҳақиқатнинг танҳо даъвогари сифатида шакллантирилди. Большевистик мафкура андозаларига тўғри келмайдиган ҳар қандай фалсафий фикр, фалсафий оқим нигилистик инкор этилар, уларга “буржуа идеологиясининг кўриниши” тамғаси босиларди. Чунки тор доирада, бирёклама фикр юритадиган файласуфларни тарбиялашнинг бирдан-бир йўли шу эди. Бинобарин, бошқа фалсафий оқимлар тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмаган файласуфлар улардаги рационал магизларни англашдан маҳрум этилган эдилар. Натижада “Дунё фалсафасидаги хилма-хил таълимотлар, қарашлар эътибордан четда қолди”<sup>1</sup>.

Агар биз бугунга келиб Ғарбий Оврупо мамлакатларидаги

<sup>1</sup> Эргашев И., Абдусамедов А. Бизга қандай фалсафа керак? // “Милий тикланиш” хафтномаси. 1996 й, 19 ноябр.

тараққиётни, улардаги кулай турмуш шароитига ҳавас билан қараётган эканмиз, ана шу тараққиётта йўл очган, фан-техника равнакини улуттаб, уни ижтимоий қадриятга айланишининг назарий асоси бўлган позитивизм, неопозитивизм, прагматизм, эмпироокритицизм каби фалсафий оқимларнинг таъсирини ҳам эътироф этишимиз керак бўлади.

Эътироф этиш конкрет давр, ҳалқ, мінтақа хусусияти, тарихи, миллий ва диний анъаналари, ўзига хос маънавий маданияти ва тафаккур тарзини ҳисобга олмай, кўр-кўрона эргашиш, деган маънони англатмайди. Аксинча, ўша қарашлар, нуқтаи назарлар, назарий курилмаларнинг рационал (эътиборли) жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда янги даврнинг янги талабларига мувофиқ келадиган назарияларга таянин, ижтимоий тараққиёт йўлига тўсик бўлиб турган ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўллари, усуслари ва воситаарини илмий таҳдиддан ўтказиш, истикбол ва миллий истиқлол йўлини ёритиш Ўзбекистон файласуфлари олдида турган долизарб муаммолардир, деб ўйлаймиз. Шу жиҳатдан қараганда, Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 й.) китобида ҳозирги даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий вазифалари ва уларни ҳам этиш йўллари аниқ-равшан кўрсатилган. Бу ҳол файласуфларнинг илмий-назарий фаолиятлари учун янги катта имкониятларни вужудга келтиради.

Аччиқ бўлса-да, бир ҳақиқатни эътироф этишга тўғри келади. Собиқ Совет тоталитар гузуми жуда кўп соҳаларда ўз изини қолдирди. Гарчи ўша манфур тизим (система) барҳам топиб, эркинроқ нафас олиш, ижодийроқ фикрлаш учун ижтимоний мухит юзага келган бўлса ҳам, кўпларимизнинг руҳимизда, тафаккур ва турмуш тарзимизда тоталитаризмнинг шармандали қадриятларига ихлос у ёки бу даражада яшаб келмоқда ва у Ўзбекистон мустақилигини мустаҳкамлаш йўлида ўзига хос тўсик бўлиб турибди. Масалан, собиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси зодагонлари диктатураси учун эркин, ижодий фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўлган, аммо юқоридан бўладиган буйруқ, фармойишларни итоатгўйлик ва ўта садоқат билан бажарадиган ижрочи-манқуртлар керак эди. Ўша тузумнинг ижтимоий-сиёсий мафкуравий механизми 74 йил бадалида мана шундай қадрлар ва ижрочи-манқуртларни тарбиялаб этишириди. Бу ҳол фалсафага ҳам ўзининг шармандали муҳрини босди. Ўзбекистондаги ҳозирги тафаккур тарзи “Асосан мавхум фалсафий қарашларни тушунириш, шарҳлар бериш билан боғлик;

*тушунтиришларда ҳам кечаги фалсафий ёндашувга* (марксчалиниң деб аталған диалектик материализмгә – Изох И.К.ники) таянилған ҳолда амалға оширирмокда<sup>1</sup>. Бунга шуны күшімчә қилиш керакки, баъзи файласуфларимиз фалсафий муаммоларни янгича, ижодий талқин этишни эсқига қайтиш ёки эски нұктай назарларни янғы деб изохлаш маъносида тушунмоқдалар.

Бошқача бўлиши ҳам кийин эди. Зеро, собиқ Совет тизими фақат “тушунтирувчи, шархловчи”, аммо ижодий фикрлай олмайдиган, тўгрироғи, тоталитар тузумга шак келтирмайдиган файласуфларни тарбиялади. Улар юқоридан бўлган фармонлар, қарорларда кўзда тутилган “назарий” хулосаларни шархлашлари, яъни ўша фармойишларни тўғри, хақиқат этиб кўрсатишлари лозим эди. Агар юқоридаи, масалан, партия съездиде ёки пленуми номидан оқ нарса қора дейилса, албатта ўша окнинг коралигини ёки қора оклигини исботлашлари, шархлашлари ва тушунтиришлари лозим эди. Унинг устига файласуфлар жаҳон фалсафий фикрининг турли оқимлари томонидан яратилған адабиётларни олиш, уларни ўчиб, муайян хулосалар чиқаришдан ҳам маҳрум этилган эдилар, бошқа фалсафий оқимларга таъна тошлари отиш хукуқи уларга берилган эди, халос.

Мана шундай руҳда шаклланган файласуфларнинг бир қисми “ижодий фикрлаш”га ўтиб, Фарбий Оврупода XIX асрда шаклланган ва турли йўналишларда хозир ҳам у жойларда қарор топган позитивизм, унинг бир кўриниш бўлган синергетикани фалсафага янгича ёндашув деган дайво билан чиқмокдалар.

Аслида диалектик тараққиёт тушунчаси тўғри чизикли ҳаракат маъносини эмас, балки аста-секин кўтарилиб, кенгайиб ёки торайиб борадиган, бир босқич иккинчи босқичга ворислик йўли билан боғланадиган, юксак босқичга кўтарилигандан бошланғич нұктанинг баъзи жиҳатларини ўз бағрида сақлайдиган воқеликдаги спиралсимон ҳаракат ифодасидир.

Диалектика ҳаракат ялпи умумий таснифга эга бўлиб, у оркага қайтишлар, бир жойда муайян муддатда депсиниб туришлар, четта оғишлиар бўлишини ҳам назарда тутади. Аммо тараққиёт тушунчасида ифодаланадиган реалликни ҳаракат тушунчасида ўз нғодасини топадиган реалликдан фарқлаш керак бўлади. Яъни, ҳаракат ва тараққиёт тушунчаларида воқеликдаги умумийлик билан бирга тафовут ҳам борлигига эътиборни қаратади. Бир нарса, баъзи жиҳатларининг олдинга ҳаракати, оддийдан мураккабга, пастдан юқорига бўладиган бу жараёнда ворисликни ўз бағрида сақлайдиган

<sup>1</sup> Эргашев И., Абдусамедов А. Бизга қандай фалсафа керак?

ҳаракат турини тараққиёт деб изохлайди. Тараққиётни диалектик тушунишни ҳамма нарса, ходисаларга хос хусусият сифатида талқин этмаслик керак. Оламда шундай ҳолатлар ҳам борки, улар илгарилама, юқорилама ҳаракат – тараққиёт тушунчасида ифодаланадиган реалликка мувофиқ келмайди. Масалан, бутун оламга нисбатан, нижояеиз коинотта татбиқан тараққиётнинг илгарилама шакли түгри келмайди. Ёки маънавий маданиятда ҳам тараққиёт илгарилама ҳаракатга нисбатан барқарорлик, муқимликка кўпроқ түгри келади. Яхши хулқ, ўз тараққиётида оддийдан мураккабга эмас, балки ўша яхши хулқ, одоб, ахлокнинг барқарор бўлиши, мустаҳкамланиб бориши, ворисликнинг сақланиши, хайрли анъаналарнинг қарор топиши натижасида маънавий тараққиёт содир бўлади.

Демак, диалектик тараққиёт тушунчасига назарий онг даражасида туриб ёндашиш керакки, акс ҳолда у ҳакда бир ёклама фикрлар юзага келади. Қайси нарса, ходиса ҳакида гап кетаёттанига қараб диалектик тараққиётнинг у ёки бу шакли түгрисида фикр юритиш түгри бўлади.

Хозирги замонда ҳаракат ва тараққиёт тушунчаларида ўз ифодасини топадиган объектив оламдаги ялпи умумий алоқадорлик, ўзаро таъсир ва акс таъсирни ҳамда уларнинг оқибатларини фалсафа фани қонунӣ ва категориялари орқали илмий тушуниш мумкин бўлади. Чунки шунда одамда доиравий тафаккур шаклланиб, бир бутун олам ичидаги турли йўналишлар, майларни фалсафий англаш имкони туғилади.

Диалектика воқеликдаги бетартиблиқ, бекарорликни инобатта олмайди, дейиш ҳам тўгри эмас. Чунки билиш назарияси оламдаги ҳамма нарса, ходисалар зарурат (қонуний алоқадорлик)лардан келиб чиқади, деб ҳисобламайди. Воқеликда тасодифлар ҳам бўладики, улар муайян нарса, ходисанинг у ёки бу томонга оғиб кетишида, маълум тизим тусини олишида ҳал қиувчи рол ўйнайди, деб ҳисоблайди. Имконият ва воқелик категориясида ҳам бу ҳолат ўз ифодасини топган: ҳамма имконият воқеликка айланавермайди, бунда субъектив омиллар ҳам бузан мұхим рол ўйнайди.

Оламда диалектик қарама-қаршиликлар, зиддиятлар борлигини хатто қадимти илоҳиётчилар ҳам тушунишган.

Зардуштнинг оламда эзгулик билан ёвузлик ўртасида абадий кураш бориши тўгрисидаги таълимотида, маздакизмдаги ёруғлик ва зулмат ўргасидаги кураш ҳакидаги таълимотида стихияни диалектика мавжуд. Ёки “Библия”, “Кўръон”даги эзгулик тимсоли бўлган худо ва одамларни ёвузликка бошловчи шайтон (сатана) ўртасидаги қарама-

қаршиликда олам ҳодисаларига диалектика ёндашиш мавжуд. Зоро, диалектика түгрисидаги фикрлар, диалектик тафаккур услуги қадимги даврлардан бошлаб шаклланиб келган. Шунинг учун стихияли диалектика, идеалистик диалектика ва материалистик диалектика – оламни диалектик билишнинг турли йўналишлари экани аён.

Фан билан фалсафа ўртасида антогонизм бўлган дейиш кийин. Ахир фалсафий фикрлар ривожи фанлар тараққиётига йўл очгани каби, фанлар ривожи ўз навбатида фалсафанинг фан сифатида шаклланишига олиб келди. Гўё фан билан фалсафа ўртасидаги зиддият, қарама-қаршиликни синергетика диалектика қонунларидан фарқ қиласидиган қонунлар қашф этиш орқали ҳал этади дейиш тўғри эмас. Диалектикага даҳшатли таъна тошларини отиш ўринсизdir.

Масалан, диалектика эволюциясиз инқилоб, инқилобсиз узлуксиз ривожланиш юз бермайди, дейиш асоссизdir. Гўё диалектика “Эски тизимга тажаввузкорлик ва зўравонлик килиб ағдариб ташлашни, бузишу ўлдиришни, иўқ килишни назарий жиҳатдан” оқлайди дейиш унинг асл моҳиятини англамаслик оқибатидир. Ҳолбуки, муросага интилиш муросасизлик, яъни, зиддиятлар бор бўлган жойдагина юзага келади. Муроса мавжуд зиддиятларни ҳал этишнинг ўзига хос бир йўли бўлиб, у ижтимоий ҳаётдаги занддиётлар ўзининг қарама-қарши томонига оғиб кетишига йўл кўймаслик усули бўлиши мумкин, холос.

И.Контнинг антиномиялар тўғрисидаги таълимотида ижодий баҳс структураси ўз ифодасини топган бўлиб, дунёкарашга ва жиддий фалсафий нуқтаи назарларга нисбатан юксак маданий мунозара бўлиши назарда тутилади. Яъни қарама-қарши нуқтаи назарлар баббаравар муносабиб эътиборли ҳисобланиб, уларнинг ҳар биридан рад этиб бўлмайдиган далиллар билан ўз қарашларини асослашин тақоза этади. Конт мавжудликни тушунишнинг икки усули – сабабли боғланиш (детерминизм) тамойили ва эркинлик тамойилига асосланishi керак, деб ҳисоблайди. Биринчи тамойилга биноан оламдаги барча нарсалар сабабли, қонуниятли, зарурий боғланишларга эга. Бироқ, оламни билиш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди, балки ижодий Фикрловчи одам учун “эркинлик сабабияти” ҳам мавжуд. Акс ҳолда одамзот иродаси, феъл-атвори, ижоди, умуман унинг маънавий-ахлоқий олами бир чеккага чиқиб қолади. Конт кандайдир тезисни мутлоқлаштириш ақидавий онгни шакллантириб кўяди, деб огоҳлантирган эди.

Туб дунёкарашга оид муаммоларни ижодий англаш эркин баҳс, мунозарани тақоза этади. Фикрловчи инсон учун ҳар доим ўз

мулоҳазалари, ҳатти-ҳаракатларида эркинлик ниҳоятда мухимдир. Зеро, одам борлиқнинг ҳар турли икки “тартиб”ларида яшашга мажбур. Бир томондан у табиий ва ижтимоий мухитнинг қаттиқ тартиблари, қонун-коидалари исканжасида яшаш, фаолият кўрсатишга мажбур; иккинчи томондан у ақий тамойиллар, маром (норма)лар, идеаллар оғушида нафас олади; бурч, шон-шараф, виждон, қадр-киммат каби ахлоқий тушунчалар орқали ҳатти-ҳаракатлар қиласди. Ҳар бир даврда муайян қаттиқ тартиблар, қотиб қолган тушунчалар, анъанага айланган урф-одатлар исканжасидан чиқиб, ижтимоий ҳаётни инсонийлаштириш, фан ва фалсафани ривожлантиришга беназир хисса қўшганлар ҳаёти, фаолияти бунга мисол бўла олади.

Синергетика атамаси аслида грекча “синергия” сўзи асосида илмий мулоқатга киритилган бўлиб, у биргаликдаги ҳаракат, бир бутун яхлит ҳаракатда турли имкониятлар ёки энергия турларининг ўзаро таъсирини эътироф этишидир.

Аниқ фанлар, жумладан физикадаги ҳаракат хусусиятлари ва ўзаро таъсиrlари учун аҳамиятли бўлган синергетикани И.П. Пригожиннинг термодинамика тамойиллари асосида фалсафада кўллаш мумкин, шунда “муросаю-мадора” фалсафаси шаклланади, деган нуқтаи назарлар ҳам илгари сурилмоқда. Тўғри, бунда муайян ҳақиқат бор. Зотан, синергетика катта, мураккаб вазифаларни турли фанлар биргаликда ҳал этадиган соҳа ифодаси бўлгани сабабли, у томондан очиқ системалардаги ўз-ўзини ташкил этиш механизмини аниқлаш жараённида фалсафа фанининг ялпи умумий қонулари ва категорияларини кўллашга тўғри келади. Агар фалсафий муаммоларни ҳал этишида турли соҳа мутахассисларининг биргаликдаги ҳаракати, фаолияти маъносида синергетика тушунилса, бундай ёндашувнинг муайян афзалликлари бўлиши мумкин, албаттга. Аммо аниқ фанларда кўллаш афзал бўлган коидалар, қонуларни фалсафа фани учун асос қилиб олиш мумкин дейилса, масалага бундай ёндашувлар фалсафани фан сифатида тан олишни амалда инкор килишга олиб келади.

Бунда Ўбекистонда Farbий Оврупо мамлакатларидағи каби ҳамма нарсани идеал ҳолда тасаввур этиб, фалсафани соҳаларга бўлиб ўрганишни афзал деб ҳисоблаётганлар фикрига қўшилишга тўғри келади. Масалан, улар хукуқ олийгоҳларида хукуқ фалсафаси, техника олийгоҳларида техника фалсафаси, пединститутларда психология фалсафаси ўтилиши маъқул, деб чиқмоқдалар. Фалсафа фанини соҳаларга бундай бўлиб ўрганиш гўё фалсафанинг таъсирчанлигини оширад, унинг ҳаётий мухим масалаларини ҳал

этиш имконнятини кенгайтиар эмиш. Юзаки караганда, түгрироғи, соҳавий тафаккур тарзи нұқтаи назаридан ёндашғанда, масаланиң бундай күйилиши түғри, хатто "янгича ёндашув" бўлиб туюлиши мўмкин. Амалда эса у фалсафани фан сифатида ўрганилишини чеклаб кўяди ва уни "фанлар онаси"га (Л.Фейербах) айлантирадики, натижада фалсафа ўзи соҳавий, касбий фанлар югурдагига айланади.

Гарбий Оврупо XX аср фалсафаси фалсафа тарихини инкор этиб, уни амалиётнинг тор андозасига солиб кўйишга қаратилгани билан характерланишини уша мамлакатларнинг ақл-хуши ҳали жойида бўлган файласуфлари таъкидлаб кўрсатадилар. Парменид ва Платондан бошлиған метафизик анъаналярни "генийлар хатоси" деб изоҳлаётган позитивистларни танқид қилиб, Англия ва Америкада катта обўга эга бўлган файласуф А.Макинтайр "генийларнинг хатоси ҳар доим ибратлидир" дейди. Бундан даҳолар хатосини топишга берилиб кетиш ўрнига, уларнинг илмий-фалсафий тафаккур ривожига ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига кўшган ҳиссаларига асосий эътиборни қаратиш маъқул, деган хулоса чикади. А.Макинтайр яна бундай дейди: "Фаслафа ижтисослашган касбий фанга айланниб кетишининг ўзи учун нафи бўлмади, аммо бу жиддий йўқотиш, шунда ҳам англаб олинмаган йўқотиш бўлди. Фалсафа, имтиёз нұқтаи назаридан технологиядан, табиий фанлар, иқтисодий фанлар ва сиёсатшунослик ва ҳатто адабиётшуносликдан ҳам ниҳоятда орқада қолиб, ҳозирги замонда устивор бўлган маданият муносабатлари бўйича чеккага суриб кўйилди (маргинал бўлиб қолди) ва қандайдир академик бўлакчага айланди."<sup>1</sup>

Позитивистларнинг фалсафани фан сифатида шаклланиш йўлига кўйган жиддий тўсикларини англамаслик О.Конт тарафдорлари иштибохликларидан бошқа нарса эмас. Бундай иштибохликларни кўллаб-кузватлаш фан сифатида шаклланиб бўлган фалсафага, бинобарин, фалсафий фикрларнинг бундан бўёнигি ривожига кўйилаётган сунъий тўсикларни янада кўпайтириш йўлини очиш бўлур эди. Фалсафани орқада судралиб юриши, бошқа фанлар, соҳалар югурдаги бўлишини истамаган ҳар бир файласуф позитивистлар гумроҳликларини пайқаб, уларнинг йўлини тўсишни ўз бурчи ҳисоблаши шубҳасиздир.

Фикрлар хилма-хиллиги (плюралнзм)га йўл кўйилмаслик ва аклий тафаккурни жиловлаш сиёсати пираворди ҳамма соҳада тургунликка олиб келишини шўролар даврида бир марта бошдан кечирдик. Фикрлар хилма-хиллигини баркарор қилиш, ўзгача фикрларга чидам ва қаноат билан муносабатда бўлиш демократия

<sup>1</sup> Наши интервью // "Вопросы философии", 1996, №1 -Стр. 98.

шартларидан бири эканлигига шубха йўқ. Бирок, бу ҳол фикр билдираётган одамни ижтимоий тараққиёт, авлодлар олдидаги бурчи ва маъсуллиятларини асло истисно этмайди, балки уни тақоза килади.

Шунинг учун матбуотда "Фалсафа фанми ёки...", "Бизга қандай фалсафа керак?", "Ҳаёт фалсафаси ёки фалсафа ҳаёти" каби мавзуларда илмий-оммабоп маколалар пайдо бўлмоқда. Уларнинг хаммасида фалсафа фан сифатида Ўзбекистоннинг бундан бўёнги тараққиёти учун ниҳоятда кераклиги алоҳида таъкидланади. "Фалсафий мушоҳада, мулоҳаза, тадқиқ, таҳлил ва таҳминларсиз кўплаб жиддий ҳаётий масалаларни ечиш мумкин эмас... Халқимизнинг маънавий, жумладан умумфалсафий маданиятини юксакликка кўтариш орқалигина, унинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини таъминланти мумкин. Зотан, бусиз кўзланган мақсадларга эришишимиз амри маҳол бўлиб колади".<sup>1</sup> Бундай фикрларга қўшилиш ва Ўзбекистон истиқлоли йўлида фасафий фикрлар ривожига кенг йўл очиш учун фалсафани фан сифатида эътироф этиш мақсадга мувоффик бўлади, деб ҳисоблаймиз.

### **Фалсафанинг фан сифатида шаклланиши тариҳий-тадрижий жараён**

"Фалсафа" тушунчаси билан "Фалсафа фани" тушунчаси ўртасида умумийлик тариҳий аспектда бор: фалсафанинг фан сифатида шаклланиши албатта фалсафа тўғрисидаги тушунчаларнинг тариҳий ривожи билан боғланиб кетади. Бироқ "фалсафа" тушунчасида фалсафага ижтимоий онг (объектив рух)нинг назарий шакли маъноси бўлса, "Фалсафа фани" тушунчасида оламни доиравий (атрофлича бир бутун ҳолида) билиш, ундаги ялпи умумий ўзаро алокадорлик, ўзаро таъсир, ўзаро тақоза муносабатлари жараённида одамнинг ўрнини ва ушбу муносабатлардаги мавқеи (роли)ни аниклашнинг муайян тизими (системаси) маъноси бордир. Бошқача айтганда, фалсафий фикрлар мажмуаси муайян бир тизим – фан холига келиши, бунда бошқа фанлар қамраб ололмайдиган унинг ўз тадқиқот соҳаси – объекти борлиги, бинобарин, ўз предметига эга эканлигини эътироф этишга тўғри келади.

Фан муайян соҳада инсоният тарихан тўплаган тажрибаси – ахборот (информация) ларни муайян тизимга солиниши бўлиб, ўша соҳани ўрганиш бўйича ўз илмий тили, тушунчалари, категориялари, қонунлари, тамойиллари, парадигмалари бўлишини тақоза этади. Булар ўз навбатида тарихан чуқурлашиб, кенгайиб, мазмунан бойиб

<sup>1</sup> Жалолов А. Ҳаёт фалсафаси ва фалсафий ҳаёт // "Мулокот" журнали, 1997 й., 5-сон — 21 —бет.

бориши натижасида фан ривожланади: бир фан заминида унинг қатор тармоқлари вужудга келиб, юзаки қараганда улар гүёки алоҳида фан сифатида гавдаланади.

Фалсафанинг фан сифатида ўз предметини аниқлашнинг тарихий илдизлари қадимги даврларга бориб тақалади. Масалан, бизнинг ватандошимиз Зардушт Сепитома (эрагача 589-512 й.) табиат ва жамиятда хамда инсон қалбидаги эзгулик билан ёвузлик кучлари (рухлари) ўртасида абадий кураш боради, бу курашда пироварди эзгулик тантана қиласди, деб башорат этганди, гарчи мистик тарзда бўлса-да, фалсафанинг ўз предметига борлигига ишора юзага келган эди. У аллома буюк файласуф, илоҳиётчи, табииётшунос ва адабиётшунос сифатида эзгуликни қарор топтирувчи ижтимоий куч кераклигини англаб, Комил Ақл эгаси тўғрисидаги концепцияни илгари сурганди. Бу билан дин ва фалсафа на фақат зиддиятли оламни тушуниш, айни чоғда бу қарама-каршиликлар оғушида инсоннинг ўз ўрни ва роли борлигини англашга ҳам имкон беражагини таъкидлаган эди.

Қадимги Хитой ва Ҳиндистон донишмандлари оламнинг бир бутунлиги гоясини илгарн суринб, шу бутунлик ичидаги одамнинг ўрнини аниқлашга уриндилар. Эрадан олдинги грек файласуфлари оламнинг асоси (субстанцияси) тўғрисидаги қарашлари, баҳс-мунозаралари аслида фалсафанинг предметини аниқлашга қаратилган эди. Чунончи, Гераклит (эрагача 544-483) оламни на ҳудолар, на одамлар яратган, балки у қонуний равишда абадий ёниб ва ўчиб турадиган олов тимсолидаги бутунликдир, деганда, шу бутунликни ўрганиш кераклигини назарда тутган эди. Унинг фикрчча, соғ ақл – қалом бўлган биринчи илоҳий олов парчаланиши ва ўзаро кураши оқибатида турли-туман нарсалар вужудга келган ("куйига юриш"), ўзаро келишув ва уйғунлик ажралишга олиб келган ва бу холат биринчи олов бутунлигини айлангунича давом этади ("юкорига юриш"). Ана шу паст ва юкорига абадий ҳаракат натижасида бутундан барча нарса, барча нарсадан бутун вужудга келади. Ҳамма нарса оқимда, аммо бунда қонун сифатида Калом (логос) ҳукмрон бўлиб, уни англаш фақат айрим кишиларгагина ишеб этади. Шундай қилиб, олам кун ва тун, ёз ва киши, уруш ва тинчлик, тўқлик ва очликдан иборат бутунликдир. Эзгулик ёвузликдан ва ёвузлик эзгуликдан иборатдир, деганда Гераклит тушунчаларга конкрет тарихий шароит ва муҳитдан келиб чиқиб, диалектик муносабат билдиришни назарда тутган бўлса, не ажаб. Дарҳақиқат бизнинг Эзгулик, Гўзаллик, Адолат, Бахт-саодат тўғрисидаги тушунчаларимиз нисбий ҳақиқат таснифига эга бўлиб, конкрет шароитга қараб улар

ўзининг қарама-қарши маъносида ҳам зухур бўладилар, яъни бир нуқтаи назардан эзгулик бўлган нарса, ходиса бошқа нуқтаи назардан ёвузлик сифатида намоён бўлиши мумкин. Фалсафа фан сифатида оламни билиш, унда одамнинг ўрнин юкоридаги каби категориялар кўзгуси остидан аниқлашга интилади.

Гераклит барча нарса қарама-қаршиликлар бирлигидан иборат булишига қарамай, уларда ботиний уйғунлик мавжудлиги ва бу зоҳирий қарама-қаршиликдан афзал эканлигига эътиборини жалб килиши фавқулодда аҳамиятлидир. Демак, Гераклит фикрича, донишмандлик ақлни, калом (сўз)ни англаш ва айни чоғда ана шу ақл, калом олдида бош эгиш ва унга бўйсунишдир. Табиат тузилиши ва давлат курилишида ўз ифодасини топадиган ақл қонунга бўненуни орқали одам калб равшанлигидан иборат олий баҳт-саодатга мушарраф бўлади.

Ана шу фикрлар марксизмда материализм ва идеализмга бўлиб юбориладиган бир бутунлик мужассамидир. Гераклит нуқтаи назарларини у томонга ҳам, бу томонга ҳам буриб юбориш имконияти мавжуд. Аммо шуну таъкидлаш ўринлики, Зардуст ва Гераклит каби юзлаб, минглаб файласуфларнинг ижодлари, машаққатли изланишлари туфайли фалсафий фикрлар ривожланиб, одамларда мураккаб тафаккур тарзи шаклланиб борди. Уларнинг таълимотлари Шарқ ва Гарб фалсафий ва диний фикрлар парвози учун асос бўлиши билан бирга христиан ва ислом илоҳиётининг шаклланишига ҳам имкон тутғидирди. Айни чоғда фалсафанинг умумий маънавий маданият ривожидаги ўрни ва ролига ойдинлик киритилиб, фалсафанинг фан сифатида шаклланишига ёрдам берди. Файласуфлар ва илоҳиётчилар назарида донишмандлик бутунни англаш<sup>\*</sup> бўлса, бутунни англашга интилиш ва уни қадрлаш донишмандликка, яъни, оламни билиш ва унда ўз ўрнини англашга олиб борувчи йўл бўлган.

Шундай қилиб, қадимги ва ўрга аср файласуфлари назарида фалсафа ҳам, илоҳиёт ҳам Бутун - олам ва унинг моҳияти хақида ҳар бири ўзига хос таълимот яратиб, Олам-Одам муносабатларида инсоннинг ўрнини аниқлайдиган назарий соҳа сифатида гавдаланади. Шунинг учун фалсафага фан эмас, "Фанлар фани" мақомидаги оламни билиш, унда одамнинг ўрнини аниқлаш методологияси сифатида қараш XIX аср ўрталаригача давом этиб келди.

Гарбий Оврупода XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср бошларига келиб фалсафий тушунчаларни муайян тизимга солиши жараёни бошланди. Ана шу тарихий эҳтиёжни немис олимлари

\* Фалсафада бутун материя, "Оламий рух", мутлок рух тушунчаларида ифодаланса, жаҳон динлари ва илоҳиётда Бирубор-Худо тимсолида гавдаланади.

И.Кант ва Г.Ф.Гегел бошқалардан кўра чукурроқ англаб, бу муаммони ҳал этишга астойдид киришдилар. Гегел фалсафанинг тадқиқот обьекти "Оламий рух" ва унинг гавдаланиши ўзидан узоқлашиш ва ўзига қайтиши деб билди. Бу ҳолатни аниқлаш методи ва методологияси сифатида диалектика билиш назариясини асос қилиб олди. У ўз тадқиқотларида албатта ўзидан илгариги файласуфларнинг нуктаи назараларига таянган бўлса-да, аммо Гегел фалсафий категориялар ва қонунларни муайян бир тизимга солди. У "Оламий рух"ни – Тезис (бошлангич нукта) сифатида олиб, унинг ўзидан узоқлашиб моддий нарсаларда гавдаланишини антитезис деб таърифлади. Тараккιёт давомида "Оламий рух" яна ўзига янги ҳолатда қайтишини синтез хисоблади.

Немис файласуфи К.Маркс (1818-1883) ўзидан олдин ўтган файласуфлар, биринчи навбатда Бутунликни "Оламий рух"да тасавур қилган Гегел ва Бутунликни "материя" хисоблаган Фейербах фалсафий қарашларини ўрганиб, уларни каттиқ танқид остига олади ва бирёкламаликда айблайди. У фалсафанинг тадқиқот соҳаси этиб материя, унинг ҳаракати ва тараққий этиш оқиоатини олади. Гарбий Оврупо рационализмининг олий ифодаси бўлган марксизмда Бутунлик материя сифатида талқин этилади. Юзаки қараганда материя моддийлик ифодаси бўлса-да, аслида у фалсафий категория – фоя (идея)дан бошқа нарса эмас. Демак, марксистик материализм негизининг ўзида идеяга ишониш ва синтези рухи мавжуддир. Шу маънода марксизмни фалсафада соф маънодаги материалистик қарашларнинг олий синтези сифатида баҳолаб, муносабат белгилаш илмий ҳақиқатта хилофдир. Чунки унинг туб илдизида идеализм – Олий фояга ишониш мавжуддир. Марксизмнинг идеалистик фалсафадан фарқи шуки, моддий олам, моддий ишлаб чиқариш бирламчи, белгиловчи бўлиб, жамият маънавияти, шу жумладан инсон рухий олами иккиласми, ҳосила хисобланади.

Маълум бўлдики, XIX асрда табииётшунослик фанларининг ривожланиши, кейинрок ИТТ туфайли ижтимоий онгда диний ақидаларга нисбатан F.Овруподаги илмий ҳақиқатларга ишонч кучайиб борди. Коммунизм тўғрисидаги гоялар ўзининг жўшқинлиги, амалий-ижтимоий моҳияти билан тобора кўпроқ одамлар, фан ахллари, ижтимоий-сиёсий арбоблар эътиборини ўзига жалб эта борди. Коммунизм гояларида кўпчилик ҳалокатдан кутилиш йўлини кўрди. Дунёни диний йўл билан тушуниб келаётган одамларга коммунистлар, социалистлар акл-идроқка таяниб, ишониб, қатый белгилаб кўйилмаган маросимларсиз жаннат эшкларини очишга вайда бердилар. Гегел худо гоясини "Мутлоқ гоя" билан, Фейербах

одамнинг одамга нисбатан муҳаббат туйғусини ривожлантириш билан алмаштиримоқчи бўлган бўлса, гоянинг курдатига тан берган Маркс синфсиз коммунистик жамият тўғрисидаги концепциясини яратди. Худди дастлабки христианлик ва мусулмончилик каби марксизм йўқсиллар, ночор қолган кишилар манфаатини химоя килаётганини кенг тушунтириб, реал ҳаётнинг ўзида баҳтли турмуш куриш имкониятини вайда қилди. Асрлар давомида диний рухда тарбияланиб, диний ҳис-туйғуси кучли бўлган ҳалқ оммаси учун гўё Худо осмондан ерга тушиб, одамлардан ғоя учун фидойилик, катъиятлилик, садоқатни талаб эта бошлади. Одамларда ижтимоий ҳаётни бирлаштириш учун бирлашиб курашиш иштиёқи кучайиб борган сари Маркс гоялари мантиқига танқидий ёндошни шунчалик сусайиб борди.

Марксизм худди динлар каби инсоният тақдирини олдиндан белгилаб қўйди. Синфий кураш, социалистик инқилоб, пролетариат диктатураси, бунда коммунистик партия етакчи ва раҳбар кучлиги, маданий революция каби Маркс белгилаб қўйган ва бу гояларга сигиниш даражасига қараб муносабат белгилаш амалда оддий одамларни бундай тақдирга тан бериб яшашга маҳкум этарди. Оддий меҳнаткашлар раҳбар мояга мутъе бўлиб, ундан мадад кутиб ишлашдан бошқа иложи йўқ эди. Диний онгни атеистик онг билан алмаштириш учун коммунистик гояларга эътиқод килишни улар тавсия этган бўлсалар, тараққиёт жараённада атеистик қарашларнинг бир-қўрининни сиёсий атеизм сиёсат билан уйғунашшиб кетиб, дунёвий мутаассиблик динига айланабиб кетди. Барча динларда бўлгани каби “коммунистик дин”нинг ўз мутаассиблари етишиб чиқиб, бошқача фикрлайдиганлардан давлат ўйли билан ўч олишга киришдилар. Маркс динларни “ўз ажали билан ўлишига” йўл қўйиш кераклигини айтган бўлса-да, аммо унинг дунёни материалистик фалсафа ёрдамида тушуниш учун худоларни бирин-кетин ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидан суриб чиқариш кераклиги тўғрисидаги талаби партократлар учун диний эътиқод эгаларини қатагон йўли билан тугатишларига йўл очиб берди. “Илмий материалистик” билимларни инсон эътиқодига айлантириш коммунизм куришнинг зарур шарти этиб қўйилди. Чунки коммунизм ғоясига эътиқод қўйган одам ҳар доим ўз идеалларига содик қолади, деб ҳисобланди. Шундай қилиб, нариги дунё ҳузур-халоватлари иштиёқи, шу якка-ягона дунё ҳузур-халоватлари билан алмашди. Худога имон келтириш ўрнини коммунистик гояларга эътиқод эгаллаши кераклиги билан белгилаб қўйилди.

Христиан бўлиш учун уч юзли Якка худога, мусулмон бўлиш

учун Аллохга сигиниш керак бўлса, коммунист бўлиш учун "Отахудо" – Марксга ва унинг foялари тимсолига айланган йўлбошчилар – "бала – худолар"га сигиниш орқали одамлар ўз онглари ва хистайғуларига коммунистик руҳни сингдириб олишлари керак бўлди. Худди содиқ христиан ва мусулмонлар худо ёрлақаган одамлар бўлгани сингари, коммунистлар чин инсон деб эълон қилинди. Уларга хайрихоҳлар гайдидинлар макомига эга бўлсалар, коммунизм foяларига шубҳа билан қаровчилар ёки уни танқид қилувчилар кофир ва ерес даражасига тушиб қолдилар.

Маркс билан Энгельс буржуа мулкчилигини тутатиш коммунизмни қарор топтиришга, табиат, жамият, инсоннинг ўзига илмий-материалистик қарашнинг тантанаси динлар ўлимини яқинлаштиришга қатъий ишонган эдилар. Шундай қилиб собиқ Шўролар даврида фалсафа гор одамига хос тафаккур тарзини шакллантириш функциясини бажариш билан ҳам машғул бўлди.

Шундай тадқиқларни жойзки, Реген ва Маркс машинаҳатини изланишлари туфайли фалсафанинг ўз тадқиқот обьекти ва уни тадқиқ этишининг маҳсус метод ва методологияси борлиги маълум бўлди. Натижада "Фалсафа фанлар фани", "фанлар онаси" эмас, балки ўзининг маҳсус тадқиқот соҳасига эга бўлган ҳамда шу маънода келиб чиқиши, ривожи ва шаклланиш жиҳатидан бошқа фанлардан фарқ қилмайдиган маҳсус фан эканлиги аён бўлди. Демак, XIX аср ўрталаридан бошлаб фалсафани ижтимоий онгнинг назарий шакли сифатида ўрганишдан уни фан сифатида ўрганиш жараёни бошланиб, ҳозир бу жараён давом этмоқда.

Маълум бўладики, фалсафанинг тадқиқот соҳасига муносабат турли фалсафий оқимларда турлича бўлиб, унга қараш тарихан ўзгариб борган бўлса-да, аммо оламни билиш, унда одамнинг ўрни ва ўзаро муносабатларини аниқлаш маъносида унинг тадқиқот соҳаси яхлит, ўзгармас бўлиб келди. Яъни хар бир фалсафий мактаб, оқим ўз доирасида ана шу соҳани ўзича, ўз тамойиллари, тушунчалари бўйича изоҳлаб, шархлаб келди. Шу тарихий жараёнда на факат фанлар фалсафадан ажраб чиқди, балки фалсафанинг ўзи ҳам соҳаларга бўлинниб кетди. Ана шу бўлинниш жараёнини чуқурлаштиришда файласуфларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этиб, эндиликда позитивистлар орқасидан бориб "фалсафа фанми?" деган шубҳали саволларни ўртага ташламоқдалар. Аммо фалсафанинг соҳаларга бўлинниб кетиши унинг тадқиқот соҳаси ва предмети йўқ бўлишини англатмайди, аксинча, унинг предметини атрофлича, чуқур ва кенг тушуниш эҳтиёжларини қондириш назарда тутилади.

Маълумки, хар бир тарихий бурилиш даврлари фалсафий

фикрларнинг у ёки бу томонга оғиши билан ўзига хослик бағишилаган. Фалсафий фикрлар нисбатан илмий-дунёвий йўналиш олган даврларда барча табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам ривожланиб, жамият тараққиети суръатлари тезлашган, ҳалқ фаровонлиги нисбатан ошган; ижтимоний-сиёсий соҳаларда эркин фикр юритиш имконияти кенгайган, шахсларда ижтимоий фаоллик сезиларли даражада ошган. Бунинг акси бўлган даврларда маънавият (таълим-тарбия унинг асосий таркибий қисми) инқирозга учраган ва бу ҳол бутун ижтимоий, иктисадий, сиёсий ва бошқа соҳаларда турғунликни, ҳатто регресс (орқага қайтиш)ни юзага келтирганига тарих шоҳид. Шунинг учун тарихий бурилиш даврларида фалсафага муносабат жиддий тус олган. Унга қарашларда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда туттган мавқеига муносабатда турлича нұктай назарлар илгари сурилган.

Албатта, республикамизда маънавиятни миллий заминда қарор топтириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Жумладан, одамларни нафс балосидан кутилиб, чинакам имонли комил инсон бўлишлари учун тасаввуфдан ижодий фойдаланиш керак ва лозим. Бироқ, ИТИ кетаётган ва информатика асрига кириб бораётган хозирги даврда тасаввуфни маънавиятимиз асосига кўйиш керак, деган фикрларга қўшилиб бўлмайди.

Мустақиллигимиз туфайли фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм)га йўл кўйилгани кўп улут шиб бўлди. Виждан эркинлиги тўғрисидаги Конституцион қонун эса Ўзбекистон гражданларига ҳизиқод эркини берди. Бу ва бонка эрк ва эркинликлар шубҳасиз хукукий демократик давлат куришдек улуғ мақсадларга хизмат килади. Бироқ, олимларимиз бирон-бир масалада катъий хулоса чиқаришдан олдин, ана шу фикр хукукий демократик давлат куриш ва гражданлик жамиятини шаклланиши, миллий ва умумбашарий қадриятларни қарор топтиришга хизмат қиладими, деган саволга на факат илмий, айни чоғда фалсафий жавоб беришга масъулдирлар.

Бироқ тасаввуф диний фалсафий йўналишлардан бири бўлганлиги сабабли уни факт илмий таҳлил этиш билан чекланиш кифоя қилмайди, бунга қўшимча равишда бугунги кунда у фалсафий таҳлилга ҳам муҳтож деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса хозирги замон фалсафа илмининг тушунчалари, категориялари, қонуллари, тамойиллари, парадигмаларидан ҳам хабардор бўлиш ва шу негизда доиравий тафаккур тарзи асосида уни таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, фалсафа худди бошқа фанлар, жумладан тил ва адабиёт каби фан эканлигини тан олишга тўғри келади.

Хозирги замон фалсафа фани илгаригилардан шу билан фарқланишини англаш мухимки. У одамларда, айниска соҳаий (технократик) тафаккур тарзини эмас балки доиравий (фалсафи) тафаккур тарзини шакллантиришига хизмат килишиб лозим. Агар биз асрлар давомида гор одамларига хос тафаккур тарзи шаклланниши ё сен турасан, ё мен" қабилидаги түрмуш тарзий тарғиб кишинингина қолмай, уни зугум билан амалга ошириб келингани маъдум. Гор одамларига хос тафаккур тарзи шаклланнишида большевистик мафкура ва таълим-тарбия тизими энг кўн куч-ғайрат сарфлади.

Ана шу руҳда тарбияланган қадрлар, жумладан олимлар соҳавий тафаккур тарзидан уз-узидан воз кечишиларига умид боғлаш бўлмайди. Бунинг учун кенг миқёсда илмий-фалсафий баҳс-мунозара зарурдир. Афсуски, республика олимларининг бошини қовуштириб, даврнинг долзарб назарий муаммоларини жиддий мухокама объектига айлантирадиган илми ташкилот амалда ийқилити аламли бўялти. Бундан шароитда фалсафа фани оиласан "шугулланиб", қаттий хуносалар айтадиган кишилар орасиде турли фан намоёндалари борлигига ажабланмаса ҳам бўлаверади.

Агар биз бошқа фанларнинг тарихан ривожланиши ва маҳсус тадқиқот обьекти, шунга мувофиқ ўз предметини белгилаш жараёнига жиддий назар ташласак, ҳар бир соҳа фан даражасида шакллангунга қадар бир неча боскичларни босиб ўтганига ишонч хосил қиласиз. Мисол тарикасида кимиё (химия) фанини олайлик. Менделеевнинг кимё элементлари жадвали инсоният зукко фарзандларининг шу соҳани асрий изланишлари натижаси ва маҳсули эканини ким инкор эта олади. Тўғри, у Менделеев номи билан аталиши табиий ва адолатлидир. Бирок, уни Менделеевгача минглаб тадқиқотчиларнинг, шу жумладан Марказий Осиё олимларининг ҳам азобли меҳнатидан кўз юмган холда тасаввур этиш ҳам ғайритабиий, ҳам адолатсизлик бўлур эди. Лоақал Шарқ ва Фарб алхимиклари олов сирларини очиш, тошдан олтин яратиш соҳасидаги машакқатли изланишлари, бу йўлда маҳрумликларни онгли равища ўз зиммаларига олишлари, ҳатто ўлимга тик караб, хукмдорларнинг эътиборларига сазовор бўлиш учун чеккан азиятлари – буларнинг ҳаммаси кимёвий жараёнлар соҳаси фан сифатида шаклланниши асрлар маҳсули эканини ким инкор эта олади! Сўнгра, кимиёвий ҳодисаларга методологик ёндашув ҳам бир хилда бўлмаганлиги маълумку. Аммо ҳеч бир олим кимиё фанини идеализм ва материализмга парчалаб тушунтирмайди, айниска унда диндан имон-эътиқоддан узоклашиб майли борлигини асло писанда кильмайди. Аксинча, кимиё тарихида турлича карашлар бўлгани, аммо, бундан

**сатыйи назар, у яхлит фан эканлиги тан олинади. Ёки астрономия фан шаклига киришида астрологларнинг хиссаси бўлмаганими. Мирзо Улугбек ва Коперник каби улуф олимларнинг тадқиқларисиз астрономия хозиргидек ўз тили, тушунчалари, категориялари, концепциилари, парадигмаларига эга бўлган фан шаклига кира олармиди?! Бу ҳолатлар шуни равшан тасдиқлайдики, ҳар қандай фан ўз соҳаси (объекти) ва предмети аниқ бўлгунга қадар ва илмий-тадқиқот самарадорлигига имкон берадиган тушунчалар тизими вужудга келгунча, жуда кўп асрлик тарихий-тадрижий йўлни босиб ўтиши керак бўлган экан, фалсафа ҳам бошқа фанлар каби бу умумий жараёндан истисно эмаедир.**

Юқоридаги муроҳазалардан кўриниб турибдикি, Фарбаги "парчаланиш" концепцияси тарафдорлари ва уларнинг биздаги мухлислари фанлар ривожи фалсафа тадқиқот обьектини торайтириб, уни йўқ ҳолига келтириб қўйди, деган асоссиз нуқтаи назарларига ўшилиб бўлмайди.

### **Фалсафа фани ва унинг предмети масаласи**

Президент И.А.Каримов 1995 йил август ойи охирида бўлиб ўтган республика Олий Мажлиси сессиясида олий йilmgoхларда ижтимоий фанларни ўқитишининг хозирги ахволига тўхталиб, жумладан, собиқ Совет давридаги эски ластур ва дарслуклар билан бу **Фанларни ўқитиш жиноятдир**, деган жуда қаттиқ, аммо ниҳоятда **адолатли** фикрни ўргатга ташлаган эди. Шундан кейин Ўзбекистон Фанлар Академияси, Ўзбекистон республикаси фан ва техника Давлат комитети, Ўзбекистон Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва бошқа давлат муассасаларида ана шу масалага жиддийроқ қараш майллари пайдо бўлди. Ижтимоий фанлар, жумладан, фалсафани ўқитишини яхшилашга қаратилган анчайин фикрлар матбуот саҳифаларида пайдо бўлди, турли йигинлар ўтказилиб, шу соҳа мутахассислари фикр-мулоҳазалари ўрганилди. 1995 йил 27 декабрда Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг йигилиши чақирилиб, унда фалсафанинг предмети муаммоси холи-бақудрат мухокама килиндн.

Ўша анжуманда камина шу масала бўйича маърузачи этиб белгиланганим учун ўз нуқтаи назарларимни батафсил баён этиш имкониятига эга бўлган эдим. Айниқса йигилиш иштирокчиларини хозирги замон рус файласуфларидан бири П.К.Гречконинг эндилиқда Фарбий Оврупо маданиятига қайтишни умумбашарий маданиятга қайтиш, деб ўқтироқмөдалар, гўё у ерда ҳамма нарса, ҳатто фалсафа масаласи ҳам оқилона ҳал бўлгандек тасаввурнн юзага келтиришга

уринмокдалар, аммо у мамлакатларда ҳам шу чөнча фалсафийи предмети ва методологик мақоми масаласида аниқлик бүк дарсан фикрларига қараттан эдим.<sup>1</sup>

Гречко буни тамомила тушунарлы ҳол деб хисоблады. Чунки фалсафада ягона ҳамфирорлийкни талаб этиш керакли натижани бермайды. Чунки башқа фандардан фарқли үларок, фалсафа доимо ажратиб туриб бирлаштиради, яныни фан ва инсоният тарихий тажрибаси даилларини алохидала-алохидада ажратиб таҳдил этади ва сүнгра үлардан умумий фалсафий хулосадар чиқаради, үларни оламнинг бир бутунлиги билан боғлайди. Бирок, дейди Гречко, фалсафанинг предмети ва вазифаси ҳақида лоқал шу соҳанинг мутахассислари орасида нисбатан озрок бўлса-да ўзаро келишув, яныни коммуникатив консенсус бўлиши керак. Бундай консенсус ёрдамида муаммо охиригача ҳал бўлмаса-да, аммо натижадор мунозарага йўл очилиши мумкин. Фалсафий фикрлар, йўналишлар турлича бўлгани ҳолда, аммо тадқиқот реаллиги фалсафий мезонлар билан белгиланган мәъкул.

Алоатта фалсафа фанининг “объекти билан” унинг предмети ўртасида жуда катта тафовут йўқ. Бирок, хозир фан сифатида щакланган фалсафанинг предметининг ўзига хос хусусиятлари борлигини назарда тутиш керак. Хозирги замон фалсафий фикрлари илгаригилардан ўзининг илмийлик солоҳиётининг кўплиги билан фарқ қилиб туради. Зоро, бугунги фалсафани хозирги замоннинг экспериментал тажрибага асосланган ва қўйи жихатдан ўзларига хос билиш услугуб (метод) ва усули (методологияси)га эга бўлган фанларнинг турли туркумларидан ажralган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Экспериментал тажрибага асосланган табииётчunoслик ва техникашunoслик фанлари шу даражада илгарилаб кетдиларки, оламнинг манзараси, ундаги умумий ва ялпи умумий алоқадорлик тўғрисида илгариги тасаввурларнинг кўпчилиги нисбатан оддий кузатиш ва “соғ” ақлга асосланганлиги аён бўлиб қолди. Бинобарин, фалсафа фанининг предмети масаласини ҳал этиш учун аввало гап қайси фалсафа ҳақида кетаёттанини аниқлаб олишдан бошлиш керак, деб хисоблаймиз. Бизнинг назаримизда, хозирги замон фалсафаси илмий заминга асослангани, үларнинг эса жуда катта информацион салоҳиёти борлигини назарда тутган мәъкул. Щунинг учун биз ўрганишимиз керак бўлган ва талабаларга ўргатишнимиз лозим топилган фалсафа фанининг номи “Илмий фалсафа” деб аталгани мәъкул.

<sup>1</sup> Батафни каранг. Гречко П.К. Вопросу о предмете социальной философии // Журнал "Вестник Московского университета" 1995, №1 (Серия-7).-Стр.7-87.

туннисөсөшөр ачылжор чи маҳ веңзитекшими  
истед. Масалага бундай сенданышга күшилмаётган файласуфларимиз  
хам йўқ эмас. Уларнинг фикрича, “Илмий фалсафа” атамаси яна  
бирексламаника олиб келди, яйни, карашлар ва оқимларни  
янгинаштиришга айланаш учун иулочилади; демак, масалага бундай  
сенданув ўхуди йилварни “маркечча исинча фалсафа” атамасининг  
янгинаштиришга ухудо “Ноане Бундай хавотирларнада муайян  
жакият бор, албатта Аммо биз ташнишимиз лозим бўлган давр Совет  
Демократидан тублиғарни шуки, ёндилиқда фикрлар хилма-хиллиги  
(плюрализм)га йўл кўйиш даврига қадам кўймокдамиз. Фикрлар  
хилма-хиллиги демократик тартиблар қарор топишига олиб  
борадиган йўллардан бирйидир. Аммо фикрлар хилма-хиллиги  
шароитида яшамаган ҳалқлар, уларнинг намоёнданлари бўлмиш  
зиёлилар учун бундай янги мухитга кириб олиш ва унда фаолият  
курсатиши кийин кечяпти, Хануз тафаккур тарзи монстрлик  
томон оғиб кетаётганинг гувохи бўляпмиз. Ихтимоий фанларда,  
жумладан фалсафа соҳасида билдирилган янгича фикрларни шубҳа  
остага олиш, бундай одамларга таъна тошларини отишнинг эски  
мазмундаги “янги” шакллари кўлланимокда. Аммо бирорвга ёқадими-  
йўқми, барибир, инсоннят ҳамкор, ҳамнафас бўлиб яшаш, гор  
одамларига хос тафаккур ва турмуш тарзларидан воз кечиш даврига  
қадам кўймокда. Шунинг учун якка мафкурага асосланган қарашлар,  
тамойилларнинг холокатли оқибатлари кўпчиликка, хусусан илм  
аҳлига кундек равшан бўлиб бормокда. Плюрализм йўлига сиёсий ва  
мағкуравий тўсиклар қўйилган, тоталитар, теократик, авторитар  
тузумларга асосланган давлатларда “илмий фалсафа” атамасидан ана  
шу тузумларнинг сиёсий негизларини мустаҳкамлаш учун  
фойдаланиб қолишилари мумкин. Бироқ, инсониятнинг бирдан-бир  
тўғри йўли хуқўкий демократик давлат ва гражданлик жамияти экани  
кўпчиликка, жумладан ақл-хуши расо сиёсий арбобларга ҳам майлум  
бўлиб колган бизнинг давримизда “илмий фалсафа” атамасини дадил  
кўллайвериш ва уни хозирги замон илм-фани, техника-технологияси  
ва плюралистик қарашларига асосланган фан сифатида  
ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Назарда тутишимиз мақсадга мувофиқ бўлган яна бир янги  
холат шуки, агар тарихан Шарқ ва Farb маданияти ва  
цивилизациясини бир-бирига қарама-қарши қўйиш майллари кучли  
бўлиб келган бўлса, ёндилиқда ҳар икки цивилизацийнинг ўзига хос  
хусусиятларини хисобга олган ҳолда ягона, умумбашарий  
цивилизацияни шакллантириш тарихий зарурат эканини англаш  
майллари кучайиб бормокда.

Одатда хозирги замон цивилизациясини гарбча ва шарқча

йўналишлари ўргасидаги ўзига хослик асосида Фарб ва Шарқ фалсафаси тушунчалари илмий мулоқатга кирган. Бундай қараш мабода ягонанинг ичидағи айримлик маъносини англатса, унинг илмийликка хилоф жойи йўқ. Чунки умумийликдан айримликтан, аксинча, айримлиқдан умумийликка бориш орқали илмий ҳақиқатни топиш илмий билиш методларидан биридир. Бунда факат бир бутунлик томонларини бир-бирига қарама-карши қўйилмаса, бас. Совет-рус фалсафаси, фалсафий фикр йўналиши на факат Фарб ва Шарқ фалсафасини бир-бирига қарама-карши қўйиш, балки барча фалсафий оқимлар, мактабларни марксча-ленинча деб аталган фалсафага<sup>\*</sup> қарама-карши қўйиш билан тавсифланадики, бундай методология амалда фалсафий фикрлар тургунлигини баркарор қилиб кўйди ва асосан бир андоза доирасида (стандарт) файласуфлар авлодини тарбиялаб вояга етказди. Ўша фалсафа большевистик мағкура дастёрига айланиб, ўзига хос мутаассиблик дини сифатида  
~~намеси булади. Бундай фалсафа нафаси~~ йўналишини ўзори буни хоҳламаган ҳолда нафакат фалсафа фанида, шу билан бирга ижтимоий ва гуманитар фанларда ақидапараст-харфхўрлар ва фундаменталистлар сифатида майдонга чикдилар. Улар фалсафага компаративистлар (киёсловчилар)нинг ўз вактида огохлантиришларига қулок солмадилар, “буржуа мағкурачилари” деб уларга тавқильтан тошлигини отишдан нарига ўта олмадилар. Натижада илмийликдан узоклашиб, чинакам Совет мағкураси югурдакларига айланиб қолдилар.

Гап шундаки, биз яшаётган давр илгариги барча даврлар – ижтимоий-сиёсий, маънавий-аҳлоқий муҳитдан шу билан фарқ қиласиди, эндиликда ҳар қандай шакл-шамойилдаги гор одамига хос тафаккур тарзидан тезроқ воз кечиш синфий, миллий, иркий, диний, фалсафий ўзаро ёнбериш, муроса килиб яшашга асосланған тараккиёт даврига, Ақл-идрок тантанасини амалда қарор топтириш даврига кираётганимизни тезроқ англаш пайти келди. Шу маънода компаративистларнинг Фарб ва Шарқ номуресачиларини буғунги ҳавотирили, ҳавф-хатарга тўла дунёда фалсафадаги бир ёқламаликларга барҳам бериш ва уни ҳалқлар, мамлакатлар, давлатлар ўргасидаги кескинликни бартараф этиш воситасига

\* “Марксча-ленинча фатсафа” атамасига танқидий ёндашиш маъкул, деб хисоблаймиз. Чунки Маркс таълимотини Ленин таълимоти билан айнанлаштириш илмийликка хилофdir. Бу атама И.В.Сталиннинг “Ленинизм – давримизнинг марксизмидир” мавзууда ўқиган руқиши ваззаларидан сўнг совет-рус фалсафасида қарор топиб колди Аслида В.И.Ленин буюкруссчилек, буюкдавлатчилек шовинизмими қарор топтириш, большевизмнинг мағкура воситасига айлантириш учун Маркс таълимотидан фойдаланган. Шундай килиб. Ленин марксизмни илмийликдан узоклаштириб, уни дунёвий динга айлантиришга асос согланлигини назарда тутнб, “Марксча”. Яъни, иктисад фалсафаси деб аташ тұғри бўлади. Бизнинг назаримизда “Ленинча” сўзи ортиклидир.

айлантиришга даъватларига жиддий зътибор бериш маъкул, деган фикрдамиз. Уларнинг фикрича, Ғарб ва Шарқ фалсафасини қиёсий ўрганиш фойдалидир. Шундай килингандан асрлар давомида Шарқ ҳам, Ғарб ҳам ўzlарига хос дунёқарааш тизимларини яратиб, бирбирига терс келадиган қадриятларни вужудуга келтириллар. Бу бирёкламаликларни бартараф этиш учун Ғарб файласуфлари Шарқдан метафизик қарашлар аҳамиятини тушунишлари керак, дейишади компаративистлар. Ҳатто улар зиддиятларни қарама-қарши томонларга ажралиб кетмаслиги учун инсон борлиги муаммоларига шарқча интуиция (фаҳм-фаросат, дид), мистик хис-хаяжонли, экзистенциалча ахлоқий мезонлар билан ёндашиш зарурлигини таъкидлайдилар. Ғарб файласуфлари фалсафанинг энг муҳим функцияси одамнинг ўз-ўзини, ўзлигини англашга ёрдамлашиши, одамга “моддий атамалар маҳсулни” ёки “иштимоий маҳсулот” сифатида қарамасдан, балки ўзининг тажрибавий борлиғидан устун турга оладиган Олий рух – Ноосферанинг туғилиши сифатида қараш керак. Шарқ файласуфлари эса Ғарб билиш методини ўзлаштириб олиши маъкул. Зоро, Ғарбда мантикий тафаккур ривожланиб, ташки, моддий оламни рационал тушунгани учун Шарқ файласуфларининг бу соҳада ўзлаштиришлари мумкин бўлган ибратли тажрибалар бор. Яъни Шарқ халқлари инсон ички олами руҳи эҳтиёжларини моддий ва ижтимоий эҳтиёжлар билан уйғунлаштириш малакасини ўзлаштиришлари техника, технология ва информатика асрида гоят фойдалидир. Бинобарин, Шарқ спиритуализмининг Ғарб натурализими ья рационализми билан ички жиҳатдан келиштириш йўлидан бориши инсониятнинг маънавий-ахлоқий тараққиётини таъминлаш билан бирга унинг моддий жиҳатдан фаровон яшашига ҳам йўл очади. “Цивилизация тараққиётининг янги йўллари ва янги дунёқараашлик йўналишларини излаш даврида фалсафада айримакашликнинг на истиқболи ва на истиқтоли бордир, - дейди В.С.Степин. – Ҳозир маданиятлар мулокати вақти, турли фалсафий гояларнинг энг яқин (интенсив) ўзаро таъсир этиш вақтидир. Эҳтимолки, бу Шарқ ва Ғарб маънавий анъаналари муштараклигининг буюк бошланиш даври бўлар”.<sup>1</sup>

Бу файласуф Гегел-Маркснинг оламни билишнинг диалектик методлари ўзига хос экспертизадан ўтказилишини ва гегелча-маркса концепцияларда ўз ифодасини топган тарихий тараққиётни муайян тарзда олдиндан белгиланган мақсадга мувофиқ ҳаракат сифатида тушунишни ҳам қайта кўриб чиқиши тавсия этади.

<sup>1</sup> Степин В.С. Российская философия сегодня: проблемы настоящего и оценка прошлого // Журн. “Вопросы философии” 1997, №5. – Стр. 6.

Хозир олий ва ўрга маҳсус илмгоҳларида ўтилаётган фалсафа гегеля-марксча диалектик билиш назариясига асослангандир. Чунки Ўзбекистон фан ва техника Давлат комитети “Диалектика ва билиш назарияси”ни ихтисослик сифатида рўйхатта олган. На факат талабаларга билим бериш, балки илмий-тадқиқотнинг асосий методи сифатида диалектика олинади, билищнинг боцка методлари ҳам борлиги иқрор этилса-да, аммо амалда улар инкор этиб келинмокда. Тарихан билищнинг метафизик методи, трансцендентал билиш методи, оламни, одам ўз-ўзини кадриятлар орқали билиш методи ҳам бўлган ва кўпгина мамлакатларда бу методлардан ўз ўрнида фойдаланиб келинади. Бундан ташқари, оламни билиш, унда одам ўз ўрнини аниқлашнинг одатий онг даражасига мувофик анъанага айланган урф-одат, расм-русум, маросимчилик услублари ҳам мавжудки, ахолининг асосий қисми шу услублар ёрдамида оламга, одамларга муносабат белгилайдилар.

Хар бир тарихий даврда ва маданий анъаналарнинг ўзига хослиги дойрасила фалсафа ва унинг предметига муносабатлар турлича бўлиб келган. Бугина эмас, ҳатто фалсафанинг ҳар бир йўналиши учун алоҳида-алоҳида предмети борлигини илмий жамоатчилик эътироф этган. Бирок, биз юқорида таъкидлаганимиздек, объект маъносида барча фалсафий оқимлар, фалсафий йўналишларнинг предмети оламни билиш, унда одамнинг ўрнини аниқлашга қаратилгандир. Факат баъзи фалсафий оқимларда оламни билишга асосий эътибор қаратилса, бошқаларида одамнинг ўрнини аниқлаш етакчи майл (тенденция) бўлиб келади. Фалсафий фанлар, масалан, ижтимоий фалсафа, дин ва хурфиксрилилк фалсафаси, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, ахлоқшунёслик, эстетика “олам-одам” муносабатларининг айрим бир жихатларини ўзларининг тадқиқот обьектлари қилиб оладилар. Барибир, қайси йўналишда бўлмасин, “олам-одам” мўносабатларининг ялпи умумий алоқадорликка эга эканлигини ана шу фанлар исботлашга уринадилар.

Олам ва унинг умумий манзараси, буни билиш мумкин ёки мумкин эмаслиги, шу жараёнда одамнинг ўрни ва оламни ўзлаштиришдаги ролини аниқлаш, оламга гўзаллик конунларига асосланиб мунособат белгилашнинг турли усуllibарига амал қилиш жараённида муайян дунёкараш ва тафаккур тарзи шаклланади, шу дунёкарашга ва тафаккур ҳарзига мувофик кадриятли онг вўжудга келади, бу дунёкараш ва қадриятли онг одамнинг муайян йўналишдаги имон-эътиқодида ўз мужассамини топади. Демак, фалсафа фанининг предмети ана шу холатларни қамраб олиши керак,

деб хисоблаймиз. Шунинг учун ҳам фалсафа фани предметининг қуидаги таърифини берамиз ва уни ўз нуктаи назаримиздан туриб тавсифлаймиз.

*Оlamни илмий билиш, унда одамнинг ўрни ва ўзаро муносабатини аниқлаш жасаёнида доиравий тафаккур тарзига асосланган дунёқараши шакллантирий, инсон онги ва қалбига шунга мувофиқ имон-эътиқод руҳини сингдирин илмий фалсафанинг предметидир.*

Фалсафа фанининг тадқикот обьекти билан унинг предмети ўргасида якинлик бор. Бирок, предмет ўша обьектни ўрганиш услугуб ва усусларини ҳам ўз ичига олади. Юқоридаги таърифда бу ҳолат иnobатга олинган. Сўнгра, унда бизга ҳозиргача маълум бўлган таърифлардаги умумий мазмун сакланган ҳолда бошқа фалсафий оқимлар, йўналишлар ва мактаблар учун характерли бўлган жиҳатлар ҳам хисобга олинган. Уларнинг инсоният маънавий такомилидаги ўйнайдиган ва ўйнаётган ролларига холисона баҳо беришни ҳам ўз доирасига киритади. Бу таъриф оламни билишда фалсафа фанининг бошқа фанлардан фарқ қиласиган ўз ўрни, йўли, усули, воситалари, мезони, мароми, қадриятлари, идеаллари борлигини ҳам назарда тутади. Оламнинг бир зарраси ва айни чоғда бир сирли олам бўлган одамнинг ўзи яшаётган тарихий, географик ва ижтимоий мухитда муайян ўрни ва ўйнайдиган роли борлиги (яратувчи ёки бузувчи куч эканлиги) эътироф этилиб, буни билиш зарурати аён бўлади. Одамзот оламни билишда настдан юқорига, сoddадан мураккабликка, чекли-қаращдан кенг камровли қараашга томон бориш жараёнида ўр одамларига хос олғирлик, босқинчлик тафаккур тарзи ва чекланган (саҳовий) тафаккур тарзидан доиравий (фалсафий) тафаккур тарзига томон кетаётгани, бунда фалсафанинг алоҳида, бетакрор ўрни борлигига зътибор қаратилади. Ва бу ҳол инсон тафаккур тарзини ўзгартириб боришининг аҳамияти ҳакида теран фикрлар билдиришни назарда тутади. Таърифнинг умумий мазмунида муайян дунёқарашиб ва тафаккур тарзининг одам маънавий-ахлоқий қиёфаси тимсолида гавдаланишини намоён этадиган имон-эътиқодга муносабат ҳам бор. Чунки фалсафа фани бу масалани четлаб ўтмаслиги керак, зеро, ҳар бир дунёқаращдаги мазмун, йўналиш одам онги ва қалбидан жой олиб, имон-эътиқодига айлангандагина қадр топа олади ва у ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Имон-эътиқод илмий фалсафий, маданий-маърифий, инсоний одоб-ахлоқ йўналишида ҳам, диний-мистик (буддавийлик, христианлик, мусулмончилик ва бошқа) йўналишларда ҳам турли даражаларда шаклланиб, оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларга ҳаяжонли ва эҳтиросли муносабатларни вужудга

келтиради, кўтаринкилил руҳини баҳш этади ва инсон иродасини изчил, қатъиятли килади. Имонли одамларнинг хаёти мазмунан тўлақонли, завқ-шавқли бўлади. Улардан тушкунлик руҳи чекинади.

Асрлар давомида имон масаласи билан на факат диний уламолар ва илоҳиётчилар, балки қўзга кўринган файласуфлар ҳам шуғулланиб, бу муаммога ўз муносабатларини билдириб келганлар. Масалан, қадимги грек олим Гераклит одамнинг олам ҳакидаги билимлари ҳар дойм нисбий бўлади, у дунёдаги ҳамма нарса, ходисаларни билишга қодир эмас, бинобарин, у бошқа кишилар фикрига ишонишга мажбур, деган эди. Оламни билишда Афлотун ақл-идрок ва киёслаш билан бирга ишонч катта рол ўйнашини таъкидлаган. Арасту ишонч одамнинг ўз фикри ҳақиқат эканлигига муносабатидир, деган эди. Ўрта аср файласуфлари ҳам ишонч маъносидағи имон оламни билиш, одам ўз-ўзиннанглаш воситаси деб ҳисоблаган. Ирландиялик файласуф Иоонн Скотт ишончни ҳар кандай билимнинг бошланиши ва щарти ҳисоблаган. Фаранг файласуфи Ш.Тэйю олимлар фан дарёйини кеч бир текцирмасдан унга ишонардилар" дейди. У ишончни ирова, умид, истак, шубҳа ва бошқа руҳий холатлар билан бўглайди.

Шаркда, жумладан Туронда илоҳиёт доирасида имон фалсафий таҳлилдан ўтказилган. Бунда Хужжат-ул ислом номи билан машхур Абу Ҳамид ал-Газзолийнинг фалсафий фикрлари диққатга сазовордир. У аллома "имон" тушунчасини инсон ишончининг маҳсус руҳий холати сифатида "дин" тушунчасидан фарқлади. Аллоҳга ишончнинг тўрт боскичи борлигига эътиборни қаратади. Ислом илоҳиётчилари кўп баҳс-мунозаралардан сўнг имон тушунчаси мазмуни масаласида бир битим (консенсус)га келганлар. Уларнинг фикрича, имон уч унсур – одамнинг ички (қалб) тасдиғи, эътиқоди, сўз билан икрори ва эзгу амаллари билан бу ишончга садоқатидан иборатдир.

XX аср файласуфлари ҳам имон масаласи билан жиҳдий шуғулана бошладилар. Улар фалсафа фанига "диний имон" ва "нодиний имон", "аҳлоқий имон", "илмий имон", "фалсафий имон", "дунёвий имон" каби тушунчаларни киритдилар. "Имон" тушунчаси ва уни диний ва илмий талқин этиш тарихидаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, имон ишонч маъносида фанда ва одамлар, уларнинг уюшмаларининг кундалик мулоқотлари ва муносабатларида кенг қўлланиб келинади. У оламни билиш, одамлар билан одамлар, турли уюшмалар билан уюшмалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни вужудга келтиришнинг энг яқин йўли ва усулидир. Арабча "аман" сўзининг туркчалашган шакли бўлган имон ишонч,

инонга нисбатан чукур мазмунга эгадир. Бу мазмун имоннинг дунёкараш, дунёни англаш ва олий гоя ва Олий ибтидо билан инсон ички олами - "Мени"нинг багланиши билан вобаста бўлиб кетади. Имон на фақат олий ибтидога ишонч, айни чоғда бу ишончга хар қандай шаройитда ҳам содик қолиш, маънавий оламини мунаввар килиш воситаси ҳамдир. Ҳар қандай дунёкараш имон туфайли ва унинг воситаси билан инсонда ва одамлар уюшмаларида муайян маслакни вужудга келтириб, шу маслак атрофида уюшиш, бирлашиш, иродаларини яқинлаштириш имконини беради. Имон туфайли одамлар руҳида ўша дунёкараш барқарор бўлиб, уларни аниқ мақсад сари бир-бирларини тушунишга, ҳамкор, ҳамнафас бўлиш учун гоявий негиз бўлади. Демак, хар қандай дунёкараш гояга айланиши, одамлар қалбидан ўрин олиб, аниқ ижтимоий мақсад сари уларни харакатга келтира олиши учун у имон предмети бўлиши шарт. Шу маънода одамнинг инсон (жамиятлашган индивид)га айланиши учун унга таянч-ишончдан иборат имоннинг олий шакли керак, бунингсиз ҳозирги одам тоифаси ўз-ўзини тўла англай олмайди, ўзидағи зоологик инстинктларга қарши исён кўтариш қобилиятига эга бўлмайди.

Мамлакатимизда ва умуман дунё миқёсида ҳам "имон" тушунчаси "дин" тушунчаси билан айнанлаштириб талқин этилиб, муносабат белгилаш одат тусига кирган. Индивидуал, одатий ва ижтимоий онгда диндор одам, яъни худо (Аллоҳ, уч юзли Якка худо, Будда в.х.к)га ишонувчи кишигина имонли бўла олади, деған фикр мүкимлашиб қолган. Бунинг сабаби шуки, хар қандай дин аввало ўз ихлосмандлари учун ишонч орқали ички маънавий оламини космик бутунлик – худо гояси билан боғлашнинг тарих синовидан ўтган усул ва услугларини кўллади.

Агар тарихга назар ташласак, хар қандай мураккаб, зиддиятли даврларда, айниқса бир маънавий-рухий ҳолатдан бошкасига ўтиш заруратлиги мутафаккирларнинг аксариятига аён бўлиб қолган вақтларда фалсафага, фалсафий фикрлашга ижтимоий эҳтиёж ниҳоятда ошиб кетишига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистон жамияти ўз тарихий тараққиётининг жуда масъулиятли даврини бошидан кечираётган ҳозирги кунларимизда файласуфлик ёки фалсафий фикр алломаси дъявоси билан чиқаётган зиёлилар кўпайиб бораётгани кувончли, албатта. Зоро зиддиятли, мураккаб замонда ҳар бир киши, хусусан зиёли файласуф бўлмаса-да, аммо фалсафий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши мавжуд зиддиятлар тугунини тезроқ, осонроқ, беозорроқ ечиш имкониятига эга бўлади.

Фалсафий тафаккур ривожида оммавий ахборот воситаларининг

алохида ўрни ва мақоми бордир. Республикаизда чиқаётган эътиборли рўзнома, хафтанома ва ойномаларнинг бу йўналишдаги сайти-харакатларини табриқлаш керак. Айни ҷоғда улар фалсафий фикрлар тарихий заминларда илмий йўналишда ривожланиши учун масъул эканликларини ҳам унтиб қўймаслик жоиз, деб ўйлаймиз.

Охирги йилларда чикқан фалсафий мавзулардаги мақолаларни ўқисак, шу нарса қўзга яққол чалинадики, фалсафани фан сифатида тан олмаслик майли (тенденцияси) кучайиб бормоқда.

Маълумки, ҳар қандай одам физика, кимиё, тарих, сиёсатшунослик ва бошқалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтишга ҳақли. Бирок адабиётшунос сиёсатшуносга дарс бермоқчи бўлса ёки тарихчи физик олимга ақл ўргатса, жуда кулигли бўлади. Фалсафага муносабат гўё худди шундай бўлаётгандек: олий мактабда фалсафадан бир илож қилиб "4"- "5" га илиниб олган собиқ талаба бугун адабиётда ёки журналистикада ўзини намоён этиш билан чекланмай, балки ўзини ўтқир зежни файласуф сифатида хис этмоқда. Гарчи файласуфлар адабиётга қизиқиб, у соҳа сир-асрорларига ақли етадиган даражага бориб қолган тақдирда ҳам, адабиётшунослик даъвоси билан чиқмайдилар. Чунки бу, фан ахлоқи маромларига зид эканини улар яхши биладилар.

Бирок, кўп соҳанинг мутахассислари фалсафа фан эканини унтиб қўйяптилар. Шунинг учун ўз мулоҳазаларида файласуфларга дарс беришни ёки уларнинг "кунини кўрсатиб қўйиш"ни лозим топадилар.

Имонни фалсафий категория сифатида тушуниш, уни шундай талқин этиб, муносабат белгилаш ўзбек зиёлиларимиз учун жуда оғир ботяпти. Уларнинг бир қисми имон фақат ислом динига хос феномен деб тушунсалар, бошқалари имон хусусида фалсафий талқинни атеизмга қайтиш деб баҳоламоқдалар. Ҳатто улар "дин худуди"га бош суқиши" мумкин эмас, "исломий эътиқод қалб, рух мулкига айланган" кишигина бу ҳақиқатни англай олади, деб имон масаласида ҳатто баҳс юргизишга ҳам қарши чиқмоқдалар.

Имон иккита ёки бир нечта бўлади, деган фикр ҳеч жойда баён этилмаган. Одам ўзи бир олам бўлгани сабабли, у имон йўналишларидан бирини танлаб олади ва бу унинг гражданлик хукуқининг таркибий қисмидир.

Гап имоннинг оддий ишончдан фарқ қиласидиган олий босқичи дунёкараш билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли имон йўналишлари ҳатто дин доирасида ҳам айнан бир эмаслиги ҳақида боради. Чунончи, тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, биз яшаб турган дунёда учта жаҳон динидан ташқари ўнлаб миллий динлар ва юзлаб

мазхаблар бордир. Уларнинг ҳар бири руҳонийлари ўзлари мансуб бўлган дин ақидаларини ҳақиқатнинг охирги нуқтаси сифатида ўз қавмларига тушунтирадилар. Турли ибодатлар, расм-русумлар, маросимлар йўли билан ўз издошларига имон берадилар. Агар мусулмон Аллоҳга имон келтирса, христиан уч юзли Якка худога имон келтиради, Лотин Америкасидан индуисти Биби Марямга имон келтириши мумкин. Шундай қилиб, диний имон йўналишлари хилма-хил бўлгани холда мазмунан олий бир ибтидога ишонч руҳининг калбда қарор топитиришдан иборат бўлиб, шундан келиб чиқиб дунёни ва ўзини-ўзи, яъни инсон деган улуғ зотга мансублигини англашдир.

Хўш, граjdан Ақл соҳаси тантанаси даври келиш тоясини Олий ибтида, мутлок ҳақиқат сифатида қабул қилишга ҳаки борми-йўқми? Баъзилар буни тан оладими-йўқми фан аксиомалари ҳам, динларнинг умумбашарий аҳамиятга молик панд-насиҳатлари, тақиқ ва рухсатлари ҳам Ақл соҳасининг мевалари эмасми. Лекин эндиликда Ақл соҳаси ҳақида эмас, бу соҳа – Ноосфера биосфера устидан ҳокимлик қилиш палласига киргани устида гап кетяпти. Буни англамаслик ҳар кандай зиёлига сира шараф келтирмайди. Ақл соҳаси тантанаси даврини хоҳ илмий-маърифий, хоҳ диний-маърифий йўл билан яқинлаштириш учун одамларни бирлаштириш воситаси фақат имон бўлиши мумкин, холос. Бу йўлда албатта тўсиқлар бўлади, бироқ, инсоният ана шу тўсиқларни олиб ташлаш орқали яхлит бир дунёда муросаю мадора билан яшашига, ишлашга одатланмаса, бўлмайди. Демак, реалликка реал кўз билан қарашимиз, имон йўналишлари хилма-хил бўлишидан катъий назар, у жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, инсон руҳини поклашнинг тарих синовидан ўтган воситаси эканини тан олишга тўғри келади. Бу ҳолатда имон на фақат диний, ёки соғ исломий қадрият, балки фалсафий категория ҳукукини олиб, умумбашарий қадрияттага айланади.

"Имон" сўзи билан ифодаланадиган тушунчадаги мазмунда аввало ишончдан иборат руҳий холат, шундан ҳосил бўладиган индивиднинг муносабати ва фаолият йўналиши ўз ифодасини топади. Одам билан одам ўртасидаги муносабат, ҳамкорлик, ҳамнафаслик даражаси ҳам уларнинг турмуш тажрибасига асосланган ўзаро ишонч ёки ишончсизликдан иборат руҳий холатга боғлиқ булади. Ҳатто одамларнинг турли уюшмалари, ҳалқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг иликлиги ёки совуклиги ҳам бевосита улар ўртасида қарор топган ишонч ва ишончсазлик холати билан узвий боғланиб кетади.

Бирок "имон" сўзи оддий инсоний, миллий ва умумбашарий ишонч холатига ёнисбатан чукурроқ мазмунга эгадир. У индивидднинг муайян дунёкараши, дунёни ўзига хос англаши билан бевосита алоқадордир. Имон на факат Олий ибтидоға ишонч, унга таваккул қилиш, айни чоғда ўша Олий ибтидо билан фикран ва рӯҳан бирлашиш учун ички қасам (аҳднома)дан иборат холат ҳамдир. Шундай холатдаги киши ўзини маънавий-рухий таянчга эгадек хис этади, орзу-армонлари, истак-тилакларини ўша қосмик бутунлик билан баҳам кўради. Ҳозирги одамнинг маънавий-ахлоқий камолати учун таянч-ишончдан иборат имоннинг олий босқичи албатта керак. Буни ҳар бир дин ва унинг намоёндаси худо гояси орқали беришга интилади. Диний ақидаларга сидқидилдан ишонган одам учун ҳам маънавий-рухий яқинлик, ҳам ўлим вахимаси, ҳам бу дунё ташвишлари барчаси бир варакайига ҳал бўладигандек туюлади. Имон туфайли одам ўз-ўзини инсоний бўшқариш, ўз-ўзини назорат килиши механизмига эга бўлади. Демак, барча динларнинг, шу ~~жумладан~~ исломнинг имон орқали одам ~~зоти~~ ўз ~~хөвройи~~ кусурларидан ўзи озод бўлиши учун кураш воситасига эга қилиши соҳасидаги тажрибасига беписанд қараш ярамайди. Аксинча, динларнинг бу тарихий тажрибаларини рағбатлантирган ҳолда фан аксиомалари ва фалсафий хақиқатларга ишонч рухини сингдириш механизмларини шакллантиришни жиддий ўйлаб кўриш вазифаси пайдо бўлмоқда.

Бу ўрннда шуни таъкидлаш жоизки, собиқ Шўролар даврида большевиклар маънавий-рухий таянч бўлган ва динлар орқали одамлар ахволи руҳиясидан жой оладиган имонни тортиб олиш учун зўр бериб уриндилар. Бунда улар имон ўрнига атеистик эътиқодни одамлар маънавий-рухий таянчига айланишига умид боғладилар. "Илмий атеизм" номи билан аталган ўша атеизм асло илмий эмаслиги, балки у сиёсий атеизм эканлиги эндиликда аён бўлди.

Одамлар, ҳалклар назарида сиёсий атеизм маънавий-рухий таянчдан ва ахлоқ-одобдан маҳрум этадиган, умуман инсонларни маънавий-рухий жиҳатдан қашшоқлаштирадиган алоҳида соҳага ўҳшаб қолди. Бинобарин, собиқ Шўролар даврида яшаган одамлар назарида атеизм хурфиксаликнинг бир йўналиши эмас, балки уларни таянч-ишонч – имондан маҳрум этадиган гоявий оқим сифатида намоён бўлади. Чунки сиёсий атеизм одамларни анъанавий таянч-ишонч бўлиб келган диний имондан маҳрум этиб, унинг ўрнини тўлдира оладиган фалсафий йўналишдаги имонни бера олмади. Атеизмга ёнисбатан ҳозирги салбий муносабат ва ҳатто нафрат сабабини шу ҳолат билан изохлаш мумкин.

Ишонч индивиднинг ўзи учун нуфузли бўлган кишилар, шунингдек, фан далилларини текширмасдан ҳақиқат сифатида қабул килиб, хиссий-баҳовий муносабат белгилашдан иборат алоҳида ички маънавий-руҳий ҳолатдир. Бирон-бир фикр (ғоя)га ишонч бошка, ундан фарқ қиласданған фикр (ғоя)га ишончсизликни тақоза этади. Бинобарин, муайян гояга ишонч ва ишончсизлик ҳолати вакт ва шароитта қараб бир-бирига ўтиб турадиган маънавий-руҳий ҳолатдир.

Ишонч на фақат индивидуал онг учун, балки микро ва макромухитдаги ижтимоий онг учун ҳам алоҳида руҳий ҳолат сифатида намоён бўлади. Ҳар бир мамлакат, минтақа ҳалқи учун етакчи ишончдан иборат руҳий ҳолат бўлади, буни объектив руҳнинг ҳар бир тарихий даврдаги белгиловчи ғоя билан тавсифлаш мумкин. Масалан, собиқ Шўролар давридаги объектив руҳ йўналиши (тенденцияси)ни омманинг аксариятида коммунистик гояга ишонч белгилар эди. Коммунистик партия юқори элитасининг сўзи билан амали (фаолияти) ўртасидаги фарқ тобора ошиб бориши натижасида даставвал баъзи мутафаккирларда, сўнгра ҳалқда у гоянинг ҳақиқатлигига шубҳа пайдо бўлди, бу шубҳа ривожланиб бориб, ишончсизлик ҳолати объектив руҳда етакчи бўлиб қолгач, 5 миллион куролли одамларга эга бўлган ўша қудратли империя қулади.

Шу муносабат билан объектив руҳда бозор иқтисоди муносабатлари фаровонликка, инсон эркини барқарор қилишга имкон беради, деган ғоя илгари сурилди. Давлатлар ва партиялар ҳамда ижтимоий муассасалар бу гояларни чин ва рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат сифатида ҳалқ оммасига таъсир ўтказишнинг турли воситалари ва методлари ёрдамида тушунтира бошладилар. Ҳалқ оммаси аввало бу гояга шубҳа билан қаради, аста-секин унга ишонч руҳи қарор топиб бормокда. Объектив руҳда у гояга ишонч етакчи бўлиб бориши даражасига қараб тобора кўпроқ одамлар ва уларнинг жамоатлари бозор иқтисоди муносабатларини чин қалбдан кўллаб-куvvatламоқдалар, унга ижобий баҳо бериш билан муносабат белгиламоқдалар. Бозор инқтисоди муносабатлари хусусий мулкчиликнинг етакчилигига асослангани учун марксистлар бундай муносабатлар адолатсизлик ва зулмларнинг манбаъи деб хисоблаган эдилар. Собиқ Шўролар даврида бу гояни мутлоқ ҳақиқат сифатида большевиклар исботлашга уриниб, муайян бир даврда ҳалқ оммасида унга ишонч руҳининг қарор топишига муваффақ бўлган эдилар. Ана шу руҳ одамлар қалбida батамом йўқолиб кетмаган бўлса-да, аммо эндиликда у етакчи ғоя (руҳ) бўлмай қолди. Демак, бир гоянинг қадрланиши, бошка, унга терс бўлган гоянинг қадрланишига олиб келиб, аста-секин бу кейинги ғоя Олий ҳақиқат сифатида объектив

рухнинг етакчи майли бўлиб қолади. Ва у муайян мамлакат ҳалки одамларининг асосий кўпчилигининг маънавий-рухий холатини белгилари туфайли моддий кучга – амалий ҳаракатга айланади.

Одамзотнинг тарихий-тадрижий (эволюцион) ривожини илмий таҳлил этганда шу нарса равшан бўладики, бирон-бир олий ибтидо ҳақлигига ишонч натижасида шу ишончга монацд имон қарор топиб, муайян мамлакат, минтақа ҳалқларининг маънавий оламида белгиловчи объектив рух сифатида намоён бўлади. Чунончи, ватандошимиз Зардуст Сепитома кўп худочилик ва оташпаратлик ғояларига терс бўлган якка худочилик (ваҳдоният) ғоясини илгари сурди ва ўша давр ҳукмдорларининг фаол кўллаб-кувватлаши натижасида у ғоя объектив руҳда етакчи бўлиб қолди. Натижада зардустийлик ғояларига ишонч якка худо – Охурмаздага имон келтиришга сабаб бўлди. Эрамиздан аввалги VI аср охиридан бошлаб то-греклар боекини ва ҳукмронлиги давригача Эрон, Турон ва биркатор хозирги араб мамлакатлари ҳалқларининг кўпчилиги учун бу ғоя Олий ҳақиқат сифатида кабул қилиниб, одамлар имони ана шу рух билан белгиланди. Греклар ҳалқ оммаси онгидан зардустийлик ғояларини чиқариб ташлаш учун уриндилар ва бунга қисман муваффик булдилар. Кейинчароқ тикланган зардустийликда яна кўп худочиликка оғиш рўй берди, у маздайлик мазхаби сифатида гавдаланди. Ҳалқ оммаси онги ва ахволи руҳиясига Эрон шоҳлари маздайлик ғояларини сингдира бошладилар, Зардуст ўрнига ўзларинн худо ваҳийларини оммага етказувчи ердаги расули (элчиси) этиб таништирдилар. Шундай қилиб, объектив руҳда зардустийликнинг ваҳдониятга асосланган ғояси қадрсизланиб, моҳиятн кўп худочиликка асосланган маздайлик ғояларига имон келтирила бошланди.

Араблар Туронни босиб олган чоғларида маздайлик шаклидаги зардустийлик ғоясига қарши уруш эълон қилдилар ва Аллоҳ ғоясига ишонч руҳини сингдирдилар. Маълум вақт ўтгач, объектив руҳда ислом ғоясининг ҳақиқатлиги етакчи бўлиб қолди ва ҳалқ оммаси Аллоҳ ва унинг расули Мухаммад ибн Абдуллоҳга имон келтира бошлади. Якка худочиликка асосланган ислом моҳият эътибори-ила қадимги зардустийликдан фарқ қиласди. Мусулмончилик ибодатлари, урф-одатлари, расм-русумлари ва маросимлари зардустийликка яқин бўлгани учун ислом Турон объектив руҳида муқим бўлиб қолди. Унинг таъсирида ислом маданияти ва турмуш тарзи шаклланиб, ҳалқ онги ва ахволи руҳияси (психикаси)да у Олий қадриятта айланди.

Хозирги дунёмиз илгариги XX аср ўрталаригача бўлган ва

мәйлум мәйнода алохіда-алохіда мінтақалардан иборат дүнёдан тубдан фарқ килиб бормоқда. ИТИ туфайли биз яшәттән дунё тобора бир бутун бўлиб қайта шаклланмоқда. Иқтисодий, сиёсий, маданий интеграция ҳамда коммуникация ва информатиканинг замонавий воситалари туфайли элатлар, халқлар, миллатлар турмуш тарзи, у билан боғлиқ ҳолда тафаккур тарзи жиддий ўзгаришлар боскичига қадам қўйди. Бундай шароитда илгариги анъанавий тушунчалар янги мазмун билан тўлиб, шу янги тарихий шарт-шароитлар тақозаси билан бойиб бормоқда. Гап "имон" тушунчасининг албатта фалсафий мазмуни ва талқини устида боряпти. Файлласуфларнинг илмий-ижодий фаолиятлари туфайли "имон" тушунчаси соғ диний мазмундан фалсафий мазмун касб этиб бормоқда. Бу соҳада Ўзбекистонда муайян олий ижтимоий мақсад билан боғлиқ бўлган имоннинг ҳам индивиднинг мәйнавий-рухий ҳолати, ҳам халқ оммаси маслаги сифатидаги мазмунини илмий жамојтчилик маъқуллади. Бу муаммога бағишланган илмий мақолалар, монография ва китоблар нашр этилди.<sup>1</sup>

Уларда инсонда имон диний йўл билан ҳам, илмий-маърифий йўл билан ҳам шаклланиши мумкинлиги исботланган. Имонли бўлишнинг буддавийлик, носронийлик, исломий ва бошка нўналишлари билан бирга илмий-маърифий (фалсафий) йўналишлари ҳам бор. Имон шахс мәйнавий-рухий оламида қайси йўналишда қарор топмасин, аммо унинг шартлари асосан биттадир. Яъни имонли одамнинг сўзи билан иши бир бўлади, бундай инсон ҳар қандай шароитда ўз сўзи ва аҳднома (шартномаси) устидан чиқади. Агар шундай қиласа, виждон азобида қолади ва ўзини-ўзи сира кечирмайди. Демак, виждон, ҳалоллик-поклик, ростгўйлик, инсофи-диёнат, саҳоват, муруват, самимият, Ватан ишқи билан яшаш факат имони бутун одамларга хос фазилатлардир. Бу сифат мәйнавиятнинг асослари бўлгани сабабли ҳар қандай жамиятда имонли инсонлар туфайли мәйнавият барқарор бўлади. Имонсиз одамлар кўпайган жамиятда мәйнавият юз-тубан кетади.

Ўзбекистонда 18 йўналишда диний ташкилотлар давлат қайди (регистрацияси)дан ўтган. Демак, уларнинг ҳар бири ўз қавмларига худога ишонч руҳини сингдириш орқали имонли шахсларни шакллантиришга асосий эътиборни қаратади. Бундан ташкари илм-фан, мәйнавият-маърифат, адабиёт ва санъат йўли билан ҳам индивидлар ростгўйлик, ҳалоллик, саҳоватпешалик,

<sup>1</sup> Карап: Каримов И. Веро как духовное состояния. Т., "Фан", 1991; Каримов И. Имон ва инсон, Т., "Фан", 1991; Каримов И. Имон - инсонга хос // "Ўзбекистон адабиёти ва санъти" Хафтномаси. 1993 йил, 17 сентябрь; Мәйнавият имондан бошлилани (фалсафа фанлари докторларн И.Каримов ва Э.Умаров мулокоти) "Гулистан" журнали, 1995, 1-сон.-12-15-бетлар.

муруватпешалик, Ватан ва халқ ишқи билан яшаш руҳи сингдирилади. Республика миқёсида ҳам, дунё миқёсида ҳам ўтаси илмий анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар одамларда инсонларварлик руҳи барқарор бўлишига қаратигандир.

Демак, бугунги дунёимиз учун қайси йўналишда бўлғандан қатъий назар, имонли комил инсонларни тарбиялаш объектив руҳда етакчи, белгиловчи майл (тендансия) бўлиб қолмоғи лозим. Шунинг учун биз республикамизда имонли инсонлар иттифоқини вужудга келтириш масаласини ўргага ташлаяпмиз!

Агар бу муаммони ҳал этиш давлат муассасалари, сиёсий ва ижтимоий ташкилотларнинг дастуруламолига айланса, республикамизда ҳали тарихда мисли кўрилмаган маънавият барқарор бўлади, ижтимоий тараққиёт янада тезлашади, имонли комил инсонларни тарбиялаш соғ исломий вазифадан умуммиллий вазифа бўлиб коладики, буғдан биронта диний конфессия ютказмайди, балки янада қадри ёнади.

Илмий фалсафий адабиётларда имон турли сур'иклар билан бериляпти. Бироқ инсон руҳий олами диний ва илмий йўналишларда бойиб боришини назарда тутиб, "диний имон" ва "илмий имон" тушунчаларини мuloқатга киритиш, аммо асло уларни бир-бирига қарама-карши қўймаслик маъқулдир. Шунда битта улкан ижтимоий мақсад – имонли комил инсонларни тарбиялаш учун ижтимоий кучлар бирлашади. Дунёқарашлардаги фарқлардан қатъий назар, ёвузликка қарши имонли комил инсонлар эзгулик учун курашда бир жон-бир тан бўладилар. Имон туфайли улар ҳамкор, ҳамнафас бўлиб қоладилар, инсон руҳи инсонийлашади ва у улуғворлик томон бурилиб кетади. Бунинг учун одамлар эндиликда Ноосфера (Ақл соҳаси) тантанаси даврига кирганликларини англаб етишилари зарур. Динларнинг муқаддас китоблари ҳам, имий-фалсафий адабиётлар ҳам шу Ноосферанинг маҳсули бўлиб, уларда инсониятнинг буюк тарихий тажрибаси ўз мужассамини топгандир. Ноосфера тантанасига ишонч руҳини инсон онигига сингдириш, уни объектив руҳининг етакчи тоясига айлантириш бағоят долзарб бўлиб турибди Олимларнинг яқдил бўлиб таъкидлашларича, эндиликда биосфера (тириклик соҳаси)нинг тақдирни Ноосфера – Ақл соҳаси қандай йўналиш олишига боғлиқдир.

Инсоният ё Ақл соҳасини оқилона фаолият сари йўналтириб, тириклик соҳасини сақлаб қолади, ёки бунга эътиборсиз қараб ўзини

<sup>1</sup> Қаранг Абдусамедов А.И., Каримов И. Имонли одамлар иттифоқи муаммоси ва Ўзбекистонда ижтимоий адолатли жамият куриш масаласи // Диншуннослик асослари Т., "Ўзбекистон", 1995. -212-224-бетлар.

ҳам, бутун тириклик соҳасини ҳам йўқ қилиб ташлайди. Демак, икки йўлдан қай бирини танлаб олишда олимлар, уламолар, барча ақлий меҳнат ахллари ҳалқ оммасига ёрдам беришлари керак. Бу, уларнинг ўз ҳалқлари, бутун башарият олдиаги муқаддас бурчлари бўлиб қолмоғи лозим.

Ноосфера тантанаси даври бошланганилиги ғоясини ҳалқ оммаси онти, аҳволи рӯхиясида етакчи бўлиб қолиши, у янги давр одами имон-эътиқодининг ғоявий асосига айланишнинг йўллари, услублари, воситаларини илмий-тадқиқотнинг етакчи соҳаларидан бирига айлантириш ижтимоий ва тарихий заруратдир. Бу ижтимоий эҳтиёж ва умумбашарий манфаатни ҳалқ оммасига англатишида фалсафанинг фан сифатида алоҳида ўрни бор. Чунки фалсафа фан сифатида, барча фанлар аксиомаларига таяниб туриб, одамни илмий англаш ва унда одамзотнинг ўрнини реал белгилаш имкониятига эгадир. Чунки фалсафанинг дунёқарашиблик, аксиологик, гносеологик, психологик, тарбиявий, қадриятли онгни шакллантириш каби функциялари борки, ана шу функциялар фалсафий ғояларни имон-эътиқод предметига айлантиргандагина улар тўлақонли равишда амалий аҳамият касб этади. Зоро, муайян Бош ғояга имон келтириш, яъни унинг ҳақиқат, ҳақ эканлигига чин қалбдан ишониш ва бу ишончга ҳар қандай вазиятда содик қолиш учун ички қасамёд (ахд) қилиш орқали муайян дунёқарашиблик, фан аксиомалари ҳақиқатлиги эътироф этилади ва улар на амалий фаолият учун, айни чоғда комил инсонлик учун ҳам дастуруламал бўлиб қолади. Имон инсон рухини поклаш, одамзотнинг ўз зоологик кусурларидан, гор одамларига хос тафаккур тарзидан халос этади, яъни у халоскорлик воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Имонли одамлар, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари туфайли ҳар қандай жамиятда маънавий-ахлоқий мухит соғломлашади ва бундай жамиятда фозил одамларгина яшай оладиган муносабатлар қарор топади. Одам имон бутунлиги натижасида инсонга айланади ва бошқа одамлар, ҳалқлар, миллатлар, ирқлар ҳамда ўзга диннаги кишилар билан ўзаро ён береб яшаш қобилиятига эга бўлади. Ноосфера тантанаси ғоясининг имон-эътиқод предметига айланиси натижасида диний заминдаги зиддиятларни ҳал этиш мумкин бўлади. Имоннинг турли йўналишларда шаклланиши мумкинлиги ва унинг шартлари бир хил эканлигини эътироф этиш, бу фалсафий тушунча атрофида турли имон-эътиқод эгалари ўртасидаги муҳолифлик руҳи чекинади, одамларнинг ва ҳалқларнинг бир-бирига руҳан яқинлашиш вазияти вужудга келади.

XXI аср бўсағасида шаклланаётган фалсафа фани имонни ўз

тадқиқот обьекти ва асосий мавзуига айлантириши туфайли конфронтацион рухдан ҳоли бўлиб боради ва у умум эътироф этган ягона фан сифатида барқарор бўлади. Фалсафа фани предметининг янги мазмун билан бойиши барча фанларга, айниқса ижтимоий-гуманитар фанларга самарали таъсир кўрсатади.

Зеро, “фалсафа инсоннинг барча билимларини умумлаштириш асосида унинг дунёкарашини шакллантиради. Фалсафий дунёкараш борликнинг умумий қонуниятларини билиш асосида шаклланади, инсон маънавиятига чуқур сингиб, унга муайян мақсад ва йўналиш беради, унинг оламни яхлит воқелик сифатида ўрганишга қаратилган фаолиятини чуқурлаштиради ва кенгайтиради. Аслида, фалсафа фанининг вазифаси ҳам муайян дунёкарашни шакллантириш орқали кишиларнинг онгига ва шу йўл билан уларнинг амалий фаолиятига таъсир этишдир”. Муайян дунёкараш кишилар онги ва қалбида барқарор бўлиши учун эса ўша дунёкараш ўз мужассамини топган олий фоя булиши даркор. ~~Фалсафий дунёкараш унинг замонидаги Ноосфера тўғрисидаги фоя шу вазифани бажариши мумкин. Яъни ҳар бир фан ёшларга фақат муайян ихтисослик бериш билан чекланмай, шу билан бирга улар Ноосфера тантанасини яқинлаштириш, одамзот онгини тўласича оқилона изга буриб юбориш учун курашчига айлантиради. Куръони карим ва хадису шарифларда жуда тўғри кўрсатиб ўтилганидек, ўнта сабр-тоқатли (имонли) киши юзта имонсиз одамни, 100 нафари мингини енгади.~~<sup>1</sup>

Хадисларда одамлар билан дўстона муносабат ўрната оладиган, кенг қалбли, яхши ахлоқли, ор-номусли кишилар имонли одамлар ҳисобланади. Умуман Ведалар, Библия ва Куръондаги одамлар ва ҳалкларни бирлаштиришга, бир-бирини хурмат қилишга ёрдам берадиган ғояларга асосий ургуни бериб, конфронтацион рухни ривожлантиришга асос бўладиган ғояларни эътиборсиз қолдириш фоят муҳимдир. Буни ҳозирги замоннинг илфор илоҳиётчилари, руҳонийлари яхши англаган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларида унга амал қилаётгандарди. Масалан, мадраса ва маҳатда ўқиган одам (чала мулла ва чала отиндан фарқли равища) Куръони карим “Бақара сураси”нинг 256-оятидаги “динга зўрлаб киритиш йўқдир. (Зеро) ҳақ залолатдан ажраб бўлди” деган оят доирасида диний тарғибот билан шуғулланса, Ўзбекистон республикаси виждан эркинлиги тўғрисидаги Конунга ҳам қаттиқ амал қиласи ҳамда одамлар орасига дин воситаси билан ихтилофлар солишидан ўзини тияди.

<sup>1</sup> Юсупов Э., Абдурахмонов Ф. Фалсафага янгича ёндаши – давр талаби. Т., 1998. -5-бет.

<sup>2</sup> Каранг: Куръони Карим Т., “Чўчпон”, 1992. -121-122-б.

## Фалсафа фани янгиланишга эмас, балки такомиллашибашга мухтож

Маълум бўлдики, фалсафа – донишмандлик, доно фикрлаш эса инсон табиатига хос хусусиятдир. Зеро, олам сирларини билиш, унда ўз ўрни ва мақомини аниклаб олишга интилиш, ўтмиши, бугуни ва келажаги билан кизиқиши ҳар қандай акли расо, жисмоний соғлом кишида доноларча фикрлашни тақоза этади. Шу маънода фалсафий тафаккур ёрдамида оламни билиш инсон табиатидан келиб чиқадиган нодир ҳодисадир.

Муайян соҳада билимдон бўлиш, ўзи танлаган ихтисосининг сиру-аэрорнарини обдан билиб фаолият кўрсатиш ҳар бир мутахассис учун ҳам, жамият ва унинг тараққиёти учун ҳам ҳаётий мухим эҳтиёждир. Моддий неъмат мўл-кўллиги ва маънавий бойликлар хазинасига хазина кўшиш учун ҳар бир киши бирон-бир касб-корнинг устаси, мутахассиси бўлиши, унга ихлос кўйиши шарт. Бироқ, одамзот муайян ижтимоий ва маданий мухитда яшайди, фаолият кўрсатади. Унинг тақдирни фақат ўзининг тадбиркорлиги, аклий ва илмий салоҳиёти билангина эмас, айни чоғда муайян даврда у яшаётган жамиятдаги ижтимоий-иктисодий, маънавий-аҳлоқий мухитта ҳам боғлиқ бўлади. Ана шу боғлиқликни англаш, шу мухит доирасида ҳатти-харакат ва фаолият йўналишини чамалаш қобилиятига эга бўлиш учун донолик, донишмандлик керак бўлади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, муайян соҳада билимдон бўлишнинг ўзи ҳали донишмандлик нишонаси эмас. Чунки одам учун билимдонлик қанчалик мухим бўлмасин, ушбу билимга таяниб туриб муайян мураккаб вазиятда тўғри қарорларга келиш, шу асосда мақсад-муддаони реалликка мувофиқ белтилаш ва уни амалга ошириш йўллари, услублари ва воситаларини тўғри танлаш ундан ҳам мухимроқдир. Сўнгра, ҳар қандай соҳанинг мутахассиси муайян миллат (элат)га мансублигини, айни чоғда у башарият фарзанди эканини англаши ва шундан келиб чиқиб ҳатти-харакат, фаолият йўналишини чамалаши учун ҳам фалсафий фикрлаш қобилиятини ўзида тарбиялаши ижтимоий ва тарихий заруратдир. Жаҳонга танилган фан ва техника арбоблари маълум маънода файласуфона фикрлаш сохиби ҳам бўлганликлари маълум. Бу ҳол уларнинг ўз миллий, социал қобигидан чиқиб, умумбашар фарзанди даражасига кўтарилишлари учун имкон туғдирган.

Илм-фан ниҳоятда шиддат билан ривожланётган бизнинг давримизда унинг оқибатлари нимага олиб келишини олдиндан билиш, фаҳмлаш учун ҳар бир соҳанинг мутахассисидан

денишмандларча фикрлаб, муайян карорларга келишни талаб этмокда. Чунки фан-техниканинг жиловсиз ривожланиши инсониятни ҳалокат ёқасига тобора яқинлаштираётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бунинг учун фан-техника эмас, балки одамзот тор манфаатлар доираси (унинг асирилги)дан тўла-тўқис чиқиб кета олмаётгани сабабдир. Демак, фан-техника ва бошқа соҳаларнинг барча намоёндалари доиравий (фалсафий) тафаккур тарзи згаси бўлиши учун фалсафадан хабардор бўлишлари, ўзларида фалсафий дунёкарашни шакллантиришлари бағоят мухимдир. Айнан мана шу ҳолат ҳар бир кишидан "чор билимлилик" – денишмандлийликни талаб этади. Агар шахс тор ихтисос доирасида ўралашиб, файласуфона фикрлашдан маҳрум бўлиб қолса, унинг тақдири, келажаги ноаник, коронгу бўлиб қолади. "Рухий соғлом одам у ёки бу даражада файласуфдир, - дейди Т.Ортиков, - Чунки фалсафий тафаккур томонлари ва дунёкарашдан бехабар бўлган мутахассисни ўз соҳасининг билимдонлигин, ўз дарёйини ишор кишиси инсони комил аташ мумкин эмас".<sup>1</sup>

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, деярли барча соҳанинг мутахассислари фалсафий фикрлаш кўнинмаларига эга бўлишга ҳаракат қилаётганликлари ниҳоятда кувончли ҳодисадир. Зоро, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш омиллари ичида кадрларда фалсафий тафаккур тарзининг шаклланиши фавқулодда аҳамиятлийdir, деб ўйлаймиз. Одамзотнинг генида ҳануз яшаб келаётган ғор одамларига хос тафаккур тарзини, ИТИ туфайли шаклланиб, барқарор бўлиб колган соҳавий тафаккур тарзини, демакки, булар билан боғлиқ бўлган турмуш тарзидан кутилиш учун фалсафий тафаккур тарзига эга бўлиш, билимдонликни денишмандлик билан омухта кила билиш одамзот учун хаётий заруратдир.

Бирор, бу жараёнда битта масалада равшан фикрга эга бўлиш мухимдир: фалсафий фикрлаш, фалсафий тафаккур тарзига эга бўлиш – бу, хали файласуфлик дъявоси билан чишиш учун кифоя қўймайди. Файласуф бўлиш учун аввало фалсафа бошқа барча фанлар каби ўз тадқиқот соҳасига эга бўлган, онтология ва гносеология бўйича бошқа фанлар каби ўз тарихий-тадрижий ривожига эга маҳсус фан эканлигини тан олиш зарур. Одам физика, химия, мантиқ ва бошқа шу каби фанлардан муайян билимга эга бўлиши мумкин, аммо бу хали унга физика, химия, мантиқ соҳасида маҳсус билим соҳиби бўлган кишиларга ана шу соҳаларда малакали маслаҳат, йўл-йўрик бернишга хақлиман, дейиш хуқуқини бермайди, бундай нуқтаи назарда туриш,

<sup>1</sup> Ортиков Т. Фалсафа фанми ёки... // "Мулокот" журн., 1994 й., 11/12-сон. -32-бет.

юмшокроқ қилембайтганда, одобсизлик бўлур эди.

Бундан бошқа соҳанинг мутахассислари фалсафани обдон ўрганишлари йўли тўсиб кўйилар экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Аксинча, юқорида таъкидлаганимиздек, улар албатта фалсафий дунёкараш соҳиби бўлишлари, фалсафий тафаккур тарзи қобилиятини ўзларида мужассамлаштириш учун хоҳ маҳсус равищда, хоҳ мустақил равишида фалсафа илмини эгаллашга интилсалар, нур-устига аъло нур бўлар эди. Бу ўринда гап умуман фалсафанинг эмас, фалсафа фани соҳиби бўлиш учун шу фан тили, тушунчалари, категориялари, қонунлари, тамойиллари, парадигмаларини ҳам ўзлаштирамай туриб, фалсафа фани ихтисосига эгаман, деган даъво билан чикиш одобдан эмаслиги хусусида боряпти. Чунки "фалсафа предмети ўзига хос ва ўзгармас бўлиб, унда бошқа фанларга бериладиган ҳеч нареа йўқ, зеро, унинг предмети яхлит, бўлинмас ва қисмларга бўлиб тарқатилмасдир, зеро объект маъносида фалсафа предмети барқарордир".

Фалсафа соҳаларга бўлиб юборилгани ўша соҳалар фалсафа фани эканлигидан далолат эмасдир. У соҳалар ўз номи билан соҳавий тафаккур тарзи маҳсулотлари бўлиб, фалсафа фанининг ўрнини асло боса олмайди. Зарурат бўлса уларни фан сифатида эмас, балки маҳсус курс сифатида ўтилиши мумкин. Бироқ, шунда ҳам у курслар фалсафа фани бўла олмайдилар. Демак, "фалсафа" тушунчасини "Фалсафа фани" тушунчаси билан алмаштираслик керак. Бу, худди физик жараёнларни физика фани билан бирдек этиб кўрсатишга ўхшаб кетади.

Фалсафа ҳозирги ривожланган мамлакатлар маънавий ҳаётининг таркибий қисми, айни чафда унинг асоси ҳамдир. Шу асосни мустаҳкамлаш, жамият маънавий-руҳий ҳаётини, ахлоқий салоҳиятини мустаҳкамлаш учун фалсафа фанига бўлган ҳар қандай салбий карашлар ва бундан келиб чиқадиган ғайриинсоний муносабатларга барҳам бериш керак бўлади. Салбий муносабатларни тугатиш учун фалсафа фанини янгилаш керак, деган фикрлар билан чиқаётган олимларнинг нуктаи назарларини эътиборга сазовар эканлигини таъкидлаган ҳолда, фалсафа фани янгиланишга эмас, ҳозирги замон фани ютуқларига асосланиб янги мазмун, янги ёндашувлар билан такомиллашувга муҳтождир, деб хисоблаймиз.

Фалсафа фанининг тили (стили), тушунчалари, катёгориялари, қонунлари, билиш метод (парадигма)лари, тамойиллари асрлар давомида Шарқ ва Фарб файласуфлари машаққатли ва фидойӣ изланишларининг самараиси сифатида илмий мулоқотга кирган. Бошқа

<sup>1</sup> Алексеев П.В., Панин А.В. Философия. М., "Проспект", 1996. - Стр-49.

фанлар каби фалсафий тушунчалар, категориялар тарихан мидор жиҳатдан кўпайиб боради, баъзилари янги мазмун билан боййиди, баъзилари ўз хаётйлигидан маҳрум бўлади. Бинобарин, фалсафада турли оқимлар, мактаблар бўлишидан қатий назар, ягона, яхлит фан сифатида ўз соҳаси – оламни билиш, унда одамнинг ўрни ва роли (мавкеи)ни аниқлашга имкон берадиган илмий тушунчалари, категориялари, қонунлари ва қонунуятлари мавжуддир. Ҳар бир фаннинг тарихан қарор топган тамойиллари ва тушунчаларини қуруқдан-куруқ (нигилистик) инкор этиш жамият тараққиёти ва инсон камолоти учун асло хизмат килмайди. Аммо бошқа фанлар каби фалсафа фанини такомиллаштириш, уни янги тушунчалар, янги мавзулар билан бойитиш албатта керак бўлади, деган фикрдамиз. Ҳозир олий ўкув юртлари учун фалсафа фанидан тайёрланаётган ўкув дастурлари, қўлланмалари ва дарслекларининг асосий йўналиши, мавзуларининг танланишида қадимги юнон фалсафаси асос қилиб олинган. Ва у Гарбий Оврупо фалсафасининг асосий тамойилларига ~~тасдиқни берадиган~~ Альбатта кейинига пайтанича фалсафа фанидан чиқаётган дарслек ва қўлланмаларда собиқ Шўролар давридаги бирёзламаликлар, айниқса "марксча-ленинча" деб аталган фалсафанинг ижтимоий ходисаларни синфийлик тамойилларига асосланиб таҳлил этиш маълум даражада бартараф этилди. Унда оврупопарастлик (европацентризм) майлларига ҳам анҷайин путур етди. Бирок, фалсафа фани анъанавий мавзулар доирасидан чиқиб кета олмаяпти. Масалан, материянинг тузилиси, унинг шакллари ва бошқалар батафсил таҳлил этилган ҳолда, борликнинг иккинчи муҳим жиҳати – руҳий оламнинг шакллари, структураси жиддий таҳлил этилмаёттир. Сўнгра, фалсафа фанининг дунёқараш функцияси эътироф этилган ҳолда, бу дунёқарашни амалда гавдалантирадиган, уни индивидуал ва ижтимоий онгда барқарор эта оладиган имон-эътиқодни шакллантириш зарурати эътибордан четда турибди.

Фалсафа фани мавзуларига ва мазмунига анъанавий муносабат Шарқнинг бой фалсафий меросини чукуррек ўрганишга ҳам монелик қилиб келмоқда. Албатта бунинг объектив сабаблари ҳам бор. Шарқ фалсафасининг кўп асарлари араб, форс, хитой ва бошқа тилларда ёзилган бўлиб, Гарбий Оврупо ва рус манбаълари орқали уларга муносабат белгилаймиз. Осиё файласуфлари ва мутафаккирлари асарларининг энг муҳимларини ўзбек тилига ўгириб, "Шарқ фалсафаси хрестоматияси" сифатида берилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳол бўлажак фалсафа фани ўкув дастурлари, қўлланмалари ва дарслеклари мазмунини бойитиш билан бирга талабаларда Шарқ фалсафий меросига объектив муносабатни тарбиялаган бўлур эди.

Иккинчидан, уларда билишнинг тарихий методидан мантикий методига ўтиш етакчи майл ҳисобланади. Агар билишнинг мантикий ва тарихий методлари уйғуналигидан, мантикийликдан тарихийликка ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Масалан, борлиқни таҳлил этаётганда, мантикий метод асос қилиб олиниб, уни билиш тарихига тўхтаб, таҳлил этилса, талабаларнинг бу масалага кизиқиши, демакки, ихлоси ошган бўлар эди. Чунки тарихий аспектдаги фалсафа фани тадқиқот соҳасини ёритишга берилиб кетиш фалсафий билиш самарадорлигига анча путур етказмокда.

Учинчидан, бугунги реал вокелик талабларидан келиб чиқиб, фалсафий тафаккур тарзини шахсларда қарор топтириш масаласи мутлако эътиборга олинмаётир. Хуеусан, одамзотнинг шу яхлит Ёр шарида битта тур сифатида ҳамкор, ҳамнафас бўлиб яшашига жиддий ҳалакит бериб келаётган гор одамларига хос тафаккур тарзи ва соҳавий тафаккур тарзининг намоён бўлиши далиллар билан кўрсатилиб, унинг салбий оқибатлари талабаларга етказилмаётир. Демак, бўлажак кадрларда тафаккурнинг эскирган тарзларига қарши ғоявий кураш иммунитети хосил килинмаётир. Ана шу ҳолатлар нуқтаи назарида туриб, Ўзбекистонда фалсафага фан сифатида қараб, муносабат белгилашни тарихий зарурат, деб ҳисоблаймиз.

Тошкент, “Қатортол-камолот” нашриёти, 1998 йил.

### ИЛМИЙ БАҲС – ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТ

Фалсафа фанлари доктори, профессор Малик Орипов ўзининг «Сирли олам» ойномасида чоп этилган (1998 йил, 12-сони) «Инсонни билиш илми» номли мақоласида фалсафа бир қатор инсоншунослик (ижтимоий-гуманитар) фанлар қаторида туриб ёки уларнинг мазмун-моҳиятини ўзлаштириб, «инсон, унинг тақдири, баҳт-саодати, комил инсон, миллат, миллатпарварлик, ватан, ватанпарварлик, миллий истиқлол, миллий давлат, ижтимоий тараққиёт сингари тушунчаларини изоҳлаш билан шуғулланиши зарур, деган нуқтаи назарни ҳимоя қиласи ҳамда тарихан шаклланган фалсафий тушунчалар, категорияларни «мавхум ва мужмал» деб атаб, янги дарсликларда улардан воз кечиш керак, деб ҳисоблайди. Соддароқ айтганда, фалсафа «инсонни билиш илми» сифатида ўз тадқиқот соҳаси, ўз билиш услубини ўзгартириши лозим, деган ғояни илгари суради.

Файлласуф олим шундай фикр билан майдонга чиқаётгани таҳсинга лойик, албатта. Ахир, ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳодисалар,

жумладан, таълимни ислоҳ қилиш сиёсатига бефарқ ва локайд қарагандан кўра, янги фикрлар ва янги ғояларни кўтариб чиқаётган қишилар фаолиятини қўллаб-кувватласа арзиди. Шуро даври сиёсати ва мағкураси исканжасида фаолият қўрсатишга мажбур бўлган зиёлиларимизда мутеълиқ, лоқайдлик, бефарқлилик каби қусурлар шаклланиб қолганини хисобга олсак, ана шу тафаккур тарзидан халос бўлишнинг бирдан-бир йўли маълум андозаларга сигмайдиган фикрларни дадил ўргатага ташлаш, ижтимоий онгни карахтлик ҳолатидан чиқаришнинг тарих синовларидан ўтган воситаси чинакам илмий баҳс-мунозара эканлиги аён бўлади. «Фалсафа — яхлит фан» («Камолот» нашриёти, Т., 1998 й.) рисоласини чоп этишдан бош мақсадимиз ҳам мана шу эди. М. Ориповнинг эътироф қилишиб, бу рисоланинг чоп этилиши ижобий ҳодиса бўлиб, «буғунги фалсафа фанига доир чалкаш ва мавхум фикрларимизни аниқлаб олиш учун мунозара қилиш имконини яратади». Шу мазмундаги фикрни профессор И. Раҳимов ҳам айтади. Камине олмай ўсув юрганида фалсафа ҳудди физика, кимё ва бўнқа фанлар каби ўқитилиши тарафдориман ва синфиийлик тамойилларига амал қилиб, уни бирон-бир мактаб—моддийончилик (материализм), руҳиятшунослик (идеализм) ва ҳоказо оқимларга бўлиб муносабат белгиланишига каршиман. Илло, фалсафани соҳаларга парчалаб юбориш, унинг муайян мактабларини мутлоқлаштириш майли ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига завол бўлади, деб хисоблайман.

Фалсафани фан сифатида тан олмай, уни соҳаларга парчалаб ўрганишга даъватлар нафакат назарияда, балки амалиётда ҳам қўллаб-кувватланаётгани оддий маъқулот. Гап, масалан, ҳукуқ фалсафаси, иқтисод фалсафаси, тасаввуф фалсафаси ва ҳоказоларни ўрганмаслик устида бораётгани йўқ, балки шундай майлар жозибадорлигига маҳлиё бўлиб, фалсафани яхлит фан сифагида тадқиқ этишини унутмаслик мавзууда бормокда.

Фалсафа фан сифатида ўзининг тадқиқот соҳаси ва билиш услубига эга бўлиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади. Буғунги фалсафа фани ўзининг ҳозирги замон табииётшунослик, техникашунослик, жамиятшунослик фанлари холосаларига таяниб ўз тамойиллари, тушунчалари, категориялари, қонунлари, услубларини изоҳлаётгани учун ҳам уни илмий фалсафа деб атамоқ жоиз.

Эркин, ижодий илмий баҳс-мунозара шунинг учун керакки, таълим тўғрисидаги Конун, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш ишлари буғунги куннинг долзарб масалаларига айланди. Бу умуммиллий, умумдавлат аҳамиятига молик ислоҳотга

шахсан Президентимиз бошчилик қилаётгани ҳар биримиздан янги куч-тайрат ва шижаат билан ишлашни тақоза этади. Бу ислоҳот ўз аҳамияти жиҳатидан оламшумул аҳамиятга эга бўлиб, барча бошқа ислоҳотлар тақдири ҳам маълум маънода таълим соҳасидаги ислоҳотнинг илмий ёки гайриилмий йўналиши олишига бўғлиқ десак, муболага бўлмас.

М.Орипов диалектикани марксизм-ленинизмдан келиб чиқиб, таълимот сифатига тасаввур этади. Билишнинг диалектик услубига қарши турган олимларнинг ҳам ўзига яраша асослари бор: Ўзбекистон Фан ва техника Давлат Кўмитасида «Диалектика ва билиш назарияси» деган фан йўналиши қайд этилган. Тадқиқотчилар диалектикага билиш услубларидан бири сифатига эмас, балки таълимот сифатига ёндошишга мажбурлар. Яъни билиш назарияси «Материалистик-диалектик таълимот» (марксизм)нинг бир соҳаси бўлиб қолмоқда. Халқ ибораси билан айтганда, ёқа — этак, этак эса ёқа тарзида тасаввур этилмоқда. Диалектика билишнинг битта услубидир, ундан бошқа услублар ҳам борки, улар билиш назарияси таркибиғига киради, Мана шундай илмий муаммоларни ким ҳал этади? Ишлари шундоқ ҳам ошиб-тошиб ётган республикамиз Президенти бу ишга ҳам шахсан ўзи бош-қош бўлмагунча биз қараб тураверишимиз керакми? Ахир, булар биз — файласуфларнинг тўғридан-тўғри вазифамиз, бурчимиз-ку! «Фалсафа — яхлит фан» рисоламнинг дунёга келиши боиси ҳам ана шу муаммоларга баҳоли кудрат ўз муносабатимни билдириш эди.

Назаримда, бугунги фалсафа фани табииётшунослик фанлари далилларига таяниб, ўз тушунчалари, категориялари, қонунларига янгича мазмун бериши лозим. М. Орипов онг ва унинг келиб чиқиши, ривожи тўғрисида ҳозирги замон табииётшунослиги эришган муваффакиятлар асосида билдирган фикрларимни ҳам далил-исботсиз рад этади, аммо бу хусусдаги ўз фикрларини ўртага ташламайди. Қарийб 1,5 аср мобайнода одамшунослик (антропология), палеантропология, элшунослик (этнография) ва шу каби қатор фанлар инсон ва унинг онги келиб чиқиши, тарихий-тадрижий ривожини тадқиқ этиб, маълум ютуқларга эришди. Бу соҳага Ўзбекистон табииётшунос олимлари ҳам ўз хиссаларини кўшган. Бундай соф илмий ютуқлардан кўз юмушимиз ва айни шу соҳада тадқиқот ишлари олиб борган олимларни даҳрийликда айблашимиз инсофданми?

Замонамиз комил инсонларга муҳтож бўлиб турган экан, одамзот ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилишининг қудратли воситаси бўлмиш кенг қамровли тафаккур тарзини шакллантириши ва оммага

имон-эътиқод руҳини сингдириши керак, деб ўйлайман. Бунинг маъноси шуки, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чикиб, Форобий, Беруний, Ибн Синонлардек кенг фикр юрита оладиган чинакам имон-эътиқодли мутахассисларни тарбиялаб вояга етказишимиз зарур. Бу мақсадга эришиш учун барча фалсафий оқимлар, жумладан, тасаввуф, экзистеациализм фалсафаси ва бошқа йўналишлар хulosаларидан ҳам ижодий фойдаланиш лозим, деб ҳисоблайман. Айни шу маънода республика файласуфларининг бошини қовуштириб, тўпланиб қолган фалсафий муаммоларни кенг ва эркин баҳс йўли билан ҳал қиласидан қандайдир бир марказга эҳтиёж сезилмоқда.

«Муаллиф, — дейди М. Орипов каминани назарда тутиб, — негадир фалсафанинг сиёсат билан боғлик эканини тан олмасдан, гўё бу ҳол фалсафа фанини давлат хизматкорига айлантириб қўяди, деб ташвишланади. Кайси даврда, қайси заминда, қачон фалсафа сиёсатдан ва мафкурадан ҳоли бўлган?»

Камина эса сиёсат ҳамда мафкура фалсафа за бошқа инсоний гуманитар фанлардан озиқланиб шаклланса, муайян йўналиш олсагина илмий асосга эга бўллаб хатолардан, субъективизмдан кутилиб, барқарорлик касб этади, деган фикрдаман. Ахир, Шўролар даврида сиёсат ва мафкура кулига айланиб қолган фалсафа ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар инкирозга юз тутган экан, бу хатоликларни яна тақрорлашимиз шартмиカン?

Сиёсат ва мафкура фалсафа ҳамда бошқа фанлар хulosаларига таяниб ривожлансагина жамият, давлат барқарор бўлиши мумкинлигини Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Президент Ислом Каримов мустақил Ўзбекистоннинг янги тараққиёт йўлини белгилар экан: «Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг», деган тамойилни асос қилиб олди. Яъни, юртбошимиз назарий билишнинг диалектик услуби талабидан келиб чикиб, тараққиётнинг янги босқичига ўтишда ворисликни сақлаш лозим, деб ҳисоблади. Бугунги Ўзбекистондаги мувваффакиятлар, сиёсий барқарорлик негизида ана шу сиёсат ётганини исботлаш шарт бўлмаса керак. Умуман, Ислом Каримовнинг барча асарлари, айниқса, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» китобини синчилаб ўқисангиз, улар диалектик инкор ва билишнинг диалектик услубидан озиқ олиб ёзилганига гувоҳ бўласиз. Диалектик инкор ва билишнинг диалектик услубини назар-писанд килемай, яъни тараққиётни белгилаётганда ворисликни сақлаш заруратини ҳисобга олмай, «хущдан кетказиб даволаш» сиёсати Россияни қай ахволга солиб кўйганини кўриб турибмиз. Ёки ҳали демократик тамойиллар онгимизга сингмаган,

яъни тоталитар Шўро давлат тизимидан эндиғина чиккан оммага меъёридан ортиқ эркинликлар бериб юбориш қандай оқибатларга олиб келгани Тожикистон «тажрибаси»дан маълум. Буларнинг бари фалсафа билан сиёсат мустаҳкам алоқада эканини, аммо фалсафа сиёсат ва мафкура ортидан эргашса, фан сифатида ўз вазифасини бажара олмаслигини, аксинча, сиёсат ва мафкура фалсафа ҳамда бошқа фаннлар хулоеаларига таянса, у жамиятдаги барқарорликка, тараккӣётга, инсон камолотига хизмат қилишини далиллайди.

Камина ўз рисоламда баъзи ҳурматли файласуф олимларимизни, М. Орипов таъқидлаб ўтганидек, «чаласаводликда», «билимлари юзакилиқда» айблаш фикридан мутлақо йироқман. Мен уларнинг ҳаммасини фидойи тадқиқотчилар сифатида танийман ва ҳурмат киласман. Айни вақтда уларнинг илмий ишларига ўз муносабатимни билдирганман, холос. Лекин ҳамкасбимиз И. Раҳимов синергетикани янги фалсафий таълимот йўналиши сифатида билишнинг диалектик услуги ўрнига кўймоқчи экан, қадрларни диалектик тафаккур тарзидан маҳрум этиш қанчалар илмий заминга эга эканлигини исботлаши керак-да. Қайд этиш — илмий исбот дегани эмас. Синергетика билиш назариясининг битта услуги сифатида тан олиниши мумкин. Бироқ, у фалсафий билишнинг диалектик услуги ўрнини асло боса олмайди. Камина шундай фикрдаман.

И. Раҳимов «Фалсафа» (Қисқача конспект. Т., «Университет» нашр., 1998) китобида диалектика қадимдан тарихан таркиб топганини, ҳатто Форобий, Ибн Сино, Беруний каби олимларимиз Суқрот, Афлотун, Арастунинг диалектик қарашларини ривожлантирганларини тан олади. У киши марксча-ленинча фалсафага таяниб, диалектикага таълимот сифатида қарайди. Синергетикани ҳам таълимот, ҳам услуг сифатида талқин этади. Айни чоғда уни идеаллаштириб, янги муносабатларни фаласафий таҳлил этувчи йўналиш, дейди. Шу тарзда материалистик диалектик таълимот билан билишнинг диалектик услугини ўзаро чалкаштириб, билишнинг диалектик услугини синергетикага қарама-қарши кўяди. Маълумки, ҳозирги фалсафа фанига доир кўлланмалар, дарсликлар Шўро анъаналарига биноан тарихийликдан мантиқийлик услугига ўтиш йўналишида ёзилган. Бизнингча, мантиқийликдан тарихийлик услуги асосига ўтилса, талабалар фалсафий тушунчалар, категориялар, қонунларни чуқурроқ ўзлаштириш имконига эга бўладилар. Таълим ислоҳоти бошида турган Президентимиз бу соҳага жуда катта маблағ ажратилишига йўл очиб бердилар. Бу — жуда кувонарли ҳол, албатта. Демак, биз — олимлар ва педагогларнинг ишлари ҳам ана шу эътиборга яраша юксак илмий савиядага туришимиз керак бўлади.

Бунинг учун эса ҳар бир фан соҳаси олимлари, мутахассисларининг кенг кўламдаги илмий баҳс-мунозаралари хозирги ўтиш даврида ижтимоий зарурат бўлиб туриди. Хусусан, фалсафа фани соҳасида, уни ўқитиш услуби ва усуслари бўйича жуда кўп муаммолар тўпланиб қўлганки, уларни кенг ва асосли муҳокама килиш муҳитини вужудга келтирмай туриб, ечимини кутаётган муаммоларнинг ижобий ҳал қилиниши амримаҳол. Нафакат бошқариш тизимида, балки таълым тизимида ҳам мавжуд муаммоларга ошина-оғайнигарчилик, фан оламида юқори нуғузга эга кимсалар обрўига птур етказмаслик каби «тамойиллар» бўйича ёндошиш асло мумкин эмас. Шу боис ҳам камина фалсафа соҳасида заҳмат чекаётган, унинг равнақи борасида чин юракдан қайғураётган олимнинг номини рисоламда тилга олишдан мақсадим — уларни илмий баҳсга тортиш эди. Профессор М. Орипов баҳсга биринчи бўлиб киришгани учун у кишига ўз миинатдорчилигимни  
~~бидорим! Акоғон судодар деб жеминни деб садо, деб кеор~~  
Навоий бежиз айтмаганлар. Агар мен эски қадрдоним Малик Орипов номини тилга олмаганимда, у кишидан садо чиқиши қийин эди, албатта. Бошка олимлар ҳам ўз нуқтаи назарларини менинг «тажовузим»дан шу тариқа ҳимоя қилиш имкониятига эгалар. Зоро, Президентимиз айтганларидек: «Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин»

«Сирли олам» журнали, 1999 й., 2-сони. — 6—7 б.

## ДИННИ СИЁСИЙЛАШТИРИШ ёВУЗЛИКДИР

Пойтахтимиз Тошкентда 1999 йил 16 февралда бўлиб ўтган мудхиш хунрезликлар ҳаммамизни янада хушёроқ бўлишга, мустакиллижимизни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг кундалик, амалий ишимиз бўлиб қолишига бир жиддий туртки бўлди. Бу ҳодисотлар, уни ташкил этган диний-сиёсий кучлар ўйлаганидек, кўп миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб, ўтиш қийинчиликларини мардонавор енгишга ва хукукий демократик давлат қуришга азми қарор қилган ўзбекистонликларни вахима ва саросимага асло сола олмади. Аксинча, Ўзбекистонни ўз Ватани ҳисоблаган ҳар бир киши Президентимиз Ислом Қаримов ва у киши бошқараётган мустақил давлат атрофига одамлар, миллатларнинг янада мустаҳкамроқ жипсласиши ҳамда иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда кетаётган ислохотларда тагин ҳам фаолрок иштирок этиш туйғуларини вужудга келтириди. Ўзбекистонни севган, ўз ҳалқига

садокатли бўлган ҳар бир киши «Мустақилликни қадрлаш, уни мустаҳкамлаш йўлида қилаётган ишларим етарлим?» деган саволга жавоб қидира бошлади. Бундай савол кишиларимизга ўз фаолиятлари, ўз қарашларига танқидийроқ ёндашув руҳини юзага келтириши табиий.

Ўзбекистон ахолисининг аксариятини ташкил этган ўзбеклар маданияти, уларнинг турмуш тарзи узоқ замонлардан бери ислом қадриятлари билан бир-бирига шундай сингиб кетганки, уларни баъзан ажратиб олиш ҳам мушкул. Бинобарин, мустақиллик учун кураш бошланган 80-йилларнинг охирларидан то ҳанузгача ислом қадриятларини тиклаш орқали миллий қадриятларни барқарор килиш ҳаракати давом этмоқда. Бу ҳаракат ўз мохияти билан инсонпарварлик, миллатпарварлик таснифига эга, албатта. Щунинг учун ҳам динларга, жумладан исломга муносабат қандай бўлиши керак, деган савол кўндалант бўлиб турибди. Назаримда, илгари ҳам юқорироқ минбарларда, вахҳобийлар энди-энди ўзини маълум қилиб кўяётгани пайтларда айтганимдек, халқимиз, айниқса, ёшларимизда динга илмий муносабатни шакллантириш ҳаёт-мамот масаласидир. Дин инсониятнинг тарихан тўплаган тажрибасининг мужассами бўлиб, у ҳар бир жамиятда маънавиятни қарор топтиришнинг курдатли воситасидир. Бинобарин, унга билим ва илм сифатида ёндашиш муҳимдир Зиёлиларимизнинг ҳаммалари динга билим сифатида ёкдашув кераклигини тушунишптими? Агар тушунаётган бўлсалар, уни билиш учун, унга илмий муносабат вужудга келтириш у тун қиласётган ишлари замон талаблари даражасидами?

16 февраль воқеалари муносабати билан диний фундаментализм ва диний экстремизм ҳақида жиддий гаплар бўляйти. Диний экстеримизм динга ғайрийлмий муносабатлар мавжуд бўлган мұхитдагина юзага қалқиб чика олади. Диний фундаментализм ва диний экстремизмга озиқ беришда мадраса ва мактабларда таълим олмаган, аммо ўзларини ниҳоятда доно қўлиб кўратишга уринаётган чала мулла ва чала отинларнинг таъсири катта бўлади, албатта. Аммо динга билим ва илм сифатида ёндашмаётган, бинобарин, уни ўрганмасдан дин номидан гапиришга одатланиб қолган баъзи зиёлиларимиз бу ҳолни англаб етишяптими? Жойлардаги мансабдорлар ислом фалсафасидан хабардорми? Умуман ислом маданияти деганда нимани тушуниш керак?

Тўғри, бошқа ривожланган демократик хуқукий давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам таълим тизими диндан, дин эса давлатдан ажратилган. Бироқ, ҳеч қаҷон дин жамиятдан, халқдан, одамлардан ажратилган эмас. Одамлар орасида ишлаётган, каттами-кичикми бир

жамоага бошчилик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олган ҳар бир шахс бу ҳолатни инобатта олиб, фаолият белгилари бурчдир. Зоро, дин гүё бир тиник азим дарё. Унга илмий муносабатни шакллантира олсақ, илм — зиё тарқалиши — бунёдкорлик энергияси хосил бўлиши мумкин, борди-ю, диннинг билим, илм эканини эътибордан сокит қўлсақ, у сиёсий корчалонлар дастёрига айланиб, худди асов дарё каби хамма ёқни вайрон қилиш кувватига эга бўлиши тарихдан маълум.

Исломга бир бутун таълимот тизими сифатида ёндашсак, унда ҳар бир жамиятда барқарорликни таъминлаш, одамлар орасида чинакам инсоний муносабатларни шакллантириш устувор ғоялардир. Бугунгї кунда исломдаги ана шўнгай ғояларни қадриятта айлантириш мухимдир. Ундаги бабзи бошқа ғоялар ўз тарихий вазифасини ўтаб бўлдики, ёшлиларда уларга қадрият сифатида қарашиб руҳини сингдириш жамият тараққиёти ва инсон камолотига хизмат қилмайди. Масалан, исломдаги жиход ғояси араб халифотини юзага келтириб исломни барқарор қилишга тарихан роль ўйнали Аммо хозирга келиб, яъни бутун дунё ҳамжамиятида барча соҳада тинч интеграция жарабени кетаётган бир пайгода, бу ғояни устувор этиб кўрсатиш исломни сиёсийлаштиришга, уни мафкура воситасига айлантиришга олиб келадики, бу аввало, дунё ҳамжамияти назаридан исломнинг ўзини кадрсизлантиради, иккинчидан, одамларда ёвузлик руҳи қарор топишига сабаб бўлади. Худди шу каби мусулмон мустаснолиги ғояси ҳам ўз тарихий вазифасини ўтаб бўлган, деб ҳисоблаш учун етарли асослар бор. Христиан мустаснолиги ғояси қанчалик файриинсоний бўлса, мусулмон мустаснолиги ғояси ҳам шунчалар файриилмий, файриинсонийдир.

Куръони Карим Бакара сурасининг 11-оятида бундай фикрлар бор: имонсиз одамларнинг дилларида ғараз борлиги учун Аллоҳ «Ер юзида бузгунчилик қилманг» деса, «Биз ислоҳ қилювчилармиз» дейдилар. Демак, Куръони Каримда динни «ислоҳ қилиш» шиорлари остида уни парчалаб юбориш, яъни турли оқим ва мазҳабларга бўлиб юбориш кескин кораланади. «Улар (яъни имонсиз одамлар — таъкид менини И. К.) ҳақ йўлнинг ўрнига залолатни танлаб олган кимсалар бўлиб, бу савдоларида фойда қилмадилар ва тўғри йўлга юрувчилардан бўлмадилар», зоро (улар) кар, соқов, кўрдирлар, демак (йўлларидан) қайтмайдилар», — дейилади Бақара сурасининг 16 ва 18 оятларида. Ушбу суранинг 108-оятида «Ким иймонга куфрни алмашгирса, албатта тўғри йўлдан адашади», дейилади.

Имонли бўлиш мусулмончиликнинг биринчи ва асосий шартидир.

Тасаввуфда Ватанин севиш имон шарти ҳисобланади. Демак, Куръони Карим ва ислом фалсафаси нүктай назаридан ўз Ватанига қасд қилиб, бегуноң одамлар ҳаётдан кўз юмишларига сабабчи бўлган кимсалар ҳам, уларни пул, курол билан таъминлаган ташкилотчилар хам имонсиз одамлардир. Шу манфур ишни ижро этишига рози бўлган ёшлар Куръони Карим ва ислом фалсафасининг ана шундай даъватларидан хабардор бўлгандариди, улар бу мудхишликка асло кўл урмаган бўлардилар, деб ўйлайман.

Иктисадий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар кетаётган, ҳалқимиз ўз бошидан ўтиш машаккатларини кечираётган ҳозирги вазиятда исломни ҳар қандай шакл-шамойилда сиёсийлаштириш ва уни мағкура воеитасига айлантириш ёвузлика йўл очиш, тажовузкорликни оқлаш бўлиб, у жамият ривожи учун жуда катта хавф тутдиради. Ислом ва унинг моҳияти ҳакида етарли билим ва маълумотга эга бўлмаган, яъни чала муллалар ва чала отинлар таъсирига тушиб қолган ёки динлар таҳлили бўйича лоақал бошлангич билимга эга бўлмаган кишилар раҳбарлигида ишлаётган, ўқиётган аҳоли диний шиорлар остида арzon обрў орттириш, муайян диний жамоа орасида ўз мавқеини мустаҳкамлаш киятида яшаётган лўттибозларга кўл келади. «Эй одамлар, биз сизларни бир ота ва бир онадан, яъни Одам алайхиссалом ва Момо Ҳаводан яратиб, ер юзига ҳар хил қабила ва элатлар тарзида тарқатиб кўйдик. Токи сизлар бир-бирингиз билан топишиб, ўртада меҳр-оқибат хосил килингизлар», дейилади Куръони Каримда. Ана шу даъватга жиддийрок эътибор қилинса, Аллоҳ «Эй мусулмонлар», эмас, «Эй одамлар» деб хитоб қиляпти, дунёдаги барча одамларни миллати, ирки, насл-насаби ва эътиқодидан қатъий назар, Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалгани таъкидланяпти. Дунёдаги турли миллат ва элатлар ўзаро меҳр-оқибатга асосланган муносабатлар ўрнатишга Аллоҳ олдида бурчли эканлиги уқтириляпти.

Исломда «Бисмиллаҳир раҳмонир роҳим»дан сўиг «Ассалому алайкум» туради, десак хато бўлмас. Яъни, мўъмин-мусулмон бутунлай нотаниш, бегона одамга тиичлик ва хотиржамлик тилашни бурчи ҳисоблайди. Унга жавобан «бегона» одам «Ваалайкум ассалом» деб жавоб қайтаради. «Эй одамлар, орангизда салом беришни кўпайтиринг», — деб даъват этадилар Мұҳаммад С. А. В. Зеро, саломалик одамларни руҳан бир-бирига яқинлашгиради, улар қалбидан гина-кудуратни йўқотиб, ўрнига меҳр-муҳаббат хисларини киритишига хизмат қилади. Тинчлик, барқарорлик одамларга ўз қобилияtlарини бунёдкорлик ишлари учун сарфлашга имкон тутдирса, меҳр-оқибат,

нафақат битта эътиқод ихлосмандлари, балки барча эътиқод эгаларига хурмат билан қарашга, уларнинг иззат-нафсларини ва эътиқод ҳисстуйғуларини ҳақорат қиласликка ўргатади.

«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги Ўзбекистон Қонунида «Диндан давлатга ва Конституцияга қариш тарғибот олиб борища, душманлик, нафр, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тутувликни бузиша, бўхтон, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатища, аҳоли ўргасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-харакатларда фойдаланиптига йўл кўйилмайди»,<sup>1</sup> — дейилган. Демак, Конституциямизнинг диний ва илмий эътиқодларга муносабати ҳам исломнинг асосий ақидаларига тамомила мувофиқ келади. Шундай экан, бу қонунни изчил равища ва доимо аҳоли орасида тарғиб қилиш, одамлар назарида унинг моддаларидағи йўл-йўрікларни  
~~худороти тарзи тарзи~~ эътиқодларни мусабиқ бўйича бўлиб қолиши маъкул.

Агар исломга билим ва илм сифатида ёндашилишига эришсан, ундан Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш манбаатлари йўлида самарали фойдаланамиз. Шунга эриша олмасак, турли сиёсий кучлар ўз гаразли ниятларини амалга ошириш учун уни сиёсийлаштириб ва мафкура воситасига айлантириб, одамларда, айниқса, ёшларда ёвузлик руҳини қарор топтиришга бундан буён ҳам уринаверадиларки, бунга асло йўл кўйиб бўлмайди.

«Маърифат» газетаси, 1999 й., 27 февраль сони.

## МАННАВИЙ ИЛДИЗИ ТЕРАН МИЛЛАТ

Халқимиз орасида ўз миллатини улуғлаган, демакки, миллатнинг камситилишига рози бўлмаган кишиларни қатагон қилиш сиёсати рус большевиклари томонидан қай даража изчиллик билан амалга оширилган бўлмасин, барибир, илғор зиёлларимиз ўша оғир шароитларда ҳам миллатимиз қадимиyllиги, у жаҳон цивилизацияси бешикларини тебратган халқлардан бири эканини тушунтиришдан тўхтамадилар. Зоро, ўз миллатини таниш, унинг чин ўтмиши билан ошно бўлиш хар бир инсонда пок руҳ ва кучли иродани тарбиялашини тараккийпарвар зиёлilar яхши билардилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси

<sup>1</sup> Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (яғни таҳрири).//«Маърифат» газетаси. 1998 йил 16 май сони.

мухбериининг саволларига берган жавобида: «Биз ўзимизни доимо мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида хис этиб келганимиз ва бу билан фаҳрланамиз», деган фикри менинг қалбимда чексиз гуур үйготди.

Аслида, одамлар феълы-атвори, фаолиятини ғоялар дунёси бошқаради. Тушунчалардаги мазмунлар моҳияти фалсафий қарашлар ёрдамида аён бўлади. Агар турк элатлари тарихидаги муштараклик бу халқларнинг жаҳон миқёсидаги муайяни сиёсий, иқтисодий, маънавий муаммолар ечимини топишида ўзаро ишонч, ҳамкорлик маъноларини англатса, нур устига нур. Бироқ бу тушунча ўзбек миллатининг тарихини соҳталашибириш, турли хил гайриилемий талкинлар, сиёсий шиёрлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтминимиздан жудо килишга уриниш тарзида намоён бўлса ва «ўзбек» деган миллат йўқ», балки факат «туркий халқ бор» деган гайриилемий қарашлар тикиштирилмоқчи бўлса, бундай нуқтаи назарга қатъий зарба бериш лозим.

«Ўзбек» деган ном Ўзбекстондан анча бурун ҳам бўлган. «Ўзбек» сўзи «ўз», яъни асл, ажойиб, таги мустаҳкам маъносини билдирган бўлса, «бек» сардор маъносини англатган. Демак, ўзини-ўзи бошқара оладиган одамлар, элатлар «Асл бек» маъносида ўзбеклар деб атаб келинган. «Ўзбек» деган тушунча можар (венгер) лар Европага келмасдан олдин ҳам ишлатилгани тарихий манбаларда учрайди. Вамбери ўзбекларнинг «маънавий томонлари энг аввало уларниг очик кўнгиллилиги, мардлиги, жиддийлиги, ҳақиқий туркий химматга эгалигида яккол қўзга ташланиб турибди», дейди ва ўзбеклар камгап, оғир-вазминлиги билан қўшниларидан ажralиб туришини таъкидлайди. У ўзбеклар аввал ўйлаб, сўнgra гапиришади ва ўз сўзларида муқим турадилар дейди.

Турк элатларининг кучи ва мартабаси улар маънавияти илдизларининг чукурлигида, бу маънавий маданиятнинг жаҳон маданий тараққиётида салмоқли ўрни борлигида эди. Рус олимни П.С.Гуревичнинг таъкидлашича, ҳозирги замон Франция олимлари иисонпарварликнинг дастлабки шакли Марказий Осиёдан Хитойга, Ҳиндистонга ва Европага орийлар руҳи сифатида кириб келган, дейди. Эрадан олдинги мингинчи йилларда китоб ҳолига келган «Овасто»да дастлаб Марказий Осиё, Олтой ва Волга бўйларида яшаб, сўнgra дунёнинг бошқа жойларига тарқаб кетган орий қабилаларининг руҳи сақланган. Туркий қавмларининг бир қисми бўлган ўзбеклар орийларнинг авлодлариридир, Япон тадқиқотчилари ҳозирги замон миллий маданиятларининг илдизи Ўзбекистонга келиб тақалаётганини мамнуният билан айтмоқдалар.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудий чегарасини собиқ Шўролар даврида рус большевиклари белгилашган. Мана шу ҳудудда илгари яшаган уруғ-қабилалар, элатлар ва халқлар, тарихан қандай номлангаидан қатъи назар, биз ўзбеклар улар шакллантирган ижтимоий муҳит ва давлатларнинг қонуний ворисларимиз, бу билан фахрланишга ҳақлимиз. Қадимги хоразмликлар, марғиёнийлар, парфиёнлар, сўғдлар, бақтрияликлар, фарғоналиклар авлодлари эканимизни унутмаслигимиз керак. Бу халқлар жаҳон маданияти ҳазинасини бебаҳо дурданалар билан бойитганларки, буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Тадқиқотчиларнинг аксарияти Зардуст Аму ва Сирдарё оралиғидаги халқларнинг дунёкарашлари, урғ-одатларини ўрганиш асосида «Авесто»ни яратганини таъқидлашади.

«Авесто»даги далиллардан маълум бўлишича, Марказий Осиё халклари бундан 4—3 минг йил муқаддам мурakkab ижтимоий тузилмаларга эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам унда кўп болали оиласардага давлат ҳисобидан нафака тайинлашни, бир йўла 2—3 та бола түккан аелларга мукофот берилиши ҳақида сўз боради. «Авесто»да давлат тузилиши, ижтимоий муносабатларнинг демократик тамойиллари ҳақида қимматли фикрлар бор.

Фарб олимларининг айтишича, Хиндистондан тортиб Америка қитъасигача «Авесто»га бағишлиланган минг жилдан ортиқ қадимий китоблар, лугатлар, илмий рисолалар, турли маъруза ва маколалар тўпламлари, маҳсус нашр ва ахборотномалар чоп эгилган. Инглиз тадқиқотчиси Мэрэ Бойс хоним зардустийлик ва унинг жаҳон маданиятида тутган ўрнига бағишилаб 4 жилдлик китобни нашрдан чиқарди. Торонто ва Чикагода «Авесто»га бағишлиланган бир неча симпозиумлар ўтказилди. Зеро, у дунёдаги энг биринчи муқаддас китобдир. Рус олими И. М. Стаблин-Каменскийнинг эътироф этишича, тадқиқотчilar «иудаизмда ҳам, христиаликда ҳам, исломда ҳам, буддавийлиқда ҳам Зардуст таълимотининг унсурлари борлигини топишган». Зардустийлик инсонлар қалбини эзгулик нури билан ёритишга қаратилган таълимотдир. Эзгу фикр (нийат), эзгу амал зардустийлик имони ва ахлоқининг асосини ташкил этади.

Ўзбек халқи ўз бошидан кўп босқинчиликларни кечирди. Уларниг барчаси ҳам бирон-бир тушунчани мафкура воситасига айлантириб, аҳолини алдаш орқали руҳий қулликка рози бўлиб яшашга кўндириш учун ҳаракат қилдилар. Шунга қарамай, Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, ўзбек халқи «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Бундай турмуш тарзи, бундай тарих, бундай манавият бетакрор бўлиб, у жаҳон маданиятининг бекиёс

дурдоналаридан хисобланади.

Биз тарихимиз, маданиятимизнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтдик, холос. Уни кенг, холисона ўрганиш ёшларимизда ўз миллати, Ватанига бўлган ихлосни янада оширади, уларда турли ташки таъсирлар, гайриилемий қарашлардан ҳоли бўлиш кобилиятини шакллантиради. Зоро, ўзбеклар энг қадимий элат миллатлардан бири бўлиб, маънавий маданиятлари илдизининг теранлиги сабабли асрлар давомида ташки тажовузларга дош берибина қолмай, дунёнинг жуда кўп халқлари ва миллатларига ўз ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

---

«Маърифат» газетаси, 1999 й., 23 июнь сони.

---

### ЗИЁЛИЛИК МАЪСУЛИЯТИ

Оlamга қуёш зиё таратса, одамзод қалбига зиёли инсон нур сочади. Илм йўлида машаққат чекишдан ҳайикмайдиган, қанчалик оғир ботмасин ва аччиқ бўлмасин, бор хақиқатни айта оладиган кишиларни зиёли дейдилар. Миллатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қиёфаси кўп жиҳатдан унинг зиёлилари дунёкараши, билимдонлик савияси ва жасоратига боғлиқ.

Маълумки, ҳар қандай фикр, нуктаи назар, гоя жамият аъзолари онгидан, руҳидан ўрин олиши учун муайян ижтимоий мухит зарур. «Хизби таҳрир» чиларнинг мусулмон оламида халифалик тузумини ўрнатиш ёки вахҳобийларнинг «соғи исломни тиклаш» тўғрисидаги фоялари баъзи ёшларимиз эътиборини ўзига жалб этган экан, бу жаҳолатпарастлик кулагай ижтимоий мухитдагина шаклланиши мумкин эди.

«Халқимизнинг каттагина қисмида ҳақиқий ислом нима зканлигини тушунмаслик аломатлари пайдо бўлди, — дейди таникли уламоларимиздан Фозилкори Ёсин ўғли. — Мустақиллигимизнинг шарофати билан эса яна динимиз халқимизга қайтарилди. Худди шу жараёнда биз, диний мутахассислар исломга ташна халқимизга динимизнинг фактат эзгуликка хизмат қилишини, қон тўкиш, қишиларга озор бериш унга ёт эканлигини тушунгиришимиз керак эди. Афсуски, бу исломий бурчимиzn тўла бажара олмадик. Халқ орасида амри-маъруф килувчиларнинг баъзилари ҳатто бунга қодир ҳам эмасди».

Маълум бўлишича, вахҳобийлик, «Хизби таҳрир», аҳмадий, баҳоий, кодиёний ва бошқа мазхаблар намояндадарининг ҳақиқий исломга зид гоялари асримизнинг 50-йилларидан мамлакатимизга

кириб, 80-йиллардан томир ота бошлаган. Аммо у ривожлана олмаган. Ошкораликка йўл кўйиш ва демократик эркинликлар берила бошлангач, дин орқали кенг халқ оммасига гоявий таъсир кўрсатиши тобора кучайиб борди. Хорижий мамлакатларнииг молиявий ёрдами ва маънавий-рухий кўллаб-куvvатлаши иатижасида жойларда «исломни тарғиб этувчи даъватчилар» пайдо бўлиб, улар ўз «хожалари»нииг йўл-йўриклиари асосида оммага гоявий таъсир кўрсатиб, бўшаб қолган коммунистик фоя ўрнини турли чиқиндилар билан тўлғиза бошладилар. Халқ оммаси «даъватчилар»нинг асл мақсадларини тушунишга ожиз эди, аммо руҳонийларимиз ҳам, зиёлиларимиз ҳам у заҳар-закқум гояларга қарши курашишга тайёр эмасдилар. Зеро, уша кезларда мадраса ва маъхад (диний олий мактаб)ларда тахсил кўрганлар бармоқ билан санарли эди. Сиёсий атеизм ва коммунистик гоялар билан заҳарланиб бўлган зиёлиларимиз, жумладан, ўқитувчи ва муаллимлар эса на динлар тарихи ва на динларнинг ўзига хос тарихий ўрни ва макоми (роли) —~~хакида етарли тасаввурга эга эдилар. Натижада оиласиар, истиқомат жойларида ахолига гоявий таъсир кўрсатиш асосан чала мулла ва чала отинлар ихтиёрига ўта бошлади. Улар кўнгилларига нима хуш келса, шуни ислоҳомидан айтиб, арzon обрў қозонишга ҳаракат килдилар.~~

Аллоҳнинг ягоналигига, фаришталар мавжудлигига, Куръон Аллоҳининг каломи зканлигига, пайғамбарларга, охиратнинг муқаррарлигига, пешонаға азалдаи ёзилган тақдир (қисмат) борлигига ва ўлгандан кейин қайта тирилишга бутун қалби, вужуди билан ишонган, имон келтирган киши — мусулмон ҳисобланади. Исломдаги бундан бошқа тушунчалар илоҳиёт нуқтai назаридан ақида ҳисобланмайди. Диний билим савияси паст бўлган, диннинг асл моҳиятини сийқалаштирадиган кишиларни ақидапарастлар дейиш расм бўлган. Чунки ақидапарастлик учун чукур билим эгаси бўлиш шарт эмас. Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, ақидапарастлик нафакат ҳар қандай динда, балки илм-фанда, жумладан, фалсафада ҳам мавжуд. Ҳар қандай соҳада чукурроқ билимга эга бўлмаган кишилар ақидапарастликни ташувчи, уни рағбатлантирувчи ижтимоий кучга айланиб коладилар. Чунки ақидапарастлик дин ва фан (айниқса фалсафа)даги дунёқараш билаи боғлиқ бўлган ва муйян гояга эътиқод қилишга имкон берадиган тушунчаларни ёдлаб олиб, вақт (замон) ва фазо (макон)дан узилган ҳолда уларни ҳақиқатнинг охирги нуқтаси сифатида тарғиб этадилар.

Ақидапараст ўзи саёз билимга эга бўлгани учун баҳс-мунозарага тиш-тирноғи билан карши чиқади. Чунки чинакам диний ёки илмий баҳсада у ўз йўлини ўтказиши у ёқда турсин, балки шармандаю

шармисор бўлишини яхши англайди. Маҳаллаларда ўтадиган ақсари амри-маъруфларга эътибор берсангиз, амри-маъруф олиб борувчи ва унинг атрофини куршагай кишилар шундай бир вазиятни вужудга келтирадиларки, бундай ҳолатда ҳатто савол берган киши ҳам энг нокулава аҳволга тунниб келинни аниқ. Бундай йигинларда ислом номидан айтилган нотўғри фикрларни ҳам авом ҳалқ ҳакиқат сифатида қабул қиласеради.

Эсимда, маҳалладошларимиздан бири отаси вафотидан сўнг амри-маъруф ўтказишни лозим топиб, бир муллани чорлаган экан. У ёш бўлишига қарамай, куюқ қора соқол кўйиб олиб, ўзини жуда билимдон килиб кўреатининг тиришарди. Мулла маҳсус сўрида, микрофон олдида ўтириб амри-маъруф бошлаб кетди.

«Сизлар, — деди у, — наловни танаввул қиласеринглар, мен эса муқаддас динимиздаги муборак фикрларни баён этаман».

Тўплангандар мулланинг амрига бўйсуниб, ошни танаввул килиб ярмiga етган чоғларида, у гап орасида «ушбу еятган ошларингиз ҳаром, чунки исломда ўтганларни бу тариқа зиёфат билан ёд этиш бидъат хисобланади», деса бўладими! Издиҳомдагилар ош ейишни ҳам, емасликни ҳам билмай мулзам бўлиб қолдилар.

Яна бир мисол. қўшниларимиздан бири худойи килиб, мулла айттириб келди. Тўғри, у киши дин соҳасида анча билимдон бўлгани учун одоб-ахлоқ, бурч ҳакида ибратли фикрларни айтди. Айни чоғда гап орасида «магазиннинг гўшти ҳаром, чунки уни ким сўйган, қандай сўйгани номаълум, бинобарин, ундан ҳазар қилинглар», деди. Утирганлар бир-бирларига маъноли қараб олишди, чунки уларнинг барчаси ўша кезларда рўйхат бўйича ҳафтада маҳалладаги магазиндан бсриладиган арzon гўштни сотиб олиб, бола-чақа бокишарди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида чала мулла, чала отинларнинг ҳатти-ҳаракати билан истиқомат жойларида шундай бир ҳолат шаклланиб қолдики, дин соҳасида озгина уларга зидрок фикр билдирган одамлар ҳақорат килина бошлади. Агар собиқ шўролар даврида диний маросимларга мойил бўлган одамларни «эскилик сарқитини ташувчи», «буржуза мафкурачиси» деб, ишдан бўшатишган бўлса, чала мулланинг нотўғри фикрларига эътиroz билдирган одамларни «атеист», «кофир» дсб тахкирлаш, ҳатто маҳалладаги йигинларга аралаштирмаслик йўлини тутдилар. Динни тарғиб килиш, унга ихлосни ошириш учун ташвиқот юргизиш бошқаю, аммо динни зўравонлик йўли билан қарор тоғтиришга интилиш бошқа. Чинакам уламолар, мударислар, рухонийлар дин масаласида асло зўравонликка йўл кўймайдилар.

Назаримда, амри-маъруфлар одамларга ўоявий таъсир кўрсатиш воситаси бўлгани сабабли, уларни маҳсус диний билимга эга бўлган (мадраса ёки маҳадни битирган)лар, айни чоғда чинакам ватанпарвар бўлган шахслар ўтказиши маъқул. Ҳар кандай мулла ёки отин аввалимбор шу Ўзбекистон деб аталган улуғ ва мўътабар диёрнинг бир фукароси эканини, ана шу Ватанни севиш, унга хизмат килиш ватанпарварлик бурчи эканлигини англаб, ҳар бир сўзини чукур ҳис эгтаи ҳолда ўйлаб гапириши лозим. Улар ислом моҳият-эътибори билан асрлар давомида инсонларни яхши амаллар, эзгу ишларга, одамлар, ҳалқларга озор бермасликка даъват этиш орқали барқарор бўлиб борганини эринмасдан ёшларга тушунтирулар, уларни тўғри йўлга бошлаган бўладилар. Ҳадису шарифларда кўлидан, тилидан одамлар озор топсалар, уни мусулмон деб бўлмайди, дейилади. Шундай экан, исломга одамларни зўрлик, зўравонлик билан киритишга қаратилган ҳар кандай даъват кораланиши лозим.

Келомдаги исломпарварлик, ҳалқпарварлик тоғларини ташвиқ этиб, унинг ривожига катта хисса кўшганлар орасида Марказий Осиё алломаларининг роли бекиёс. Уларнинг ҳаёт йўллари, ибратлари, дунёқарашлари, имон-эътиқодлари йўналишини обдон билиб олиш, исломнинг соғлиги йўлида қилган хизматларини изчиллик билан кўрсатиб бериш ёшларимизда катта кизиқиши уйготиши мумкин. Бизнинг мутафаккирларимиз диний билимларни дунёвий илмлар билан омухта қилиб, милатимиз ва умуман башариятга беназир хизмат қилиб келгандар. Узокқа бормайлик, асримизнинг бошларида миллатни асрий асоратдан чиқаришнинг бирдан-бир йўлини улар маърифатпарварликни тарғиб этиш деб билгандар. Бу йўлда молу дунёларини аямагандар ва ҳатто жонларини ҳам фидо этгандар. Муфтий Махмудхўжа Беҳбудийнинг дин ва илмга қарашлари бизнинг руҳонийларимиз учун ҳозир ҳам улуғ бир мактаб бўла олади. У аллома ақидапарастларнинг илм-маърифаг йўлига тўсиқ бўлишларини коралаб бундай деган эди: «Ҳозир янги ва бошқа-бошқа замондир. Бу замонда илм ва хунарсиз ҳалқнинг бойлиги, ори ва ахлоқи ҳамда обрўйи ҳам кўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлар». Эътибор берсангиз, Беҳбудий диннинг мустаҳкамлигини аввало илм-маърифатда кўрган. Шунийг учун замонавий мактаблар очган ва ёшлар дунёвий билимлардан баҳраманд бўлишлари учун бутун кучини сарфлаган. Алломаларимиздан Фиграт миллат дарди билан нафас олар экан, «дин ҳам дунё илмлари билан жиҳозлансан» деган хуносага келади. Ҳам исломий билимлар, ҳам дунёвий илмларни яхши билган Абдулла Авлоний илмни энг олий ва муқаддас деб билиб, у «Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан

аюриб берур. Бизларни илм жаҳолат қоронғулиғидан кутқарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чикарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур...», деди.<sup>1</sup>

Бу каби мисолларни кўплаб кечтириш мумкин. Аммо шунинг айтиши кифояки, бизнинг алломаларимиз исломга, шариатга билим сифатида ёндашиб, уни чуқур ўзлаштиргач, илм-маърифат орқалигина инсон баркамол бўла олиши ва чинакам тараққиётга эришиш мумкин, деб хисоблаганлар. Уларнинг ибратлари ва даъватларида хозирги замон руҳонийларимиз илҳом олиб, диний билимлар билан чекланиб қолмай, дунёвий билимларни хам эгаллаш, ижтимоий ходисаларга илмий муносабатчи шакллантириш учун харакат қиласалар, миляй мустақилигимизни мустаҳкамлаш, ёшларни тўғри йўлдан бошлаш ишига бехад улкан хисса кўшган бўлур эдилар.

Президент Ислом Каримов гояга қарши фақат фой билан баҳсга киришиш, курашиш кераклигига эътиборимизни қарагар экан, бу жиддий назарий қоида ҳаммага, даставвал зиёлилар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Биз бир давлат тузумидан, бир ижтимоий-иктисодий муносабатдан бутунлай бошқасига, яъни инсонлар устидан зўравонлик билан хукм сурадиган давлатдан инсонларга хизмат киладиган демократик давлат тузилмасига ўтмоқдамиз. Мулкнинг давлат монополияси шаклидан кўп укладли мулкка асосланган ижтимоий муносабатларни карор топтириш учун курашмоқдамиз. Бундай ўтиш давридаги барча муаммоларни фақат кенг баҳс-мунозара йўли билан ҳал қилишга, фикрлар хилма-хиллиги тамоийларига катъий амал қилишга интилишимиз лозим. Шунда хозирги миллий, умумбашарий муаммоларни куч ишлатиш, зўравонлик йўли билан ҳал этиш асло мумкин эмаслигини ҳамма, аввало ёшларимиз билиб оладилар.

«Адолат» газетаси (1999 йил 19 март), «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» (муҳокама, мулҳоза, баҳс, таклиф) мавзууда бир қатор соҳалар мутахассисларининг Президент Ислом Каримовнинг «Туркистанпресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавоблари юзасидан билдирган фикр-мулҳозаларини чоп этди. Унда ислом, унга муносабат масаласида бағоят дикқатта сазовор фикрлар баён қилинди. Жумладан, республика «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари Қ.Курбонбоев ва журналист М. Калонхонов диний жаҳолатпарастликка қарши нафақат имом-хатиблар, айни чоғда мактаб ўқитувчилари ва олий ўқув

<sup>1</sup> Ватан ва миллият мукаддасdir. Тошкент, «Ўқитувчи», 1996 й. 56-бет.

юргларининг профессор-муаллимлари ҳам ёшларга сабоқ беришлари мумкин, деган фикрни илгари сурдилар. Бу фикрга умуман қарши эмаслигини таъкидлаган ҳолда Ҳалқаро Ислом тадқиқот маркази бўлим мудири С.Муҳитдинов мана бундай нуқтаи-назарда турганини маълум этиб: «Лекин кўй сўйса ҳам қассоб сўйсин, деганларидек, бу иш билан диний мутахассисларимизнинг шуғулланишлари кўпроқ фойда беради», деди. Агар бу факат ҳурматли исломшунос олим С.Муҳитдиновнинг шахсий фикр-мулоҳазаси бўлса, уччалик хатарли эмас. Бордию, шундай фикрлардан келиб чикиб, диний жаҳолатпарастликка қарши қураш факат кичик бир гурух зиёлиларининг вазифаси деб қаралса, муносабат белгиланса, ўйлайманки, бизнинг ёшларга кўрсатишимиш лозим бўлган гоявий таъсиrimиз ниҳоятда чекланиб қолади ва уларнинг ёт таъсиrlарга тушиб имконияти янада кенгаяди. Очигини айтганда, мустакиллик ийлларида мамлакатимизда дин масаласи билан факат имом-хатиблар шуғулланишга ҳақли, деган нуқтаи назар барқарор бўлиб қолиб, зиёлиларимизнинг энг кўп ва одамларга яқин қисми — ўқитувчилар, профессор-муаллимлар бу гоявий қурашда мухофазакорлик мавқеига ўтиб олмаганларида, ваҳҳобийлик ва «Хизби таҳrir» оқимлари домига талай ёшларимиз тушиб қолмас эдилар. Агар биз Тошкентдаги 16 февраль воқеаларидан жиддий хулюсалар чиқариб олишни истасак, Президент Ислом Каримовнинг «жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз ҳалққа ўз сўзларини айтишлари керак, улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим» деган фикрлари хаммамиз учун дастуруламал бўлиб қолиши зарур.

Замонамиз талаби шуки, аввало олимлар, қоловерса, барча зиёлиларимиз динга билим ва илм сифатида ёндашиб, уни ўрганишлари, исломнинг инсон камолоти ва жамият тараққиётida ўйнаётган тарихий ролини айниқ-равшан тасаввур эта олишлари ҳам фарз, ҳам қарзdir. Математика ўқитувчиларидан тортиб, тарих ва адабиёт ўқитувчиси, физика муаллимидан тортиб файласуф профессор-доцентгача динлар, жумладан, ислом тарихи ва унинг миллий мустакилликни мустаҳкамлашдаги ўрни ва ролини муайян тарзда идрок эта олсаларгина ёшларга гоявий таъсиrl кўрсатиш оммавий тус олиши мумкин. Гоя ва қарашлар қураши кетаётган, маънавиятимизни миллий асосда қарор топтиришда ислом омилидан фойдаланиш зарурати пайдо бўлган бир даврда, ўқитувчи ва муаллимларнинг бу қурашдаи четда қолишлари асло мумкин эмас, деб ўйлайман.

Хулоса шуки, эндиғи зиёлиларимизнинг барчалари маълум даражада динлар тарихи ва диннииг ижтимоин ҳаётда, тараққиётда, инсон камолотида ўйнаган ва ўйнаши мумкин бўлган ўрни ва мақомини равшан тасавзур этиб, миллат фарзандларини тўғри йўлга бошлашлари учун ўз бурчларини бажаришлари шарт. Шу билан бирга бугунги руҳонийларимизнинг барчалари Ўзбекистон фукароси сифатида диний тарғибот-тачивиқотни ўтиш даврйининг долзарб муаммолари билан узвий боғлай олиш малакаларини ўзларида хосил этишлари, яъни диний билимлар билан чекланиб қолмай, илмий, сиёсий, ҳукуқий, ахлоқий, фалсафий, эстетик онгларини ошириб боришлари фарз ва қарз эканлангини англаб етишлари лозим. Шунда ҳар хил соҳта ғоялар томир ёйишнинг олди олинган бўлади.

«Халқ таълими» журнали, 1999 й., 5-сони. — 47—53 б.

## ФАЛСАФА ВА ТАРАҚҚИЁТ

Илмий баҳс, қизғин ва асосли мунозара ҳақиқатни англашнинг тарих синовидан ўтган усулидир. Баҳс-мунозарага кенг йўл очилган ва фикрлар хилма-хиллиги қадрланган жамият ва давлатдагина илм-фан, техника ва технология ривожланиши, индивидуал ва ижтимоий онг караҳтлиқдан, локайдликдан, мутелиқдан чиқиб, у фаол тус олиши, илмий-ижодий муҳит вужудга келиши мумкин. Бу эса ижтимоий тараққиёт учун кенг йўл очиш билан бирга давлатнинг курдатли, жамиятнинг барқарор бўлниши учун зарур шарт-шароитни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов «Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин»<sup>1</sup> деб, ғоявий-назарий муаммоларни таҳлил килишга даъват этмоқда.

Ўзбекистон «қизил империя» таркибидан чиқиб, тараққиётнинг мустакил йўлига киргач, турли соҳалар бўйича янгича фикрлар, янгича ёндашувлар юзага келгани тамомила табиий ҳолдир. Жумладан, олий ўкув юртларида марксча-ленинчя фалсафа асосларидан ва унинг синфиийлик тамойилидан воз кечиб, фалсафага фан сифатида ёндашув кераклигини кўпчилик, илмий жамоатчилик англаб етди. Шу жараёнда, бир томондан, «фалсафани янгилаш», «миллий фалсафа яратиш» тўғрисидаги фикрлар ўртага ташланмокда. Иккинчи томондан, асрлар давомида дунёning турли мамлакатларида юзлаб, минглаб олимларнинг машаққатли тадқиқотлари туфайли

<sup>1</sup> Каримов И А Тарихий хотирасиз келамак йўқ //«Мулоқот» журн., 1998 й., 5-сон, 3-бет.

шаклланган фалсафий тушунчалар, категориялар, конунларга, билишнинг фалсафий услубларига янгича мазмун бераб, олий ўкув юртларида бирон-бир фалсафий оқимни эмас, балки фалсафани фан сифатида ўқитиши, демакки, замон талаблари асосида унга янгича методологик ёндашувни қарор топтириш ҳақида асосли таклифлар киритилмокда.

Нега айнан фалсафа соҳасида кўп тушунмовчиликлар, қарама-қарши кутбга эга бўлган фикрлар юзага келмокда? Чунки муайян фалсафий йўналиш жамият тараққиёти ва инсон камолотига хизмат килган бўлса, бошка бир йўналиш жамиятда турғунликни вужудга келтиргани, ижтимоий ва индивидуал онгни жиловлаб қўйгани узоқ ва яқин тарихимиздан маълум. Шунинг учун фалсафа соҳасида кетаётган хозирги баҳс-мунозаралар йўлини тўсиб қўйишга қаратилган майларнинг ижтимоий оқибатлари яхшиликка олиб келмаслигини обдон ўйлаб кўриш керак, деб ҳисоблаймиз. Зоро, ~~Роғонининг ижтимоий, жадиди, яхшиликка олиб келмаслигини обдон ўйлаб кўриш~~ шуни тақоза этади. Ўзбекистонда шаклланиши назарда тутилган фалсафа фан сифатида қарор топиб, у миллий маҳдудликдан ҳам, гарбараствлик ва арабараствликдан ҳам ҳоли бўлмоғи лозим.

### Билиш диалектик услубининг тарихий илдизлари

Оlamda қarama-қarшиliklar borligi va ular ўrtasida muqarrar kuraش mavjудligini odamlar қadim-қadimlarda idrok etishgan va shu reallikdan keliб чиқib tabiiy va ijtimoий xodisalariga munosabat bildirganganlar. Ўзбекистонлик tadқiqotchilar tarixiy manbaъlarga tayinib, ichki ziddiyatlarga эга bir butun olam ҳakidagi tasavvurlar 4 ming yil oлдин maъlum ekansligini aйтишиди. Қadimgi Sharқ mifologiyasidan bizegacha etib kelgan doston, xikояlardagi fалсафий tasavvurlarda olamda қarama-қarshi kучlar borligi zuxur ~~etishdan~~. Чунончи, «Жафоқаш авлиё ҳакида достон», «Хўжайнининг кул билан сухбати» xikоясида яхшиlik билан ёмонлик, ззгулик билан ёвузлик, бойлик билан қашшоқлик, хурлик билан хўрлик ўrtasidagi ziddiyatlар, ular ўrtasida ўзaro kuraш va murosasizlik ҳakida gap boradi.

Markaziy Osiё mifologiyasiда ҳам яхшиlik билан ёмонлик, нур билан зулмат, баҳт билан баҳtsizlik ўrtasida kuraш borligiga эътибор қaratilgai. Umuman inson яхшиlikni anglaши учун ёмонлик ҳакида tasavvurga эга bўliishi лозим. Bordiю ёмонлик tўgrisnda tasavvur bўlmasa, яхшиlik ҳакида fикр юритишнинг illoжи қolmайдi. Birok, bir nukta назардан яхшиlik ҳisoblangan

фикр бошкача нүктәи назарда ёмонлик бўлиб туюлиши мумкин. Одамзод қарама-қарши тушунчалар ёрдамидагина оламдаги ҳодисаларни англайди ва шундан келиб чиқиб муносабат белгилайди, яни фаолият йўналишини аниқлаб олади.

Туронзаминда ижодий фаолият кўрсатгай буюк олим ва илохиётчи Зардушт Спитома дунёда икки қарама-қарши куч борлигини айтиб, уларни эзгулик ва ёвузлик рухи деб атаган. Унинг таълимотига кўра, бу кучлар ўргасидаги абадий курашда одамлар ё у, ё бу томонда туришга мажбурдирлар. Аъло одам, яни баркамол одам албатта эзгулик томонида турди, чунки у ёвузлик ҳақида тўла ва тўғри тасаввурга эга бўлгани учун имонли инсон сифатида ўзини намоён эта олади. Оламда қарама-қаршиликлар борлигини қадимги Хитой ва Хиндистон олимлари билишгани илмий жамоатчиликка маълум. Бинобарин, оламда қарама-қаршиликлар бирлик, бир бутунлик асосида мавжудлигини идрок этиш даставвал Шарқ тафаккури тарзининг махсусидир. Сўнгра, қадимги грек олимлари «диалектика» сўзини илмий мулоқотга киритиб, бу категория орқали оламни илмий англаш мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Грекча сўз бўлган «диалектика»нинг луғавий маъноси баҳс юритиш, далиллаш санъати демакдир. Сукрот диалектикани тушунчаларни аниқлаш максадида сұхбат куриш санъати, Афлотун эса уни олий фан, гояларни билиш усули, деб ҳисоблаган. Хераклит ва Демокрит диалектилага билиш услуби сифагида ёндашганлар.

Афлотун ва Арастунинг фалсафий қарашларини илмий шарҳлаб, ўзин ҳам ноёб фикрларни илгари сурган Абу Наср Форобий оламдаги нарса, ҳодиса ва жараёнларни идрок этишда жадалий восила (билишнинг диалектик услуби) билаи жадалий хивора (диалектик баҳс)нинг ролига жуда катта эътибор билан қараган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Фарғоний, ар-Розий, Беруний, Улугбек, Бсдил ва бошқа мутафаккирлар фалсафий категорияларни илмий мулоқотга киритишга катта хисса қўшганлар. Уларнинг асарларида у ёки бу тарзда мазмун ва шакл, сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, микдор ва сифат каби категориялар ўз ифодасини тоган. Ана шундай категориялар ёрдамида олам, унда одамнинг ўрни тўғрисида, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга таъсир этишда инсонларнинг мақоми ҳақида нодир фалсафий фикрларни бизга мерос қилиб қолдирганлар. Уларнинг ҳар бирининг фалсафий категорияларга муносабатини баён этишнинг ушбу мақола доирасида иложи йўқ. Форобийнинг бу масаладаги қарашларининг ўзидаёқ Уйгониши давридаги мутафаккирларимиз оламдаги мавжуд зиддиятларни инкор этмаганликлари, балки реал ҳаётда бор нарсадарни икрор

этгандыларды маълум бўлади.

Форобий сабаб ва оқибат категориясини асослаш учун катта тадқиқотлар олиб борган. Борлик билан худони айнанлаштириб, уларни оламдаги ўзгаришларнинг биринчи сабаби деб изоҳлаган. Материя (моддий нарсалар) — сув, ҳаво, тупроқ, оловдан ташкил топади, деб изоҳлаган. Аллома материя ва шакл категорияси хусусида фикр юритиб, улар бир-бирига сабаб бўлмайди, чунки ҳар иккаласи бирликда мавжуддир, бирисиз иккимиси яшай олмайди, деган. Форобийнинг фикрича, ҳаракат материянинг объектив хусусияти, моддий оламдаги зиддият эса ҳаракат манбаъидир.

Форобий айтадики, ҳар қандай қонун умумийлик кўриниши бўлиб, оқил одамлар улар ёрдамида айрим нарсалар моҳиятини англаб оладилар. Аммо умумийликдан айримликка бориш учун инсонда етарли билим, малака бўлмоғи лозим. Афлотун ва Арастунынг фалсафий қарашларнни таҳлил этиб, улар оламда қарама-қаршилик боришни ва ўзаро туташуфт қувватлор олемни очишни ёрдам беришини кўрсатгандыларни айтади. Айни чоғда улар меъёр категориясининг роли ва аҳамиятини уқтиришади. «Афлотун, — дейди Форобий, — инсон табиатидаги зарурӣ хислатларни ва уларнинг қарама-қарши жиҳатларни фарқлаш кераклигини тушунтиради. Масалан, камтарлик таҳсинга сазовор, аммо камтарлик ҳаддан ошиб кетса, у ҳолда ўз кучини йўқотади ва заарали бўлиб қолади. Хушёрлик ҳам таҳсинга сазовор, аммо ҳаддан ошиб кетса, у кўркув ва ўзини тийишга айланаб, заарали бўлиб қолади».<sup>1</sup>

Арастунынг «Китоб фи ал-маъқулот» («Кагегориялар») номли рисоласини таҳлил этиб, Форобий категорияларнинг илмий билишдаги ролига юксак баҳо беради. Арасту табиат (физик) ҳодисаларини «таҳлил қилишда жадалий (диалектик) восила (услуби) кўллайди, — дейди аллома. — Жадалий хивора (диалектик баҳс)га қобилият пайдо этувчи ҳолатта олиб келувчи нарсани тушунтириш учун у шундай йўл тутади. Демак, у ушбу нарсаларга илмий қонунларни татбик этади ва улар туфайли уларнинг моҳиятини ўрганади».<sup>2</sup>

Фозиллар ва жохиллар шаҳри тўғрисидаги фикрида Форобий диалектик зиддиятни икрор этади. «Фозиллар шаҳрининг зидди бўлган шаҳар — жохиллар шаҳри, беномуслар шаҳри, айирбошловчилар, адашган, залолатдаги одамлар шаҳридир».<sup>3</sup> Жаҳолатдаги одамлар моддий нарсалар, безакларга сифиниб, уларнинг

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий Фозил одамлар шаҳри Тошкент, 3998 й., 22-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 78–79 бетлар.

<sup>3</sup> Абу Наср Форобий Фозил одамлар шаҳри. 161-б.

назаридა булар «баҳт-саодат бўлиб кўринади. Зотан, (моддий ва руҳий) неъматларнинг ҳаммаси биргалиқда уйғунлашган чоғдагина ҳақиқий баҳт-саодатга эришиш мумкин».<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино оламдаги сабабий боғланишлар (детерминизм) ҳодисасига катта эътибор билан қараган. Сабабсиз бирон нарса содир бўлмаслигига ишонгтан аллома касаллик сабабларини аниқлаш билан жиддий шуғулланиб, медицина (мададсино) фанига асос солдики, мана шу қарашлари учун ўша даврнинг ақидапараст руҳонийлари уни кофириликда айблаганларида, бундай жавоб қайтарди:

Менниг куфрим айбларга дилимдан ўзга султон йўқ,  
Бу оламда менинг покиза имонимдек имон йўқ.  
Замон ахли аро танҳо мусулмон мен эдим, – э воҳ!  
Агар кофир эсам мен ҳам — бу дупёда мусулмон йўқ!

Умуман дунё доимий ўзгаришда ва ҳаракатда, бузилиш ва янгиланишда, нарса ва ҳодисалар ўзаро қарама-каршиликда, бир-бирини рад этиш ва айни ҷоғда бир-бирини тақоза этишда эканини қадимги дунё алломалари ҳам, Шарқ Уйғониш даврининг таникли мутафаккирлари ҳам ўз асарларида таъкидлаб, фалсафий тафаккур ривожи ва фалсафий маданият юксалишига бебаҳо хисса қўшганлар.

XVIII асрдан Ғарбий Оврупода тарқала бошлаган ва ижтимоий тараққиёт ҳамда инсон эрки учун кенг йўл очган фалсафий фикрлар бўм-бўш ерда майдонга кёлмаган. Немис файласуфлари — Кант, Гегель, Фейербах, Маркс изходлари ҳам умумбашарий фалсафий фикрларнинг вориси сифатида вужудга келган. Улар яшаган даврга келиб, фалсафий тушунчаларни муайян тизим (система)га солиши эҳтиёжи пайдо бўлди. Ана шуни аввало И.Кант ва Г.Ф.Гегель бошқалардан кўра чуқурроқ англалилар. Гегель фалсафасининг тадқиқот обьекти «Оламий фух» ва унинг гавдаланиши, ўзидан узоклашиши ва ўзига қайтишидир. Бу холатни аниқлаш усули ва услубияти сифатида диалектикани асос қилиб олди. Биз, юқорида айтганимиздек, фалсафий тушунчалар, категориялар, қонунлар Шарқ ва Ғарб файласуфларининг асарларида у ёки бу тарзда ўз ифодасини топган бўлса-да, аммо ҳали фалсафага фан сифатида қаралмас ва уни «фанлар фани» хисоблаб келинади. Кант ва Гегелдан бошлаб фалсафий тушунчалар маълум тартибга бўлинниб, унинг фанга айланиш даври бошланди. Гегель ўтмиш фалсафий меросига таяниб туриб, фалсафий категориялар ва қонунларни бир тизимга солишини бошлаб берди.

<sup>1</sup> Ўша асар, 163-бет.

Агар Гегель бутунликни “Олий рух”да деб англаган бўлса, Фейербах ва Маркс уни материя ва унинг харакати, деб изоҳдадилар. Шу фикрга таяниб ва синфиийлик тамойцилини фалсафага татбиқ этиб, Маркснинг материалистик диалектик таълимоти юзага келдики, Ленин бошлиқ рус большевиклари бу «таълимот»и дунёвий мутгаассиблик дини даражасига кўтарилилар.

Хулоса қилиб айтганда, диалектика (жадалий восила) оламни фалсафий билишнинг битта услуби бўлиб, у ўзининг чуқур тарихий илдизларига эгадир.

### Фалсафа – фан

Хар бир соҳанинг тадқикот обьекти ва туркумий жиҳатлари (базаси) аниқ-равшан бўлгунга қадар узок тарихий вақт ва олимларнинг ниҳоятда маънавиятлий изъланашлари зарур бўлади. Фалсафанинг тадқикот обьекти барча фанларда зухур бўлади, деб тушунилган даврларда уни «фанлар фани», «фанлар онаси» деб таърифлаш расм бўлган эди. Эшитилиши жозибадор бўлган бу таъриф аслида фалсафани конкрет фан сифатида тан олмаслик оқибати эди.

XIX аср бошларидан эътиборан, Фарбий Овруцо файласуфлари, аввало, Гегелнинг ташаббуси билан фалсафанинг категориал жиҳатлари бир тартибга солина бошланди. Унинг предмети ва бўйиш услуби маълум даражада ойдинлашди. Ўтган яқин 2 аср давомида фалсафа фан даражасига кўтарилиди. У оламни ва унда одамнинг ўрнини аниқлаш билан бирга эндиликда инсон онги ва руҳини инсонийлаштириш учун, унинг тафаккур тарзини ўзгартиришни ҳам ўз тадқикот обьектига айлантириши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга янгича методологик асослар ва тамойилларда ривожланадиган фалсафа фани одамзот руҳий олами ва жамият маънавий-ахлоқий мухитини инсонийлаштиришнинг тарих синовларидан ўтган воситаси — имон-эътиқод масаласи билан ҳам жиддий шугулланишга даъват этилмоқда. Шундай қилиб, янгича методологик ёндашувгэ асосланган фалсафа фани ўтмишдаги барча энг ибратли ижтимоий-фалсафий меросни ўзлаштирган ҳолда, тадқикот соҳасини замон талабларига мувофиқ янада кенгайтириши керак бўлиб турибди.

Бугунги фалсафа фани жуда бой категориал ва чуқур негизларга эга. Чунончи, борлик, фазо ва вақт, миқдор, сифат, меъёр, харакат ва тараққиёт, материя, субстанция, онг, рух, инкор, ворислик, эволюция, революция, сакрант, нортланш категориялари; сабаб ва оқибат, айримлик, хусусийлик ва умумийлик, мазмун ва шакл, имконият ва

воқелик, зарурият ва тасодифият, моҳият ва ҳодиса, бутун ва қисм каби бир-бирини тақоза этадиган жуфт категориялар; диалектик зиддиятлилик, миқдор ва сифатнинг ўзаро ўтиши, инкорни инкор каби ялпи умумий қонунлар; объективлик (холислик) ва илмийлик каби тамойиллар; оламни фалсафий билиш методлари — диалектика, метафизика, синергетика, трансдентал билиш, қадриятлар орқали билиш ва бошқалар. Оламдаги ялпи умумий алоқадорликлар, ўзаро тақозоларни идрок этишга имкон туғдирадиган бу категориялар, қонунлар, тамойиллар ва методлар бошқа тадқиқчилар учун ҳам фалсафани методологик асос бўлиш хукуқига эга қиласди.

Шундай қилиб, фалсафа соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар «фалсафани янгилаш», «Ўзбекистон ёки ўзбек фалсафасини яратиш» шиорларини илгари суришлари билан фалсафа фанининг тарихий илдизларига раҳна солмокчи бўладилар. Фалсафа фанининг предмети ҳақида умумий келишув албатта керак. Шу асосда намунавий дастурлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, бу масалада Farbga тақлид қилиб фаолият йўналиши белгилашимизга ҳожат бўлмаса керак. Чунки И.А.Каримов айтганларидай, «Европада илдиз отиши мумкин бўлган нарса Шаркда униб ўса олмайди». Фалсафани олий ўкув юртларида фан сифатида ўтиш асло уни «мутлоқ ҳақиқат даъвоси билан чиқиши»ни билдирамайди. Аксинча, у қадрларимизни ҳақиқатни англаб олишларига, айниқса, мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни чуқурроқ идрок этишларига, воқеаларни олдиндан кўра билишга ўргатади. Чиндан ҳам қадрлар тайёрлаш Миллий дастури «ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади», бинобарин, «бу нозик масалада сусткашликка ҳам, кош қўяман деб кўз чиқаришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди», — деган эди И. А. Каримов.<sup>1</sup>

### Фалсафада жаҳолатпарастлик ва унинг оқибатлари

Тарихий хотирага эга бўлиш тарихда йўл қўйилган жиддий хатоликларни бошқа бир шаклда тақрорламаслик учун кафолатdir. Агар ўз тарихимизга ҳам, ўзгалар тарихига ҳам жиддий назар ташласак, шу нарса маълум ва равшан бўладики, нафакат динларда, балки фалсафада ҳам ақидапарастлик ва жаҳолатпарастликка оғиб кетиш даврлари бўлган: Агар диний ақидапарастлик бир гурух экстремистларнинг қўлига қурол олиб ҳокимиятни эгаллашига ғоявий

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XII сессиясида клингган маъруза://«Халк сўзи», 1998, 28 август.

асос яратган бўлса, фалсафий ақидапарастлик ижтимоий ҳаёт қобиги орасига “аста портловчи бомба”га ўхшаш фикрларни жойлаб, құдратли давлатлар ва барқарор жамиятларнинг барҳам топиши учун кулай ғоявий-сиёсий мухитни шакллантирган.

Шарқ Уйғониш даврида Марказий Осиёда катта илмий салоҳиятга эга улуг мутафаккирлар етишиб чиди. Бу даврлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт мухитини илмий-фалсафий қарашлардаги тарақкыйпарвар ғоялар устуворлиги, уларнинг сиёсат ва мағкурага кўрсатган ҳаётбахш таъсиirlари белгилаган эди. Бироқ, дин ва илоҳиёт, илм ва фалсафа соҳасида ақидапарастлик ва жаҳолатпаратларнинг аста-секин ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий соҳаларда муқимлашиб бориши аввало ягона Туркистон ҳалқлари давлатининг парчаланиб кетишига, жамиятда бекарорликнинг авж олишига сабаб бўлди. Ақидапарастлик таълим тизимида қиратхонликни қарор топтириб, бутун маънавий маданиятни гайрилмай гайриинсоний нига солиб юборди. Шарқ даврларнинг ҳукмдорларидан тортиб маҳаллий амалдорларигача ҳалқ оммасини коронгиликда, маърифатдан узокроқ туришидан манфаатдор бўлиб қолдилар. Айрим ҳукмдорлар ўзлари дарвешона ҳаёт кечиришни афзал бўлиб, одамлар эътиборини бу дунё муаммоларини ҳал этишдан чалғитдилар, у дунё ҳузур-ҳалавотлари тўғрисидаги ғояларни қадриятта айлантиридилар. Оқибатда Марказий Осиё ҳалқлари миллий давлатларидан ва миллий мустақилларидан маҳрум бўлдилар.

Европада эса XIX аср ўрталаридан бошлаб XX аср давомида битта фалсафий оқимни муқаддаслаштириш бошқа барча фалсафий қарашларни асоссиз равищда нигилистик инкор этишга ва уни мағкура воситасига айлантиришга олиб келди. Бу таҳлитда марксча фалсафа дунёвий мутаассиблик динига айланди ва шу асосда илм-фанда ақидапарастлик хўкмрон мавқега эга бўлиб қолди. Табииётшуносликда у қишлоқ ҳўжалиги ривожига мисли кўрилмаган зиён етказди, илм-фан, техника ва технология йўлида ўзига хос ғоявий-сиёсий тўсикларни вужудга келтириди. Фалсафани фан сифатида инкор этиш ва унинг битта оқими бўлган марксча-ленинчя фалсафани идеаллаштириш шунга олиб келдики, унга таянган ижтимоий-сиёсий тизим тағazzулга юз тутди ва натижада Совет давлати деб аталган «қизил империя» ҳалок бўлди.

## Синергетика жиiddий фалсафий таҳлилга мухтож

«Синергетика» грекча сўз бўлиб, у ҳамкорлик, кўмаклашиш маъносинианглатади. Яъни бир бутун яхлит ҳаракатда турли имкониятлар ёки энергия турларининг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро таъсири борлигини эътироф этишидир. Бунда, бир томондан, турли соҳа олимларининг шу масаладаги ҳамкорлиги назарда тутилса, иккинчи томондан, бაъзи структуравий тузилишларда тўсатдан бўладиган ташкиланишдан иборат бир-биридан ажралган элементларнинг биргаликдаги ҳаракати инобатга олиниб, «синергетика» термини танлаб олинган.

Табиий ҳодисалардаги уйғунылк, коинотда бекарорлик ва барқарорлик муносабатлари ўзаро алоқада, бир бирига ўтиб туринча эканини қадимги Хитой ва Гречияда шаклланган фалсафий қарашларда учратиш мумкин. Масалан, қадимги юон мифологияси ва фалсафасида турли элементлар ибтидоий бетартиб аралашма ҳолатда бўлиб, барча мавжудот ана шу аралашмадан ҳосил бўлади, деб хисобланган. Уйғониш даври Шарқ, жумладан, Марказий Осиё файласуфлари биринчи сабаб — Худо эканини эътироф этган ҳолда, асосан материя тўрт элементдан ташкил топиши ва уларнинг бир-бирiga таъсири оқибатида турли моддий жисмлар, системалар ички қонуний алоқадорликлар асосида ўз-ўзидан юзага келишини исботлашга интилганлар. Демак, синергетиканинг эндиликда экспериментал тарзда исботланган моддий жисмларнинг ахборот (информация) алмашиш имкониятларини улар фаҳмлаганлар.

Синергетика шуни исботладики, барча табиий ва ижтимоий бирикмалар ўз-ўзини ташкиллаш ва бошқариш механизмига эга. Бинобарин, табиий ва ижтимоий бирикмаларга ҳар қандай шаклда аралашшига қаратилган ҳаракат дастурлари салбий оқибатларга олиб келади. Масалага бундай ёндашув системанинг ички хусусиятлари, унинг мавжудлик алгоритми, умуман, ўз-ўзини ташкиллаш қонунларини ўрганишни тақоза этади.

Синергетика асосчиларидан бири Г. Хакен табиий ҳодисаларга синергетик ёндашув структураларнинг тўсатдан шаклланиши, макроскопик даражаларда сифат ўзгаришлари, янги сифатларнинг бирданига вужудга келиши, очик системаларда ўз-ўзидан бўладиган жараёнлар борлигини назарда тутади, дейди. Синергетик қарашларнинг анъанавийликдан фарки шуки, бунда системанинг оддийидан мураккабларига, ёнидан очигига, бир чизикликдан кўп чизикликка, мутаносиблик ва мутаносибликка яқин жараёнларни англашни тадқиқ этишни, барқарор мувозанатлар нарисида бўлган

ходисаларни ўрганишни тақоза этади.

Синергетика туфайли материя ҳаракати, субстанция, инъикос, информатика, вакт тұғрисидаги ишариги антропоморф тасаввурларимиз мазмунан бойыб, чукурлашмоқда, реалликка яқинлашмоқда. Масалан, шу чоққача ҳаракат материянинг яшаш усули дейиши билан чегараланыб келдик. Эндилікда материянинг структуралық сақланиши ва бир шакта бошқа шаклларга ўтишида улардағи кодлашған ахборотли инъикос асосий ролни үйнағы маълум бўлди. Инъикос оддий таъсир ва ўзаро таъсир бўлиб қолмай, айни чоғда у макро ва микрооламдаги системаларнинг ўз-ўзини ташкиллаш ва бошқариш омили ҳам экан. Кибернетика ва синергетика муваффағиятлари инъикос назариясининг туб мазмунига жиддий ўзгартишлар киритади. Нотирик ва тирик табиатда ахборот алмашиш ўзига хос шаклларда намоён бўлса-да, аммо моҳиятан улар ўртасида жилдиш фарқ йўқ экан.

Шундай қилиб, айрим олимлар эндилікда тадқиқотларда асосий урғу субстанцияга эмас, балки муносабатлар, алоқалар ва вакт масаласига берилиши керак, деб хисоблашади. Масалага шундай ёндашув фалсафада асрлар давомида жиддий тортишувларга сабаб бўлиб келганд муаммони ҳал этиш имкониятини беради. Субстанция тұғрисидаги самараcиз тортишувлардан нарса, ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни, ўзаро алоқаларни, фазо ва вакт муаммосини ўрганиш, тадқиқ этиш мухимdir.

Вакт масаласидаги анъанавий тасаввурларимиз ҳам чекланғанлыгы маълум бўлмоқда. Географик, социал ва индивидуал вактлар, объектив ва субъектив вактлар, жисм ичидаги нарсада вактнинг ўтиши ўша жисм ҳаракат тезлигига боғлиқлиги, вакт фазоси тұғрисидаги янги тушунчалар фалсафий қарашларимизни янада пурвикор қиласи. Масалан, вакт фазоси тушунчаси бўйича жамиятда ўтмиш, ҳозир ва келажакка урғу берилишига қараб вактга муносабат белгиланади. Баъзи кишилар ва ҳалклар ўтмиш билан яшаса, бошқалари келажак ҳузур-халоватлари орзузи билан яшайдилар. Утмиш вактга урғу берувчиilar уни идеаллаштириб, ҳозирги вакт ҳаётини қадрламай қўядилар. Ваҳҳобийлар ва Ҳизб таҳрирчилар ўтган замон билан яшаб, ўша вактлар қайтарилишини орзу қиласидилар. Коммунистлар эса келажакда қандайдир ижтимоий адолатли жамият қурилажагига ишонч билан қараб, ҳозирги кунлар машақкатларини гўё зарурат деб талқин этдилар ва шу тарика тақдирга тан бериш руҳини одамлар онгига сингдирдилар. Инсон ўтмишни холисона баҳолаш, ҳозирни қадрлан-ва норлоқ келажакни яқинлаштириш ишқи билан яшагандагина у баркамол бўлиши мумкин. Бунинг учун у

хозирги замон фанларини ўқиб-ўрганиши, бир соҳанинг яхши мутахассиси бўлиш билан бирга у ўзида фалсафий тафаккур тарзини шакллантириши керак.

### Фалсафани сафсатага айлантириш майллари

Ўзбекистон халқлари мустамлакачилик кишанларидан ҳоли бўлиб, тараққиётнииг мустақил йўлига тушгач, баъзи олимларда давлат ва жамиятда, иктисад ва сиёсатда, маънавият ва маърифатда сифат ўзгаришлари борар экан, демак, фалсафа ҳам бундан четда қолиши мумкин эмас, бинобарин, уни бутунлай янгилаш, ҳатто миллий фалсафа яратиш зарур, деган қарашлар пайдо бўлиб, эндилика бу амалий ҳаракат тусини олмокда.

«Янги фалсафа — миллий фалсафа яратиш» ташаббуси билан чиқаётганлар «немис фалсафаси», «инглиз фалсафаси», «Хитой фалсафаси», «Ҳиндистон фалсафаси» бор экан, нега «Ўзбек фалсафаси» бўлмаслиги керак, деган нуктаи назарда турадилар. Тўғри, фалсафий адабиётларда юқоридаги каби фалсафани мамлакатлар ёки халқлар номи билан аташ илмий мулоқотга кириб қолган. «Ўзбек миллний математикаси, физикаси, кимёси» ва ҳоказо ҳақида гапириш қанчалик кулгили бўлса, «Ўзбекистон миллний фалсафаси»ни яратиш тўғрисидаги қарашлар ҳам шунча асоссиз ва ғайрилимийдир. Зеро, ҳар қандай фан, гарчи даставвал миллий заминда шаклланса ҳам, аммо у умумбашарий аҳамиятга молик бўлади. Масалан, алгебра асосчиси, ватандошимиз Мусо ал-Хоразмий, тиббиёт асосчиси Ибн Сино, астрономия асосчилари Фарғоний ва Улугбек бўлса-да, аммо ҳеч ким уни «Ўзбек алгебраси», «Ўзбек астрономияси» ва ҳоказо дейишга тили айланмайди, чунки улар фан сифатида тан олингани ва, демакки, умуминсоний аҳамият касб этгани учун уларни мамлакатлар, халқлар номи билан атамайдилар.

Ўзбекистон Миллний университети профессори, фалсафа фанлари номзоди И. Раҳимов республикамизда фалсафа фани жонкуярларидан бири. Янгилик яратиш учун доимо изланишда бўлган бу олимнинг қаламига мансуб маколалари, фалсафий ва мантиққа доир кўйланмаларини ўқиши ҳар бир кишини фикрлашга, чуқур мулоҳаза этишга даъват қилиши билан диққатга сазовордир. Маълумки, собиқ Шўролар даври, унинг коммунистик мафкураси миллний республикаларда эркин, ижодий фикр юритувчи зиёлилар бўлишига жиддий монелик қилас, бундай кишиларга турли ёрликлар ёпиштириб, уларни ишдан четлаштиради ёки бирон-бир тухмат билан

қамар эди. Шу сабабдан Ўзбекистон зиёлилари, жумладан, олимлари ниҳоятда эҳтиёткорлик, муҳофазакорлик руҳида тарбияланиб қолишиди. Ҳозирда илм-фан равнакига жиддий түсик бўлиб турган ана шу ёвуз руҳга тезроқ барҳам бериш учун кенг равишда илмий баҳсга йўл очиш, бунда дадиллик кўрсатаётган ҳар бир олимни қўллаб-куватлаш ижтимоий ва миллий зарурат бўлиб турибди. Зоро, Президентимиз таъқидлаб ўтганларидаи, «бизнинг тараққиёт сари интилишимизни эса фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташабbus кўрсатишсиз тасаввур қилиб бўлмайди».

Шу нўктаи назардан қараганда ва фикрлар хилма-хиллиги мавжуд бўлган мамлакат ҳалқларининг истиқболи порлоқ бўлиши тарихий ҳақиқат эканини англаган ҳолда, И. Раҳимовнинг газета ва журналларда мақолалар билан чиқаётгани, фалсафага доир ўкув қўйланмалар чоп этастанини табриклиш ва рағбатлантириш мумкин. Бирок, профессор И. Раҳимов оғизда фалсафани фан сифатида таи ~~олса да, амала утиларни оғизда тарихий илчиликлардан маҳрум бўлган~~ ва синергетика асосига қурилган қандайдир «миллий фалсафа» яратиш ва уни «муроса фалсафаси» сифатида шакллантиришдан иборат хато фикрга келиб қолган экан, уни шу хато йўлдан қайтариш лозим. И Раҳимовнинг Фарбга таклид қилиб «муроса фалсафаси» ёки «миллий фалсафа», «мустакиллик фалсафаси»ни синергетика тамойиллари асосида шакллантириш тўғрисидаги фикрларининг ўзиёқ у миллий заминдан маҳрум қандайдир бир фалсафий оқим бўлишини кўрсатади. Фарбдаги «ҳаёт фалсафаси», фрейдизм, экзистенциализм, прагматизмга бўлган зўр ихлосига қараганда, «миллий фалсафа» бошдан-оёқ ғарбпастлик руҳи билан сугорилган бўлиши, бинобарин, Шарқдаги нодир фалсафий фикрлар уларнинг соясида қолиши керак бўлади. И. Раҳимовнинг «янгича фикрлаши», «янгича тафаккур услуби», «янгича дунёкараши», моҳнгяг эътибори-ила марксизмни пригожинизм билан, большевизмни миллий шовинизм билан, диалектикани синергетика билан алмаштиришдан иборат қарашлар мажмуидир. Агар марксизмда зарурият идеаллаштирилиб, тасодифият унинг соясида қолдирилган бўлса, И Раҳимовнинг «мустакиллик фалсафаси»да тасодифлар идеаллаштирилиб, зарурият иккинчи даражали бўлиб қолади. Большевиклар ҳамма нарса ва ҳодисаларга космополитизм нўктаи назаридан ёндашган бўлсалар, И. Раҳимов уларга миллий маҳдудлик мавкеидан туриб ёндашишии афзал билади. Большевиклар диалектикани материалистик таълимот хисоблашган бўлса, И.

<sup>1</sup> КаримовИ А Узбекистон XXI аср бусагасида Ҳавфисиликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 й, 45-бет.

Рахимов синергетикани янги фалсафий таълимот, дунёкараш, илмий билиш методи ва тамойили сифатида мутлоқлаштиради. Синергетиканинг асосчилари Хакен ва Пригожиннинг жиддий огохлантиришларига қарамай, хали роса фан сифатида шаклланишга улгуреб етмага ва шунинг учун ўз категориал базасига эга бўлмаган синергетик қарашларни у социал ҳодисаларга дарҳол татбик этишини ташвиқ қилиб, бу билан сохта обрў ортиромокчи бўлади.

Агар биз И. Раҳимовнинг газета ва журналларда чиққан мақолалари ва «Фалсафа» (кисқача конспект) ўкув кўлланмаси<sup>1</sup> асосида фикр юритсак, мантиқшунос олим не учун шунчалар мантиқсиз, бир-бирига зид фикрларга йўл қўйганига ҳайрон қоламиз. Диалектиканинг тарихий илдизлари борлигини тан олган ҳолда, у XIX асрнинг «30—40-йилларида табиат ва ижтимоий тараккиётнинг фалсафий бирикуви натижасида найдо бўлди», дейди. Бир ўринда «илмий тафаккур ва фалсафий фикр тарзи азалдан ўзаро таъсир асосида ривожланган», деса, бошқа жойда «фан ва фалсафанинг ўзаро фарқи энди улар орасидаги зиддият, қарама-қаршилик ҳамда антогонизм тўғрисида эмас, балки ҳамкорлик, бирлик ҳакида фикр юритишни тақоза қилмоқда» дейди ва гўё синергетика ана шу азалий «антогонизм»ни ҳал этади, деган фикрни илгари суради. Фалсафадаги «эволюция» тушунчаси니 «революция» тушунчасига қарама-қарши кўйиб, бу икки тушунчани одатий (кундалик) онг даражасида туриб таҳлил этади. Моддий жисмларда ҳам, социал бирикмаларда ҳам астасекин содир бўладиган эволюцион ўзгаришлар маълум бир нуқтага етгач, илгариги меъёр бузилиб, тўсатдан бўладиган ва синергетик қарашларда ҳам ўз ифодасини топган структуравий ўзгаришлар — портлашни фалсафада «революция» тушунчаси билан ифодаланиб келинганини рад этади. И. Раҳимов «бекарорлик борликнинг муҳим бир жиҳати» деб туриб, пастрокда борлик «бекарорлик ва баркарорликнинг муштарақлигидан иборатдир», дейди. У илмий билиш жараёнинг инсон фаолияти кўшилгани боис «инсонийлашган жараёндир» дейди. Ахир инсон фаолиятисиз илмий билиш мумкинми? Бир томонда марксизмни, унинг диалектик материалистик таълимотини копкора бўёқларда кўрсатса, иккинчи ўринда мутлақо асоссиз равишда унга меҳнаткаш ҳалик манфаатини ифодаловчи фалсафа, деб баҳо беради ва бу билан бошқа фалсафий оқимлар меҳнаткашлар манфаатини гўё химоя қилмайди, деган мантиқий фикрни туғдиради. У бундай дейди: «Маркс фалсафага кишиларни маънавий озод этиш воситаси деб қаради». «Маркс инсон юксак қадрият экан, уни озод қилиш кераклигини таъкидлайди».

<sup>1</sup> Раҳимов И Фалсафа (кисқача конспект) Тошкент, “Университет” нашр., 166 бет.

Хуллас, И. Рахимов «асарлари»да бир-бируни инкор этувчи бундай фикрлардан ташқари жиддий хатолар ҳам учрайди. Масалан, тарихан жуда кўп олимлар, жумладан, Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафий категориялар, қонунлар асосида оламнинг фалсафий манзарасини яратиб, диалектикага метод ва баҳс санъати сифатида караб келдилар. И. Рахимовнинг эса фалсафий категориялар, қонунларсиз оламни фалсафий идроқ этиш мумкин, деган фикрини унинг «Фалсафа» ўкув қўлланмасида яққол кўриш мумкин. Фалсафий тушунчалар, категориялар, қонунлар таҳлил этилмаган ана шундай «қўлланма»лардан талабалар нима ҳам оларди? Ушбу «қўлланма»да фалсафий категориялар ва қонунлар таҳлил этилмагани тасодифий ҳол эмас. Бу китобда биттагина категория — борлик тилга олинниб, у ҳам гарбпарастлик руҳида таҳлил этилган. Шарқ файласуфларининг бу ҳақдаги фикрлари берилмаган. Маънавий борлик ҳақида мутлақо фикр йўқ. Гарб олимлари И. Рахимов учун бир олий қадрият, буюк тимсол: «гарб олимлари диалектиканни инкор этилмаган ҳамда синергетика мустақил тафakkur услуби» леб билмоқда. Хўш, синергетика «мустақил тафakkur услуби» бўлса, у фалсафий тафakkur услуби мавжудлигини инкор этиш учун асос бўла оладими? У фалсафий қарашларни кенгайтириб, чукурлаштириб, билишнинг назарий даражасини оширмайдими!

И.Рахимов, синергетика тараққиётнинг эволюцион тамойилини кашф этди, дейди. Таракқиётнинг эволюцион қонуни инглиз олими Ч.Дарвин томонидан кашф этилганини ўрта мактаб ўкувчиси ҳам билади.

Биздан ташқаридаги ва инсон онги билан боғлиқ нарса, ҳодиса ва жараёнлар қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашининг мавжудлиги қадимдан маълум экан, уни инкор этиб «зиддиятсизлик назарияси» яратиш ва уни «миллий фалсафа», «муроса фалсафаси» асосига кўйиши илмий-фалсафий қашфиёт бўла олмайди. Бизнинг назаримизда, мавжуд зиддиятларни ҳас-пўшлап, уни йўқдек этиб кўрсатиш факат фалсафий мушоҳада юрита олмаслик эмас, балки у ижтимоий зарарли оқибатларга ҳам олиб келади.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида» китобида хавфсизликка солинаётган таҳдидлар замонавий ижтимоий зиддиятларнинг ифодаси эканини таъкидлайди: «Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан, диний руҳдаги экстремизмнинг, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини

ўз ичига олади».<sup>1</sup>

Демак, дунё миқёсида ана шуидай зиддиятлар, муаммолар мавжуд экан, қандай қилип «муроса фалсафаси» ҳақида гап бўлиши мумкин? Шунингдек, И. А. Каримовнииг «Шуни эсда тутищимиз ксракки, бутун тарих таҳдидлар ва уларни даф этишдан иборат» деган фикри табиат ва инсоният тарихи доимий зиддиятлар, қарама-каршиликлар ва уларни даф этишдан иборат эканлигини англатади. Бинобарин, диалектика умумий фалсафий категория сифатида ҳар бир давр, ижтимоий-илмий тараққиёт силосилалари асосида бойиб, табиат, жамият ва инсонни билишининг методологик асосларидан бири сифатида яшаб қолаверади. Уни на буржуя диалектикаси, на Маркс диалектикаси, на француз ва на ўзбек диалектикасига ажратиб бўлади. «Демократия» сўзи ҳам худди шундай. Уни бирон мамлакат, бирор шахс ёки миллат билан боғлаш мумкин эмас. Гап фақат демократик тамоилилларнинг қачон ва қаерда карор топиши ва ривожланиши, амал қилиниши ё амал қилинмаслиги ҳақида бўлиши мумкин. «Диалектика»нинг ҳам «демократия» сингари на отаси, на онаси бор. Уни тан олиши ё тан олмаслик, унга асосланниш ёки асосланмаслик мумкин. Илмдами, ҳаётдами «бозорбон» модалар кетидан кувиб ящац ва ҳаётнинг асосини ташкил этувчи, тарихан шаклланган ва синовдан ўтган маънавий неъматларни инкор этмаслик лозим.

“Гулистон” журнали, 2000 йил,  
3-сони. -10-14-б.

## ЎЙЛАБ ТОПИЛГАН УҚУБАТ\*

«Одам маймундан тарқаган» деган назариядан уқубат чекаётган бўлсангиз, бунинг Дарвинга даҳли йўқ».

Софлом авлод, бизнинг назаримизда, аввало маънавий-рухий дунёси бой, ахлоқи пок, имон-эътиқоди бутун комил инсондир. Шунинг учун ҳам, Президентимиз айтганидек, «дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўргасида мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак». Айни чоғда «дунёвийлик, айрим ақидапараст кимсаларнинг

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида. Ташкент, “Ўзбекистон”, 1997 й., 14-бет.

\* Макола биология фанлари доктори, профессор К.Ниононбов билан ҳамкорликда ёзилган.

даъволаридан фарқли ўлароқ, асло даҳрийлик эмас»ligига, бундай «нотўгри ва ғаразли таъқиёнларга мутлақа қарши» туриш кераклигини Президент таъқидламоқда.<sup>1</sup> Бу сифатларга ёшлар аввало замонавий илм-фани эгаллаш, маънавият ва маърифат орқали эриша олишлари мумкин.

Биология фанлари доктори, профессор Мухсин Валихонов «Маймун одамга айланадими ёхуд бир назариянинг уқубатлари» («Миллий тикланиш» ҳафтномаси, 2000 йил 26 апрель) сарлавҳали мақола ўзлон қилди. Президент Ислом Каримов: «Ҳақиқатни төпиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик, муҳокама қилайлик» деб олимлар ва уламоларни қизғин баҳсга чорлаётган бир пайтда, биолог олим ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин оммага изхор этиши таҳсинга лойик, албатта. Чунки худди шундай фикрда юрган, аммо уни ошкор этишга журъат эта олмаётган кишилар ҳам бўлиши мумкин. Уларни хато фикрлар асири бўлиб қолмасликлари учун чинакам соғлом баҳс мухитини вужудга келтириш миллий мустақилигимизни мустаҳкамлаш омилларидан бирни булиб турибди.

Бирок, фикрлар хилма-хиллиги фикр билдирувчидан чуқур, кенг билим ва фалсафий маданиятни талаб этади. Танқид қидмоқчи бўлган тадқиқотчи муаммони обдон ўрганимай, унинг асл моҳиятига етмай фикрлар билдиrsa, у одамларни, жумладан, ёш авлодни ҳақиқатдан чалғитиб, уларда гайриимлий тасаввурларни шакллантириб кўяди. Биолог олим М.Валихонов Ч.Дарвиннинг зволюций назариясини эндилика «танқидий ва илмий асосда ўрганиш фурсати келди» деган ҳолда, бу назарияни гайриимлий ва тарафкашлик (тенденцион) асосларда танқид қилишини лозим топганини тушуниш кийин. Олим Дарвин таълимотини Аллоҳга зътиқод ва миллий мафкура доирасида қайта кўриб чиқишини маслаҳат беради. Бир томондан маънавий меросга танқидий ва илмий ёндошиц лозимлиги тўғрисидаги мутлақс тўғри нуқтаи назар, иккинчи томондан, амалда Дарвин таълимотини гайриинсоний қилиб кўрсатиш мавқеидан келиб чиқсан гайриимлий қарашларии «илмий» дея талқин этадики, назаримизда, шу муаммс хусусида холис мулоҳазаларни ўргоқлашиш, кўпчилик эътиборига ташлаш мавриди келди, деб ўйлаймиз.

### Биринчи даяво ва унга зътироz

Дарвин одам тури тўғридан-тўғри маймундан меҳнат туфайли келиб чиқсан деганми? Дарвиннинг тирик организмлар тарихий-

<sup>1</sup> Донишманц халкимизнинг мустақил иродасига ишонаман (Президент Ислом Каримовининг «Fidokor» газетаси мухбири савдоарига жасоблари).//«Fidokor» газетаси, 8 июн, 2000 й.

тадрижий тараққиёт натижаси түғрисидаги зволюцион назариясини танқид килишдан аввал, лоақал унинг 8 жилдлик асарлар түпламига киргаи «Одамнинг пайдо бўлиши ва жинсий танланиш» деб номланган 5 ва 6-жилдларини ўқиб чиқиш шарт. қолаверса, ушбу мақола муаллифларидан бири томонидая ёзилган «Аждодларимиз маймундан тарқалмаган» (Каримов И. «Фан ва турмуш» журнали, 1990 йил 6-сон) сарлавхали мақоласига бирров кўз югуртириб чиқилганда ҳам илмийрок фикр билдириш мумкин эди. Унда Дарвин одам асло маймундан келиб чиқсан деган фикрни билдирагани таъкидланиб, Ф. Энгельснинг «Маймуннинг одамга айланишинда меҳнатининг роли» асари илмий танқид қилинган эди. Агар марксизм аввал меҳнат ва у туфайли онг вужудга келиб, шундан сўнг маймунсимон мавжудотлардан одам пайдо бўлган, деган фаразга асосланса, хозирги замон табииётшунослик фанлари бу тахминни рад этганига эътибор қаратилган эди. Мъалум бўлишича, табиат ўзи янги турларни яратиш қобилиятига эга экан. Космосдаги радиациянинг, Ерда гравитацион ва магнит майдонининг ўзгариши туфайли қандайдир бир турмия хужайраси хромосомаларида ўзгариш содир килган. Натижада австралопитек (жанубий маймунсимон) ларда акл элементлари прогрессив ривожланиш йўналишини олган, Шундай килиб, ўша мақолада аввал онг, сўнгра онгли меҳнат пайдо бўлиб, одам мияси ҳажми ва структураси доимий меҳнат машки ва малақаси туфайли кенгайиб, такомиллашиб борганилиги айтилган. Сичкоңдан каламуш, мушукдан йўлбарс пайдо бўла олмаганидек, маймундан ҳам асло одам вужудга келмаслиги исботланган эди. Мабодо биолог олим ана шунга ўхшаш фикрлар билан таниш бўлганида, «Дарванинг зволюцион назарияси бўйича тадрижий тараққиётнинг ҳар хил погонасида маймун турларидан бир неча ирклар ҳамда миллатлар пайдо бўлган» деган фикрларни билдириб, улуг олимийнг руҳини асоссиз қақшатмаган бўлур эди.

Мъалумки, Дарвин ўз асарларида одам мия ярим шарларига хос бўлган ва унинг тик туриб юришига имкон берган сифат биронта ҳам маймунда учрамайди, деб таъкидлаган. Юқоридаги китобнинг 47-бетида Дарвин бундай дейди: «Ўз аждодларимизни тана катталиги ёки кучига нисбат берадиган бўлсак, шимпанзе ёки гориллага ўхшаш маймунлардан вужудга келганлигини биз билмаймиз..., бинобарин, одамзод учун қандайдир ожизроқ шакллардан вужудга келиш афзal эди, чунки ана шу холат у ўз аклий қобилиятларини ривожлантиришга ва турмушнинг ижтимоий шаклида яқинларига ёрдам беришга мажбур этарди».

Дарвин ҳайвонот олами ва одамзот феъл-атвори ни кўп йиллик

кузатувларига таяниб, одам осмондан узилиб ёки ер тубидан ногаҳон отилиб чиккан бир тур эмаслигини исботлашга уринди ва уни сут эмизувчи ҳайвонлар синфидаги мавжудот деган фикрларга күшилди. «Маймунсимон одамлар» ёки «одамсимон маймунлар» ибораларини Дарвни асарлари умумий матнйдан колиб олиб, ақидапаастларча муҳокама юритиш юзаки хулоса чиқаришдан ўзга нарса эмас. На дарвинизмда ва на биология фанида маймун тўғридан-тўғри одамга айланиши ҳақида фикр йўқ.

Мақола муаллифи Дарвиннинг табиий танланиш тўғрисидаги таълимоти «худди бозор иқтисодиёти қонунларини эслатади», буни эса XIX—XX аср олимлари пайқамай колиб, жамият тараққиётини ҳам зволюцион назария билан таҳлил қилишга одатландилар, дейди. У XX асрдаги барча фожеалар, жумладан, Гитлер фашизми ва Ленин-Сталин большевизмини ана шундай қарашлар маҳсули сифатида талқин этиб, содда одамлар бундай соҳтакорликларга ишонишларига умид боғлади.

Дарвиннинг эволюциои таълимоти ўз даврида ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам жиддий танқид ва эътиrozларга учраганига қарамай, у даврлар имтиҳонидан ўтиб, моҳият-эътибори – ила тўғри назария эканлиги маълум бўлди. Бу таълимот асосида ривожланган анатомия, эмбриология, цитология, молекуляр биология, антропология, палеонтология, полеэтнография ва бошқа кўп фанлар ҳам одам ҳозирги физиологик тузилиши ва ақлий камолотга етгунга қадар миллион-миллион йилларни қамраб оладиган зволюцион босқични босиб ўтганини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлади. Нафақат илмий доираларда, балки диний доираларда ҳам одам бирданига эмас, тарихий-тарижий тараққиёт маҳсули эканлиги тан олина бошланди.

Ақл билан яшаш учун қурашга 5 миллион йил муқаддам ўтган дастлабки аждодларимизнинг бўйи ўртача 145—150 см., мия бош суяги ҳажми 300—400 куб сантиметр бўлган, зволюцион тараққиётнинг кейинги босқичларida питекантроп, синантроп, неандертал тоифасидаги одамлар пайдо бўлганини фан исботлаганини, ҳозирги одамларни жамиятда яшашга одатланганиларни учун ақлли одам — *Homo Sapiens* деб аталишини биолог олим билмаганига таажжубланасан, киши. Дарвин одамзот зволюциясини мия зволюцияси билан боғлиқ деб қилган илмий тахмини (гипотезаси) эндилиқда экспериментал тарзда тасдиқланди. Ҳозирги одамлар қадимги кўли узунроқ, бели букилганроқ, танаси жунли аждодларимизнинг вориси бўлган ҳолда *Homo Sapiens* нинг мия ҳажми ўртача 1400—1500 куб см бўлгани, айниқса, мия иланг-

пилангларининг мураккаблиги, физиологик жиҳатдан бехад такомиллашгани, ижтимоий ҳаётта мослашгани учун қадимги аждодларидан тубдан фарқ қиласи, албатта.

Эволюцион назариянинг асосида одам ўзини табиатдан, борликдан ажралган ва улардан устун туриши тўғрисидаги хурофий тасаввурларнинг ғайрилмий эканлиги тўғрисидаги гоя ётади. Дарвин “хайвонот олами билан одам зоти ўргасида ўтиб бўлмас жарлик йўқлигини”, ақл элементлари ривожланган ҳайвонларда ҳам борлигини айтиб, айрим ахлоқий жиҳатлардан улар маҳрум эмаслигини исботлади. Баъзи ривожланган ҳайвонлар муайян сўзлардан, товушлардан завқланиши, севиш ва севилиш хисларидан бегона эмасликлари, рағбат ва мақтовга мойнилликларини рад этиш қийин. Айни чоғда ваҳшний сифат одамлар ҳайвонлардан ҳам тубан эканлигига Дарвин эътиборни қаратиб, бундай дейди: «Кўпчилик ваҳшний одамларнинг жуда жирканч безаклар ва ана шундай мусиқалардаи завқ олишларига қараб баҳо бергандা, уларнинг эстетик тушунчалари қуий ҳайвонлар, масалан, қушларнидан ҳам тубан деб аташ мумкин». Улуғ инсонларвр олим ўзининг аждоди сут эмизувчи ҳайвонлар зотига мансуб қандайдир бир турдан эканини тан олишдан ҳазар қилувчиларга қаратади: «Ўз турини (яъни, одам зотини) кийнашдан, қонли урушлар олиб боришдан, хеч бир виждан азобисиз ўз боласини ўлдиришдан, ўз аёлига итоаткор кул сифатида қарашдан уялмайдиган ва ўтга хурофотга беришган одам бўлгандан кўра, тогдан тушиб ёш ўртоғини ажабланиб қолган итлар галасидан голибона ажратиб олган қари павиан бўлишни афзал билардим». Дарвиннинг бу кинояли гаплари бутун инсониятга қаратага жiddий огохлантириш бўлиб, одамларнинг ирқига, миллатига, синфиға, эътиқодига қараб ажратиш ва шундан келиб чиқиб душман тимсоли (образи) яратиш нечоғлик ғайриинсоний эканинга эътиборни жалб қилишдир. Дарвин нуктаи назарида бутун инсоният қавми битта турдан тарқалган бўлиб, ирқий, миллий ва бошқа тафовутлар кейинги тараққиёт маҳсулидир.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, одамзотнинг анатомик тузилиши моҳият-эътибори-ила ривожланган ҳайвонларнидан кам фарқ қилишини Дарвindenan анча илгари яшаб ўтган бир қатор олимлар ҳам англаганлар. Масалан, милоддан илгари яшаган грек олими Анаксимандр, Ўтра асрларда яшаган Абу Наср Форобий одамзот билан ҳайвонот олами ўргасида алоқадорлик борлигига эътиборни қаратганлар. Одам билан ҳайвон анатомик тузилишидаги ўхшашликлар Беруний ва ибн Сино асарларида ҳам учрайди. Демак, бизнинг баъзи олимларимизнинг назарий онглари қадимги давр

<sup>1</sup> Дарвин Ч. Собрание сочинений в четырех томах. Т. 2. Одамнинг келиб чиқилиши ва жинсий ташланиш СПБ, 1899, стр 421.

мутафаккирлари даражасига ҳам кўтарилимагани учун одам зоти билан ҳайвон тури ўртасида «Хитой девори» ўрнатмоқчи бўлиб, ёшларни ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги илмий-тадқиқот ишларини тўхтатиб кўйишларини билосита талаб этиб, улар онгидаги ақидапарастликни қарор топтиришини афзал билмокдалар, дейишга асосимиз бор.

### Иккинчи даъво ва унга эътирооз

М.Валихонов Маркс таълимоти Дарвиннинг эволюцион назарияси асосида юзага келиб, бу икки таълимот инсоният бошига беҳад кулфатлар келтирди, деган даъво билан чиқади.

Маркснинг жамият тараққиётини формацияларга бўлиш тўғрисидаги ноилмий таълимотига билосита кўшилиб, Дарвин эволюцион назариясини «ғарб мамлакатлари ривожланишининг капиталистик босқичида ишлаб чиқкан», дейди. Шундан сўнг Марксни ~~«жамият тараққиётини йўқ килиниши керак»~~ деган фикрни илгари сурди, деб тужмат қиласди. Валихоноз бундай дейди: «Табиий танланишга асосланган эволюция назариясининг жамиятнинг иктисадий ва хўжалик фаолиятига татбиқ килиниши натижасида инсоният тарихида марксизм дунёга келди». Ахир марксизм дунёга келганда Дарвин ҳали «Турларнинг келиб чиқиши» асарини ёзмагани маълумку!

Маркс шахси билан Дарвин шахсини, марксизм билан дарвинизмни айнанлаштириш гайрилимийдир. Маркс жанговар атеистик эътиқод эгаси бўлса, ўз муҳитининг фарзанди бўлган Дарвин христиан дини урф-одатларини хурмат қилган, динларнинг маънавиятни қарор топтиришдаги тарихий ўрнига муносиб баҳо берган. Унинг фикрича, ижтимоий инстинктлар ҳам табиий танланиш маҳсули бўлиб, «ахлоқ одат (кўникма), маориф, дин ва бошқалар таъсирида ривожланади».

Дарвиннинг табиий танланиш концепцияси инсонларга нисбатан татбиқ этилганда, унга танқидий ёндашибни олимнинг ўзи назарда тутган. Агар «мен ошириб юборган бўлсан, — деб ёзган эди Дарвин, — умид қиласманки, жуда деганда ақидапарастликка барҳам берувчилар учун хизмат қилган бўламан».

Агар биз одамзот тарихий-тадрижий ривожи тўғрисидаги хозирги замон табииётшунослик ва инсоншунослик фанлари далилларига эътибор берсак, тарихий тараққиётнинг муайян босқичида табиий танланиш кадимги одамлар ўртасида ҳам мавжуд

бўлган. Кучли одамлар, асосан эркаклар, кучсиз ва ҳимоясиз одамларни еганлар, фанда бу ҳодиса каннибализм деб аталади. Бироқ, одамзотда ижтимоий муносабатлар етакчи бўла боргач, яшаш учун курашнинг бу шакли тақиқлаб кўйилди. Инсоният яшаш учун курашнинг зўравонлик, вахшийлик ва уруп шаклини танлаб олиши ва бу феъл-авторини муайян гоявий қараашлар билан оқлаши асло табиий танланиш эмас, балки маънавий-рухий жихатдан ҳали чинакам инсон даражасига кўтарилимагани оқибатидир. Масалан, ваҳҳобийлар, ҳизбитахрирчиларнинг Куръони каримга хилоф равишида зўравонлик йўли билан бутун дунёда исломни қарор толтириш йўлидаги хатти-харакатлари чинакам ислом таълимотига хилоф бўлганидек, гитлеризм ва большевизм ҳам чинакам дарвинизмга ёт бир харакатдир. Социал дарвинизм вужудга келиши эса Дарвин эволюцион таълимотини сийқалаштириш натижасики, буни оми одамлар тушунмаслиги ярим фожиа, аммо олим одамларнинг англамаслиги тўла фожиадир.

Умуман айтганда, бозор иқтисоди муносабатларига ўтишнинг Ислом Каримов асос солған ўзбек модели маънавиятни қарор топтиришга биринчи даражали аҳамият берилишини тақоза этади. Республикада маънавий-рухий оламни миллый ва илмий негизда ривожлантиришда динлар, жумладан, исломнинг бетакрор ўрни бор. Шу маънода ислом идеаллаштирилишга мухтож эмас, балки Куръони Каримда баён этилган хикматлар дунёни илмий идрок этишда қўмакчи вазифасини ўташи, яъни улардан илмий тафаккурни шакллантиришда фойдаланиш тўғрироқ бўлади, деб ўйлаймиз.

«Хуррият» газетаси, 2000 й., 2—8 август сони.

## МАРГИЛОНДА ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ УМУММИЛЛИЙ МОҲИЯТИ

Чор Россияси Кўқон хонлигини босиб олиб, Бухоро амирлиги ва Хева хонлигини ўз вассалига айлантиргач, маҳаллий ахоли бу мугеълилкка қарши курашни сира тўхтатмади. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Ватан ва миллат қайғусида юрган шоирлар, муаллимлар, тараққийпарвар уламолар миллатни мустамлакачилик асоратидан озод қилиш учун аввало аҳолини замонавий илм-фан эгаси қилиш керак, деган умумий фикрга келдилар. Шу тариқа Туркистон (Марказий Осиё)да маърифатпарварлик ҳаракати кенг кулоч ёзди.

Жадидлар ўша даврда маърифатпарварлик ҳаракатининг

олдинги сафига бордилар. Чор хукумати, ақидапарст руҳонийларга таяниб, жадидларни авом ҳалқ орасида обрўсизлантиришига уринди, бу ҳам бўлмагач, уларни кувғин остига олди.

Миллий ўзликни англашда ўша даврда ислом асосий маънавий-рухий таянч бўлди. Бутун Россиядаги мусулмонлар ислом шиорлари остида мустамлакачилик тузумига қарши қурашнинг демократик йўналишларини белгиладилар.

Ўзбек ватанпарвар зиёлилари таъсирида миллий онг ривожланиб, миллий ғурур ва хис-туйғу кучая борди. Бу ҳол 1916 йилда Чор хукуматининг маҳаллий аҳолидан мардикор (фронт орқасида ишлайдиган йигитлар) олиш тўғрисидаги фармонига қарши исёнда намоён бўлди. Марғилон кўзғолони ваҳшиёна усусларда бостирилган бўлса-да, аммо у миллий ўзликни англашда, кейинчалик мустамлакачиликка қарши қурашда каттга рол ўйнади.

1917 йил Октябр ойида Ленин бошлиқ большевиклар Россияда давлат тўнтариши қилдилар, уларнинг гумашталари ҳудди шу услубда ~~Туркистонда~~ ~~норозилик~~ ~~хуқумий~~ разъе босб олиниар. Маҳаллий аҳоли орасида бу ёвузицка қарши норозилик кучайиб кетди. Қонли урушлар гирдобига тортимаслик учун Туркистоннинг тараққийпарвар арбоблари Россия таркибида мухторият берилишини талаб этиб чиқдилар. Рус большевиклари бу талабни бажаришдан бош тортгач, демократик йўл билан маркази Кўқон шаҳри бўлган Туркистон Мухтор Республикасини туздилар. Бу Мухтор Республика қонга ботирилгач, маҳаллий аҳоли кўлига курол олиб, Совет мустамлакачилик сиёсатига қарши қурашга отланди.

Бутун Туркистонда мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий – озодлик қураши авж олиб кетди. Бу қурашда Кўқон ва Марғилон истиқлончилиари олдинги сафда бордилар, десак асло муболага бўлмайди. Кўқонда Кичик Эргаш ва Катта (мулла) Эргаш бошлиқ, Марғилонда Мадаминбек бошлиқ борган қурашлар тарихини холисона ёритиш шунинг учун муҳимки, Совет тадқиқотчилари, жумладан батъзи ўзбек тарихчилари бу миллий-озодлик ҳаракатини «босмачилик ҳаракати» деб атаб, Туркиётон ҳалқлари эрки ва Ватан озодлиги учун жонини фидо этган ботирларимиз, ҳалқ қаҳрамонларимизнинг номларини атайнлаб бадном этганлар, натижада ҳалқ хотирасида хануз «босмачи» образи қандайдир шаклда сакланиб келмоқдаки, бу адолатсизликни таг-томири билан улоқтириб ташлаш миллий онгни ривожлантириш ва миллий ифтихор хис-туйғуларини юксалтириш учун алохида аҳамиятга моликдир.

Ўша 20-йилларда Марғилон уезди таркибига атроф-теваракдаги

барча туманлар киради. Марғилон истиқлолчилари большевикларнинг харбий коммунизм сиёсатини амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфига олиш, маънавиятни тўласича руслаштириш сиёсатига қарши курашдилар. Улар аввало Туркистон Мухтор Республикаси барпо этиши пиорлари остида курашга отланган бўлсалар, жанг жадаллар давомида Мадаминбек Туркистонни Россия мустамлакаси таркибидан бутунлай чиқариш талабини ўргата ташлади. Фарғона истиқлолчилари «Туркистон туркистонликлар учун!» шиори остида курашга ўтдилар.

Президент Ислом Каримов тарихни фалсафий тахлил этиш масаласини илгари суряптики, бунинг жуда катта аҳамияти бордир. Тарихий ҳодисаларни фалсафий идроки шунинг учун мухимки, “тарихий ҳақиқат фалсафий тафаккур орқали тахлил қилинса, ўкувчи фикрлашга ўрганади. Тарихни ўқиш ва тарихий жараёнларни ўрганиш борасида унинг мушоҳадаси кенгаяди, дунёкараши ўзгаради, тафаккури бойийди”, – дейди тарихчи олим Н.Жўраев.

«Мадаминбек» монографиясини<sup>1</sup> ёзишдан мақсад ҳам шу эди, яъни ўша ниҳоятда чигал ва мураккаб тарихий ҳодисаларни фалсафий идрок этиш орқали Мадаминбек бошлиқ истиқлолчилик ҳаракати иштирокчиларининг Туркистон халқлари озодлиги учун курашдаги тарихий ўринларини ватандошларимиз тўғри англаб олишларини истардик. Бу китобнинг юзага келишига сабаблар анча. Жумладан, Совет Ўзбекистонининг 40 йиллик юбилейини ўтказишга тайёргарлик кампаниясида мен 1918-1923 йиллардаги воқеаларда иштирок этган ватандошларимиз билан сұхбатларда кўп янги мазлумотларга эга бўлдим. Ўша давр тарихига доир адабиётларни синчиклаб ўргандим. Ана шу материаллар, жонли одамларнинг хотиралари асосида 1993 йилда «Мадаминбек» китобчасини 30 минг нусхада нашрдан чиқардим. Унинг янада тўлароқ нусхаси 2000 йилда 10 минг нусхада чиқди. Китобхонлар ҳар икки нусхани ҳам зўр мамнуният билан қарши олдилар, сабаб шуки, бу китоб истиқлолчилик ҳаракатининг «кора доғлари» халқ хотирасидан чиқиб, чинакам ватанпарварларнинг порлок образлари тикланиши учун муайян ёрдам беради. Ҳақиқий босмачилар, каллакесарлар, талончилар большевиклар эканлити бу китобда тарихий далиллар асосида исботланади. Фарғона водийси истиқлолчилари Туркистон халқлари озодлиги ва бирлиги, бирдамлиги тараннум этилган бу китоб миллий мустақиллигимизни мустахкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзига хос ўринга эга бўлиб қолади, дейиш мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Иброҳим Каримов. Мадаминбек. Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000 й.

Фарғоналикларнинг истиқлолчилик харакатидаги алоҳида, бетакрор ўрни далиллар билан асосланган ушбу монографиядан чиқадиган асосий хуносалар куйидагилардир:

Биринчидан, умуман Фарғона водийси, жумладан Маркилон уезди ахолиси мустамлакачилик тартибларига нафрат билан қараб келгани утун уларда миллий онг, миллий гуур нисбатан кучли бўлган. Бинобарин, Чор хукумати бу ерларда кучли ҳарбий горнizonии ушлаб турган. Шўролар давлати эса маҳсус Фарғона фронти ташкил этишига мажбур бўлган.

Иккинчидан, истиқлолчилар кандайдир шахсий ва гурухий манфаатларни эмас, балки барча Туркистон ахолисининг туб манфаатларини химоя килишган. Уларнинг ҳарбий коммунизм сиёсатига, мулкнинг давлат тасарруфига ўтишига, маънавиятни тўласича руслаштириш ва маҳаллий аҳолини давлат ишларидан четлаштириш сиёсатига қарши олиб борган беомон курашлари умуммиллий ва умумбашарий аҳамиятга мөмкин эди.

Учинчидан, истиқлолчилар асло рус халқига қарши курашмаганлар, балки рус халқининг маърифатпарвар, халқпарвар вакиллари билан иттифоқ тузиб, большевизм вабосига қарши жангта отланганлар.

Демократик Россия учун курашётган рус ватанпарварларини кўллаб-кувватлаб, мустакил ва бирдашган Туркистон давлатини барпо этиш учун ҳаёт-мамот жангни олиб борганлар.

Тўргинчидан, Мадаминбек бошлиқ истиқлолчилар атрофига ўюшган Туркистон ўлкаси халқлари 1919 йилдаёқ мустакилликни кўлга киритиш имкониятига эга эдилар. Аммо халқимиз рухиятида тарихан қарор топиб қолган вилоятпарастлик, уруг-аймокчилик кайфияти умумий душманга қарши курашувчиларнинг бирлашувига монеълик қилди. Кўрбошилар, пансотлар орасидаги манманлик, калондимоғлик, «сендан мен баланд» қабилидаги бошбошдокулик истиқлолчилик харакатининг мағлуб бўлиши сабабларидан бири бўлди. Бу тарихий сабокдан халқимиз тўғри хуносалар чиқариб олиши учун ўша давр ҳодисаларини фалсафий идрок этиш нихоятда муҳим бўлиб туриби.

Бешинчидан, истиқлолчилик харакати шуни кўрсатдиги, миллий ғоясиз ва мафкурасиз тараққийпарвар кучларни олий мақсадлар атрофида жипслаштириб бўлмайди. Бинобарин, бугунги кунда Президент Ислом Каримов бошлиқ ёш давлатимиз миллий ғоя ва мафкура билан қуролланиб, халиқ оммасини хукуқий-демократик дунёвий давлат барпо этиш, фукаролик жамиятини шакллантиришга сафарбар этаётган экан, бунда ўша 1918-1923 йиллар ва ундан

кейинги аччиқ тарихий тажрибалар ҳам ҳисобга олинмокда.

Демак, Туркистанда, жумладан Марғилонда истиқлолчилар болілік шүролар истибдодига қарши курашлар бежиз, бенишон кетмади: жафокаш халқимизнинг фидойи фарзандларининг Ватан озодлиги, юрт тинчлиги, халқ фаравонлиги учун олиб борган беомон курашлари, тұплаган тарихий тажрибалари бугунги ижтимоий-сійесій фаолиятимız үчун ҳам аскатмокда, халқимизни, аввало ёшларимизни мустакилликнинг қадрига етиш, уни күз қорачигидек асраб-авайлаш рухида тарбиялашдек улуғвор мақсадларга хизмат килмокда.

---

**«Марғилон – фан, мәданият ва хунармандчылық марказы» мавзусида 2001 йилда ўтган Республика илмий-амалий анжуманда қилинган илмий маърӯза. Фарғона, 2001 йил, 107-112 бетлар.**

## **ФОЯМИ ЁКИ МАФКУРА?**

*(“Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани дарсимиң үқитишига доир муроҳазалар)*

Маълумки, бөшланған ҳар қандай янги ишда хато ва камчиликлар бўлиши табиий. Буни муаллифларнинг ўзлари инобатга слив, китобхонлардан ўз фикр-мулоҳазаларини уларга юборишларини илтимос қўйганлар.

Хозирги пайтда “Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани ўрта умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, шунингдек, олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура босқичларида ўрганилмокда. Бунинг учун жами 190 соат дарс ўтиш белгилаб кўйилган. Мактаблар, ўрта-маҳсус ўқув юртлари ва олий ўқув юртларида юқоридаги китоб асосий кўлланма бўлиб, унинг мавзулари ўрта умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда бироз қисқартирилган, магистратурада бироз кенгайтирилган ҳолда ўрганиб келинмоқда. Бошқача айтганда, бир хил мавзулар тўрт марта такрорланиб, оқибатда бу фанинг қадр-кимматига маълум маънода пўтур етмоқда. Иккинчидан, назаримизда ҳозир фойдаланилаётган ўқув кўлланманинг айrim жойларида назарий хатоликлар ва чалкашликлар ҳам ўтиб кетганки, уларни, албатта, тузатиш керак. Учинчидан, гарчи миллий истиқлол гояси ва

мафкураси таълим тизимининг ҳамма босқичларида ўқитилаётган бўлса-да, давлат стандартлари талабларига тўғри келадиган ўқув дастурларини янада такомиллаштириш зарурати, пайдо бўлмоқда. Тўртинчидан, бу йўналиш фан сифатида шаклланиши учун у милий қобик доирасидан чиқиб, умуминсоний ахамият касб этиши лозим. Айниқса, бу фанни ўқитиши, ташвиқот қилиш одамларда милий маҳдудлик ва милий қалондимоғлик хис-туйгуларини ривожлантиришга олиб келмаслиги лозим. Демак, шаклланиши ва ривожланиши лозим бўлган фаннинг номини ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак, яъни бу муаммони илмий жамоатчилик кенг муҳокама килиши максадга мувофиқдир.

Маълумки, Президент Ислом Каримовнинг 2000 йил 6 апрел куни Ўзбекистоннинг бир гурух олимлари, ёзувчилари, журналистлари билан учрашувида билдирган фикрларининг асосий мазмун-моҳиятига жиддий зътибор билан қаралса ҳамда “Fidokor” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларидағи фикрлари асосида мулөхаза юритилса, милий истиқлол ғояси ҳакида умумий фикр билдирган ҳолда мафкура, мафкуравий таъсир, мафкуравий иммунитет, мафкуравий тажовузкорлик, мафкура полигонлари ҳақидағи фикрларга асосий ургу берилганининг гувоҳи бўламиз. “Чунки, – дейди Юртбошимиз, – жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу мудда ва вазифаларни аник-равshan белгилаб олмасдан туриб, миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассам этадиган милий мафкурани шакллантириш мумкин эмас”.

Жамиятимиз, мамлакатимиз ҳалқлари ўз олдига қўйган ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мужассамини топган олий максадларга эришиш учун албатта милий ғоя ва бу ғояларни республикамиз ҳар бир фуқаросининг имон-эътиқодига ва ҳалқимизнинг маслагига айлантира оладиган ҳамда аник-равshan тизим (система) ва тузилиш (структуря) ҳолига кўлтирилган мафкура ва мафкуравий институтлар, воситалар албатта керак. Ҳар қандай мафкурада жуда кўп ғоялар булади, аммо ўшалар ичida устивор ғоянгина мафкуравий воситалар, ижтимоий институтлар орқали ҳалқ оммасининг маслагига, кишиларнинг имон-эътиқодига айлантирилса, у ҳалкни аник максадлар сари уюштира оладиган кудратли кучга айланади.

Ана шунда ҳар қандай жамиятда имконият ҳолатида турган ғоявий бирдамлик ва бирлик руҳи воқеликка айланниб, жамиятда мавжуд бўладиган ғоявий парокандалик майллари чекинишга мажбур бўлади. Оломоннинг миллатта айланиш жараёни тезлашади. Зоро,

“...Одамнинг қалбидаги иккита күч – бунёдкорлик ва вайронкорлик хамиша узаро курашади; – дейди Президент ва сўзида давом этиб, мана бу жiddий муаммога эътиборни қаратади. – Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табииатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-ийкит инстинктлари, яъни хатти ҳаракатларини кўзатиб юбориш осонроқ”. Демак, “ваҳшийлик, ур-ийкит инстинктлари” ўрнини инсонийлик майллари тўлдириши учун кучли ғоявий таъсири кўрсата оладиган мафкура кёрак. Бу борада жаҳон динларининг алломалари, рухонийлари, жамоалари ва ташкилотлари жуда бой тажрибага эгадирлар. Назаримизда, ана шу тарихий тажрибаларни ҳам эътиборга олиб, дунёвий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда миллый ғоялар билан суғорилган ва албатта умумбашарий аҳамиятга молик мафкура фанини яратишга киришиши муаммоси ниҳоятда долзарб вазифа бўлиб турибди.

Агар биз ғоялардан эмас, балки муайян устивор ғояни инсонлар имон-эътиқодига ва ҳалқ оммаси маслагига айлантира оладиган ижтимоий институтлар, ғоявий таъсири ўtkазиш воситалари, йўллари, услублари мужассами ва албатта ғоялар тизими бўлган мафкурага фан сифатида ёндошсан, тўғри муносабат белгилаган бўламиз, деб ўйлайман. Албатта, бу дегани мафкура қайси ҳалқ, миллатта хос хусусиятлар, ғоявий қарашларни кўпроқ ифодалаши шу мафкура дарслари ўтиладиган мамлакат олдида турган аниқ-равшан мақсадлар, миллый манфаатларга ҳам боғлиқ бўлади. Ҳозирги кўлланмада ўз мужассамини топган кўп ғоялар нафақат соф миллий, балки улар умумбашарий аҳамиятта ҳам моликлиги учун пурвиқор, таъсиричан ва шунинг учун ҳам эътиборга сазовордир. Сўнгра, жаҳон миқёсида кетаётган маънавий-ахлоқий бўхрон (кризис)нинг олдини олиб қолишида ана шу ғояларнинг аҳамияти бекиёски, ҳали кўп жиҳатдан ҳалқ оммаси учун тушунарли бўлмаган ғоялар фақат фанга айланган мафкура туфайлигини ва унинг воситаси – ила ўз таъсирини кўрсатишга, аввало миллатимизни, қолаверса, бутун инсониятни ғоявий жиҳатдан бирлаштириш, айниқса ғоявий парокандалик туфайли жаҳоннинг турли мамлакатларида содир бўлаётган фожеаларнинг олдини олиб қолишга ёрдам бериши мумкин.

Бизнингча, бу фанинг номини “Мафкура” деб аташ балки тўғри бўлар. Ана шу умумий ном доирасида ўрга умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, бакалавриат ва магистратура учун алоҳида-алоҳида ном билан ўқув

дастурлари тайёрлаш, улар асосида ўқув кўлланмалари устида иш олиб бориш керак, деб хисоблаймиз. Мактаблар учун “Мафкура ва маънавият”, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун “Фоя ва мафкуралар тарихи”, бакалавриат учун “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” ўқув кўлланмасининг янги таҳрирдан чиқкан, тузатилган нусхаси, магистратура учун “Фоя ва мафкуранинг тарихий ва фалсафий муаммолари” йўналишида маҳсус ўқув дастурлари ва кўлланмалари тайёрлаш зарур, деб ўйлаймиз. Университетимизда шундай дастурларнинг дастлабки нусхалари ишчи гурухи томонидан тайёрланиб, раҳбариятга топширилди. Бу дастурлар асосида кўлланмалар тайёрлансан, шу соҳани босқичмабосқич, соддадан мураккабга, саёзроқ билишдан чуқурроқ, кенгроқ билишга қараб ўрганиш имконияти вужудга келтирилади. Энг муҳими, мавзуларни оддий тақоролашдан иборат ҳозирги амалиётта ўрин қолмайди. Мафкура чинакам фан сифатида шаклланиб, кенг илмий-фалсафий тадқиқотлар ўтказилиши натижасида назарий жиҳатдан асосланган, амалиёт синовидан ўтган ўз тушунчалари, категориялари, тамомитлари, услугаларига эга бўлиб қолади. Миллий истиқлол ғояси эса ана шу фаннинг муҳим таркибий кисми сифатида олий тълимнинг бакалавриат босқичида ўрганилади.

Бизнинг бу нуқтаи назаримиз экспериментал таснифга эга бўлиб, шу соҳа билан кизиқиб, тадқиқот олиб бораётган барча кишиларнинг танқидий фикрлари, асосли муроҳазалари натижасида янада мукаммалроқ ўқув дастурлари вужудга келиши йўлидаги дастлабки қадам сифатида унинг қабул қилинишини истардик.

“Хуррият” газетаси, 2003 йил, 26 феврал.

## ТАРИХНИ ФАЛСАФИЙ ИДРОК ЭТИШ МУАММОСИ

Барча соҳада миллий мустақилликни мустаҳкамлаш фавкулотда аҳамиятга молик бўлиб турибди. Ўтиш даврида индивидуал ва ижтимоий онгни ўзгаргани, вокеликка монанд равища кайта шакллантириш, тафаккур тарзини тубдан ўзгартириш асосида турмуш тарзини ҳам ўзгартиришга эришиш юқоридаги мақсадларга хизмат килади. Шу жараба миёндий ўзликни ва ўз-ўзини англаган комил инсонлар шахси шакиланади.

Республикамиздаги ҳозирги вокелик шундан иборатки, тоталитар давлат тузумидан дунёвий хуқуқий демократик давлатга, мулкчиликнинг давлат монополиясига асосланган бир укладли, режали хўжалик юритишдан хусусий мулкчилик устивор бўлган ва

бозор иктисоди муносабатларига асосланган кўп укладли ижтимоий-иктисодий муносабатларга тезроқ ва беозорроқ ўтиб олиб, шу жараёнда фуқаролик (гражданлик) жамияти шакланишига кенг йўл очиш тарихий зарурат эканини Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир киши англаб этиши, ҳаёт маъноси ва мақсад-муддаосини шу зарурат негизида белгилаштига эришиш даркор.

Бошқа ижтимоий фанлар имкониятларини асло камситмаган холда, тарих ва фалсафа фанларининг бу муаммони ҳал этишда бетакрор ўрни борлигини таъкидлаш жоиздир. Зоро, бу фанлар одамларда, хусусан ёшларда оқни қорадан, қорани оқдан фарқ қила олиш малакасини яратиб, миллатимиз равнақи йўлига рахна соладиган турли бузғунчи ғоялар, қарашларга оғиб кетмасликлари учун ўзига хос ғоявий иммунитет хосил этади.

Мустақиллик йилларида тарижчи ва файласуф олимлар, таъдқиқотчилар ана шу йўналишда кўп ишлар қилдилар. Окибатда Шўролар давридаги ижтимоий ҳодисаларга синфий ёндашув қабоҳатларидан асосан холи бўлинди, коммунистик мағкура тазики остида сийқалаштирилган, бинобарин, илмийликдан узоклаштирилган тарих қайта ёзилиб, тарихий ҳақиқат қарор топиши учун кенг йўл очилди. Фалсафий фанлар Ўзбекистон тарихи билан боғланиш борасида ҳам муваффақиятлар бор. Чунончи, фанлардаги Оврупопарастлик (европоцентризм) майллари анча чекланди.

Айни чоғда, шўнга икрор бўлиш лозимки, тарихни фалсафий идрок этиш, фалсафани Ўзбекистон тарихи билан боғлашни тақомиллаштириб бориш учун хали кўп ишлар қилишга тўғри кепади. Бунинг учун эса, назаримизда, тарихчиларни файласуфлар билан, файласуфларни тарихчилар билан алоқасини янада мустахкамлашга қаратилган қатор тадбирларни, илмий анжуманларни изчил равища утказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки давр, бугунги воқелик шуни тақоза этмоқда.

Фалсафа фани, унинг оламни билиш услублари, тамойиллари барча фанлар учун методологик аҳамиятга эга эканлигини ҳеч ким инкор эта олмаса керак. Бинобарин, тарихий жараёнларни тадқиқ этишга киришган ҳар бир киши фалсафа фани тушунчалари, категориялари, қонунларida ўз ифодасини топган ички ва ташки алоқадорликларни, сабабли боғланишларни обдон англаб олиб, тарихий ҳодисаларга холис (объектив) муносабатда бўлиб, ўз тадқиқотида илмий ҳақиқатга эга бўлишига албатта эришади. Нарса ва ҳодисаларни ҳар томондама ва ўзаро муносабатда олиб қараш, уларни ўзаро алоқада ва бир-бирларини тақоза этиш билан бирга, барча нарсаларни доимий харакатда, ўзгаришда, ривожланишида

эканини назарда тутиш, нарса ва ҳодисаларни пайдо бўлиш, ривожланиш ва йўқ бўлиш (бошقا нарсага айланиш) жараёнида кўриш, ҳар қандай нарса ва ҳодисани таҳлил этишда унга конкрет (аниқ-равшан) тарихий нуқтаи назардан ёндашиш каби илмий фалсафа тамойилларига амал қилиш малакасига эга бўлган тадқиқотчиларгина фанда янги йўналишлар очишга, қашфиётлар қилишга мушарраф бўладилар.

Тарих фани дастурлари, ўкув кўйланмалари билан якиндан танишган тадқиқотчи баъзи тарихчиларимизда фалсафий билимлар етарли бўлмагани ёки эскича ёндашувлардан тўла-тўкис ҳоли эмаслигига гувоҳ бўлади. Бу ҳол аввало ўтмишга муносабатда яққолроқ кўринади.

Маълумки, ўтмишни ялпи қоралаш К.Марксдан бошланган эди. Яъни у инсониятнинг чинакам тарихи марксизмни ўзлаштириб олишдан бошланади, ундан олдинги тарихни тарих демаса хам бўлади, деган ғояни ингари сурган эди. В.И.Ленин бошлик большевиклар ва уларнинг маддохига айланисо колган кунгина олимлар 1917 йилгача бўлган тарихни тўда инкор этиб, мисли кўрилмаган ҳунарезликларга йўл очдилар. Шу тариқа тарихий ҳодисаларни инкор этишиди ворислик қонуниятларига амал қилмай, жуда катта хатоликка йўл кўйдиларки, буни англаб етиш ва ўша хатоликлар қандайдир шаклда яна такрорланмаслиги учун шу соҳада кенг баҳс-мунозара олиб бориш зарурат бўлиб турибди.

Миллий, диний ва бошقا қадриятларимизга, шунингдек, ўтмиш маданий-марифий меросимизга муносабатда фалсафанинг қонун ва категориялари, жумладан, инкор категорияси ва инкорни-инкор қонунида ўз ифодасини топган алоқадорликлар нуқтаи назаридан қарасак, ижтимоий тараққиёт тўғри йўналиш олишига хисса кўшган бўламиз. Яъни ўтмишда, маълум бир тарихий даврда қадрли бўлган нарсаларнинг қай бирлари ҳозирги давримизга, ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига хизмат қилиши, қай бирлари тараққиётнинг янги босқичи учун тўсиққа айланиси қолишини фахмлаб олиш қобилиятига эга бўламиз. Акс ҳолда ҳалқимиз олдида катта гуноҳга ботишимиз ҳеч гап эмас. Тарихий даврларнинг маълум бир бочқичини асоссиз равишда идеаллаштириш ёки маълум бир даврини ялпи қоралаш майллари албатта бизни илмийликдан узоклаштириб қўйиши, бу ҳол тарихий ҳодисаларга ғайриилмий ёндашувларни вужудга келтириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Собиқ Щўролар даври вокелигидаги бундай қабоҳатлардан бутунлай ҳоли бўлиш долзарб вазифа эканини англаб олиш мухимдир.

Ижтимоий тараққиёт қуруқ жойда содир бўлмайди, балки ворислик сақланган ҳолдагина ва унга таянгандагина жамиятда сифат ўзгаришлари юз беради, акс ҳолда “инқилобий тўнтиришлар” ва ўзбошимчаликлар учун йўл очилиб қоладики, бунда тараққиёт ўрнини таназзул эгаллаши Шўролар даври тарихимиздан маълум.

Шундай бўлишинига қарамай, баззи тарихчилар ва файласуфлар асарларида 1917-1991 йиллардаги тарихимизни ялпи қоралашиб майллари учраб турибди. Кимгадир ёки ёки ёқмаслигидан қатъий назар, ўша давр нафақат Россия халқлари тарихи, балки у Ўзбекистон халқлари тарихи ҳам хисобланади. Демак, биз бағоят мураккаб ва зиддиятли ижтимоий муҳитда яшаган ва фаолият кўрсатган заҳматкаш ота-боболаримиз, она-мемонаримиз шиҷоатлари, мисли кўрилмаган машақдатли меҳнатлари туфайли бунёд этгилган янги шаҳарлар, обод қишлоқлар, замонавий саноат корхоналари, транспорт ва алоқа воситалари, маданият ва санъат муассасалари, никоят, ўрга асрчилик қабоҳатларидан холи турмуш тарзини бунёд этганликларини ҳам курукдан-куруқ инкор этиб, уларнинг руҳи-покларини қақшатиш нечоғлик «тўғри» бўлишини обдон ўйлаб кўришимиз мақсадга мувоғик бўлур эди. Шўролар давридаги ижтимоий тараққиёт ва шахс камолоти йўлида бир тўсикка айлануб қолган тоталитар давлат тартиботларини, волонтеризмга кенг йўл очган маъмурӣ-бўйруқбозлик тизимини, риёкорликка асосланган сайлов системасини, буюқдавлатчилик ва буюқрусличик шовинизмини, шахса сигиниш қабоҳатларини, унинг даҳшатли оқибатларини, мулкчиликнинг давлат монополияси шаклини, ижтимоий ҳодисаларга синфийлик тамоилларига амал қилиб ёндашишни ва шу кабиларни инкор этган ҳолда, халқимиз ва унинг асл фарзандлари ўша зиддиятли замонларда ҳам миллий-озодлик учун гоҳ ошкора, ғоҳ пинҳона, аммо қаҳрамонона кураш олиб борганиларини, миллий ва диний қадриятларидизни холи-бакудрат сақлаб қолиш учун ўз ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб бўлса-да, курашганиларини икрор этишимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир. Қоғозда “мустакил”, амалда мустамлака давлати барча поғоналарида фаолият кўрсатган шахсларни “кулдорчилик давлати ва жамияти”нинг юргурдаклири сифатида тасвирлаш ёш авлод тарбиясига, миллий ўзликни англашга хизмат қиласи, деб ўйлашиб соддадиллик бўлур эди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, эндиликда эски жамиятни курукдан-куруқ нигилистик “инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш даври келди”<sup>1</sup>.

Тарихий жараёнларда одамлар, ижтимоий қатламлар, шахслар иштирок этишини доимо назарда тутсак ва ижтимоий жараёнларни у ёки

<sup>1</sup> Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан курмокламиш. – Президент Ислом Каримовнинг “Туркистон” газетасин мухбирининг саволларига жавоблари // «Туркистон», газетаси, 1999 йил, 2 февраль

бу томонга оғиб кетишида уларнинг дунёкарачи, индивидуал онгида ўзига хослик, воқеалар ривожи оқибатларини олдиндан фаҳмлаш қобилиятлари (интуиция), ҳатто темпераментлари катта рол ўйнашини инкор этиб бўлмаса керак. Тарихий ҳодисаларга муносабатда миллатлар, элатлар ўргасидаги тарихан шаклланган бирдамлик, уюшколик, гоявий жипслек ёки шахсий, гуружий манфаатларни миллий манфаатлардан устун қўйиш оқибатида гоявий парокандаликка йўл очиш майпларининг ўрни ва роли борлигини инкор этиш қайин. Тарихий шахслар ва уларни куршаган кишилардаги имон ва эътиқод билан боғлиқ инсоний фазилатлар ёки кусурлар ҳам миллатнинг равнақ топиши ёхуд бошқаларга мутъелик рухининг қарор топиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, тарихий жараёнлардан инсон омили масаласини фалсафий идрок этиш тарихий ҳодисаларга шубҳасиз илмий, демакка, ҳолис ёндашувларга олиб келади, деб ўйлаймиз. Тарихга бундай ёндашув мактаб ўқувчилари ва олий таълим талабаларини албатта ўйлантарида, уларда мустакил фикрлари кобилиятларини ~~ривожлантиради, бинобарин, тарихий ҳодисаларга фалсафий ёндашув~~ малакасини ҳосил қиласди. Бошқача айтганда, тарихий жараёнларни у ёки бу томонга оғиб кетишида инсон омилини кўрсата олсан, тарихга гўёки жон ато этгандек бўламиз, мавхум (абстракт) тарих аниқ-равshan тарихга, маълумотлар йигиндиси бўлган тарих фалсафий дунёкарашни шакллантирадиган, чинакам баркамол шахсни вужудга келтирадиган тарихга айланади. Яъни тарихни ҳалқ оммаси, уларга бошчилик қилган тарихий шахслар яратиши ёшларимиз кўз ўнгидаги равshan намоён бўлади. Бинобарин, тарихий жараёнларга бошчилик қилган ёки у жараёнларда иштирок этган ватандошларимиз фаолиятига ҳолис баҳо берган бўламиз.

Бу фикрлар баҳсли, мунозарали, албатта. Уларга кимdir кўшилиши, кимdir эътироz билдириши мумкин. Аммо шуни таъкидлаш мухимки, ҳакикат баҳс-мунозарада туғилади, қаердаки бу ҳолат эътиборга олинмаса, фикр қашшоқлиги бошланиб, индивидуал ва ижтимоий онг каҳаҳт ҳолига келадики, натижада ижтимоий тараққиёт сустлашади, одамларда келажакка ишонч ва умид хис-туйгулари сўна бошлайди. Тарих ва фалсафа фанларида ~~ана~~ шу ҳолатларни эътиборга олсан, шу азиз Ватанимиз озодлиги ва ободлиги, ҳалқимиз эрки ва фаровонлигини таъминлаш ишларига ~~хисса~~ кўшган бўламиз, десак ҳато бўлмас.

“Фалсафа ва тарих фанлари” ургасидаги диалектик алоқадорликниң илений-назарий асослари” мавзусида Республика илмий-назарий ~~комфорт~~ ишларини ялпи мажлисида қилинган маъруза. Т., 2004. -15-19-бертар.

## ЁШЛАРИМИЗ ЙЎЛДАН ОГИШМАСИН

“Таълим муаммолари” журнали мухбири саволларига таникли диншунос олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Каримов жавоб беради.

—Хурматли домла, кейинги йилларда, афсуски “диний экстремизм” деган ибора қулоқларимизга тез-тез чалинадиган, оқибатда баъзи оиласларга қулфат олиб келган бу адашиш айrim ёнилар шуурини хиралаштирадиган бўлиб колди.

**Келинг, сұхбатимизни “диний экстремизм”нинг лугавий маъносини англашдан бошлайлик.**

—Маъкул. “Экстремизм” лотинча сўз бўлиб, унинг лугавий маъноси “чекка”, “чеккага чиқиш” демакдир. Халқ ибораси билан айтганда, куюшондан чиқиб кетадиган одам экстремист деб номланади.

—Муқаддас динимизга диний экстремистларнинг бирон-бир алоқаси борми ўзи?...

—Ислом динининг диний экстремистларга мутлақо дахли йўқ. Экстремизм аслида сиёсий тушунча бўлиб, ҳар бир мамлакатда муайян тарихий даврда мукаррар равищда мавжуд бўладиган муаммоларни кескин чоралар кўриш орқали ҳал этишга даъват этишдир. Диний экстремизм эса муайян диний эътиқодни мустаҳкамлайдиган тушунчаларни ўз сиёсий мақсадлари асосида талқин этиш, бунга ишонмайдиганларга зўрлик ишлатиши динлар номи билан оқлашга қаратилган сиёсий ҳаракатдир. Шу тариқа диний экстремистлар диний тушунчаларни унинг умумий матнидан юлиб олиб, ўзларича талқин этадилар ва шу йўл билан ҳокимиятни кўлга киритишига интиладилар.

**—Диний экстремистларни қандай аниқлаб олиш мумкин?**

—Диний тушунчаларни экстремизм руҳида талқин этиш, диндан сиёсий мақсадлар учун фойдаланиш, диний эътиқод тўғрисидаги қонунчиликни онгли равищда тан олмаслик, балоғат ёшига етмаган болаларни қонунга хилоф равищда яширин диний мактабларда ўқитиши, қонунсиз нашриётлар ташкил этиб, диний тушунчаларни диний экстремизм нуқтаи назаридан талқин этилган варажалар, рисола ва китоблар тарқатиши, муайян мамлактдаги динлар ва диний ташкилотлар ахволи ва фаолиятини атайнинлаб бузуб кўргатиш, мавжуд ҳокимият ва унинг Конституциясини намойишкорона тан олмаслик ва бошқалар диний экстремистлар социал қиёғасининг асосий белгиларидир.

**-Диний экстремизмга қарши қандай кураш олиб бориши керак?**

—Диний экстремизмга қарши курашда тарихан түппланган тажрибалар бор. Аввало экстремистларни ғоявий жиҳатдан фош этиб, уларнинг халққа, миллатта қарши бўлган ҳақиқий қиёфаларини оммага кенг равищда тушунтириш лозим. Масалан, исломдаги “жиҳод” тушунчасидан экстремистлар ўз сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Халқ оммасида диний билимлар етарли бўлмаган жойларда улар ўз мақсадларига эришадилар. “Жиҳод” VII-IX асрларда араб истилочилари ҳаракати (экспанцияси)ни ғоявий жиҳатдан оқлаш воситаси бўлган. Кейинги асрларда ҳам экстремистлар сиёсий мақсадларни рӯёбга чиқариш мақсадида бу тушунчадан халқни лақиљатиш учун фойдаланиб келадилар. Аслида жиҳод, ҳозирги замон тили билан айтганда, мусулмон мамлакатига гайридинлар бостириб кираётган вактда, мамлакат худудий даҳлсизлигини сақлаб қолиш учун оммавий ҳарорий сафарорзик эълон қилишдир. Душман мамлакат худудидан сурib чиқарилгач, жиҳод ўз кучини йўқотади. Унинг яна бир, ниҳоятда муҳим маъноси шуки, одамзод ўз қабоҳатларига қарши ўзи-ўзи учун уруш эълон қилиши, шу тариқа икки нафс овораси бўлиб, шайтон алайхулаъна йўлига кириб кетищдан ўзини сақлаб қолищдан иборат амалиётдир.

Жаҳонда глобаллашув жараёни кетаётган ҳозирги шароитда ҳар қандай шакл-шамойилда душман образи яратиб, одамларни одамларга, халқларни халқларга қарши қаратиш ниҳоятда ҳавфли эканини назарда тутишимиз, демакки, “Жиҳод” тушунчасининг кейинги маъноларини кенг тарғиб қилиш диний экстремизмга қарши ғоявий кураш самарадорлигини албатта оширади. Сўнgra, вахҳобийлар, хизбуттахрирчилар, Ал-коидачи ва бошқа диний-сиёсий оқим тарафдорлари “коғир” тушунчасини ўзларича талқин этиб келадилар. **“Бундай оқимлар ва үюнмаларнинг низоми ва коидалари, – дейди Президент Ислом Каримов, – кимки уларнинг қуаш ва ғояларини кабул килемаса ёки кўнмаса, буларнинг пешонасига “коғир”, “диндан қайтган” деган тамғани босиб, ҳатто ота-онасидан ҳам воз кечинни талаб қиласи”**. Демак, экстремистлар “коғир” тушунчасидан ҳам ўз сиёсий мақсадлари йўлида унумли фойдаланиб келадилар. Аслида “коғир” арабча “куфр” сўзидан олинган бўлиб, у “харом” деган маънони англатади, яъни исломга кирмаганларни экстремистлар харом кишилар, яшаш хукукига эга бўлмаган кимсалар деб хисоблайдилар. Аслида исломнинг муқаддас китобларида мусулмончиликни қабул қилмаган, лекин китобий динга эътиқод қилувчиларни “коғир” дейиш мумкин

эмас, балки уларни ғайридинлар деб аташ тавсия этилади. Бундай одамларни зўрлик, зўравонлик йўли билан эмас, балки ташвиқоттарғибот орқали исломга киритиш лозим хисобланади. Куръони Каримнинг “Бақара” сураси 256-оятида бундай дейилади: “Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. Зеро, ҳак йўл залолатдан ажраб бўлди..”

**—Аданиб, диний экстремизм тузогига чалиниб қолаётган ёшларимиз ҳам бор-ку?**

—Диний экстремизмга қарши курашда экстремистик ташкилотлардан уларнинг алдовларига ишониб, ҳатто ўша йўлга кириб қолган, бошқача айтганда, динга кўр-кўрони эътиқод (ихлос) кўйган кишиларни фарқлаш лозим. Бундай одамларга ўз халқига, миллатига хиёнат қилаётган, гоявий парокандалик шароитида ҳеч бир миллат равнақ топа олмаслигини эринмай, доимо изчил равинда тушунтириб бориш ҳам фарз, ҳам қарзdir. Афсуски, бизда диний экстремизмга қарши гоявий кураш олиб бориш баъзида кампаниябозлик тусини кириб қолмоқда. Қачонки, бирон кори-хол рўй берган тақдирдагина, хушимиизга келиб, гўёки кураш бошлаб юборамиз. Шунда ҳам гоявий кураш эмас, диний экстремистларни даҳшатли танқид остига олиш услуги бунда етакчи бўлиб қолади.

**—Диний экстремизм ва ислом ақидапарастлигининг бирбирига алоқаси борми?**

—Диний экстремизмни туғдириб, унга гоявий мадад бериб турадиган, уларнинг жойларда фаолият олиб боришлари учун қулай ижтимоий муҳит вужудга келтиришга хизмат қиласиган омил – бу, ислом ақидапарастлигидир. Ақидапарастлик ҳамма дингларда, ҳатто фанда ҳам содир бўлиб туради: ўз соҳасида етарли билимга эга бўлмаган кишилар, ўзлари буни сезмаган ҳолда, ақидапараст сифатида майдонга чиқадилар. Баъзи диний ва илмий тушунчаларни замон ва макондан айро ҳолда талқин этиш албаттa ақидапарастликка олиб келадики, диний экстремизмга қарши самарали кураш йўлларидан бири назарияда ва амалиётда намоён бўлиб турадиган ақидапарастлиска қарши изчил гоявий кураш олиб боришдир.

**—Мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур.**

“Таълим муаммолари” журнали, 2004 йил 1-4-сони, 6-8-6.

“Тарих хотираси, ҳалқчиг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳаққосий тарихини тиклаш миллий ўзлини англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнда гоят муҳим ўрин тутади.”

Ислом Каримов.

## МИЛЛАТ ШАЬНИ

Ҳар бир элат ва ҳалқнинг миллат бўлиб шакланиши тарихий жараёнлар маҳсулидир. Бу муайян мамлакатда ва минтақада ўзига хос равишда ҳамда бетакрор ходиса сифатида намоён бўлади. Ўзбекларнинг миллат бўлиб шакланиши узоқ тарихга эга. Аммо бу масалада турлича фикрлар, талқинлар мавжуд. Муаллиф бу фикрларни фалсафий мушоҳада килиб, ўзбекларнинг миллат сифатида шакланиши тўғрисидаги баъзи мулоҳазаларини баён этади.

Миллат, эла, бер экан, унинг тарихий жараёнлари килиш, шу жараёнда жаҳон ҳамжамиятида ҳар бир миллат ўз муносиб ўрнига эга бўлиши учун курашувчи фидойи инсонлар майдонга чиқади. Бундай инсонларнинг саби-ҳаракати, жасорати туфайли миллат ўз мустақиллигига эга бўлиб, тенглар ичida тенг яшац имкониятини кўлга киритади.

Миллат шаъни, уни ҳимоя қилиш масаласи ўзининг маҳсус тадқиқотчиларига муҳтоҷ бўлиб турган муаммолардан биридир. Шундай бўлишига қарамай, муаллиф бу масаладаги ўз фикр мулоҳазаларини ўртага ташлайдики, булар шу муаммога доир бâхс-мунозаралар учун йўл очиши, шу тариқа миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўллари, воситалари янада равшанлашиши мумкин.

Президентимиз И.А. Каримов ўзининг катор асарларида, маърузалари, нутқлари ва газета-журналлар мухбирларининг саволларига берган жавобларида ҳалқни – ҳалқ, миллатни – миллат қиласидиган қудратли куч – Миллий гоя ва мафкура эканини алоҳида таъкидлаб кўрсатган.

Бизга ҳавф солиб турган мафкуравий таҳдидлар ҳакида фикр юритиб, Президент ўлардан бири “Ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил гайриилемий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизнинг тарихимиздан, шарафли ўтмишимииздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда”<sup>1</sup> дейди. Миллат шаъни масаласини фалсафий идрок этувчи кишилар мамлакатда қанчалик кўп бўлса, ана шу ва бошқа ҳавф-хатарларнинг олдини олиб қолиш имконияти

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз кўлнимиз билан курмоқдамиз // “Туркистон” газетаси. 1999 йил. 8 ион сони.

шунчалик кенгаяди. Бинобарин, ушбуда миллат шаъни тушунчасига фалсафий таъриф ва тавсиф берилган, қандай одамлар ўз миллати шаънини химоя қила олади, уни жаҳон ҳамжамиятига танитишга мусассар бўлади, деган саволларга ҳоли-бакудрат жавоб беришга харакат қилинган.

### Ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланишининг ижтимоий-тарихий илдизлари

Ўзбеклар Аму ва Сирдарё оралиғи – Мавароунахрда тарихан яшаб ўтган уруғ-қабилалар, элатлар ва ҳалқларнинг ворислари сифатида ижтимоий эҳтиёжлар туфайли аста-секин шаклланган миллатдир. Улар миллат бўлиб шакллангунга қадар жуда кўп машиққатли йўлни босиб ўтдилар. Ўзбеклар Марказий Осиё ва ундан ташқаридаги уругдош қабила ва элатлардан айро ҳолда яшамаганлар, балки уларнинг жойдан-жойга кўчиши, тил ва маданий ҳаётнинг ўзаро таъсири остида бўлганлар. Нэолит даврига доир Калтминор, Чинкелди топилмалари, Марказий Фарғона, Устюрт, Жайтун ва бошқа жойлардан топилган ёдгорликлар турли қабилалар бир-бирларига таъсир ўтказиб келганидан далолат беради. Сўнгра, бу ердаги қабилалар, элатлар Олтой, Урал, Каспийбўйи ва Ўргаер денгизи ҳавзаларида яшаган қабилалар билан алоқада бўлганлар. Антрополог олимларнинг фикрича, ҳозирги Ўзбекистон худудига шимолий-гарбий томондан – Овруподан, жанубий Европеид типлари келиб, улар ахолининг кўпчилик қисмини ташкил эта бошлаганлар. Бинобарин, ўзбекларнинг элат, миллат бўлиб шаклланишида европеид типидаги одамлар ва қабилаларнинг ҳам ўрни катта бўлган.

Минтақа моддий ишлаб чиқаришининг тез ривожланишига ва аҳолининг ўсишига темирнинг кашиф этилиши кучли таъсир кўрсатди. Бу даврга келиб монголоид ва европеид элементларнинг ўзаро коришмасидан иборат элатлар вужудга кела бошлади. Эрадан аввалги биринчи минг йилликлар ўрталарига келиб аралаш-куралаш қабилалардан иборат типлар пайдо бўлгани археологик топилмалардан мъалум. Умуман, дунёда факат ўз тор қобигида шаклланган миллат йўқ. Марказий Осиё ҳалқлари ҳам бундан мустасно эмас.

Форс ва юонон манбаъларига таяниб, эрадан аввалги биринчи минг йилликлар бошидан бу ерларда дилатлар пайдо бўлган дей оламиз. Уруғ-қабилалар, элатлар ўртасида ижтимоий савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг ривожланиши ҳамда арвлатларнинг пайдо

бўлиши натижасида ёзма чуткка кучли эҳтиёж пайдо бўлди. Шу туфайли эрадан олдинги мингинчи йилларда минтақамизда орамий ёзувлар (уларни миҳхат деб ҳам атапади) вужудга келгани маданий маърифий оламда инқилобий бир воқеа бўлди. Бу ҳол қабилалар, қабила иттифоқлари ва элатларнинг бирлашуви жараёнини янада тезлаштириди. Уруг-қабилаларнинг ё ихтиёрий, ёки мажбурий (урушлар орқали) бирлашиб, элатларнинг вужудга келиши уларнинг маънавий-рухий жиҳатдан ҳам яқдил бўлишларини тақоза этарди. Ана шу эҳтиёжлар ва буни қондиришдан манфаатдорлик кўпхўдоликка асосланган турмуш тарзидан яккаю ягона худо борлигига сифинишга асосланган янгича маданий ҳаётга ўтишини зарурат этиб кўйди. Асрлар давомида ҳалқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлган кўп худоларга мадҳия (гимн, дуо)ларни тўплаш ва уларга ижодий ёндашиш туфайли эрадан олдинги тахминан VI-VII асрларда Зардушт Сепитома “Авесто” китобини яратди. Уша дэвр салтанати эгаларининг кўялаб-куvvатланинг натижасида кўп худоларга сифиниш ва оташпастлик динлари ўрнига турли қабилалар ва элатларни бирлаштира оладиган ва ягона давлатда яшаш малакасини ҳосил этишга имкон яратадиган яккаю ягона худо – Ахурамазда борлиги, у шу оламни яратгани ва одамларни тўғри йўлдан боришликлари учун вахй жўннатгани ҳақидаги тасаввурлар диний мафкура орқали ва албатта давлат таъсирида бирлашган элатлар маслагига айлантирилди. “Авесто”нинг юзага келиши якка худоликка асосланган яхудолик ва христиан динларининг шаклланиши учун асос бўлди. Сўнгрок, якка худочиликка (ваҳдоният)га асосланган, илгарироқ шаклланган бошқа динлардан мукаммалроқ бўлган Ислом дини вужудга келди. Якка худочиликка асосланган динлар каттакатта ҳуҳудларда яшайдиган, турли-туман тилда гапиришадиган, тафаккур ва турмуш тарзи хилма-хил бўялан элатлар ва ҳалқларнинг ғоявий жиҳатдан бирлашишини тезлаштириди. Иқтисодий, сиёсий ва маънавий эҳтиёжлар туфайли ўз-ўзидан шаклланган жаҳон динлари элатлар ва ҳалқларнинг ягона бир худудда миллат бўлиб яшашлари учун кулагай маънавий-рухий муҳитни вужудга келтира бошлади.

Ўзбек сўзи “ўз” ва “бек” сўзларининг омухтаси сифатида X асрда мавжуд бўлганлигини тадқиқотчилар таъкидлашади. Можар тадқиқотчиси Ҳ. Вамберининг фикрича, “ўз” – асл, ажойиб, таги мустаҳкам, “бек” эса “сардор” маъносини билдиради. Умуман, “Ўзбек” деган сўз анча кейин туркийлашган ва можорлар Оврупога келмасдан олдинроқ ҳам ишлатилган. XI-XII асрларда бу сўз шахсий ва қабила номи сифатида маълум бўлиб, буни учратилган

манбаъларда кўриш мумкин.<sup>1</sup>

Таникли ўзбек тарихчиси Б.Ахмедовнинг айтишича, қадимги Даشت қипчокнинг шарқий кўсмидаги, хусусан ҳозирги Ғарбий Қозоғистон, Тобольск, Тура ва Тюменда кўчманчига “турк-мўгул қабилалари: арлот, баҳрин, буркут, дўрмон, ийжон, хитой, корлук, можар, кипчок, киёт, кўнгирот, мангит, найман, нукуз, тантут, кунчи, туман-минг ва бошқа қабилалар”ни Шарқ тарихчилари умумий ном билан “Ўзбек” деб аташган. Тарихий манбаъларда Шарқий Даشت қипчок “мамлакати Ўзбек”, яъни Ўзбек мамлакати деб аталган. Араб тарихчиси Низомуддин Шомий Оқ Ўрда хони Ўрисхонни “Ўзбек подшоси” деб атаган. Араб тарихчиси ал-Калқаҳандий Олтин Ўрда хони (ҳозирги Волгоград – изоҳ И.К.ники) Тўхтамишинни “Ўзбек мамлакатининг подшоси” деб атайди. Тўхтамишдан кейин бўлган Олтин Ўрда хонларини “Даشت қипчоқ ва Ўзбек вилоятининг ҳукмдорлари” деб ҳам аталган. Даشت қипчоқ ўзбекларици Рўзбехон уч тоифадан иборат эканлитигин таъкидлайди, яъни у “шайбонийлар (Шайбон улусида кўчиб юрган ўзбеклар), қозоқлар ва мангитлардан ташкил топганлигини айтади”. Маълумки, Шайбон улуси XIII аср бошларида ташкил топиб, улар Урал төғининг этакларидан то Тобол ва Сарисув дарёлари соҳилларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Унинг жанубий худуди Орол денгизининг шимолигача, шимолий чоғараси эса Чинги Тура (Тюмен)да бўлган. Мангит улуси эса Эмба билан Ёйик (ҳозирги Дон дарёси – изоҳ И.К.ники) дарёлари оралиғидаги ерларни ўз ичига олган.<sup>2</sup>

Ўз-ўзини идора эта оладиган, мустакил фикрлаш, ўз қадрини яхши биладиган одамларни Ўзбек деб аташган. Тўрли қабилалардан бўлган ҳолда жангларда қаҳрамонлик кўрсатганларни ҳам “Асл бек”, яъни Ўзбек деб атари расм бўлган. Араблар бу ерларни босиб олгач, Исломга кирган турк қабилалари ҳам шу ном билан аталган. Айниска, Шайбонийхон юришларида Ўзбек номи машхур ва манзур бўлган. Аста-секин бу ном этник маънони англата бошлади.

Демак, Ўзбек миллитининг шаклланиши узоқ тарихга эга, унинг илдизлари қадим-қадимларга бориб тақалади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тарихан яшаган барча уруғлар, қабилалар, халклар ўзбек миллитининг аждодлари ҳисобланади. уларнинг тили, маданиятига доир ҳамма сифатлар ўзбек миллити табиати (менталитет)да у ёки бу тарзда гавдаланади. Бозор иктисади муносабатлари шароитида собиқ элатлар ва халқларнинг миллат бўлиб яшашга бўлган эхтиёжи тобора

<sup>1</sup> Вамбери Х. Туркий халқлар // “Ўзбегим” – “Звезда Востока” журнали кутубхонаси. Т., 1992 й. –115- б.

<sup>2</sup> Баттағсиля қаранг: Аҳмодов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., “Ўқитувчи” нашр., 1999 й. –416-417-б.

ошиб боради. Чунки бу муносабатлар миллат бўлиб уюшган халклар, элатларгина ўз мустакиллиги учун курашиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнига эга бўлиши, айни чоғда миллий тараққиёт ва фаровонликка эришиши мумкинлигини тарихий тажриба кўрсатяпти, Шунинг учун ҳам XX аср бутун дунё бўйича миллий-озодлик ҳаракати авж олган ва мустамлақачилик тартиботлари асосан барҳам топган давр бўлди.

Миллат белгилари тўғрисида турди фикрлар бор. Ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик юритиш бирлиги, ягона адабий тилга, умумий маданият, турмуш тарзи, анъянага айланган урф-одатлар, руҳий яқинлик, ўзига хос миллий табиат (менталитет)га ва таріхан шаклланган миллий қадриятларга эга бўлган кишиларнинг этноижтимоий барқарор бирлашмасига миллат дейилади. Албатта миллатнинг бу белгиларга тўлақонли эга бўлиши учун ҳозирги даврда у мустакил миллий давлатга эга бўлиши лозим.

~~Ўзбеклар титул миллат сифатида олинича~~ ~~это иш~~ белгиларнинг барчасига эгадирлар. Улар Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат ва элатлар намояндалари ҳам ўз миллий қадриятлари асосида ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришни ўз бурчлари ҳисоблайдилар.

### **Жаҳон тамаддуни (цивилизацияси)га ўзбеклар аждодларининг кўшган ҳиссалари**

Ўзбек халқи аждодлари жаҳон маданий-маънавий тараққиёти (цивилизацияси)га муносиб ҳисса кўша олганлар. Буни “Авесто” шу икки дарё оралиғида яшаган қадимий аждодларимиз дунёқарашлари синтези сифатида вужудга келганидан ҳам билса бўлади. Баъзи Ғарб олимлари ҳозирги замон тамаддуни ана шу яккахудочиликка сифиниш динидан бошланган, дейдилар. Инглиз тадқиқотчиси Мэрэ Бойс хоним зардуштийликни ўрганмай туриб, ҳозирги жаҳон динларини тушуниш қийинлигини таъкидлайди.

Зардушт биринчи бўлиб оламда диалектик зиддият мавжудлигини англаган олим эди. Унинг фикрича, эзгулик руҳи билан ёвузлик руҳи ўртасида абадий ва беомон кураш боради, бунда Ахура Мазда панд-насиҳатлари асосида ҳаёт маъносини тушунган Аъло одамлар фаолияти натижаси сифатида охир-оқибатда эзгулик кучлари ёвузликлар устидан ғалаба қозонажакликлари мадҳ этилади. Лотин Америкаси кино режиссёrlари бу ғоя асосида жуда таъсирили сериаллар яратяптилар. Уларда эзгулик кучлари ёвузлик кучларининг ёпирилиб қилган ҳужумларига бардош билан курашиб, пировардида

улар устидан ғалаба қозонадилар. Зардүштнинг инсон Эзгу сўз, Эзгу ният ва Эзгу амаллари билан пурвиқор бўлиши тўғрисидаги ахлоқий тамойиллари баркамолликка интилевчи ҳар бир инсон учун дастуруламал бўлиши мумкин.

Аждодларимизнинг давлат ва жамиятни бошқариш, хўжаликни юритиш, ободончилик, ҳарбий санъат, маданият ва маърифат соҳасида тўплаган таҳрибалари ҳам жаҳон тамаддуни тараққиёти хазинасини бойитган. Турк қавмлари бирлашган, бир-бирларини кўллаб-кувватлаган даврларда бу ёрларда йирик давлатлар ҳам пайдо бўйган. Ана ўша даврларда Марказий Осиё халқлари билан йирик давлатлар ҳисоблашган, уларни хурматлашга мажбур бўлишган. Қадимги турк лашкарларининг камарлари туғида иккига ажратилиган одам калласи расми бўлиб, уни белларига таққандан инсон қиёфасига кирган. “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” мақоли миллий фалсафа тамойилларидан бири бўлғанлигини шу мисолдан ҳам англаб олиш мумкин. Бу халқнинг ҳиммати, саҳоватпешалиги шу даражада кучли бўлганки, мабодо энг ашаддий душмани ҳам дарвоза ҳатлаб уйга кирганда, уни иззат-икром билан кутиб олиш расм бўйган. “Мехмон отангдай азиз” хикматли сўзлар ўша даврлар маҳсулидир. Бугун жаҳон аҳли ўзбекларни энг меҳмондўст миллат сифатида тан олар экан, бу инсонпарварликнинг илдизлари қадим-қадимга бориб тақалади. Хитойлар қадимда шунинг учун аждодларимизни “олижаноб бўрилар” деб атаганлар, яъни дўстларни юксак қадрлаш ва Ватанга бостириб келгандарга қарши шафқатсиз жанг килиш шу ерда яшаган халқларнинг менталитети бўйган. Бу ҳол ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам ўз ифодасини топгани маълум. “Тўмарис”, “Широк” афсонаси, “Алпомиш”, “Гўрўғли” достонлари ҳамда “Кирк кизлар” (амазонкалар ҳақидаги) ривоятлар шундан далолат беради.

Бироқ тарихимизнинг хира томонини ҳам хотирамиздан фаромуш қилишга ҳакимиз йўқ. Олтой, Ёкутистон, Монголия ва Фарбий Хитойдан тортиб, Азов ва Қора Денгиз сарҳадлари, Кичик Осиёгача чўзилиб, катта ҳудудга сочилиб кетган турк қавмлари қачонки тожу тахт талашиб, бир-бирлари билан келиша олмай, ўзаро урушлар гирдобига тортилган даврларда чет эл босқинчилари уларни осонликча маҳв этиб, ўз мустамлакаларига айлантира олганлар. Эрон шоҳлари, Хитой хоқонлари, Грек-Македония императорлари, араб босқинчилари, монгол хонлари, рус чоризми ва ниҳоят большевик корчалонлари Марказий Осиё халқлари, жумладан Ўзбекистон ҳудудида яшаган аждодларимиз бўйинларига мустамлакачилик кишсанларини солишга муваффақ бўлганларки, буни асло-асло хотирамиздан фаромуш қилишга ҳакимиз йўқ.

Демак, турк қавмлари “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” деган хикматлари Марказий Осиё халқарининг барчаси учун дастуруамал бўлиб қолини лозим.

Бу, миллатимиз шаъни-шавкатини муқаддас ҳисоблаган ҳар бир фуқаронинг ҳаёт нуқтаи назари бўлиб колса, Ўзбекистон халқлари мисли қўрилмаган мўъжизалар яратишга, жаҳон ҳамжамиятида ҳозиргидан кўра ҳам улуг мартабаларга эришиш шарафига муюссар бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Халқимиз шаъни-шавкати учун курашган, Ватанимиз мустақиллиги учун, унинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий салоҳиётини ошириш ишига ўз ҳаётини багишлаган минглаб, миллионлаб маълум ва намаълум ватандошларимизнинг ибратли ишлари ҳозирги авлод учун буюк мактаб, ўзига хос дорилғунундир.

Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Дукчи Эшон ва Мадаминбек каби халқимизнинг жасур фарзандлари, Гумарис, Широк, Ашномиш, Турутли каби тимсоллар мисолида халқимиз азал-азалдан орзу қилиб келган марду майдонларнинг ҳаёт ўуллари ҳақидаги ҳикоялар бугунти ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қиласи.

Араблар бу ерларга бостириб келгунга қадар ҳам аждодларимиз сугориладиган дехончиликни йўлга қўйишида, чорвачилик, йилиқчилик, ҳунармандчилик, шаҳарсозлик соҳаларида катта тажрибалар тўплаб, жаҳон бозорида ўз нуфузига эга эдилар. Мис, темир, кумуш, олтин қазиб олиш ва улардан турли туман қимматбаҳо буюмлар яратиб, кўшни мамлакатларга чиқарадилар. Фарғона водийсида<sup>\*</sup> ишлаб чиқарилган қоғозлар Шарқ мамлакатларида машхур ва манзур эди. Фарғонанинг қорабайир отларига эга бўлиш Хитой ҳоқонларининг бирдан-бир орзуси эди. Халқаро бозорга турли шиша, мис буюмлари ва мўйна чиқарадилар. Эранинг бошларидаёқ Самарқанд, Бухоро, Шош, Гурганж, Марв, Паркент каби шаҳарларнинг товар (мол)лари Шарқ бозорларини безаганлиги маълум.

Археологик ёдгорликлар ва бизгача етиб келган ёзма манбаълардан маълум бўлишича, ўлка халқлари орасида кулолчилик, меъморчилик, тасвирий санъат кенг миқёсда равнақ топган.

Иқтисодий ҳаёт таракқиёти манфаатлари илм-фан равнақига катта эҳтиёжни вужудга келтирган. Шунинг учун бу ерлардаги зардустийлик ибодатхоналари қошида диний дарслардан ташқари тиббиёт, математика, астрономия каби фанлардан ҳам ёшлар таҳсил

\* “Фарғона водийси” тушунчасига қадимдан ҳозирги Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидан ташқари Тоҷикистондаги Ҳўҷанд, Қирғизистондаги Ўш, Жалқонбод вилоятлари кирган.

олишган.

Маълумки, VIII аср бошларидан эътиборан бизнинг диёрларимизни араб истилочилари босиб олипди. Катта ҳудудга ёйилиб кетган араб халифати таркибида Ўзбекистон халқлари ўз ўринларига эга бўлиб олдилар. Араб империяси каби катта давлатни бошқариш, иктисадни йўлга кўйиш, савдо-тижорат ишларини ривожлантириш учун илм-фанга эҳтиёж кучайди. Бироқ, ислом ақидапарастлиги асосида бу эҳтиёжни қондиришнинг иложи йўқ эди.

Шунинг учун Куръони Карим ва Ҳадису шарифларда олам ва одам тўғрисидаги қарашларни талқин этиш хусусида қизғин баҳс-мунозара бошланиб, ҳақиқатнинг иккилиги (ёки қўшҳакиқат) ҳамда вахдат ул-мавжуд ва вахдат ул-вужуд тарафдорлари ўргасида диний-фалсафий мунозаралар оқибати ўлароқ, Ислом доирасида шаклланган ҳурфиксирлилк жаҳон маданий-маърифий ривожида муҳим аҳамиятга молик бўлди. Табиий фанлар ривожи йўлидаги ғоявий тўсиқларнинг олиб ташланиши оқибатида христиан тақводорларининг ҳатти-харакати билан эсдан чиқариб юборилган қадимги грек фалсафаси, илм-фани қайта тикланиб, араб-мусулмон оламида Уйғониш даври (IX-XII асрлар) вужудга келди. Ана шу умумбашарий аҳамиятга молик ишда Марқазий Осиё олимлари, уламолари ва мутафаккирлари олдинги сафда бордилар. Мусо ал-Хоразмий, Абу Абдулоҳ ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Аҳмад ал-Фарғоний каби ватандошларимиз илм-фан равнақига ва ижтимоий тараққиётга бебаҳо ҳисса қўшдилар. Темурийлар салтанати даврида илм-фан ривожига кулагай шарт-шароит вужудга келди. Накшбандийликнинг олам-одам тўғрисидаги таълимотининг ўзига хос ўрни бор. Улутбек, Навоий, Жомий, Беҳзод, Али Кушчи, Бобур, Бедил каби улуғ мутафаккирлар цивилизация тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар.

XVI аср 2-ярмидан бошлаб нақшбандийлик ғояси асосида шаклланган мафкура ўрнини аста-секин ислом ақидапарастлиги ва унинг назарий асоси бўлган вахдат ул-вужуд (вужудион) эгаллаб, диний мактаб ва мадрасалардан бирин-кетин дунёвий фанларни ўқитиши чеклаб кўйилди. Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг таъкидлашича, натижада Туркистон халқлари тараққиётда Фарбдан IV аср орқада қолиб кетдилар. Туркистон мутафаккирлари XIX аср охири ва XX аср бошларидан эътиборан ислом ақидапарастлигига қарши ислом маърифатпарварлиги ғоясини илгари сурдилар. Натижада Ўзбекистонда маърифатпарварлик ҳаракати бошланиб, бунда тараққиётпарвар ислом уламолари олдинги сафда бордилар. Ўзбек зиёлилари улар таъсирида жадидчилик ҳаракатида фаол

иштироқ этдилар, миллий мустақиллик, миллий қадриятлар учун курашиб, миллат шаъни жана ҳимоя қилиш яловбардорлари бўлдилар. Большевикларнинг макрли мустамлакачилик режими шароитида ҳам миллатимиз шаъни шавкати учун курашган ватандошларимизнинг порлоқ номлари ва хотиралари мустақиллик йилларида тикланиб, қадрланмокдаки, ҳакикат эгилади, аммо синмайди, деган доно фикрнинг пурхикматлилигини бу исбот этади.

Демак, тарихга назар ташлар эканмиз, ўзбек ҳалки ва миллати шаъни учун курашган, бу йўлда кийинчидиклар, маҳрумликлардан кўркмаган, ҳатто мана шу улут ғоя йўлига бутун ҳаётини бағишлаган аждодларимиз бўлганки, биз улар билан фаҳрланишимиз ва уларнинг хайрли ишларини янги шароитда давом эттириш орқали, миллатимиз шаънига шаън қўшишимиз ҳам фарз, ҳам қарзdir.

## Ўзбек миллий табиати (менталитети)да миллат шаънини

### Қадрланиш масаласи

Хўш, “шаън” тушунчласининг фалсафий маъноси нима? Шаън ўз-ўзини ва муайян умумийлик (ижтимоий гурух, синф, жамият, миллат ва х.к.)га мансублигини англаб етган ҳамда шу умумийлик манфаатларини миллий ғоя ва мафкура орқали илғаб олиб, уни ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда ҳимоя қилиш учун кураш жараёнида шахсда шаклланадиган нодир ички хис-туйғу, руҳий ҳолат ва инсоний фазилат бўлиб, мазкур шахс яшаб турган жамоа, жамиятнинг унга берадиган баҳосини белгиловчи ва индивид қадр-қимматини ифода этувчи фалсафий тушунчадир.

Қайси жамиятда шундай шахслар кўп бўлса ва жамият томонидан уларнинг фаолиятларини баҳолаш мурватлари яхши йўлга кўйилса, ўшанда миллат шаъни ва шавкати юксакларга кўтарилади ва бундай миллат жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўла олади.

Одатда “шаън” сўзининг синоними сифатида “шавкат”, “шухрат”, “шараф” сўзлари ёнма-ён келади. Аслида улар синоним сўзлар эмас, балки муайян умумийлик, айтайлик, шахс ўзи мансуб бўлган миллат манфаатларини ҳимоя қилиш, шу миллатга хос барча асосий фазилатларни гавдалантириш жараёнида ўзи ва миллатининг шон-шухратини, шавкатини оширади. Демак, шаън-шавкат, шон-шухрат иборалари орқали “шаън” тушунчласининг маъно ва мазмуни чуқурлашади ва ижтимоий аҳамияти ошади. Масалан, ўзбек миллатига мансуб кишилар одатда тарихан камтар, камсухан, табиатан мард, меҳнатсевар, оиласпарвар, болажонли, саҳоватпеша,

мехмондўст, бағрикенг, қалби пок бўлиб келишган. XIX аср ўзбеклари феъл-авторини ўрганган можар (венгер) тадқиқотчиси Херман Вамбери ўзбеклардаги бундай фазилатларни юксак баҳолайди. У шундай дейди: “Бу халқнинг ижобий, маънавий томонлари энг аввало уларнинг очик кўнгиллилиги, мардлиги, жиддийлиги, ҳақиқий туркӣ ҳимматга эгалигида яққол кўзга ташланиб турибди... Кўпинча маюсликкача камгап, оғир-вазмин ўзбеклар ўзларининг тоҷик ва сарт қўшниларидан ҳудди кекса эркак бегам-беташвиш ёш йигитдан фарқ қилгандай ажралиб туради. Юзидаги мармардай совуққонлик белгилари уларнинг тушунчаси бўйича одоб-ахлоқ намунаси ҳисобланади”. Вамбери ўзбеклар бир сўзни айтунча кўшини ҳалқ вакиллари қанчадан-канча гапни улоқтириб ташлашини айтиб, ўзбек ўйлаброқ гапиради, “тўғри гапирадиган, тўғри харакат киладиган, кўзга тик қарайдиган эркакни мукаммаллик намунаси деб билади”.

Вамбери ўзбеклар дехқончилик қасбини, ерини улуғлаши, ардоклаши, айни чогда у Марказий Осиёнинг ҳимоячиси ҳам бўлганини таъкидлайди. Далада ибтидой омочни тортиб юрган оддий, ҳалол дехқонни кўрган одам асло у Марказий Осиёнинг ҳалоскори деб тасаввур килиши кийин “Ва айнан шу одам бизнинг вактгача Марказий Осиёнинг хўжайини бўлиб келди. Чунки шу оддий, омач тортиб юрган ўзбек керак бўлган пайтда отга иргиб мина олади ва кўлига курол олиб, ўзини жанг майдонида кўрсатади”, дейди Вамбери.

Ўзбек аёллари ҳақида гап кетганда, уят, номус, ибо, иффат, назокат, ширинзабонлик, оиласвий ҳаётга садоқат, болаларига чексиз муҳаббат, кийинишда, юриш-туришда меъёрга қаттиқ риоя килиш каби сифатлари билан ажралиб турйшларига тадқиқотчилар эътиборни қаратадилар. Чиндан тарихан булар ўзбек аёллари учун бебаҳо қадриятлар ҳисобланган. Демак, ўзбекларда тарихан тарқиб топган бундай фазилатларни саклаш, эъзозлаш ва уни қадрлаш учун кураш жараённида ўзбек миллати шаъни-шавкати улуғланиб келинган, айнан шу фазилатлар нафақат жамиятда, балки бошқа миллатлар томонидан ҳам юксак баҳоланганди.

Ҳар бир одам муайян тарихий даврда мавжуд бўлган жамоа ва жамиятда яшайди, фаолият кўрсатади. У ўзининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан ажраб туради. Индивидни яккаёлғиз одам маъносида тушунмаслик лозим. Чунки муайян ижтимоий бирлик (оила, жамоа, жамият, миллат)га мансуб айримлилар

<sup>1</sup> Қаранг: Херман Вамбери. Туркий ҳалқлар // “Ўзбегик” – “Звезда Востока” журнали кутубхонаси. Т., 1992 й. –120-123-бетлар

индивиддир. Яъни, одамларнинг муайян гурухи, жамоаси орасида яшаб, ўша умумийлик хусусиятларини ўзида индивидуал шаклда гавдалантирадиган айрим киши индивиддир. Индивидда айримлик билан умумийлик қоришган ҳолда мавжуд бўлади.

Умумийликдаги айримлик – индивиддуаллик куйидагича намоён бўлади:

1) муайян ижтимоий гурух, жамоа, миллатни ташкил этган одамлар уюшмаларининг фақат уларга хос хусусиятлари индивидда у ёки бу даражада ўз ифодасини топади;

2) ўзини ташкил этган муайян ижтимоий гурух кишиларининг ижтимоий белгилари, ижтимоий қиёфалари унда намоён бўлади.

Масалан, Ахмад ўқитувчилик касби билан шуғулланса, ўқитувчи (умумийлик)ка хос хусусиятлар унда ўз ифодасини топади. Агар Ахмад бошқа умумийлик (айтайлик, дехонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар ва х.к.) доирасида яшаса, фаолият кўрсатса, уларнинг ижтимоий белгилари, феъл-атворлари, дунёқараашлари, ижтимоий ходисалари, бажолинлари, хадротлари, муассабат, бончондори ўшалар савиясида намоён бўлади.

Худди шу каби Ахмад ўзбек миллатига мансуб бўлгани ва шу миллат оиласида, ижтимоий мухитида вояга етгани, фаолият кўрсатаётгани сабабли унда ўзбек миллати (умумийлик)га хос барча белгилар, сифатлар, фазилатлар ва кусурлар индивидуал (ўзига хос бетакрор) тарзда намоён бўлади.

Индивид ва шахс тушунчалари бир-бирига яқин. Шахс бетакрор (индивидуал) сифатлари билан албатта индивид, аммо у ўзи мансуб бўлган умумийлик (мехнат жамоаси, синфи, миллати ва х.к.) манфаатлари ва етилган эҳтиёжларини англаши билан фарқланади. Индивидни ўзига хослик, бетакрорлик сифатласа, шахсни шу билан бирга эркин, мустакил, ижодий фикрлаш ва муайян чигал вазиятда барча мъясулиятни ўз зиммасига олиб, мустакил ҳаракат йўналиши ола билиши қаби сифатлар белгилайди.

Шахсга айланган индивидлар ўз шаъни, шавкати, шуҳрати учун кураша оладилар, ана шу жараёнда улар ўз қобилиятлари, истеъододларини тўлароқ рўёбга чиқариш имкониятига эга бўладилар. Одамлар уруғ ва қабила бўлиб яшаганларида ана шундай индивидлар ўз бирликлари манфаатларини химоя килиб, ўша одамлар эҳтиёжларини қондириш, уларнинг шон-шарафини химоя қилиш ишига энг кўп ҳисса қўшганлар. Кейинчалик одамлар эзлат, халқ бўлиб уюшганларида шахслар улар фаолиятига мазмун ва моҳият баҳш этганлар. Эндиликда, яъни янги тарихий шароитда одамлар миллат бўлиб яшашга ўтдилар, чунки мана шундай бирлик

шароитидагина бозор иқтисоди муносабатлари тұлақонли шакланиб, барча соҳадаги рақобатчилик шароитида индивидлар үз қобилиятларини яхшироқ, тұлароқ рүёбга чиқарып, шахсга айланыш имкониятига эга бўладилар.

Шахс эса ўзи мансуб бўлган жамоа ва миллати манфаатларини яхшироқ англаб, унинг етилган эҳтиёжларини қондириш учун курашади ва бу ҳол уни ўзи инсоний қадр-қиммати, шаънишавкатини химоя қилишга, уни тобора ошириб боришга ундейди. Ўз қадрини билган одамларгина ўзгаларни қадрлай олади, чунки бундай шахсларда қадриятли онг шаклланган бўлиб, “оқ-қора”нинг фарқига бориш салоҳиятига эга бўладилар. Қадриятли онг сохибларидағина ўз халқи, миллати шаънини ҳар қандай вазиятда ҳам химоя қилиш, унга доғ туширмаслик фазилатлари устивор бўлади.

Дунё бўйича глобаллашув жараёни кетаётган, айни чоғда инсонлар онги ва қалби учун ғоявий кураш энг юқори чўққиларга кўтарилиб бораётган ҳозирги халқаро шароитда миллый қадриятларни англаган, уни химоя қила оладиган шахсларга ижтимоий эҳтиёж тобора ортиб боряпти. Бунга тамомила табиий ва қонуниятли ҳолат сифатида қаралиб, ушбу янги тарихий вазият талабларига жавоб берса оладиган баркамол инсонларни вояга етказиш зарурат бўлиб туриди.

### **Миллат шаънини қадрлаш – комил инсон шахсини шакллантириш омили**

Миллати шаъни, шавкати, шарафини ким тұлақонли гавдалантиради ва уни химоя қила олади? Бу саволга жавоб турлича бўлиши мумкин. Назаримизда, миллый ўзликни англаган шахслардагина бундай фазилатлар тұлароқ намоён бўлади.

Ўз-ўзини англаб, шахсга айланган одам албатта қайси миллат ва маданиятта мансуб эканлигини бошқалардан кўра кўпроқ ҳис эта олади, бинобарин, миллати шаъни-шавкати учун курашни бурчи хисоблайди. Миллый маданият ва миллый ўзликни англаш орқали ҳар бир индивид миллат шаънини ўз шаънидек ҳис этади ва уни химоя қиласди. Мабодо миллый маданият ва миллый ўзликни англаш бўлмаса, миллат шаъни тушиб кетади. Масалан, мустамлака шароитида ўзебек тилининг ижтимоий роли анча тушди. Айниқса Шўролар даври мафкураси таъсири ва тазиики остида баъзи миллатдошларимизда ўз она тилини қадрламаслик майллари кучайди. Бу ҳол миллый маданиятта менсимасдан қарашиб ҳис-туйғуларини

вужудга келтирди. Натижада ўз миллатига нисбатан бошқа миллат тили ва маданийтини қадрлайдиган, демак, миллати шаънини ҳимоя қила олмайдиган индивидлар пайдо бўлдики, ана шу қабоҳатни бартараф этиш осон кечмаяти.

Миллий ўзликни англаш реал ижтимоий, иқтисодий, ҳукукий, сиёсий ва маданий-маърифий асосларда шахс онгига қарор топади ва у ирода билан бөгланиб, амалий ҳаракат тусига киради. Чунончи, миллий ўзликни англаган шахслар ҳозирги тарихий шароитда мамлакат иқтисодий салоҳиятини кўтариш заруриятини англаб, ҳар бир сўмини тежаб-тергаб сарфлайди, тадбиркорлик сифатларига эга бўлиш учун курашади. Шу тариқа тўплаган жамғармасини турли машийи ишларга бекор-бехуда сарфламай, аввало ўша пулини ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, рақобатбардош махсулотлар тайёрлашга сарфлайди. Чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда илғор техника ва технологияларни республикага келтиради, шу жараёнда янги ишчи янгича ахлоқий сифатлар шакланади. Агар маблағи етарли бўлмаса, акционерлик жамиятлари тузиб, ийрик-ийрик лойиҳаларни амалга оширади. Шу алфозда бундай шахслар ўз миллати шаънини юксакларга кўтариш имкониятига эга бўладилар.

Ўз миллатининг ҳақиқий тарихини англаган, тарихий хотирага эга бўлган кишиларда миллий ўзликни англаш ва миллат шаънини ҳимоя қилиш майли кучли бўлади. Мустақиллик йилларида бу йўлда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан жуда кўп тадбирлар амалга оширилиб, собиқ Шўролар шароитида миллий онгни хиралаштириц қабоҳатларини тугатиш чоралари кўрилди. Жумладан, ўзбек тилига давлат мақоми берилди, тарихимизга холис муносабат билдириш қарор топтирилмоқда, жуда кўп тарихий обидалар қайта таъмирланаби, янгидари бунёд этилмоқда, миллий қадриятлар тикланмоқда.

Миллий ўзликни англаш ўз ички зиддиятиларига эга. Ҳар қандай ўз-ўзини англаш реал ҳаёт вазиятларига мувоғик тарзда муайян ҳаракат ва фаолият йўналишини танлаш асосида боради. Бунда шахс дунёкараши, ҳаёт маъносини тўғри англаши асосида мақсад-муддаолар белгилашга кўп нарса боғлик бўлади. Тўрли йўллардан қай бирини танлаш, мавжуд имкониятларни англаб, уни воқееликка айлантириш йўллари, воситаларини белгилаш бевосита шахсларнинг ҳаёт маъносини тўғри англашлари билан узвий боғланиб кетади. Илмий салоҳияти кучли, фалсафий мушоҳада қилиш кувватига эга шахслар ҳаракат ва фаолият йўналишини тўғри белгилаб, уларни миллий қадриятлар мажмуаси билан боғлай оладилар.

Ўз-ўзини ва миллий ўзликни англаш танлаб олган йўналиш таъсирида идеаллик парчаланади. Бир томондан миллний ўзликни англаш даражасидаги шаклланган тасаввур бўйича ўз миллати ва унинг маънавий қадриятларини бошқа миллатларнидан афзал деб билади. Миллат бошқа миллатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа алоқаларда бўлмай, ривожлана олмаслигини, демак, улар қадриятларини ҳам хурматламай яшай олмаслигини англайди. Бу миллний ўзликни англаш ривожидаги биринчи зиддиятдир. Иккинчи зиддият шундан иборатки, бир мамлакат ичида бошқа миллатларга мансуб одамлар, уларнинг ўюшмалари мавжуд бўлиб, муайян республика, давлат номи билан аталган ва туб ахолини ташкил этган титул миллат ўртасидаги муносабатларда пайдо бўладиган зиддиятлардир. Илмий фалсафа нўқтаи назаридан, барча соҳада зиддиятлар бўлади ва улар ҳаракатлар манбаи ҳисобланади. Муҳими, мавжуд миллний зиддиятлар ўзининг қарама-қарши томонларига оғиб кетишига йўл қўймаслиқдир. Ўзбекистонда титул миллат ҳисобланган ўзбеклар бошқа миллатлар олдида жуда катта маъсулиятли эканини доимо эса тутишлари шулар билан изоҳланади.

Миллний ўзликни англашган, унинг шаънини улуғлайдиган шахслар буни яхши ҳис этадилар ва миллний заминдаги зиддиятлар ўзининг қарама-қарши томонига оғиб кетмаслиги учун курашадилар ва шунга эришадилар.

Миллний ўзликни англашдаги тафовутлар, миллний муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни миллний давлат, жамиятдаги сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, маънавият ва маърифат муассасалари, бутун жамоатчилик кўчи билан қадам-бакадам ҳал этиб бориш ўз-ўзини ва миллний ўзликни англаётган, уни чукурлаштираётган индивидуал ва ижтимоий онгнинг тўғри ижтимоий йўналиш олиши учун кафолатдир.

Маълумки, ҳар бир миллат тарихан динларнинг биронтаси таъсирида бўлади, унга имон келтиради, эътиқод (ихлос) килади. Жаҳон динлари ўз моҳияти жиҳатидан байналмилал хусусиятга эга бўлса-да, аммо улар миллний қадриятларни сақловчи, эъзозловчи ва ривожлантирувчи маънавий восита сифатида ҳам майдонга чиқадилар. Шунинг учун кўпинча миллат диний шиорлар остида ўз мустакиллиги учун курашади. Масалан, 1918-1923 йилларда Ўзбекистондаги миллний-озодлик уруши ислом шиорлари ва қадриятлари асосида борган. Чунки маҳаллий ахолининг миллний онги тарихан ислом ғоялари асосида шакллангани сабабли ахолининг асосий кўпчилиги диний қадриятлар орқали миллний қадриятларни

англааб келганлар, бинобарин, миллат шаънини диний қадриятлар орқали ҳимоя қилганлар. Демак, ўша тарихий вазиятда мустамлакачиликка қарши миллий-озодлик учун курашга халқ оммасини сафарбар этишда диний шиорлар қўл келган. Бирок, истиклолчилик ҳаракатининг асосий мафкурачилари ислом ақидапарастлари бўлгани сабабли, миллат шаънини ҳимоя қилишда бирлик, жисплика путур етган, оқибатда миллий-озодлик ҳаракати қатнашчиларини рус большевиклари ораларини бузишга эришиб, осонликча тор-мор келтириш имкониятига эга бўлганлар. Демак, диний қадриятларнинг миллий қадриятлар уйғунлашуви жараёнинга конкрет (аник) тарихий нуқтаи назардан ёндашиб, баҳолаш ва муносабат билдириш лозим. Баъзигир тарихий шароитда конкрет мамлакатда диний қадриятлар билан миллий қадриятларнинг уйғунлашуви ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига хизмат қиласа, бошқа бир мамлакатда ва бошқа бир тарихий шароитда у тараққиёт ва инсон камолотига завол ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, ижтимоий он диний қадриятлар билан қоришиб кетиши динларнинг сиёсийлашуви учун ғоявий негиз бўлиб, реал миллий қадриятлар диний қадриятлар билан алмашинади. Натижада диний заминда миллатларо можаролар, катта-катта урушлар ҳам келиб чиқади. Ваҳҳобийлик, хизбуттахрирчилик ғоялари араб – мусулмон оламида тарқалган бўлса-да, ҳар бир мамлакатда улар гўёки миллий манфаатларнинг ҳимоячилари сифатида ўзларини кўрсатишга ҳаракат қиласидар. Миллий қадриятларни тушунмаган, ўз миллати шаънини унуглан баъзи кимсалар уларга эргашиб, ўз миллатига ҳиёнат қилишгacha бориб етадилар.

Миллатларо ва динларо муносабатлар инсонпарварлик йўналишида карор топиши ва муомала маданиятида катта тарихий тажриба тўплаган ўзбекларда миллий ва диний бағрикенглик миллат шаъни учун курашнинг бир шакли сифатида намоён бўлади. Бу ҳол Ўзбекистонда яшаётган ва турли диний эътиқодга эга халқлар, миллат ва элатлар намояндалари кўлни-кўлга бериб, буюк истиқбол учун курашда яқдил бўлишлари учун ўзига хос шарт-шароит вазифасини ўтамоқда. Масалан, республикамизда исломдан ташқари яна 17 та рўйхатдан ўтган диний конфессиялар фаолият кўрсатишмоқда. Улар диндорларнинг диний эътиёжларини қондириш жараёнида миллий заминда можаролар чиқишига йўл қўймаслик учун ҳам курашмокдалар. Бинобарин, миллий ўзликни англаш инсоний йўналишда ривожланишига муносиб ҳисса кўшиб, ўзлари мансуб бўлган миллат шаънига доғ туширмасликка ҳаракат қилмокдалар. Зоро, миллий ўзликни англаш чинакам

байналмилалчилик ҳис-туйгулари ҳам ривожланган бўлишини тақоза этади. Буюкмиллатчилик, буюкдавлатчилик шовинизми, миллий калондимоғлиқ ва диний мутаассибликка қарши кураш жараёнида миллат шаъни-шавкати ва шухрати ошиб борадики, буни асло унугтасмаслик зарур.

Ўзбеклар тарихан бошқа ҳалқлар, элатлар ва миллатлар ҳамда ўзга диний эътиқод эгалари ҳис-туйгуларига зўр ҳурмат қилиш руҳида тарбияланган жаҳондаги заковатли миллатлар сирасига кирадилар. Саҳоватпешалилик, очиққўнгиллилик, раҳм-шафқатлилик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, риоя-андишалилик, иззат-икромлилик – булар ўзбек миллий табиати (менталитети)нинг ажралмас хусусиятлари бўлиб, бу каби фазилатлар туфайли улар ўз миллати шаъни учун курашиб келадилар.

Миллий шаън миллий ғурур, миллий ифтихор ҳис-туйгулари билан туташиб кетади. Ўзбекистонда тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида севиб харид қилинишидан ғуурланиш, ундан ифтихорланиш ҳис-туйгусига эга бўлган кишилар ёмон, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан ор-номус қиласдилар. Бу билан миллатимиз шаънига шаън кўшган бўладилар. Агар спортчиларимиз жаҳон майдонларида ғолиб келсалар, бизда улар билан фаҳрланиш, мағурланиш хислари ўз-ўзидан ҳосил бўлади. Рустам Қосимжонов шахмат мусобакасида ман-ман деган шахматчиларни доғда қолдириб, жаҳон чемпиони бўлган экан, бу билан ўзбек миллати шаъни-шавкатини янада ошириди, жаҳонда шундай заковатли миллат бор эканлигини амалда намоён қилди. Агар бизнинг дипломатларимиз жаҳон сиёсий кураши майдонларида ўз миллати шаъни учун курашаётган эканлар, ундан ҳар биримизда фаҳрланиш хислари пайдо бўлиши табиийдир.

“Миллат реал хаётда уни ташкил этувчи шахслардан иборат экан, ўзга миллатлар доирасида ўз миллат вакилларининг эришган ютукларидан хурсанд бўлиш, шу миллат вакили бўлганлиги билан фаҳрланиш ёки, аксинча, миллатдошининг бошига оғир кун тушса, худди ўзининг энг яқинларининг бошига тушган оғир кунлар каби руҳиятнинг мавжудлиги миллий ғоянинг құдратидандир. Бундай ҳолат ҳар бир миллат вакили учун муқаддас қадриятдир”<sup>1</sup>.

Шаън-шавкат ташки тасирлар натижасида ҳосил бўладиган ички ҳис-туйғу ва рухнинг парвозидир. Бу ҳис-туйгунинг ривожланиши ва миллий рухнинг парвози ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, балки тарихий хотирадан яхши хабардор индивидлар ва шахсларда у кучли равища

<sup>1</sup> Отамуродов Сайдулла, Отамуролов Сарвар. Ўзбекистонда маънавий-рухий тикланиш. Т., “Янги аср авлоди” нашр. 2003 йил. –220-бет

намоён бўлади. Уни ўрганиш, махсус илмий-тадқиқот обьектига айлантириш галдаги вазифадир. Чунки миллат шаъни масаласи ҳалихозир жиддий илмий мулоқотга кирганича йўқ. Бу фалсафий тушунчани Ўзбекистон фуқаролари тўғри англаб олишлари ҳамда илмий талқин этишлари учун миллый мағкурунинг барча воситаларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади. Айниқса таълим тизимишининг барча бўғинларида миллат шаъни нима, уни кимлар ҳимоя қила олади, деган саволларга аник-равшан жавоблар бериш, шу асосда ўз миллати шаъни-шавкати учун фидоий инсонлар шахсини шакллантириш галдаги вазифадир..

“Миллат шаъни”. Т., “Янги аср авлоди”, 2005 й.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ДИН МУНОСАБАТЛАРИ

*Баш Көнгенизда демократик шамоийларни байрок килиган республикамизда бу мураккаб масала қандай ечим топган? Таникли диниуюн олим, фалсафа фаннизи доктори, профессор Иброҳим Каримов билан сұхбат.*

Хурматли домла, юртимизда давлат ва дин муносабатлари асрлар давомида қандай шаклланиб келган? Сұхбатни шу масаладан бошласак...

- Матькул. Матьумки, турли динларнинг ёнма-ён яшashi, фуқароларда диний бағрикенглик хис-тўйгуларининг шаклланиши мухимлигини аждодларимиз яхши анлаганилар. Ўзбекистон худудида исломгача зардуштийлик билан бирга буддавийлик, христианлик, яхудолик (иудаизм), монийлик, оташпаратлик, сеҳгарлик (шомонийлик), хаворийлик (григорянчилик) каби динларга эътиқод қилувчилар муросаю мадора билан яшаб келганлар. Марказий Осиё минтақасида диний эътиқод эгаларининг тўқнашуви, уруши бўлмагани тасодифий эмас. Ислом динига эътиқод мустажкамланган шароитларда ҳам тараққийпарвар уламолар, сиёсатчилар, давлат арబоблари диний заминда жанжаллар чиқишига йўл қўймаганлар. Куръони Карим “Бақара” сурасининг 276-оятидаги “динда зўрлик йўқ” деган қоида улар учун дастуруламал бўлган. Чор Россияси ҳукумати XVI аср охиридан қадимий удумчиларни кувгин қилганда, уларнинг кўпи Ўзбекистонга қочиб келиб яшагани бежиз эмас. XIX асрнинг 40-йилларида меннонитлар - немислар чоризм таъқибидан қочиб, Хивага жойлашганлар.

Марказий Осиёдаги бағрикенглик руҳида тарбияланган

бобоколонимиз Амир Темур барча мамлакатларда диний бағрикенгликті тарғиб қилиб қолмасдан, балки уни амалда намоён бўлиш ишига бош-қош бўлган. “Қайси мамлакатни забт этган ёки кўшиб олган бўлсам, – деган эди Амир Темур, – ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим: сайдиллари, уламолари, фузало ва машойихларига таъзим бажо келтирдим ва хурматладим, уларга суғорол вазифалар бериб, маошларини белгиладим, ўша вилоятнинг улуғларини оғайниларимдек, ёшлиари ва болалари бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим”. Бобоколонлари ўйтлари руҳида тарбияланган Бобур ва Бобурийлар Хиндистонда виждан эркинлигини амалда намоён килдилар ва шу сиёсатни юргиздилар. Диний эътиқод туфайли фуқаролар ўртасида жанжаллар чикиши мумкин эмаслиги, бу барча динларнинг муқаддас китоблари мазмун-моҳиятидан келиб чиқишини мағкурунинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиладилар.

–Кейинги пайтларда хориждаги баъзи оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда диний эркинликлар чекланганлиги хақида гап-сўзлар пайдо бўлмоқда. Сиз шу соҳа мутахассиси сифатида бу фикрларга қандай қарайсиз?...

–Тўғри, АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистонни диний эркинликлар таъминланмаган мамлакатлар рўйҳатига ўзбошимчалик билан, тенденцион тарзда киритгач, шундай иғвогарона фикрлар баъзи оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлди. Масалага жиддийроқ ёндошадиган бўлсак, диний эркинлик чала, бирёклама эркинликдир. Шунинг учун барча демократик давлатларнинг Конституцияларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам у тушунчадан кенгроқ – виждан эркинлиги берилган. Дин давлат мақомига эга бўлган юртлардагина диний эркинлик берилган, яъни фуқаролардан албатта бирон динга эътиқод қилиш талаб этилган. Ўшанда ҳам белгилаб олинган маълум бир дин эркинлиги берилади (Ватикан, Эрон, Покистон каби мамлакатларда).

Ўзбекистонда фуқароларга виждан эркинлиги берилибгина колмай, айни чоғда у эркинлик давлат йўли билан кафолатланган. Зоро, бундай эркинлик Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон хукуклари тўғрисидаги Декларациясига тўла мувофиқ келади.

–Виждан эркинлиги тушунчасини изоҳлаб берсангиз...

XVIII асрда француз маърифатпарварлари виждан эркинлиги тушунчасига фалсафий маъно бериб, уни фуқаролар эркинлигининг таркибий қисми эканини исботладилиар. Шундан сўнг, бу foя Фарбий Оврупо мамлакатларига ёйилиб, аста-секин давлатлар Конституцияларида ўз ўрнига эга бўлди, демократик давлатлар динга

муносабатининг хукукий соҳасига айланди. Бу ҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон хукуклари тўғрисидаги Декларациясида ҳам ўз ифодасини топди. Демак, виждан эркинлиги аслида инсон хукуклари ва эркинлигининг тарқибий қисми сифатида алоҳида аҳамиятта моликдир. У ҳар бир жамиятдаги турли миллат, элат ва эътиқод эгаларининг ҳамнафас бўлиб яшши учун хукукий кафолатдир. Виждан эркинлиги дунёкараш билан узвий боғлик ҳолда намоён бўладиган турли йўналишдаги имон-эътиқод эгалари ўргасидаги муносабатларниңг хукукий асоси ҳисобланади.

Фалсафий-ахлоқий категория сифатида виждан эркинлиги турлича динларга эътиқод кирадиган ёки илмий ҳақиқатларга ишониб фаолият йўналишини белгилайдиган қишилар, ижтимоий гурухлар, синфлар, элатлар ва миллатлар тарихананглаб олган заруриятдир; муайян мамлакат фуқароларининг хукукий ва ахлоқий онг ~~карориҷатлари негизида~~ худк-атбор ~~белгилаш~~ фаолият йўналишини аниклашдан иборат амалиётидир. Виждан эркинлиги тўғрисидаги қонунларга итоат этиш ҳар бир мамлакатда фуқаролар тенглиги, осойишталигини таъминлаб, ўзаро ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб яшаш кўнимкамларини ҳосил этишининг мухим омилидир.

Ўзбекистон Конституциясида виждан эркинлигига доир моддалар ҳамда “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқаро, бошқарув тизимида ишләтган барча қишилар ҳамда руҳонийлар билиб олишлари, унга қатъий амал қилишлари ижтимоий заруратдир.

Маълумки, қонунларни қадрлаш, қонун доирасида фаолият йўналишини белгилаш Конституциямизда назарда тутилган “Инсонпарвар демократик хукукий давлат барпо этиш”нинг зарур шартларидан биридир. Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хукуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл кўйилмайди”, – дейилган. Демак, фуқаролар ўз виждони амр қилган хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликлари мумкин. Собиқ Шўролар давридаги каби, фуқароларни диндорлар ва атеистлар тоифасига бўлиб муносабат белгилаш Ўзбекистон Конституцияси Асосий қонунига хилофдир.

Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонунга биноан, ҳозир Ўзбекистонда 18 та диний конфессия, жумладан ислом, христианлик, яхудолик ва бошқа динлар вакиллари аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб, ўзларининг диний эътиқод амалларини эркин адо этиб келмокдадар. Шуни таъкидлаш керакки, республикада 2104 диний

ташкилотлар, шу жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё христианлари, Евангель христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон “Библия” жамияти; 1906 масжид, 163 та христиан черкови, 7 та яхудийлар жамоаси, 7 та баҳойиллар жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти ва 13 диний ўкув юрти (1 та ислом маъҳади, 10 мадрасас ва 1 провослав ва 1 та тўлиқ инжил христиан семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган.

Умумтаълим мактаблари, коллежлар, лицейлар, олий ўкув юртлари дастурларига диний билим бериш дарс сифатида киритилмайди. Динга бўлган муносабатларидан қатъи назар, Ўзбекистон фуқаролари дунёвий таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар. “Виждан эркиниллиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси 2-кисмига биноан, “Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босадиган шахслар ихтиёрига зид тарзда уларни динга ўқитишга йўл кўйилмайди”.

Қонунга мувофиқ, фуқаролар диний таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Диний ташкилотлар марказий бошқарув маҳкамалари ўзларига зарур диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўкув юртлари ташкил этишга ҳақлидирлар. Масалан, Ўзбекистонда ислом маъҳади (олий ўкув юрти), мадрасалар, бошқа динлар йўналишида ўкув юртлари ишлаб турибди.

Шуни эсда тутиш керакки, диндан сабоқ берувчи мураббийлар тегишли диний билимга ва уни ўқитиш ҳақидаги маҳсус рухсатномага эга бўлишлари шарт. Хусусий тартибда, яъни уйда диний таълим бериш маън этилади. Диний ташкилотларнинг хизматидаги кишилардан ташқарӣ барча фуқаролар жамоат жойларида, жумладан, мактаблар ва олий ўкув юртларида ибодат либосларида юришларига йўл кўйилмайди. Ўзбекистондаги диний бағрикенглик умумбашарий аҳамиятини АҚШ сенатори Хиллари Клинтон хоним, АҚШнинг собиқ давлат котиби Мадлен Олбрайт ва Иордания кироли Ҳасан Бен Талол таъкидлаб кўрсатган.

“Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган” дейилади Қонуннинг 7-моддасида, демак, таълим тизимининг ўкув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл кўйилмайди. Динга бўлган муносабатларидан қатъий назар, Ўзбекистон фуқаролари дунёвий таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Таълим тизимининг барча бўғинларида диний дарслар берилмайди.

**—Бош Қомусимизда давлат ва дин муносабатлари қандай белгиланган?**

— Конституциямизнинг қатор моддаларида давлат ва дин муносабатлари чинакам инсонпарварлик асосларида бўлиши назарда тутилган. Масадан, 61-моддада “диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмалар фаолиятига аралашмайди”, — дейилган. 57-моддага кўра, “Диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таҳқиқланади”. 41-моддада эса “мақтаб ишлари давлат назоратидир” дейилганки, унинг ишларига диний ташкилотлар аралашиши мумкин эмас. “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” янги таҳрирдаги Конституцион қонун ҳар жиҳатдан мукаммаллиги билан 1991 йилда қабул қилинган шу номдаги қонундан фарқ қиласди. Бу қонун демократик давлат билан диний ташкилотлар ўргасидаги муносабатлар ижтимоий барқарорлик ва диний бағрикенглий тамоилига таяниши билан ажralиб туради.

---

“Ozbekiston” журнали, 2006 йил. 1-сони. – 22-23-б.

## МИЛЛИЙ ФОЯ ТАРГИБОТИ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МУАММОСИ

Мустакиллик кўлга киритилган дастлабки кунларданоқ, адашмасам, МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб миллий гоя ва мафкурани шакллантириш бизнинг Республикамизда аник-равшан этиб кун тартибига кўйилди. Диққатга сазовор ҳолат шундан иборатки, бу ҳаётий муҳим муаммони ҳал этиш жараёни бошида, унинг назарий ва методологик масалаларини ишлаб чиқишида шахсан Президент Ислом Каримовнинг ўзи турибди. Буни биз Ўзбекистон Конституциясида ҳам, И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўзи истиқлол ва тараққиёт йули” асарига ҳам яққол кўришимиз мумкин. Унда Президент “бир мафкуранинг, бир дунёкарашнинг яккахокимлигидан қатъийян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш” муҳимлигига эътиборни қаратадики, бундай ёндашув жуда улкан методологик аҳамиятга моликдир.

Президентнинг 1992 йилдан кейинги чиқсан китобларида ҳам миллий гоя ва мафкура масаласининг уёки бу жиҳатларини ишлаб чиқишига жиддий эътибор қаратилади. Ислом Абдуғаниевич миллий турур, миллий жипслик ҳамда миллатни бирлаштиришга халақит берадиган ғоялардан озод бўлиш йўлларини излаб топиш хақида фикр юритар экан, бу жараёнда олимлар, зиёлилар барча вакилларининг фаол иштирок этишларига умид бөғлайди. “Президентнинг ғоялари

бу – битта одамнинг гапи, уни ривожлантириш, маъносини кенгайтириш, тўлдириш керак. Мен шахсан шунинг тарафдориман ва сизларни шунга даъват этаман”, – дейди.<sup>1</sup>

Хар бир фуқаро учун ўз фикрини эркин ифода этиш ва уни химоя қила олиши ижтимоий таракқиёт шарти эканлигини таъкидлаб, айни чоғда Президент юрган тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаатини ифодаловчи ғоялар “барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт”, – дейди. Шакланиб бораётган “миллий мафкура концепциясини минг йиллик миллий қадриятларимизнинг ҳозирги замон умумбашарий таалаблар билан уйғунлаштирилган ҳолда яратиш ва одамлар тафаккурига сингдириш олимларимиз, файласуф ва сиёсатшуносларимиз, умуман, илмий жамоатчилигимизнинг дөлзарб вазифаси бўлиб қолмокда”, – деган фикрни илгари суради.<sup>2</sup>

Юкоридаги фикрларни келтиришдан максад шуки, Президент Ислом Каримов миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, унинг мукаммал концепциясини яратишда ўзи фаол иштирок этиш билан бирга, барча илмий ва сиёсий жамоатчиликни ҳам шундай йўл тутишга, бунга бир жараён сифатида ёндошишга даъват этиб келмоқдалар.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентнинг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” 2006 йил 25 августдаги Қарори ана шу жараённинг янги босқичи бошланаётганидан далолат, деб ҳисоблайман.

Аввало, бу қарорда “миллий истиқлол ғояси” ўрнига “миллий ғоя” тушучаси ишлатилади. Сўнгра, қарор матнининг 5 жойида “миллий ғоя ва мафкура” ибораси кўлланилади. Бу, назаримда, мамлакатимизда миллий истиқлол иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан мустахкамланганилиги, бинобарин, миллий истиқлол ғояси ўз тарихий вазифасини бажариб бўлганидан далолат беради. Биз бу масалага фалсафа фанининг айримлик, хусусийлик ва умумийлик категорияси нуқтаи назаридан ёндошсак, “миллий истиқлол ғояси ва мафкураси” –айримлик, “миллий ғоя ва мафкура – хусусийлик, “мафкура” эса - умумийликдир. Яъни, ҳар қандай маънавият муайян дунёкараш билан диалектик алоқадорликда бўлиб, у дунёкаранга доир бош ва асосий ғоялар мафкуравий ижтимоий институтлар, таъсир ўтказиш воситалари, усул-услублари, шакллари орқали одамлар онгига сингдирилиб, қалбидан жой олдирилгач, халклarda ялши умумий феъл-атвёр, фаолият йўналиши вужудга келиб,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: “Ўзбекистон” нашри, 1994. –410-бет.

<sup>2</sup> “Озод” ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт пирорвад максадимиз” И.А.Каримовийн, 2-чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1-сессиясидаги маъруzasи // “Тошкент оқшоми”, 2000 йил 24 январ.

жамиятда гоявий жипслик қарор топади.

Миллий ғоя ва мағкура умумийлик ичидаги хусусийлик бўлиб, у факат битта мамлакатда яшаётган турғи элатлар, ҳалқларнинг миллий мақсадларини рӯёбга чикаришга сафарбар этади. Албатта миллий ғоя муайян мамлакатдаги титул миллат тарихий хотираси, маънавий маданияти ифодаси бўлса-да, аммо унда Ватан бозодлиги, ободлиги, эркин хаёт ва фаровой хаёт учун кураш барча гурухлар, миллатлар муштарақ манфаатларига мувофиқ келиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганимизда, “Эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлини зарур”.<sup>1</sup> Зоро, ҳар қандай мағкурада дунёкараш билан боғлиқ ялпи умумий бош ғоя бўлсагина унинг таъсирчанлиги бекиёс тусда ва омма онгига сингиб, қалбидан жой олади.

Сир эмаски, мактаб ўқитувчиси ва олийтоҳ муаллими унга тавсия этилган дастур ва дарслерга таяниб туриб дарс беради. Укувчи ва талаба ҳам ўкув адабиётларига асосланиб дарсга тайёргарлик кўради. Шу нуқтаи назардан қарасак, фалсафа фанлари доктори Қ.Н.Назаров бошчилигига муаллифлар жамоси томонидан яратилган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”<sup>2</sup> ўкув қўлланмаси биринчи дадил қадам сифатида мамлакатимиз ҳётида, аввало таълим тизимида катта аҳамиятга эга бўлди. 1-блөк фани сифатида нафақат барча олий ўкув юргларида, балки маънавият дарслари билан қўшган ҳолда мактабларда ўтилаётган миллий истиқлол ғояси курсларида ҳам асосий манбабъ бўлиб қолди. Бу ўкув қўлланмаси негизида сиёsat фанлари доктори профессор И.Эргашев мухаррирлигига илмий жамоа тайёрлаган “Миллий истиқлол ғояси”<sup>3</sup> дарслиги бу соҳадаги билимларимиз кенгайиши ва чукурлашиши учун имкон яратди.

Ушбу қўлланма ва дарслер муаллифларининг фаолиятига тегишлича баҳо берган ҳолда, шуни таъкидлаш ўринли бўладики, ҳар икки ўкув адабиётида ҳам баъзи назарий хатолар ва методологик ёндошувларга доир камчиликлар ўтиб кетган. Масалан, ғоя ва мағкура тушунчаларида умумийликдан ташқари айримлик ҳам борлиги назарда тутилмаган. Умуман мағкурага берилган таъриф ва тавсифларни жиддий муҳокама қилиб, илмий жиҳатдан асосланган, фалсафий жиҳатдан ниҳоятда мукаммал таъриф масаласи муҳокамага муҳтож, деб хисоблайман. Миллий мағкуранинг Бош ва Асосий

<sup>1</sup> “Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан курмокламиз”. Ислом Абдуганиевич Каримовнинг “Туркистон газетаси мухбирининг саволларига жавоблари”// “Туркистон” газетаси, 1999 йил 2-февраль.

<sup>2</sup> Каранг: “Янги аср авлоди нашри, - Т.: 2001 йил

<sup>3</sup> Каранг: “Академия” нашри, - Т.: 2005 йил

гояларини ҳозирги таҳрирда ҳам одамлар онги ва қалбидан жой олдириш қийин. “Фоявий иммунитет” билан “мафқураний иммунитет” тушунчаларининг бир хил мазмунда талқин этиш масаласини ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак.

Энг катта камчилик шуки, 2001-2002-йукув йилидан эътиборан бир катор олий ўкув юртларида миллий гоя ихтиёслиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилди. Бакалаврлар ва магистрлар учун давлат стандартларида ўн бештадан ортиқ фан ўтиши назарда тутилган бўлса-да, дарслик у ёқда турсин, ҳатто шу чоққача бу соҳада бирорта ҳам ўкув кўлланмаси чиқарилмади. Ўзбекистон Миллий университети ва Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетида Республика Олий ва Ўрга маҳсус таълим вазирлигининг топнириғига бинюан тузилган ишчи гурухи томонидан шу йўналиш учун тайёрланган кўлёзмаларни нашрдан чиқариш муаммосини ҳал этиш керак, айни соғда ихтисослик йўналишидаги барча фанлар дастурларини янги қарорга мувофиқ тарзда таҳrir қилиб чикиш, улар асосида дастлаб ўкув кўлланмалари, сўнгра дарсликлар тайёрлашга дарҳол киришиш тадбирларини белгилашни тавсия этаман.

Ижтимоий воқеаларга ҳам, улар ифодаси бўлган гояларга ҳам конкрет тарихий нуқтаи назардан ёндошиш, баҳо бериш ва муносабат билдириш масаласида ҳам хато ёндашувлар учрайди. Миллий гоя ва мафқурага муносабатга ўтмишдаги шундай қарашларга ижодий ёндошиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, тарихан энг мукаммал шаклга кирган мафқура жаҳон динлари мафқуралариридир. Бинобарин, диний ташкилотлар, диний жамоалар, илоҳиётчилар, руҳонийлар тарихий тажрибаларига ижодий ёндашиш, фалсафа фанининг инкор категориясида ўз ифодасини топган ворислик алоқадорликларига таяниш методологик аҳамиятга эга деб ҳисоблайман. Бугина эмас, барча мамлакатлар ҳалқлари тарихига назар ташлар эканмиз, вайронкор ва ёвуз гоялар ҳам кучли ва таъсирчан мафқуралар орқали ҳалқ оммаси катта бир гурухининг маслагига айланиб, муайян ижтимоий ҳаракатларнинг вужудга келтирсанлигига гувоҳ бўламиз. Узокқа бормайлик, Гитлернинг “миллий социализм” тўғрисидаги манфур гояси немис ҳалқи катта бир қисмининг эътиқодига мафқура орқали айланган-ку! Большевизм гояси ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Қатор тарихий ходисаларнинг таҳдил этсак, ҳар қандай мафқура уч унсурдан ташкил топганининг гувоҳи бўламиз:

- а) таъсирчан ва мунтазам ташвиқот-тарғибот олиб бориш тизимини хосил этиш;
- б) илгари сурилган Бош ва Асосий гояларга эътиқод

қылғанларни рағбатлантириш;

в) бу тояларга күшилмаган, уларга қарши курашганларга нисбатан жамоатчилик нафратини күзгатадиган ижтимоий мурват (социал механизмларға эга бўлиш.

Булар барчаси Миллий тоя таълим тизимиға киргандан бошлаб, Республиқада ташкил этилган иккита “Экспериментал майдонча”нинг биттасига раҳбарлик қилиб келаётган кишининг мулоҳазаларирид. “Миллий тоя: маънавият ва маърифат” мавзусида ўтказиш мўлжалланган илмий-назарий ва амалий-услубий анжуманда шу каби мулоҳазалар атрофида фикр алмашиб муҳити вужудга келтирилса, у “йигилиш учун йигилиш” эмас, балки амалий фаолият йўналишини белгилаб олиш учун фойдали анжуманлар ўтказиш деб очасига айланиши мумкин, деб ўйлайман.

**Миллий тоя: маънавият ва маърифат**  
Республика Илмий-назарий, омодий узубий  
конференция материалари. Т., 2007 й. 8-9 июн.  
II китоб. -96-100-б.

# СҮНГТИ СҮЗ: ТАҚРИЗЧИЛАРГА

## МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАХҚАМЛАШ ИШҚИДА

Бозор иқтисоди муносабатларида комил инсон шахсини шакллантириш учун көнг ва қурай шароит бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса миллий негизда шаклланган ва ривожлантирилган маънавиятни қарор топтириш назарда тутилмоқда. Сув ва ҳаводек зарур бўлган маънавиятни умумий гаплар билан эмас, балки амалий ишлар билан юксалтириш мумкин. Президент И.А.Каримов айтганидек: «Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришdir. Яъни мустақил дунёкарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо меъроси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат».<sup>1</sup>

Бу жуда улкан ижтимоий вазифани бажариш ишига ҳар бир соҳа мутахассиси ўз улушини қўшиш учун астойдил ижодий меҳнат килиши, фидойилик кўрсатиши зарур бўлиб турибди. Фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Каримовнинг республикамиз мустақиллиги йилларида маънавиятимиз миллий ва илмий негизда ривожланиши учун қилаётган ишларига ана шу нуқтаи назардан ёндашиб маъкул бўлади. Унинг барча асарлари, илмий ва илмий-оммабоп мақолаларининг тўплам ҳолида нашрга тайёрлангани маънавият соҳасида Президент И.А.Каримов зиёлилар олдига изчил кўйиб келаётган вазифаларни бажаришга қаратилган амалий жавоб, десак хато бўлмас.

Ана шу сабабдан китобнинг 2001 йилда нашрдан чиққан нусхаси тезда тарқаб, кўпчилик зиёлилар, докторантлар, аспирантлар, мустақил изланувчилар шахсий кутубхоналаридан ўрин олди. Тўплам маънавият, фалсафа, диншунослик, миллий истиқлол гояси фанларидан дарс бербаётган олий ўкув юргулари профессор-муаллимлари, ушбу фанлардан таҳсил олаётган бакалаврлар, магистрлар учун қўшимча ўкув адабиёти сифатида жуда кўл келмоқда. Бир сўз билан айтганда, китобнинг, 2-тўлдирилган нашрига эҳтиёж кучли. Шу сабабдан муаллиф тўпламнинг 2-нашрини кенг китобхонларга ҳавола этишни лозим топди. Муаллиф китобнинг 2-нашрига жуда оз ададда тарқалган, аммо фалсафа, айниқса миллий гоя ва мафкурага доир рисолалари, илмий-назарий, илмий-амалий конференцияларда қилган маърузалари матни ёки уларнинг қисқача

<sup>1</sup> Президент Ислом Каримовнинг иккичи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърӯзаси //«Тошкент оқшоми», 2000 йил, 24 январ сони.

баёни (тезис)ларини беришни лозим топди. Масалага бундай ёндашув олим доимо изланишда, ўз фикр-мулоҳазаларини тобора чукурлашириш учун тинмай меҳнат қилаётганини англаб олишига имкон яратади.

Тўпламга кирган мақолаларни синчилаб ўқиган киши жўшқин қалбнинг жанговор садосига қулок бермай иложи йўқ. Муаллиф маънавиятнинг таркибий қисми бўлган диншунослик, фалсафа, миллий ғоя ва мафкура соҳасида қалам тебратар экан, айнан шу илмлар хазинасининг ижтимоий тараққиёт ва инсон камолатига хизмат қиласидан даражада бўлиши учун ўз мулоҳазаларини билдиради, таклифлар киритади. Бу ҳолат Ўзбекистонда ижтимоий фикрлар маънавиятни қарор топтириш томон йўналиш олишига катта хиссадир. Фактларга мурожаат этайлик.

«Маданиятимизнинг муҳим белгиси» мақоласида муаллиф қабристонларни тоза тутиш, мархумлар руҳини шод этишга қаратилган урф-одатларнинг катта тарбиявий аҳамияти борлигига эътиборни қаратиб, қабристонларни бутунлай шаҳардан ташқарига чиқариб юбориши миллий маънавий маданиятимизга хилоф эканини исботлайди. Мархумлар руҳи-покларига хурмат тириклар иззати эканини таъкидлайди.

«Зардуштийлик ҳақида ҳақиқат»да ўша пайтгача бу динга бўлган ноилмий муносабатларга тўхталиб, зардуштийликнинг ватани Амударё ва Сирдарё оралиги – Моварооннаҳр экани, у кўп худолик ва оташпарастлик дини эмас, балки вахдоният (якъа худочилик)га асосланган энг биринчي жаҳон дини бўлганини далиллар билан кўрсатади. Бу дин буддавийлик, христианлик, ислом ва бошقا динларга зўр таъсир этиб, умумбашарий маънавий маданият юксалишига улкан хисса кўшганини айтади.

«Диншунослик фанининг янги концепцияси» ҳақидаги маъруза тезисида Олий ва Ўрга маҳсус ўқув юргини битиравучи кадрлар динлар ҳақида муайян билимга эга бўлмасалар, Ўзбекистонда ислом ақидапарастлиги учун йўл очилиб қолишими огоҳлантирган эди. «Фикримизча, – дейди муаллиф, – диндорлик ўз ҳолича инсон камолоти, жамият тараққиётини, унинг покланиши учун хизмат қиласи. Аммо баъзилар олиб бораётган динпарастлик ташвиқот-тарғиботи илмий-техника тараққиётини диний эътиқод андозасига солиш, умуминсоний қадриятларга эмас, балки ислом қадриятларига асосланган жамиятни шакллантиришни назарда тутади. У фикрлар хилма-хиллиги (плурализм)га йўл кўймай, ўз-ўзидан диний мутаассибликка айланадики, унинг дастлабки «мевалар»ни Тожикистон ҳалклари татиб кўрдилар.

Муаллиф 1993 йилда баён этган бу фикрини кейинги асарларида янада чукурлаштиради. Масалан, «Динлар тарихини билиш – тарихий зарурат» деб номланган ва республикадаги кўзга кўринган олимлар ҳам имзолаган асарида бундай дейилади: «Республикамиизда маънавий ҳаёт истиқболини белгилаб олиш кўп жиҳатдан дин, диний ташкилотларга муносабат билан боғлиқ бўлиб турибди». Диннинг Ўзбекистонда маънавий-ахлоқий мухитни поклашдаги ўзига хос ўрнини таъкидлаган ҳолда, гарчи ислом мутаассиблик томонга оғиб кетса, индивидуал ва ижтимоий онгни хиралаштириб, илм-фан равнақига ўзига хос ғоявий тўсиқ бўлиб қолиши мумкинлигига эътиборни қаратади. Бундай бўлмаслиги учун мактаб ва олий ўкув юртини битирувчи ёшлар динларнинг жамиятда тарихан тутган ўрни ва ролига илмий муносабатни шакллантириш ижтимоий зарурат экани таъкидланади.

Олим нафақат газета-журнал мақолалари ва нашрий асарлари орқали, балки республика миқёсида ва эътиборли раҳбарлар иштироқида ўтган йигилишларда ҳам динлар, жумладан, ислом мутаассиблик, ақидапарастлик томон оғиб кетмаслигининг олдини олиб қолиш учун зарур чоралар кўришга чақиргани ва ўз таклифларини киритгани маълум. Иброҳим Каримовнинг фикрича, дин гўё тиниқ ва тошқин азм дарё, у илмий издан борса, жамиятда маънавий-ахлоқий мухит чинакам инсоний тус олади, акс ҳолда диндан ўз ғаразли максадлари йўлида фойдаланувчилар ҳамма ёкни вайрон қилиши, инсон қалбини тошибагирга айлантирини ҳам мумкин. Шундай бўлмаслиги учун қадрларимиз динлар тарихи, унинг илмий-техника илқиlobi (ИТИ) кетаётган жамиятлардаги ҳақиқий ўрнини англаб олишлари, динга билим ва илм сифатида ёндашиб, уни ўрганишлари шартдир. Афеуски, олимнинг бу даъватлари, хавф-хатарнинг олдини олиб қолишга қаратилган огоҳлантиришлари қумга сингиб кетган сувдек беокибат қолди. Натижа нима бўлгани кўпчиликка аён. Ўша 1999 йил 16 февралда Тошкентда диний экстремистлар томонидан қилинган тажовузкорликдан кейин оқ Иброҳим Каримов «Динни сиёсийлаштириш ёвузиқдир» сарлавҳаси остида таҳлилий мақола билан чиқди. Ушбу мақоласида зиёлиларни, айниқса бошқарув тизимидағи кадрларни исломга билим ва илм сифатида ёндашиб, уни ўрганишга, чин моҳиятини ёшларга тушунтиришга даъват этди. «Агар эътибор берсан, – дейилади ана шу мақолада, – вахҳобийлик, “хизби таҳрири исломия” ва бошқа диний-экстремистик ташкилотларга уюшган кишилар асосан ёшлардир. Улар диний билим ва ислом фалсафасини одатий онг даражасида ўзлаштириб олган, бинобарин, унинг туб моҳиятидан бехабар

кимсалардир».<sup>1</sup> Исломни ўрганиш, унинг тинчликсеварлик, инсонпарварлик ғояларидан ижтимоий тараққиёт ва инсон камолоти йўлида фойдаланиш тўғрисидаги фикрларини «Зиёлиллик маъсулияти» мақоласида янада кенгроқ ифодалайди. Шундагина ислом фундаментализми ва экстремизми жамиятимизда илдиз отиши учун имкон қолмаслигига қатъий ишонган файласуф нафақат дин аҳлларини, айни чоғда зиёлиларимизни, айниқса ўқитувчиларни ислом тарихи ва фалсафасини ўрганишга чақиради.

Иброҳим Каримов сабиқ Йиттифок таркибига кирган 15 республика ичида биринчи бўлиб имон муаммоси бўйича докторлик диссертациясини ёклаган олимдир. Тўғри, унгача бу муаммога бағишлиланган номзодлик диссертациялари бор эди. Ана шу диссертациялар ҳамда бу муаммога доир бошқа китоб ва рисолалардаги фикрларни умумлаштиради, улардаги бирёклама ёндашувларни илмий танқид этади. Бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўларек, у ислом ва христиан илоҳиётчиларининг бу маесалага доир фикрларини таҳлил этиб, имон инсон оғийининг нодир ходисаси, унинг руҳий ҳолати, оламни билиш, инсон ўз-ўзини англаш воситаси эканини исботлаган. Олимнинг фикрича, онг соҳиби бўлган одамзот Таянч ишонч – имонга мухтоҷ мавжудоддир. Чунки фақат имон орқали ва унинг воситаси-ила у инсон – жамиятлашган индивидга айланиб, ўзи ва уни куршаган ижтимоий мухит маънавий-ахлоқий мухити соглом бўлиши учун курашчига айланади. Ана шу сабабдан барча динлар аввало одамни инсонга айланиши учун имон феноменидан фойдаланадилар. Олим ўз концепцияси доирасида ёзган қатор асарларида Ўзбекистонда маънавиятни қарор топтириш, миллатлараро ва эътиқодлараро тутувликни вужудга келтирища имон муаммосига илмий-фалсафий ёндашув зарурлигини исботлайди. “Маънавият имондан бошланади” (Э.Умаров билан илмий мулоқот), “Нажот – имонда”, “Имонли одамлар иттифоки ва Ўзбекистонда ижтимоий адолатли жамият куриш масаласи” асарлари бунга мисолдир.

Ўзбекистон мустақил бўлгач, ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан фалсафа боши берк кўчага кириб қолди. Бу муаммони ҳал қилиш учун республикада биринчи марта 1995 йилда “Фалсафадан ваъз матнлари” ўкув кўлланмаси нашр этилишига бошчилик қилди. Зеро, мустақиллик йилларида марксча-ленинча фалсафа деб аталган фалсафага илмий муносабат мухим ижтимоий ходиса бўлиб қолди. Ушбу фалсафий оқимнинг жаҳон бўйича бирқатор мамлакатлар халқлари онгида, руҳий оламида қадр топиши ва XX асрнинг

<sup>1</sup> Каримов И. «Диний сиёсийлаштириш ёвузиликдир». // «Маърифат» газетаси, 1999 йил, 27 феврал сони.

охиirlарида қадрсизланиш туб сабабларини Иброҳим Каримов таҳлил этади. XIX асрнинг ўрталарида Фарбий Оврупо мамлакатларида юз берган иқтисодий бўхрон, христиан динининг халқ оммаси онгида маълум даражада қадрсизланиши оқибатида марксча фалсафа шакллангани, у христианликдаги халоскорнинг келишига ишонч руҳида тарбияланган халқларда адолатли жамият бўлишига қандайдир ишончни юзага келтиргани натижасида марксизм муйян даврда қадр топди. Олим марксизмнинг қадр топишида унда динлардаги оммага таъсир этишининг барча элементлари сақланганига эътиборни қаратади. Ленин бошлиқ рус большевиклари марксизмни православие динининг дунёвий кўринишига айлантириб, тарихда мисли кўрилмаган террорчиликка асосланган қудратли империяни вужудга келтиришга муваффақ бўлишганини муаллиф далиллайди. У бундай дейди: «Ленин бошлиқ рус большевиклари амалга ошироқчи бўлган қатта худудлардаги ижтимоий синов (социал эксперимент)ни ИТИ туфайли инсоният осмонида пайдо бўлган «қора булут» тобора куюқлашиб бориши, демак, маънавий инкиroz янада чуқурлашиб, одамзодда вахшиёна хирс-туйғулар ривожланиб боришига йўл очди». <sup>1</sup> Олимнинг ушбу фикри ҳам диккатга сазовардир: «Марксизм ва марксча фалсафа аслида сиёсат сифатида турган бир гурух чаласавод ва халқдан ажралган кишиларнинг ўз нодонликларини оқлаш воситасига айланниб қолган эди». <sup>2</sup>

Ўзбекистон мустақиллиги ва уни мустаҳкамлаш манфаатлари фалсафа, унинг жамият тараққиёти ва инсон камолатидаги ўрни ва мақомига илмий муносабатни вужудга келтиришни тақоза этмоқда. Шу муносабат билан «фалсафани янгилаш», «миллий фалсафа яратиш» шиорлари остида фалсафани фан сифатида тан олмай, уни тарихий илдизларидан маҳрум этиш майллари кучайди. Иброҳим Каримов шу муносабат билан нашр этилган асарлари ва эълон қилинган мақолаларида бу майл (тенденция) Ўзбекистонда ижтимоий фикрларни ноилмий томонга буриб юбориши мумкинлигини кўркмасдан, дадил айта олди. Олимнинг фикрича, фалсафани фан сифатидан тан олиш, Ўзбекистонда шаклланиши назарда тутилаётган ушбу фанга янгича методологик ёндашув албатта зарур. Янгича медологияга асосланган фалсафа фани синфиийлик (партиявийлик) ва мафкуравий адашувлардан батамом ҳолос бўлиши шарт. Сўнгра, у ғарбпарастлик ва шарқпарастлик майлларидан ҳам ҳоли бўлиши даркор. Янгича методологияга асосланган фалсафа фанининг

<sup>1</sup> Каримов И. Марксча фалсафа: унинг қадр топиши ва қадрсизланиш сабаблари. // «Фалсафадан вазъ матнлари» (Ўкув-услубий кўзламма). Т., 1995 й., 91-бет.

<sup>2</sup> Каримов И. Марксча фалсафа: унинг қадр топиши ва қадрсизланиш сабаблари. 93-94-бетлар.

предмети ва унда баён этилиши назарда тутилган мавзулар кенг илмий жамоатчилик иштирокида, чинакам бахс-мунозара мухитида аниклаб олиниши албатта зарур. Бусиз республикамида ижтимоий-сиёсий фикрлар боши берк кўчага кириб қолиши хавфи бор. Иброҳим Каримовнинг ушбу тўпламга кирган «Донишмандлик фани», «Илмий бахс – ижтимоий зарурат», «Фалсафа ва тараккиёт», «Фалсафа – яхлит фан» асарларини ўқиган китобхон мана шу умуммиллий, умумбашарий ахамиятта молик фикрлар билан ошно бўлиши мумкин.

Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёк миллий гоя ва мафкурани шакллантириш масаласи билан жиддий шуғулланишга зиёлиларни даъват этибгина қолмай, ўзи бу муаммони ҳал этиш концепциясиний яратди. Иброҳим Каримов Президентнинг миллий истиқлол гояси ва мафкураси соҳасидаги фикрларини кизгин кўллаб-кувватлаб, бу Ўзбекистон ҳалқлари учун ҳаёт-мамот масаласи эканини таъкидлайди. Ушбу тўпламга кирган қатор мақолалар, рисолаларида миллий истиқлол гояси ва миллий ғоянинг тарихий фалсафий илдизларига жиддий аҳамият бериш кераклигига эътиборни каратди. Ҳалқ таълими ва Олий таълимда бу фанни ўтишга дифференциал муносабатда бўлишига даъват этади.

Бу китобга кирган илмий, илмий-оммабоп асарлар файласуф олим мустақиллик йилларида республика ҳаётида содир бўлган энг муҳим ижтимоий ходисаларга ўз муносабатини билдириб, Конституцион бурчини аъло даражада бажараётганндан далолат беради. Орқаваротдан отилаётган асоссиз тошлар, маломатларга қарамай, олим ўз ҳалки, Ватани, виждони олдида поклигини чукур англагай ҳолда, илмий-ижодий ишларни давом эттирунга. Файласуф олимнинг ушбу китобга кирган барча асарлари республикамиздаги эътиборли газета-журналларда чоп этилган, ўкув кўлланмаларида нашрдан чикиб, апробация (илмий синовдан) ўтган. Шуниси кувонччилики, бу тўпламга кирган мақолаларга нисбатан илмий жамоатчилик томонидан деярли салбий фикр баён этилган эмас.

Умуман, И.Каримовнинг байзи асарларини тўплам ҳолида, иккинчи, тўлдирилган нашри республикамиз маънавий равнақига кўшилган ўзига ҳос ҳисса бўлади, деб ҳисоблаймиз. Бу китобдан нафакат Олий ўкув юрглари профессор-муаллимлари, талабалари, аспирант ва докторантлари, шу билан бирга маънавиятни қарор топтиришга дахлдор бўлган давлат ва нодавлат ташкилотларида ишлаётгай масъул кадрлар ҳам ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Э. Умаров,  
Ўзбекистон Миллий университети  
профессори, фалсафа фанлари доктори.

## **КҮП УЛУҒ ИШ**

Ушбу китобниң 1-нашри нафақат менинг, балки бошқа касбдошларимнинг ҳам иш столи устида ҳамиша турадиган бир қадрли манбась бўлиб қолган. б йилдан сўнг унинг 2-тўлдирилган нашри чиқарилса, у республикамиз маънавий ҳәтида мухим бир воеа бўлади, деб хисоблайман.

Гап шундаки, профессор И.Каримов Ўзбекистон мустақиллигини қизғин кутиб олиш билан чегараланмасдан, айни чоғда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан мустаҷкамланиши ишига муносиб хисса қўшиш учун гайрат билан ишлаб келаётган олимлардан биридир. Ана шу сабабдан олим мустақиллик йилларида фалсафа фанидан ўкув ва методик кўлланмалар тайёрлади, диншунослик фанининг қатор масалаларига ойдинлик киритди, айникса имон нафақат барча динларнинг, балки фалсафий фанларнинг ҳам олий қадрияти эканини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлади.

Ўзбекистон Президентининг Фармонига мувофиқ, миллый истиқлол ғояси йўналишидаги фанлар бўйича республикада иккита «экспериментал майдонча» ташкил этилган эди. «Экспериментал майдонча» раҳбари сифатида И.Каримов ишчи гурухи тузиб, миллый истиқлол ғояси ва мағқураси йўналишида қатор дастурлар тайёрлади. Бу фанни ўқитиш назарий жиҳатдан пухта, методологик жиҳатдан мўкаммал бўлиши учун ҳаракат қилиб келмокда. Ташкилотчи ва изланувчан файласуфнинг тўпламга киритилган ва ёшларни чукур мулоҳаза қилишга чорлайдиган илмий ва илмий-оммабоп мақолалари, рисолаларининг тўплам холига келтириш кўп улуг иш бўлган.

«Маънавият, фалсафа ва ҳёт» китобининг иккиячى нусхасини шу сабабдан насрдан чиқарышни тавсия этаман.

**С.И.Валиева,**  
Низомий номидаги ТДПУ профессори,  
фалсафа фанлари номзоди.

## МУНДАРИЖА:

Муқаддима.	3
Аждодларимиз маймундан таркамаган.	5
Маданиятимизнинг муҳим белгиси.	9
Зардуштийлик ҳакида ҳакикат.	11
Диншуюслик фанининг янги концепцияси ҳакида.	21
Динлар тарихини билиш – тарихий зарурат.	24
Ҳаёт-мамот масаласи.	28
Иктисолд, маънавият ва имон муаммоси.	30
Мафкура ва тарбиянинг гоявий асоси.	32
Маънавият имондағ башланади.	33
Нажот – имонда.	39
Марксча фалсафа: унинг кадр топишни ва қадрсизланиш сабаблари.	44
Ўзбекистон мустакиллигининг назарий-фалсафий муаммолари.	58
Ўз-ўзини англаш ва миллий ўзликни англаш диалектикаси.	68
<u>Ҳаёт-мамот умумбазарий (глобал) муаммолар ва уларни ҳал килиш йўллари.</u>	<u>80</u>
Маданият ва цивилизация.	91
Марказий Осиё ҳалқлари тарихида дин.	101
Маънавий маданият ривожида ҳурфиксрилийкнинг тутган ўрни.	117
Имонли одамлар иттифоқи муаммоси ва Ўзбекистонда ижтимоий адолатли жамият қуриш масаласи.	132
Имон ва имонлилик шартларининг фалсафий идроки.	142
Доницмандлик фани.	149
Фалсафа – яхлит фан.	151
Илмий бахс – ижтимоий зарурат.	206
Динни сиёсийлаштириш ёвузиликдир.	211
Маънавий илдизи теран миллат.	215
Зиёлилик маъсулияти.	218
Фалсафа ва тараққиёт.	224
Ўйлаб топилган укубат.	238
Марғилонда истиқлолчилик ҳаракати ва унинг умуммиллий моҳияти.	244
Форми ёки мафкура?	248
Тарихни фалсафий идрок этиши муаммоси.	251
Ёшлишимиз йўлдан оғиши масин.	256
Миллат шаъни.	259
Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари.	275
Миллый фоя тарғиботи таъсирчанлигини янада ошириш муаммоси.	279
Сўнгги сўз: тақризчиларга.	284
Мустакилликни мустаҳкамлаш ишқида.	284
Кўп улуғ иш.	290

Мухаррир: А.Абдусамедов  
Мусаххих: В.Хўжаева  
Компьютерда сахифаловчи: О.Хаётбеков

Нашриёт рақами: М-783  
~~Босишга руҳсат этилди 11.10.2007 й. Биними 60/84. 1/16~~  
~~хисоб-нашриёт табори 11,0 шартли бома табори 12,0~~  
Times New Roman гарнитураси. Адади 1000 нусха. Буюртма № 34  
Келишилган нархда

ЎзРФА “Фан” нашриёти: 100170,  
Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

“STAR-POLIGRAF” ХФ босмахонасида босилди.  
Тошкент, Беруний кўчаси, 1-298.